

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

# БОБУРНОМА

ЗАХИРИДДИН
МУХАММАД
БОБУР

# БОБУРНОМА

# БОБУРНОМА

در ماه رمضان سنه هشتصد و نود و نه در ولایت فرغانه در دوازده سالگی
پادشاه شدم ولایت فرغانه از اقلیم پنجم است و در کنار معموره عالم واقع
شده شرقی او کاشغر و غربی او سمرقند و جنوبی کوهستان سرحد بدخشان و در
شمالی او اگرچه پیش ازین شهرها بوده مثل المالیغ و الماتو و یانگی که در کتب تاریخ
باطرار مشهور است اما از جهت جور اوزبک درین تاریخ ویران شده و اصلا
معموره نمانده و این فرغانه مختصر ولایتیست اما میوه و غله او فراوانست و اطراف او
کوهستان افتاده و غربی او که سمرقند و خجند باشد کوه نیست و بغیر ازین جانب
از طرف دیگر یاغی بیگانه نمی تواند در آمد دریای سیحون که آب خجند شهرت یافته
از طرف مابین شرق و شمال آمده از میان این ولایت شده بطرف غرب میرود

БОБУР НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

# БОБУРНОМА

ТОШКЕНТ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ БОШ ТАҲРИРИЯТИ
2002

**Таҳрир ҳайъати:**

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ, Бобур АЛИМОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ,
Сайфиддин ЖАЛИЛОВ, Ансориддин ИБРОҲИМОВ,
Фатҳиддин ИСҲОҚОВ, Зокиржон МАШРАБОВ,
Неъматуллоҳ ОТАЖОНОВ, Алибек РУСТАМОВ,
Фозила СУЛАЙМОНОВА, Хайриддин СУЛТОНОВ,
Азиз ҚАЮМОВ, Пиримқул ҚОДИРОВ

**Порсо ШАМСИЕВ, Содиқ МИРЗАЕВ**
**ва**
**Эйжи МАНО (Япония)**

нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи:

Саидбек ҲАСАНОВ

**Масъул муҳаррир:**

Ваҳоб РАҲМОНОВ



Б—79

**Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома.**

Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. /Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. // Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. /// «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, Т., — 2002. 336 бет + 32 бет зарварақ.

**Ўз1**

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2002

# Буюк қомусий асар

Жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасини бунёд этиш ҳамда бойитишда қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрни, бекиёс ҳиссаси бор. Узоқ тарихий жараён давомида халқимиз дунёга кўплаб ажойиб илм-фан, санъат ва адабиёт намояндаларини етказиб берган. Буюк аждодларимиз яратган илмий, бадиий, қомусий асарлар неча минг йиллардан буён турли халқлар томонидан мутолаа қилинмоқда, авайлаб, эъзозланиб, асрлардан асрларга ўтиб келмоқда, ўнлаб тилларга таржима этилиб, истеъдодли котиблар томонидан кўчирилиб, моҳир мусаввирлар, наққошларнинг мўйқалами билан зийнатланиб, инсоният тафаккурини бойитмоқда, одамларга маънавий завқ-шавқ бағишламоқда.

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда таваллуд топиб, 1530 йил 26 декабрда Аграда вафот этган. Бобур Мирзо улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, айни замонда моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби ҳам эди. Унинг шеърий девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Мубаййин», «Рисолайи волидийя» (таржима) каби илмий ва бадиий баркамол асарлари бизгача етиб келган. Бу асарларнинг ҳар бири ўзбек назми ва насри ривожида муҳим босқични ташкил этиш билан бирга, адабий-бадиий фикр тараққиётига қўшилган катта ҳисса, XV аср охири — XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи, жуғрофияси, этнографияси, ўсимлик ва ҳайвонот олами, халқи, одамларининг касб-кори, тили, ҳаёт тарзи ва бошқа хусусиятлари ҳақида бебаҳо маълумотларни ўзида мужассам этган манбадир.

Шунинг учун ҳам мазкур асарлар, хусусан, «Бобурнома» кўп асрлардан бери Шарқ ва Ғарб тарихчилари ҳамда бошқа фан соҳалари вакилларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда, уларнинг Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихини ўрганишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Бобур, шароит тақозоси билан ўзининг ҳарбий юришларини Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудига кўчирган бўлса ҳам, умрининг охирига қадар Ўрта Осиёга қайтиш фикридан воз кечмади. Унинг 1510 йилда Шайбонийхон Марвда ўлдирилгач, Самарқандга юриш қилиши, кейинчалик Ҳиндистондан туриб ўғиллари (Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндол ва Аскарий)га тегишли кўрсатмалар бериб турган бу фикрни тасдиқлайди.

Жумладан, у Ҳумоюнга ёзган хатларидан бирида шундай дейди: «Яна Комронға, Кобулдағи бекларга фармон бўлдиким, бориб, санга қўшулуб, Ҳисор ё Самарқанд, ё ҳар сориғаким, салоҳ

давлат бўлса, юругайсиз. Тенгрининг инояти била ёғийларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсор қилғайсиз, иншооллоҳу таоло. Агар Тенгри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агар Тенгри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандта сен ўлтурғил, Ҳисор вилоятини, иншооллоҳ, холиса қилғумдур».[1]

Лекин Бобурнинг бу умидлари ҳам рўёбга чиқмади, у она Ватанига қайтиб кела олмади.

Бобур Мирзо 1504 йилда, 21 ёшида Кобулни эгаллаб, у ерда қарор топади. У Афғонистонда ўз салтанатини мустаҳкамлайди ва ижод билан шуғулланади. 1519 йилдан 1525 йилгача беш марта Ҳиндистонга юриш қилади ва 1526 йил апрель ойида Панипат шаҳри яқинида бўлган жангда Иброҳим Лудийни енгиб, Деҳли ва Агра шаҳарларини эгаллайди, Шимолий Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бобурнинг ўз қўшинига нисбатан сон жиҳатдан бир неча бор устун бўлган Иброҳим Лудий лашкарини тор-мор келтиришининг асосий ва бош сабаби — бу даврда Шимолий Ҳиндистондаги сиёсий беқарорлик, феодал тарқоқлик ва иқтисодий тушкунлик ҳукм сурганн эди. Ҳиндистон Республикасининг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Неруннинг таъкидлашича, *«аҳвол яна шу боисдан ҳам ёмонлашган эдики, қотиб қолган диний ақидалар ва қатъий, ўзгармас социал тартиб ижтимоий турмушнинг асосини ташкил қилиб, тараққиётни тўхтатиб қўйган эди».*[2]

Албатта, Бобурнинг ғалабасида унинг кўп йиллар давомида тўплаган ҳарбий тажрибаси, ақлзаковати, қўллаган тактик усуллари (масалан, тулғама усули), ўтсочар қуроллардан фойдалангани ҳам муҳим ўрин тутган.

Шундай қилиб, Бобур 1526 йилда Ганг дарёсидан Амударёгача бўлган ҳудудни бирлаштирган улкан салтанатни вужудга келтирган. Бу давлат кейинчалик унинг ворислари Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб даврида янада кенгайиб, Ғарбда «Буюк мўғуллар империяси» номи билан шуҳрат топган.[3]

Бобур эса бу давлат тепасида атиги беш йилча ҳукмронлик қилиб, 1530 йил 26 декабрда вафот этади. Мана шу қисқа вақт ичида буюк салтанат соҳибининг саломатлиги ёмонлашиб боришига қарамай, у катта ижобий ишларни амалга оширишга улгурган эди.

Бобур Агра ва Деҳли шаҳарлари атрофини ободонлаштириш, Жамна дарёси бўйларига саройлар, қасрлар, ҳаммомлар қуриш, боғлар барпо этиш ишларига бош-қош бўлади, бозорлар, гузарлардан олинадиган тамға солиғини бекор қилади, Кобул ва Ғазна шаҳарларини сув билан таъминловчи ва илгари бузиб ташланган сув иншоотларини қайта тиклаш учун маблағ ажратади. Аградан Кобулга борадиган савдо йўлининг бехатарлигини таъминлаш мақсадида карвонсаройлар, работлар қурдиради. Ўз атрофига олим ва шоирларни тўплаб, уларнинг ижодий ишларига ҳомийлик қилади.

Бобур саройига Ўрта Осиё ва Хуросондан

---

[1] Ушбу нашр. 348-б, 349 а.

[2] *Неру, Джавахарлал.* Открытие Индии. С. 272—273.

[3] Шу муносабат билан «Буюк мўғуллар империяси» атамасига ўз муносабатимизни билдириб ўтсак. Ҳиндистонда Бобур асос солган салтанатнинг бу ном билан аталиб кетиши мантиқан тўғри эмас. Тарихдан маълумки, Чингизхон вафотидан сўнг унинг бепоён империяси ўғиллари ўртасида тақсимланиб, Кавказдан Ҳиндикуш ёнбағирларигача бўлган катта қисми Чиғатойга тегиб, «Чиғатой улуси» деб номланади. Унинг Мовароуннаҳр аталган қисмини Чиғатой давлати деб, бу ҳудудда яшаган халқларни «Чиғатойлар» деб аташ урф бўлади. Аслида эса, бу давлат Туркистон ва Хуросондан иборат эди. Унинг шимоли-шарқида қолган халқлар ўзларини мўғуллар деб, ўз юртини эса Мўғулистон деб атадилар. Тарихдан шу нарса ҳам маълумки, Бобур ва бобурийлар ота томондан насл-насаби кейинчалик ўзбек номини олган туркий қавмлардан, яъни темурийлардандир. Бунинг устига, Ҳиндистонда Бобурнинг лашкари ҳамда давлатини «мўғуллар» деб атамаганлар. Ўша даврдаёқ «туркий давлат» деган тушунча бор эди. Бобур эса, гарчи она томондан мўғул хонига олис авлод бўлса ҳам, мўғулларни умуман ёқтирмас эди («Бобурнома»да мўғуллардан шикоятлар кўплаб учрайди).

Текширишлар шуни кўрсатадики, «мўғул» номини истеъмолга киритиб, уни бобурийларга нисбат берганлар узоқ вақт Бобурга, сўнг Ҳумоюн ҳамда Акбарга бўйсунмаган жанубий султонликлар эди. Улар ҳақида китоб ёзган тарихчи Фаришта Бобур давлатини «мўғул» деб атаган. Бу худди сафавийлардан аламзадалар уларни «қизилбошлар» деб атаганига ўхшайди.

Ҳиндистоннинг жанубий султонликларига XVII асрда денгиз томондан келиб ўрнашган португалияликлар маҳаллий ёзма адабиёт билан танишиб, «мўғул» номини Оврупога ёйдилар. Йиллар ўтиши билан бу ном оврупoликлар хотирасига ўрнашиб, сўнг китобийлашиб кетди, натижада Бобур асос солган давлат «Буюк мўғуллар империяси» деб аталадиган бўлдики, бу Бобурийлар салтанатига мутлақо ёпишмайди.

Шукрлар бўлсинким, истиқлолимиз туфайли бу борадаги чалкашликларга ойдинлик киритилди (қаранг: *Иброҳим Ғофур.* «Бобурийлар монгол эмаслар», Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 12 февраль. Унга акс-садолар: *С.Жалилов, Ф.Сулаймонова, И.Ҳошимова* мақолалари. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 26 март, 16 апрель, 14 май). Айрим оврупoлик бобуршунослар ҳам «Буюк мўғуллар» атамаси хато эканини таъкидлашмоқда (масалан, француз ёзувчиси Флора Анна Стил «Бобурхон» романининг кириш сўзида).

Табиатшунос олим Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги Бобур номли Халқаро илмий экспедиция ўз сафарларида Покистон ва Ҳиндистон илмий доираларида бобурийлар «Буюк мўғуллар» деб айтилаётганига диққатни жалб қилган. Экспедиция имкон доирасида бу масалага аниқлик киритишга ҳаракат қилган. Демак, масалага ёндашишда янги босқич бошланди, ҳақ жойида қарор топади, деган ишончдамиз.

машҳур тарихчи Хондамир, файласуфлардан Абулбаҳо, шоирлардан Мавлоно Шиҳоб Муаммоий (тахаллуси «Фақирий»), Мулла Бақоий, Видоий, Абдулвоҳид Фориғий, Шайх Зайн ва бошқалар келиб, ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилганлар. У ҳинд олимларидан Шайхорони ўзига вазир қилиб тайинлаган.

Бобур асос солган салтанат, мамлакатни маълум даражада сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, ободонлаштириш ва маданий жиҳатдан юксалтириш нуқтаи назаридан Ҳиндистон учун фойдали бўлган эди.

Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» ва «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида Бобур ва унинг набираси Акбарга юксак баҳо берган. Жумладан, у шундай деб ёзади: «*Бобур — дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, истеъдодли лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли, идеалист ва хаёлпараст, шу билан бирга, у ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг садоқатига сазовор бўлиш учун интилувчи одам бўлган.*

*Саркарда сифатида Акбар бутун Ҳиндистоннинг кенг ҳудудини ўзига бўйсундирган, лекин у бу ютуқларидан ҳам мустаҳкамроқ ғалабани қўлга киритишни, яъни одамларнинг фикри ва қалбини забт қилишни ўйлар эди. Акбар саройида бўлган португалиялик иезуитларнинг айтишларига қараганда, унинг боқиши жозибали бўлиб, «кўзлари қуёш нурига тўла денгиздай чақнаб турар эди»... Акбар қадим замонлардан бери хаёл қилиб келинаётган, яъни бир давлатга фақат сиёсий жиҳатдан бирлашган бир бутун Ҳиндистонни эмас, балки бир халқ сифатида табиий равишда шаклланган ягона Ҳиндистон ҳақидаги кўҳна орзуни қайта тиклади. Унинг саройида ҳар хил диний эътиқоддаги, янги фикр-мулоҳазаларни изҳор қиладиган ёки янгиликлар очган одамларни учратиш мумкин эди. Ҳатто у барчани қаноатлантирадиган умумий синкретик дин барпо қилишга ҳам уринган. Шимолий Ҳиндистондаги ҳинди ва мусулмонларнинг бир-бирига бўлган маданий таъсирлари унинг даврида бирмунча олдинга силжиган. Акбарнинг ўзи, сўзсиз, ҳиндлар орасида қанчалик машҳур бўлса, мусулмонлар орасида ҳам шунчалик машҳур бўлган. Унинг сулоласи баайни ҳинд сулоласи сифатида мустаҳкамланган*».[4]

Кейинчалик Неру «Жаҳон тарихига бир назар» номли уч жилдли асарида ҳам Бобур ва Акбар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Жумладан, Бобур ҳақида шундай ёзади:

«*Бобур шу пайтгача ўтган маданиятли ва жозибадор инсонлар орасида энг етукларидан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди... Бобур санъат ва адабиётни айниқса севар эди*».[5]

Бу таърифларнинг ҳаммаси Бобур шахсиятига, у асос солган салтанатнинг Ҳиндистон тарихида тутган ўрнига берилган ижобий баҳодир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг йирик давлат арбоби ва саркардаси бўлиш билан бирга, ҳассос шоир, адиб, таржимон ва етук олим ҳам эди. У ўзидан башариятга бой адабий ва илмий мерос қолдирган. Бизгача етиб келган асарларининг ўзи ҳам Бобур ижодининг кўп қиррали, жанр жиҳатидан хилма-хил ва ранг-баранглигини кўрсатади. Унинг асарларида инсон ва табиат гўзаллигининг муҳиби, энг яхши ахлоқий фазилатларни қадрловчи, рўй берган тарихий воқеаларни аниқ акс эттирувчи, зулм ва риёкорликни қораловчи, тарихий шахслар фаолиятини холис мушоҳада қилиб, олимлар, шоирлар ва санъаткорлар ижодига замоннинг илғор анъаналари нуқтаи назаридан баҳо бера оладиган аллома ва донишманд сиймоси китобхон кўз ўнгида намоён бўлади. Бобур ўзининг ана шундай илғор қарашлари, илм-фан ривожи йўлидаги хизматлари билан башарият тарихида ўчмас из қолдирган буюк зот ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Бобур ижоди Ўзбекистонда, баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда, XX асрнинг 40-йилларигача деярли ўрганилмади. Бунга асосан шўролар ҳукмронлиги даврида олиб борилган мустабид сиёсат, миллатимизнинг атоқли шахслари, олиму фузало, шоиру мусаввирлари ҳаёти ва ижодини, бир сўз

[4] *Неру, Джавахарлал.* Открытие Индии. С. 272—273.

[5] *Неру, Джавахарлал.* Взгляд на всемирную историю. Том 2. М. 1975. С. 115.

билан айтганда, миллий қадриятларимизни ўрганишга бўлган салбий муносабат сабаб бўлган.

Лекин «коммунистик ғоявийлик» шиори давлат сиёсатига айлантирилган ўша машъум замонда ҳам Алишер Навоийдек буюк сўз даҳоларининг меросини инкор этишга хеч ким журъат қилолмаган. Навоийнинг 500 йиллик тўйини ўтказишга тайёргарлик кўриш асносида унинг замондошлари ижодини четлаб ўтиб бўлмаган. Шу сабабли Навоийнинг кичик замондоши ҳисобланган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида дастлабки мақолалар 1940 йилдан бошлаб чоп этила бошлаган.[6] Айрим хрестоматияларга унинг асарлари киритилган,[7] Бобур лирикаси ҳақида номзодлик иши ёзилган.[8]

Заҳматкаш олимлар Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар томонидан 1948—49 йилларда «Бобурнома»нинг икки жилдлиги кирилл ёзувига табдил қилиниб, чоп этилган. Шу йиллари «Бобурнома» шарқшунос Михаил Салье томонидан рус тилига таржима қилиниб, нашр босилиб чиққан.

1948 йил май ойида Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги, сўнгра, 1968 йил сентябр ойида 525 йиллиги бутун юртимизда кенг нишонланиши халқимизнинг ўтмиш қадриятларини, ота-боболаримиз илмий-ижодий меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга бўлган интилишларни кучайтириб юборди. Ғоявий тўсиқларга қарамасдан, XX асрнинг 50—60-йилларида олимларимиз Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар, Махмур, Гулханий, Нодира, Увайсий, Мунис, Огаҳий каби мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодини ўрганишга алоҳида эътибор бердилар. Худди шу йилларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ҳам кенг кўламда ўрганила бошланди.

1958 йилда Бобур Мирзо таваллудининг 475 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан академик В.Зоҳидовнинг «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1958 йил 12 апрель сонида босилган «Бобурнинг адабий фаолияти», «Шарқ юлдузи» журналининг 1958 йил 11-сонида босилган «Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида» мақолалари, 1958 йилда Тошкентда ўтказилган бутуниттифоқ шарқшуносларининг биринчи анжуманида «Заҳириддин Бобур» мавзуида қилган маърузаси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1959 йилда Азиз Қаюмов ва Сабоҳат Азимжонова томонидан «Бобур лирикаси» деб номланган рисола нашр этилди. Унда Бобур ғазаллари, рубоийлари, маснавийлари ва «Мубаййин» рисоласидан парчалар ўрин олган. 1960 йилда «Бобурнома»нинг илмий нашри чоп этилди. Мазкур нашрларнинг дунё юзини кўриши билан Бобур ижодини турли жиҳатдан тадқиқ этиш бошланди, бир қатор номзодлик ва докторлик ишлари ёқланди, рисола ва илмий мақолалар чоп қилинди.[9]

Албатта, бу илмий ишлар, оммабоп мақола ва рисолаларда Бобур ижоди, унинг бадиий ва санъаткорлик маҳорати, дунёқарашининг барча қирралари рўй-рост ва ҳаққоний талқин этиб берилгани йўқ. Шоирнинг динга, сўфийлик таълимотига, хусусан, нақшбандийлик тариқати ҳамда унинг йирик вакили Хожа Аҳрор Валийга бўлган муносабатлари четлаб ўтилди, Бобурга нисбатан икки томонлама — биринчидан, истеъдодли шоир, ёзувчи ва олим сифатида, иккинчидан, темурийзода, феодал синф вакили, босқинчи сифатида ёндашилди. Чунки ўша вақтда ҳукмрон мафкурага хос бўлган «коммунистик ғоявийлик», «синфийлик» каби сохта тушунчалар шуни тақозо этар эди.

XX асрнинг 70-йиллари, хусусан, 80-йилларга келиб эса Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсиятига нисбатан бир томонлама муносабат, уни «босқинчи», «золим», «темурийлар намояндаси»,



[6] *Ёқубов Ҳ*. Бобир. Т , 1941; Ёқубов Ҳ. Улуғ шоир ва адиб // Қизил Ўзбекистон, 26 декабрь, 1940; *Шайхзода М*. Заҳириддин Бобир // Гулистон. 1940. № 1; *Шайхзода М*. Бобир ва Навоий // Қизил Ўзбекистон. 23 декабрь, 1940 ва бошқалар.

[7] Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. II том. Тузувчи: *Олим Шарафиддинов*. Т., 1945; Ўзбек поэзияси антологияси. Сўзбоши муаллифи: *Ойбек*. Т., 1945; Ўзбек поэзияси антологияси. Сўзбоши муаллифи: *Ойбек*. Т., 1948 йил; Навоий замондошлари. Тўплам. Т., 1948.

[8] *Алиев Саид*. Бобир лирикаси Номзодлик диссертацияси, 1948.

[9] *Джамалов С*. О художественных особенностях «Бабурнаме». Дисс. канд. фил. наук. Т., 1961; *Атаджанов Н* Художественный перевод и научное комментирование (на материалах «Бабурнаме») Дисс. канд фил. наук. Т., 1978; *Ходжаева Л*. Проблемы перевода: Характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме». Дисс. канд. фил. наук Т., 1986: *Шукруллаева С*. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме» в его английских переводах. Дисс. канд. фил. наук. Т., 1989: *Ҳасанов Х*. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг географик мероси Т., 1966; *Азимжонова С. А*. Ферганский удел Омара-Шейха и Бабура (в XV и начале XVI вв). Канд. дисс. Т., 1949; Государство Бабура в Кабуле и Индии. Докт. дисс. Т. 1969; К истории Ферганы второй половины XV века. Т., Фан, 1957: Ред. и предисловие в книге «Бабурнаме». Записки Бабура. Т., 1958; Государство Бабура в Кабуле и в Индии (монография). М., 1977; *Ҳасанов С*. Бобурнинг «Аруз рисоласи» асари. Т., Фан, 1971.

«феодал синф вакили» деб ноҳақ қоралаш кучайди. Бу даврда халқаро жамоатчилик шоир таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кураётган эди.

Бироқ ўша вақтда собиқ марказдан берилган кўрсатмалар туфайли буюк шоирнинг беш асрлик юбилейи ўтказилмади. Белгиланган юбилей тадбирлари қоғозда қолиб кетди.

Ўтмишга салбий муносабат ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини чулғаб олган эди, жумладан, дарсликларимиз ҳам бу таъсирдан холи эмас эди. Масалан, ўша даврда педагогика институтлари тайёрлов бўлимлари учун чиқарилган «Ўзбек адабиёти» дарслигида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Бобур — Афғонистон ва Ҳиндистонни босиб олган феодал ҳукмдор. Бу ерларни қўлга киритишда қаршилик кўрсатган минглаб кишиларни ўлдирган, талаган, ўз синфининг манфаатини кўзда тутган темурийларнинг сўнгги вакили...»[10]

Узоқ ўтмишда яшаб ижод этган, илм-фан, адабиёт, санъат ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизга нисбатан бундай нотўғри ва ноҳақ қарашлар 80-йилларнинг охирларига келиб аста-секин ижобий томонга ўзгара бошлади.

Шу маънода, Ўзбекистон мустақиллиги арафасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолияти ҳақида республикамиз Президенти Ислом Каримов билдирган қуйидаги фикрлар алоҳида эътиборга молик: *«Яқиндагина ўзбек адабиётининг классиги Бобурни баҳолашда тор синфий ёндашув рўй берди. Адиб ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1986 йилда бўлган учинчи пленумида Бобур шахси таҳқирланиб, у «маърифатли золим» деб тилга олинди.*

*Халқимиз... жумҳуриятимиз ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва юртимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлиги бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз».*[11]

Шуни ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, буюк аждодларимизга, уларнинг бой меросига муносабат борасида истиқлол арафасида белгиланган ана шу тамойилларга бугун оғишмай амал қилиб келинмоқда. Шукрлар бўлсинким, юртимиз мустақилликка эришгач, улуғ ватандошларимиз Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Раҳим Феруз, Нодира каби кўплаб аждодларимизнинг ҳаёти, ижоди, илмий мероси атрофлича ўрганила бошланди, уларнинг таваллуд саналари кенг нишонланиб, номлари абадийлаштирилди, ўзбек давлатчилиги тарихини чуқур таҳлил этишга киришилди ва бу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шу буюк аждодларимиз қатори Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси ҳам ҳар томонлама ўрганилмоқда ва оммалаштирилмоқда. Бунга Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1990 йил октябрь ойида «Бобурнома» асарининг 460 йиллигига бағишланган халқаро анжуманнинг ва 1993 йилда шоир таваллудининг 510 йиллигига бағишланган тантаналарнинг ўтказилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Айникса, Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари умуминсоний қадриятлар байрами сифатида кенг нишонланди. Юбилей муносабати билан Андижонда Бобур миллий боғи, уй-музейи, шоирнинг рамзий мақбараси (Кобулдаги мақбара нусхаси) барпо этилди. Рамзий мақбара олдидаги майдонга Бобурнинг бронзадан қуйилган муҳташам ҳайкали ўрнатилди. Юбилей тантаналарида Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Покистон мамлакатларидан келган олимлар ва расмий вакиллар, шунингдек, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида истиқомат қилаётган Бобур авлодларидан бўлган, марҳум Баҳодиршоҳ Зафарнинг чевaралари Зиё-

[10] *Аҳмадбоева М., Иброҳимова С.* Ўзбек адабиёти. Т., Ўқитувчи, 1985. 97-бет.

[11] *Ислом Каримов.* Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистоннинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари. Т., Ўзбекистон, 1990. 70-бет.

виддин, Масихиддин ва Шажоъиддин Тусийлар иштирок этишди.

1992 йили Бобур меросини ўрганишни кучайтириш, рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Андижон шаҳрида Бобур номидаги Халқаро жамғарма тузилди. Жамғарма раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабовнинг ташаббуси билан «Бобур изидан» деб аталувчи халқаро илмий экспедиция ташкил этилди. Экспедиция аъзолари кейинги йилларда ўндан ортиқ Шарқ мамлакатларида бўлиб, Бобур ва бобурийлар қадамжоларини зиёрат қилиш билан бирга, улуғ бобомиз ва унинг авлодлари ҳақидаги янги маълумотларни аниқлаш, тўплаш, буюк ватандошимиз ижодини ўрганиш борасида Ўзбекистонда қилинаётган ишлар, истиқлол туфайли мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида ибратли фаолият олиб бормоқда. 1992—2000 йиллар мобайнида экспедиция аъзолари хорижий давлатларга ўн марта илмий сафар уюштириб, автомобилда 300 минг километрга яқин масофани босиб ўтдилар, чет эллардаги темурийлар, бобурийлар тарихи ва ижодига оид кўплаб манбаларни тўплаб, уларни илмий истеъмолга киритдилар. Экспедиция сафарларининг натижасида бир қанча илмий-бадиий асарлар нашр этилди, ҳужжатли кино ва видеофильмлар суратга олинди. Умуман, кейинги пайтда Бобур ижодий меросини янада чуқур ўрганиш бўйича номзодлик, докторлик ишлари ҳимоя этилди, кўплаб рисола ва илмий мақолалар чоп этилди, хотиралар нашр қилинди.[12]

2000 йилда «Республика» газетасида Вахоб Раҳмонов талқинида «Бобурнома»нинг ҳозирги адабий тилдаги баёни берилди.

Ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримов 1994 йил 4 октябрда Андижон вилоятига қилган сафари чоғида Бобур номидаги миллий боғда ўрнатилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиб, «Хотира дафтари»га қуйидаги эсдалик сўзларини ёзиб қолдирди:

*«Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўларок, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.*

*Бобур Мирзо номи билан аталмиш Миллий боғнинг, шоир рамзий мақбараси ҳамда «Бобур ва жаҳон маданияти» музейининг барпо этилиши — халқимиз тарихида янги, озодлик замонига қадам қўйилганидан яхши бир муждадир.*

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади.*

*Қадимий Андижон аҳлининг бу каби савобли ишлари кўпайсин ва бошқа ватандошларимизга ибрат бўлсин.*

*Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман».*[13]

Давлатимиз раҳбарининг Бобур мирзо шахси-



[12] *Ҳазрати Хожа Убайдулло Аҳрор.* Рисолайи волидия. Бобур таржимаси. Нашрга тайёрловчи: *С.Ҳасан.* Т., Ёзувчи, 1991; *Отажонов Н.* «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида. Докт. дисс. Т., 1994; Мукаммал нашр йўлида // Шарқ юлдузи. 1990, № 10; *Қудратуллаев Ҳ.С.* «Бобурнома»нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий ижодининг қиёсий таҳлили). Докт. дисс. Т., 1998; *Азимжонова С.* Бобур — буюк тарихчи олим // Саодат. 1990, № 8; «Бобурнома» қандай ёзилган // Гулистон. 1990, № 8, Бабур и его труд «Бабурнаме» в книге «Бабурнаме» — Записки Бабура». Т., 1993. *Благова Г.Ф.* Академик Самойлович и изучение литературного наследия Захир-эд-дина Мухаммада Бабура // Восток. 1997. № 6. — М., С. 120; *Иброҳим Ғафур.* Бобурийлар «монгол» эмаслар// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 12 март; *Сиддиков Ж.Г., Қучқорова А.С.* Бобурнинг биологик қарашлари // Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. — Андижон, 1993. 86-бет; *Болтабоев Ҳ.* «Бобурнома»нинг туркча таржимаси. Андижон, 1993. 70-бет; *Сулаймонова Ф.* «Бобурнома»га ишланган расмлар // Гулистон. 1990. № 9; Олам кезган асар // Совет Ўзбекистони. 21 октябрь, 1990; *Шукруллаева С.* Шедевры мировой классики // Правда Востока. 21/X. 1990; Бабурнаме — 460 лет // Правда Востока. 17/III. 1990; *Хасанов С.* След в веках. К 460 летию Бабур-наме // Правда Востока. 19/X. 1990; *Жамолов С.* Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибдур... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.13/II. 1991; *Жамолов С., Отажонов С.* Заҳириддин Мухаммад Бобур ижодини ўрганиш бўйича материаллар. Т., 1990; *Машрабов З., Шокаримов С.* Асрларни бўйлаган Бобур. Т., Ёзувчи, 1997; Мирзаев И. Бобур маърифати. Т., Ўқитувчи, 1996; *Ғайбуллоҳ ас-Салом, Неъматуллоҳ Отажон.* Жаҳонгашта «Бобурнома». Т., 1996: Ҳасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (альбом). Т., Ўқитувчи, 1995; Х. *Султонов* Бобурнинг тушлари. Т., Адабиёт ва санъат, 1993; *Хайриддин Султон.* Бобурийнома. Маърифий роман. Т., Шарқ, 1997; *Воҳидов Р.* Биз билган ва билмаган Бобур. Т., Маънавият, 1999; *Қамчибек Кенжа.* Ҳинд сориға. Т., Шарқ, 2000; Бобурийлардан бири. Т., Маънавият, 2000; *Иброҳимов А.* Бобурийлар мероси. Т., 1993; *Иброҳимов А.* Бобурнома — буюк асар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; *Каримов У.* Литературно-исторические и основные тенденции таджикской литературы XVI в. Душанбе, 2000; *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Мубаййин. Нашрга тайёрловчилар: Ҳасан С., Ҳасан Ҳ. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001; *Иброҳимов А.* «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Номзодлик дисс. Т., 2001.; *Ёқубжон Исҳоқов.* Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Т., 2002. 95—104 бетлар.

[13] Кўчирма қуйидаги китобдан олинди: *Хайриддин Султон.* Бобурийнома., 386—387-бетлар.

га нисбатан чуқур эҳтиром билан айтган мазкур сўзлари халқимизнинг ўлмас қадриятларимизга, буюк аждодларимиз қолдирган илмий-адабий меросга бўлган юксак ҳурмат-эътиборининг ёрқин тимсолидир.

Андижонда ҳар йили февраль ойида Бобур таваллуд топган кунни тантанали нишонлаш яхши анъанага айланиб қолгани, 2000 йили Самарқанд шаҳрида «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон цивилизациясини ривожлантиришдаги роли» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилгаии, ҳозирги вақтда буюк ватандошимиз таваллудининг 520 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик ишлари бошлаб юборилгани ана шу фикримизнинг далилидир.

Ўз ҳаёти давомида чархнинг не-не жабру жафоларини тортган, «аҳли жаҳондин яхшилиғ»ни кам кўрган, шароит тақозоси билан «ўз юртни қўйиб, Ҳинд сориға юзланган» буюк бобокалонимиз баракали ижод қилиб, инсониятга нодир бадиий-илмий асарларни мерос қолдирди.

Захириддин Муҳаммад Бобур ёшлигидан бадиий адабиётга, шеъриятга қизиққан, Отойи ва Саккокий, Лутфий ва Навоий каби ўзбек шоирлари, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий каби форс-тожик шоирларининг асарларини қунт ва сабот билан мутолаа қилган. У 1506 йил кузида Ҳиротда бўлганида Алишер Навоий уйида яшаган, улуғ шоир асарларининг, хусусан, «Хазойин ул-маоний»нинг нодир қўлёзмаси билан танишиб чиққан ва ундан терма девон ҳам тузган эди.

«...Алишербекнинг уйларини таъйин қилдилар. Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим».[14] «Одина куни, ойнинг йигирма учида Алишербекнинг тўрт девонидин буҳур ва авзон тартиби била ғазаллар ва абётким, интихоб қиладур эди, итмомиға етти».[15]

Бобур шеър санъатини илҳом ва иштиёқ билан турли машҳур ва муътабар манбалар орқали синчиклаб ўрганади ва назм ишига бел боғлайди. «Бобурнома»да 1500—1501 йил воқеаларини баён қилар экан, у шундай дейди: «Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эдим. Вале ғазал тугатмайдур эдим».[16]

[14] Бобурнома, 188 б.
[15] Бобурнома, 248 б.
[16] Бобурнома, 87 а.

Бобур аста-секин байтлардан тугалланган ғазаллар, рубоийлар, туюқлар, маснавийлар битиб, шеърий камолот чўққисига кўтарилади. «Бобурнома»ни кўчирувчи котиб китоб охирида ўз тилидан шундай ёзади: «Ва фазилат бобида камлиғи йўқ эрдиким, назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур эди. Алалхусус, туркий девони бордурким, анда тоза мазмунлар топиб айтибтур...»[17]

Маълумотларга қараганда, Бобур умр бўйи яратган лирик асарларидан икки девон тузган. Уларнинг биринчисига Мовароуннаҳр ва Афғонистонда, иккинчисига Ҳиндистонда ёзган шеърлари киритилган.

Бобур тириклик пайтидаёқ бу девонларни кўчиртириб, ўғиллари ва бошқа кишиларга, жумладан, Самарқанд ҳокими Фўлод Султонга ҳам юборган.

Бу ҳақда «Бобурнома»нинг 925 ҳижрий, 1519 милодий йил воқеалари баёнида шундай дейилади: «Ҳофиз Мир котибнинг оға-иниси Самарқандтин келиб эрди, бу фурсатта Самарқандға рухсат бериб, Фўлод Султонға девонимни йибордим».

Бобур шеърий девонларининг қўлёзма нусхалари Ҳиндистоннинг Рампур, Ҳайдаробод шаҳарларида ва Париж миллий кутубхонасида сақланади.[18]

Париж нусхасига Бобурнинг Ўрта Осиё давридаги ижодига оид шеърлари киритилган. У энг муътабар девон нусхаларидан бири бўлиб, котиб Ал-Абд Муҳаммад Боқи томонидан нафис настаълиқ хатида кўчирилган. Унга ниҳоятда гўзал унвон ишланган, ҳошиялар чиройли ранг-баранг гуллар билан безатилган. Шеърлар алифбо тартибида эмас, балки ёзилган вақтига риоя қилинган ҳолда жойлаштирилган. Қўлёзманинг кўчирилиш тарихи кўрсатилмаган. Лекин матний белгиларга кўра, уни XVI асрнинг иккинчи ярмига мансуб дейиш мумкин. Қўлёзма 51 варақ (102 бет)дан иборат бўлиб, ўз ичига 89 тугал ғазал, бир тугалланмаган ғазал, 13 рубоий, 1 маснавий, 11 туюқ, 1 китъа, 29 муаммо, 21 фардни қамраб олган. Қўлёзма муҳрланган ва котиб номи билан тугайди.

[17] Бобурнома, 391 б.
[18] Париж миллий кутубхонаси. Supl Turk, № 1230.

Бобурнинг Хиндистонда ёзган шеърларини уз ичига олган нодир кулёзма девон Рампур навобининг шахсий кутубхонасидан топилган булиб, хозирги вактда Рампур шахридаги Ризо кутубхонасида сакланмокда.[19] Бобур девонининг ушбу кулёзма нусхаси Париж нусхаси каби ягона адабий ва тарихий манба хисобланиб келмокда. У уз ичига Париж нусхасига кирмаган шеърларни камраб олган. Бу нусха 20 варакдан иборат. Кулёзма Хазрати Хожа Убайдуллох Ахрорнинг «Рисолайи волидиййа» асарини узбек тилига Бобур томонидан форсийдан туркийга килинган таржимаси билан бошланади. Таржима 11 варакни ташкил этади. Колган варакларга Бобурнинг шеърлари жойлаштирилган. Унда узбек тилида 2 маснавий, 1 китъа, 23 рубоий, 5 фард, 1 мутаввал байт; форс-тожик тилида 6 рубоий, урду-форс тилида 1 фард, урду-узбек тилида 1 фард мавжуд. Матн мутаттавал байтлар билан тугагач, кулёзма санаси келтирилади: «Харрарахy Бобур, душанба, рабиулохар, сана 935». Куринадики, мазкур кулёзма девон 1528 йилда кучирилган.

Варакнинг куйирок кисмидан Бобурнинг уз кули билан ёзган бир байти жой олган:

*Хар вактки, кургасен менинг сузумни,*
*Сузумни укуб, ёд килгасен узумни.*

Унинг пастида ушбу байт Бобурнинг уз кули билан ёзилганини тасдикловчи Шох Жахоннинг сузлари хам битилган.

Кулёзмада Бобур ушбу девонга кирган шеърларини уз кули билан тахрир килиб чикканини эслатади: «Хиндистон жониби азимат килгали айтилгон ашъор бу эрдиким, тахрир килдим ва кечган вакойеъ ул дурурким, такрир килибдурман, нечукким, бу аврокка мастурдур ва ул ажзода мазкур».

Хозиргача фанга маълум булган Бобур шеърларининг мукаммал кулёзмаларидан бири Туркия нусхасидир. Котиби ва кучирилган йили номаълум булган бу нусха Холис афанди кутубхонасида сакланаётгани хакида турк олими Фуод Купрулузода «Миллий татаббуълар мажмуаси» тупламида хабар килади. Бу нусхага «Рисолайи волидиййа» асарининг Бобур томонидан узбек тилига килинган таржимаси, узбек, форс-тожик тилида ёзилган шеърлар туплами, узбек тилида наср ва назм билан битилган бир мактуб, форс тилида ёзилган мактубдан парча, «Аруз рисоласи» асаридан лавхалар киритилган. «Рисолайи волидиййа»нинг Бобур томонидан килинган таржима нусхаси хотимасида айтилишига кура, у муаллиф тахрир килган муътабар кулёзма нусхадан кучирилган. Демак, котиб бу таржима асарни кучиришда Бобур девонининг Рампур нусхасидан фойдаланган.

Ф.Купрулузода 1915 йилда Истанбулда мазкур кулёзма асосида Бобур шеърларини «Миллий татаббуълар мажмуаси» тупламининг бир неча сонларида чоп эттирган.[20] Бу нашр Бобур шеърларининг янги нашрларини юзага келтиришда мухим манба булиб хизмат килмокда. 1995 йилда Билол Йужел Туркия кутубхоналарида ва шахсий кишилар кулларида сакланаётган кулёзмалар асосида Анкарада «Бобур девони»ни чоп эттирди.[21]

1960 йили Туркияда нашр этилган Ислом тадкикоти институтининг каталогида Бобур асарларининг энг кадимги ва нодир нусхаси Техрон шахридаги «Гулистон» кутубхонасида сакланаётганлиги хакида хабар босилган.[22]

Кулёзма таркибига «Мубаййин», «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Рисолайи волидиййа» асарлари ва Бобурнинг узбек тилида яратилган шеърлари киритилган. Каталог муаллифининг сузларига караганда, бу кулёзма 931 (1524—25) хижрий йили кучирилган булиб, у Бобур асарларининг мавжуд кулёзма нусхалари орасида энг муътабарларидан хисобланса-да, ханузгача урганилмаган ва илмий тадкикот доирасига киритилмаган.

1910 йилда инглиз шаркшунос олими Е. Денисон Росс Рампур навобининг шахсий кутубхонасида сакланган ва Бобурнинг Хиндистонда яратган шеърларини уз ичига олган девонини Калькутта шахрида нашр эттирган.[23] Иш икки услубда — матнларни араб харфлари оркали босма йул билан териш ва кулёзма матн факсими-

[19] Бу кулёзмани Хамид Сулаймон Хиндистон сафарида топиб, микрофильмини ватанимизга олиб келган

[20]. *Ф.Купрулузода.* Миллий татаббуълар мажмуаси. Истанбул, хиж. 1331 Т. 1, 1—3 сонлар. Т. 2, 5-сон.

[21] *Dr. Bilal Yucel.* Babur divani. Ankara, 1995.

[22] *Togan Z.V.* Tehran kutuphanalerinde Hindistandan gelen eserlerde Cagatay dil ve Temurlu Sanat abideleri // Belleten. 24—25. 1960.

[23] *E. Denison Ross.* Divan-i-Babur Padishoh. Journal of the Asiatic Society of Bengal. vol. 6; Extra number. 1910.

лесини (айнан суратини) бериш орқали амалга оширилган.

Рус шарқшунос олими, академик А.Н.Самойлович 1917 йилда Бобурнинг лирик асарлари девонини нашр эттирди.[24] Нашр икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмига Париж миллий кутубхонасида, иккинчи қисмига Рампурдаги Ризо кутубхонасида сақланаётган қўлёзмалар асос қилиб олинган. А. Н. Самойлович ҳар иккала қўлёзмага кирган барча шеърларни камраб олиб, уларнинг араб ёзуви асосидаги матнини босма услубда нашр қилдирган. Китоб сўзбоши, турли кўрсаткичлар билан таъминланган. Унга қўлёзманинг айрим варақлари факсимилеси ҳам илова қилинган. Бу нашр юксак илмий савияси билан ҳанузгача ўз қимматини йўқотган эмас. Кейинги даврдаги оммавий нашрларнинг аксарияти ана шу манба асосида амалга ошириб келинмоқда.

1966 йилда Собоҳат Азимжонова Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида сақланаётган Бобур шеърларининг дастхат нусхаси асосида шоирнинг Ҳиндистонда яратган шеърларини илмий тадқиқ этиб, «Бобурнинг Ҳиндистон девони» рисоласини чоп эттирди.[25] Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Бобурнинг Ҳиндистондаги ижоди ва унинг аҳамияти тарихий манбаларга суянган ҳолда ёритилади. Иккинчи қисмида қўлёзма нусхасининг факсимилеси илова тариқасида берилади. Қўлёзма таниқли шоир Байрамхоннинг мазкур асар Бобурнинг дастхати экани ҳақидаги қайдлари билан бошланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллигини ўтказишга тайёргарлик кетаётган пайтларда рус шарқшунос олимаси И.В.Стеблева «Бобур ғазалларининг семантикаси» рисоласини нашр эттирди.[26] Китоб Бобур ғазалларини ўрганишга бағишланган. Рисолада ғазал жанрининг шакли, тузилиши, маъно хусусиятлари каби муҳим назарий масалалар кўтарилган. Бу анъанавий жанр орқали шоир ўзининг бой маънавий қиёфасини қай даражада маҳорат билан кўрсата олгани асарда ишончли илмий далиллар билан очиб берилган.

Олима китобга якун ясар экан, Бобур ғазалларини бир бутун лирик мерос сифатида талқин этади, шоир сиймосига туркий халқлар мумтоз шеъриятининг маънавий мезони доирасида баҳо беради. Китоб охирида Бобур ғазалларининг араб ёзувидаги матни илова қилинган.

Бобур лирик асарларининг юқорида зикр этилган қўлёзма нусхалари ва илмий нашрлари XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб нашр этила бошланди.

Бобурнинг ўзбек тилидаги шеърлари дастлаб «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», «Ўзбек поэзиясининг антологияси», «Навоий замондошлари» тўпламларида, сўнгра 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти томонидан девон ҳолида нашр этилди. 1965 йили эса Бадиий адабиёт нашриёти орқали чоп этилган уч жилдлик асарлар тўпламининг I жилди Бобур лирик девонини ташкил этади. Ниҳоят, Бобур девонининг тўлдирилган нашри шоир таваллудининг 500 йиллиги арафасида 1982 йилда дунё юзини кўрди. 1983 йили эса афғон олимаси Шафиқа Ёркин Кобулда Бобур девонини чоп эттирди.[27]

Бобурнинг бизгача етиб келган лирик мероси 4000 мисрага яқин бўлиб, улар ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард ва маснавийлардан иборат.

Шоир лирик асарларига хос умумий хусусият шундан иборатки, улар мумтоз адабиётимиз анъаналари асосида яратилган бўлса ҳам, услубининг содда ва равонлиги, ҳажмининг ихчамлиги, кўпроқ реал ҳаётий воқеа-ҳодисалар заминида майдонга келгани билан ажралиб туради. Натижада унинг шеърларида тарихийлик билан лиризм, ҳаётийлик билан бадиийлик, ҳиссий кайфият билан ҳаққоний ифода ўзаро уйғунлашиб боради. Бу ҳолат шоир ижодий услубининг ўзига хослигини ҳам белгилайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бобур асарларида ҳаққоний тасвир услуби ҳиссий тас-

[24] *Самойлович А.Н.* Собрание стихотворений императора Бабура. Петроград, 1917.

[25] *Азимжонова С.* Индийский диван Бабура. Т., Фан, 1966.

[26] *Стеблева И.* Семантика газелей Бабура. М., Наука, 1982.

[27] Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, II жилд. Т., Ўздавнашр, 1948; Ўзбек поэзияси антологияси. Т.. 1945; Навоий замондошлари. Т., 1948; *Бобир.* Лирика. Тузувчи ва сўзбоши муаллифлари Азимжонова С., Қаюмов А.,Т.. 1958; *Бобир.* Танланган асарлар. I жилд, лирика. Т. 1966; Бобур лирикаси. Тузувчи ва сўзбоши муаллифи: *Ҳасанов С.*, 1982; *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Девон. Тузувчи: *Шафиқа Ёркин.* Кобул. 1983.

вир услубидан устунлик қилади. Мисол учун, шоирнинг қуйидаги ғазалини олайлик:

*Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида*
*сарғардим,*
*Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳрайи*
*зардим.*

*Сен, эй гул, қўймадинг саркашлиғингни сарвдек*
*ҳаргиз,*
*Оёғингға тушуб, барги хазондек мунча ёлбордим.*

*Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам*
*қол,*
*Мен ар-чи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.*

*Хазондек қон ёшим, сориғ юзумдин эл*
*танаффурда,*
*Ба ҳар ранге, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни*
*қутқордим.*

*Не толедур манғаким, ахтари бахтим*
*топилмайдур,*
*Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин*
*ахтардим.*

*Улуснинг таъну таърифи менга, Бобур,*
*баробардур,*
*Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.*

Мазкур ғазал ошиқона мавзуда бўлиб, шоир маъшуқанинг илтифотсизлигидан шикоят қилади. Ошиқ маъшуқанинг гул юзига етишиш иштиёқида хазондек сарғайганлигини таъкидлаб, лоларух маъшуқадан унинг сарғайган чеҳрасини кўриб илтифот қилишни сўрайди. Маъшуқанинг илтифотига сазовор бўлмаган ошиқ ҳаётдан кечишга ҳам рози, лекин бунда маъшуқани қораламайди; аксинча, унга бахт ва «латофат гулшанида хуррам»лик тилайди.

Ғазалнинг бу аввалги уч байтида анъанавий тасвир усуллари орқали (тазод, ташбеҳи музмар) ошиқнинг маъшуқа илтифотсизлигидан кечирган руҳий ҳолатлари талқини берилган бўлса, кейинги уч байтда, хусусан, бешинчи, олтинчи байтларда шоирнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ мисоллар ёритилади. Бобур ўзининг бахти кулмагани, ўз толеини ҳаёт дастури варақларидан излаб топа олмагани, умрни яхши ва ёмон ишлар билан ўтказгани, шунинг учун ҳам унга кишиларнинг таъриф ва таънасининг аҳамияти йўқлигини баён қилади. Ғазалдаги руҳий кечинмалар талқини шуни кўрсатадики, шоир унда анъанавий муаммоларни акс эттириш билан бирга, аниқ шахс, яъни ўз ҳаёти билан боғлиқ ҳаққоний кайфиятларни ҳам санъаткорлик билан тасвирлай олган, хаёлий кайфият билан ҳаётий ҳақиқатни муштарак ёрита олган.

Бобурнинг аксарият шеърларида она диёр рамзи воситасида юртга бўлган соғинч, айриликдан ўкинч ҳислари ифода этилади:

*Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир қилибтур,*
*Ҳижрон била ғурбат менга таъсир қилибтур.*

*Мақдур борича қилурам саъйи висолинг,*
*То Тенгрини билманки, не тақдир қилибтур.*

*Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса*
*Кимга ҳаваси Санбалу, татйир қилибтур.*

*Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим,*
*Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.*

*Сендин бу қадар қолди йироқ, ўлмади Бобур,*
*Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.*

Бобур шеъриятида адолат туйғусини бош мавзулардан бири сифатида талқин этиб, бу борада анча илғор ижтимоий фикр ва ғояларни илгари сурган. Улар кўпроқ рубоийларида акс этган.

Хусусан, шоир инсонга хос юксак ва тубан туйғулар тўғрисида фикр юритиб, олижаноблик тақдирлашга, пасткашлик эса жазолашга лойиқ эканини таъкидлайди:

*Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур,*
*Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур.*
*Яхши киши кўрмагай ямонлиғ ҳаргиз,*
*Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур.*

Бобур ижодидаги ана шу ҳаётийлик хусусияти унинг бошқа шеърларида ҳам маҳорат билан тараннум этилган:

*Ғофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут,*
*Вақти айш эмас боқий, ол чоғир, кетур, бат*
*тут.*

*Бу насиҳатим англа, не билур киши ёнгла,*
*Не бўлур экин тонгла, сен букун ғанимат тут.*

Албатта, Бобур даҳрий бўлган эмас, у динни, диний ақидаларни асло қоралаган ҳам эмас. Ле-

кин унинг бу соҳадаги теран фикрлари, ўзи яшаган шароит нуқтаи назаридан қараганда, фавқулодда аҳамиятга эга бўлган ҳодиса эди. Бундай ёндашув Бобур лирикаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шоир ижодига ўзига хос маъно мазмун ва жозиба бағишлайди.

Бобур ижодида ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, фард жанрларидан ташқари, маснавий жанридаги кичик асарлар ҳам бўлиб, улар ўз хусусияти жиҳатидан адабиётимиз тарихидаги нома жанрига яқин туради. Чунки уларнинг кўпчилигида сабога мурожаат этилиб, ёрга салом етказиш илтимоси ва илтифотсиз ёрдан гина қилиш кайфияти асосий ўрин тутади:

*Сабо, ул гул ҳаримиға гузар қил,*
*Менинг ҳолимдин ул гулга хабар қил.*

Ёки:

*Эй пайки сабо, қошимға келгил,*
*Эшитиб бу сўзумни дағи билгил.*

Яна:

*Эй сабо, елмакни қўйғил, жазм қил,*
*Сарвинозим кўйи сори азм қил.*

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Бобур бу жанрга фақат ошиқона ҳис-туйғуларни ифодалаш воситаси деб қарамаган. Унинг айрим номалари таржимаи ҳол хусусиятини ҳам касб этган. Бу, албатта, шоир назмининг ўзига хос жиҳатлари билан изоҳланади.

Бобур асарларида ўзи яшаган муҳитдан, замондан норозилик, тақдир ўйинларига қарши аччиқ нолишлар баралла эшитилиб туради. Буларнинг барчаси унинг шеъриятига фалсафий теранлик ва ижтимоий руҳ бағишлайди.

Умуман, Бобур шеърияти ўзининг жанр хусусиятлари, мавзу доираси, ҳаётий фалсафаси ва бадиий жилоси билан ўзбек адабиётининг нодир намуналари қаторидан фахрли ўрин эгаллайди. Уларда ҳаёт ва инсонни қадрлаш, гўзалликдан баҳраманд бўлишга интилиш ҳақида нафақат ошиқ ва ориф инсоннинг, балки муаллифнинг шахсий қарашлари ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам, Бобур шеъриятини ул зот яшаб ўтган мураккаб даврнинг ўзига хос бадиий кўзгуси дейиш мумкин.

Бобур Ўрта Осиёдаги йирик тасаввуф намояндаси, темурийларнинг пири муршиди, нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган арбобларидан бири ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қаламига мансуб бўлган «Рисолайи волидийййа» асарининг таржимони ҳамдир.[28]

Хожа Аҳрор ушбу рисолани ўз отасининг илтимосига биноан ёзиб, унинг номини ҳам шунга мослаб «Волидийййа», яъни «Оталик рисоласи» деб атаган. Бу ҳолни таржимон рисола назмининг сабаби ҳақида фикр юритилган ўринда «Отаси қилғон учун таклифе, Қилди онинг отиға таълифе» деб алоҳида таъкидлаб ўтган.

Маълумки, Бобурнинг Хожа Аҳрор шахсияти ва тариқатига эътиқоди жуда кучли бўлган. Бу улуғ зот Бобур дунёқараши ва эътиқодининг шаклланишида муҳим ўрин тутибгина қолмай, мададкор куч сифатида унинг бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлиб, кўпгина оғир ва мураккаб вазиятларда ёрдам берган.

Хожа Аҳрорнинг «Волидийййа»сини назм билан туркийга таржима қилиш фикри Бобурга бетоблик найтида — уни иситма тутиб турган кунларда келади. Бошқача қилиб айтганда, бунда ҳам каромат содир бўлади:

«Сешанба кечаси, сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидийййа» рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечти. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси мақбул тушиб, ўзи афлиж маразидин халос бўлди, мен доғи бу ориздадин қутулуб, назмимнинг қабулиға далиле бўлғусидур».[29]

Буни қарангки, Бобур Мирзо ҳам «Волидийййа» рисоласини таржима қилиб бўлиши билан соғайиб кетади ва: «Ўтган йил ва балки ҳар маҳал мундоқ оризаким бўлди, акалли бир ой-қирқ кунга тортди. Тенгри инояти била ҳазратнинг ҳимматидин панжшанба куни, ойнинг йигирма тўққузида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин халос бўлдум. Шанба куни, раббиул-аввал ойининг секкизида рисола сўзларини назм қилмоғ ихтитомиға етти», деб шукрона қилади.

---

[28] *Ҳазрати Хожа Убайдулло Аҳрор.* Рисолайи волидийййа. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таржимаси. Ношир: *Саидбек Ҳасан.* Т., Ёзувчи, 1991.

[29] Бобурнома, 346 а.

Бобур бадиий асарлардан ташқари, мусиқий илми, ҳарб ишига оид қимматли илмий асарлар ҳам яратган. Улар орасида айникса «Аруз рисоласи» ўзбек шеърияти назариясини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди.[30]

Бобурнинг бу рисоласи Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асаридан сўнг туркий тилда аруз асари вазни ҳақида ёзилган иккинчи йирик тадқиқот бўлди.

Муаллиф ушбу асарни ёзишда Навоийнинг мазкур асари билан бирга, форс-тожик адабиётининг мумтоз намояндалари Рашидиддин Ватвот, Носириддин Тусий, Ар-Розий ва бошқаларнинг аруз ҳақидаги рисолаларини ҳам синчиклаб ўрганади.

Бу йирик мажмуада XIV—XVI асрларда яшаган 60 дан ортиқ шоирнинг номи зикр этилади ва уларнинг асарларидан парчалар келтирилади.

Мазкур асар ўзбек ва бошқа туркий халқларнинг шеърият назарияси тарихини ўрганишда муҳим манба ва қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Захириддин Муҳаммад Бобур фаннинг бошқа турли соҳалари ривожига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Шу маънода, унинг ижодида «Мубаййин» асари алоҳида ўрин тутади. Лекин нафақат адабиётшунослар, балки исломшунос, тарихчи, файласуф, иқтисодчи, тилшунос, педагог каби бир қатор соҳа олимлари учун қимматли манба бўлган бу асарни ўрганиш ишлари Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнггина тўлиқ руёбга чиқа бошлади. Уни тадқиқ қилиш, нашр этиш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди.[31]

«Мубаййин» асари ислом динининг асосий рукнлари мазмунини баён қилишга бағишланган бўлиб, шўро даврида даҳрий сиёсат туфайли узоқ вақтга қадар илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келган эди.

Асар беш қисмдан иборат бўлиб, биринчиси «Эътиқодия», иккинчиси «Китоб ус-салот», учинчиси «Китоб уз-закот», тўртинчиси «Китоб ус-савм» ва бешинчиси «Китоб ул-ҳаж» деб аталади. «Мубаййин»да диний масалалар чуқур билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан шарҳлаб берилган. У ўзбек тилининг бойлиги ва қудратини тўлалигича намоён этадиган мумтоз адабиётимизнинг ёрқин намунаси сифатида ҳам қадрлидир.

Бобурнинг авлодларга қолдирган бой ва бебаҳо илмий-адабий меросида буюк аждодимизга жаҳоний шуҳрат келтирган асари, шубҳасиз, унинг «Бобурнома» асаридир.

«Бобурнома» муаллиф томонидан дастлаб қандай номлангани номаълум. Лекин Бобурнинг ўз сўзлари ва қизи Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асаридаги маълумотларга қараганда, у аввал «Вақойеъ» деб аталганини тахмин қилиш мумкин.

Бобур бир рубоийсида бу ҳақда шундай ёзади:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,*
*Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.*
*Ҳар ким бу «Вақойеъ»ни ўқур, билгайким.*
*Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.*

«Бобурнома»нинг ўзида эса, муаллиф бир ўринда шундай дейди: «Хожа Калон Хожа Яҳёнинг набираси мендин битийтурган вақойиъни тилайдур эди, истиктоб қилдуруб эрдим, Шаҳракдин йиборилди».[32]

Гулбаданбегим «Хумоюннома»да Бобур ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеаларни тасвирлашга киришар экан, «*Гарчи бу сўзлар подшоҳ Бобом ҳазратларининг воқеаномаларида айтилган бўлса ҳам, улар табаррук тутиб, қисқача ёзилади*» дейди.[33]

Бобур қаламига мансуб бу шоҳ асарнинг турли тилларга қилинган таржималарини кузатган олимлар қизиқ бир ҳодисани қайд этишган: китоб дунёнинг турли тилларида йигирмадан зиёд ном остида босилиб чиққан экан. Чунончи: «Воқеоти Бобурий», «Воқеаномайи подшоҳи», «Табақоти Бобурий», «Тузуки Бобурий», «Вақойеъ», «Воқеанома», «Бобур подшоҳнинг таржимайи ҳоли», «Бобурия», «Бобур мемуарлари», «Эсдаликлар», «Бобур тарихи», «Ғаройиб таржимайи ҳол», «Шарҳлар», «Маъмурнома», «Бобурнинг ҳаёти», «Тузук», «Подшоҳнома», «Бобур хотироти», «Бобур

[30] *Бобур.* Мухтасар. Нашрга тайёрловчи: *Саидбек Ҳасан.* Т., Фан, 1971.

[31] *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Мубаййин. Нашрга тайёрловчилар: *Саидбек Ҳасан, Ҳамидбек Ҳасан.* Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000.

[32] Бобурнома, 363 а.

[33] *Гулбаданбегим.* Хумоюннома. «Фан» нашриёти, Т., 1959, 24-бет.

# «БОБУРНОМА» РАСМЛАРИ


در ماه رمضان سنه هشتصد و نود و نه در ولایت فرغانه در دوازده سالگی
پادشاه شدم ولایت فرغانه از اقلیم پنجم است و در کنار معموره عالم واقع
شده شرقی او کاشغر و غربی او سمرقند و جنوبی کوهستان سرحد بدخشان و در
شمالی او اگرچه پیش ازین شهرها بوده مثل المالیغ و الماتو و یانگی که در کتب تاریخ
باطرار مشهور است اما از جهت عبور اوزبک درین تاریخ ویران شده و اصلا
معموره نمانده و این فرغانه مختصر ولایتست ما میوه و غله او فراوانست و اطراف او
کوهستان افتاده و غربی او که سمرقند و خجند باشد کوه نیست و بغیر این جانب
از طرف دیگر یاغی بیگانه نمی تواند درآمد دریای سیحون که آب خجند شهرت یافته
از طرف شمال شرق درآمده از میان این ولایت شده بطرف غرب میرود

*«Бобурнома» форсий қўлёзмасига ишланган зарварақ (в. 1 б)*



*Бобурнинг тож кийиб Фарғона тахтига чиқиши (в. 2 б)*



*Ҳодарвеш даштидаги бурон (в. 4 б)*



*Бобурнинг аркка жўнаши (в. 24 б)*




*Ҳисор беклари Бобур ҳузурида (в. 34 а)*






*Бобурнинг Самарқандга кириши (в. 44 б)*





*Бобур касал ҳолда*
*(в. 53 а)*






*Бобурнинг Самарқандда кутиб олиниши (в. 44 б)*




*Бобурнинг Танбал билан жанги (в. 73 б)*




*Бобурнинг от алмаштириши (в. 114 б)*


د در همین حالت شاهم ناصر و عبدالقدوس بیگ قرا




*Жаҳонгир мирзо Бобур ҳузурида (в. 3 а)*

*Бобур яратган «Боғи Вафо» (в. 132 б)*


میان غرب وجنوب باغ حوض ده در دهی است اطراف تمام
درختهای نارنج است درختهای انار هم هست گرداگرد حوض تمام
سبزه زار است جای عین باغ همینست در وقت زرد شدن
نارنجها بسیار خوب می نماید خیلی باغ خوبی طرح شده وطرف



*Чиҳлдухтарон жанги*
*(в. 105 а)*






*Қуш ови (в. 142 б)*






*Бобур*
*Дашт қишлоғини ишғол қилмоқда (в. 145 а)*


ازانجا براه پسنک سوراخ برگشته جهانگیر میرزا را رخص




*Бобур гулхан атрофида (в. 197 б)*




*Кобул қалъаси озод этилиши (в. 197 б)*




*Нилобийлар Бобурга совға топширмоқдалар (в. 222 б)*



*Бобур Бадиъуззамон қабулида (в. 252 б)*




*Бобур
Бенгалия
элчисини қабул
килмоқда
(в. 357 а)*

битиклари», «Бобурнома инглиз тилида» ва ҳоказо.

«Бобурнома»нинг илк нодир қўлёзмалари мавжуд бўлишига қарамасдан, сўнгги вақтгача асарнинг илмий-танқидий матни яратилган эмас эди.

Бу ҳол асарни нашр этишда ҳам, бошқа тилларга таржима қилишда ҳам кўплаб нуқсон ва камчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бу ўлмас обидани нашрга тайёрлаш, уни таржима қилиш билан шуғулланган йирик шарқшунослардан Аннетта Бевериж, Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, Собоҳат Азимжонова, Ғайбулла Саломов ва бошқалар асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш жуда зарур ва ҳаётий масала эканини алоҳида уқдириб ўтганлар. Бу ғоят мураккаб, масъулиятли, айни пайтда эзгу ишни адо этиш япониялик атоқли бобуршунос, профессор Эйжи Манонинг зиммасига тушади. Унинг қарийиб ўттиз йиллик сермашаққат меҳнат самараси 1995 йилда илмий жамоатчиликка тақдим этилди.[34] 1996 йилда эса шу нашрнинг давоми сифатида мукаммал «Кўрсаткичлар» алоҳида жилд ҳолида чоп этилади.[35]

Мазкур танқидий матн асл нусха тилидаги тўртта (Эльфинстон, Ҳайдаробод, Британия кутубхонаси ва Қозон босмаси нусхалари) ва форс тилидаги бир қўлёзма нусха асосида тайёрланган. Бундан ташқари, Э.Мано яна иккита форсча қўлёзмадан — Янги Деҳли Миллий музейидаги «Воқеоти Бобурий» деб номланган қўлёзма ва Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган нусхадан фойдаланган. Шундай қилиб, муаллиф «Бобурнома»нинг еттита қўлёзмаси — тўртта ўзбекча ва учта форсча нусхасидан фойдаланган, танқидий матнга Ҳайдаробод нусхасини асос қилиб олган.

Танқидий матнга тақриз ёзган профессорлар А.Абдуғафуров ва А.Ўринбоевлар япон олимининг меҳнатини юқори баҳолаб, уни ҳақли равишда «илмий жасорат» деб атаганлар.[36]

Танқидий матн, айрим камчиликларига қарамасдан, бобуршуносликка қўшилган улкан ҳисса бўлди. Э.Манонинг ўзи умид билдирганидек, бу иш бутун дунёда «Бобурнома»нинг янги ва аслиятга янада яқинроқ таржималарининг яратилишига туртки бўлибгина қолмасдан, балки «Бобурнома» бўйича тадқиқотларнинг яна ҳам чуқурроқ, яна ҳам самарали ва сифатлироқ амалга ошишига кенг имконият яратиб беради.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, Эйжи Манонинг бу хизматлари давлатимиз ва илмий жамоатчилигимиз томонидан муносиб баҳоланди. Япониялик бобуршунос олимнинг Бобур Халқаро жамғармаси таъсис этган Бобур номидаги халқаро мукофот билан тақдирлангани ана шу ҳурмат-эътиборнинг ёрқин далилидир.

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу тадқиқот ишларининг энг йириги, шубҳасиз, «Бобурнома»нинг кирилл алифбосига асосланган ўзбек ёзувига табдил қилиниши бўлди. Асар икки жилдда чоп этилди.[37] Унга Я.Ғуломов ва Р.Набиевлар сўзбоши ёзганлар. Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар асарни нашрга тайёрлаш жараёнида Қозон босмасига нисбатан Лондон босмасидан кўпроқ фойдаланишган. Иккинчи жилд охирида махсус кўрсаткичлар киритилган, изоҳлар эса деярли бўлмаган. Айрим камчиликларига қарамай, мазкур нашр «Бобурнома»нинг кирилл алифбосига асосланган ўзбек ёзувидаги дастлабки нашрини яратишда жиддий уриниш сифатида муайян аҳамиятга эга.

Орадан ўн бир йил ўтиб, «Бобурнома»нинг янги нашри босмадан чиқди.[38] У академик Воҳид Зоҳидовнинг «Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида» номли катта сўзбошиси билан бошланади. Бундан ташқари, ундан Порсо Шамсиевнинг «Нашр ҳақида» номли мақоласи ҳам ўрин олган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу тўлдирилган ёки иккинчи нашр эмас, балки бошдан-оёқ қайтадан ишлаб чиқилган янги нашр эди. Қозон босмаси ва Лондон босмаси билан таққосланиб чиқилгани натижасида ундаги матн анча мукам-

[34] *Z. M. Babur.* Babur-nama (Vaqayi). Critical edition based on four Chaghatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. Kyoto, Syokado, 1995.

[35] *Babur-nama* (Vaqayi). Concordance and classified indexes by Eiji Mano. Kyoto, Syokado, 1996.

[36] *Абдуғафуров А., Ўринбоев А.* Япон олимининг илмий жасорати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996, 15 март.

[37] Бобирнома. Нашрга тайёрловчилар: *Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев.* I ва II қисмлар. Т., Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1948—1949.

[38] *Бобир З.М.* Бобирнома. Нашрга тайёрловчилар: *Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев. В.Зоҳидов*нинг сўзбошиси ва таҳрири билан. Т., Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960.

маллашган ва равшанлашган. Саҳифалардаги изоҳлар ҳам аввалгисига қараганда бирмунча кўпайган. Ушбу нашрни тайёрлашда айрим сўз ва атамалар транскрипциясини аниқлаш бўйича «Бобурнома»нинг туркча ва русча таржималаридан фойдаланилган. Киши исмлари ва жўғрофий жой номлари кўрсаткичлари ҳамда таржималари илова қилинган.

Ушбу нашрни олима Г.Ф.Благова «танқидий матн яратиш йўлидаги дастлабки қадам» деб баҳолаган эди. Лекин унда баъзи сўзлар имлосида нуқсонлар учрайди. Ноширларнинг эътирофича, *«айрим сўзлар, айниқса, Афғонистон ва Ҳиндистонга тааллуқли бўлган жўғрофий номлар, киши исмлари, ўсимлик ва ҳайвонот номлари ва бошқа хил атамалар транскрипциясини батамом тўғри ва аниқ деб бўлмайди»*.

Бундай камчиликларга қарамай, «Бобурнома»нинг 1960 йилги нашри ушбу асарнинг китобхонлар орасида кенг оммалашувига беқиёс хизмат қилди.

Бу ўринда «Бобурнома» бўйича олиб борилган аксарият илмий-тадқиқотларнинг, бадиий асарларнинг ана шу нашрга асосланганини айтиш кифоя.

Мазкур нашр негизида 1966 йилда «Бобир: Танланган асарлар» уч жилдлигининг II—III жилдлари нашр этилди.[39] 1989 йилда «Юлдузча» нашриёти ҳам «Бобурнома» асарини 1960 йилги нашри асосида чоп этди.[40] Шунингдек, олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва мактаблар учун чоп этилган адабиёт хрестоматияларига ҳам «Бобурнома»дан киритилган парчаларга 1960 йилги нашр асос қилиб олинган.

Европа илм аҳлига «Бобурнома»ни биринчи марта таништирган голландиялик олим Витсеннинг[41] таржимаси туфайли, бир томондан, Ғарб дунёси халқимизнинг бой адабий мероси билан таниша бошлаган бўлса, иккинчи томондан, инглиз шарқшунослари таърифлаган «Бобуриана» даври ҳам ана шу тариқа бошланади. Лекин Бобурнинг Европадаги чинакам шуҳрати роппа-роса юз йилдан кейин — XIX аср бошларида қарор топди. Бу ишда инглиз шарқшуносларининг хизмати катта бўлди. Улар китобни таржима қилиб, нашр эттиришдан ташқари, уни тадқиқ этиш, Бобур ҳаётини ўрганиш ишини ҳам қизғин давом эттирдилар. Умуман, Бобурнинг ҳаёти, шахсий фазилатлари Европа тадқиқотчиларини ҳайратда қолдирган эди. Бобур сиймосида улар улкан саркарда, моҳир давлат арбоби, дилбар ва дилкаш инсонни кўрдилар.

Бу асар «Бобурнома» — Лейден-Эрскин таржимасида» номи билан 1826 йилда Лондонда чоп этилди.[42]

1828 йилда Лейпцигда А. Кайзер Лейден-Эрскинларнинг инглизча таржималарини қисқартириб, «Бобурнома»ни немис тилида нашр эттиради. Бу таржима анча пухта бўлиб, унга илмий муқаддима, Бобурнинг ҳарбий юришларини акс эттирувчи харита илова қилинган.[43]

1871 йилда Парижда Паве де Куртейл томонидан «Бобурнома»нинг французча таржимаси босилади.[44]

1921 йилда эса, инглиз тилидаги биринчи нашр асосида Льюкас Уайт Кинг томонидан тўлдириб, бойитилган ва таҳрир қилинган янги нашр дунёга келди.[45] Ношир инглизча таржимани нисбатан мукаммалроқ бўлган французча таржима билан қиёслаб чиқиб, кўпгина жойларига аниқлик киритиб, уни анча тўлдиришлар билан чоп эттиради.

Маълумки, «Бобурнома» хронологик жиҳатдан тўлиқ эмас, асарда воқеаларни йиллар бўйича баён қилишда қатор узилишлар бор. «Бобурнома»нинг француз таржимони Паве де Куртейлнинг тасдиқлашича, йиллар бўйича бундай узилишлар асл нусхада ҳам, форсча таржимада ҳам мавжуд. Булар инглизча таржимада ҳам ўз аксини топган. Бу узилишларни бартараф қилиш



[39] *Бобир.* Танланган асарлар. Уч жилдлик, II—III жилд. Т., Фан, 1966.

[40] *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. Т., Юлдузча, 1989.

[41] Витсендан сал олдин — 1697 йилда француз олими Д. Дербело «Шарқ кутубхонаси ёхуд Шарқ фуқаросининг билимига доир қомуслар» номли луғатга «Бобур ёки Бабар» номли кичик мақола киритиб, унда шоҳ Бобур ҳақида маълумотлар берган бўлса ҳам, «Бобурнома»нинг ўзига тўхталмаган.

[42] *Бобур З. М.* «Бобурнома». Ҳиндистон императори томонидан чиғатой туркий тилида ёзилган ҳамда Ж.Лейден ва В.Эрскин томонидан инглизчага ўгирилган. Лондон, 1826.

[43] *Бобур З. М.* Бобурнома. Инглизчадан А. Кайзер таржимаси. Лейпциг, 1828.

[44] *Паве де Куртейл.* Бобурнинг эсдаликлари. Париж, 1871.

[45] «Бобурнома». Ҳиндистон императори Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўз қўли билан чиғатой ва туркий тилда ёзган хотиралари. Ж.Лейден ва В.Эрскинлар таржима қилган. Дублин университетида араб ва форс тиллари факультетининг профессори ҳинд тарихи мутахассиси жаноб Льюкас Уайт Кинг шарҳлаган ва тўлдирган.

мақсадида Кинг ҳижрий 908 йилнинг охиридан 909 йилнинг сўнгигача, 914 йилдан бошлаб 925 йилнинг бошигача бўлган воқеаларни ва 926, 931, 934 (апрель — сентябрь ойлари), 936—937 йилларга оид Бобур ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни бошқа манбалардан олиб, «Бобурнома»га киритади ва шу тариқа асарнинг ўзига хос яхлитлигини таъминлашга интилади.

«Бобурнома»даги кўпдан-кўп жўғрофий жой номлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид атамаларни ҳам таржимонлар (матн ичида, ҳошияда, тадқиқот қисмида) батафсил шарҳлаб, тушунтириб берганлар. Биргина Льюкас Уайт Кингнинг ўзи тузган шарҳ ва изоҳлар 4000 дан ортиқдир. Асардаги шеърий парчаларнинг кимларга тааллуқли эканини ҳам Кинг уларнинг манбаини излаб топиб, аниқ изоҳлаб берган.

1922 йилда машҳур инглиз шарқшуноси, бобуршунос олима А.Беверидж аввалги таржималарда Бобур тили ва услуби етарли даражада сақланмагани ва қатор камчиликларга йўл қўйилганлигини ҳисобга олиб, асарни Ҳайдаробод нусхаси асосида қайта таржима қилиб нашр этади.[46] Шунингдек, 1845 йилда Р. М. Калдекот[47] ва 1879 йилда Ф. Ж. Талботнинг «Бобурнома»нинг биринчи инглизча таржимаси асосида амалга оширган анча қисқартирилган таржималари нашр этилади.[48]

Юқорида кўрганимиздек, «Бобурнома»га айниқса инглиз шарқшунослари жуда қизиқиб қараб, уни қайта-қайта таржима қилганлар. Бу ҳолатни инглиз олимларининг ўзбек адабиётига бениҳоя қизиқиб қараганининг натижаси деб баҳолаш албатта содда бир тасаввур бўлур эди. Аксинча, бу асар инглиз мустамлакачиларининг бутун диққат марказида турган Ҳиндистоннинг тарихи, сиёсий ҳаёти, жўғрофияси, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида маълумот берувчи қомусий асар бўлгани учун ҳам унга бу қадар катта эътибор берилган. XVIII асрдан бошлаб инглиз мустамлакачиларининг фикри-зикри ҳинд халқини нафақат сиёсий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам забт этишга қаратилгани тарихдан яхши маълум.

Бунда, албатта, Ҳиндистон кутубхоналарида ва хусусий шахслар бисотида сақланаётган «Бобурнома»нинг ажойиб қўлёзмалари уларга қўл келгани сир эмас. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, «Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилган кишилар ҳам, Бобур ҳақида асар ёзган Лейн Пуул, Монстюарт Эльфинстон, Эдуард Давсон, Вильямс Рашбрук, Хенри Эллиот, Эдуард Холден, Аннетта Сусан Беверидж хоним, унинг турмуш ўртоғи Хенри Беверидж ва бошқалар оддий тарихчилар эмас эди. Улар Англиянинг Ҳиндистондаги мансабдор кишилари бўлиб, «Бобурнома» воситаси билан бу мамлакатни чуқурроқ ўрганиш, унинг бойликларидан унумлироқ фойдаланиш, ўз ҳукмронликларини мустаҳкамлашни мақсад қилиб олган эдилар.

Беверидж хонимнинг таржимасидан роппа-роса 75 йил ўтгач, 1996 йилда Американинг Ҳарвард университети профессори Уилер Тэкстон томонидан «Бобурнома»нинг инглиз тилидаги шарҳлар билан бойитилган яна бир тўлиқ таржимаси нашр этилади.[49]

Таржимоннинг мақсади «аслиятнинг хусусиятини сақлаган ҳолда ҳозирги замон инглиз тилига таржима қилишдан иборат» бўлган. Таржимон А.С.Беверидж каби сўзма-сўз ўгириш йўлидан бормай, эркин таржима қилиб, асар руҳини сақлашга ҳаракат қилган. Бизнинг фикримизча, таржимон ўз мақсадига эриша олган.

Таржиманинг муҳим хусусияти — унда бой маълумот берадиган етти юзга яқин изоҳнинг илова қилинганидир.

«Бобурнома» 1943—1946 йилларда икки жилдда усмонли турк тилида ҳам изоҳлар билан нашр этилади.[50] Рашит Раҳмати Арат қаламига мансуб бу таржима Ҳайдаробод нусхаси асосида бажарилган ва катта ҳажмдаги изоҳ ва кўрсаткичлар билан чоп қилинган.

Кейинги йилларда Покистонда «Бобурнома»га ва умуман XVI асрда Ҳиндистондаги ўзбек тилида яратилган адабиётга нисбатан бўлган қизиқиш анча ортди.

Карачи университети туркшунослари туркий ўзбек тили билан урду тили ўртасидаги лексик ўхшашликлар, урду тилидаги туркий сўзлар, На-



[46] *Беверидж А.С.* «Бобурнома» (инглиз тилида). Лондон, 1921.

[47] *Калдекот Р.М.* Бобур ҳаёти (Ҳиндистон императори). Қисқартирилган таржима. Лондон, 1845 (инглиз тилида).

[48] *Талбот Ф.Ж.* Ҳиндистон императори Бобурнинг эсдаликлари. Қисқартирилган таржима. Лондон, 1879 (инглиз тилида).

[49] The Baburnoma. Memories of Babur, Prince and Emperor. Translated, edited and annotated by wheeler M. Thackston. Нью-Йорк Оксфорд. 1996.

[50] Zahiruddin Muxammad Babur. Vekayi. Babur'in hatirati, жилд I—II, Анқара, 1944—1946.

воий ва Бобур асарлари тилининг хусусиятлари устида илмий ишлар олиб бормоқда.

«Бобурнома» урду тилига Бобурнинг авлодларидан бўлмиш Мирза Насриддин Ҳайдар Кўрагоний[51] томонидан таржима қилиниб, дастлаб 1924 йилда Деҳлида, 1962 йили эса Карачида нашр эттирилган. Шунинг билан бир қаторда покистонлик олимлар «Бобурнома» асарида урду тили намуналари мавжудлигини таъкидлаб, алоҳида мақолалар ҳам ёзган. Жумладан, М.Х.Сиддиқий, «Бобурнома» манбаларига таянган ҳолда, Бобурнинг Қандаҳорга юриши тарихини ёритган.[52] «Бобурнома»нинг Абдураҳимхон ибн Байрамхон томонидан форс-тожик тилига қилинган таржимасини Рушан Оро Бегим нашрга тайёрлаб, 1972 йилда чоп эттирган.

Бундан ташқари, «Бобурнома»нинг урду тилида яна бир таржимаси мавжуд бўлиб, уни Рашид Ахтар Надвий[53] амалга оширган ва у дастлаб 1965 йилда, кейинроқ 1991 йилда Лаҳўрда нашр этилган. Мазкур таржима форс тилидан ўгирилган бўлиб, унча тўла эмас.

«Бобурнома» Ҳиндистоннинг давлат тили — ҳиндий тилига Йуғжит Навалпурий томонидан таржима қилиниб, 1974 йилда Янги Деҳлида Ҳиндистон адабиёт академияси томонидан нашр этилган.[54]

Асар сўзбошисида «Бобурнома»нинг аҳамияти ҳақида инглиз шарқшуноси Ф. Талботнинг қуйидаги сўзлари келтирилади: *«Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган киши ишни, энг яхшиси, Бобурнинг хотираларини мутолаа қилишдан бошлагани маъқул».* Бу нашрнинг қимматли томони — унда изоҳларнинг кўплигидир. Агар 1960 йили ўзбек тилидаги нашрда 600 дан зиёдроқ изоҳ берилган бўлса, ҳиндий тилидаги нашрда уларнинг сони 2600 дан зиёд. Айни пайтда таржимада айрим нуқсон ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин, шуларга қарамай, мазкур ҳиндча нашр «Бобурнома»даги Ҳиндистонга оид сўзлар маъноси ва имлосини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Бобурнома» 1980 йили Парижда ЮНЕСКОнинг махсус қарори билан француз тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Таржимани француз шарқшуноси Жан Луи Бакйе Граммон бевосита аслиятдан, яъни эски ўзбек тилидан амалга оширган.

ЮНЕСКО нашри уч қисмдан иборат бўлиб, «Бобур Мовароуннаҳрда», «Бобур Афғонистонда» ва «Бобур Ҳиндистонда» деб номланади. Ҳар бир қисмга мазкур мамлакатларнинг кўзга кўринган бобуршунос олимлари учта алоҳида сўзбоши ёзган.

«Бобур Мовароуннаҳрда» қисмига ўзбек олимаси, академик Сабоҳат Азимжонова сўзбоши ёзган. ЮНЕСКО нашри шу қадар тез тарқалиб, катта шуҳрат топдики, натижада таржима 1985 йилда яна қайта нашр этилди ҳамда таржимон Жан Луи Бакйе Граммон Францияда таъсис этилган, энг яхши таржима учун бериладиган юксак мукофот билан тақдирланди.

«Бобурнома» асарини рус тилига таржима қилишда рус шарқшунос олимларининг хизматлари ҳам катта эканини айтиб ўтиш лозим.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида «Бобурнома»нинг Фарғона ва Самарқанд тасвирига доир қисмлари Н.И.Пантусов,[55] С.И.Поляков,[56] В.В.Вяткин[57] томонидан рус тилига таржима қилинган, рус олимлари томонидан тузилган айрим хрестоматия ва тўпламларга эса бу асар асл ҳолида, таржимасиз киритилган эди.[58]

«Бобурнома» 1948—49 йилларда рус тилида икки жилддан иборат қилиб нашр этилди. Бу нашрлар янада такомиллаштирилиб, 1959 йилда М.А. Салье таржимаси ва С. Азимжонова сўзбошиси билан қайта чоп этилди. «Бобурнома»нинг М.А. Салье томонидан амалга оширилган мазкур таржимаси 1993 йилда тўлдирилиб қайтадан нашр этилди.[59]

Бу ноёб асарни ўрганишда А.Белинский, А.Н. Болдирев, Н.В.Миклухо-Маклай, Н.Молчанов, Р.Набиев, П.И.Петров, А.А.Семенов, А.Ю.Яку-

---

[51] *Мирза Насриддин Кўрагоний.* Таржумайи тузуки Бобурий. Карачи, 1962.

[52] *Сиддиқий М.Х.* Бобурнинг Қандаҳорга юриши тарихига доир. Карачи, 1962.

[53] *Рашид Ахтар Надвий.* Таржимайи тузуки Бобурий. Лаҳўр, 1965.

[54] *Бобурнома.* Деҳли. 1974 (ҳиндий тилида).

[55] *Пантусов Н.И.* Фергана по запискам Султана Бабура. «Записка русс. геогр. общ-ва». 1880.

[56] *Поляков С. И.* Выдержки из описаний Ферганы. Ежедневник Ферганской области. Т. Вып. 1904.

[57] *Вяткин В.В.* Самарканд и его окрестности в прошлом, по запискам Султана Бабур-Мирза. Справочная книга. С. 30—37.

[58] Қаранг: *Березин Н.Н.* Турецкая хрестоматия. Казан, 1857.

[59] Бабурнаме (Записки Бабура). Перевод М.А. Салье. Ташкент, 1993.

бовский, Я.Ғуломов, С.Азимжонова, С.Жалилов, Р.Шамсиддинов каби тарихчилар, табиатшунос Ҳ.Ҳасанов, файласуф ва адабиётшунос олимлардан В.Зоҳидов, Б.Валихўжаев, А.Қаюмов, Ҳ.Ёқубов, О.Шарофиддинов, М.Шайхзода, Ғ.Саломов, А.Ҳайитметов, И.Стеблева, А.Исмоилов, Г.Ф.Благова, Х.Назарова, Ҳ.Қудратуллаев, Н.Комилов, С.Ҳасанов, С.Жамолов, Н.Отажонов, А.Иброҳимов, Л.Хўжаева, С.Шукруллаева, адиблар Ойбек, П.Қодиров, Б.Бойқобилов, А.Эшонов, Х.Султоновларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

«Бобурнома»нинг бу қадар кўп тилларга таржима қилиниши, қайта-қайта нашр этилиши, жаҳон бўйлаб шуҳрат топишига сабаб тасвирнинг ғоят кенг қамровлиги, XV аср охири ва XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи, жўғрофияси, этнографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бу мамлакатларнинг халқлари, уларнинг яшаш тарзи, тили, урф-одатлари ва бошқа жиҳатлари ҳақида ишончли маълумотларга бой қомусий асар экани ҳамда асар муаллифининг билим ва қизиқиш доирасининг беқиёслиги, воқеа-ҳодисаларни ростгўйлик билан ҳалол тасвирлангани, тил ва услубининг содда ва равон, ихчамлигидир десак, асло хато бўлмайди.

Маълумки, «Бобурнома» мемуар асардир. Бундай асар, одатда, муаллифнинг давр-замонга, ўтмишга оид хотираларини, кўрган ва эшитганларини маълум тартибга солиб ифода этиши натижасида вужудга келади.

Бу жанрга хос асарларда, айниқса, бўлиб ўтган воқеаларни бирмунча кейин тасвирловчи мемуарларда муайян даражадаги бадиий чизгиларни, тарихий воқеаларни бевосита акс эттириш билан бирга, умумлаштириб тасвирлаш хусусиятини ҳам кўриш мумкин. «Бобурнома» ана шундай мураккаб таркибли мемуарлар қаторига киради. Муаллиф узоқ муддат орасида юз берган ижтимоий-сиёсий ва тарихий воқеаларга маълум бир нуқтаи назардан қарайди ва баҳо беради.

У тасодифий ҳодисалар, икир-чикирларни мумкин қадар қаламга олмасликка, асосий воқеаларни танлаш, саралашга катта аҳамият беради, асарнинг бадиий ифода кучини оширишга ҳаракат қилади. Лекин асарда воқеалар хронологик тартибда баён қилингани ва унда XV аср охири — XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда юз берган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тасвирлангани учун у бошдан-оёқ тарихий хусусият касб этади.

Бу асарда темурий ҳукмдорларнинг ўзаро уруш-талашлар оқибатида бирин-кетин мағлубиятга учраши, жумладан, Абусаъид мирзо вафотидан кейин унинг ўғиллари (Умаршайх, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва бошқалар) ўртасида чиққан жанжаллар, Бобур ва унинг амакиваччалари, беклар ўртасидаги курашлар, Ҳусайн Бойқаро билан ўғиллари орасидаги низолар, темурийлар билан Шайбонийхон ўртасида Мовароуннаҳр учун олиб борилган қонли курашлар, айрим ноқобил ҳукмдорлар саройидаги айш-ишрат, фитналар, шунингдек, Бобур томонидан Афғонистон ва Ҳиндистоннинг эгалланиши, ҳинд ва афғон қабилаларининг қаршилиги ва уларнинг бостирилиши — барчаси ҳаққоний тарзда, ўша замонга хос жимжимадор ва баландпарвоз тасвир услубидан фарқли ўлароқ, ғоят гўзал, жонли ва мароқли йўсинда ҳикоя қилинади.

Бобурнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Чун бу тарихда андоқ илтизом қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеъини таҳрир этилгай».[60]

Маълумотларнинг кўплиги, аниқ ва тўлалиги, тарихий воқеаларнинг ростгўйлик билан ифода этилиши, хронологик изчиллик, ифоданинг соддалиги ва равонлиги «Бобурнома»нинг тарихий манба сифатидаги афзалликлари ва жозибасини янада оширади. Бу жиҳатдан у кўпгина Шарқ тарихчиларининг китобларидан устун туради.

Маълумки, Шарқ муаррихларининг аксарият китобларида тарихий далиллар афсона ва ривоятлар билан боғланиб кетади, қаламга олинаётган воқеалар муаллифнинг подшоҳ ва ҳукмдорларга бўлган муносабатидан келиб чиқиб тасвирланади, бировларни атайлаб мақтаб кўкка кўтариш, бошқа бировларни эса камситиб ерга уриш тамойили ҳам устунлик қилади. «Бобурнома»да эса бундай тенденциоз, бирёқлама қарашларни кўрмаймиз, аксинча, унда ижтимоий-сиёсий воқеалар холис ва изчил тасвирлангани туфайли ўша даврдаги ҳоким табақаларнинг фазилат ва камчиликлари ҳам аниқ-равшан акс этади ва шарқ феодализмининг ўзига хос айрим хусусиятлари яққол намоён бўлади. Буларнинг барчаси «Бобурно-

[60] Бобурнома, 201 а.

ма»ни аниқ тарихий далилларга бой бўлган бекиёс бир тарихий асар деб айтишга асос беради, унинг муаллифи эса, аввало, билим ва тафаккур доираси жуда кенг бўлган аллома шахс сифатида гавдаланади.

«Бобурнома» фақат тарихий асар эмас. Унда ўша даврдаги бир қатор фанлар (жўғрофия, наботот, ҳайвонот, этнография, ҳарбий усул ва бошқалар)нинг илмий ютуқлари ҳам ўз ифодасини топган. Бобур тоғ ва даралар, кўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонлар, турли ҳудуд ва минтақаларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, у ерларда яшайдиган халқларнинг урф-одати, тили, адабиёти ва санъати, айрим сўзларнинг келиб чиқиши каби масалалар билан ҳам астойдил қизиқади. Муаллиф буларнинг ҳаммасини эринмай кузатади, ўрганади, турли касбдаги кишилардан маълумотлар тўплайди.

«Бобурнома»да мамлакат ва ўлкалар, шаҳар-қишлоқларнинг сиёсий тарихи билан бирга, табиати, хўжалиги, илм-фани, маданияти ва бошқа жиҳатлари ҳам мукаммал тасвирланади. Масалан, муаллиф Кобул вилоятини тасвирлар экан, унинг жўғрофий ўрни, чегаралари, яйловлари, ўсимлик ва мевалари, дарё ва кўллари, халқи, унинг касбкори, урф-одати, тили, савдо-сотиқ ишлари ва бошқалар ҳақида батафсил ва қимматли маълумот беради.

«Бобурнома»да ана шундай хилма-хил маълумотлар шу даражада кўп учрайдики, илм-фаннинг деярли барча соҳаларидаги мутахассислар бу асардан баҳраманд бўла олади. Бу далилларнинг ҳаққонийлиги туфайли тарихчи ўша даврдаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихига тегишли муҳим маълумотларга эга бўлса, табиатшунос мазкур ўлкаларнинг топографияси, иқтисодий жўғрофиясига оид янгиликларга, ҳайвонот олами билан шуғулланувчилар эса шу мамлакатлардаги ҳайвонот оламига тааллуқли билим ва тасаввурларга эга бўлади; ўсимликшунос ўсимликлар дунёси билан танишади, этнограф шу жойларда яшайдиган турли халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатларига доир қизиқарли тафсилотларга дуч келади, тилшунос ўзбек адабий тилининг шу даврдаги аҳволини, адабиётшунос эса шу давр адабий муҳитини тасаввур қила олади.

Ўзининг ана шу фазилатлари билан «Бобурнома» узоқ замонлардан бери бутун дунёда кўплаб соҳа олимларининг диққат-эътиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан юксак баҳоланди.

«Бобурнома»ни ғарб тилларига таржима қилган Ж. Лейден, В. Эрскин, Паве де Куртейл, Уайт Кинг ва бошқалар бу мумтоз китобга асосан тарих асари сифатида ёндашиб, ўз таржималарига ёзган сўзбоши ва изоҳларида уни XV аср охири ва XVI аср бошларида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни аниқ тасвирловчи тарихий ҳужжат, ана шу ҳудудларнинг жўғрофияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, этнографияси ҳақида ишончли маълумот берувчи манба деб баҳолаганлар. Шунингдек, Лейн Пуул, Эдуард Холден, Эльфинстон, Херман Вамбери, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд ва бошқа тарихчилар ҳам асарнинг умумий мазмуни ҳақида фикр юритиш билан бирга, муаллифнинг ҳаёти ва шахсияти ҳақида ўз қараш ва мулоҳазаларини баён қилганлар.

Уларнинг ҳаммаси Бобурнинг инсоний фазилатларини, чунончи, унинг йирик лашкарбоши, ҳар қандай қийинчиликдан қўрқмайдиган саркарда, илм-фан ва санъатни севадиган, ижод аҳлини қадрловчи олижаноб шахс эканини якдиллик билан таъкидлайди. Улар «Бобурнома»нинг айрим хусусиятлари, Бобурнинг замондошлари ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилади. Масалан, инглиз тарихчиси Лейн Пуул шундай ёзади: «*Унинг мемуарлари бир аскарнинг ҳарбий юриш ва чекинишлари ҳақидаги оддий кундалик дафтар эмас; бу хотираларда Шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни синчиклаб ўрганадиган, улар ҳақида холис ва одил фикр юрита оладиган мутаассир қалб эгасининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган.*

*Унинг ўз қиёфасини чизишдаги самимийлиги, фазилат ва нуқсонларини ҳам мардона тасвирлаши, очиқ кўнгиллиги, ҳаққонийлиги ва ажойиб ҳазилкашлик туйғулари бу гўзал хотираларнинг эътибори ва аҳамиятини янада оширади*».[61]

Инглиз тарихчиси Эльфинстон эса ўз фикрини шундай ифода этади: «*Бу хотираларда буюк туркий подшонинг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қан-*

[61] *Лейн Пуул*. Бобур. Оксфорд. 1899. С. 9.

*дай муболаға ва пардалашлардан холи. Унинг услуби оддий ва мардона, шунингдек, жонли ва образли. У ўз замондошларининг қиёфалари, урф-одатлари ва интилишларини, қилиқларини ойнадек равшан тасвирлайди.*

*Шу жиҳатдан бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир. Бобур ҳарбий одамнинг ташқи кўриниши, кийимини, таъби ва одатларини ифода қилади, мамлакатларни, уларнинг иқлими, табиати, хўжалиги, санъат ва ҳунармандчилик намуналарини тасвирлаб беради. Лекин муаллифнинг ёркин характери асарга энг кўп жозиба бағишлайди».*[62]

Бошқа бир ўринда у яна шундай дейди: «*Бобур гавдалантирган ҳар қайси шахснинг ташқи қиёфаси, кийими, қилиғи ва завқи шундай батафсил ва ҳаққоний тасвирланганки, уни ўқиганда, биз гўёки шу одамлар орасида яшагандай бўламиз ва уларнинг сиймоси билан бирга характерини ҳам билиб оламиз*».[63]

Машҳур венгер шарқшунос олими Ҳерман Вамбери бу асарни «Шарқ Цезарининг комментариялари»[64] деб баҳолайди. «Бобурнома»нинг инглиз тилига биринчи таржимасини амалга оширган Вильям Эрскин, француз таржимони Паве де Куртейл, тарихчи Эдуард Ҳолден ва бошқалар Бобур характери ва хусусиятларининг энг муҳим нуқталарини асосан тўғри ёритганлар.

Булар орасида Паве де Куртейл томонидан берилган таъриф айниқса характерлидир: «*Ҳар қандай синовга бардош бера олувчи, ирода ва матонатни ўзида мужассамлаштирган бу зот ўзида ҳарбий ҳийла ва жасоратни уйғунлаштира олар, зарур бўлганда жазолашга ҳам ва афв этишга ҳам қодир эди; у истеъдодли ҳарбий арбоб ва ишнинг кўзини биладиган, қўшинларни моҳирлик билан бошқара оладиган, уларнинг ишончини қозона олган саркарда эди...*

*Эҳтиёткор давлат арбоби бўлатуриб, у ҳар қандай майда нарсага ҳам эътибор берар эди. Бу шоҳ фақат фотиҳ бўлибгина қолмай, яратувчи-бунёдкор ҳам эди. Авлодлари орасида Султон Акбар ва Аврангзебдек унинг ўзи каби мумтоз зотлар кам учрайди.*

*Маълумки, бундай ақл-заковат соҳиби ҳаётда ашаддийлик, кескинликни рад этади. Шу боис Бобур ўзининг дабдабалардан холи, оддий ҳаёти билан турли кишиларни ўзига жалб қилган. Ҳазил-мутойибани ёқтирадиган ва бошқаларнинг ҳазилини ҳам кўтарадиган, иқтидор ва қобилият эгаларини қадрлайдиган, назм ва мусиқани юракдан севадиган, барча истеъдодли инсонларга, уларнинг ким бўлишидан қатъи назар, илтифот билан қарайдиган Бобур ўз атрофига энг яхши одамларни тўплашга муваффақ бўлди ва кўпчиликнинг юксак ҳурмат-эҳтиромини қозонди*».[65]

Вильям Эрскин эса Бобурнинг шахси ҳақида ганирар экан, «*саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан ва санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган биронта подшоҳ топилмайди*»,[66] дейди.

Инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден Бобурни лашкарбоши, арбоб ва адабиётчи сифатида Цезарь билан бир қаторга қўйса, жозибадор характери жиҳатидан Рим ҳукмдоридан ҳам юқори турувчи деб билади ва «*Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган*»,[67] дейди.

Шундай қилиб, XIX асрдаёқ Ғарб ва рус олимлари «Бобурнома»ни кўплаб илм-фан соҳалари учун қимматли маълумотлар берувчи энг ишончли манба, том маънодаги қомусий асар деб баҳоладилар, уни қайта-қайта таржима қилиб, нашр этдилар.

Шу билан бирга, «Бобурнома», юқорида айтиб ўтганимиздек, ажойиб насрий асар, ўзбек бадиий адабиётининг нодир ёдгорлиги ҳам ҳисобланади. «Бобурнома»нинг асосий тасвир мавзуи тарихий воқеалардир. Бироқ, Бобур воқеаларни шунчаки санаб ўтиш ёки улар ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолмайди. У тарихий воқеалар манзарасини, тарихий шахсларнинг ташқи ва ички қиёфасини моҳирона тасвирлаб, ёркин ва бетакрор табиат лавҳаларини бетакрор бўёқлар билан ифо-

---

[62] *Сингх Н.К., Банержи А.У.* История Индии. М., 1954. С. 214.
[63] Ўша асар. 429-бет.
[64] *Вамбери Г.* История Бухары или Трансоксании. С.-Петербург. 1873. С. 263.
[65] Бобур мемуари. Чиғатой тилидан француз тилига Паве де Куртейл томонидан таржима қилинган. Париж, 1871. 8—9-бетлар.
[66] *Эльфинстон Н. М.* Ҳиндистон тарихи. Лондон, 1857. 41-бет (инглизча).
[67] Монгольские императоры Хиндустана, с 1398 по 1707 год. *Эдуард С.Холдина.* Нью-Йорк, 1895. С. 41.

далаб беради. Шунингдек, муаллиф мароқли ва жозибали бадиий услуб билан турли хил саргузаштларни, ривоят ва латифаларни ҳикоя қилади, халқ ҳажвиёти, мақоллари ва таъбирлари, шеърий парчалар билан ўз асарини безайди. У турли хилдаги бадиий услуб ва тил воситаларидан ўринли фойдаланади.

«Бобурнома»даги воқеалар турли вазиятларда ва зиддиятлар орқали ривожланиб боради. Улар бир-бири билан ана шу воқеаларда бевосита иштирок этган Бобур сиймоси орқали боғланади, ўзига хос кульминация ва ечим касб этади. Мана шу хусусиятлари билан «Бобурнома» китобхонни завқ ва ҳаяжонга солади, уни ўзига бутунлай мафтун этади.

Чиндан ҳам, академик В. В. Бартольд айтганидек, «Бобурнома» фақат сиёсий курашлар ҳужжатигина бўлиб қолмай, XV асрдаёқ ҳаққоний равишда туркий насрнинг мумтоз реалистик намунаси деб танилган[68] ёдгорликдир.

Бобур ўз ҳаётида учраган воқеаларни изчиллик билан тасвирлар экан, Фарғона, Мовароуннаҳр ва Хуросонда XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида яшаган йирик давлат арбоблари, темурий ҳукмдорлар, бек ва амалдорлар, адиб ва шоирлар, мусаввир ва хаттотларнинг, кўплаб ўз замондошларининг ташқи қиёфалари, хатти-ҳаракатлари, феъл-атворини, иш ва амалларининг муҳим ва алоҳида хусусиятларини, уларнинг жамият ҳаётида тутган мавқеини ҳам батафсил акс эттиради.

Лекин, у ўз сиймоси ва хулқ-атворининг белгиларини, бошқаларники каби, бирор ўринда ҳам бирма-бир санаб кўрсатмайди. Биз Бобурни асарда тасвирланган барча воқеаларнинг фаол иштирокчиси сифатида учратамиз. У баъзан жанглар гирдобида, баъзан узоқ давом этган сарсон-саргардонликларга тўла юришларда, баъзан ижод оғушида, адабий суҳбатларда, баъзан базмлар ва кайфу сафо мажлисларида, ёр-дўстлари билан ўтказилган хушчақчақ ҳазил-мутойибага бой ўтиришларда, ов маҳалида, баъзан бинокорлар, тошйўнарлар билан суҳбатда ва бошқа турли-туман ҳолатларда кўзга ташланади. Буларнинг барчасида у ўзининг ғалаба ва мағлубиятлари, ютуқ ва камчиликлари, донолик ва хато-янглишлари, кураш ва фароғатлари, шодлик ва изтироблари, мардлик ва марҳаматлари, қувноқлик ва умидсизлик кайфиятлари билан намоён бўлади.

Бобур сиймосини белгилайдиган хусусиятлар орасида унинг темурийлар салтанатини сақлаб қолиш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам давлат тузишга бўлган саъй-ҳаракатлари алоҳида кўзга ташланади. Бу курашларда у мард ва жасоратли, узоқни кўзлайдиган арбоб ва моҳир саркарда сифатида кўринади.

Бобур ёшлигидан қўлга қилич олишга мажбур бўлиб, ҳарбий санъатни ҳаётнинг машаққатли мактабидан ўрганади ва уни мукаммал эгаллайди. У жангларда ўзининг ботирлиги ва матонати билан атрофдагиларга шахсан намуна кўрсатади, жангчиларни ғалабага руҳлантиради. Қиш кунларидан бирида бўлган жангни тасвирлар экан, шундай ёзади: «Муҳаммад Али Мубашширбек менинг янги риоят қилғон бекларимдин эди, хейли мардона ва қобили риоят, яхши йигит эди, жибаси йўқ, илгаррак шох солғон йўлға мутаважжиҳ бўлди, биқиниға ўқ ладилар, ўшул замон жон таслим қилди. Илдам келиб эди. Аксарнинг жибаси йўқ эди. Бир-икки ўқ ўтуб-ўтуб тушти. Аҳмад Юсуфбек изтироблар қилиб, ҳар замон айтадуркким, яланғоч мундоқ кириб борасиз, икки-уч ўқни кўрдумким, бошингиздин ўтти. Мен дедимким, сиз мардона бўлунг, менинг бошимдин мундоқлар хейли ўтубтур».[69]

Айтиб ўтилганидек, Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган. У ҳатто икки-уч киши билан кўп сонли душманга қарши жангга кириб ғалаба қилган пайтлари ҳам бўлган. Ўз навкарларига доимо ғамхўрлик кўрсатиши, оддий жангчидай барча машаққат ва уқубатларни улар билан бирга тортиши, аксарият пиёда юриши, тоғу тош ошиб, сув кечиб, сафар қийинчиликларига шерик бўлиши, қаҳратон совуқлар ва жазирама иссиқ азобларини бирга тортиши сабабли Бобур жангчилар ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлади, уларнинг ишончини қозонади ва қўшинда мустаҳкам интизом ўрнатишга эришади. У халққа зулм қилувчи, талончилик билан шуғулланувчи бек ва навкарларни аёвсиз жазолайди.

902 ҳижрий (1496—97 милодий) йил воқеаларини баён қилар экан, у шундай деб ёзади: «Ём навоҳисида эканда шаҳрдин қалин эл бозори ва

[68] *Бартольд В. В.* История культуры мусульманства. С.-Петербург. 1918. С. 98.

[69] Бобурнома, 161 а.

ғайри бозори чиқиб, ўрду бозорда бўлуб, суд ва савдо қилурлар эди. Бир намози дигар ғавғойи оми бўлуб, бу мусулмонлар тамом толонға бордилар. Черик забти бу мартабада эдиким, фармон бўлдиким, жамиъ элнинг жиҳотини ҳеч ким сахламай тамом ёндура бергайлар. Тонгласи бир пахра бўлмайдур эдиким, ип учи, игна синуғича нима черик илгида қолмади, борчасини эгаларига ёндура бердилар».[70]

Бобур ўз қўшинида ана шундай қаттиқ интизом ўрнатган эди.

Ёки бошқа ўринда Афғонистондаги Оқсарой ўлангидаги воқеани тасвирлар экан, шундай ҳикоя қилади: «Бу юрттин кўчуб, Қорабоғ ёнидағи Оқсарой ўлангига тушулди. Хисравшоҳнинг эл куни зулм ва бесарлиққа ўрганган эл элга зулм қила бошладилар. Охир Сайдим Али дарбоннинг бир ўбдон навкари біровнинг бир кўза ёгини тортиб олған учун эшикка келтуруб таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар».[71]

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бобур Ҳиндистонда оз вақт ҳукмдор бўлиб турган бўлса-да, талай ишларни амалга оширишга муваффақ бўлади. У мусулмон бўлмаган аҳолидан олинадиган тамға солиғини бекор қилади, Ғазна ва Афғонистоннинг бир қанча вилоятларидаги сув иншоотларини тузаттиради. Кобул, Деҳли, Агра шаҳарларида, Жамна дарёси ёқаларида катта қурилиш ишларини олиб боради. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи шундай ёзади: «Доим хотирға етар эрдиким, Ҳиндустоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур. Ҳар ерда ўлтурушлуқ бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлиқ ва сиёқлиқ ерлар ясаса бўлур. Ограга келгандин бир неча кундин сўнг ушбу масалаҳатка Жун сувидин ўтуб, боғ ерларини мулоҳаза қилдуқ. Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлуқ била андин убур эттук. Бу ернинг макруҳлуғи ва нохушлуғидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқти. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Ограда чун йўқ эди, неча кундин сўнг чун зарур бўлуб, бу ерга-ўқ илик қуюлди. Ул улуғ чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ерким, амбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуғ ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморат олидағи ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндта тавр тарроҳлиқлар ва сиёқлиқ боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураттаб ва мукаммал бўлди».[72]

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у бундай ишларни Афғонистон ва Ҳиндистоннинг кўпгина жойларида амалга оширган.

Маълумки, Бобур комил мусулмон, ғозийлик унвонини олган одил подшоҳ эди. Шу боис у бир қатор хурофий ақида, ёлғон расм-русумларга асло ишонмайди, уларни аёвсиз фош этади. Ғазна вилояти ҳақида гапирар экан, бир ўринда шундай дейди: «Китобларда битибтурларким, Ғазнида бир чашма бордурким, агар нажосат ва қозуротни бу чашмаға солсалар, ўшул замон тўлғоқ ва тўфон ва ёғин ва чопқун бўлур. Яна бир тарихда кўрулубтурким, ройи ҳинд Сабуктегинни Ғазнида муҳосара қилғонда Сабуктегин буюрурким, бу чашмаға нажосат била қозурот солурлар. Тўлғоқ ва тўфон ва ёғин ва чопғун бўлур. Бу ҳийла била ул ғанимни дафъ қилур. Мен Ғазнида ҳар неча тажассус қилдим, бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади».[73]

«Бобурнома»да жуда кўп тарихий шахслар (темурий ҳукмдорлар, ҳарбий амалдорлар, илм-фан ва санъат намояндалари ва бошқалар)нинг шакл-шамойиллари ва руҳиятлари моҳирона чизилган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари баёни орқали шахсий хусусиятлари очиб берилган. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатларини ёритганда муаллиф уларга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлишга, уларнинг яшаш тарзи ва шароитидан келиб чиқиб, феъл-атворларининг энг муҳим жиҳатларини мумкин қадар аниқ ва ихчам ибораларда, лўнда ифодалашга ҳаракат қилади.

У ўз отаси Умаршайх мирзонинг қиёфасини шундай тасвирлайди: «Паст бўйлуқ, тегирма[74] соқоллиқ, қуба юзлуқ, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлағондин сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким,

[70] Бобурнома, 40 а.
[71] Бобурнома, 162 а.

[72] Бобурнома, 299 б, 300 а.
[73] Бобурнома, 139 а.
[74] Қ. б. — булма.

боғлари узулур эди. Киймакта ва емакта бетакаллуф эди, дасторни дасторпеч чирмар эди. Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди, бечин чирмаб, алоқа қуяр эдилар. Ёзлар ғайри девонда аксар муғулий бўрк кияр эди».[75]

Бу тасвирда Умаршайх мирзо қиёфасининг барча асосий белгилари — кийимни қандай кийишидан тортиб, айрим фазилатларига қадар қамраб олинган. Бу ўриндаги чизгилар кичик бир вилоят ҳукмдорининг ҳар қандай дабдаба ва хашаматлардан холи бўлган оддий ҳаётини, содда ва самимий қилиқларини акс эттиради. Умаршайхга хос айрим хусусиятлар унга берилган таърифларда ҳам учрайди: «Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди... Ўкни ўрта чоғлиқ отар эди, бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмоғон йўқтур...

Чун Умаршайх мирзо баланд ҳимматлиқ ва улуғ доиялиқ подшоҳ эрди, ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эрди. Неча навбат Самарқанд устига черик тортти, баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал бемурод ёнди... Мулкгирлик дағдағаси жиҳатидин хили ярашлар урушқа ва дўстлуклар душманлиққа мубаддал бўлур эди».[76]

Бу сатрларда мазкур шахс феъл-атворининг энг муҳим томонлари — зукколиги, ҳиммати баландлиги, барча темурий ҳукмдорлар каби ҳарбий юришларга қизиқиши ҳаққоний акс этган.

Бобур баъзан бирон одамнинг ахлоқ ва атворини ёритишда воқеа ичида воқеа келтириш усулидан ҳам фойдаланади. У Умаршайхни «адолатли ва саховатли киши эди» деб қуяқолмайди, балки бу ҳақда китобхоннинг ўзи ҳам ҳукм чиқариши учун воқеий бир лавҳани келтиради: «Адолати бу мартабада эдики, Хитой корвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафидағи тоғларнинг тубида минг уйлук корвонни андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди».[77]

Тарихий шахслар сиймосини, уларнинг шакл ва шамойилини мукаммал ёритиш, айрим хатти-ҳаракатларини воқеалар жараёнида акс эттириш усули Ҳусайн Бойқаро шахсининг талқинида ҳам яққол кўринади. Асарда адиб ва ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро сиймоси шундай чизилади: «Қийиқ кўзлук, шер андом бўйлук киши эди. Белидин қуйи инчка эди. Бовужудким, улуғ ёш яшаб, оқ соқоллиқ бўлиб эди, хушранг, қизил яшил абришимни кияр эди. Қора қўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ. Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси намоён чирмон чирмаб, қарқара ўтағаси санчиб, намозға борур эди».[78]

Маълумки, Ҳусайн Бойқаро темурий ҳукмдорлар ичида салтанат тахтида узоқ ўтирган подшоҳлардан бири эди. У ҳукмронлик қилган (1469—1506) даврда Хуросон, айниқса, унинг пойтахти Ҳирот шаҳри, Бобур тили билан айтганда, бирга ўн, балки йигирма баробар тараққий қилиб эди. Ҳирот фақат ўзининг бойлиги ва ободлиги билангина эмас, биринчи галда Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг саъй-ҳаракатлари натижасида, маданий марказ сифатида ҳам шуҳрат қозонган эди. Бу ерда адабиёт, санъат, илм-фан ривож топган, замонасининг истеъдодли шоирлари, олим ва хаттотлари, мусаввир ва санъаткорлари ўз ижодий ишлари билан шаҳар гўзаллигига гўзаллик қўшган эди. Бундай илму ҳунар соҳиблари даврасида, дабдабали саройлар, хашаматли кошоналарда яшаган Ҳусайн Бойқаронинг диди, завқи ҳам зариф ва нозик эди. Буларнинг барчаси подшоҳ табиатидаги мағрурлик ва манманлик кайфиятларини ҳам юзага келтирган эди. Муаллиф Бойқаронинг атрофини ўраган муҳитдан келиб чиқадиган ана шу хусусиятларни унга хос бўлган айрим чизгилар орқали кўрсатишга муваффақ бўлган.

Албатта, Ҳусайн Бойқаронинг шахсияти ва фаолиятига турлича баҳо бериш мумкин. Бобур бу мураккаб шахсни таърифлар экан, унинг фаолиятини ҳар томонлама изоҳлашга, жамият ҳаёти учун фойдали бўлган ижобий томонларини ҳам, камчиликларини ҳам холисона кўрсатишга интилади.

«Табъи назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Ҳусайний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазндадур, бову-

[75] Бобурнома, 6 б — 7 а.
[76] Бобурнома, ўша бет.
[77] Бобурнома, 7 а — 7 б.
[78] Бобурнома, 164 а.

жудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуғ подшоҳ эди, кичиклардек кўчкор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товук ҳам урушқа солур эди».[79]

Шуни ҳам айтиш керакки, XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва унинг пойтахти Ҳирот шаҳрининг адабий-маданий марказ сифатида ривожланиши ва тараққий этишида, бу ерда кўплаб шоир, олим ва санъаткорларнинг тўпланиб, фаннинг турли соҳаларида илмий-ижодий ишлар билан шуғулланиши учун тегишли шарт-шароит яратиб беришда Жомий ва Навоий қанчалик катта ўрин тутган бўлса, мамлакат ҳукмдори сифатида Бойқаро ҳам катта ишлар қилган. Бобур бу ҳақда фикр юритар экан, ўзига хос юксалиш мавжуд бўлган ана шу давр ҳаётини ёркин тасвирлайди ва Бойқарога нисбатан муносабатини очиқ баён этади.

«Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай».[80]

Умуман, «Бобурнома»да XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларида ҳукмрон мавкени эгаллаган, бирон давлат ёки мулк тепасида турган темурий ҳукмдорлар ўзининг хилма-хил кўринишлари билан тасвир этилган. Бобур уларнинг ташқи сурат ва хулқ-атворини моҳир рассомга хос санъаткорлик билан тасвирлай олган.

Академик Воҳид Зоҳидов таъкидлаганидек, «бу сурат чизиқлари шундай тасвир этилганки, улар мазкур сиймонинг ички моҳиятига мос келади, унинг атворини очишга, тушунишга ёрдам беради».[81]

«Бобурнома»да Ҳасан Яъқуббек, Узун Ҳасан, Али Дўст Тағойи, Аҳмад Танбал, Боқи Чағониёний, Хисравшоҳ каби ҳарбий амалдорлар, Абдул Али тархон, Боқи тархон ва бошқа арбоблар фаолияти айникса кенг тасвирланган.

Ана шундай ҳарбий амалдорлардан бири ўша даврнинг мустабид ҳукмдори Хисравшоҳдир. Муаллиф бу шахснинг ахлоқи ва хусусиятлари, айрим хатти-ҳаракатлари ҳақида шундай дейди:

[79] Бобурнома, 164 б — 165 а.
[80] Бобурнома, 177 а, б.
[81] *Зоҳидов В.* Бобурнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси // Шарқ юлдузи. 1958. № 11. 131-бет.

«Султон Маҳмуд мирзодин сўнг ўғлонларининг замонида худ асру кўп улғойиб эди. Навкари йигирма мингга ёвушиб эди. Агарчи намоз қилур эди ва таомда парҳиз қилур эди, вале тийра ва фосиқ эди, гавдан ва бефаҳм ва бевафо ва ҳаромнамак киши эди. Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстурғон валинеъматзодасини кўр қилди. Яна бирини ўлтурди. Тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубдур. Домани қиёматгача лаънат ва нафрин сазовори бўлди. Бу ўтар дунё учун мундоқ ёмон ишлар қилди ва мундоқ бисёр маъмур вилоят ва мунча қалин яроқлиқ навкар била бир мокиён била ҳам тутушмади. Бу тарихда зикри келгусидур».[82]

Хисравшоҳнинг золимлиги, фаҳшгўйлиги, халқ бошига келтирган моддий ва маънавий кулфатлари сон-саноқсиздир. Муаллиф уларнинг ҳаммасини бирма-бир кўрсатмайди, балки улардан энг муҳимини, шу билан бирга, тасвирланаётган шахснинг бутун ярамас хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган энг авж нуқтасини тасвирлайди.

«Ҳисор эли, алалхусус, Хисравшоҳға тааллуқ эл ҳамиша шурб ва зиноға машғул эдилар. Бу мартабадаким, Хисравшоҳнинг навкарларидин бирови бир кишининг хотунини тортиб элтар, бу хотуннинг эри Хисравшоҳға келиб додхоҳлик қилур, жавоб берурким, неча йил сенинг била эди, неча кун анинг била бўлсун».[83]

«Бобурнома»да фақат ҳарбий амалдорлар, тирик мулк эгалари ва бошқа синф вакилларигина тасвирланиб қолмасдан, XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод этган шоирлар, мусаввирлар ва илм-фан, маданият намояндалари ҳам тасвирланган.

Жумладан, Мир Сарбараҳна ҳақида гапирар экан, Бобур тўғридан-тўғри шундай дейди: «Амир Ҳамза қиссасининг муқобаласида умри зойиъ қилиб, узун-узоқ ёлғон қисса боғлабтур; бу амр мухолифи табъ ва ақлдур».[84]

Бобур XV асрда ўз ижоди билан форс-тожик адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, Хуросон ва унинг пойтахти Ҳиротдаги адабий-маданий ҳаётнинг ривожида катта мавқега эга

[82] Бобурнома, 29 а.
[83] Бобурнома, 23 б — 24 а.
[84] Бобурнома, 176 а.

бўлган Абдураҳмон Жомийга юксак баҳо беради:

«Бу жумладин бир Мавлоно Абдурраҳмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йўқ эди. Шеъри худ маълумдур. Муллонинг жаноби андин олийроқдурким, таърифқа эҳтиёжи бўлғай. Ғояташ хотирға кечтиким, бу муҳаққар ажзода тайаммун ва табаррук жиҳатидин аларнинг отлари мазкур ва шаммайи сифатларидин мастур бўлғай».[85]

«Шуъародин бу жамънинг ҳам саромаду сардафтари Мавлоно Абдурраҳмон Жомий эди».[86]

Бобур, айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг фахри, ўз ижоди ва илмий-адабий фаолияти билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк Алишер Навоий ҳақида завқ-шавқ билан сўзлайди: «Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳammaктаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур... Алишербекнинг мижози нозуклук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғururидин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта экандa ҳам ушмундоқ нозик мизож экандур.

Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқ ут-тайр» вазнида «Лисон ут-тайр» отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавоид ул-кибар» отлиқ. Яхши рубоиёти ҳам бор».[87]

Бобур ижодкорлар ҳақида гапирганда, таърифлаганда уларнинг адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини, бу соҳадаги маҳоратини, маданий тараққиёт йўлидаги хизматларини ёритишга ҳаракат қилади ва шоир ёки адибга ана шу нуқтадан туриб баҳо беради. Муаллиф ўзи тавсифлаётган қалам аҳли ҳақида гап кетганда, уларнинг ижодига хос бўлган энг муҳим томонларни очишга интилади.

Бобур бу даврда яшаган машҳур мусаввирлар ижодига таъриф берганда ҳам уларнинг санъатидаги асосий сифатларни акс эттиришга ҳаракат қилади. У ўз даврининг номдор мусаввири Камолиддин Беҳзоднинг маҳорати ҳақида ҳаяжон билан гапиради: «Мусаввирлардин Беҳзод эди, мусаввирлиқ ишини бисёр нозук қилди. Вале сақолсиз элнинг чеҳрасини ёмон очадур. Ғабғабини кўп улуғ тортадур. Сақоллик кишини яхши чеҳракушойлиқ қиладур».[88]

Бу ерда муаллиф Беҳзоднинг мусаввирлик маҳоратидаги нозикликни, соқоллик кишиларни тасвирлашдаги маҳоратини юксак баҳолаш билан бирга, унинг камчилик томонини ҳам кўрсатиб ўтади. Бу билан буюк мусаввир ижодига холисона баҳо берилади.

Бобурнинг бадиий истеъдоди ва шоирлик маҳорати «Бобурнома»да ҳам ўзининг ёрқин изини қолдирган.

Бобур ҳамиша бадиий ифоданинг аниқ ва содда бўлиши, услубнинг равонлиги учун интилади, жимжимадор тасвирлар, ғализ жумлалар қўллашдан қочади. Ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубларидан бирида унга насиҳат қилиб шундай дейди: «...бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқуйолмагандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас, «илтифот»ни «то» била битибсен. Қулунжни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибо, хат битирда коҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға».[89]

«Бобурнома» муаллифи ҳаётий, ижтимоий-сиёсий воқеаларни акс эттириш орқали айрим тарихий шахсларнинг қиёфасини очишда халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлардан кенг фойдаланади. 1500 йил воқеаларини тасвирлар экан, у Шайбонийхоннинг хатти-ҳаракатларини шундай баён қилади: «Хожа Яҳёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳим эди, икки ўғли Хожа Муҳаммад Зикриё ва Хожа Боқи била Хуросон сари рухсат берди. Кейин бир неча ўзбак бориб, ҳазрати Хожани икки йигит ўғли била Хожа Кордзан[90] навоҳиси-

[85] Бобурнома, 177 б.
[86] Бобурнома, 179 аб.
[87] Бобурнома, 170 б.
[88] Бобурнома, 181 б.
[89] Бобурнома, 349 аб.
[90] Қ.б. ва Л.б. — Корузан

да шаҳид қилдилар. Шайбонийхоннинг сўзи бу экандурким, Хожанинг иши мендин эмас эди, Қанбарбий ва Кўпакбий қилдилар. Бу андин ёмонроқ, масал борким: «Узраш батар аз гунох».[91]

Бу ўринда келтирилган мақол Шайбонийхон табиатидаги мунофиқлик ва ёлғончиликни очишга имкон беради. Шунингдек, асарда тадбирлилик ва эпчиллик, ишонч ва умидсизлик, ботирлик ва қўрқоқлик, хушёрлик ва лақмалик мазмунидаги ўзбек ва форс-тожик мақоллари қўллаб ишлатилган:

«Қопудагини қопмаса, қариғунча қайғурур».[92]

«Ғофил аз инжо ронда ва аз онжо монда».[93]

«Сафи мағлубро ҳуе басандаст».[94]

«Душман не демас, тушга не кирмас».[95]

«Дарвозаи шаҳрро тавон баст, натвон даҳони мухолифон баст».[96]

«Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтаанд».[97]

«Инонмағил дўстунгға, сомон тиқар пўстунгға»[98]

Муаллиф баъзан халқ мақолларининг мазмунини англатадиган, уни янада ойдинлаштиришга ёрдам берадиган жумлаларни ҳам қўллайди. Масалан, 1506 йил воқеаларини тасвирлаб экан, Бадиъуззамон мирзо томонидан уюштирилган зиёфатдаги тартиб-қоидани баён қилиб, Бобур шундай ёзади: «Ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилғон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак».[99]

Бу жумлани келтириш билан муаллиф, биринчидан, кишиларнинг энг яхши одатларини ўрганишга, уларнинг фойдалиларини давом эттириш, ҳаётнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайдиган тартиб-қоидалар ўрнига янгиларини яратиш ва жорий қилишга даъват этиш масаласини илгари сурган бўлса, иккинчидан, воқеа тасвирини бағоят ихчам тарзда баён этишга, айтилмоқчи бўлган фикрнинг ҳақиқий мағзини очишга муваффақ бўлган.

Баъзи ўринларда у мақол ва унинг замиридаги маънони таъбирни воқеа баёни ёки шахс нутқи ичига сингдириб юборади. Масалан, Раана Сангаага қарши жанг қилиш арафасидаги воқеани баён қилиб, ўзининг жангчиларга сўзлаган нутқини шундай ёзади: «Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилиға келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ».[100]

Маълумки, «Бобурнома» тарихий асар, у бўлиб ўтган ҳақиқий воқеаларни тавсиф қилади. Лекин бу ҳол бадиий тасвирларни қўллаш заруратини инкор этмайди. Бобур ўрни билан кишиларнинг ички кечинмаларини, руҳий ҳолатларини акс эттириш, бирон-бир шахснинг қиёфасини очиш, тасвирланаётган воқеанинг мазмунини ойдинлаштириш, айрим воқеалардан тегишли тарбиявий хулосалар чиқариш учун лирик парчалар келтиради.

Масалан:

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!*
*Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!*

1506 йил қишида Ҳиротдан Кобулга Қандаҳор тоғ йўллари билан оғир қийинчиликлар ичида келаётган пайтда айтилган бу байт муаллифнинг руҳий ҳолатида юз берган ҳис-туйғуларни ифодалашга хизмат қилади.

«Бобурнома»да келтирилган кўп бадиий парчалар Шайх Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон» асарларидан, Хожа Ҳофиз ғазаллари ва рубоийларидан олинган. Форс-тожик тилидаги бу шеърий парчаларнинг бир қисми ҳикматли сўз ва халқ мақоллари мазмунини англатади.

Масалан:

*Корҳоро бавақт бояд жуст,*
*Кори бевақт суст бошад, суст.*[101]

Яъни: ишлар ўз вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст.

Бу мисралар ўзбекчадаги «Қолган ишга қор

---

[91] Бобурнома, 80 б — 81 а.

[92] Бобурнома, 73 а.

[93] «Ғофил бу ердан қувилган, у ердан ажралган (аро йўлда сарсон бўлуб қолишдаги киноя)». Бобурнома, 54 а.

[94] «Енгилган сафга бир «ҳой» кифоядир.» Қ.б. — ўзбекча; «Мағлуб ҳарифқа ҳўй басдур», дейилган. Бобурнома, 114 б.

[95]. Бобурнома, 144 б.

[96] «Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман оғзини ёпиб бўлмайди». Бобурнома, 144 б.

[97] «Шуҳрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр дейишар». Бобурнома. 185 б.

[98] Бобурнома, 78 б.

[99] Бобурнома, 186 б.

[100] Бобурнома, 314 б.

[101] Бобурнома, 73 а.

ёғар» мақолига мазмунан ҳамоҳангдир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бобур кишилар қиёфасини тасвирлашда ихчамлик ва равонликка эришиш, асарнинг бадиий қимматини ошириш учун ҳажвдан ҳам моҳирлик билан фойдаланган. Ҳажв орқали ёзувчи айрим кишиларга хос хусусиятларни енгил кулги ва беғараз ҳазил воситасида очиб беришга ҳаракат қилади. Масалан, Ҳусайн Бойқаронинг бекларидан бири бўлган Мир Муртоз шоҳмот ўйинига жуда ҳам берилган киши эди. Бобур унинг шоҳмот ўйинига бўлган ўчлигини шундай ҳажв қилади: «Шатранжға кўп шағафи бор экандур, бу мартабадаким, агар икки ҳариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, яна бирининг этагини тутиб ўлтурур экандуркм, кетмагай, деб».[102]

Мухтасар қилиб айтганда, Бобур ўзбек адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўлмас сўз санъаткорларидан биридир. У назмда ҳам, насрда ҳам ижод этди, аруз назарияси, қофия, ҳарб юриши, ислом қонуншунослиги, иқтисодиёт масалаларига доир китоблар билан бирга бадиий пишиқ, мазмунан теран асарлар яратди.

Халқимиз узоқ асрлардан буён қадрлаб келадиган мумтоз шоир ва аллома Бобурнинг ижоди айни замонда Ўрта Осиё халқлари билан қўшни Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги қадимий тарихга эга бўлган муносабатларнинг узвий ҳалқаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг ижодий меросини бугунги кунда дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар қаторида афғон ва ҳинд тадқиқатчилар, покистонлик ва бангладешлик олимлар ҳам қунт билан ўрганмоқдалар. Буюк ватандошимиз ҳақида мазкур мамлакатларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадиий фильмлар яратилгани, музейлар барпо этилгани айниқса диққатга сазовор. Уларнинг барчасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш бобуршунос олимларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтадиган бўлсак, *«Одамзот борки, авлод-аждоди, ватанининг тарихини билишни истайди»*.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга ана шу кўҳна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганишга, ўзлигимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Биз бугунги кунда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимиз фаолияти ва бебаҳо меросининг ҳозирга қадар пинҳон ётган қирралари билан кенг жамоатчилик, бутун халқимизни ошно этиш шарафига муяссар бўлмоқдамиз.

**Саидбек ҲАСАНОВ,**
**Неъматуллоҳ ОТАЖОНОВ,**
**Салоҳиддин ЖАМОЛОВ**

* * *

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари — «Бобурнома» Ватанимизда ҳозирги жорий алифбода бир неча бор нашр этилган. Булар орасида Ўзбекистон Фанлар академияси нашриётининг 1960 йилда Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаевлар томонидан чоп этилган нусхаси шу кунга қадар ўзининг мукаммаллиги, илмий савияси ва матннинг муаллиф нусхасига яқинлиги билан аввалги нашрлардан тубдан фарқ қилиб, кенг китобхонлар оммаси учун илмий муомаладаги бирдан-бир асосий манба бўлиб келган. Мазкур нашр 1857 йил рус туркшунос олими Н.И. Ильминский томонидан Қозонда чоп этилган «Бобурнома» матни ва 1905 йилда инглиз шарқшуноси А.Беверидж хонимнинг Ҳайдарободдаги «Саларжанг» музейида сақланиб келаётган қўлёзма нусхаси факсимилеси асосида чоп қилинган. Зикр этилган ҳар иккала нашрда асл матн тўлиқ бўлсада, Ҳайдаробод нусхаси айрим нуқсонларга йўл қўйилгани билан нисбатан фарқланиб туради. П.Шамсиев ўз вақтида «Бобурнома» матнида Афғонистон, Ҳиндистон жой номлари, киши исмлари, ҳайвонот ва наботот номлари ва бошқа атамаларда илмий-танқидий матн яратилмагунча турлитуман камчиликларга йўл қўйилиши мумкинлигини айтиб ўтган эди. Бу фикрнинг тўғрилигига ушбу нашр устида олиб борилган ишлар натижасида ҳам ишонч ҳосил қилдик.

Қувончли жиҳати шундаки, 1995—1998 йиллар мобайнида япон олими Эйжи Мано томонидан тайёрланган уч жилдан иборат (1995—1998) «Бобурнома» нашрининг биринчи жилдида ана шундай илмий танқидий матн илк бор чоп этил-

[102] Бобурнома, 178 б.

ган эди[1]. Нашрнинг иккинчи жилдида (1996) сўзлар, киши, жой, қавм-қабила, наслу насаб, ҳайвонлар ва ўсимликлар номлари, шунингдек, асарлар, масал ва ҳикматли сўзлар кўрсаткичлари берилган. Учинчи жилд «Бобурнома» асарининг япон тилидаги таржимасидан иборатдир. Унда олим илмий-танқидий матнига «Бобурнома»нинг қуйидаги нашр ва қўлёзма нусхаларини асос қилиб олганини таъкидлайди:

Ҳ — Аннет Бевериж. «Бобурнома». Лондон, 1905. («Бобурнома» қўлёзмасининг Ҳайдарободдаги «Саларжанг» музейида сақланаётган нусхаси матни чоп этилган).

Қ — Н.И.Ильминский. «Бобурнома». Қозон, 1857. (Бу нашрга «Бобурнома»нинг Керр нусхаси асос қилиб олинган).

Е — Шотландия миллий кутубхонаси. Эденбург. МС. Адв. 18.3.18.

Л — Британия кутубхонаси. Лондон. МС. адд. 26, 324

Р — Британия кутубхонаси. Лондон. «Воқиъоти Бобурий». (Форс тилида). Лондон. МС. Ор. 3717.

Булардан ташқари, Эйжи Мано «Бобурнома»нинг Деҳли (Миллий музей МС. 50.326) ва Париж миллий кутубхонасида (МС. Суппл. персан 265) сақланаётган форс тилидаги қўлёзмаларидан ҳам фойдаланган.

Биз ушбу нашрга Порсо Шамсиев ва япон олими Эйжи Мано тайёрлаган илмий-танқидий матнни асос қилиб олдик. Юқорида қайд этилган қўлёзма нусхалардаги фарқлар юқорида келтирилган **Ҳ, Қ, Е, Л, Р** каби шартли белгилар билан саҳифа остида белгилаб борилди. П.Шамсиев нашридаги саҳифалар остида кўрсатилган қўлёзмалардаги фарқлар, изоҳлар ва таржималар ушбу нашрга тўлалигича киритилди. Китобдан илмий мақсадларда фойдаланувчилар учун унғай бўлиши учун қўлёзма саҳифалари ҳозирги жорий алифбо матнида рақамлар орқали ва қўлёзманинг «а» ва «б» саҳифалари келтирилган ҳолда кўрсатиб борилди. Маълумки, «Бобурнома»нинг Қозон босмасида, бошқа қўлёзма нусхалардан фарқли ўлароқ, 936 йил воқеаларига келиб асар узилиб қолган. Бу воқеаларнинг давоми Бобурнинг яқин кишиларидан бири томонидан ёзиб тўлдирилган. Асар хотимасида қўлёзмани кўчирган котибнинг сўнгсўзи ҳам ўрин олган. Қозон босмасида, асл қўлёзманинг саҳифалари умуман қайд қилинмагани сабабли, биз ***382 а*** бетдан кейинги саҳифа рақамларини, қўлланилган номларни кўрсаткичларда акс эттириш мақсадида, ўзимиз тахминий қўйиб чиқдик.

Ушбу китобдаги кўрсаткичлар Порсо Шамсиев ва Эйжи Мано нашри асосида тузилган бўлиб, киши, қавм-қабила, наслу насаб, китоб ва рисолалар номлари, шунингдек, шеърлар, масаллар ва ҳикматли сўзларни ўз ичига олган. Кўрсаткичлардан ўрин олган ҳар бир сўз ҳар иккала матн билан солиштирилиб чиқилди, тушиб қолган сўзлар ва саҳифа рақамлари имкон даражасида кўрсаткичларда ўз аксини топишига ҳаракат қилдик. «Бобурнома»нинг асл нусхаси араб алифбосида ёзилгани туфайли матнни ҳозирги жорий ёзувга кўчиришда сўзларнинг тўғри ўқилишида (айниқса жой ва киши номларининг) айрим қийинчиликларга дуч келингани Порсо Шамсиев томонидан қайд қилиб ўтилганини назарда тутиб, бу масалага ҳам алоҳида эътиборни қаратдик ва асарни ҳозирги жорий алифбога ўтказиш жараёнида бу қайднинг тўғрилигига амин бўлдик. Натижада мутахассислар билан ишлаш жараёнида 600 дан ортиқ ана шундай ўзгартиш киритилиши лозим бўлган ўринлар борлиги маълум бўлди ва ушбу нашр матнига шунга биноан тузатишлар киритилди. Бундай тузатишлар кўрсаткичларда ҳам ўз аксини топиб, сўзларнинг бир хил ёзилишига алоҳида эътибор берилди.

П.Шамсиев нашри илмий-танқидий матн билан тўла солиштириб чиқилди. Бу жараёнда мазмун жиҳатдан ноаниқликлар, гаплар бир-бири билан маъно жиҳатидан боғланмаган ҳолларда ёки сўзларнинг ёзилишида фарқлар мавжуд ўринлар кўзга ташланганда Қозон ва Лондон босма нусхаларидаги матнларга бевосита мурожаат этилди ва шунга қараб, ушбу нашрнинг матнига тегишли тузатишлар киритиб борилди.

Хусусан, «Бобурнома»нинг ўзбек тилидаги мавжуд нашрларида Афғонистон ва Ҳиндистонга оид номларнинг жорий алифбомиздаги матнида фарқлар кўп учрайдики, биз имкон доирасида уларнинг аниқроқ ифодасини беришга ҳаракат қилдик.

Масалан, киши номларидан Бикрамжит — Бик-

---

[1] *Zahir Ad-din Muhammad Babur.* Babur-nama (Vaqayi). Critical edition based on four chaghatay texts with intoduction and notes by Eiji Mano. Kyoto. Syokado. 1995—1998. Prinited by Nakanishi Prining Co. LTD Kyoto, Japan.

роможит, Маллий Сурдук — Малик Сурук, Бихархон — Бахорхон, Жалолхон Жагхат — Жалолхон Жикахт; жой номларида Бахира — Бехра, Куйил — Кул, Баксара — Бакасар, Авад — Уд, Итаъва — Атова шаклида укилган булса, хайвон номларида гилас (сув хайвони) — калс, чамгаддар (куш) — чамагдор, матийла (куш) — мато, гарийал (сув хайвони) — карёл, калахра (ки-йик) — галахра, гиний (куш) — гина, гилахрий (сичкон) — килохирий деб ёзилган. Усимлик номларидан налайар (дарахт) — нолир, баланг (мевали дарахт) — балинг, жаъмун (гул) — жоман; ой номларидан асаър — исор; вакт бирлигини англатувчи сузлардан гарий — гири, пахар — пахр; вазн улчови сузларидан раттий — рати, маъша — моша, таанк — тонг, манйаса — миноса, карур — курур, санк — сонг шаклида угирилган.

Шуни алохида кайд этиш лозимки, П.Шамсиев нашр устида каттик ишлагани ва ишга ута масъулият билан ёндошгани натижасида олим тайёрлаган матн илмий-танкидий матнда йул куйилган айрим фаркларни хам юзага чикариш имконини берди.

Эйжи Мано тайёрлаган илмий-танкидий матнни П. Шамсиев нашри билан солиштириш жараёнида япон нашрида хам асардан баъзи парчалар тушиб колгани ва матнда матнга оид айрим кам-кустлар мавжудлиги аникланди.

Масалан, «Бобурнома»нинг 21 а сахифасида «Муни эшикоға килиб эди», 220 а сахифасида «Ушбу юртта эканда Мондиш вилоятида даранинг уртасида бир баланди устида улуғ суфа тош билан ясалдиким, ок уй пешхонаси била сиғди. Бу суфа тошларини тамом ичкилар ва сипохилар ташидилар», 231 б сахифада «Нилобдин кечгандан сунг», 233 а сахифада «шахбозим йуколдиким», 276 а сахифада «Хиндустонда Сару дарёсининг ёкасида хам калин булур» сингари жумлалар тушиб колган. Улар бизнинг нашрга киритилди. Шунингдек, илмий-танкидий матнда кузга ташланган айрим жузъий камчиликлар хам жорий алифбодаги матнда тузатиб кетилди. Буларнинг барчаси япон олими Эйжи Манонинг жуда катта мехнатталаб ишни амалга ошириб, «Бобурнома»нинг хар жихатдан мукаммал, барча мавжуд кулёзмаларга асосланган ва улардаги текстологик фарклар курсатилган матнини яратганига карамай, ушбу ноёб асар матнининг муаллиф матнига якин ва энг ишончли булган нашри устидаги ишлар келажакда хам давом эттирилиши лозим эканидан далолат беради.

Хусусан, Техрондаги Кутубхонайи давлати олийи Эрон хазинасида сакланаётган Бобур асарлари куллиётининг тадкик доирасига киритилиши муаллиф асарларининг асл матни билан боғлик булган куп муаммоларни хал килиш имконини беради, деган умиддамиз. Ушбу куллиёт хозиргача бизга маълум булган Бобурнинг барча асарларини уз ичига олган булиб, у Оламгир кутубхонаси хазинасида сакланиб келган. Кулёзма раками 2249, у 1613 йилда китобат килинган. Сахифалар сони 1036 та, кулёзма андазаси: 41х25, узбек тилида; таркиби: 1. «Мубаййин» (1—184); 2. Шеърлар (187—303); 3. «Аруз рисоласи» (304—455); 4. «Бобурнома» (457—1010); 5. «Рисолайи волидийиа» (1013—1036).

«Бобурнома»нинг асосий матни ва курсаткичлар биз томонимиздан, унинг сузбошиси С.Хасанов, Н.Отажонов, С.Жамолов ва илова кисмидаги мактублар Н.Отажонов томонидан нашрга тайёрланди. Ушбу нашрни амалга оширишда Бобур Халкаро жамғармаси раиси Зокиржон Машрабовнинг хизматларини алохида таъкидлаб утиш билан бирга, бизга якиндан кумак берган афғонистонлик олим Яъкуб Жузжоний ва истеъдодли ёш олим Ансориддин Иброхимовларга хам самимий миннатдорлигимизни изхор этишни бурчимиз деб биламиз.

Хулоса килиб айтганда, жахон маданиятига узининг бой мероси билан улкан хисса кушган Захириддин Мухаммад Бобурнинг асарлари мана 500 йилдан ортик давр мобайнида халкимизнинг маънавий юксалишига, уни дунёга танитишга хизмат килиб келмокда. Унинг меросига булган муносабат эса, юртимизнинг уз истиклолига эришганидан сунг чинакам ва хакконий тус олгани хамда бобуршунослик фани узининг янги тараккиёт боскичига кутарилганини ғурур ва ифтихор билан кайд этиш уринлидир. Бобурнинг шох асари — «Бобурнома» турли соха олимлари учун кимматли манба булиши билан бирга, миллий маънавиятимизнинг ноёб дурдонаси сифатида халкимиз тафаккурининг узига хос жихатлари, кухна кадриятларимиз, шонли тарихимизни бамисоли тиник кузгу каби акс эттириб туради.

**Саидбек ХАСАНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

# ФАРҒОНА

# Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳийм[1]

Тенгри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он *(1б)* Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати бирлан сешанба куни, рамазон ойининг бешида, тарих секкиз юз тўқсон тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум.*

Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида[2] воқиъ бўлубтур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлари, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва Янгиким, кутубда Ўтрор битирлар, муғул ва ўзбак жиҳатидин бу тарихда бузулубтур, асло маъмура қолмабдур.

Мухтасар вилояттур, ошлиғ ва меваси фаровон. Гирдо-гирди тоғ воқиъ бўлубтур. Ғарби тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин киш ёғий[3] кела олмас. Сайхун дарёсиким, Хўжанд суйиға *(2 а)* машҳурдур, шарқу шимол тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи била ўтуб, ғарб сори оқар, Хўжанднинг шимоли ва Фанокатнинг жанубий тарафидинким, ҳоло Шоҳрухияға машҳурдур, ўтуб яна шимолға майл қилиб, Туркистон сори борур. Туркистондин хейли қуйироқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёға қотилмас.

Етти пора қасабаси бор; беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимол жонибида. Жанубий тарафидаги қасабалар: бири Андижондурким, васатта воқиъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз[4] бошида қовун сотмоқ расм эмас.[5] Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас.

Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқиъ бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас.

Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалик шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур. Бу маҳалла била[6] қалъаға фосила ушбу хандақ ёқасидоғи шоҳроҳтур.

Ови қуши доғи кўп бўлур[7], қирғовули *(2 б)* беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ошгинаси била тўрт киши еб тугата олмайдур.

Эли туркдур. Шаҳри ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била[8] росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур.

---

[1] Қ: Бисмиҳи субҳонаҳу.
* Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқеаларни.— *Муҳаррир.*
[2] ЕҚ: да; Р: дир.
[3] Ёғий бегона.
[4] Қ: Фолиз.
[5] Қ: бўлмас.
[6] Қ: Бирла.
[7] Р: бисёр.
[8] Қ: бирла.

Элининг орасида хусни хейли бордур. Хожа Юсуфким мусиқада машхурдур, Андижонийдур. Хавосииинг уфунати бор. Кузлар эл безгак куп булур.

Яна бир Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи-жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин турт йигоч йулдур. Хавоси хуб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши булур.

Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис ворид булубтур. Қурғонининг шарқи жанубий жонибида бир мавзун тоғ тушубтур, Бароқуҳға мавсум. Бу тоғнинг қулласида Султон Маҳмудхон бир ҳужра солибтур, ул ҳужрадин қуйироқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих туққуз юз иккида мен бир айвонлик ҳужра солдим. Агарчи ул ҳужра мундин муртафиъдур, вале бу ҳужра бисёр яхшироқ воқиъ булубтур: тамом шаҳр ва маҳаллот оёғ остидадур. *(3 а)* Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била утуб, Андижонға борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боглари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф булур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши булур, қалин лола ва гуллар очилур. Бароқуҳ тоғи доманасида шаҳр била тоғнинг орасида бир масжид тушубтур, Масжиди Жавзо отлиқ. Тоғ тарафидин бир улуғ шаҳжуй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари саҳни нишеброқ, себарғалик, пурсоя, сафолиқ майдон воқиъ булубтур. Ҳар мусофир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур. Ўш авбошининг зарофати будуркимким, ҳар ким анда уйқуласа, ул шаҳжуйдин сув қуярлар. Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлиқ тош ушбу тогда пайдо булди: пичоқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур. Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлиқ қасаба йуқтур.

Яна бир Марғинондур, Андижоннинг ғарбидадур, Андижондин етти йиғоч йулдур.

Яхши қасаба воқиъ булубтур, пурнеъмат: анори ва уруги асру хуб булур. Бир жинс анор булур, «донакалон» дерлар, чучуклугида зардолу майхушлуғидин андак чошни[9] бор. Самнон анор *(3 б)* лариға таржиҳ қилса булур.

Яна бир жинс урук булурким, донасини олиб, ичига мағз солиб қурутурлар, «субҳоний» дерлар, бисёр лазиздур.

Ов қуши яхшидур, оқ кийик ёвуқта топилур. Эли сорттур ва муштзан ва пуршару шур элдур. Жангаралиқ расми Мовароуннаҳрда шойиъдур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангаралар аксар Марғинонийдур.

Соҳиби «Ҳидоя» Марғиноннинг Рушдон отлиқ кентидиндур.

Яна бир Исфарадур, куҳпояда воқиъ булубтур. Оқар сувлари, сафолиқ боғчалари бор. Марғиноннинг ғарби-жанубидадур. Марғинон била[10] Исфара ораси туққуз йиғоч йулдур.

Мусмир дарахтиси бисёрдур, вале боғчаларида аксар бодом дарахтидур. Эли тамом сорт ва форисийгуйдур. Исфаранинг бир шаръисида жануб сори пушталарнинг орасида бир парча тош тушубдур, «Санги ойина» дерлар, узунлуғи тахминан ун қари булғай, баландлиғи баъзи ери киши буйи, пастлиғи баъзи ери кишининг белича булғай, ойинадек ҳар нима мунъакис булур.

Исфара вилояти турт булук куҳпоядур: бир Исфара, яна бир Ворух, яна бир Сух, яна бир Ҳушёр.

Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу Сух *(4 а)* била Ҳушёр куҳпояларига келиб, бир йилға ёвуқ тангислик била утказиб, Кобул азимати қилдим.

Яна бир Ҳужанддур, Андижондин ғарб сорига йигирма беш йиғоч йулдур. Ҳужанддин Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йулдур, қадим шаҳрлардиндур. Шайх Муслиҳиддин[11] ва Хожа Камол Ҳужандтиндурлар.

Меваси фаровон ва бисёр яхши булур. Анори яхшиликка машҳурдур. Нечукким, «себи Самарқанд» ва «анори Ҳужанд» дерлар. Вале бу тарихда Марғинон анори куп ортуқдур.

Қурғони баланд ерда воқиъ булубтур. Сайҳун суйи шимол жонибидин оқар. Қурғондин дарё бир уқ отими булғай. Қурғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубтур. Мевағул[12] отлиқ, дерларким, бу тоғда феруза кони ва баъзи конлар топилур. Бу тогда бисёр йилон бор.

Ҳужанднинг овлоғи ва қушлоги бисёр яхшидур. Оқ кийик, буғу-марал, қирғовул ва товушқони куп булур. Ҳавоси бисёр мутааффиндур, куз-

[9] Қ: Чошниси.

[10] Қ: бирла.

[11] Р: Шайх Маслаҳат.

[12] Қ: Мутуғил; Р: Муйуғил.

лар безгак кўп бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, чўпчуқ безгак бўлғондур. Дерларким, ҳавосининг тааффуни шимолдағи тоғ жиҳатидиндур.

Мунинг тавобиидин Кандибодомдур. Агарчи қасаба эмас, яхшиғина қасабачадур. Бодоми яхши бўлур. Бу жиҳатдин *(4 б)* бу исмға мавсумдур. Ҳурмуз ва Ҳиндустонға тамом мунинг бодоми борур. Хўжанддин беш-олти йиғоч шарқ тарафидадур. Хўжанд била Кандибодом орасида бир даште тушубтур, Ҳодарвешға мавсумдур. Ҳамиша бу даштта ел бордур. Марғинонғаким, шарқидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандғаким, ғарбидур, дойим мундин ел келур: тунд еллари бор.

Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай «Ҳо дарвеш», «Ҳо дарвеш» дея-дея тамом ҳалок бўлурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар.

Сайҳун сўйининг шимоли тарафидағи қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар. Нечукким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар. Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур.

Андижондин ғарб сори тўққуз йиғоч йўлдур. Умаршайх мирзо муни пойтахт қилиб эди. Сайҳун дарёси қўрғонининг остидин оқар. Қўрғони баланд жар устида воқиъ бўлубтур. Хандақининг ўрнига амиқ жарлардур. Умаршайх мирзоким, муни пойтахт қилди, бир-икки мартаба ташқарироқдин яна жарлар солди. Фарғонада мунча берк қўрғон йўқтур. *(5 а)* Маҳаллоти қўрғондин бир шаръий йироқроқ тушубтур. «Деҳ кужову дарахтон кужо»[13] масалини ғолибо Ахси учун айтибтурлар.

Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким,[14] «Миртемурий» дерлар, андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай. Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқандни олғон маҳалда Ахсидин ва Бухородин қовун келтуруб бир мажлисда кестурдум, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди.

Ови қуши бисёр яхши бўлур. Сайҳун дарёсининг Ахси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангалдур. Буғу-марал, қирғовул, товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур.

Яна бир Косондур, Ахсининг шимолида тушубтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким, Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур. Яхши ҳаволиқ ердур. Сафолиқ боғчалари бор. Вале сафолиқ боғчалари тамом сой ёқасида воқиъ бўлғон учун, «пўстини пеш берра»[15] дебтурлар. Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор.

Фарғона вилоятининг гирдо-гирди тоғларида яхши яйлоқлари бор. Тобулғу йиғочи бу тоғларда бўлур, ўзга ҳеч ерда бўлмас. Тобулғу бир йиғочедур, пўсти қизил, асо *(5 б)* қилурлар, қамчи дастаси ҳам қилурлар, қушларға қафас қилурлар, тарош қилиб тиргаз қилурлар, хейли яхши йиғочдур. Табарруклик била йироқ ерларга элтарлар.

Баъзи китобларда битибтурларким, «ябруҳ ус-санам»[16] бу тоғлардадур, вале бу муддатта ҳеч эшитилмади. Бир гиёҳ эшитилдиким, Еттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл «айиқ ўти» дерлар, меҳргиёҳ хосиятлиқ, ғолибо меҳргиёҳдур[16], ул эл бу от била айтурлар.

Бу тоғларда феруза кони ва темур кони бўлур. Фарғона вилоятининг ҳосили била, агар адл қилсалар, уч-тўрт минг киши сахласа бўлур.

Чун Умаршайх мирзо баланд ҳимматлик ва улуғ доиялиқ подшоҳ эрди. Ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эрди. Неча навбат Самарқанд устига черик тортти, баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал бемурод ёнди. Неча навбат қойинотаси Юнусхонниким, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойхон наслидиндур, Чиғатойхоннинг юртида муғул улусининг хони ул фурсатта ул эрдиким, менинг улуғ отам бўлғай, истидъо қилиб келтурди. Ҳар қатла келтурганда вилоятлар берур эди. Чун Умаршайх *(6 а)* Мирзонинг муддаосидек бўлмас эди, гоҳи Умаршайх мирзонинг бадмаошлиғидин, гоҳи муғул улусининг мухолафатидин вилоятта тура олмай яна Муғулистонға чиқар эрди.

Охир навбат келатургандаким, ул фурсатта Тошканд вилояти Умаршайх мирзо тасарруфида эрдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким, «камони чочий» андин ибораттур, берди.

Ушал фурсаттин тарих тўққуз юз секкизгача Тошканд ва Шоҳрухия вилояти Чиғатой хонларининг тасарруфида эди. Бу фурсатта муғул улусининг хон ва султонлиғи Юнусхоннинг улуғ

---

[13] «Қишлоқ қайда-ю, дарахтлар қайда»

[14] Н: Қовундуркимҳам.

[15] Мақташ йўли билан айтилган сўз: «Олдига қоракўл тери тутилган пўстин» демак.

[16] К: Меҳргиёҳ.

ўғли, менинг тағойим Султон Маҳмудхонда эди, Умаршайх мирзонинг оғаси, Самарқанд подшоҳи Султон Аҳмад Мирзо ва муғул улусининг хони Султон Маҳмудхон, чун Умаршайх мирзонинг бадмаошлиғидин мутазаррир эрдилар, бир-бирлари била иттифоқ қилиб, Султон Аҳмад Мирзо Султон Маҳмудхонни куёв қилиб, мазкур бўлғон тарихда, Хўжанд суйининг жануб жонибидин Султон Аҳмад Мирзо ва шимол тарафидин Султон Маҳмудхон Умаршайх мирзонинг устиға черик торттилар. Бу аснода ғарийб воқиъа даст берди, мазкур бўлуб *(6 б)* эрдиким, Ахси қўрғони баланд жар устида воқиъ бўлубтур, иморатлар жар ёқасида эди. Ушбу тарихда душанба куни, рамазон ойининг тўртида Умаршайх мирзо жардин кабутар ва кабутархона била[17] учуб, шунқор бўлди. Ўттуз тўққуз ёшар эди.

***Валодат ва насаби:*** секкиз юз олтмишда Самарқандта эди. Султон Абусаъид Мирзонинг тўртунчи ўғли эди. Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзодин кичик эди. Султон Абусаъид Мирзо Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ Мирзо Темурбекнинг учунчи ўғли эди. Умаршайх мирзо била Жаҳонгир Мирзодин кичик, Шоҳрух Мирзодин улуғ эди.

Султон Абусаъид Мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзоға бериб, Бобойи Кобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди. Мирзоларни суннат қилур тўйи жиҳатидин Дарайи Газдин ёндуруб, Самарқанд элтти. Тўйдин сўнгра, ул муносабат билаким, Темурбек Улуғ Умаршайх мирзоға Фарғона вилоятини бергандур, Андижон вилоятини бериб, Худойберди Туғчи Темуртошни бек атка қилиб йиборди.

***Шакл ва шамойили***: паст бўйлуқ, тегирма саққоллиқ, қуба[18] юзлук, танбал киши эди. Тўн *(7а)* ни бисёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлағондин сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эрдиким, боғлари узулур эди. Киймакта ва емакта бетакаллуф эди, дасторини дасторпеч чирмар эди. Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди, бечин чирмаб, алоқа қўяр эдилар. Ёзлар ғайри девонда аксар муғулий бўрк кияр эди.

[17] Қ: Бирла.
[18] Қ: Қуя.

***Ахлоқ ва атвори:*** ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ киши эди, беш вақт намозни тарк қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эди, аксар тиловат қилур эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди, ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эдилар.

Равон саводи бор эди. «Хамсатайн» ва маснавий китобларини ва тарихларни ўқуб эрди. Аксар «Шоҳнома» ўқур эди. Табъи назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди.

Адолати бу мартабада эдики, Хитой корвони келадурганда Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлуқ корвонни, андоғ қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб муҳассиллар йибориб, корвоннинг жамъи жиҳотини *(7 б)* забт қилди. Ҳар чандиким ворисихозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёт сахлаб, бир йил, икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди.

Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дағи саховатича бор эди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширинзабон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эди.

Икки мартаба ўзи жамиъ йигитлардин ўзуб қилич тегурди: бир мартаба Ахси эшигида, яна бир мартаба Шоҳрухия эшигида. Ўқни ўрта чоғлиқ отар эди, бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмоғон йўқтур. Мулкгирлик дағдағаси жиҳатидин хейли ярашлар урушқа ва дўстлуқлар душманликка мубаддал бўлур эди.

Бурунлар кўп ичар эди, сўнгралар ҳафтада бир ё икки қатла суҳбат тутар эди, хушсуҳбат киши эди. Тақриб била хўб абёт ўқур эди. Сўнгралар маъжун кўпрак ихтиёр қилур эди. Маъжунийликда калла хушк бўлур эди, етим шиор эрди, лаъби дағи[19] бисёр эрди, ҳамиша нард ўйнар эрди, гоҳи қимор ҳам қилур эди.

***Масоф ва урушлари:*** уч масоф уруш қилиб эди. Аввал Юнусхон била Андижоннинг шимол *(8 а)* тарафида Сайҳун дарёсининг ёқасида, Такасекретку[20] деган ерда. Бу жиҳатдин ул мавзиъ бу исмға мавсумдурким, тоғ доманаси жиҳатидин бу дарё андоқ тор оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин така секригандур, мағлуб бўлуб иликка

[19] Л: Наъл ва дағи.
[20] Қ: Такасекриган.

тушти. Яна Юнусхон яхшилиқ қилиб вилоятиға рухсат берди. Бу ерда уруш бўлғон учун Така-секретку уруши ул вилоятта таърих бўлубтур.

Яна Туркистонда, Арис суйи ёқасида, Самарқанд навоҳисини чопиб борадурғон ўзбак била Арис суйини муз била кечиб, яхши босиб, асир ва молни айириб, тамом эгаларига ёндура бериб, хеч нима тамаъ қилмади.

Яна бир Султон Аҳмад Мирзо била Шоҳрухия ва Ўратепа орасида Хавос деган кентта урушиб мағлуб бўлди.

***Вилояти:*** отаси Фарғона вилоятини бериб эди. Неча маҳал Тошканд ва Сайрам ҳам Мирзонинг тасарруфида эрдиким, оғаси Султон Аҳмад Мирзо бериб эди. Шоҳрухияни фириб била олиб, неча маҳал мутасарриф бўлуб эди. Охир чоғларда Тошканд ва Шоҳрухия иликтин чиқиб эди. Фарғона, Хўжанд ва Ўратепаким, асл буларнинг отлари китобларда Усрушнадур ва Усруш ҳам битирлар, қолдилар. Хўжандни баъзи дохили Фарғона *(8 б)* эмас дерлар. Султон Аҳмад Мирзоким, Тошкандга мўғул устига черик тортиб, Чир суйиниким, Тошкандтин икки шаръий йўл бўлғай, бу сувнинг ёқасидаким шикаст топти, Ўратепада Хофизбек дўлдой эди, Умаршайх мирзоға берди.[21] Андин бери Усрушна Умаршайх мирзо тасарруфида эди.

***Авлоди:*** уч ўғул ва беш қиз мирзодин қолиб эди. Бори ўғлонларидин улуқ мен Заҳириддин Муҳаммад Бобур эдим; менинг онам Қутлуқ Нигорхоним эди. Яна бир ўғул Жаҳонгир мирзо эди, мендин икки ёш кичик эди, анинг онаси мўғулнинг туман бекларидин эди, Фотима Султон отлиқ. Яна бир ўғул Носир мирзо эди, онаси андижонлиқ эди, ғунчачи эди, Умид отлиқ. Мендин тўрт ёш кичик эди.

Бори қизлардин улуғ Хонзодабегим эди, менинг била[22] бир туққон эди, мендин беш ёш улуқ эди. Мен Самарқандни иккинчи навбат олғонда, бовужудким, Шайбонийхондек киши бирла Сарипулда чиқиб урушуб, ончаким имкони бор эди саъй ва эҳтимомдин тақсир қилмадук, нечукким маҳаллида мазкур бўлғусидур, шикаст топиб келиб, беш ой қалъадорлик қилдим, қалъадорлик забти ва истеҳкоми ва сардорликда тақсир бўлмади.[23] Атроф ва жавонибдағи подшоҳлар ва беклардин хеч навъ мадад ва муованат бўлмади, маъюс бўлуб солиб чиқтим.

Ул фатаратта Хонзодабегим Муҳаммад Шайбонийхонға тушуб эди, бир ўғул бўлуб эди, Хуррамшоҳ отлиқ, мақбул ўғлон эди. Балх вилоятини анга бериб *(9 а)* эди, отаси ўлгандин бир-икки йил сўнгра Тенгри раҳматиға борди. Шоҳ Исмоил ўзбакни Марвда босқонда Хонзодабегим Марвда эди. Менинг жиҳатимдин яхши кўруб, андин узаттилар, Қундузда келиб менга қотилдилар. Муфорақат имтидоди ўн йил бўлуб эди. Мен ва Муҳаммадий кўкалдош иков келдук, бегим ва бегимнинг ёвуғидағилар танимадилар. Бовужудким, отимни айттим ҳам, муддаттин сўнгра танидилар.

Яна бир қиз Меҳрбонубегим эди. Носир мирзо била бир туққон эди, мендин икки ёш улуғ эди.

Яна бир қиз Шаҳрбонубегим эди, бу даги Носир мирзо била бир туққон эди, мендин секкиз ёш кичик эди.

Яна бир қиз Ёдгор Султонбегим эди, онаси Оға Султон отлиқ ғунчачи эди.[24]

Яна бир қиз Руқия Султонбегим эди, онаси Махдум Султонбегим эди, Қоракўзбегим дерлар эди, иккаласи мирзонинг фавтидин сўнг бўлдилар. Ёдгор Султонбегимни менинг улуғ онам Эсан Давлатбегим сахлаб эди. Андижон ва Ахсини Шайбонийхон олғонда Ёдгор Султонбегим Ҳамза Султоннинг Абдуллатиф Султон отлиқ ўғлиға тушуб эди. Мен Ҳамза Султон бошлиқ султонларни Хатлон вилоятида босиб, Хисорни олғонда менга қотилди. Ушул фатаратта Руқия Султонбегим Жонибек Султонға тушуб *(9 б)* бир-икки ўғли бўлди, турмади. Бу фурсатларда хабар келдиким, Тенгри раҳматиға борибтур.

***Хавотун ва сарори:*** Қутлуқ Нигорхоним эди, Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди.

Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойхон наслидиндур. Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шерали Ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожахон ибн Туғлуқ Темурхон ибн Эсан Буғахон ибн Дувахон ибн Бароқхон ибн Ие-

---

[21] Л: Фарғона вилояти эди ва Хўжанд ва Ўратепаким, асл отини Фарғона тутмаслар. Султон Аҳмад Мирзоким, Тошкандга мўғул устига бориб, Чир суйи ёқасидаким шикаст топди, Ўратепада Хофизбек дўлдай эди, мирзоға берди.

[22] ЕК: бирла.

[23] Л: бовужудким Сарипулда шикаст бўлиб эди, келиб беш ой қалъадорлиқ қилдим.

[24] Л: Бу ибора йўқ.

сун Тува ибн Мўтугон[25] ибн Чиғатойхон ибн Чингизхон.

Чун мунча тақриб бўлди, хонларнинг аҳволини дағи ижмол била зикр қилалинг. Юнусхон ва Эсан Буғахон Вайсхоннинг ўғлонлари эди. Юнусхон ўғлонлари Офоқхон ва Жонбобохон эди.[26] Юнусхоннинг онаси туркистонлиқ қипчоқ бекларидин Темурбек риоят қилғон Шайх Нуриддинбекнинг қизи ё набираси бўлур.

Вайсхоннинг воқеъасида муғул улуси икки фариқ бўлур. Бир пора Юнусхон сари ва кўпраги Эсан Буғахон сари бўлур. Бурунроқ Юнусхоннинг эгачисини Улуғбек мирзо Абдулазиз мирзоға олиб эди. Ул муносабат била Эрзан борин туман бекларидин Мирак туркманким, чарос[27] *(10 а)* туман бекларидин эди, хонни уч-тўрт минг ўйлук муғул улуси била Улуғбек мирзоға келтурдиларким, қўмак олиб яна муғул улусини олғайлар, мирзо мурувват қилмади: баъзисини асир қилди, баъзиларини бирин-бирин вилоятқа паришон қилди. Эрзан бузуғлуғи муғул улусида бир тарих бўлубтур.

Хонни Ироқ сари ўткариб йибордилар. Бориб бир йилдин ортуқроқ Табризда бўлди. Ул маҳалда Табриз подшоҳи Жаҳоншоҳ Бороний қорақўйлук эди. Андин Шероз[28] келди. Шерозда Шоҳрух мирзонинг иккинчи ўғли Иброҳим Султон мирзо эди. Беш-олти ойдин сўнг Иброҳим Султон мирзо ўлуб, ўғли Абдулло мирзо анинг ерида ўлтурди. Абдулло мирзоға хон навкар эди, мулозамат қилур эди. Ўн етти, ўн секкиз йил хон Шероз ва ул вилоятларда бўлди.

Улуғбек мирзонинг ва ўғулларининг ғавғоларида Эсан Буғахон фурсат топиб келиб, Фарғона вилоятини Кандибодомғача чопиб, келиб Андижонни олиб, элини тамом асир қилди.

Султон Абусаъид Мирзо тахт олғонда черик тортиб бориб, Янгидин нари Испарада[29] Муғулистон *(10 б)* да Эсан Буғахонни яхши бости. Мунинг фитнасининг дафъиға, Султон Абусаъид мирзо Юнусхонни бу муносабат билаким, Абдулазиз мирзо олғон эгачиси хонимни олиб эди, Ироқ ва Хуросондин тилаб туйлар қилиб, дўстлар бўлуб, муғул улусида хон қилиб йиборганда сағрийчи туман беклари тамом ул фурсатта Эсан Буғахондин ёмонлаб Муғулистонға келиб эдилар, буларнинг орасиға келди. Ул фурсатта сағрийчи бекларнинг улуғи Шер Ҳожибек эди, анинг қизи Эсан Давлатбегимни олди. Муғул тўраси била хонни ва Эсан Давлатбегимни бир оқ кийиз[30] устига ўлтурғузуб хон кўтардилар.

Хоннинг бу Эсан Давлатбегимдин уч қизи бўлди. Боридин улуғ Меҳр Нигорхоним эрдиким, Султон Абусаъид мирзо улуғ ўғли Султон Аҳмад мирзоға қўлуб эди. Мирзодин ҳеч ўғул-қиз бўлмади. Сўнгра, фатаратта Шайбонийхонға тушуб эди. Мен Кобулға келганда, Шоҳбегим била Самарқандтин Хуросонға келиб, Хуросондин Кобулға келдилар. Шайбонийхон Қандаҳорда Носир мирзони қабағонда, мен Ламғон азимати қилдим. Хон мирзо[31] ва Шоҳбегим ва Меҳр Нигорбегим Бадахшонға бордилар. Мирзахонни[32] Муборакшоҳ *(11 а)* Қалъаи Зафарға тилаганда Абобакр[33] Кошғарийнинг чопқуниға йўлуқуб, Шоҳбегим ва Меҳр Нигорхоним ва жамиъ элнинг аҳли ва аёли асирликка тушуб, ул золими бадкирдорнинг ҳабсида дунёйи фонийни видоъ қилдилар.

Иккинчи қиз менинг волидам Қутлуқ Нигорхоним эди. Аксар қазоқликларда ва фатаратларда менинг билан билла эдилар, Кобулни олғондин беш-олти ой сўнгра, тарих тўққуз юз ўн бирда Тенгри раҳматиға бордилар.

Учунчи қиз Хўб Нигорхоним эди, Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон дуғлатқа бериб эдилар, бир қизи, бир ўғли бўлуб эди. Қизни Убайдхон олиб эди. Мен Бухоро ва Самарқандни олғонда чиқмай қолиб эди. Султон Саъидхондин амакиси Саййид Муҳаммад мирзо Самарқандға манга элчиликка келганда анга қўшулуб борди. Султон Саъидхон олди. Ўғул Ҳайдар мирзо эди. Отасини ўзбак ўлтургандин сўнг келиб, менинг мулозиматимда уч-тўрт йил бўлди, сўнгра ижозат тилаб, Кошғарга хон қошиға борди.

*Боз гардад ба асли худ ҳама чиз,*
*Зарри софию нуқраву арзиз.*[34]

[25] Л: Муватугон.
[26] Л: Бу жумла йўқ.
[27] РЕ: ҳарос.
[28] ЕК: бу сўз йўқ.
[29] Л: Янгидин бери Ашпарада.
[30] Қ: Кикиз; Е: Киз.
[31] Қ: Хон мирзони.
[32] Қ: Хон мирзони.
[33] Қ: Бобакр.
[34] Ҳамма нарса: Ҳоҳ соф олтин, ҳоҳ кумуш ва ҳоҳ қўрғошин бўлсин, барибир ўз аслига қайтади.

Бу тарихда, дейдурларким, тойиб бўлуб, яхши тариқа пайдо қилибтур. Хат ва тасвир ва ўқ ва пайкон ва зихгир ҳар нимага илиги часпондур. Табъи назми *(11 б)* ҳам бордур. Манга арзадошти келиб эди, иншоси ҳам ёмон эмас.

Хоннинг яна бир хотуни Шоҳбегим эди, агарчи ўзга хотунлари ҳам бор эди, вале ўғлонлар ва қизларнинг оналари бу икки эди. Шоҳбегим Бадахшон шоҳи Шоҳ Султон Муҳаммаднинг кизи эди. Бу Бадахшон шоҳлари насабларини Искандар Файлақуска етар дерлар. Бу шоҳнинг яна бир қизиким, Шоҳбегимнинг эгачиси бўлғай, Султон Абусаъид мирзо олиб эди. Андин Абобакр мирзо бўлуб эди.

Хоннинг бу Шоҳбегимдин икки ўғул ва икки қизи бўлуб эди. Бу учдин улуғ мазкур бўлғон уч қиздин кичик Султон Маҳмудхон эрдиким, Самарқанд[35] ва ул навоҳида баъзи Хоникахон[36] дерлар. Султон Маҳмудхондин кичик Султон Аҳмадхон эдиким, Олачахонға машҳурдур. Олачанинг важҳи тасмияси муни дерларким, қалмоқ ва муғул тили била ўлтургучини «олачи» дерлар. Қалмоқни неча қатла босиб, қалин кишисин қирғон учун «олачи» де-де касрати истиъмол била Олача бўлубтур.

Бу тарихда хонларнинг зикри мукаррараи такриб била келгусидур. Вақойиъ ва ҳолотлари анда[37] мазкур бўлғусидур.

Ўзгалардин кичик бир қиздин улуғ *(12 а)* Султон Нигорхоним эдиким, Султон Маҳмуд мирзоға чиқариб эдилар, Мирзодин бир ўғли бўлуб эди, Султон Вайс отлуқ, зикри бу тарихда келгусидур, Султон Маҳмуд мирзо ўлгандин сўнг ўғлини олиб, ҳеч кимга хабар қилмай, Тошкандга оғаларига бориб эди. Бир неча йилдин сўнг Адик Султонғаким, Чингизхоннинг улуғ ўғли Жўжи насли қазоқ султонларидиндур, бердилар. Хонларни Шайбонийхон босиб Тошканд ва Шоҳрухияни олғонда ўн икки муғул навкари била кочиб Адик Султонға борди. Адик Султондин икки қизи бўлди, бирини Шайбонийхон султонларига, яна бирини Султон Саъидхоннинг ўғли Рашид Султонға берди.

Адик Султондин сўнг қазоқ улусининг хони Қосимхон олди. Дерларким, қазоқ хон ва султонларининг орасида ҳеч ким ул улусни Қосимхонча забт қилғон эмастур. Черикини уч юз мингга ёвуқ ченарлар эди. Қосимхон ўлгандин сўнг хоним Кошғарға, Султон Саъидхон қошиға келди.

Боридин кичик Давлат Султонхоним эди. Тошканд бузуғлуғида Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султонға *(12 б)* тушуб эрди, анинг бир қизи бўлуб эди. Самарқандтин менинг билан била чиқиб эдилар, уч-тўрт йил Бадахшон вилоятида бўлдилар, андин сўнгра Кошғарға Султон Саъидхон қошиға бордилар.

Умаршайх мирзонинг ҳарамларидин яна бир Хожа Ҳусайнбекнинг қизи Улус оға эди, андин бир қиз бўлуб эди, кичикликда ўлди. Бир йил, бир ярим йилдин сўнг ҳарамдин чиқардилар.

Яна бир Фотима Султон оға эди. Муғул туман бекларидин эди. Мирзо боридин бурун бу Фотима Султон оғани олиб эди.

Яна бир Қарокўзбегим эди, сўнгралар олиб эди, хейли суюклук эди. Мирзонинг хушомадиға насабини Султон Абусаъид мирзонинг оғаси Минучеҳр мирзоға еткуруб эдилар.[38]

Ғума ва ғунчачи, хейли бор эди. Бир Умид оғача эди, мирзодин бурун ўлуб эди. Мирзонинг охир маҳалларида бир Тун[39] Султон эди, муғулдин эди. Яна бири Оға Султон эди.

***Умароси:*** Худойберди Темуртош эрди. Ҳири ҳокими Оқбуғабекнинг оғасининг наслидиндур. Султон Абусаъид мирзо Жўги мирзони Шоҳрухияда қабағонда Фарғона вилоятини Умаршайх мирзоға бериб, эшикини бу Худой *(13 а)* берди Темуртошға бошлатиб йибориб эрди. У маҳалда бу Худойберди Темуртош йигирма беш ёшда эрди, агарчи ёши кичик эди, тузуки ва забти ва рабти бисёр яхши эди. Бир-икки йилдин сўнгра Иброҳим Бекчик Ўш навоҳисини чопқонда Худойберди Темуртош кейнича бориб, урушуб, босилиб, шаҳид бўлди. Ул фурсатта Султон Аҳмад мирзо Ўратепанинг Оққачқай[40] деган яйлоғида эдиким, Самарқандтин ўн секкиз йиғоч шарқ жонибидур,[41] Султон Абусаъид мирзо Бобохокийда эрдиким, Ҳиридин ўн икки[42] йиғоч шарқ соридур, бу хабарни Абдулваҳҳоб шиғовулдин арзадошт

[35] ҚН: Самарқандда; РЕ: ва.
[36] Қ: Жоникахон.
[37] Е: Андаларда; Р: Онжоҳо.

[38] Мерасониданд.
[39] Қ: Турсун; РЕ: Йун.
[40] Қ: Оққапчиғай.
[41] Е: Тарафидур.
[42] Қ: Юз ўн икки.

қилиб, мирзоға чоптурдилар, бу юз йигирма олти йиғоч йўлни тўрт кунда чопар.[43]

Яна бир Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой эрди, Султон Малик Кошғарийнинг ўғли Аҳмад Ҳожибекнинг иниси эрди. Худойбердибек ўлгандин сўнгра муни эшик ихтиёри қилиб йибориб эдилар. Султон Абусаъид мирзонинг воқиъасидин сўнгра, Андижон беклари анинг била[44] яхши чиқишмоғон жиҳатидин, Самарқандға Султон Аҳмад мирзо мулозаматиға борди. Султон Аҳмад мирзоға Чир шикасти бўлғонда Ўратепада *(13 б)* эрди. Умаршайх мирзо Самарқанд азимати била Ўратепа устига келганда Ўратепани мирзо мулозимлариға топшуруб, мирзо мулозаматида бўлди. Умаршайх мирзо ҳам Андижон ҳукуматини анга берди. Сўнгралар Султон Маҳмудхон қошиға бориб эди. Мирзо Хонни топшуруб, Дизакни анга бериб эдилар. Мен Кобулни олғондин бурунроқ Макка азимати қилиб, Ҳинд йўли била мутаваҷжиҳ бўлди. Йўлда Тенгри раҳматиға борибтур. Фақир ва камсухан ва беҳайсият киши эди.

Яна бир Хожа Ҳусайнбек эди, одми ва фақир киши эди. Ул замон дастури била ичкуларда қўшуқларни яхши айтур экандур.

Яна бир Шайх Мазидбек эди, манга аввал бек атка ани қилиб эдилар. Забти ва тузуки хейли яхши эди. Бобур мирзоға хизмат қилғондур. Умаршайх мирзо қошида андин улуғроқ бек йўқ эди. Фосиқ киши эрди, чуҳра сахлар эди.

Яна бир Али Мазидбек қавчин эди, икки қатла ёғий бўлди: бир мартаба Ахсида, яна бир мартаба Тошкандта. Мунофиқ ва фосиқ ва ҳаромнамак ва ярамас киши эди.

Яна бир Ҳасан Яъқуббек эди. Кичик кўнгуллук, яхши табълиқ, чуст ва часпон киши эди. Бу байт анингдур:

*Боз ой, эй ҳумой, ки бе тутии хатат,*
*Наздик шудки, зоғ барад устухони ман.*[45]

Мардона киши эди. Ўқни яхши отар эди, чавгонни *(14 а)* яхши ўйнар эди. Хок паллани яхши сочарар эрди. Умаршайх мирзо воқиъасидин сўнг менинг эшигимда соҳиб ихтиёр ул эди. Ичи тор ва кам ҳавсала ва фитнароқ[46] киши эди.

Яна бир Қосимбек эди, қавчин эди. Қадимий Андижоннинг қўшун бекларидин эди. Ҳасан Яъқуббекдин сўнг менинг эшигимда соҳиб ихтиёр ул эди. Охир умриғача ихтиёр ва эътибори ортти, ўксумади. Мардона киши эди. Бир мартаба Косон навоҳисини чопқон ўзбакнинг кейнича бориб яхши бости. Умаршайх мирзо қошида қилич чопиб эди. Ясси Кечит урушида ҳам яхши чопқулашти. Қазоқликларда Масчо[47] куҳистонидин Султон Маҳмудхон қошиға бормоқ азимати қилғонда Қосимбек айрилиб Хисравшоҳ қошиға борди. Тарих тўққуз юз ўндаким, Хисравшоҳни олиб, Кобулда Муқимни қабадим, Қосимбек ул фурсатта келди, яна бурноғидек- ўқ риоят ва шафқат қилдим. Туркман ҳазорасини Дарайи Хушда чопқонда Қосимбек бовужуди қарилиқ йигитлардин яхшироқ юруган жиҳатидин Бангиш вилоятини жулду бердим. Сўнгра *(14 б)* Кобулға келганда Ҳумоюнға бек атка қилдим. Замини Доварни олғон фурсатларда Тенгри раҳматиға борди. Мусулмон ва мутадаййин ва муттақий киши эди ва шубҳалиқ таомдин парҳиз қилур эди. Ройи ва тадбири бисёр яхши эди. Хейли мутояба қилур эди. Бовужудиким уммий эди, хуштабъона зарофатлар қилур эди.

Яна бир Бобоқули Бобо Алибек эди. Шайх Али баҳодирнинг наслидин эди. Шайх Мазидбек ўлгандин сўнг ани манга бек атка қилдилар. Султон Аҳмад мирзо Андижонға черик тортқонда Султон Аҳмад мирзоға кириб Ўратепани берди. Султон Маҳмуд мирзодин сўнг Самарқандтин кочиб келадурганда Ўратепадин Султон Али мирзо чиқиб урушуб, босиб ўлтурди. Забти ва яроғи яхши эди. Навкарни яхши сахлар эди. Бенамоз эди,[48] рўза тутмас эди. Золим ва кофирваш киши эди.

Яна бир Али Дўст тағойи эди, сағрийчи туман бекларидин эди. Менинг онамнинг онаси Эсан Давлатбегимга уруғ бўлур эди, Умаршайх мирзо замонидин мен кўпроқ риоят қилиб эрдим. Илигидин иш келур дедилар. Бу неча йилким, менинг қошимда эди, ҳеч андоқ иши зоҳир бўлмади *(15 а)* ким, деса бўлғай. Султон Абусаъид мир-

[43] Н: Чопарур.
[44] Е: бирла.
[45] Қайтиб кел, эй бахт қуши, сенинг тўтидай хатларингсиз менинг суякларимни қарғалар элтишига оз қолди.

[46] Н: фитна қисқароқ; Қ; қисқароқ; Р: фитна.
[47] Қ: Масиҳо.
[48] Е: Намоз қилмас эди.

зоға хизмат қилғон даврида ядачилик даъвосини қилур эди. Қушчи эди. Ярамас ахлоқ ва атворлиқ киши эди. Бахил ва фитна ва зумухт ва мунофиқ ва худписанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ юзлук киши эди.

Яна бир Вайс Лоғарий эди. Самарқандлик тўқчи элидин эди. Умаршайх мирзо қошида сўнгралар хейли муқарраб бўлуб эрди. Менинг билан қазоқликларда бор эди. Раъй ва тадбири хейли яхши эди. Бир нима муфаттин эди.

Яна бир Мир Ғиёс тағойи эди. Али Дўстнинг иниси эди. Муғул мирзодалари орасида Султон Абусаъид мирзо эшигида мундин илгарроқ киши йўқ эди. Султон Абусаъид мирзонинг чорсу муҳри мунда эди. Умаршайх мирзонинг охир замонларида кўп муқарраб бўлуб эди. Вайс Лоғарий била мусоҳиб эди. Косонниким, Султон Маҳмудхонға бердилар, андин сўнг охир умриғача хон хизматида-ўқ эди. Хон ҳам хейли риоят қилиб эди. Кулагач ва ҳаззол киши эди. Фисқда бебок киши эди.

Яна бир Али Дарвеш эди. Хуросонлик эди. Султон Абусаъид мирзо қошида Хуросон чуҳраси чаргасида хизмат қилур эди. Хуросон ва Самарқанд Султон Абусаъид мирзонинг тахти *(15 б)* тасарруфиға кирганда бу икки пойтахтнинг ишга ярар йигитларини хосса тобин қилиб, Хуросон чуҳра тобини ва Самарқанд чуҳра тобини дер экандур. Менинг қошимда Самарқанд эшигида яхшилар борди. Мардона киши эди. Насхтаълиқ хатини тавре битир эди. Хушомад айтур эди. Табъиға хиссат ғолиб эди.

Яна бир Қанбар Али эди, муғул эди, ахтачидин эди. Отаси вилоятқа кириб неча маҳал саллохлиқ қилғон учун Қанбар Али саллох дер[49] эдилар. Юнусхон қошида офтобачилик қилди,[50] сўнгра бек бўлуб эди. Менинг қошимда хейли улуғ риоят топиб эди. Ишга етгунча эҳтимоми яхши эди. Ишга етган маҳалда қолтоғайлиғи бор эди. Пургўй ва паришонгўй эди. Муқаррардур, ҳар кимки кўп айтур, паришон айтур. Ҳавсаласи тор ва тийра мағз киши эди.

Умаршайх мирзоға бу воқиъа даст берганда мен Андижонда чаҳорбоғда эдим. Сешанба куни, рамазон ойининг бешида бу хабар Андижонға келди. Изтироб ила отланиб, қошимдағи навкар ва савдар била қўрғон азимати қилдим. Мирзо дарвозасиға етган маҳалда Ширим тағойи жилавимни олиб, Намозгоҳ сори тебради. Хаёлиға бу кечибтуркким, Султон Аҳмад мирзо улуғ *(16 а)* подшоҳдур, қалин черик била келса, беклар мени ва вилоятни топшурғуларидур. Мени Ўзганд ва Олатоғ[51] доманаси[52] сори олиб борғай. Агар вилоятни берсалар, мен бори иликка тушмай, тағойиларим Олачахонға ё Султон Маҳмудхонға борғаймен.

Хожа Мавлонойи қозиким, Султон Аҳмад қозининг ўғли ва Шайх Бурҳониддин Қиличнинг наслидур, она тарафидин Султон Илик Мозийға етар, буларнинг хонводалари ул вилоятта маржиъ ва шайхулислом йўсунлуқ бўла келгандур, зикрлари мунда муқаррар келгусидур, қўрғон ичидаги беклар бу хабарни топиб, Хожа Муҳаммад Дарзийниким, Умаршайх мирзонинг бойириси[53] ва бир қизининг аткаси эди, йибориб ул дағдағаларни буларнинг хотиридин рафъ қилиб, Намозгоҳқа ёвуқ етган маҳалда мени олиб ёнди. Келиб аркка тушдум. Хожа Мавлонойи қози ва беклар менинг қошимда келиб, сўз ва кенгашни бир ерга қўюб, қўрғоннинг буржи ва борусининг забт ва рабтиға машғул бўлдилар. Ҳасан Яъқуб ва Қосим қавчин ва яна баъзи бекларким, Марғинон ва ул тарафларда илғор қўюб эдилар, бир-икки кундин сўнг келиб мулозамат қилиб, борча якдил[54] ва якжиҳат жидд *(16 б)* ва эҳтимом била қалъадорлиққа машғул бўлдилар.

Султон Аҳмад мирзо Ўратепа ва Хўжанд ва Марғинонни олиб келиб, Андижоннинг тўрт йиғочида, Қубоға[55] тушти. Бу фурсатта, Дарвеш Гов отлиқ, Андижоннинг арбобидин номуносиб сўз айтқон учун, ясоққа етти. Бу сиёсаттин тамом эл босилдилар.

Хожа Қозини ва Узун Ҳасан Хожа Ҳусайнни элчиликка бу мазмун била йиборилдиким, бу вилоятта мулозимлардин бир кишини ҳуд қўюлғусидур. Мен ҳам мулозим ва ҳам фарзанд, агар бу хизматни манга ухда қилсалар, яхшироқ ва осонроқ файсал топқусидур.

Султон Аҳмад мирзоким, камсухан ва фақир ва одми[56] киши эди. Ҳар сўз-ун ва иш-куч

[49] Е: дерлар эди.
[50] Н: қилиб; Е: қилди.

[51] Н: Элитоғ; Е: Ул тоғ.
[52] Е: лари.
[53] Е: бойирди; Қ: пири; Е: бири.
[54] Қ: Якдил бўлуб.
[55] Ҳозирги Қува
[56] ЕҚ: Одми ва фақир.

бекларсиз қарор топмас эди, беклар бу сўзларга мултафит бўлмай, дурушт жавоблар айтиб, илгарига кўчтилар. Тенгри таолоким, ўз қудрати комиласи била ҳар ишимни ҳар маҳалда андоқким бояду шояд беминнати махлуқ рост келтурубдур, мунда ҳам неча ишни боис қилдиким, алар бу келмакдин ўсондилар, балки бу таважжуҳдин пушаймон бўлуб, бемурод ёндилар.

Бири буким, Қубонингботқоқлик[57] қора суйи бор, кўпругидин ўзга ердин кечиб бўлмас,[58] қалин черик *(17 а)* келиб кўпрукда тиқилиб, қалин от ва тева бу қора сувга йиқилиб зойиъ бўлди. Уч-тўрт йил мундин бурунроқ Чир суйининг гузарида-ўқ шикаст топиб эдилар, бу воқиъа андин ёд бериб, черик элига ваҳм ғолиб бўлди.

Яна бир бу ким, ул фурсатта андоқ от ўлати бўлдуким, тавила-тавила отлар йиқилиб ўла киришти.[59]

Яна бир буким, бизнинг сипоҳий ва раиятни андоқ якдил ва якжиҳат топтиларким, то жон ва танларида рамақ ва тавон бордур, жон тортмоқдин[60] қуймағайлар.

Бу жиҳатлардин зарурат бўлуб, Андижоннинг бир йиғочидин Дарвеш Муҳаммад тархонни йибордилар, ичкаридан Ҳасан Яъқуб Намозгоҳ навоҳисида чиқиб кўрушуб, сулҳгуна қилиб ёндилар.

Хўжанд суйининг шимол жонибидинким, Султон Маҳмудхон мутаважжиҳ эди, келиб Ахсини қабади, Жаҳонгир мирзо анда эди, беклардин Али Дарвешбек, Мирзоқули кўкалдош, Муҳаммад Боқирбек, Шайх Абдулло эшикоға Ахсида эдилар. Вайс Лоғарий, Мир Ғиёс тағойи ҳам анда эди. Беклардин таваҳҳум қилиб, Косонғаким, Вайс Лоғарийнинг вилояти эди, бордилар. Носир мирзоға Вайс Лоғарий бек атка эди. Бу жиҳаттин Носир мирзо Косонда бўлур эди. Хон Ахси навоҳисиға етганда бу беклар хонға *(17 б)* кириб Косонни бердилар. Мир Ғиёс хон мулозаматида туруб, Вайс Лоғарий Носир мирзони Султон Аҳмад мирзоға олиб борди. Муҳаммад Мазид тархонға топшурдилар.

Хон Ахси ёвуғиға келиб неча қатла уруш солди, ҳеч иш қила олмади. Ахсидағи беклар ва йигитлар яхши жонлар торттилар. Бу аснода Султон Маҳмудхонға ориза бўлди, уруш солиб ҳам ўсониб эди, ўз вилоятиға мурожаат қилди.

Абобакр дуғлат Кошғарийким, ҳеч кимга бош индурмай, неча йил эрдиким, Кошғар ва Хўтан ҳокими эди, ул дағи вилоят дағдағаси била Ўзганд ёвуғиға келиб, қўрғон солиб, вилоятға бузуғлуқ қила кириштি. Хожа Қози ва жамиъ беклар таъйин[61] бўлдиким, бориб Кошғарийни дафъ қилғайлар, ёвуқ етган маҳалда Кошғарий кўрдиким, бу фавжнинг ҳарифи эмастур, Хожа Қозини орағa солиб, юз макр ва ҳийла била халос бўлди.

Мундоғ улуғ воқойиъ руй берганда Умаршайх мирзодин қолган беклар ва йигитлар яхши қатланиб мардона жонлар торттилар. Ахсидин мирзонинг онаси Султонбегим ва Жаҳонгир мирзо ва аҳли ҳарам ва беклар Андижонға келдилар. Азо расмини бажо келтуруб, ош ва таом фуқаро ва масокинға тортилди. *(18 а)* Бу муҳиммоттин фориғ бўлғондин сўнг, черик ва вилоётнинг тартиб ва насақи ва забт ва рабтиға иштиғол кўрсатилди. Андижон ҳукумати ва эшик ихтиёри Ҳасан Яъқубға муқаррар бўлди. Ўш Қосим қавчинға қарор топти. Ахси ва Марғинон Узун Ҳасанға ва Али Дўст тағойиға таъйин бўлди. Умаршайх мирзонинг ўзга беклари ва йигитларига ҳар қайсиға фарохури ҳоллари вилоят ва ер ва муча ва чарга ва важҳи истиқомат муқаррар ва муайян бўлди.

Чун Султон Аҳмад мирзо мурожаат қилди, икки-уч манзилдин сўнг мизожи эътидол нахажидин мунҳариф бўлуб, муҳриқ иситма тори бўлди. Уратепа навоҳиси Оқсувға етганда шаввол ойининг авоситида тарих секкиз юз тўқсон тўққузда қирқ тўрт ёшида оламиФонийни видоъ қилди.

***Валодат ва насаби:*** валодати секкиз юз эллик бешда, Султон Абусаъид мирзо тахт олғон йили эди. Султон Абусаъид мирзонинг бори ўғлонларидин улуғи бу эди. Онаси Ўрда Буға тархоннинг қизи, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг эгачиси эди, Мирзонинг эътиборлиқ хотуни эди.

***Шакл ва шамойили:*** баланд бўйлуқ, қунқор соқоллиқ, қизил юзлуқ, танбал киши эди. Соқоли энгакида эди. Икки янгоқида соқоли *(18 б)* йўқ эди. Бисёр хушмуҳовара киши эди. Дасторни ул замон дастури била чаҳорпеч чирмаб, алоқасини илгаррак қошининг устига қуяр эди.

***Ахлоқ ва атвори:*** ҳанафий мазҳаблиқ, покиза

[57] Н: Жимжима.
[58] Н: була олмас.
[59] Қ: бошлади.
[60] Қ: Тортғайлар; Е: Тортқайлар.
[61] Қ: бекларга яқин бўлдиким.

эътикод киши эди, беш вакт намозни бетарк утар эди. Шурб махалларида хам намози тарк булмас эди. Хазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Хазрати Хожа мураббий ва мукаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди,[62] алалхусус, Хожа сухбатида, дерларким, харгиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган[63] эмастур. Бир навбат хазрати Хожа сухбатида бар хилофи одат[64] оёғини ёвуткаб ултурубтур, Мирзо купкондин сунг хазрати Хожа буюрубтурларким, мирзо ултурғон ерни боккайлар; бир сунгак бор экандур.

Хеч нимарса укуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким, шахрда улғайиб эди, турк ва содда эди. Табъдин бахраси йук эди. Одил киши эди. Хазрати Хожанинг хам аёғлари арода эди. Аксар мухиммот шаръ тарики била файсал топар эди. Ахд ва кавлиға рост ва дуруст эди. Харгиз андин хилофе зохир булмади.

Шижоати бор эди. Агарчи, хеч андок булмадиким, узининг илиги ишга етмиш булғай, вале дерларким, баъзи маъракаларда андин асари шижоат зохир булур экандур. Укни бисёр *(19 а)* яхши отар эрди. Илбосунга уки ва тиргази аксар тегар эди. Кабакни майдоннинг ул боши, бу бошидин кириб аксар урар эди. Охирлар танбал булғонларида кирғовул ва буданани пиёзи била отиб кам ёзар эди. Кушчи киши эрди, куш ғалаба солур эди, яхши солур эрди. Улуғбек мирзодин сунг онча кушчи подшох йук эди.

Асру кун хаёси бор эрди. Дерларким, хилватларда махрам ва ичкиларидин хам оёғини ёпар экандур. Гохиким ичкулукка тушар эрди, йигирма-уттиз кун паё-пай ичар эрди. Гохиким, чоғирдин чикар эрди, яна йигирма-уттиз кун ичмас эди. Бир ултурғон била мажлисда гохи бир кеча-кундуз ултурур эрди, яхши ичар эрди. Чоғир ичмас кунлари баситни гузаро ер эрди. Табиатиға имсок ғолиб эрди, камсухан ва одми киши эрди, ихтиёри беклари илгида эди.

***Масофлари:*** Турт масоф урушти. Аввал Шайх Жамол арғуннинг иниси Неъмат арғун била, Зомин навохисида, Окар тузида, ғолиб булди. Яна бир мартаба Умаршайх мирзо бирла Хавоста хам ғолиб булди. Яна бир мартаба Тошканд навохисида, Чир[65] суйининг ёкасида Султон Махмудхон била, агарчи масоф йук *(19 б)* эди, муғулнинг чопкунчиси бирин-икин черикнинг кейнидин келиб парталаға илик куйғон била, мунча калин черик уруш йук, талош йук, бири-бирига бокмай бузулдилар, купрак черик эли Чир[66] суйида ғарк булдилар. Яна бир мартаба Хайдар кукалдош била Ерйайлокнинг навохисида ғолиб булди.

***Вилоёти:*** Самарканд ва Бухоро эрдиким, отаси бериб эди. Шайх Жамолни Абдулкуддус ултургандин сунг Тошканд ва Шохрухия ва Сайрамни олиб эди, неча махал тасарруфида эди. Сунгра Тошканд била Сайрамни иниси Умаршайх мирзоға бериб эди. Хужанд ва Уратепа хам неча махал Султон Ахмад мирзода эди.

***Авлоди:*** Икки уғли булуб эди, кичиклигида колмади. Беш кизи бор эди, турти Кутукбегимдин эди.

Боридин улуғ Робиа Султонбегим эди, Коракузбегим дерлар эди. Султон Махмудхонга узи хаётида чикариб эди. Хондин бир уғли булуб эди, Бобохон отлик, хейли макбулғина уғлон эди. Узбаклар хонни Хужандта шахид килғонда, ани ва яна андок неча норасидани зойиъ килдилар. Султон Махмудхоннинг вокиъасидин сунг Жонибек *(20 а)* Султон олди.

Иккинчи кизи Солиха Султонбегим эди, Окбегим дерлар эди. Султон Ахмад мирзодин сунгра Султон Махмуд мирзо туйлар килиб, улуғ уғли Султон Масъуд мирзоға олди. Сунгра Шохбегим, Мехр Нигорхоним била Кошкарға тушти. Учунчи киз Ойиша Султонбегим эди. Беш ёшимда Самаркандга келганда манга кулуб эдилар. Сунгра казокликларда Хужандка келди, анда олиб эдим. Самаркандни иккинчи навбат олғонда бир-гина кизи булуб эди, неча кундин сунг Тенгри рахматиға борди. Тошканд бузуғлуғидин бурунрок эгачисининг ангизи била мендин чикти.

Туртунчи кизи Султонбегим эди, Султон Али мирзо олиб эди, андин сунг Темур Султон олиб эди, андин сунг Махдий Султон олиб эди.

Боридин кичик кизи Маъсума Султонбегим эди. Онаси арғундин, Султон арғуннинг бирордарзодаси Хабиба Султонбегим эди. Мен Хуросонға борғонда куруб, хушлаб, тилаб, Кобулға келтуруб олдим. Бир кизи булди. *(20 б)* Ушал фурсатта-ук «зоча» захмати била Тенгри рахматиға борди, кизиға онасининг отини-ук куюлди.

[62] Л: бу жумла йук.
[63] К: ёвуткан.
[64] Е: одат била.
[65] Е: Чир хак.
[66] Е: Чир хак.

***Хавотин ва сарори:*** аввали, Султон Абусаъид мирзо кўлғон Меҳр Нигорхоним эди. Юнусхоннинг улуғ қизи, менинг онамнинг туққон эгачиси эди. Яна бир тархонлардин эди, Тархонбегим дерлар эди. Яна бир Қутуқбегим эди. Ушбу Тархонбегимнинг кўкалдоши эди, Султон Аҳмад мирзо ошиқликлар била олиб эди, асру кўп суюклик эди ва кўп мусаллит эди. Чоғир ичар эди. Анинг тириклигида Султон Аҳмад мирзо ўзга харамға бормас эди. Охир ўлтурди ва бадномлиғидин халос бўлди. Яна бир Хонзодабегим[67] эди, Тирмиз хонзодаларидин[68] эди. Мен Самарқандға беш ёшимда Султон Аҳмад мирзо қошиға келган фурсатда олиб эди. Ҳануз юз ёпуғи бор эди. Туркона расм била манга буюрдилар, мен юзини очтим.

Яна бир Аҳмад Ҳожибекнинг қиз набираси эди, Латифбегим отлиқ, мирзодин сўнг Ҳамза Султон олиб эди, Ҳамза Султондин уч ўғли бўлуб эди. Мен Ҳамза Султон ва Темур Султон бошлиқ султонларни босиб, Ҳисорни олғонда, бу султонзодалар яна неча султонзодалар тушуб эди, борини озод қилдим.

Яна бир Ҳабиба Султонбегим эди. Султон арғуннинг databaseбиродарзодаси эди.

***Умароси:*** Жонибек дўлдой эди, Султон Малик Кошғарийнинг иниси эди. Султон Абусаъид мирзо Самарқанд ҳукуматини ва Султон Аҳмад мирзо ўз эшигининг *(21 а)* ихтиёрини мунга бериб эди, муни эшикоғо қилиб эди. Ғариб ахлоқ ва атворлиқ киши экандур. Андин ғариб нималар хейли ривоят қилурлар. Ул жумладин бири будурким, Самарқанд ҳокими экан фурсатлар ўзбакдин элчи келур, ўзбак улусида бу элчи зўрға машҳур экандур. Ўзбак зўр кишини «бўка» дер эмиш. Жонибек деркимки: бўкамусен, бўка бўлсанг, кел, курашалинг. Бу элчи ҳар неча музояқа қилур, қўймас, курашурлар, Жонибек йиқар. Мардона киши эди.

Яна бир Аҳмад Ҳожибек эди. Султон Малик Кошғарийнинг ўғли эди. Ҳири ҳукуматини Султон Абусаъид мирзо неча маҳал мунга бериб эди. Обоғаси Жонибек ўлгандин сўнг, анинг мучасини бериб, Самарқандға йиборди. Хуштабъ ва мардона киши эди, «Вафоий» тахаллус қилур эди. Соҳиби девон эди, шеъри ёмон эмас эди, бу байт анингдуркимки:

*Мастам, эй муҳтасиб, имрўз зи ман даст бидор,*
*Эҳтисобам бикун, он рўз ки ёби ҳушёр.*[69]

Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандға келган фурсатлар[70] Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди. Султон Ҳусайн мирзо подшоҳ бўлғондин сўнгра Ҳирига келди. Асру улуғ риоят топди. Аҳмад Ҳожибек яхши тупчоқлар сахлаб, *(21 б)* яхши минар эди. Бу тупчоқлар аксар хоназоди эди. Агарчи мардона киши эди, сардорлиғи мардоналиғидек эмас эди. Бепарво киши эди. Ишкучини навкар-савдари сару сомон қилур эди. Бойсунқур мирзо Султон Али мирзо била Бухорода урушуб мағлуб бўлғонда иликка тушти. Дарвеш Муҳаммад тархоннинг қонининг тухмати била беиззатона ўлтурдилар.

Яна бир Дарвеш Муҳаммад тархон эди. Ўрда Буға тархоннинг ўғли, Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзонинг туққон тағойиси эди. Мирзо қошида борча беклардин улуғроқ ва муътабарроқ бу эди. Мусулмон ва одми ва дарвешваш киши эди. Ҳамиша мусҳаф[71] китобат қилур эди. Шатранжни бисёр ўйнар эди, яхши ўйнар эди. Қуш илмини хўп билур эди, қушни хўб солур эди. Охир Бойсунқур мирзо била Султон Али мирзонинг ғавғосида улуғлуқ замонида бадномлиқ била ўлди.

Яна бир Абдулали тархон эди. Дарвеш Муҳаммад тархонға ёвуқ уруғ бўлур эди. Синглиси ҳам мунда эрдиким, Боқи тархоннинг онаси бўлғай. Агарчи Дарвеш Муҳаммад тархон тўра ва муча била мундин улуғ эди, вале бу фиръавн ани кўзга илмас эди. *(22 а)* Неча йил Бухоро ҳукумати мунда эди, навкари уч мингга етиб эди, навкарни яхши шафқат била сахлар эди. Бахшиш ва пурсиш ва девон ва дастгоҳ ва шилон ва мажлиси подшоҳона эди. Зобит ва золим ва фосиқ ва мудаммағ киши эди. Шайбонийхон, гарчи навкари эмас эди, вале неча маҳал мунинг била бўлур эди. Кичик-кирим султонлар худ аксар навкари бўлуб эдилар. Шайбонийхоннинг мунча тараққий топмоғиға ва мунча қадим хона-

[67] Р: Хавонзодабегим.
[68] Р: Хонзодабегимларидин.

[69] Эй муҳтасиб, мастман, бугун мендан қўлингни торт, қачонки хушёр топсанг, ўша куни текшир.
[70] Е: Фурсатларда.
[71] Қ: Мусҳаф ва китоб мутолаа қилур эди.

водалар бузулмоғиға Абдулали тархон сабаб бўлди.

Яна бир Саййид Юсуф ўғлоқчи эди. Улуғ отаси муғулдин келган экандур. Отасини Улуғбек мирзо риоят қилиб эди. Раъй ва тадбири хейли яхши эди. Мардоналиғи ҳам бор эди. Қубузни яхши чолур эди.

Мен аввал Кобулға келганда менинг қошимда эди, улуғ риоят қилиб эрдим, филвоқиъ, риоят арзандаси ҳам бор эди. Аввалғи йил Ҳиндустон азимати била черик отлонғанда Саййид Юсуфбекни Кобулда қўюб эрдим, ўшул фурсатта Тенгри раҳматиға борди.

Яна бир Дарвешбек эди, Темурбек риоят қилғон Эгу Темурбекнинг наслидин эди. Ҳазрати Хожаға иродати бор эди. Мусиқа илмидин бохабар эди, соз ҳам чолур эди. Табъи назми *(22 б)* бор эди. Султон Аҳмад мирзо Чир суйи ёқасида шикаст топқанда Чир суйиға борди.

Яна бир Муҳаммад Мазид тархон эди, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг туққон иниси эди. Неча йил Туркистон ҳокими эди. Шайбонийхон Туркистонни мундин олди. Раъй ва тадбири яхши эди. Бебок ва фосиқ эди. Самарқандни иккинчи навбат ва учунчи навбат олғонда, менинг қошимға келиб эди. Мен дағи яхши риоят қилиб эрдим. Қўли Малик урушида ўлди.

Яна бир Боқи тархон эди. Абдулали тархоннинг ўғли ва Султон Аҳмад мирзонинг амакизодаси эди. Отасидин сўнгра Бухорони мунга бериб эдилар. Султон Али мирзо замонида кўп улғайиб эди, навкари беш-олти мингға етиб эди. Султон Али мирзоға хейли мутиъ ва мунқод эмас эди. Шайбонийхон била Қалъайи Дабусийда урушиб бостурди. Ўшул босқон била Шайбонийхон бориб Бухорони олди. Қушқа кўп майли бор эди. Дерларким, етти юз қуши бор экандур. Андоқ ахлоқ ва атвори йўқ эрдиким, деса бўлғай. Мирзодаликта ва давлатта улғайиб эди. Отаси Шайбонийхонға яхшиликлар қилғон жиҳатидин Шайбонийхон қошиға борди. Ул ноҳақшуносу бемурувват ул яхшиликларнинг муқобала *(23 а)* сида ҳеч навъ риоят ва шафқат қилмади. Хорлиқ ва зорлиқ била Ахси вилоятида оламдин борди.

Яна бир Султон Ҳусайн арғун эди. Неча маҳал Қоракўл ҳукумати анда учун, Султон Ҳусайн Қоракўлийға машҳур эди. Раъй ва тадбири хейли яхши эди. Менинг қошимда ҳам хейли бўлуб эди.

Яна бир Қулмуҳаммад Буғдо[72] эди, қавчин эди. Мардоналиғи ҳам бор экандур.

Яна бир Абдулкарим ашрит эди, уйғур эди. Султон Аҳмад мирзо қошида эшикоға эди. Сахий ва мардона киши эди.

Султон Аҳмад мирзо воқиъасидин сўнг беклар иттифоқ қилиб тоғ йўли била Султон Маҳмуд мирзоға киши чоптуруб тиладилар. Султон Абусаъид мирзонинг оғаси Минучеҳр мирзонинг ўғли Малик Муҳаммад мирзо салтанат дағдағаси била бир неча лаванд ва авбошни ўзига қўшуб ўрдудин айрилди. Самарқандға келиб ҳеч иш ҳам қилолмади. Ўзининг ва яна бир неча бегуноҳ подшоҳзодаларнинг ўлмакига сабаб бўлди.

Султон Маҳмуд мирзоға бу хабар етгач-ўқ бетавaққуф Самарқандға келиб, безаҳмат ва бемашаққат тахтқа ўлтурди. Султон Маҳмуд мирзонинг неча ишларидин вазиъ ва шариф ва сипоҳий ва раият мутанаффир ва гуризон бўлдилар.

Аввал буким, мазкур бўлғон Малик Муҳаммад мирзоники́м, *(23 б)* обоғасининг ўғли ва ўзининг куёви эди, яна тўрт мирзони Кўксаройға чиқариб эди, иккисини қўюб, Малик Муҳаммад мирзони ва яна бир мирзони шаҳид қилди. Буларнинг баъзисиға худ подшоҳлиқ ҳам тегмас эди. Бу дағдағалари ҳам асло йўқ эди. Агарчи Малик Муҳаммад мирзода андак гуноҳе бор эди, яна бирининг[73] ҳеч гуноҳи йўқ эди.

Яна бир буким, агарчи забт ва тузуки хейли яхши эди, девон шиор эди. Сиёқ илмини билур эди, вале табъи зулм ва фисқа мойил эди. Самарқандға киргач, ўзгача тартиб ва насақ ва харж ва таҳмил бунёд қила бошлади.

Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг мутааллиқлариғаким, бурун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин халос бўлурлар эди, не жойи улким, аларға мундоқ таклифлар бўлғай, кўп таадди ва ташаддуд қила бошлади. Балки[74] бу таадди ва ташаддуд Хожанинг авлодиға дағи сироят қилди.

Яна бир буким, ўзиким нечук золим ва фосиқ эди, бек ва бекча[75] ва навкар ва савдари тамом

---

[72] Қ: Қул Муҳаммад Бағдодий.
[73] Қ: бор эди ўзгаларда худ.
[74] Н: балк.
[75] Қ: эди бек ва беготлар; Е: эди беклари.

золим ва фосиқ эдиларким,[76] Ҳисор эли, алалхусус, Хисравшоҳға тааллуқ эл ҳамиша шурб ва зиноға машғул эдилар. Бу мартабадаким, Хисравшоҳнинг навкарларидин биров бир кишининг хотунини тортиб элтар, бу хотуннинг *(24 а)* эри Хисравшоҳға келиб додхоҳлиқ қилур, жавоб берурким, неча йил сенинг била эди, бир неча кун анинг била бўлсун.

Яна бир буким, шаҳри ва бозори, балки[77] турк ва сипоҳийнинг амрад ўғлонлари чуҳра қилур қўрқунчидин уйдин чиқмас эдилар.

Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад мирзонинг замонида рафоҳият ва фароғат била ўткариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа жиҳатидин адл ва шаръ тарнқи била эди, бу навъ зулм ва фисқдин бажону дил озурда ва ранжида бўлдилар. Вазиъ ва шариф, фақир ва мискин нафрин ва дуойи бадиға оғнз очиб, қўл кўтардилар.

*Ҳазар кун зи дарди дарунҳои реш,*
*Ки реши дарун оқибат сар кунад.*
*Баҳам бармакун то тавони диле,*
*Ки оҳе жаҳоне баҳам бар кунад.*[78]

Ложарам, зулм ва фисқнинг шоматидин Самарқандта беш-олти ой беш[79] ҳукумат қилмади.

## Вақоиъи санайи тисъа миа*

Манга Султон Маҳмуд мирзодин Абдулқуддусбек отлиқ элчи келди. Улуғ ўғли Султон Масъуд мирзоға оғаси Султон Аҳмад мирзонинг Оқбегим отлиқ иккинчи қизини тўй ва ойин била олғон сочиқини келтурди: олтундин ва кумушдин бодомлар ва писталар қилиб эдилар.

Бу келган элчининг Ҳасан Яъқубқа уруғлуғи бор экандур. Ҳасан Яъқубни ваъдалар била мирзоға боқтурғали *(24 б)* келган экандур. Нарм жавоб айтиб, балки[80] ул сари бўлғоидек қилиб, элчига рухсат берди. Беш-олти ойдин сўнг Ҳасан Яъқубнинг мизожи мунҳариф бўлуб, менинг ёвуғумдағи киши-қаро била ёмон маош қила кирищти. Ишни мунга еткурдиким, манга рухсат бериб, Жаҳонгир мирзони подшоҳ қилғай. Ҳасан Яъқубнинг ихтилоти сойир, умаро ва сипоҳий била дағи яхши эмас эди. Анинг бу фикридин бори эл воқиф бўлуб эдилар. Хожа Қози ва Қосим қавчин ва Али Дўст тағойи ва Узун Ҳасан ва яна баъзи давлатхоҳлар менинг улуғ онам Эсан Давлатбегимнинг қошида йиғилиб сўзни бу ерга қўйдиларким, Ҳасан Яъқубни маъзул қилиб, фитнасиға таскин берилгай. Хотунлар орасида раъй ва тадбирда, менинг улуғ онам Эсан Давлатбегимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди.

Ҳасан Яъқуб аркта эди. Менинг онам ва улуғ онам — Эсан Давлатбегим тош қўрғонда чақарда[81] эдилар.

Бу азимат била отланиб аркка мутаважжиҳ бўлдум. Ҳасан Яъқуб қушқа отлонғон экандур, хабар топиб ўшандин-ўқ Самарқанд *(25 а)* сари мутаважжиҳ бўлди.

Анинг била бор киши, бор бекларни туттурулди. Тутулғон беклар Муҳаммад Боқирбек эди, Султон Маҳмуд дўлдой Султон Муҳаммад дўлдойнинг отаси эди. Яна баъзилар ҳам бор эди. Баъзисиға Самарқанд сари рухсат берилди. Эшик ихтиёри ва Андижон ҳукумати Қосим қавчинға қарор топти.

Ҳасан Яъқубким, Самарқанд азимати била Кандибодомғача бориб эди, неча кундин сўнг фосид андиша била Ахси азимати қилиб, Ҳўқон ўрчин навоҳисиға келди. Хабар топиб, баъзи беклар била йиғитларни анинг устига йиборилди. Илғор беклари ўзларидин илгаррак бир пора йигитларни қаравул йибордилар. Ҳасан Яъқуб хабар топиб, кеча била бу қаравул айирғон йигитларнинг устиға юруб, ўй мунгузи қобсоб[82] шиба қуярлар. Қоронғи кечада ўз элининг ўқи-ўқ Ҳасан Яъқубнинг қочориға теғиб, қочоридин бурунроқ ўз амалиға гирифтор бўлди.

[76] ЕҚ: ким йўқ.
[77] Н: балк.
[78] Ички яралар дардидин ҳазар қил! Чунки ички яра ахир юзага чиқади. Қўлдан келганча ҳеч бир дилга озор берма! Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади.
[79] Беш — ортиқ.
* Тўққуз юзинчи (1494—1495) йил воқеалари.
[80] Н: Балк.
[81] Қ: чиқарда.
[82] Л: қобоб.

*Чу бад карди, мабош эмин зи офот,*
*Ки вожиб шуд табиатро мукофот.*[83]

Ушбу йил шубҳалиқ таомдин парҳиз қила бошладим. Пичоқ ва қошиқ ва дасторхонғача эҳтиёт қилур эрдим. Таҳажжуд ҳам камроқ тарк *(25 б)* бўлур эди.

Рабиул охар ойида Султон Маҳмуд мирзоға қавий ориза юзланиб, олти кунда оламдин кечти. Қирқ уч ёшар эди.

***Валодат ва насаби:*** секкиз юз эллик еттида эди. Абусаъид мирзонинг учунчи ўғли эди. Султон Аҳмад мирзо била бир туққон эди.

***Шакл ва шамойили:*** паст бўйлуқ, суюк[84] соқоллиқ, танбал, синчисизроқ[85] киши эди.

***Ахлоқ ва атвори:*** яхши эди. Намозни тарк қилмас эди. Тузуки ва забти бисёр яхши эди. Сиёқ илмини хуб билур эди. Вилоётдин бир дирам ва бир динор анинг бевуқуфи харж бўлмас эди. Навкарининг улуфаси асло мунқасир бўлмас эди. Мажлис ва бахшиш ва шилон ва девони бисёр яхши эди. Барчаси қоида ва тузуки била эди. Бир навъ тартиб ва насақиким қўюб эди, сипоҳий ва раият асло андин тажовуз қила олмас эди. Бурун қушқа хейли қотрор экандур, сўнгралар баҳлум овин қалин овлар эди.

Зулм ва фисқка кўп машғул эди. Муттасил чоғир ичар эди. Чуҳра қалин сахлар эди. Қаламравида чиройлиқ амрад ўғлон бўлса, ҳар навъ била келтуруб чуҳра қилур эди. Бекларнинг ўғлонларини *(26 а)*, балки[86] кўкалдошларини чуҳра қилиб эди, балки ўзининг кўкалдошидин туққонға доғи бу хизматни буюруб эди. Бу шум феъл анинг замонида андоқ шойиъ эрдиким, чуҳрасиз киши асло йўқ эди. Чуҳра сахламоқлиғни ҳунар билурлар эди. Чуҳра сахламаслиғни айб қилурлар эди. Зулм ва фисқининг шоматидин ўғлонлари тамом жувонмарг бўлдилар.

Табъи назми бор эди, девон тартиб қилиб эди, вале шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмоғон яхшироқдур.

Бадэътиқод киши эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға истихфоф қилур эди. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масхара ва бебок теграсида бор эди. Девон бошида ва халойиқ қошида зишт ва шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди. Бадкалом эди. Сўзини филҳол англаб бўлмас эди.

***Масофлари:*** икки қатла масоф урушти. Ҳар икки қатла Султон Ҳусайн мирзо била: бир мартаба Астрободта мағлуб бўлди. Яна бир қатла Андхуд навоҳисида, Чаман деган ерда ҳам мағлуб бўлди. Икки қатла Бадахшоннинг жануб жониби Кофиристоиға бориб ғазот қилди. Бу жиҳаттин *(26 б)* фармонининг туғросида «Султон Маҳмуд ғозий» битирлар эди.

***Вилоёти:*** Султон Абусаъид мирзо Астрободни бериб эди. Ироқ воқиъасида Хуросонға келди. Ул фурсат[87] Қанбар Алибек Ҳисор ҳокими Султон Абусаъид мирзонинг ҳукми била Ҳиндустон черикини чериклаб, Ироққа мирзонинг сўнгича борадур эди, Хуросонға етиб эди, Султон Маҳмуд мирзоға мулҳақ бўлди. Султон Ҳусайн мирзонинг овозасини эшитгач, Хуросон эли ҳужум қилиб, Султон Маҳмуд мирзони Хуросондин чиқардилар. Самарқандға Султон Аҳмад мирзонинг қошиға келди. Неча ойдин сўнг Аҳмад Муштоқ бошлиғ Саййид Бадр ва Хисравшоҳ ва яна баъзи йигитлар Султон Маҳмуд мирзони олиб қочиб, Ҳисорға Қанбар Алибек қошиға келдилар. Андин бери Қаҳқа[88] била Кўҳтан тоғининг жануб тарафидағи вилоёт, мисли Тирмиз ва Чағониён ва Ҳисор ва Хатлон ва Қундуз ва Бадахшон Ҳиндукуш тоғигача Султон Маҳмуд мирзонинг тасарруфида эди. Оғаси Султон Аҳмад мирзо ўлгандин сўнг анинг вилоёти дағи мунинг тасарруфида бўлди.

***Авлоди:*** беш ўғил, ўн бир қиз эди. Бори ўғлонларидин улуғ Султон Масъуд мирзо эди. Онаси *(27 а)* Мир Бузург Тирмизийнинг қизи эди.

Яна бир ўғул Бойсунқур мирзо эди. Онаси Пошабегим эди.

Яна бир ўғил Султон Али мирзо эди. Онаси Зуҳрабеги оға эди, ўзбак эди, ғума эди.

Яна бир ўғул Султон Ҳусайн мирзо эди. Онаси Хонзодабегим,[89] Мир Бузургнинг набираси эди. Мирзо ҳаётида ўн уч ёшида Тенгри раҳматиға борди.

---

[83] Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма, чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқ.

[84] Қ: бурма.

[85] Қ: Сухансизроқ.

[86] Н: балк.

[87] Е: Фурсатта.

[88] РЕ: Қаҳлға.

[89] Р: Хонзодабегимдин.

Яна бир ўғул Султон Вайс мирзо эди. Онаси Юнусхоннинг қизи, менинг онамнинг сингли Султон Нигорхоним эди. Бу тўрт мирзонинг ҳолоти бу тарихда йил воқойиъида мазкур бўлғусидур.

Уч қизи Бойсунқур мирзо била бир туққон эди. Улуғроғини Султон Маҳмуд мирзо обоғаси Минучеҳр мирзонинг ўғли Малик Муҳаммад мирзоға чиқариб эди.

Яна беш қиз Мир Бузургнинг набираси Хонзодабегимдин[90] эди. Улуғини Султон Маҳмуд мирзодин сўнгра Абобакр Кошғарийға *(27 б)* бердилар. Иккинчи қиз Бикабегим эди. Султон Ҳусайн мирзо Ҳисорни муҳосара қилғонда Ҳайдар мирзо отлиқ ўғлиғаким, Султон Абусаъид мирзонинг қизи Поянда Султонбегимдин туққондур, олиб ярашиб, Ҳисорнинг устидин кўпти. Учунчи қиз Оқбегим эди. Тўртунчи қизи Ойбегим эди.[91] Султон Ҳусайн мирзо Қундуз устига келганда Умаршайх мирзо ўғли Жаҳонгир мирзони Андижон черики била кўмак йиборганда Жаҳонгир мирзоға номзад бўлуб эди. Тарих тўққуз юз ўнда Аму дарёси ёқасида Боқи Чағониёний манга келиб мулозамат қилди. Бу бегимлар оналари била Тирмизта эдилар. Булар ҳам Боқи Чағониёнисининг, кўчи била келиб қўшулдилар. Коҳмардқа келганда, Жаҳонгир мирзо олди. Биргина қизи бўлди. Бу тарихда улуғ онаси Хонзодабегим била Бадахшон вилоятидадур. Бешинчи қиз Зайнаб Султонбегим эди. Кобулни олғонда онам Қутлуқ Нигорхонимнинг саъйи била олдим, хейли созворлиқ бўлмади. Икки уч йилдин сўнг обила заҳмати била оламдин борди. Яна бир қиз Махдума[92] Султонбегим эди. Султон Али мирзонинг бир туққон эгачисидур. Ҳоло Бадахшон вилоятидадур. Ва яна икки қиз ғунчачидин бўлуб эди. Бирининг оти Ражаб Султон, яна бири *(28 а)* нинг оти Муҳиб Султондур.

***Хавотин ва сарори:*** улуғ хотуни Мир Бузург Тирмизийнинг қизи Хонзодабегим[93] эди. Мирзо бисёр севар эди. Султон Масъуд мирзонинг онаси эди. Ул ўлганда мирзо бисёр қаттиқ таъзият тутқондур. Андин сўнг Мир Бузургнинг набираси бу Хонзодабегимнинг бијродарзодасини олди. Ани ҳам Хонзодабегим дерлар эди. Беш қиз ва бир ўғулнинг онаси эди.

Яна бир Пашабегим эди. Қорақуйлуқ Баҳорлу аймоғи туркман бекларидин Али Шукурбекнинг[94] қизи эди. Жаҳоншоҳ мирзо Бороний Қорақуйлуқнинг ўғли Муҳаммадий мирзо олиб эди. Озарбайжон ва Ироқни бу Жаҳоншоҳ авлодидин Оққуйлуқ Узун Ҳасан олғонда Али Шукурбекнинг[95] ўғлонлари тўрт-беш минг уйлук қорақуйлуқ туркманлар била Султон Абусаъид мирзо мулозаматиға келиб эдилар. Султон Абусаъид мирзо шикаст топқоида бу вилоятларға туштилар. Султон Маҳмуд мирзо Самарқанддин Ҳисор келганда Султон Маҳмуд мирзо мулозаматиға келдилар. Бу Пашабегимни мирзо ул маҳалда олиб эди. Бир ўғул, уч қизининг онаси эди. Яна бир Султон Нигорхоним эди. Насаби хонлар воқойиъида машруҳ ва мазкур бўлубтур.

Ғума *(28 б)* ва ғунчачиси хейли бор эди. Муътабар ғумаси Зуҳрабеги оға эди. Ўзбакдин эди. Султон Абусаъид мирзонинг тириклигида йигитлигида олиб эди.[96] Бир ўғул, бир қизининг онаси эди ва ғунчачи хейли бор эди. Иккисидин икки қиз бўлуб эрдиким, мазкур бўлди.

***Умароси:*** Хисравшоҳ эди. Туркистонлиқ қипчоқдиндур. Кичиклигида тархон бекларига ёвуқ хизмат қилур эди. Балки чуҳра эди, андин сўнг Мазидбек арғунға навкар бўлди. Филжумла, риоят қилиб эди. Ироқ бузуғлуғида Султон Маҳмуд мирзоға қўшулуб, йўлда келурда шойиста хизматлар қилғон учун Султон Маҳмуд мирзо риоят қилиб эди. Сўнгралар асру кўп улғайиб эди. Султон Маҳмуд мирзонинг замонида-ўқ навкари бешолти мингга етиб эди. Аму дарёсидин Ҳиндукуш тоғиғача вилоят, ғайри Бадахшон тамом мунга тааллуқ эди. Дарбаст ер эди. Шилони ва саховати яхши эди. Бовужуди турклук маҳкам пайдокунанда эди, нечукким пайдо қилур эди, яхши ҳам харж қилур эди.

Султон Маҳмуд мирзодин сўнг ўғлонларининг замонида худ асру кўп улғойиб эди. Навкари йигирма мингга ёвушуб эди. Агарчи Намози қилур эди ва таомда парҳиз қилур эди, вале тийра ва фосиқ эди, гавдан ва бефаҳм ва бевафо *(29 а)* ва ҳаромнамак киши эди. Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстурғон валинеъматзодасини кўр қилди. Яна бирини ўлтурди. Тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубдур. Домани

[90] Р: Хонзодабегим.
[91] Л: бу йўқ.
[92] РЕҚ: Махдум.
[93] Р: Хонзода.

[94, 95] Қ: Алишербекнинг.
[96] Л: бу жумлалар йўқ.

киёматгача лаънат ва нафрин сазовори бўлди. Бу утар дунё учун мундоқ ёмон ишлар қилди. Мундоқ бисёр маъмур вилоят ва мунча қалин яроқлиқ навкар била бир мокиён била ҳам тутушмади. Бу тарихда зикри келгусидур.

Яна бир[97] Пирмуҳаммад Элчи буға эди. Қавчин эди. Балх эшигида ҳазора[98] урушида Султон Абусаъид мирзо олида даъво била мушт тегурубдур. Мардона киши эди. Мирзоға доим мулозамат қилур эди. Мирзо раъйи била амал қилур эди. Султон Ҳусайн мирзо Қундузни қабағонда Хисравшоҳнинг таассубиға оз киши била яроқсиз беҳисоб шабихун келди. Иш ҳам қила олмади. Андоқ қалин черикка не иш қила олғай эди. Сўнгича қовғунчи борди, ўзин дарёға солди, ғарқ бўлди.

Яна бир Айюб эди. Султон Абусаъид мирзо қошида Хуросон чуҳраси чаргасида хизмат қилур эди. Мардона киши эди. Бойсунқур мирзонинг бек аткаси эди. Емак ва киймаги сирфа била эди. Ҳаззол ва ҳарроф эди. Султон Маҳмуд мирзо *(29 б)* «беҳаё» деб мухотиб қилур экандур.

Яна бир Вали эди. Хисравшоҳнинг туққон иниси эди. Навкарини яхши сахлар эди. Султон Масъуд мирзонинг кўзига мил тортмоғиға ва Бойсунқур мирзонинг ўлтурмакига боис ул эди. Жамиъ элни ғийбат қилур эди. Бадзабон ва фаҳшгўй ва худписанд ва тийрамағз мардак эди. Ўзидан ўзга ҳеч кишини ҳеч ишта писанд тутмас эди. Қундуз вилоятидин келганда ва Душий навоҳисида Хисравшоҳни навкар, савдаридин айириб, рухсат берган фурсатта ул доғи ўзбакнинг қўрқунчидин Андароб ва Серобқа[99] келиб эди. Ул навоҳидағи аймоқларни босиб талаб, бизни деб Кобулға келдилар. Вали Муҳаммад Шайбонийхон қошиға борди. Самарқанд шаҳрида бўйниға урдурди.

Яна бир Шайх Абдулло барлос эди. Шоҳ Султон Муҳаммаднинг бир қизи мунда эрдиким, Абобакр мирзо била Султон Маҳмудхоннинг холаси бўлғай. Тўнни пуршаққ ва тор кияр эди. Одми ва асил киши эди.

Яна бир Маҳмуд барлос эди. Навандоқлиқ барлослардиндир. Султон Абусаъид мирзо қошида ҳам бек эди. Султон Абусаъид мирзоға Ироқ вилояти мусаххар бўлғонда Кирмонни Маҳмуд барлосға бериб эди. Абобакр мирзоға *(30 а)* Мазидбек арғун ва қорақўйлуқ[100] туркман беклари қўшулуб, Султон Маҳмуд мирзонинг устига Ҳисорда келганда Султон Маҳмуд мирзо оғасиға Самарқандға борди. Маҳмуд барлос Ҳисорни бермай, яхши сахлади. Шоир эди, девон тартиб қилиб эди.

Султон Маҳмуд мирзонинғ фавтидин сўнгра Хисравшоҳ бу воқиъани элдин яшуруб хазинаға дастандозлиқ қилди. Мундоқ хабар нечук яшурун қолур,[101] филҳол бори шаҳр элига бу хабар ёйилди. Самарқанд аҳлиға ул кун бир улуғ ийд эди. Сипоҳи ва раият Хисравшоҳнинг устига ҳужум қилмоқ мақомида бўлдилар. Аҳмад Ҳожибек ва тархон беклари ғавғони босиб, Хисравшоҳни чиқариб Ҳисор узаттилар. Султон Маҳмуд мирзо ҳаётида улуғ ўғли Султон Масъуд мирзоға Ҳисорни бериб, Бойсунқур мирзоға Бухорони бериб, ўғлонлариға рухсат бериб эди, бу воқиъада ҳеч қайси ҳозир эмас эди. Хисравшоҳни чиқорғондин сўнг Самарқанд ва Ҳисор беклари иттифоқ била Бухороға Бойсунқур мирзоға киши йибориб ва келтуруб, Самарқанд тахтиға ўлтурғуздилар. Бойсунқур мирзо подшоҳ бўлғонда ўн секкиз яшар эди.

Ўшал фурсатта Султон Маҳмудхон Султон Жунайд *(30 б)* барлоснинг ва Самарқанднинг баъзи акобирининг сўзи била Самарқанд доияси била черик тортиб, Канбой навоҳисиға келди. Самарқандтин ҳам Бойсунқур мирзо қалин ва кўчум ва яроғлиқ черик била чиқиб, Канбой навоҳисида масоф уруштилар. Ҳайдар кўкалдошким, моғул черикининғ рукни аъзами эди, эровул эди, тамом оттин тушуб, шиба қўймоққа машғул бўлди. Қалин отлиқ,[102] таассублуқ Самарқанд ва Ҳисор йигитлари от солғон била Ҳайдарбек бошлиқ тушганлар тамом от оёғининг остиға-уқ қолдилар. Муни олдурғон била уруша ҳам олмадилар, бостурдилар. Қалин моғул кишиси қирилди. Бойсунқур мирзо ўз олдида ҳам қалин кишининг бўйнини урдурубтур.[103] Андоқким, улукнинг қасратидин уч ерда хиргоҳни буюткабдурлар.

---

[97] Е: бу сўз йўқ.
[98] Л: Ҳазораспий.
[99] К: Саробқа.

[100] К: ва қорачуй қорақўйлук.
[101] К: Яшуруқлуқ бўлур.
[102] К: яроқлиқ.
[103] К: бўйниға урур эди.

Бу фурсатта Иброҳим соруким, минглиғ элидин эди, отамнинг[104] оллида кичикдин хизматлар қилиб, беклик мартабасиға етиб эди, бир жарима жиҳатидин сўнгралар мардуд эди, Исфара қўрғониға кириб Бойсунқур мирзонинг отиға хутба ўқуб, мухолафат мақомида бўлди.

Шаъбон ойи Иброҳим сорунинг фитнасининг дафъиға азимат қилиб, *(31 а)* черик отланилди. Ушбу ойнинг оёғида Исфарани қабаб туштук. Ул куни йигитлар шўхлуқ қилиб етган била-ўқ қўрғоннинг тошида янги том қўпориб, соладурғон[105] қўрғонни олдилар. Саййид Қосим эшикоқа бу кун борчадин яхшироқ юруб, ўзуб қилич тегурди. Султон Аҳмад Танбал ҳам қилич тегурди. Муҳаммад Дўст тағойи ҳам қилич тегурди, вале баҳодурлуқ улушини Саййид Қосим олди. Баҳодурлуқ улуши муғулда қадимий расмдур. Ҳар тўй ва ош бўлғонда,[106] ҳар кимки элдин ўзуб қилич тегургон бўлса, ул улушни ул олур. Шоҳрухияда бориб, тағойим Султон Маҳмудхонни кўрганда баҳодурлуқ улушини Саййид Қосим олди. Аввалғи кун урушида Худойберди аткамга тахш ўқи тегиб ўлди. Чун яроқсиз[107] уруш солилиб эди, баъзи йиғит-яланг зойиъ бўлуб, хейли киши яралиқ бўлди. Иброҳим сорунинг қошида бир тахшандоз бор эди, бисёр яхши отар эди, онча тахшандоз қурулмайдур эди. Аксар элни ул яралиғ қилди. Қўрғон фатҳидин сўнг менинг қошимда бўлур эди,[108] муҳосара мумтад бўлди. Буюрилдиким, икки-уч ерда саркўблар ясаб, нақблар *(31 б)* солғайлар. Қалъагирлик асбобиға бажидд машғул бўлғайлар. Муҳосара имтидоди қирқ кунга тортти.

Охир Иброҳим сору ожиз бўлуб, Хожа Мавлонойи Қозининг тавассути била қуллуқни ихтиёр қилиб, шаввол ойида қилич, соғдоғини[109] бўйниға осиб келиб, мулозамат қилиб, қўрғонни топшурди.

Хужанд ҳам муддати мадид эрдиким, Умаршайх мирзо девониға тааллуқ эди, бу фатаратта ул саркорда футур бўлғон учун Султон Аҳмад мирзоға боқиб эди. Чун мунча тақарруб бўлди, анинг устиға ҳам борилди. Хужанд ичида Мир Муғулнинг отаси Абдулваҳҳоб шиғовул эди, мен етгач- ўқ қўрғонни бемузояқа топшуди.

Бу фурсатда Султон Маҳмудхон Шоҳрухияға келиб эди. Мундин бурунроқ Султон Аҳмад мирзо Андижон навоҳисиға келганда хон ҳам келиб, Ахсини қабаб эди. Нечукки, мазкур бўлди, хотирға еттиким, ора мунча ёвуқ бўлғонда хон, чун ота оғадурлар, бориб мулозамат қилсам, ўтган кудуратлар рафъ бўлғай, ироқда-ёвуқта эшитур, кўрарга яхши бўлғай деб келиб, Шоҳрухиядан ташқари Ҳайдарбек солғон боғда хонға мулозамат қилдим. Хон боғнинг ўртасида солғон улуғ чордара *(32 а)* уйда ўлтуруб эдилар. Уйдин кирғач, уч юкундум. Хон ҳам таъзим қилиб қўптилар. Кўрушуб, ёниб юкунгандин сўнг ёнлариға тилаб, қалин шафқат ва меҳрибонлиқлар кўрсаттилар.

Бир-икки кундин сўнг Кандирлик добони била Ахси ва Андижон сари азимат қилдим. Ахсиға етиб отамнинг мазорини тавоф қилдим. Ахсидин намози жумъа вақтида чиқиб, Банди Солор йўли била намози шом била намози хуфтан орасида Андижонға келдим.[110] Бу йўлким, Банди Солор йўли бўлғай, туққуз йиғоч йўлдир. Андижон вилоятининг саҳронишинларидин бир Чакрак элидур, қалин элдур. Беш-олти минг уйлук эл бордур. Фарғона била Кошғар орасидағи тоғларда бўлурлар, отлари кўп ва қўйлари қалиндур. Ул тоғларда уй ўрниға қўтос сахларлар. Қўтослари ҳам бисёр бўлур. Чун тоғлари берк ва сарҳадта воқиъ бўлубтур, мол бермакта ройиж эмастурлар. Черикни Қосимбекка бошлатиб Чакракка йиборилдиким, Чакракдин мол олиб, черикка нима тегургай. Қосим-

104 Л: онам.

105 Е: Солдурғон.

106 Халқ ичидан ўзиб чиққан кишига баҳодирлик унвони тўй ва ош бўлганда берилади, дейишини уруш, маъракада берилади деб тушуниш керак.

107 Яроқсиз — бутунлай қуролсиз эмас, балки ўқ, қилич ўтмайдиган махсус кийим (жиба)сиз демакдир.

108 «Андоқким, ўлукнинг касратидин уч ерда хиргоҳни буюткабдурлар» деган жумладан бошлаб бу ергача бўлган қисми Қозон босмасида форсий тилда берилган. Биз тубанда шунинг таржимасини берамизким, ҳар иккала матн орасида оз бўлса-да, фарқ бордир. Форсча матннинг тушиб қолган жойлари ҳам бор. Бундай жойларга нуқталар қўйилган, таржимада ҳам бу ҳол сақланди.

«Ўлукларнинг кўплигидан чодирни тўрт ерга кўчирдилар. Шу кунларда Иброҳим сору отамнинг хизматида бўлиб, амирлик мартабасига етган эди. Бу кунларда бир гуноҳи сабабли қувинди бўлиб, Исфара қалъасига кирди ва Бойсунғур мирзо номига хутба ўқиб, душманликни бошлади. Шаъбон ойида унинг фитнасини қайтариш учун лашкар отланди ва охир шу Исфарага жўнади. Ўша куни ёшлар шўхлик қилиб, қалъага етиш билан ташқаридаги янги солинаётган қалъани олдилар. Шу кун ҳаммадан ортиқроқ... Танбал ҳам Муҳам бўлиб келгандирки, (маъракада) халқ орасидан ёлғиз чиқиб душманга қилич тортса, баҳодирлик улушини берадилар. Бу жиҳатдан баҳодирлик улуши унга берилган. Аввалги куни аткам Худойбердига ўқ тегиб ўлди. Сўнг, қуролсиз (жибасиз) уруш бошланган эди. Баъзи йигитлар зойиъ бўлиб, кўписи ярадор бўлди. Иброҳим сору ҳузурида бир мерган бор эди, у кўп кишиларни ярадор қилди. Қалъа фатҳидан сўнг у мерган менинг олдимда турар эди».

109 Қ: садоғини.

110 Қ: кирдим.

бек бориб, йигирма мингга ёвук куй ва минг, минг беш юз от олиб, черик элига улашти.

Черик Чакракдин ёнғондин сунг Уратепанинг устига *(32 б)* ким, муддатлар Умаршайх мирзо тасарруфида эди, мирзо улар йили иликдин чиқиб эди, бу фурсатта Бойсунқур мирзо жонибидин иниси Султон Али мирзо анда эди, азимат қилилди. Султон Али мирзо хабар тониб, узи Фалғар ва Мачо[111] кухистонлариға чиқиб, аткаси Шайх Зуннунни Уратепада қуюб эди, Хужанддин утуб ора йулға етганда Халифани Шайх Зуннунға рисолат тарики била йиборилди. Ул бехуш мардак жавоби шофий бермай, Халифани туттуруб улумга буюрди. Чун хост йуқ экандур, Халифа халос булуб, юз туман машаққат ва азоблар била икки-уч кундин сунг яёқ ва яланғоч келди.

Уратепанинг навоҳисиға келдук. Чун қиш ёвуқ булуб эди, эл ошлик-тулукини тамом кутариб эдилар, бу жиҳатлардин неча кундин сунг Андижон сари мурожаат қилилди. Биз ёнғондин сунг хон кишиси Уратепа устига юруди. Уратепа кишиси тура олмай солиб чиқди. Хон Уратепани Муҳаммад Ҳусайн курагонга берди. Ушул тарихдан туққиз юз секкизгача Уратепа Муҳаммад Ҳусайн курагонда эди.

## Вақоиъи санайи иҳдо ва тисъа миа*

Султон Ҳусайн мирзо Хуросондин Ҳисор *(33 а)* устига черик тортиб, қиш Тирмиз туғриси келди. Султон Масъуд мирзо ҳам черик йиғиб, Тирмизға муқобалада келиб ултурди. Хисравшоҳ узи Қундузни маҳкам қилиб, иниси Валини черикка йиборди. Қишнинг аксарини сув ёқасида утказдилар, ута олмадилар. Султон Ҳусайн мирзо кордон ва соҳиб тажриба подшоҳ эди. Қундуз сари сув юққори боқа кучти. Утрудағи черикни ғофил қилиб Абдуллатиф бахши бошлиқ беш-олти юз убдон кишини Килиф гузариға йиборди. Ул черик воқиф булғунча Абдуллатиф бахши таъйин булғон эл била Килиф гузаридин утуб сув ёқасини маэбут қилди. Бу хабар Султон Масъуд мирзоға келгач, Вали Хисравшоҳким, бу кечган кишининг[112] устига бормоқни ҳарчанд саъй қилди, Султон Масъуд мирзо бедиллиғидин ё Боқи Чағониёнийнингким, Валининг зидди эди, саъйидин бу кечган кишининг устига бормади. Бузулғон йусунлуқ Ҳисор сари ёндилар.

Султон Ҳусайн мирзо сув кечиб, Бадиъуззамон мирзони ва Иброҳим Ҳусайн мирзо ва Муҳаммад Валибек ва Зуннун арғунни Хисравшоҳ устига илғор йиборди. Музаффар[113] мирзо *(33 б)* ва Муҳаммад Бурундуқ барлосни Хатлон устига йиборди.[114] Узи Ҳисор устига келди. Евук етканда хабардор булдилар.

Султон Масъуд мирзо Ҳисорда турмоқнинг маслаҳатини топмай, Камруд руди юққори Сири тоғ[115] йули била иниси Бойсунқур мирзо қошиға Самарқандға борди. Вали ҳам Хатлон сари торттi. Ҳисор қурғонини Боқи Чағониёний ва Маҳмуд барлос ва Султон Аҳмад Қучбекнинг отаси беркиттилар.

Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон неча йил эрдиким, Шайбонийхондин айрилиб келиб, Султон Маҳмуд мирзо мулозаматида эдилар. Жамиъ узбаклари била Муҳаммад[116] дуғлат Султон Ҳусайн дуғлат ва жамиъ Ҳисор вилояти ултурушлуқ муғуллар била бу бузуғлукта Қоратегин сари торттилар.

Султон Ҳусайн мирзо бу хабарларни топиб, Абулмуҳсин мирзони ва баъзи йигитларни Камруд дараси юққори, Султон Масъуд мирзо кейнига йиборди. Тангига кирган маҳалда кейнидин етарлар, онча иш қила олмаслар, Мирзобек фарангибоз анда қилич тегурур.

Иброҳим тархон ва Яъқуб Айюб ва яна баъзи черикни Ҳамза Султоннинг ва муғулларнинг устига Қоратегинга йиборди. Қоратегинда кейнидин етиб уруштилар. Султон Ҳусайн мирзо *(34 а)* нинг илғорини босиб, бу бекларнинг аксарини тушуруб яна қуя бердилар.

Ушул чиққон била Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон ва Ҳамза Султоннинг уғли Мамоқ Султон ва Муҳаммад дуғлатким, сунгралар Муҳаммад

---

[111] Масчо булиши керак.

* Туққуз юз биринчи (1495–1496) йил воқеалари.

[112] Қ: келгач, бетаваққуф Хисравшоҳ ва Вали бу кечган кишиларнинг.

[113] Р: Музаффар Ҳусайн.

[114] Қ: Муҳаммад Бурундуқ барлос ва Зуннун арғунни Хисравшоҳ устига илғор йиборди. Музаффар Мирзони Хатлон устига йиборди.

[115] Қ: Сарв тоғ.

[116] Қ: Маҳмуд.

Хисорийға машҳур бўлуб эди, Султон Ҳусайн дуғлат ва бу султонларға тааллуқ ўзбаклар[117] Ҳисор вилояти ўлтурушлуқ Султон Маҳмуд мирзо навкари муғуллар бизни деб рамазон ойи Андижонға келдилар.

Ул фурсатлар Темурия салотини дастури била тўшак устида ўлтурур эрдим. Ҳамза Султон била Маҳдий Султон ва Мамоқ Султонким келдилар, бу салотиннинг таъзимиға қўпуб тўшакдин тушуб, бу султонлар била кўруштум. Султонларни ўнг қўлда боғишда ўлтурғуздум. Муҳаммад Ҳисорий бошлиқ борча муғуллар келдилар. Борча мулозаматни ихтиёр қилдилар.

Султон Ҳусайн мирзо келиб Ҳисор қўрғонини қабаб тушти. Нақб солмоқ ва қўрғон олмоқ ва тош урмоқ ва қазон қурмоқнинг иш-кучида кеча ва кундуз ором ва қарори йўқ эди. Тўрт-беш ерда нақб солди. Шаҳр сари дарвозада солғон нақб хейли илгари келиб эди. Қўрғон эли дағи нақб солиб, бу нақбини топтилар. Қўрғон эли, *(34 б)* юққоридин буларға дуд қилдилар. Алар тўшукни беркитган била тутун юққори қўрғон элига-ўқ ёниб, қўрғон эли ўлум ичи бўлуб, қочиб чиқтилар. Охир кўза-кўза сув кетуруб қуйиб, ташқи элни нақбдин қочурдилар. Яна бир навбат бир пора илдам йигитлар чиқиб, нақб устидаги йигитларни қочурдилар. Яна мирзо тушган шимол тарафидин қозон қуруб, қалин тош уруб, бир буржни ковок қилиб эдилар. Намози хуфтан бурж учти. Баъзи йигитлар тезлик қилиб урушға рухсат тиладилар. «Кечадур» деб мирзо рухсат бермади. Тонг отқунча худ қўрғон эли буржни тамом қўпариб эдилар. Тонгласи уруш ҳам солмадилар. Бу икки ой-икки ярим ойда ғайр аз сиёсат ва нақб солмоқ, сарқўб қўпормоқ ва тош отмоқдин ўзга яхши уруш солмади.

Бадиъуззамон мирзо ва, ул жамоатниким, Хисравшоҳ устига йиббориб эди, Қундуздин уч-тўрт йиғоч қуйироқ тушганда Хисравшоҳ бўлғон кишиси била ясатиб[118] Қундуздин чиқиб ора қўнуб, Бадиъуззамон мирзо ва бу черикнинг устига босиб келди. Булар мунча мирзолар ва мунча сардор беклар, *(35 а)* бовужудким, кишилари икки Хисравшоҳнинг кишисича бўлмаса, бир ярим ончада худ не сўз, жазм риоят қилиб, хандақдин чиқмадилар. Хисравшоҳнинг яхши-ёмон, улуғ-кичик навкари тўрт-беш минг бўлғай эди.

Хисравшоҳ бу ўтар дунёйи бебақо учун ва бу кетар навкари бевафо учун мунча ёмонлик ва бадномликни ихтиёр қилиб ва мунча зулм ва бедод қилмоқни ўзига шиор қилиб, мунча улуғ вилоятлар олиб, мунча қалин навкар ва савдар сахламоқ тарҳин солиб, балки сўнгралар навкар ва чоқари йигирма-уттуз мингга тортиб вилоёт ва парганоти ўз подшоҳи ва мирзоларидин ортиб, умрида қилғон иши ушбу бўлди. Ушмунча била Хисравшоҳ ва тавобиининг оти сардорликка чиқиб, мардона бўлдилар.

Хандақдин чиқмағонлар қўрқоқликка отиқиб, бедиллик била афсона бўлдилар. Бадиъуззамон мирзо андин кўчуб неча кўч била Толиқоннинг Олғу тоғиға[119] келиб тушди. Хисравшоҳ Қундуз қўрғонида эди. Иниси Валини бир пора ўбдон йигитлар била Ишкамиш ва Фулул ва ул тоғ доманалариға йиборib эрдиким, яна ташқаридин хадук ва ташвиш бергай, яна[120] Муҳиб Али қўрчи бир пора ўбдон йигитларни олиб келиб, Хатлон суйининг *(35 б)* ёқасида буларнинг кишисига учраб босиб бир пора киши тушуруб, бир неча бош кесиб борди. Сўнгги навбат мунинг таассубиға Сайдим Али дарбон ва иниси Қулибек ва Баҳлул Айюб бир пора ўбдон йигитлар била келиб, Анбаркўҳ доманасида Хожа Чангол навоҳисида Хуросон черики кўчган маҳалда илик олишурлар, қалин киши етиб Сайдим Али ва Қулбобони[121] ва яна бир пора ўбдон йигитларни тамом тушурдилар.

Бу хабар Султон Ҳусайн мирзоға етишти. Дағи Ҳисорнинг баҳор ёғинлари жиҳатидин ҳам черик ҳоли аз ташвиш эмас эди, яраш тарҳин ораға солиб ичкилардин Маҳмуд барлос келди. Ташқаридин Хожа Пир баковул ва улуғ оғалар ва неким бўлғон созанда ва хонанда келиб, Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдин бўлғон улуғ қизини Ҳайдар мирзоғаким, Поянда Султонбегимдин бўлуб эди, Султон Абусаъид мирзонинг қиз набираси эди, олиб Ҳисор устидин қўпуб Қундуз сари юзландилар. Қундузға келиб ҳам бир пора сиёсат қилиб, муҳосара мақомида бўлди. Охир Бадиъуззамон мирзо ораға тушуб ярашиб,

---

[117] Е: Ўзбакларниким.
[118] Е: ясаниб.
[119] Қ: Улуғ боғиға.
[120] Е: бир мартаба.
[121] РЕ: Қули бобони.

ичкари, ташқари тушган йигитларни олишиб *(36 а)* ёндилар. Хисравшоҳнинг мунча улғаймоғиға ва мунча ҳадди етмас ишларни қилмоғиға Султон Ҳусайн мирзонинг икки қатла келиб ола олмай ёнмоғи сабаб бўлди. Султон Ҳусайн мирзо Балхға етганда Мовароуннаҳр вилояти маслаҳати учун Балхни Бадиъуззамон мирзоға бериб, анинг вилоятиниким, Астробод бўлғай, Музаффар Ҳусайн мирзоға берди. Ҳар иккаласини Балхқа ва Астрободқа бир мажлисда юкундурди. Бу жиҳатдин Бадиъуззамон мирзо тар бўлди. Мунча йил ёғийликлар ва фитналарнинг сабаби ул эди.

Ушбу рамазон ойи Самарқандта тархонийларнинг фитнаси эди. Шарҳи будуркким, Бойсунқур мирзо, ул миқдорким, Ҳисор беклари ва сипоҳийлари била ихтилот омизиш қилур эди, Самарқанд беклари ва сипоҳийлари била онча қилмас эди. Шайх Абдулло барлос улуғ ихтиёр бек эди. Уғлонлари андоқ муқарраб ва ички эдиларким, ошиқлиқ била маъшуқлуққа нисбат қилурлар эди. Тархон беклари ва баъзи Самарқанд беклари бу жиҳатлардан тар бўлдилар.

Дарвеш Муҳаммад тархон Бухородин келиб, Султон Али мирзони Қаршидин келтуртуб, подшоҳ кўтариб, Боғи Навға келдилар. Бойсунқур мирзо Боғи Навда эди. Бойсунқур мирзони тутқун йўсунлуқ *(36 б)* қилиб навкар, савдаридин айириб арккa келтурдилар. Иккала мирзони бир ерда ўлтурғуздилар. Кеч намози дигар Бойсунқур мирзони Кўксаройға чиқорур хаёли қилдилар. Бойсунқур мирзо таҳорат қилмоқ баҳонаси била Бўстон саройининг шарқ-шимол тарафидағи иморатлардин бир уйга кирди. Эшикта тархонийлар туруб эдилар, Мирзо била Муҳаммад Қули қавчин Ҳасан шарбатчи била кирдилар. Алқазо,[122] мирзо таҳоратга кирган уйнинг орқа тарафида хишт била тиға қуборғон эшиги бор экандурким, хавлидин ташқари чиқар экандур. Филҳол, бу тиғани йиқиб чиқиб, аркнинг Ғотфар[123] тарафидағи фасилидин биридин обмўри била чиқиб, дутаҳий фасилидин ташлаб Хожа Кафширга, Хожаго Хожанинг уйига бордилар. Обхонанинг эшигида турғонлар бир замондин сўнг мулоҳаза қилурлар, кўрарларким, мирзо қочибтур.

Тонгласи, тархонийлар йиғилиб Хожаго Хожанинг эшигига борурлар. Хожа «йўқтур», деб бермас. Булар ҳам зўр била ола олмаслар. Хожаларнинг жаноби андин олий эрдиким, зўр қила олғайлар эди. Бир-икки кундин сўнг Хожа Абулмакорим ва Аҳмад Ҳожибек ва яна баъзи бек ва бекот ва сипоҳийлар ва жамиъ шаҳр эли ҳужуми ом қилиб, *(37 а)* Хожанинг уйидан мирзони келтуруб Султон Али мирзони ва тархонийларни арктa қабадилар. Аркни бир кун ҳам[124] сахлай олмадилар.

Муҳаммад Мазид тархон Чорраҳа дарвозаси била чиқиб қочиб Бухоро борди. Султон Али мирзо била Дарвеш Муҳаммад тархон иликка тушти.

Бойсунқур мирзо Аҳмад Ҳожибекнинг уйида эрдиким, Дарвеш Муҳаммад тархонни келтурдилар. Бир-икки сўз сўрди. Яхши жавоб бера олмади. Андоқ иш қилмайдур эрдиким, жавоб бера олғай. Мирзо ўлумга буюрди. Дарвеш Муҳаммад тархон бетоқатликтин сутунға ёпушти, сутунға ёпушқон била қўйғайлармў?! Сиёсатқа еткурдилар. Султон Али мирзони буюрдиким, Кўксаройға чиқариб кўзларига мил тортқайлар.

Темурбек солғон олий иморатлардин бири Кўксаройдурким, Самарқанднинг аркида воқиъ бўлубтур. Ажаб хосиятлиқ иморатдур. Темурбек авлодидин ҳар ким бош кўтариб тахтка ўлтурса ҳам мунда ўлтурур, ҳар ким тахт доияси била бош қўйса ҳам мунда қўяр, ҳаттоким, киноятй бўлуб эрдиким, фалон подшоҳзодани Кўксаройға чиқардилар, яъни ўлтурдилар.

Султон Али мирзони Кўксаройга чиқариб кўзларига мил торттилар. Жарроҳнинг *(37 б)* ихтиёри била ё бехост милидин Султон Али мирзонинг кўзларига осибе етмади. Филҳол изҳор қилмади. Хожа Яҳёнинг уйига борди. Икки-уч кундин сўнг қочиб Бухороға тархонларға борди. Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг авлодининг орасида бу сабабдин таассуб тушти. Улуғи улуғиға мураббий бўлди, кичиги кичикига муқаввий.

Бир неча кундин сўнг Хожа Яҳё ҳам Бухороға борди. Бойсунқур мирзо черик тортиб Бухороға Султон Али мирзонинг устига борди. Бухороға ёвуқ етган била Султон Али мирзо ва тархон беклари ясаб чиқтилар. Оз-ағлоқ уруш бўлди. Фатҳ Султон Али мирзо сари бўлуб,

[122] Қ: алқисса.

[123] Қ: атфар.

[124] ҚН: ҳеч.

Бойсунқур мирзо шикаст топти. Аҳмад Ҳожибек ва яна бир пора ўбдон йигитлар иликка тушти, аксарини ўлтурдилар. Аҳмад Ҳожибекни Дарвеш Муҳаммад тархоннинг қонининг тухмати била[125] беиззатона ўлтурдилар.

Султон Али мирзо Бойсунқур мирзонинг кейнича-ўқ Самарқандға юруди. Бу хабар шаввол ойи Андижонда бизга келди. Биз ҳам Самарқанд доияси била ўшул шаввол ойи-ўқ черик отландуқ. Ҳисор ва Қундуздин Султон Ҳусайн мирзо ёниб эди. Султон Масъуд мирзонинг ва Хисравшоҳнинг хотири жамъ бўлуб эди. Султон *(38 а)* Масъуд мирзо ҳам Самарқанд дағдағаси била Шаҳрисабз устига келди. Хисравшоҳ иниси Валини мирзоға қопти.[126] Уч-тўрт ой бу уч тарафдин Самарқандни муҳосара қилдуқ. Хожа Яҳё Султон Али мирзо қошидин келиб иттифоқ ва якжиҳатлиқ сўзини ораға солди. Сўзни кўрушмакка қўюб, Самарқандтин икки-уч шаръий қуйироқ Суғд тарафидин мен чериким била бордим. Ул тарафдин Султон Али мирзо черики била келди. Наридин тўрт-беш киши била мен Кўҳак суйининг оралиғиға кечиб, от устида-ўқ кўрушуб ва сўз сўрушуб, алар ул тараф бордилар, мен бу тараф келдим.

Мулло Биноийни ва Муҳаммад Солиҳни анда Хожа хизматида кўрдум. Муҳаммад Солиҳни ўшул бир қатла-ўқ кўрдум. Мулло Биноий худ сўнгралар хейли менинг хизматимда бўлди.

Султон Али мирзо била кўрушгондин сўнг чун қиш ёвуқ келиб эди, Самарқанд элининг ҳам хейли танқислиғи йўқ эди. Мен Андижонға, Султон Али мирзо Бухороға мурожаат қилдуқ.

Султон Масъуд мирзо Шайх Абдулло барлоснинг қизиға бисёр мойил эди. Ани олиб, мулкгирлик дағдағасини қўюб, Ҳисорға *(38 б)* ёнди. Балки бу келмактин ғараз ушбу экандур.

Шероз ва Канбой навоҳисидин Маҳдий Султон кочиб Самарқанд борди. Ҳамза Султон Зоминдин ижозат била Самарқанд борди.

## Вақоиъи санайи исно ва тисъа миа*

Ушбу қишлиқта Бойсунқур мирзонинг иши филжумла тараққийда эди. Абдулкарим ашритким, Султон Али мирзо жонибидин Куфин ва ул навоҳиға келиб эди, Самарқандтин Маҳдий Султон Бойсунқур мирзонинг илғорини бошлаб келиб, буларнинг устига юрудилар. Абдулкарим ашрит била Маҳдий Султон-ўқ рўбарў бўлди. Абдулкаримнинг отини Маҳдий Султон черкасий қилич била санчқоч-ўқ оти йиқилди. Ўзи қупар ҳолатда Маҳдий Султон илигини бандидин тушура чопти. Ани олиб ул илғорини яхши бостилар. Бу султонлар Самарқанд ишини ва мирзоларнинг эшигини музабзаб кўруб, эрта ёзиға, Шайбонийхон қошиға бордилар. Ушмунча била Самарқанд кишиси умоқланиб, Султон Али мирзонинг рўбарўйиға черик тортиб чиқтилар. Бойсунқур мирзо Сарипул келди, Султон Али мирзо Хожайи Кордзан[127] келди. Ушбу фурсатда Хожа Мунир Ўшийнинг ангизи била Хожа Абулмакорим ва Андижон бекларидин *(39 а)* Вайс Лоғарий ва Муҳаммад Боқир ва яна Қосим дўлдой ва Бойсунқур мирзонинг бир пора ичкиларидин Бухоро устига илғадилар. Ёвуқ ета, Бухородағилар хабардор бўлдилар, буларнинг иши юрумай ёндилар.

Султон Али мирзо била кўрушгонда андоқ муқаррар бўлуб эрдиким, ёз алар Бухородин, мен Андижондин келиб, Самарқандни муҳосара қилғайбиз. Ўшул миод била рамазон ойи Андижондин отланиб, Ёрайлоқ навоҳисиға етганда, мирзоларнинг рўбарў ўлтурган хабарини топиб, Тўлун Хожа муғулни икки-уч юз қазоқ йигитлар била илғор айирдук. Булар ёвуқ етган маҳалда Бойсунқур мирзо бизнинг хабаримизни топиб, бузулғон йусунлуқ ёнар. Бу йигитлар ўшал кеча кўндалангдин кириб, қалин кишини уқлаб олиб, қалин ўлжа келтурдилар.

Биз бир-икки кундин сўнг Шероз қўрғониға еттук.

Шероз Қосим дўлдойда эди. Доруғаси Шерозни сахлай олмай, қўрғонни берди. Шероз қўрғони Иброҳим соруға ухда бўлди. Тонгласи ийди фитр намозини анда қилиб, Самарқанд устига мутаважжиҳ бўлуб, Обёр[128] қўруғиға туштук. Ушбу кун Қосим дўлдой, Вайс Лоғарий, Ҳасан набира,

[125] Қ: «била» дан кейин «Қул додаки чиқиб» ибораси бор. Л нусхада бу учирилган.

[126] Қ: Вали мирзоға қайтти.

* Тўққуз юз иккинчи (1496—1497) йил воқеалари.

[127] Н: Козрун.

[128] Қ: ипор.

Султон Муҳаммад Сайфал, *(39 б)* Султон Муҳаммад Вайс[129] уч-тўрт юз киши била келиб, мулозамат қилдилар. Сўзлари бу эрдиким, Бойсунқур мирзо кўчуб, ёнғоч, биз айрилиб подшоҳ қуллуғиға келдук. Охир маълум бўлдуким, булар, даъво била Бойсунқур мирзодин айрилиб, Шерозни сахлағали келган экандурлар. Шероз иши мундоқ бўлғоч, бечора бўлуб келибтурлар.

Қорабулоққа[130] тушганда баъзи кирган кендкесакка бошсизлик қилғон муғулларни тутуб келтурдилар. Қосимбек сиёсат учун икки-учини порапора қилдурди. Тўрт-беш йилдин сўнгра қазоқликларда Масчодин[131] хон қошиға мутаважжиҳ бўлғонда, Қосимбек ушбу жиҳатдин биздин айрилиб Ҳисорға борди. Қорабулоқдин кўчуб, сув кечиб, Ём туғрисида туштук. Ушбу кун баъзи ички беклар Хиёбон бошида Бойсунқур мирзонинг кишиси била илик олиштилар. Султон Аҳмад Танбалнинг бўғзиға найзалаб йиқтилар, вале тушмади. Хожағо Мулло Садрким, Хожа Калоннинг улуғ оғаси эди, йўғон бўйиниға ўқ тегди. Ушал замон Тенгри раҳматиға борди. Хейли яхши йигит эди. Отам ҳам риоят қилиб, муҳрдор қилиб эди. Толиби илм *(40 а)* лиғи бор эди, луғатни хейли билур эди, иншоси ҳам яхши эди. Қушчилиғни ва ядачилиғни ҳам билур эди.

Ём навоҳисида эканда шаҳрдин қалин эл бозори ва ғайри бозори чиқиб, ўрду бозорда бўлуб, суд ва савдо қилурлар эди. Бир намози дигар баякбор ғавғойи оми бўлуб, бу мусулмонлар тамом талонға бордилар. Черик забти бу мартабада эрдиким, фармон бўлдуким, жамиъ элнинг жиҳотини хеч ким сахламай тамом ёндура бергайлар. Тонгласи бир пахар бўлмайдур эрдиким, ип учи, игна синуғича нима черик илигида қолмади, борчасини эгаларига ёндура бердилар.

Андин кўчуб Самарқанднинг шарқ тарафи Хон юртиға тушулди, Самарқандтин уч куруҳ бўлғай. Қирк-эллик кун бу юртта ўлтурулди. Бу юртта эканда неча навбат ташқаридин-ичкаридин кунгуллук йиғитлар Хиёбонда яхшилар чопқулаштилар. Бир мартаба Хиёбонда Иброҳим Бекчик чопқулашти, юзига чоптилар. Мундин сўнг Иброҳим чопук дерлар эди. Яна бир навбат ҳам, Хиёбонда Пули Мағокта Абулқосим кўҳбур пиёзи тегурди. Яна бир қатла ҳам Хиёбонда Тарнов навоҳисида чопқулаш *(40 б)* бўлди. Мирзошоҳ қавчин пиёзи тегурди. Миршоҳ қавчинни андоқ чоптиларким, бўйнининг ярмиға ёвуқ чопилиб эди, ғояташ шаҳраги кесилмайдур эди.

Хон юртида эканда, қўрғондағилар фириб била киши йибориб, дедиларким, кеча била Ғори Ошиқон тарафиға келингким, қўрғонни берурбиз. Бу хаёл била кеча отланиб Пули Мағокка келдим. Бир пора ўбдон йигитларни ва пиёдаларни миод ериға йиборилди. Ичкаридин бизнинг пиёдалардин тўрт-беш пиёдани чиқариб эдиларким, воқиф бўлдилар. Хейли жалд пиёдалар эдилар. Бирисининг оти Ҳожи эди. Манга кичиктин хизмат қилиб эди. Яна бирини Маҳмуд Кундури Сангак дер эдилар. Борчасини ўлтурдилар.

Бу юртта эканда, Самарқандтин шаҳрий ва бозорий ул миқдор чиқиб эрдиким, ўрду шаҳри бўлуб эди. Ҳарне шаҳрларда тиласалар, ўрдуда топилур эди. Бу муддатта бир Самарқандтин ўзга тамом қўрғонлар ва тоғ ва туз кириб эди. Шовдор[132] тоғининг доманасида Урғут[133] отлиқ қўрғонни бир жамоат беркиттилар. Зарурат бўлуб бу юрттин кўчуб Ургут устига борилди. Тоқат келтура олмай Хожа Қозини *(41 а)* ораға солиб кирдилар. Биз доғи гуноҳларини афв қилдук. Яна Самарқанд муҳосарасиға ёндук.

Ушбу йил Султон Ҳусайн мирзо била Бадиъуззамон мирзо орасидағи нифоқлар урушға тортти. Тафсили будурким, ўтган йил Балхни ва Астрободни Бадиъуззамон мирзоға ва Музаффар мирзоға бериб юкундуруб эдилар, нечукким мазкур бўлди, ўшул муддаттин бу муддатқача ғалаба элчилар бордилар ва келдилар.

Охир Алишербек ҳам элчиликка келди. Ҳарчанд саъй қилдилар, Астрободни инисига бермакка ризо бўлмади. Дедиким, менинг ўғлум Муҳаммад Мўмин мирзони хатна қилғонда мирзо анга бағишлабтур.

Бир кун Алишербек била мирзонинг орасида бир суҳбате ўттиким, мирзонинг тез фаҳмлиғиға ва Алишербекнинг риққати қалбиға долдур. Алишербек сиррий[134] сўзларни мирзоға гушаки ғалаба[135] айтти. Дағи дедиким: «Бу сўзларни унутунг!» Мирзо филҳол айттиким: «Қайси сўзлар-

[129] Қ: Султон Муҳаммад Дарвеш.
[130] Қ: Қорабулоқ.
[131] Қ: Масиҳо.
[132] Л: Шоҳдор.
[133] Н: Уэкат.
[134] Қ: бори.
[135] Қ: қилиб.

ни?» Алишербек бисёр мутаассир бўлуб кўп[136] йиғлади.

Охир оталиқ, ўғуллук орасида бу гуфтугўйлар анга мунжар бўлдуким, отаси отасининг устига ва ўғли ўғлининг устига[137] Балх ва Астрободқа черик торттилар. Гурзивоннинг оёғида *(41 б)* Якчироғ улангига қўйидин Султон Ҳусайн мирзо, юққоридин Бадиъуззамон мирзо келдилар. Чаҳоршанба куни, рамазон ойининг ғуррасида Абулмуҳсин мирзо Султон Ҳусайн мирзонинг бир неча беклари ва бир пора илғори била илгаррак келди. Андоқ уруш ҳам бўлмади, босилди. Қалин ўбдон йигитлари иликка тушти. Султон Ҳусайн мирзо барчасининг бўйниға урдурди. Не ёлғуз мунда эмас эди, ҳар қачон бир[138] ўғликим, ёғийға юруди, бости. Иликка тушган навкарларининг тамом бўйниға урдурди. Не қилсун, Ҳақ анинг тарафи экандур.

Бу мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшға машғул эдиларким, отасидек кордида ва кордон подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидин ийманмай, Тенгридин қўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди — нашот била, мажлисоролиқ эди — инбисот била. Муқаррардурким, мундоқ бўлғон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элға ҳар ким даст топқай.

Неча йилким, Астробод ҳукумати Бадиъуззамон мирзода эди, ҳаволи ва ҳавошиси ва йигит-яланги бисёр пурзавқ ва пурзеб бўлур эди. Олтун ва кумуш олот ва адавоти бисёр бўлуб эди. Ва қумошпўш йигити *(42 а)* ва тупчоқ оти бешумор бўлуб эди. Борчасини мунда бой[139] берди. Қочарда, тоғ йўлиға учраб, эниш ва учма ерга йўлуқуб, ўзи ташвиш била бу учмадин тушти. Кўп эли бу учмада зойиъ бўлди.

Султон Ҳусайн мирзо ўғлини босқондин сўнг Балхқа келди. Бадиъуззамон мирзо Балхта Шайх Али тағойини қўюб эди. Чора қила олмай, кириб Балхни топшурди. Султон Ҳусайн мирзо Балхни Иброҳим Ҳусайн мирзоға бериб, Муҳаммад Валибек ва Шоҳ Ҳусайн чуҳрани анинг била қўйди. Ўзи Хуросонға мурожаат қилди.

Бадиъуззамон мирзо шикасттин сўнг таланиб, олдуруб, йиғит яланги ва яёқ-яланги била Қундузға Хисравшоҳға тортти. Хисравшоҳ ҳам яхши хизматлар қилди. От ва тевадин ва хайма ва хиргоҳдин, балки жамиъ сипоҳийлиқ яроғидин мирзоға ва мирзо била бўлғонлариға ул миқдор хизмат ва одамигарлик қилдиким, кўрганлар дедиларким, бурунғи яроғ била бу яроғнинг орасида тафовут магар тилла олот ва нуқра олот бўлғай эди.

Султон Масъуд мирзо била Хисравшоҳнинг орасида анинг беэътидоллиғларидин ва мунинг улғаймоқларидин никорлар ва кудуратлар бўлуб эди. Валини ва Боқини *(42 б)* Бадиъуззамон мирзоға қўшуб, Султон Масъуд мирзонинг устига Ҳисорға йиборди. Қўрғонға яқин ҳам кела олмадилар. Атроф ва навоҳида бир-икки қатла ул тарафдин, бу тарафдин қилич олиштилар. Бир навбат Ҳисорнинг шимол[140] тарафи Қушхонада Муҳиб Али қўрчи элдин айрилиб келиб, яхши чопти. Оттин йиқилиб олур маҳалда яна ул тарафидин зўрлаб халос қилдилар.

Бир неча кундин сўнгра гургоштироқ қилиб ёндилар.

Бир неча кундин сўнг Бадиъуззамон мирзо тоғ йўли била Қандаҳор ва Замини Доварға ва Зуннун арғун ва ўғли Шоҳ Шужоъ арғунға ўзини тортти. Зуннун арғун бовужуди хиссат ва бахиллик яхши хизматлар қилди. Бир пешкаш қилғонда қирқ минг қўй пешкаш қилди.

Бу ғаройиб воқиоттиндурким, ўшул чаҳоршанба куниким, Султон Ҳусайн мирзо Бадиъуззамон мирзони босар. Ўшул куни Астрободта Музаффар мирзо[141] Муҳаммад Мўмин мирзони босар. Яна бу ажаброқким, Чаҳор[142] шанба отлиқ киши Муҳаммад Мўмин мирзони тушуруб келтурур.



---

136 Қ: «кўп» сўзи йўқ.
137 Қ: отаси ўғлининг устига.
138 Н: қачон; ЕҚ: ҳар қачон бир.
139 Қ: бибод.

---

140 Е: шимолий.
141 Е: мирзо ҳам.
142 Н: чор.

# Воқоиъи санайи салос ва тисъа миа*

Боғи Майдоннинг орқаси Қулба ўлангига тушулди. Самарқанд эли сипоҳий ва шаҳрий Пули Муҳаммад Чаб навоҳисиға қалин чиқтилар. Чун бизнинг эл тайёр эмас эдилар, (43 а) йигитлар мустаид бўлғунча Султонқули ва Бобоқулини тушуруб, қўрғонға элттилар. Бир неча кундин сўнг кўчуб, Кўҳакнинг орқаси Қулбанинг бошиға тушулди. Саййид Юсуфбекни ушбу кун Самарқандтин чиқардилар. Ушбу юртта келиб мулозамат қилди.

Самарқанддағилар ул юрттин кўчуб, бу юртқа келганимизни ёнди тасаввур қилиб, кўмаки сипоҳий ва шаҳрий бирла Мирзо кўпругигача чиқтилар. Буюрдуккім, бўлғон йигитлар яроқланиб отландилар. Икки тарафдин Пули Мирзодин ва Пули Муҳаммад Чабдин зўр келтурдилар. Тенгри рост келтурди, ёғий босилди. Ўбдон-ўбдон бекларни ва яхши-яхши йигитларни тушуруб келтурдилар. Ул жумладин бир Муҳаммад Мискин Ҳофиз дўлдой эди.[143] Шаҳодат бармоғини тушура чопиб, олиб келтурдилар. Яна Муҳаммад Қосим набирани[144] иниси Ҳасан набира[145] тушуруб келтурди.[146]

Мундоқ сипоҳий ва эл тониғудек йигитлардин хейли бор эди. Яна шаҳр ятимларидин Девонайи Жомабофни ва Кал Қошуқни келтурдиларким, жанг-сангда ва ятим (43 б) лиқда хира ва саромад эдилар. Ғори Ошиқонда ўлган пиёдаларнинг қасосига буюрулдиким, азоблар била ўлтурдилар. Самарқанд элига бу куллий шикаст эди. Мундин сўнгра қўрғондин чиқмоқлари бартараф бўлди. Иш анга еттиким, бизнинг эл хандақ ёқасиғача бориб, қул ва додак келтурурлар эди.

Офтоб мезонға таҳвил қилди, совуқ тушти. Бори кенгашға кирар бекларни тилаб, кенгашиб сўз мунга қарор топтиким, шаҳар кишиси мунча ожиз бўлубтур, Тенгри иноятн била бу кун ҳам бўлса олурбиз, тонгла ҳам бўлса олурбиз. Ташқари совуқта ташвиш тортқунча шаҳрнинг ёвуғидин қўпуб, бир қўрғонда қишлоқ солмоқ керак. Кетари ҳам бўлса ул маҳалда бетараддудроқ кетар бўлур. Қишлоққа Хожа Дийдорнинг олидаги ўлангга тушулди. Қўрғоиға кириб уй ва капа ерларини таъйин қилиб, устакор ва муҳассил қўюб юртқа келдук. Неча кун қишлоқи уйлар тайёр бўлғунча ўлангда ўлтурулди.

Бу муддатда Бойсунқур мирзо Туркистонға Шайбонийхонға, мутавотир кишилар йибориб, Шайбонийхонни кўмак тилабдур. Қишлоқ уйлари тайёр бўлуб қўрғонга (44а) кирдук. Шайбонийхон Туркистондин илғаб ўшул[147] саҳари бизнинг юртумиз устига келиб турди. Бизнинг черикимиз яқин эмас эди. Қишлоқ маслаҳатиға баъзи Работи Хожага, баъзи Кобудға, баъзи Шерозға бориб эдилар. Бовужуд ҳозир черик кишиси била ясаб чиқилди. Шайбонийхон туруш бермай, Самарқанд сари ўзини тортти, Самарқанд навоҳисиға борди. Чун Бойсунқур мирзонинг муддаосидек бўлмади, яхши ихтилот қилмади. Неча кундин сўнг ҳеч иш қила олмай маъюс Туркистонға мурожаат қилди.

Бойсунқур мирзо етти ой қабал тортти. Бир умидворлиғи мундин эди, мундин ҳам ноумид бўлди. Икки-уч юз оч уруғи била Қундузға Хисравшоҳға ўзини тортти. Тирмиз навоҳисидин Амуни[148] кечатурғон маҳалда Саййид Ҳусайн Акбарким, Султон Масъуд мирзонинг ҳам уруғи, ҳам муътабар кишиси эди, Тирмиз ҳокими эди, хабар топиб, Бойсунқур мирзонинг устига келди. Мирзо сувдин ўтуб эди. Мирим Тархон анда сувға борди. Кейин қолғон киши-қаро партол-мартолни олди. Бойсунқур мирзонинг Тоҳир Муҳаммад отлиқ чуҳраси дағи иликка тушти. Бойсунқур мирзони Хисравшоҳ дағи яхши кўрди. *(44 б)*

Бойсунқур мирзо чиққач, бизга хабар келди. Хожа Дийдордип отланиб, Самарқандға мутаважжиҳ бўлдук. Йўлда акобир ва беклар ва йигитлар мутаоқиб истиқболға келдилар. Рабиул аввал ойининг авохирида келиб, арктa Бўстонсаройға туштум. Тенгри таоло иноятн била Самарқанд шаҳри ва вилояти муяссар ва мусаххар бўлди.

Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур. Тули *(99*)* рамзи нужумий *(56*)* даража ва дақиқадур, арзи

* Тўққуз юз учинчи (1497—1498) йил воқеалари.

[143] Е: эдиким.

[144] Қ: набира.

[145] К: набирани.

[146] Қ: Яна Муҳаммад Қосим набира иниси Ҳасан набирани тушуруб келтурдилар.

[147] Р: Ўшул панжшанба.

[148] Е: Аму дарёсини.

*(40*)* даража ва дақиқадур. Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба била мунга даст топмагон учун балдайи маҳфуза дерлар. Самарқанд ҳазрати амирул муъминин Усмон замонида мусулмон бўлғондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда борғондур. Қабри Оҳанип дарвозасининг тошидадур. Ҳоло Мазори Шоҳға машҳурдур. Самарқандни Искандар бино қилғоидур. Муғул ва турк улуси Семирқанд[149] дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур. Қурғониии, фасилнинг устидин буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти.

Эли тамом сунний ва покмазҳаб ва муташарриъ ва мутадаййин элдур. Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонидин бери ул миқдор аиммайи исломким, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум *(45 а)* эмаским, мунча пайдо бўлмиш бўлғай. Шайх Абу Мансурким, аиммайи каломдиндур, Самарқанднинг Мотурид отлиқ маҳалласидиндур. Аиммайи калом икки фирқадур, бирни «мотуридия» дерлар, бирни «ашъария». Мотуридия Шайх Абу Мансурға мансубдур. Яна соҳиби «Саҳиҳи Бухорий» Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдиндур, яна соҳиби «Ҳидоя»ким, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида «Ҳидоя»дин муътабарроқ китоби фиқҳ кам бўлғай, Фаргонанинг Марғинон отлиқ вилоятидиндур, ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур.

Маъмуранинг канорасида воқиъ бўлубтур, шарқи Фарғона ва Кошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шоҳрухияким, Шош ва Банокат битирлар, жануби Балх ва Тирмиз, Кўҳак суйи шимолидин оқар, Самарқандтин икки куруҳ бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубтур, Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуг руд айирибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқандтин бир шаръий бўлгай. Самарқанднинг боғот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур. Бухоро ва Қоракўлгачаким, ўттуз-қирқ йиғоч йулға ёвуқлашур, Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур. Мундоқ улуғ *(45 б)* дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухороға сув етмас. Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хуб бўлур. Вале икки мева Самарқандтин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд. Қиши маҳкам совуқтур[150], қори агарчи Кобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур.

Темурбекнинг ва Улугбек мирзонинг иморотининг ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлиқ, Кўксаройға мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур. Яна Оҳанин дарвозасига ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур, сангин, аксар Ҳиндустондин элтган сангтарошлар анда иш қилибтурлар. Масжиднинг пештоқи китобасида бу оятни «Ва ъиз ярфаъу Иброҳим ал-қавоида (ило охириҳи)»ни андоқ улуг хат била битибтурларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур. Бу ҳам бисёр олий имораттур. Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бирикким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта *(46 а)* Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар. Яна Пуштайи Кўҳакнинг доманасида Конигилнинг қора суйининг устидаким, бу сувни Оби Раҳмат ҳам дерлар, бир боғ солибтур. Нақши Жаҳонға мавсум. Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эди, оти беш қолмайдур эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боғи Чанордур, қалъаға ёвуқтур. Яна Самарқанднинг қуйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Биҳишттур. Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош қўргонида — чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки Самарқандта подшоҳлик қилибтур, аларнинг қабри ул мадрасададур.

Улугбек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур. Хонақоҳнинг гунбази бисёр улуғ гунбаздур, оламда онча улуғ гунбаз йўқ деб нишон берурлар. Яна ушбу мадраса ва хоиақоҳға ёвуқ бир яхши ҳаммом солибтур, Мирзо ҳаммомига машҳурдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай. Яна *(46 б)* бу мадрасанинг жанубида

[149] Л: Семизқанд.

[150] Қ: бўлур.

бир масжид солибтур, масжиди Муқаттаъ дерлар. Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, китъа-китъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуктур. Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ғолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар. Яна бир олий иморати Пуштайи Кўҳак доманасида расаддурким, зич битмакнинг олатидур. Уч ошёнликдур. Улуғбек мирзо бу расад била «Зижи Кўрагоний»ни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар. Мундин бурун «Зижи Элхоний» мустаъмал эрдиким, Хожа Носир Тусий Ҳалокухон замонида Мароғада расад боғлатибтур, Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Ғолибо, оламда етти-секкиз расад беш боғламайдурлар. Ул жумладин бир, Маъмун халифа расад боғлабтурким, «Зижи Маъмуний»ни андин битибтурлар. Бир Батлимус ҳам расад боғлабтур. Яна бир Ҳиндустонда раажа Бикрамажит ҳинду замонида Ужжайн ва Дҳардаким, Малут мулкидур, ҳоло Мандуға машҳурдур, яна бир расад қилибтурлар, ҳоло ҳиндуларнинг мустаъмал Ҳиндустонда ул зиждур. Бу расадни боғлағони *(47 а)* минг беш юз сексон тўрт йилдур. Бу ул зижларға боқа нокисроктур.

Яна Пуштайи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур, Боғи Майдонға мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўпорибтурларким, юққориға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юққориғи ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин пуштайи Кўҳак сари доманада яна бир боқча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, бу айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлғой, арзи етти-секкиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улуғ тошни хейли йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур. Дерларким, ушбу ерда келтиргандин сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу боғчада яна бир чордара *(47 б)* солибтур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур.

Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур,[151] Масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғариб амредур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас.

Султон Аҳмад мирзонинг замонида ҳам[152] бек ва бекот қалин боғ ва боғча солдилар. Ул жумладин, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғича сафолиқ ва ҳаволиқ ва мадди назарлиқ чорбоғ кам бўлғай. Боғи Майдондин қуйироқ, баландининг устида Қулба ўлангига мушриф бир чорбоғ солибтур, тамом бу ўланг оёғ остидадур. Чорбоғда ҳам мартаба-мартаба ерларни сиёқ била тузатиб, яхши норванлар ва сарв ва сафедорлар тикибтурлар, хейли саромад манзилидур. Айби будурким, улуғ суйи йўқтур.

Самарқанд шаҳри ажаб ороста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб нонволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши коғаз Самарқанддин чиқар. Жувози коғазлар суйи тамом Конигилдин келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, *(48 а)* бу Қора сувни Оби Раҳмат ҳам дерлар.

Самарқанднинг яна бир матойи қирмизи махмалдурким, атроф ва жавонибқа элтарлар.

Гирдо-гирдида яхши ўланглари бор. Бир машҳур ўланг Конигил ўлангидур. Самарқанд шаҳридин шарқ тарафидадур, бир нима шимолға мойил, бир шаръий бўлғой, қора сувким, Оби Раҳмат ҳам дерлар, Конигилнинг ўртасидин оқар, етти-секкиз тегирмон суйи бўлғой. Бу сувнинг атрофи тамом обгирдур. Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Конобгир экандур, вале тарихларда тамом Конигил битирлар, хейли яхши ўлангдур. Самарқанд салотини ҳамиша бу ўлангни қуруқ қилурлар. Ҳар йил бу ўлангга чиқиб бир ой, икки ой ўлтурурлар. Бу ўлангдин юққоррок шарқи-жануб сари яна бир ўланг воқиъ бўлубтур: Хон юртиға мавсум, Самарқанднинг шарқидур, Самарқандтин бир йиғоч бўлғай. Бу қора сув анинг ораси била ўтуб, Конигил борур. Хон юртида бу қора сув андоқ юққоридин эврулуб келибтурким, ичида бир ўрду тушгунча ер бўлғай. Чиқар ери хейли тор воқиъ бўлубтур. Бу ернинг сирфасини

[151] Е: имораттурким.
[152] К: ҳам тамом.

кузлаб, Самарқанд муҳосарасида неча маҳал мунда ўлтурулуб[153] эди. Яна бир ўланг *(48 б)* Будана қуруғидур, Дилкушо боғи била Самарқанд орасида воқиъ бўлубтур. Яна бир Кули мағок ўлангидур, Самарқандтин икки шаръийга ёвушқай, ғарб саридур, бир нима шимолға мойил. Бу ҳам тавр ўлангедур. Бир ёнида бир улуғ кўл воқиъ бўлубтур, бу жиҳаттин Кули мағок ўланги дерлар. Самарқанд муҳосарасида мен Хон юртида ўлтурғонда бу ўлангда Султон Али мирзо ўлтуруб эди. Яна бир Қулба ўлангидур, бу мухтасарроқ ўлангдур. Шимоли Қулба кенти ва Кўҳак дарёси, жануби Боғи Майдон ва Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғи, шарқи Пуштайи Кўҳак.

Яхши вилоёти ва тумоноти бор. Улуғ вилоятиким, Самарқанд қаринасидур, Бухородур.[154] Самарқанднинг ғарби тарафи йигирма беш йиғоч йўлдур, Бухоронинг ҳам неча тумоноти бор. Тавр шаҳре воқиъ бўлубтур. Меваси кўп бўлур ва хўб бўлур, қовуни бисёр яхши бўлур, Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўб ва хўб қовун бўлмас. Агарчи Фарғона вилоятидин Ахсининг бир навъ қовуниким, «миртемурий» дерлар, мунинг қовунидин чучукроқ ва нозукроқ бўлур, вале Бухорода ҳар жинс қовундин кўб бўлур ва яхши бўлур. Яна «олуйи бухорий» машҳурдур. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб қурутуб табарруклуклар била вилояттин *(49 а)* вилоятқа элтарлар. Талйин учун бисёр яхши тадовидур, парвори[155] товуғи ва қози бисёр бўлур. Мовароуннаҳрда Бухоро чоғирларидин тундроқ чоғир бўлмас. Мен Самарқандта аввал ичганда Бухоро чоғирларини ичар эрдим.

Яна Кеш вилоятидур, Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар, сангтарошлик қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи[156] хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилуриға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи[157] беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун, икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик-кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро токидин бу бийикрактур.[158] Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобири *(49 б)* андадур. Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни-ўқ ихтиёр қилди.

Яна Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар, Қарши муғулча оттур, гўрхонани муғул тили била «қарши» дерлар. Ғолибо, бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг бўлғондур. Камоброқ ердур, баҳори хўб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур. Самарқандтин жануб саридур, бир нима ғарбқа мойил, ўн секкиз йиғоч йўлдур. Бағриқаро йўсунлук қушқина бўлурким, қилқуйруқ дерлар, Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғаки қарши дерлар.

Яна Хузор вилоятидур.

Яна Кармина вилоятидур, Самарқанд била Бухоро орасидадур.

Яна Қоракўл вилоятидур. Борчадин поёнброқдур. Бухородин етти йиғоч ғарби-шимолидур. Яхши тумоноти бор. Ул жумладин, Суғд тумани ва Суғдға пайваст туманлардур. Боши Ёряйлоқ, оёғи Бухоро, бир йиғоч йўл йўқтурким, кент ва маъмура бўлмоғой. Андоқ машҳурдурким, Темурбек дегандурким: менинг бир боғим борким, тули ўттуз йиғачтур. Бу тумонотни дегандур.

Яна Шовдор туманидур. Шаҳр ва маҳаллотқа пайвасттур. Хейли яхши тумандур. Бир тарафи Самарқанд била Шаҳрисабз орасидан тоғ *(50 а)* воқиъ бўлубтур, кентлари аксар бу тоғнинг доманасида тушубтур. Яна бир тарафи Кўҳак дарёсидур, хушҳаво ва пурсафо, суйи фаровон. Неъмати арзон хейли яхши туман тушубтур. Миср ва Шом кўрган равандалар мунча чоғлиқ ер нишон бермайдурлар. Агарчи яна туманлари ҳам бор, бу мазкур бўлғонларча эмас. Ушмунча била иктифо қилилди.

Темурбек Самарқанднинг ҳукуматини Жаҳонгир мирзоға бериб эди. Жаҳонгир мирзонинг

[153] ЕҚ: ўлтуруб
[154] Қ: қарйаси Бухородур.
[155] Қ: парвози.
[156] Е: томи ва боми.
[157] Л: навоҳи.
[158] Қ: Улуғроқ; Е: бутикроқ.

фавтидин сўнг, улуғ ўғли Муҳаммад Султон Жаҳонгирга берди. Шоҳрух мирзо жамиъ Мовароуннаҳр вилоятини улуғ ўғли Улуғбек мирзоға бериб эди. Улуғбек мирзодин ўғли Абдуллатиф мирзо олди. Бу беш кунлук ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди. Улуғбек мирзонинг фавтининг тарихи тавре воқиъ бўлубтур. Назм:

*Улуғбек баҳри улуму хирад,*
*Ки дунёву динро аз ў буд пушт.*
*Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,*
*Шудаш ҳарфи таърих «Аббос кушт».*[159]

Агарчи ўзи ҳам беш-олти ой беш салтанат қилмади, бу байт машҳурдурким:

*Падаркуш подшоҳиро нашояд,*
*Агар шояд ба шаш моҳаш напояд.*[160]

Анинг тарихи ҳам тавре воқиъ бўлубтур.

*Абдуллатиф хисрави Жамшидфар ки буд,* (50 б)
*Дар силки бандагонаш Фаридуну Зардуҳушт.*
*Бобо Ҳусайн кушт жумъаааш ба тир.*
*Таърихаш ин нависки «Бобо Ҳусайн кушт».*[161]



Абдуллатиф мирзодин сўнгра Шоҳрух мирзонинг набираси Иброҳим Султон мирзонинг ўғли Абдулло мирзоким, Улуғбек мирзонинг куёви эди, тахтқа ўлтурди. Бир ярим йил-икки йилға ёвуқға подшоҳлик қилди. Андин сўнгра Султон Абусаъид мирзо олди, ўз ҳаётида улуғ ўғли Султон Аҳмад мирзоға бериб эди. Султон Абусаъид мирзодин сўнг Султон Аҳмад мирзо подшоҳлик қилди.[162] Султон Абусаъид мирзонинг фавтидин сўнг Султон Маҳмуд мирзо Самарқанд тахтиға ўлтурди. Султон Маҳмуд мирзодин сўнг Бойсунқур мирзони подшоҳ қилдилар. Тархонларнинг ғавғосида Бойсунқур мирзони тутуб, иниси Султон Али мирзони бир-икки кун ўлтурғуздилар. Яна Бойсунқур мирзо-ўқ олди. Нечукким, бу тарихда мазкур бўлди. Бойсунқур мирзодин мен олдим, мундин сўнгги вақойиъда ўзга кайфиятлар маълум бўлғусидур.

Самарқанд тахтиға ўлтурғоч, Самарқанд бекларини бурунгудек-ўқ риоят ва иноят қилдим. Бизнинг била бўлғон бекларни ҳам фароҳури ҳолларига (51 а) яраша тарбият ва шафқат қилдим. Султон Аҳмад Танбалнинг борасиға риоят кўпрак воқиъ бўлди. Ички беклар чаргасида эди, улуғ беклар чаргасида риоят қилдим. Самарқандниким, етти ой муҳосара қилиб ташвишлар била олдук, аввал келганда черик элига ўлжа-мулжадек нима тушиб эди. Бир Самарқандтин ўзга жамиъ вилоятлар манга кириб эди, то Султон Али мирзоға бу кирган вилоятларни чониб бўлмас эди. Мунча талон ва торож тортғон вилоятлардин нима олмоқ худ нечук муяссар бўлғай.

Черик элининг ўлжаси туганди. Самарқандни олғонда Самарқанд андоқ хароб эрдиким, мадад ва тухм ва тақовиға эҳтиёж бор эди. Чи жойи улким, киши андин нима ола олғай. Бу жиҳатлардин черик эли кўп танқислик торттилар. Биз ҳам элга нима еткура олмадук. Уйларини ҳам соғиндилар. Бирар-иккирар қочмоқға юз қўйдилар. Аввал кишиким, қочти, Хонқули Баёнқули эди, яна Иброҳим Бекчик эди. Муғуллар тамом қочтилар. Сўнгра Султон Аҳмад Танбал ҳам қочти. Бу фитнанинг тaскини учун Хожа Қозини йибордукким, Узун Ҳасан (51 б) Хожаға ўзини хейли мухлис ва муътақид тутар эди. Узун Ҳасаннинг иттифоқи била қочқонларнинг баъзисиға сазо бергайлар, баъзисини бизнинг қошимизға йиборгайлар.

Бу фитналарни ангиз қилғучи, мундин қочиб борғонларни ёмонлиққа тез қилғучи худ Узун Ҳасан ҳаромнамак экандур. Борчаси Султон Аҳмад Танбал борғон била зоҳир ва ошкоро ёмонлиқ мақомида бўлдилар. Самарқандни олмоқ доияси била неча йилким бажид черик тортар эдук, Султон Маҳмудхондин агарчи муътаддун биҳ мадад ва кўмак бўлмас эди, вале Самарқанд фатҳидин сўнг Андижонни тамаъ қилур эди. Бу фурсаттаким аксар черик эли ва муғуллар тамом қочиб Андижон, Ахсиға бордилар, Узун Ҳасан ва Танбал ул вилоятларни Жаҳонгир мирзоға тамаъ қилдилар. Неча жиҳатдин мумкин эмас эрдиким, аларға берилгай. Бири улким, агарчи хон-

[159] Илм ва ақл денгизи бўлган Улуғбек дунё ва диннинг таянчи эди. Аббос қўлидан шаҳидлик болини татиди. «Аббос кушт» ҳарфлари ўлим тарихи бўлди. «Аббос ўлдирди» ҳарфларини абжад ҳисоби билан рақамга айлантирилса, 853 ҳижрий (1449—1450) йил чиқади.

[160] Отасини ўлдирган (падаркуш) подшо бўлолмайди, агар бўлса ҳам, олти ойга етмайди. Л: «ба шаш моҳаш» ўрнида «ба жуз шаш маҳ».

[161] Абуллатиф Жамшидий шукуҳли подшо эди. Фаридун билан Зардушт қуллари қатори эди. Уни Бобо Ҳусайн жума кечаси ўқ билан ўлдирди, ўлим тарихини «Бобо Ҳусайн кушт» деб ёзган. «Бобо Ҳусайн ўлдирди» ҳарфларини абжад ҳисоби билан рақамга айлантирилса, 854 ҳижрий (1450—1451) йил чиқади.

[162] Қ: бу жумла йўқ.

ға бу вилоятларни ваъда қилилмайдур[163] эди, вале хон тилаб эди. Хон тилаб туруб, Жаҳонгир мирзоға берилса, хон била тамом якрў бўлмоқ керак эди. Яна бир буким мундоқ маҳалдаким, эл кўчиб ул вилоятқа борди, таҳаккум тарики била тамаъ қиладур, агар бурунроқ *(52 а)* бу сўз арода бўлса эди, филжумла важҳи бор эди аларнинг таҳаккумини ким тортор бўлғай? Муғул ва Андижон черики ва баъзи беклардин ичкилардин ҳам Андижонға бориб эдилар.

Менинг била Самарқандта бек ва бекот,[164] яхши ва ёмон мингга ёвукча киши қолиб эди. Аларнинг истидъосидек чун муяссар бўлмади, кўчиб борғон таваҳҳумлуқ элларни тамом тилаб ўзлариға қўштилар. Таваҳҳумлуқ эллар худ мундоқ воқиъани ўз қўрқунчидин Тенгридин тилар эдилар. Ахсидин Андижон устига черик тортиб ёмонлиқ ва ёғийликни сариҳ ва ошкоро қилдилар.

Тўлун Хожа отлиқ Бориннинг[165] мардона ва саромад ва қазоқ йигитларидин эди. Отам Умаршайх мирзо риоят қилиб эди ва ҳануз риоят қилмоқта эди. Мен худ тарбият қилиб бек қилиб эрдим. Ажаб мардона ва қазоқ йигит эди. Риоят арзандаси эди. Муғуллар ичида риоят қилғон эътимодлиқ кишимиз Тўлун Хожа учун Самарқандтин муғул улуси қўча киришганда Тўлун Хожани йиборилиб эрдиким, элга насиҳат қилиб таваҳҳумни хотирларидан чиқарғой, то эл қўрқунчтин сар ба бод бермағайлар.[166] Элни *(52 б)* худ бу муфаттинлар била ҳаромнамаклар андоқ қилиб эдиларким, ваъда ва ваид ва насиҳат ва таҳдид ҳеч фойда қилмас эди. Тўлун Хожанинг кўчи Икки сув орасида эрдиким, бу Икки сув орасини Работак ўрчини дерлар. Узун Ҳасан била Султон Аҳмад Танбал бир нора илғор Тўлун Хожанинг устига йибордилар. Бориб ғофилликта олиб келтуруб ўлтурдилар. Узун Ҳасан ва Танбал Жаҳонгирни олиб келиб, Андижонни муҳосара қилдилар.

Черик отланурда Андижонда Али Дўст тағойини ва Ахсида Узун Ҳасанни қўюлуб эди. Сўнгра Хожа қози ҳам келиб эди. Самарқандтин борғон черик элидин ҳам хейли йигитлар бор эди. Хожа Қози ул қалъадорлиқта менинг давлатхоҳлиғим учун ўн секкиз минг қўйини қўрғондаги йигитларга ва бизнинг била бўлғон йигитларнинг кўчлариға улашти. Муҳосара муддатида менинг волидаларимдин ва Хожа Қозидин мuттасил бу мазмун била хатлар келур эрдиким, бизларни мундоқ[167] муҳосара қилибтурлар. Агар келиб фарёдимизға етмасангиз иш вубол бўлғусидур. Самарқанд Андижон кучи била олилиб эди. *(53 а)* Агар Андижон иликта бўлса, яна Тенгри рост келтурса, Самарқандни иликласа бўлур. Мутаоқиб бу мазмун била хатлар келди.

Ул фурсатта бир мартаба беҳузур бўлуб, яхши бўлуб эрдим. Нақоҳат айёмини ўбдон риоят қила олмадим, узулдум. Бу навбат ёмон беҳузур бўлдум. Андоққим, тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимға пахта била сув томизурлар эди. Менинг била қолғон бек ва бекот ва йигит-яланг менинг тирилмагимдин маъюс бўлуб, ҳар ким ўз фикрида бўлдилар. Ушмундоқ маҳалда Узун Ҳасаннинг навкариниким, элчиликка келиб, паришон сўзлар келтуруб эди, беклар раъйда ғалат қилиб мени кўрсатиб рухсат бердилар. Тўрт-беш кундин сўнг ул ҳолдин бир нима яхшироқ бўлдум. Вале тилимда калолат қолди. Неча кундин сўнг ўз ҳолимға келди.

Чун оналаримдинким, онам ва онамнинг онаси Эсан Давлатбегим бўлғай, яна устод ва пиримдинким, Хожа Мавлонойи Қози бўлғай, бу навъ хатлар келиб, мундоқ эҳтимом била тилағайлар, не кўнгул била киши турғай.

Ражаб ойи, шанба куни Андижон азимати била Самарқандтин чиқтуқ. Бу навбат Самарқанд *(53б)* шаҳрида юз кун подшоҳлиқ қилдим. Яна шанба эрдиким, Хўжандға еттим. Ўшул куни Андижондин бир киши бу хабарни келтурдиким, етти кун мундин бурун, ўшул шанбаким, биз Самарқандтин чиқибтурбиз, ўшул шанба Али Дўст тағойи Андижон қалъасини мухолифларға берибтур. Тафсили будуркм, Узун Ҳасаннинг навкариниким, менинг беҳузурлуғумда манга кўрсатиб ижозат бердилар, мухолифлар Андижон қўрғонини қабағонда бориб дебтурким, подшоҳнинг тили тутулуб эди, оғзиға пахта била сув томизадурлар деди. Ушбу таъриф қилғон йўсунлуқ бориб, Али Дўстнинг қошида онт ичиб айтибдур. Жакан дар-

[163] Е: қилмайдур.
[164] Қ: йигит.
[165] ЕҚ: бори.
[166] Е: Урмағайлар.
[167] Қ: менинг волидаларим ва Хожа Қози ул жамоатнинг арзадошти келдиким, бу жамоати ҳаромнамак келиб бизни.

возасида Али Дўст эди. Бу сўздин бепой бўлуб, мухолифларни илғаб аҳд шарт қилиб, қалъани берди. Захирадин ва урушур кишидин қўрғонда ҳеч камлик йўқ эди. Ғояташ ул мунофиқи намакҳаром мардакнинг номардлиғи эди. Бу мазкур бўлғон сўзларни ўзига баҳонайи рост қилди. Андижонни олғондин сўнг менинг Хўжанд келганимни эшитиб, Хожа Мавлонайи Қозини арк дарвозасида осиб шаҳид қилдилар.

Хожа *(54 а)* Мавлонойи Қозининг оти Абдуллодур. Бу от била машҳур бўлуб эди. Ота тарафидин насаби Шайх Бурҳониддин Қиличка мунтаҳий бўлур. Она тарафидин Султон Илик Мозиға етар. Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо ва шайхулислом ва қози бўла келгандурлар. Хожа Қози ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг муриди эди. Алардин тарбият топиб эди. Хожа Қозининг валилиғида менинг ҳеч шаккым йўқтур. Қайси иш валоятқа мундин яхшироқ далилдуркым, аларға қасд қилғонлардин оз фурсатта осор ва аломат қолмади. Хожа Қози ажаб киши эди. Қўрқмоқ анда асло йўқ эди. Онча далер киши кўрулган эмас. Бу сифат ҳам валоят далилидур. Сойир эл ҳар неча баҳодур бўлса, андак дағдағаси ва таваҳҳуми бўлур. Хожада асло дағдаға ва таваҳҳум йўқ эди. Хожанинг воқиъасидин сўнг Хожаға мансуб эллар мисли навкар ва чокар ва аймоқ ва аҳшомни тамом туттуруб талаттилар.

Менинг улуғ онамни ва ўз опамни баъзи менинг била бўлғонларнинг кўчлари била Хўжандқа менинг қошимға йиборднлар.

Андижонға бўла Самарқандни иликдин бердук. Андижон ҳам иликдин чиқмиш эди. Бизга «ғофил аз инжо ронда ва аз онжо монда»[168] дегандек бўлди. Бисёр шакқ ва душвор келди. Не учунким, то подшоҳ бўлуб эрдим, бу навъ навкардин ва вилоят *(54 б)* тин айрилмайдур эрдим, то ўзумни билиб эрдим, бу йўсуилуқ ранж ва машаққатни билмайдур эрдим.

Хўжандқа келгач, баъзи мунофиқ шева эллар Халифани менинг эшигимда кўра олмадилар. Муҳаммад Ҳусайн мирзони ва баъзиларни барин қилдилар. Халифаға Тошканд сари рухсат берилди. Қосимбекни Тошкандга хон қошиға йибориб, Андижон устига юрумакни истидъо қилилди. Хон ҳам черик тортиб, Оҳангарон жулгаси била келиб, Кандирлик добонининг тубига тушганда мен ҳам Хўжанддин бориб, хон додамни кўрдим. Кандирлик добонини ошиб Ахси тарафиға тушулди.

Ул тарафдин мухолифлар ҳам бўлғон черикларини йиғиб, Ахси келдилар. Бу фурсатта Поп қўрғонини мени деб беркиттилар. Хоннинг бир нима ҳаял юрушидин мухолифлар Поп қўрғонини зўрлаб олдилар. Хоннинг агарчи ўзга ахлоқ ва атвори хўб эди, вале сипоҳийлиқ била сардорлиқдин бисёр бебаҳра эди. Иш бу ерга етгандаким, агар яна бир кўч юрулса эди, кўпраги бу эрдиким, урушсиз-уқ вилоят муяссар бўлғай эди. Ушмундоқ маҳалда мухолифларнинг фирибомиз сўзларини қулоққа олиб, ислоҳ ҳикоятини ораға солиб, *(55 а)* Хожа Абулмакорим била Танбалнинг оғаси Бек Телбаникым, ул маҳалда хоннинг эшикоғаси эди, элчиликка йибордилар. Ул жамъ ўзларининг халослиғи учун бир неча чин ва ёлғон сўзлар айтиб хонға ё орадағиларға пора ва ришва қабул қилдилар. Хон ушмунча била мурожаат қилди.

Беклар ва ичкилар ва йигитларким, менинг била қолиб эдилар, аксарининг кўчлари Андижонда эди. Чун Андижон олмоқтин маъюс бўлдилар, бек ва бекотдин ва йигит-ялангдин етти-секкиз юз киши тамом мендин айрилдилар. Айрилғонлардин: беклардин Али Дарвешбек, Али Мазид қавчин, Муҳаммад Боқирбек, Шайх Абдулло эшикоға, Мирим Лоғарий, менинг била қолғонлар, ғурбат била меҳнатни ихтиёр қилғонлар, яхши-ёмон, тахминан, икки юздин кўпрак, уч юздин озроқ бўлғай эди. Беклардин Қосим кавчин бек, Вайс Лоғарий бек, Иброҳим соруйи минглиғбек, Ширим тағойи, Сайди Қоробек; ичкилардин Миршоҳ қавчин, Саййид Қосим эшикоға жалойир, Қосим ажаб,[169] Муҳаммад Дўст, Али Дўст тағойи, Муҳаммад Али мубашшир,[170] Худойберди туғчи муғул, Ёрак тағойи, Султонқули Бобоқули, Пир Вайс, Шайх Вайс, *(55 б)* Ёрали Билол, Қосим мироҳўр, Ҳайдар рикобдор. Манга бисёр душвор келди, беихтиёр ғалаба йиғладим.

Андин Хўжандқа келдим. Менинг онамни ва улуғ онамни ва баъзи менинг била қолғонларнинг кўчлари била Хўжандқа менинг қошимға йибордилар. Ул рамазонни Хўжандта ўткарил-

[168] Ғофил бу ердан қувилган, у ердан ажралган» (аро йўлда сарсон бўлиб қолишдан киноя).

[169] Қ: Саййид Қосим, эшик оғаларидин Қосим жалойир ажаб.

[170] Қ: мунши.

ди. Султон Маҳмудхонға киши йибориб, кўмак тилаб, Самарқанд устига отланилди. Уғли Султон Муҳаммад Хоникани ва Аҳмадбекни тўрт-беш минг черик била Самарқанд устига таъйин қилиб, хон ҳам отланиб Ўратепагача келдилар. Анда хонни кўруб, Самарқанд устига Ёряйлоқ келибтур. Мен Бурка яйлоқи била Санзорғаким, Ёряйлоқнинг доруғанишини ул қўрғондур, келдим. Султон Муҳаммад Султон ва Аҳмадбек Шайбонийхоннинг келиб, Шероз ва ул навоҳийни чопқон хабарини топиб, ёнибтурлар. Зарур бўлди, мен ҳам ёниб Хўжандқа келдим.

Чун салтанат дағдағаси ва мулкгирлик доияси бор, бир қатла, икки қатла иш юрумаган била боқиб ўлтуруб бўлмас. Андижонға юрумак[171] хаёли била кўмак тилай, Тошкандга хон қошиға *(56 а)* бордим. Шоҳ бегимни ва уруғ-қаёшни ҳам етти-секкиз йил бор эрдимким, кўрмайдур эрдим, бу баҳона била аларни ҳам кўрулди. Неча кундин сўнг Сайййд Муҳаммад мирзо дуғлатни ва Айюб Бекчик ва Жон Ҳасан боринни еттисаккиз юзча черик била кўмак таъйин қилдилар. Бу кўмакни олиб келиб, Хўжандта таваққуф қилмай, ўта чиқиб, илғаб Кандибодомни сўл қўлда қўюб келиб, кеча била шоту қўюб Насух қўрғониниким, Хўжандтин ўн йиғоч йўлдур, Кандибодомдин уч йиғоч, ўғурлаб олдук.

Қовун пишиғи эди. Насухда бир навъ қовун бўлуркимм, «Исмоил шайхий» дерлар, териси сариқ, кемухтлук, осуда қовун бўлур, таъми олмача, гўшти тўрт илик, ажаб лазиз қовундир. Онча қовун ул навоҳида бўлмас.

Тонгласи муғул беклари арзға еткурдиларким, «Кишимиз оз, бу бир қўрғонни олғон била не иш очилғай?» Филвоқиъ, андоқ эди. Анда турарнинг ё қўрғонни беркитурнинг маслаҳатини топмай, ёниб, Хўжандға келдук.

Ушбу йил Хисравшоҳ Бойсунқур мирзо била черик тортиб, Чағониён келиб, макр ва фириб била олди. Султон Масъуд мирзоға[172] элчи йибордиким, *(56 б)* келинг, Самарқанд устига юрулинг, Самарқанд муяссар бўлса, бир мирзо Самарқандта ўлтурғай, яна бир мирзо Ҳисорда.

Султон Масъуд мирзонинг бек ва ичкиси ва йигит-яланги озурда бўлуб эдилар. Бу жиҳаттинким, Шайх Абдулло барлос Бойсунқур мирзо қошидан Султон Масъуд мирзо қошиғаким борди, чун мирзоға қойинота эди, асру улуғ риоят топти. Бовужудким, Ҳисор вилояти муҳаққар ва мухтасар вилоятдур, улуфасини минг туман фулс қилиб, Хатлон вилоятини дарбаст берди, Хатлон вилоятида Султон Масъуд мирзонинг хейли бекларининг ва ичкиларининг тани бор эди. Борчани мутасарриф бўлди. Ўзи ва ўғлонлари куллий ва жузъий эшик ихтиёрини олдилар. Озурда бўлғонлар кочиб-кочиб Бойсунқур мирзоға кела бошладилар.

Фирибомиз сўзлар била Султон Масъуд мирзони ғофил қилиб, Чағониёндин илғоб, нақора вақтида Ҳисор қўрғонини қабай олдилар. Султон Масъуд мирзо қўрғондин ташқари маҳаллотта отаси солғон Давлатсаро отлиқ иморатта эди, қўрғонға кираолмай кочиб, Шайх Абдулло барлос била[173] Хатлон сари тортти. Орада Шайх Абдулло барлосдин айрилиб, Убож[174] гузари била ўтуб, Султон Ҳусайн мирзоға борди. *(57 а)* Ҳисор вилояти муяссар бўлғоч, Бойсунқур мирзони Ҳисорда ўлтурғузуб Хатлонни иниси Валиға берди. Неча кундин сўнг Балхни қабамоқ доияси била отланди. Ўзидин илгарроқ Назар баҳодур отлиқ улуғ навкарини, уч-тўрт кундин сўнг Бойсунқур мирзони олиб келиб, Балхни муҳосара қилди.

Балхта Иброҳим Ҳусайн мирзо эди. Яна Султон Ҳусайннинг бекларидин ҳам хейли бор эди. Иниси Валиға қалин черик қўшуб, Шабурғонни қабамоққа ва ул навоҳини талон ва торож қилмоққа йиборди. Вали бориб Шабурғонни ёвуқдин ҳам қабай олмади. Бўлғон черикни Зардак чўлидаги эл ва улусни чопқоли йиборди. Бориб Зардак чўлини чопиб, юз мингдин ортуқроқ қўй ва уч мингга ёвуқ тева олиб келдилар. Вали андин сўнг Сончорик вилоятини чопиб, талаб, тоғда баъзи беркилган элларни олиб келиб, Балхта оғасиға мулҳақ бўлди.

Хисравшоҳ Балхни муҳосара қилғон фурсатта бир кун мазкур бўлғон Назар баҳодур отлиқ навкарини Балхнинг ариқларини йиққоли йиборди. Ичкаридин Тенгриберди *(57 б)* самончиким, Султон Ҳусайн мирзонинг риоят қилғон беги эди, етмиш-саксон йигит била чиқиб келиб, Назар баҳодур била рўбарў бўлуб, йиқитиб, бошини ке-

[171] Н: Уюрушмак, ЕК: юрушмак.
[172] К: макр ва фириб била Султон Масъуд мирзоға.

[173] К: барлосқа.
[174] Л: Уёж.

сиб олиб, қалъаға кирди. Бисёр мардона бориб, намоён иш қилди.

Ҳам ушбу йил Султон Ҳусайн мирзо Зуннун арғуннинг ва ўғли Шоҳ Шужоъningким, Бадиъуззамон мирзоға навкар бўлуб, қиз бериб, фитна ва фасод мақомида эдилар, дафъиға черик тортиб келиб, Бустқа тушди. Черикига ҳеч тарафдин ошлиғ келмади, очлиқтин батанг кела ёвушуб эдиларким, Буст доруғаси Бустнинг қўрғонини берди. Бустнинг захирасининг мадади била Хуросонға мурожаат қилди. Султон Ҳусайн мирзодек улуғ подшоҳ мунча асбоб ва тамтароқ била неча навбат Қундуз ва Ҳисор ва Қандаҳор устига чериклар тортиб ола олмай ёнғон учун, ўғлонлари ва беклари мунча далер бўлуб, ёғийлиқлар ва фитналар қилдилар. Ёзиға Султон Ҳусайн мирзо ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг дафъи зарариғаким, Астрободқа мусаллит бўлуб, ёмонлиқ мақомида эди, Муҳаммад Валибек бошлиқ бекларни қалин черик била илғор йибориб, ўзи Нишин ўлангида ўлтуруб эрдиким, Бадиъуззамон мирзо ва Зуннуннинг ўғли Шоҳбек *(58 а)* ғофилликта черик тортиб, мирзонинг устига келдилар. Иттифоқоти ҳасанадин Султон Масъуд мирзоким, Ҳисорни олдуруб, Султон Ҳусайн мирзоға келадур эди, ушбу кун етишти. Астрободқа борғон черик ҳам келиб, ушбу кун мирзога мулҳақ бўлди. Рўбарў бўлғоч-ўқ уруша ҳам олмади. Бадиъуззамон мирзо била Шоҳбек қочти.

Султон Ҳусайн мирзо Султон Масъуд мирзони яхши кўруб куёвликка юкундуруб, иноят ва шафқат мақомида бўлуб эрдиким, Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийким, мундин бурунроқ келиб Султон Ҳусайн мирзо мулозаматида бўлур эди, ангизе била Хуросонда турмай бир баҳона била чиқиб, Султон Ҳусайн мирзодин берухсат Хисравшоҳға борди. Хисравшоҳ Ҳисордин Бойсунқур мирзони тилаб келтурди. Ушбу фурсатта Улуғбек мирзонинг ўғли Мироншоҳ мирзо отаси била ёғиқиб, Ҳазораға кириб, Ҳазорада ҳам беэътиқодлиқлар қилиб, Ҳазорада тура олмай, ул ҳам Хисравшоҳ қошиға келиб эди.

Баъзи кўтаҳандишлар худ барин эдиларким, учала подшоҳзодани ўлтуруб, Хисравшоҳ отиға хутба ўқутғайлар. Ул ишни маслаҳат кўрмай, Султон Масъуд *(58 б)* мирзониким, кичикligидин бери сахлаб улғайтиб эди, бек аткаси эди, бу беш кунлук дунё маслаҳати жиҳатидинким, не анга вафо қилди ва не ҳеч кимга вафо қилғусидур, тутуб, бу кўрнамак мардак кўзларига наштар солиб кўр қилди.

Бир неча кўкалдош, эмалдош ва байриси Султон Масъуд мирзони олиб, Самарқандға Султон Али мирзо қошиға келтурур хаёли била Кешқа келдилар. Ул жамоат ҳам қасд мақомида бўлдилар. Кешдин кочиб, Чоржўй гузори била ўтуб, Султон Ҳусайн мирзо қошиға борди. Ҳар ким-ким мундоғ шаниъ ҳаракатга иқдом қилғай ва ул кишигаким бу навъ ишга эҳтимом қилғай, юз минг лаънатдур домани қиёматгача, ҳар ким Хисравшоҳнинг бу афъолини эшитса, лаънат қилсун. Бу афъолини эшитиб лаънат қилмоғон ҳам сазовори лаънат бўлсун! Бу шаниъ ҳаракаттин сўнг Бойсунқур мирзони подшоҳ қилиб, Ҳисорға рухсат берди. Мироншоҳ мирзоға Саййид Комилни кўмак қўшуб, Бомиён сари йиборди.

## Вақоиъи санайи арбаа ва тисъа миа*

Самарқанд ва Андижонға мукаррараан юрушуб, ҳеч иш очилмай, яна ёниб Хўжандға келдук.

Хўжанд мухтасар ередур. Юз-икки юз навкарлик кишининг авқоти ташвиш *(59а)* била ўтар. Доиялиқ киши нечук боқиб ўлтургай. Муҳаммад Ҳусайн кўрагон дуғлатким, Ўратепада эди, Самарқандга эврушмак доияси била анга кишилар йибориб, сўзлашиб, Ёрйилоқ кентларидин Пашоғарниким, Ҳазрати Хожанинг мулк кентларидиндур, бу фатаратта анча тааллуқ бўлуб эди, тиладукким, бу қиш орияти бергай, то анда ўлтуруб Самарқанд вилоятиға иликдан келганча эврушгайбиз. Муҳаммад Ҳусайн мирзо ҳам рози бўлди.

Хўжандтин отланиб Пашоғарға мутаважжиҳ бўлдум. Зоминға етган фурсатта иситтим. Бовужуди иситма Зоминдин отланиб илғор қилиб, тоғ йўли била ўтуб, Работи Хожанинг устига келдимким, ғофилликта шоту қўюб чиқиб, Работи Хожа қўрғониниким, Шовдор туманининг доруғанишини ўлдур, олилғай. Субҳ вақти етилди.

* Тўққуз юз тўртинчи (1498—1499) йил воқеалари.

Эли хабардор бўлдилар. Яна ёниб, ҳеч ерда таваққуф қилмай, Пашоғарға келилди. Бовужуди иситма ўн уч-ўн тўрт йиғоч йўлни суубат ва машаққат била қатъ қилдим. Неча кундан сўнг Иброҳим соруни ва Вайс Лоғарийни ва Шерим тағойини ички беклар ва йигитлар била илғор таъйин қилдукким, бориб Ёрайлоқ қўрғонларини сўз била ё зўр била иликлагайлар.

Ул фурсатта *(59 б)* Ёрайлоқ Сайийд Юсуфбекда эди. Мен Самарқандтин чиққонда қолиб эди, Султон Али мирзо ҳам риоят қилиб эди. Сайийд Юсуфбек ини, ўғлини Ёрайлоқ қўрғонларининг забт ва рабтиға йибориб эди. Аҳмад Юсуфким, бу тарихда Сийалкот ҳукумати андадур, ул қўрғонларда эди. Бизнинг беклар ва йигитлар ҳам бориб, тамом қиш баъзи қўрғонни сулҳ била иликладилар, баъзини урушуб зўр била олдилар, баъзини айёрлиқ ва инчкалиқ била ўғурлаб мутасарриф бўлдилар. Ул вилоятларда моғул ва ўзбак жиҳатидин ҳеч кент йўқтурким, анинг қўрғони бўлмағай. Ушбу фурсатларда бизнинг жиҳатимиздин Сайийд Юсуфбек ва ини, ўғлидин бадгумон бўлуб, Хуросонға рухсат бердилар. Бу қиш бу навъ талош ва тортиш била ўтти. Ёз бўла сулҳ учун Хожа Яҳёни йибордилар, ўзлари ҳам черик ангизи била Шероз ва Кобуд навоҳисиға келдилар.

Бизнинг бўлғон сипоҳиймиз икки юздин кўпроқ ва уч юздин озроқ бўлғой эди, ҳар тарафда кучлук ғанимлар Андижонға эрушуб, толиъ ҳеч мадад қилмади. Самарқандға илик қуюб ҳеч иш очилмади. Зарураттин сулҳгуна қилиб, Пашоғардин *(60 а)* мурожаат қилилди.

Хўжанд бир муҳаққар ердур. Бир бекнинг авқоти анда ташвиш била ўтар. Бир ярим йил, икки йилға ёвуқ аҳл ва аёл била анда эдук. Ул мусулмонлар ҳам бу муддатта имкони борича харж тортмоқда ва хизмат қилмоқта тақсир қилмадилар. Яна не юз била Хўжандға борилғай, Хўжандқа бориб ҳам киши не қилғай?

*Бормоққа не маскане муяссар,*
*Турмоққа не маъмане муқаррар.*

Охир ушбу тараддуд ва тафриқа била Ўратепанинг жануб тарафидаги яйлоқларға бордук. Неча кун ул навоҳида ўз ишимизга ҳайрон, борур-турар имизни билмай, саргардон ўткарилди.

Бир кун ушбу ерда эканда, Хожа Абулмакоримким, бизнингдек жалойи ватан бўлуб саргардон эди, мени кўра келди. Борур, турар еримиздин ва қилур қилмас ишимиздин истиълом ва истифсор қилиб, мутаассир бўлуб, бизнинг ҳолимизға риққат қилиб, фотиҳа ўқуб борди. Манга ҳам бисёр таъсир қилди, риққат қилдим.

Ушбу кун кеч намози дигар, бу худ даранинг оёғидин бир отлиқ киши пайдо бўлди. Али Дўст тағойининг навкари эркандур. Йўлчуқ отлиқ. Бу мазмун била йиборибтурки, агарчи мендин азим гуноҳлар содир бўлди, вале умидим борким, иноят қилиб гуноҳимни *(60 б)* бағишлаб, бизга мутаважжиҳ бўлсалар. Марғинонни топшуруб бир навъ қуллуқ ва хизматкорлиқ қилғаймен, гуноҳим ариб ҳижобим рафъ бўлғай.

Мундоқ мутаҳаййирлиқ ва саргардонлиқта бу хабар келган била ҳеч андиша ва таваққуф қилмай, ўшал замон-ўқким, офтоб ўлтурур чоғ эди, Марғинонға илғор тариқа била мутаваажжиҳ бўлдум. Бу ер била Марғинон ораси тахминан йигирма тўрт-йигирма беш йиғоч бўлғай эди, ул кеча тонг отқунча ва ул куни намози пешингача ҳеч ерда таваққуф қилмай юрулди. Намози пешин Хўжанднинг Тангоб отлиқ кентига тушулди. От совутуриб, отға буғуз бериб, тун ярми, нақора вақтида Тангобдин отланилди. Ул кеча тонг отқунча ва ул куни офтоб ботқунча ва яна кечаси тонгдин бурунроқ Марғиноннинг бир йиғочиға етганда Вайсбек ва баъзилар тараддуд қилиб арзға еткурдиларким, Али Дўст не навъ ёмонлиқ қилғон кишидур, орада бир навбат, икки навбат киши бормай ва келмай, гуфтугў ва аҳду шарт бўлмай, не эътимод била борадурбиз? Филвоқиъ тараддудларининг важҳи бор эди. Бир замон туруб кенгаш қилдуқ, охир мунга қарор топтим, бу тараддудларнинг агарчи важҳи бор, вале *(61 а)* мундин бурунроқ керак эди. Уч кеча ва кундуз тинмай, таваққуф қилмай йигирма тўрт-йигирма беш йиғоч йўлни келдук, не отта мажол қолибтур ва не кишида. Бу ердин не навъ ёнилғай, ёниб ҳам қайсариға чиқилғай? Чун мунча келибтурбиз бормоқ керак. Ҳеч нима Тенгрининг хостидин ўзга бўлмас.

Сўзни мунга қуюб таваккул қилиб тебрадук. Суннат вақти эрдиким, Марғинон қўрғонининг эшигига келдим. Али Дўст тағойи дарвозанинг орқасида туруб, дарвозани очмай, аҳд илтимос қилди. Аҳд ва шарт қилғондин сўнг дарвозани

очиб, дарвоза орасида мулозамат қилди. Али Дўстни кўргандин сўнг, қўрғон ичида бир муносиб ҳавлида тушулди. Менинг бирла бўлғон киши улуғ-кичик икки юз қирқ киши эди. Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал вилоят элига бисёр зулмлар ўткариб, ёмон маош қилиб эдилар. Вилоят эли тамом мени тилар эдилар. Марғинонға киргандин икки-уч кун сўнг Қосимбекка Пошоғарийдин ва янги навкар бўлғонлардин ва Али Дўст бекнинг навкарларидин юздин кўпрак киши қўшуб, Андижоннинг жануб тарафидағи тоғ эл *(61 б)* ларига, мисли Ашпориён ва Тўруқшорон ва Чакрак[175] ва ул навоҳиларға йиборилдиким, истимолат била ё зўр била элларни келтургай. Иброҳим соруни ва Вайс Лоғарийни ва Сайди Қарони Ахси тарафиға юзга ёвуқ киши била йиборилдиким, Хўжанд суйини кечиб, ул юздаги[176] қўрғонлар била тоғ элларини ҳар тавр қилиб бизга боқтурғайлар.

Бир неча кундин сўнг Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал Жаҳонгир мирзони олиб, неким бўлғон сипоҳий ва муғулни йиғиб, Андижон ва Ахсининг черикка чиқор кишисини черикка чиқариб, Марғинонни қабамоқ доияси била Марғиноннинг бир шаръисида шарқ сари Сапон отлиқ кентга келиб туштилар. Бир-икки кундин сўнг ясаб, яроғланиб Марғиноннинг маҳаллотиға келдилар. Бовужудиким, Қосимбек ва Иброҳим сору ва Вайс Лоғайрий бошлиқларни икки тарафига илғор йиборилиб эди, менинг била бир неча маъдуди қолиб эди, бўлғон йигитлар ясаниб чиқтилар. Маҳаллоттин илгари келгани[177] қўймадилар. Ул куни Халил чуҳрайи дасторпеч яхши юруб, илиги ишга етти, келиб ҳеч иш қила олмадилар. Яна иккилай *(62 а)* қўрғон ёвуғиға келмадилар. Қосимбекким, Андижоннинг жанубий тоғлариға бориб эди. Ашпорён ва Тўруқшорон ва Чакрак[178] ва ул навоҳидағи тоғ ва туздаги раият ва аймоқ тамом кирдилар. Сипоҳийдин ҳам бирор-икирар бизга кочиб кела бошладилар. Иброҳим сору ва Вайс Лоғарий бошлиқларғаким, Ахси тарафиға сувдин ўтуб бориб эдилар. Поп қўрғони ва яна бир-икки қўрғон кирди.

Узун Ҳасан ва Танбал золим ва фосиқ ва кофирваш эллар эди, раият ва вилоят булардин бисёр оғриб эдилар. Ахси улуғларидин Ҳасан декча жамоати била ва яна Ахсининг бир пора лаванд ва авбошни барин қилиб, каротаёқ қилиб, Ахсининг тош қўргонидағиларни зарби рост аркка тикиб, Иброҳим сору ва Вайс Лоғарий ва Сайди Қаро бошлиғларни тилаб, Ахсининг тош қўрғонига киюрдилар.[179] Султон Маҳмудхон,[180] Банда Али ва Ҳайдар кўкалдошни ва Ҳожи Ғози манғитниким, ушул фурсатта Шайбонийхондин кочиб хон қошиға келиб эди, яна барин туман беклари била бизга кўмак таъйин қилиб эди, ушбу маҳалда келдилар. Бу хабар Узун Ҳасанға етиб, бепой бўлуб, риоят *(62 б)* қилғон навкарларини ва убдон йигитларини Ахсининг аркига кўмак таъйин қилиб йиборди. Саҳар вақти дарё ёқасиға еттилар.

Бизнинг черик ва муғул черики хабар топиб, бир пора кишини от яланғочлантуруб,[181] сувдин кечурдилар, кўмак келганлар олдараб[182] кемани юққори тортмай кечган еридин-ўқ қўябердилар. Қўрғонға ўта олмай қуйи туштилар. Бизнинг черик ва муғул черики туш-тушдин от яланғочлаб кира бошладилар. Кемадагилар ҳеч уруша олмадилар. Қорлуғоч бахши Муғулбек ўғлонларидин бирни тилаб илигини тутуб чопқулаб ўлтурди. Не фойдаким, иш андин ўтуб эди. Аксар кемадагиларнинг ўлумга бормоғига бу ҳаракат сабаб бўлди, бир замонда дарёдағиларни ариқ олиб, борини қирдилар.

Узун Ҳасаннинг муътабар кишиларидин Қорлуғоч бахши эди, Халил девона эди, Қози Ғулом эди. Булардин бир Қози Ғулом қуллуқ баҳонаси била халос бўлди. Яна муътабар йигитларидин Саййид Аликим, ҳоло менинг қошимда муътабардур. Яна Ҳайдарқули, яна Қулика Кошғарий етмиш-сексан убдон йигиттин ушбу беш-олти маъдуди беш халос *(63 а)* бўлмади. Бу хабарларни эшитиб, Марғинон навоҳисида ўлтура олмай Андижон сариға бузулғон йўсунлуқ этиб кўчтилар. Андижонда Носирбекни қўюб эдиларким, Узун Ҳасаннинг езнаси эди. Агар сонийси бўлмаса, солиси худ не сўз эдиким, бор эди. Соҳибтажриба киши эди, мардоналиги ҳам бор эди. Бу кайфият-

---

[175] Р: Хукрак.
[176] Қ: Туздаги.
[177] Қ: келганни; Е: келгали.
[178] Е: Чекрак; Р: Ҳакрак.
[179] Е: кетурдилар.
[180] Қ: Султон Муҳаммадхон.
[181] НЕ: ялангачлабтуруб.
[182] Л: Яладараб; Қ: олдираб.

ларни билиб, аларнинг бебунёдлиғини маълум қилиб, Андижон қўрғонини беркитиб, манга киши йиборди. Булар Андижонға етганда қўрғон беркиганини маълум қилиб, сўзлари бир-бирига қовушолмай бузулуб Узун Ҳасан кўчига Ахси сари торти.

Султон Аҳмад Танбал ўз вилоятиға — Ўшға борди. Жаҳонгир мирзони бир неча ичкилари ва йигитлари Узун Ҳасандин олиб[183] кочиб, Танбалғаким, ҳануз Ўшға етмайдур эди, бориб қўшулдилар. Андижоннинг беркиган хабари манга келди, ҳеч таваққуф қилмай, Марғинондин офтоб чиқа отланиб, туш қайтиб эрдиким, Андижонға келдим. Носирбекни ва ўғлонлариниким, Дўстбек ва Миримбек бўлғай, кўруб, сўруб иноят ва шафқатдин умидвор ва сарафроз қилдим.

Ота вилоятиким, икки йилға ёвуқлашиб *(63б)* эрдиким, иликдин чиқиб эди, Тенгри иноятй била зулқаъда ойида сана 904 да яна муяссар ва мусаххар бўлди. Султон Аҳмад Танбалким, Жаҳонгир мирзо била қатилиб, Ўш сари тортиб эди, Ўшқа киргач, Ўшда ҳам қизилоёқ, қаротаёқ қилиб, зарби рост ура-ура Ўшдин қовлаб, қўрғонни бизнинг учун сахлаб, бизга киши йибордилар. Жаҳонгир ва Танбал бир неча маъдуди била саросимавор бориб Ўзгандга кирдилар.

Узун Ҳасанким, Андижонға кира олмай, Ахси тарафиға бориб эди, хабар келдиким, бориб Ахсининг аркига кирмиш. Чун сардор ва сарфитна бу эди, бу хабар келгач, Андижонда тўрт-беш кундин ортуқ таваққуф қилмай, Ахси азимати қилдук. Ахсиға етгач чора қила олмай, аҳд ва амон тилаб, қўрғонни топшурди. Бир неча кун Ахсида туруб, Ахси ва Косон ва ул юртнинг иш-кучини забт ва саранжом қилиб, илғор келган муғул бекларига рухсат бериб, Узун Ҳасанни кўч ва мутааллиқлари била олиб Андижонға келилди. Ахсида Қосим Ажабниким, ички чаргасида эди, оллимда беклик мартабасиға етиб эди, орияти қуюлди. Чун аҳд қилилиб эди, жон ва молиға зарар ва нуқсон тегурмай Қоратегин йўли била Ҳисор сари *(64 а)* ижозат берилди. Бир неча маъдуди била Ҳисорға борди. Ўзга тамом навкарлари айрилиб қолдилар.

Бу фатаратларда бизга тааллуқ элни ва Хожа Қози ва мутааллиқларини тутқон ва талағон булар эдилар, баъзи беклар била иттифоқ қилиб, сўзни мунга қўйдиккім, мунча жўғуллуқ ва бузукчилик қилғон ва мунча бизга тааллуқ мўмин ва мусулмонни тутқон ва талағон бу жамоат эдилар. Ўзларининг бекларига не вафо қилдиларким, бизга вафо қилғайлар, буларни туттурсак ва талатсак не айб бўлғай? Батахсис бизнинг кўзимизнинг ўтрусида бизнинг отимизни миниб, бизинг тўнумизни кийиб, бизинг қуюмизни еб юругайлар, мунга худ ким таҳаммул қилғай? Агар тараҳҳум қилиб туттурулмаса, ё талатилмаса, бизинг била қазоқликларда ва меҳнатларда бўлғон жамоатнинг ҳозир таниғон молларига бори фармон бўлсаким, иликларига кирса, ушмунча била қутулсалар, миннатлар тутсалар керак. Филвоқиъ, маъқул кўрунди. Фармон бўлдуким, бизинг била бўлғонлар таниғон нималарини олсунлар, агарчи маъқул ва муважжаҳ эди, бир нима шитоб бўлмиш.

Жаҳонгир мирзодек музи[184] ёнимизда ўлтуруб, элни *(64 б)* мундоқ ҳуркутмоқнинг ҳеч маъниси йўқ эди. Мулкгирликда ва мамлакатдорликта агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўрунур, вале ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур. Ушбу бир бемулоҳаза ҳукм қилғоимиздин не миқдор шўр ва фитналар қўпти. Охир Андижондин иккинчи навбат чиқғонимизға сабаб ушбу бетааммул ҳукм қилғонимиз бўлди. Бу жиҳаттин муғуллар ўзларига дағдаға ва тавахҳум йўл бериб, Работак ўрчинидинким, Икки сув ароси ҳам дерлар. Ўзганд тарафиға кўчуб Танбалға киши йибордилар. Менинг онам қошида минг беш юз, икки мингга ёвуқ муғул улусидин бор эди. Яна Ҳисордин Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон ва Муҳаммад дуғлат алар била ушмунча чоғлиқ муғул келиб эди. Ҳамиша ёмонлиқ ва бузукчилик муғул улусидин бўла келгандур. Ушбу тарихқача беш навбат менинг била ёғиқтилар. Андоқ эмаским, менинг била бемуносабатлиқ жиҳатидин ёғиқмиш бўлғайлар. Мундоқ ҳаракотларни ўз хонлариға муқаррар қилдилар. Бу хабарни Султонқули чиноқким, отаси Худойберди буқоқни *(65 а)* муғуллар орасида риоят қилиб эрдим, отаси бурунроқ ўлуб эди ўзи муғуллар била бўлур эди, келтурди. Яхши борди, ўз эл ва улусидин айрилиб, бу хабарни еткурди. Агарчи мунда яхши борди, вале сўнгра андоқ қабоҳатлар қилдиким, юз мунингдек хизмат бўлса ёпқай. Нечукким, мазкур бўлғуси-

[183] Қ: айириб.

[184] Қ: ғаниме.

дур. Сўнгги қабоҳатлари ҳам муғуллукнинг натижасидин эди.

Бизга хабар келгач, бекларни йиғиб машварат қилилди, беклар арзға еткурдиларким, бу жузвий ишдур, подшоҳ отлонмоқи не эҳтиёж? Қосимбек жамиъ бекларни ва черикни бошлаб борсун. Сўз мунга қарор топти. Саҳл[185] туттилар, бу раъй ғалат экандур. Бу куни Қосимбек бекларини ва черикни бошлаб чиқти. Оралағунча[186] Танбал худ келиб, муғулларға қўшулғон экандур.

Тонгласи эрта била Иламиш[187] дарёсининг Ясси кечит отлиқ гузарини ўтгач-ўқ рўбарў бўлурлар, яхши чопқулашурлар. Қосимбек ўзи Султон Муҳаммад арғун била рўбарў бўлуб, икки-уч навбат чопқулаб бош чиқорғали қўймас. Ғалаба йигитлар чопқулашурлар, охир шикаст топарлар. *(65 б)* Қосимбек, Али Дўст тағойи, Иброҳим сору, Лоғарий, Сайди Қаро яна уч-тўрт бек ва ичкидин чиқтилар. Ўзга аксар беклар ва ичкилар иликка туштилар. Иликка тушган беклар ва ичкилардин Али Дарвешбек, Мирим Лоғарий, Туқабек Тоғайибек, Муҳаммад Дўст, Али Дўст, Миршоҳ қавчин, Мирим Девон бу урушта икки йигит таври чопқулашурлар. Бизнинг соридин Иброҳим сорунинг иниларидин Самад отлиқ, алар соридин ҳисорий муғуллардин Шаҳсувор отлиқ рўбарў бўлурлар. Шаҳсувор, андоқ чопарким, дубулғадин ўтуб, Самаднинг[188] бошиға қилич хейли ўлтурур. Бовужуди бу захм Самад[189] андоқ чопарким, Шаҳсуворнинг бошидин кафи дастча парча сўнгакни қилич олиб кетар. Шаҳсуворнинг дубулғаси йўқ экандур. Шаҳсуворнинг бошини ўйдилар, яхши бўлди. Самаднинг[190] бошини ўяр киши йўқ эди. Уч-тўрт кундин кейин ўшул захм била-ўқ борди. Қазоқлиқлардин ва фалокатлардин халос бўлуб, янгла вилоят олғон маҳалда ажаб бевақт шикаст эди.

Қанбар Али муғулким, бир рукни аъзам[191] ул эди, Андижонни олғон чоғда вилоятиға бориб *(66 а)* эди, йўқ эди. Ушмунча била Танбал Жаҳонгирни олиб келиб, Андижоннинг бир шаръиси Пуштайи Айшнинг олдиға ўлангга тушти. Бир-икки қатла Чилдухтарон била ясаб, Пуштайи Айшнинг доманасиға келди. Бизнинг йигитлар маҳаллот ва боғоттин ташқари-ўқ ясаб чиқтилар, илгари кела олмади, доманадин-ўқ нари ёнди. Ушбу навоҳиға келганда тушган беклардин Мирим Лоғарийни ва Туқани ўлтурди. Бир ойға ёвуқ бу теграда ўлтуруб, ҳеч иш қила олмади. Ўш сариға боқа ёнди. Ўшни Иброҳим соруға берилиб эди, анинг кишиси анда эди, Ўшни берқиттилар.

## Вақоиъи санайи хамса ва тисъа миа*

Вилоётнинг отлиқ ва яёқ черикларига қадаға била тавочилар ва муҳассиллар йиборилди. Қанбар Алиға ва яна ҳарне вилоятларға борғон черикларга эҳтимом била тавочилар чоптуруб, тўра ва кетмон ва болту ва неким бўлғон черик масолиҳ ва асбобиға эҳтимомлиқ муҳассиллар таъйин қилилди. Вилояттин черикка келур отлиқ ва яёқни суруб, ул тараф иш-кучга борғон навкар ва сипоҳийни йиғиштуруб, Тенгрига таваккул қилиб, муҳаррам ойи*(66 б)*нинг ўн секкизида Ҳофизбекнинг чорбоғиға сафар қилдим. Бир-икки кун чорбоғда туруб, қолғон асбоб ва олотни тайёр ва мукаммал қилиб, Ўш сори мухолифларнинг устига бароиғор ва жавонғор ва ғул ва ҳировул ва отлиқ-яёқни ясаб, ясол била-ўқ мутаважжиҳ бўлдук. Ўшқа яқин етган маҳалда хабар топилдиким, мухолифлар Ўш навоҳисида тура олмай, Работи Сарҳанг ўрчини сариғаким, Ўшнинг шимолидур тортмиш. Ул охшом Лотканд[192] кентта тушулди.

Тонгласи ясаб Ўшдин ўтганда хабар келдиким, мухолифлар Андижон сари бормиш, биз ҳам Ўзганд устига мутаважжиҳ бўлдук. Ўзумиздан илгаррак Ўзганд навоҳисини чопқали чопқунчи ойирдук. Мухолифларким, Андижонға борурлар, кеча била хандаққа кириб фасилға шоту қўяр чоғда қўрғондағилар туярлар. Ҳеч иш қилалмай ёндилар. Бизнинг чопқунчи ҳам бориб Ўзганд навоҳиси-

[185] ЕК: саҳройга.
[186] Қ: алар борғунча.
[187] Таржималарда «Айламиш» ёзилган.
* Тўққиз юз бешинчи (1499—1500) йил воқеалари.

[188] Қ: Ҳамидбек.
[189] Қ: Ҳамид.
[190] Қ: Ҳамиднинг.
[191] Қ: Рукни аъзомимиз.
[192] Р: Канд.

ником чопар, онча нима иликларига тушмай ёниб келдилар.

Уш қурғонларидин Мозу[193] қурғоиидаким, ул орада рустлик била машҳур қурғондур, Танбал иниси Халилни икки юз-икки юз эллик киши била қуюб, *(67 а)* ул қурғонни беркитиб эди, ёниб келиб Мозу қурғониға уруш солиб зўр келтурдук. Мозу қурғоии хейли руст қурғондур, шимол сариким, сойдур, хейли баланд воқиъ бўлубтур. Агар сойдин ўқ отсалар шоядким, фасилға етгай. Обдузд ушбу тарафда воқиъ бўлубтур. Қурғондин қуйиға боқа кучадек икки тарафдин фасил қупориб келтуруб сувға еткурубтурлар. Пушта тарафлари хандактур. Сойға ёвуқ учун сой тошларидин улуқ-улуқ қазондек тошлар қўрғонға чиқариб эдилар. Ул миқдор улуғ тошлариким, Мозу қурғонида оттилар, ушмунча қурғон уруши бўлуб ҳеч қурғондин мундоқ тошлар отмадилар. Абдулқуддус кўҳбур Каттабекнинг оғаси фасил тубига чиқиб эди, фасилдин андоқ тош урдиларким, ҳеч ери тегмай дуруст муаллақ ошиб, ушандоқ баланд ердин қўрғоннинг хокрезининг тубигача юмалана-юмалана келди. Вале ҳеч бушамади. Ушал замон-ўқ отланиб юруди. Дутаҳи Обдузддa Ерали Билолнинг бошиға бир зарб тош урдилар, бошини охир ўйдилар. Қалин киши тош била *(67 б)* зойиъ бўлди. Сабоҳиким, уруш солилди, чоштгоҳдин бурунроқ Обдузд олилди. Охшомғача уруш эди. Обдуздким олилди, бўлдура олмай тонгласиға амон тилаб чиқтилар. Танбалнинг иниси Халил бошлиқ етмиш-саксон-юз ўбдон[194] кишини банд қилиб, Андижонға йиборилдиким, эҳтиёт била сахлайғайлар. Бизинг ҳам бекларимиз ва ичкиларимиз ва ўбдон кишиларимиз аларнинг бандиға тушуб эди. Бу иш тавре воқиъ бўлди.

Мозуни олиб келиб Ўшнинг кентларидин Ўнжу Тўба деган кентта тушулди. Ул тарафдин Танбал Андижондин ёниб Работи Сарҳанг ўрчини кентларидин Обихон деган ерга тушти. Бу икки черикнинг ораси бир йиғоч йўл бўлғай эди. Бу фурсатта Қанбар Али беҳузурлук жиҳатидин Ўшқа борди. Бир ой-қирқ кунгача ўлтурулди, уруш бўлмади. Вале ҳар кунда бизинг ошлиқчи ва аларнинг ошлиқчиси отқулашурлар эди. Бу муддатта кечалар ўрду гирдини маҳкам эҳтиёт қилилур эди. Хандак қозилур эди. Хандақ бўлмағон ерда шох тутулур эди. Бўлғон сипоҳий тамом яроғланиб, хандақ ёқасиға чиқарлар эди. Бовужуди *(68 а)* мунча эҳтиёт ҳар уч-тўрт кунда кеча била черикда бир ғавғо ва сурон чиқар эди. Бир кун ошлиқчининг илайига Саййидбек тағойи бориб эди, ғанимнинг кишиси зўррок келиб, баякбор уруш асносида Саййидбекни олдилар.

Ушбу йил Хисравшоҳ Балх устига черик борур хаёли била Бойсунқур мирзони тилаб, Қундузға келтуруб, Балх устига отланди. Авбожқа етган чоғда Хисравшоҳ бадбахт кофири неъмат салтанат дағдағаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларга не навъ етгай! Не асл, не насаб, не ҳунар: не ҳасаб, не тадбир, не шужоат, не инсоф, не адолат! Бойсунқур мирзони беклари била тутуб, Бойсунқур мирзоға кериш солиб, муҳаррам ойининг ўни эрдиким, мундоқ хуштабъ ва пурфазилат ва ҳасаб ва насаб била ороста подшоҳзодани шаҳид қилди. Беклари ва ичкиларидин ҳам бир нечани ўлтурди.

***Валодат ва насаби:*** валодати секкиз юз сексон иккида, Ҳисор вилоятида эди. Султон Маҳмуд мирзонинг иккинчи ўғлидур, Султон Масъуд мирзодин кичик, Султон Али мирзо ва Султон Ҳусайн ва Султон Вайс мирзодинким, Хон мирзо била машҳурдур, улуғ. Онаси Пашабегим эди.

***Шакл (68 б) ва шамойили:*** улуғ кўзлук, қуба юзлуқ, ўрта бўйлуқ, туркман чеҳралиқ, малоҳатлиқ йигит эди.

***Ахлоқ ва атвори:*** адолатпеша ва одми ва хуштабъ ва фазилатлиқ подшоҳзода эди. Устоди Саййид Маҳмуд шиий экандур. Бу жиҳаттин Бойсунқур мирзо ҳам матъун эди. Сўнгра дедиларким, Самарқандта ул ёмон ақидадин ёниб, пок эътиқод бўлубтур. Хейли чоғирға ҳирси бор эди. Чоғир ичмас маҳалда намоз ўтар эди. Саховати ва бахшиши эътидол била эди. Насхтаълиқ хатини хейли хўб битир эди. Наққошликда ҳам илиги ёмон эмас эди. Шеърни ҳам тавре айтур эди. «Одилий» тахаллус қилур эди. Шеърий девон тартиб қилғунча бўлмайдур эди. Бу матлаъ анингдурким:

*Соявор аз нотавони жо-бажо меуфтам,*
*Гар нагирам руи деворе зи по меуфтам.*[195]

[193] Қ: «Моду», кейингилари ҳам моду.
[194] Е: Ободон.

[195] Кучсизликдан соядай у ер-бу ерга тушаман, агар деворни ушламасам, йиқиламан.

Самаркандта Бойсункур мирзонинг ғазаллари онча шойиъдурким, кам уй булғай эрдиким, мирзонинг ашъори ул уйда булмағай эди.

***Масофлари:*** икки масоф урушти. Бир катла Султон Махмудхон била. Аввал тахтға ултурғонида Султон Махмудхон Султон Жунайд барлос ва баъзининг иғво ва ангизи жихатидин Самарканд олмок *(69 а)* доияси била черик торриб, Оккутлдин утуб, Работи Суғд ва Канбой навохисиға келди, Бойсункур мирзо Самаркандтин чикти. Канбойда урушуб яхши бости. Уч-турт минг муғулнинг буйниға урдурди. Хайдар кукалдошким, хоннинг халл ва акди эди, бу урушда улди.

Яна бир мартаба Бухорода Султон Али мирзо била урушуб мағлуб булди.

***Вилоёти:*** отаси Султон Махмуд мирзо Бухорони бериб эди. Отасидин сунг отасининг беклари йиғилиб, иттифок била Самаркандта подшох килдилар. Бухоро хам неча махалғача мунинг девониға дохил эди. Тархонлар ёғийлиғидин сунг анинг тасарруфидин чикти. Мен Самаркандни олғонда Хисравшохға торта борди. Хисравшох Хисорни олиб берди.

Андин хеч авлод колмади. Хисравшоххa келган махалда обоғаси Султон Халил мирзонинг кизини олди. Узга хотун ва ғумаси йук эди. Андок истикбол била салтанат килмадиким, бир кишини уз элидин улғайтиб муътабар бек килмиш булғай. Беклари ота-обоғасининг- *(69 б)* ук беклари эди.

Бойсункур мирзонинг вокиъасидин сунг Султон Ахмад каравул Кучбекнинг отаси, оға-иниси ва куч ва мутааллиқлари била Коратегин вилоятидин чикиб, бизни деб келди. Канбар Алиғим, Ушда бехузур эди, бехузурликдин купуб ул хам келди. Мундок махалда ғайб кумаги Султон Ахмад каравул жамоати била келиб, котилғонни шугун тутуб, сабохи-ук ғаним устига ясаб юрудук. Обихонда туруш бермай, юртидин кучти. Баъзи чодир ва гилем ва нартолдек нималари черик элига тушти. Келиб анинг юртиға туштук. Ушбу охшоми Танбал Жахонгирни олиб, унг ёнимиздин эврулуб Хубон деган кентгаким, Андижон сари ёнимизда биздин уч йиғоч булғай эди, келиб кирди. Эртасига биз хам баронғор, жавонғор, ғул, хировулни тартиб килиб, кийим кийиб, яроғланиб, ясол ясаб, тура кутарган яёкларни олимизға солиб, ғаним устига юрудик. Бизнинг баронғор Али Дуст тағойи эди, табобии била. Жавонғор Иброхим сору ва Вайс Лоғарий, Сайди Каро, Мухаммад Али мубашшир, Хожа *(70 а)* Калонбекнинг оғаси Кичикбек, яна баъзи ичкилар; Султон Ахмад каравулни ва Кучбекни оға-инилари била жавонғорға битилди. Косимбек ғулда менинг кошимда эди. Ировул Канбар Али ва яна баъзи ичкилар эди.

Хубоннинг шарки-жануб тарафидан Сако отлик кентдаким, Хубондин бир шаръий булғай, етишиб эдукким, ғаним кишиси Хубон кентидин ясаб чикти. Биз хам илдамрок-ук юрудук. Хазм ва эхтиётни маръи тутуб, тура яёкким, тартиб килилиб эди, мукобала булур махалда кейин-ук колдилар. Тенгри инояти била аларға хеч эхтиёж булмади. Етган била бурунрок бизинг жавонғор кишиси анинг баронғори била илик олишти. Хожа Калоннинг оғаси Кичикбек анда яхши чопкулашти. Мухаммад Али Мубашшир хам Кичикбектин сунгра чопкулашти. Ушмунча била тоб келтура олмай, ёғий кочти. Баронғор била ировулга пешо-пеш уруш етмади. Калин йигитларни келтурдилар. Буйунлариға, буюрдикким, урдилар. Бизнинг беклар Косимбек ва Али Дустбек купраги Али Дуст хазм ва сардорлиғини риоят килиб, ковғунчини *(70 б)* йирок йиборгали маслахат курмадилар. Бу жихаттин калин кишиси иликка тушмади.

Хубон кентига-ук туштук. Менинг аввал масоф уруши урушконим ушбу эди. Тенгри таоло уз фазл ва карами била фатх ва зафар рузий килди. Шугун туттук.

Тонгласиға-ук отамнинг онаси менинг улуғ онам Шох Султонбегим Андижондин келди. Бу хаёл билаким, Жахонгир агар иликка тушган булса, дархост килғай. Чун киш ёвуклашиб эди, ёзида ошлик-тулук колмайдур эди. Узганд устига борурни маслахат курмай, Андижонға мурожаат килилди. Неча кундин сунг кенгашиб, сузни мунга кápop берилдиким, Андижонда кишламокдин ғаним кишисига хеч зарар ва осибе етмас, балки уғурлук ва казоклик била кучланмагининг эхтимоли бордур бир ерда кишламок кераккким, черик эли ошликсизликдан ожиз булмағай ва ғаним кишисига хам кабал йусунлук ожизлиғи булғай. Бу маслахат учун Работак урчинидаким, бу Работак урчинини Икки сув ораси хам дерлар, Армиён

ва Нўшоб навоҳиси *(71 а)* да қишламоқ хаёли била Андижондин кўчуб, мазкур бўлган кентларнинг навоҳисиға келиб қишлоқ солдук.

Бу навоҳи яхши овлоқ ерлар бўлур. Иламиш[196] дарёсининг яқинидағи қалин чангалларда буғу, марал ва тўнғуз кўп бўлур. Ушоқ-ушоқ чангаллаларида қирғовул ва товушқон қалин бўлур. Пуштасида тулкуси бисёр бўлур, ва рангин[197] бўлур, тулкуси ўзга ернинг тулкусига боқа югурук бўлур. Бу қишлоқда эканда ҳар икки-уч кунда овға отланур эрдим. Улуғ чангалларни ўртаб, буғу-марал овлар эдук. Ушоқ чангалларига чарга солиб, қирғовулға қуш солиб кезлар эдук. Қирғовуллари беҳад семиз бўлур. То ул қишлоқта эдук, қирғовул эти фаровон эди. Ушбу қишлоқта эканда Худойберди туғчиким, янги риоят қилиб бек қилиб эдим, икки-уч қатла тушуб, Танбалнинг қазоғини босиб, бошлар кесиб келтурди. Андижон ва Уш навоҳисидин ҳам қазоқ йигитлар айёрлиқ била тинмай бориб, илқиларин суруб, кишиларни ўлтуруб, бисёр ожиз қилдилар. Агар ул қишни ўшул қишлоқта ўткарилса эди, кўпроқ эҳтимоли бу эрдиким, *(71 б)* ёзғача урушсиз-уқ бузулғайлар эди. Ушмундоқ ғанимни забун ва ожиз қилғон маҳалда Қанбар Али вилоятиға бормоққа ижозат тилади. Ҳар неча бу ҳисобларни хотир нишон қилиб, манъ қилилди, кўпрак жаҳл қилди. Ажаб енгил ва бемоска мардак эди. Зарурат бўлди, вилоятиға ижозат берилди. Бурун вилояти Хўжанд эди. Бу навбат Андижонни олғонда Исфара ва Кандибодомни ҳам анга берилди. Бизинг беклар орасида қалин вилоятлиқ ва кўп навкарлик Қанбар Али эди. Ҳеч кимнинг навкари ва вилояти онча эмас эди. Қирқ-эллик кун ул қишлоқта эдук. Қанбар Алининг тақриби била баъзи черик элига ҳам рухсат берилди.

Ўзумиз ҳам Андижонға келдук. Бу муддаттаким қишлоқта ва Андижонда эдук, Танбалнинг кишиси тинмай хон қошиға Тошкандга борур эди ва келур эди. Аҳмадбекким, хоннинг ўғли Султон Муҳаммад султоннинг бек аткаси ва хоннинг улуғ риоят қилғон беги эди, Танбалнинг туққон обоғаси эди, Бек Телбаким, хоннинг эшикоғаси эди, Танбалнинг туққон оғаси эди, борақела хонни барин қилдиларким, Танбалға кўмак йиборгай, кўмакдин бурунроқ Бек *(72 а)* Телбаким, то туғуб эди, Муғулистонда эди, муғул орасида улғайиб эди, вилоятқа кирмайдур эди, вилоят подшоҳлариға хизмат қилмайдур эди, хонларға-уқ хизмат қилиб эди, кўч ва аҳлу аёлини Тошкандта қўюб, ўзи келиб иниси Танбалға қўшулди.

Бу фурсатта ажаб ҳодиса даст берди. Қосим Ажабниким, Ахсида орияти қўюлуб эди, оз-оғлоқ, қазоқ[198] кейинича чиқиб, кавлаб Бичрота[199] била Хўжанд суйидин ўтарда Танбалнинг қалин кишисига учраб, иликка тушти. Танбал чун черикимизнинг тарқоғон хабарини топти ва оғаси Бек Телба хон била сўзлашиб келиб эди, кўмак келмакка мутааййин мутаяққин эди, Ўзгандтин отланиб, Икки сув орасиға келди. Ушбу аснода Косондин таҳқиқ хабар келдиким, хон Танбалнинг кўмагига ўғли Султон Муҳаммад Хониканиким, Султонимға машҳур эди, Аҳмадбек била таъйин қилиб, беш-олти минг черик қўшубтур. Арчакент йўли била ошиб келиб, Косонни қабадилар. Биз дағи йироқдаги кишимизға боқмай, ҳозир кишимиз била бетаваққуф қишнинг зарб совуғида Тенгрига таваккул қилиб, Андижондин Банди Солор *(72 б)* йўли била Султоним била Аҳмадбекнинг устига отландуқ. Кечаси ҳеч ерда турмай, тун қотиб сабоҳи Ахсига тушттук. Ул охшом маҳкам қаттиқ совуқ эди. Андоқким, баъзининг илик-оёғин совуқ олди. Кўп кишининг қулоқлари олмадек-олмадек қабарчуғланиб эди. Ахсида таваққуф қилмай, Қосим Ажабнинг уруниға Ёрак тағойини ҳам орияти қўюб, Косон устига ўттук. Косонға бир шаръи қолғонда хабар келдиким, Аҳмадбек хабар тониб, Султоним била бузулғон йўсунлуқ илдам ёнди.

Танбал бизнинг отланғонимизни билиб, оғасиға кўмак илғаб келадур экандур. Кун икки Намоз ораси бўлғай эрдиким, Танбалнинг қароси Навканд соридин пайдо бўлди. Оғасининг мундоқ енгил келганидин ва бизнинг мундоқ илдам етканимиздин донг ва мутаҳайййр бўлуб тура қолди. Биз дедукким, Худой муни мундоқ келтурди, отининг бўйни қотиб келибтур, юруб илик қўшғондин кейин Тенгри рост келтирса бириси чиқмас, Вайс Лоғарий ва яна баъзилар дедиларким, кун кеч бўлубтур, бу кун бўлмаса тонгла *(73 а)* каёнға борғусидур. Сабоҳ ҳар қанда бўлса, учратурбиз, деб филҳол илик қўшмоқни салоҳ кўрма-

[196] Қ: Ирамиш.
[197] Қ: рангин.

[198] ҚН: қароқ.
[199] Қ: Бихрота.

дилар.[200] Ушмундоқ қопуда келган ғаним ҳеч навъ мутазаррир бўлмай ажрашти. Масал борким, «Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғурур.»

**Б а й т:**

*Қорҳоро ба вақт бояд жуст,*
*Қори бевақт суст бошад, суст.*[201]

Тонглағача фурсатни ғанимат тутуб, кечасига ҳеч ерда тушмай бориб, Архиён қўрғониға кирдилар. Эртасига ғанимнинг устига юруб, топмай, сўнгича келиб, Архиён қўрғонини ёвуқ қабамоқнинг салоҳин топмай, бир шаръисида Ғазнайи Намангонға тушулди. Уттуз-қирқ кун биз бу юртта эдук. Танбал Архиён қўрғонида эди. Оз-оз киши беридин бориб, наридин келиб, ора йўлда отқулашиб ёнарлар эди. Бир кеча шабихун келдилар. Ўрдунинг ташқарисидин бир пора ўқ қуюб ёндилар. Ўрду гирдини хандақ қилиб, шох тутуб, эҳтиётлар қилилиб эди, ҳеч иш қила олмадилар. Ушбу юртта эканда Қанбар Али икки-уч қатла *(73 б)* ёмонлаб вилоятиға бормоқчи бўлди. Бир қатла худ отланиб, тебраб эди, баъзи бекларни йибориб ташвишлар била ёндурдук.

Бу аснода Сайийд Юсуф Мажамий[202] Султон Аҳмад Танбалға киши йибориб, анга боқти. Андижон кўҳ пояларидин Уйғур Мажам[203] дерлар, икки кўҳпоядур, Сайийд Юсуф Мажам[204] анинг улуғи эди, сўнгралар эшикда танимол[205] бўлуб эди. Иши улуғлуқтин ўтуб эди. Беклик дағдаға ва даъвоси бор эди. Агарчи ҳеч ким бек қилмайдур эди, ажаб мунофиқ ва бепошна мардак эди. Мен ушбу навбат Андижонни олғондин ушбу тарихқача шоядким, икки-уч қатла манга кириб Танбалға ёғиқти экин. Яна икки-уч қатла Танбалға кириб, манга ёғиқти экин. Охир ёғий бўлғони ушбу эди. Анинг била эл ва улус ва аймоқ хейли бор эди. Танбалға қўшулмасун деб оралай отландуқ. Ора қунуб, Пишхорон[206] навоҳисиға келдик. Пишхорон[207] қўрғониға Танбалнинг кишиси келиб кирган экандур. Бизнинг илғор беклари Али Дарвешбек ва Қўчбек оға-иниси била Пишхорон эшигига бориб, яхшилар чопқулаштилар. Қўчбек оға иниси била *(74 а)* яхшилар бордилар. Иликлари аксари ишга тегди.

Пишхороннинг бир шаръисида бир баланди устида туштук. Танбал Жаҳонгирни олиб Пишхорон қўрғонини орқай тушти. Уч-тўрт кундин сўнг бизинг мухолиф бекларким, Али Дўст ва Қанбар Али саллоҳ тавобиъ ва лавоҳиқи била бўлғайлар, яраш сўзини ораға сола кириштилар. Менинг ва менинг давлатхоналаримизнинг бу ярашдин асло илм ва хабарлари йўқ эди ва бизлар бу суратқа асло ризо бермас эрдук. Чун икки улуғ бек бу икки мардак эди, агар буларнинг сўзига қулоқ солмай сулҳ бўлмаса, ўзга эҳтимоллари ҳам бор эди. Зарурат бўлди, бу йўсунлуқ сулҳ бўлдуким, Хўжанд сувининг Ахси тарафи вилоятлар Жаҳонгир мирзоға тааллуқ бўлғай, Андижон тарафи вилоятлар манга тааллуқ бўлғай. Ўзгандни ҳам кўчларини чиқорғондин сўнг бизнинг девонға қўйғайлар. Вилоятлар қарор топғондин сўнг мен ва Жаҳонгир мирзо иттифоқ қилиб, Самарқанд устига юругайбиз. Самарқанд тахти муяссар ва мусаххар бўлғоч, Андижонни Жаҳонгир мирзоға *(74 б)* берилгай. Сўзни мунга қарор берилди.

Жаҳонгир мирзо ва Танбал тонгласиға келиб, ражаб ойининг авохирида мулозамат қилдилар. Ушбу муқаррар бўлғон йўсунлуқ аҳд ва шартлар бўлди. Жаҳонгир мирзоға Ахси сари рухсат бериб, ўзум Андижонға мурожаат қилдим. Андижонға келгач, Танбалнинг иниси Халил ва жамъиким, бандта эдилар, банддин чиқариб, хилъатлар кийдуруб рухсат берилди. Алар дағи банддағи бекларни ва ичкиларниким, Тағойи бек ва Муҳаммад Дўст ва Миршоҳ кавчин ва Сайийдбек ва Қосим Ажаб ва Пир Вайс ва Мирим Девон бошлиғлар бўлғай, бандтин чиқариб йибордилар.

Андижонға келгандин сўнг Али Дўстнинг атвори тамом ўзгача бўлди. Менинг била қазоқлиқларда ва меҳнатларда бўлғон кишилар била ёмон маош қила киришти. Аввал, Халифаға рухсат берди. Андин сўнг Иброҳим соруни ва Вайс Лоғарийни бегуноҳ ва бежиҳат туттуруб, талатиб, вилоятларидин айириб рухсат берди. Қосимбек била чирмашиб юрур эди. Зоҳирда муни санад қилдиким, Халифа ва Иброҳим Хожа Қозининг ҳаводорларидур. Мендин интиқом олғуларидур. Ўғли Муҳаммад Дўст худ подшоҳоиа *(75 а)* бун-



[200] Н: Кўрмайдилар.
[201] Ишлар вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст.
[202] Қ: Манжамий ёки Мунажжимий.
[203] Қ: Уйғу Манжам ёки мунажжим.
[204] Мунажжим ёки манжам.
[205] Қ: танимол.
[206, 207] ЕҚ Бишхорон.

ёдлар қуйди. Суҳбат ва шилон ва девон ва дастгоҳ борчани салотин дастури била қила бошлади. Бу оталиқ-уғуллуқ Танбалға орқаланиб, мундоқ ҳаракатлар бунёд қилдилар.

Менда ҳам онча ихтиёр ва иқтидор қолмадиким, бу навъ номаъқул ҳаракатлардин уларни манъ қила олғаймен. Не жиҳатдинким, Танбалдек душман мунинг орқа ва ҳимояти, ҳар не кунгуллари тилар эди, андоқ қилурлар эди. Ажаб нозук маҳалли эди. Ҳеч нима деб бўлмас эди. Бу оталиқ-уғуллуқтин ул муддатда ғалаба хорлиқлар тортилди.

Султон Аҳмад мирзонинг Ойша Султонбегим отлиқ қизиниким, ота, обоға тирик эканда манга қалинлиқ қилиб эдилар, Хўжандта келиб эди, шаъбон ойида олдим. Аввал олғонда агарчи меҳрим ёмон эмас эди, вале аввали кадхудолиқ эди, ҳаё ва ҳижоб жиҳатидин ҳар ўн, ўн беш-йигирма кунда бир навбат борур эрдим. Сўнгралар худ ул меҳр ҳам қолмади, вале ҳижоб ҳануз кўпрак бўлди, бир ойда ва қирқ кунда онам хоним муҳассилликлар била сура-сура ташвишлар била йиборур эди.

Бу фурсатларда бир *(75 б)* Ўрду бозорийнинг уғли бор эди, Бобурий отлиқ. Оти ҳам тавре муносиб тушуб эди.

**Ш е ъ р:**

*Мен анга ғариб майл пайдо қилдим,*
*Балким анга ўзни зору шайдо қилдим.*

Андин бурун ҳеч кишига мойил бўлғон эмас эдим, балки меҳру муҳаббат гуфту шунудин эшитмас эдим, демас эдим. Ул маҳаллар бирар байт, иккирар байт форсидин айтур эдим. Бу байтни анда айтиб эдим.

**Б а й т:**

*Ҳеч кас чун ман харобу ошиқу расво мабод,*
*Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму бепарво мабод.*

Ахёнан Бобурий менинг қошимға келур эди, вале мен ҳаё ва ҳижоб жиҳатидин Бобурий сори туз боқа олмас эдим, не жойи улким, ихтилот ва ҳикоят қила олғаймен ва нашъа ва изтироб сабабидин шукр қила олмас эдим, не имкони улким, кеттанидин шикоят қила олғайман. Мулозамат таклифи қилмоқликка худ кимга тоқат бор эди.

Бир кун ўшул меҳр ва муҳаббат авонида жамъе ҳамроҳ эдилар, бир кўчада келадур эдим, баякбор Бобурий рўбару учрай тушти. Манга инфиолдин андоқ ҳол бўлдуким, яқин эдиким, эригаймен.[208] Туз боқмоқлик ё сўз қотмоқлик *(76 а)* нинг худ имкони йўқ эди. Юз ҳижоб ва ташвиш била ўтулди. Муҳаммад Солиҳнинг бу байти хотирға келди.

**Б а й т:**

*Шавам шарманда ҳаргаҳ ёри худро дар назар*
*бинам,*
*Рафиқон сўи ман бинанду, ман сўи дигар бинам.*

Бу байт ажаб ҳасби ҳол воқиъ бўлди. Ишқ ва муҳаббат туғёнидин, шабоб ва жунун ғалаботидин бош яланг, оёқ яланг кўй ва кўчада ва боғ ва боғчада сайр қилур эрдим. Не илтифоти ошнову бегона ва не парвойи ўзу ғайр қилур эдим.

*Ошиқ ўлғоч бехуду девона бўлдум, билмадим,*
*Ким пари рухсоралар ишқиға бу эрмиш хавос.*

Гоҳи телбалардек ёлғуз пушта ва даштқа борур эдим. Гоҳи боғот ва маҳаллотни куча-бакуча ахтарур[209] эдим. Не юрумоқта ихтиёрим бор эди, не ўлтурмоқта, не бормоқта қарорим бор эди, не турмоқта.

**Ш е ъ р:**

*Не борурға қувватим бор, не турарға тоқатим,*
*Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг гирифтор, эй кўнгул.*

Ушбу йил Султон Али мирзо билан Муҳаммад Мазид тархоннинг орасида мухолафат тушди. Сабаби бу эрдиким, тархонийлар асру кўп эътибор ва ихтиёр бўлур эдилар. Бухорони дарбаст *(76 б)*[210] Боқи олиб эди. Бухоро сарқоридин донге кишига бермас эди. Муҳаммад Мазид тархон ҳам Самарқандта соҳиб ихтиёр тамом вилоётни уғлонларига ва тавобиъ ва лавоҳиқиға олиб эди. Шаҳрдин ҳар нима ротибаким таъйин қилиб эдилар, андин ўзга бир фулус ҳеч мамардин[211] Султон Али мирзоға тегмас эди. Султон Али мирзо улуғ йигит бўлуб эди. Буларнинг мундоқ маошиға неча таҳаммул қилсун? Бир неча ичкилари билан Муҳаммад Мазид тархоннинг қасди

[208] Н: Эриттаймен.
[209] Н: ихтиерур.
[210] Қ: Дардаст.
[211] Қ: Ҳеч нимадин.

макомида бўлди. Мухаммад Мазид тархон туюб, навкар-савдари тавобиъ ва лавохики била яна анинг била бор киши бори беклар била, мисли: Султон Хусайн арғун, Пир Ахмад арғун,[212] Хожа Хусайн, Узун Хасаннинг иниси Каро барлос, Солих Мухаммад яна баъзи беклар ва йигитлар била шахрдин чикди.

Ул фурсатларда Хон мирзоға Хон Мухаммад Хусайн дуғлатни ва Ахмадбекни ва яна калин муғул бекларини кўшуб Самарканд устига таъйин килиб эди. Хофизбек дўлдой ва ўғли Тохирбек худ Хон мирзонинг бек аткаси эдилар, Хасан набира ва Хиндубек ва баъзи йигитлар Хофизбек ва Тохирбек муносабати жихатидан Султон Али мирзодин кочиб, *(77 а)* Мирзо хон кошиға бориб эдилар, Мухаммад Мазид тархон кишилар йибориб, Хон мирзони ва муғул черикини тилаб, Шовдор навохисида келиб, Мирзо хонни кўруб, муғул беклари била мулокат килди.

Муғул бекларининг Мухаммад Мазид беклар била яхшиғина ихтилоти чикмади. Балки Мухаммад Мазид тархонни тутар хаёл хам килғоидурлар. Бу беклар англаб муғул черикидин бир бахона била айрилдилар. Булар айрилғоч, муғул черики хам тура олмади, ёниб Ёряйлок тушганда, Султон Али мирзо оз киши била Самаркандтин илғоб Хон мирзо била муғул черикининг устига етар, уруша хам олмаслар, бузулуб кочарлар. Охир чоғда Султон Али мирзонинг бир яхшиғина иши бу бўлдуким, Мухаммад Мазид тархон ва алар бу мирзолардин маъюс бўлуб, муғул Абдулваххобниким, мундин бурунрок[213] хам менинг кошимда бор эди, Андижон кабалида хам Хожа Кози била яхши якжихатликлар килиб, жонлар тортиб эди, манга йибориб мени тилабдурлар. Биз худ хароби бу муомала эдук.

Ушбу маслахат учун сулх килиб Самарканд устига юрумакка жозим эдук. Филхол, Мир Муғулни Ахсиға Жахонгир мирзо кошиға *(77 б)* булжор[214] била йибориб, Самарканд устига отланмок бўлдук. Зулкаъда ойида Самарканд устига черик отланиб, ора икки кўнуб, Кубоға келиб туштук. Намози дигар хабар келдиким, Султон Ахмад Танбалнинг иниси Халил келиб Ўш курғонини уғурлаб олибдур. Тафсили будурким,[215] сулх бўлғонда Танбалнинг иниси Халил бошлик бандиларни куюлуб эди. Нечукким, мазкур бўлди. Танбал Халилни Ўзгандаги кўч ва урукини чикормок учун йибориб эди, кўч чикормок бахонаси била бориб, Ўзгандга кириб бу кун чикай, тонгла чикай деб хиял килиб, чикмайдур эди. Биз черик отланғонда фурсат топиб, Ўш холи колғонда кеча била келиб, Ўш курғонини уғурлаб олибтур.

Бу хабар бизга келгач, турмокнинг ва яна булар била чирмашмокнинг маслахатини неча жихаттин топмай, Самарканд сари-ук мутаважжих бўлдук. Бир буким, бизнинг сипохий отоғлик тамом черик яроғини килмок учун уйлук-уйига хар сариға таркаб эди. Сулхка эътимод килиб буларнинг бу макр ва ғадридин бехабар ва ғофил эдук. Яна бир буким, Али Дўст *(78 а)* ва Канбар Алидек улуғ бекларимиздин неча навбат харакатлар зохир бўлдуким, аларға эътимод колмади, нечукким мазкур бўлди. Яна бир буким, Мухаммад Мазид тархон бошлиғ жамиъ Самарканд беклари мени тилай Мир Муғулни йибориб эдилар. Самарканддек пойтахт турғунча, не киройи ул килғайким,[216] Андижондек ер учун киши авкот зойиъ килғай.

Кубодин Марғииоиға келилди. Кўчбекнинг отаси Султон Ахмадбекка Марғинонни берилиб эди, алойик ва авойик жихатидан менинг била эргаша олмай Марғинонда колди. Ўғли Кўчбек бир-икки оға-иниси била менинг била бордилар.

Испара йўлиға мутаважжих бўлдук. Испаранинг тавобии Махан[217] отлик кентга келиб туштук. Иттифокоти хасанадин Косимбек жамоати била, Али Дўст жамоати била, Саййид Косим яна бир пора калин йигитлар била ушбу охшом Маханда[218] эканда булжор килгондек, борча келиб котилдилар. Андин отланиб дашти Хасбон[219] била юруб, Чўпон кўпругидин ўтуб, Ўратепа келдим. Канбар Али ўз вилояти Хужандтин Танбалға эътимод килиб черик маслахатини сўзлаша Ахсиға келур. Бу вокиъа бўлғоч, Танбал ани банд килиб олиб *(78 б)* вилоятларининг устига юрур. Ул бир туркий масал бордурким, «Инонмағил дўстунгға, сомон тикар пўстунгға». Йўлда келадургонда яёк кочиб юз ташвишлар била Ўратепага келди. Ўратепада эканда хабар келдиким, Шай-

[212] Л: арғун сўзи йўк.
[213] Н: бурнарок.
[214] Е: булчор.
[215] Л: олиб, тўрт фасили будурким.

[216] ЕК: килурким.
[217, 218] К: Мухсин.
[219] К: Хасан.

бонийхон қалъайи Дабусида Боқи тархонни босиб Бухоро устига борибтур. Ўратепадин Бўрка йайлоқи йўли била Сангзорға келдук. Сангзор доруғаси қўрғонни берди. Қанбар Али чун туттуруб, олдуруб келиб эди, ани Сангзорда қуюб ўттук. Келиб Хон юртиға тушганда Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари келиб мулозамат қилдилар. Самарқанд тасхирининг кайфиятини булар била машварат қилилди. Дедиларким, Хожа Яҳё ҳам подшоҳнинг хоҳонидур. Агар Хожа барин бўлса, Самарқанд бежангу жидол осонлиқ била муяссар бўлур. Бу жиҳаттин неча навбат Хожа Яҳёға кишилар йиборилиб сўзлашилди. Хожа Яҳё бизни Самарқандға киюрмакни жазм этиб йибормади, вале маъюс бўлғудек сўз ҳам айтмади. Хон юртидин кўчуб, Дарғам ёқасиға келдук. Дарғам ёқасидин Хожа Яҳёға Хожа Муҳаммад Али китобдорни йиборилди. Хабар келтурдиким, *(79 а)* келсунлар, шаҳрни берурбиз. Дарғамдин кечга ёвуқ отланиб, шаҳрға мутаважжиҳ бўлдук.

Султон Маҳмуд дўлдой Султон Муҳаммад дўлдойнинг отаси юрттин-ўқ кочиб бориб, бу иттифоқдин аларни хабардор қилибтур, чун хабар топтилар, ул қилғои хаёл муяссар бўлмади, ёниб Дарғам ёқасиға тўштук. Иброҳим соруйи минглиғким, менинг бир яхши риоят қилғон бегим эди, Али Дўст туттуруб қовлатиб эди, мен Ёрайлоққа келган фурсатда Сайийд Юсуфбекнинг улуғ ўғли Муҳаммад Юсуф била келиб мулозамат қилди. Бизнинг бойири бекларимиз ва ичкиларимизким, Али Дўстнинг зидди эдилар, буларнинг баъзисини қовлаб, баъзисини талаб, баъзисини туттуруб эди, бирор-бирор йиғилиб келдилар.

Али Дўст заиф бўлуб эди. Не учунким, Танбални орқаланиб манга[220] ва менинг давлатхоҳларимга жафо ва азоблар қилур эди. Менинг ҳам табъим бу мардак била ёмон эди, ҳам инфиолдин ва ҳам таваҳҳумдин тура олмади, рухсат тилади. Мен даги миннат туттум, рухсат бердим. Али Дўст ва Муҳаммад Дўст[221] ўшул *(79 б)* рухсат олғои била Танбал қошиға бордилар. Танбалға муқарраб бўлуб, ғалаба ёғийлиқлар ва ёмонлиқлар бу оталиқ-ўғуллуқтин зуҳурга келди. Бир-икки йилдин сўнг Али Дўстнинг илигига қорт чиқиб ўлди. Муҳаммад Дўст ўзбакка кириб эди. Филжумла, ёмон эмас эди. Андин ҳам кўрнамаклик қилиб, қочиб, Андижоннинг кўҳпоялариға бориб, ёғийлиқлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбак илигига[222] тушти. Кўзларини кўр қилдилар. «Кўзларини туз тутти»нинг бу маъниси бор эмиш.

Буларға рухсат бергандин сўнг Ғури барлосни бир неча йигитлар била хабар учун Бухоро сари йиборилиб эди. Хабар келдиким, Шайбонийхон Бухорони олиб, Самарқанд устига мутаважжиҳ бўлди. Ул навоҳида бўлмоқни маслаҳат кўрмай Кеш сари азимат қилдук. Бу Самарқанд бекларининг аксар кўчлари ҳам Кешда эди. Кешга келгандин бир-икки ҳафтадин сўнг хабар келдиким, Султон Али мирзо Самарқандни Шайбонийхонға берди. Тафсили будурким, Султон Али мирзонинг онаси Зуҳрабеги оға билмаслигидин ва беақллиғидин махфий Шайбонийхонға киши йиборур, бу мазмун билаким, Шайбонийхон *(80 а)* ани олур бўлса, ўғли Шайбонийхонга Самарқандни бергай. Отасининг вилоятини олғондин сўнг Султон Али мирзоға бергай.

Бу раъйдин Абу Юсуф арғуннинг хабари бор экандур, балки бу раъйини кўрсатгучи ўшул ғаддор экандур.

## Вақоиъи санайи ситта ва тисъа миа*

Шайбонийхон ушбу хотуннинг ваъдаси била келиб, Боғи Майдонға тушти. Туш вақтида Султон Али мирзо бек-бекотиға, йигит-ялангига, ҳеч кимга хабар қилмай, ҳеч ким била кенгашмай, бир неча ёвуғидаги кичик-кирим била Чорраҳа дарвозасидин Боғи Майдонға Шайбонийхон қошиға борди. Шайбонийхон хейли яхши ҳам кўрмади. Кўрушгандин сўнг қуйи ёнда ўлтурғузди. Хожа Яҳё мирзонинг чиққонини хабар топиб, изтиробда бўлди, ҳеч чора топа олмай, Хожа ҳам чиқти, Шайбонийхон қўпмай-ўқ кўрушти. Бир пора шикоятомиз сўзлар айтти. Хожа Яҳё қўпқонда Шайбонийхон таъзим қилиб қўпти. Жонали Хожа Алибойнинг ўғли Работи Хожада эди. Мирзосининг чиққон хабарини эшитиб,

* Тўққиз юз олтинчи (1500—1501) йил воқеалари

[220] ЕҚ: кетурмакни.
[221] Қ: Бу ном йўқ.
[222] Н: элига.

ул ҳам Шайбонийхон қошиға келди. Бу бедавлат хотун чун ноқиси ақл эди, эрга тегар ҳавоси била уғлининг хону *(80 б)* монин барбод берди. Шайбонийхон бир зарра парво ҳам қилмади, балки ғума-ғунчачидек кўзга илмади.

Султон Али мирзо ҳам ўз ишига ҳайрон ва чиққонидин беҳад пушаймон эди. Баъзи ёвуқлари кайфиятни англаб, мирзони олиб қочмоқ хаёли[223] қилдилар. Султон Али мирзо рози бўлмади, чун ажал етиб эди, қутулмади. Темур Султон била тушар эди, тўрт-беш кундин сўнг Қулба ўлангида ўлтурдилар. Бу беш кунлук ўлар жон учун ёмон от била борди. Хотун сўзига кириб, ўзини некномлар чаргасидин чиқарди. Мундоқ кишининг вақойини мундин ортуқ битиб бўлмас. Бу йўсунлуқ шаниъ ҳаракотни мундин ортуқ эшитиб бўлмас.

Султон Али мирзони ўлтургандин сўнг Жоналини ҳам мирзоси қошиға йиборди.

Хожа Яҳёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳим эди, икки уғли Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Боқий била Хуросон сари рухсат берди. Кейнидин бир неча ўзбак бориб, ҳазрати Хожани ики йигит уғли била Хожа Кордзан[224] навоҳисида шаҳид қилдилар. Шайбонийхоннинг сўзи бу экандурким, Хожанинг иши *(81 а)* мендин эмас эди, Қанбарбий ва Кўпакбий қилдилар. Бу андин ёмонроқ. Масал борким: «Узраш батар аз гуноҳ»[225]. Мундоқ ишларни беклар ўз боши била хонидин ва подшоҳидин бевуқуф қила бошласа, бас хонлиғиға ва подшоҳлиғиға не эътибор?

Самарқандни ўзбак олғоч, Кешдин Ҳисор сари мутаважжиҳ бўлдук. Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари кўч ва аҳлу аёллари била бизинг била тебрадилар. Чағониённинг Чилту[226] ўлангига тушганда, Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари айрилиб бориб, Хисравшоҳқа навкар бўлдилар.

Биз шаҳр ва вилояттин маҳрум, борур-турари-миз номаълум. Бовужудиким, Хисравшоҳ не миқдор бизнинг хонводаға ҳайфлар ўткариб эди, чора тополмай, зарураттин анинг вилоятининг ичи била-уқ ўттук. Бир хаёл қилилиб эрдиким, Қоратегин ва Алай[227] била ўтуб, кичик хон додамғаким, Олачахон бўлғай, борилғай, ул муяссар бўлмади. Камруд била юққори юруб, Сири тоқ[228] добонидин ошмоқ бўлдук. Навандоқ навоҳисиға етганда, Хисравшоҳнинг навкари бир тўққуз от ва бир тўққуз парча келтурди. Камруд оғзиға тушганда, Шерали *(81 б)* чуҳра кочиб Хисравшоҳ қошиға борди. Тонгласиға Қўчбек айрилиб Ҳисор борди. Камруд дарасиға[229] кириб, юққори боқа юрудук. Танги[230] ва учма йўлларда тунд ва тез кўталларда қалин от ва тева қолди. Уч-тўрт ора қўнуб, Сири тоқ кўталиға еттук, кўтал ва не навъ кўтал, ҳаргиз мундоқ баланд ва танг кўтал кўрулган эмас, ҳеч вақт мундоқ танги ва учма йўллар била юрулган эмас. Кўп ташвиш ва суубат била мухотара танги ва учмалардин ўтуб, юз ранж ва машаққат била муҳлик баланд ва танг кўталлардин ошиб, Фон навоҳисиға келдук. Фон тоғларининг орасида бир улуғ кўл тушубдур, муҳити тахминан бир шаръий бўлғой, тавр кўлидур, ғаробаттин холи эмас.

Хабар топилдиким, Иброҳим тархон Шероз қўрғонини беркитиб ўлтурубтур. Ёряйлоқ қўрғонларида ҳам Қанбар Али ва Абулқосим кўҳбурким, Хожа Дийдорда эди, ўзбак Самарқандни олғонда Хожа Дийдорда тура олмай, Ёряйлоққа келиб, қуйиғи қўрғонларда эди, беркитиб ўлтурубтурлар. Фонни ўнг қўлда қўюб Каштуд[231] сари юрудук. Фон малики карам ва саховат ва хизматкорлиқ ва инсоният била машҳур ва маъруф *(82 а)* эди, Султон Масъуд мирзо, Султон Ҳусайн мирзо Ҳисор устига келганда, иниси Бойсунқур мирзоға Самарқандға бу йўл била бориб эди. Фон малики етмиш-сексон от пешкаш қилди. Ўзга хизматкорликларни ҳам ушбу йўсунлиқ қилди. Манга бир фурудроқ от йибориб, ўзи ҳам келмади. Бизга етганда саховат била машҳур бўлғон эл хасис бўлур. Мурувват била мазкур бўлғон элнинг муруввати унутулур. Хисравшоҳким, саховат ва карам била маъруф ва машҳур эди, Бадиъуззамон мирзоға не навъ хизматкорликлар қилғони мазкур бўлди.

Яна Боқи тархонға ва ўзга бекларга асру кўп инсоният ва бахшишлар кўрсатти. Икки навбат анинг вилоятидин убурумиз воқиъ бўлди. Бизнинг абнойи жинсимиз демайки, адно навкари-

[223] ЕН: хаёл.
[224] ҚЛ: Корузан.
[225] «Узри гуноҳидин ёмонроқ».
[226] Қ: Хилту.
[227] ЕУ: Олай вилояти.

[228] Қ: Сарв тоғ.
[229] Қ: дарёсиға.
[230] Е: тангида.
[231] Қ: Киштут.

мизга қилғон инсониятни бизга қилмади, балки навкаримизча бизни кўзга илмади.

**Б а й т:**

*Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин*
*яхшилиқ,*
*Кимки андин яхши йўқ, кўз тутма ондин*
*яхшилиқ.*

Фондин ўтгач, Каштуд қўрғонида ўзбак кишиси бор хаёл қилиб, Каштуд устига илғадук. Каштуд қўрғони худ бузуқ экандур. Бу муддатта анда киши ўлтурғон эмас экандур. Андин ўтуб *(82 б)* Кўҳак суйининг ёқасиға келиб туштук, Ёрининг тўғрисидин Кўҳак суйидин кўпрук била кечтук. Қосимбек бошлиғ бекларни йиборилдиким, Работи Хожа қўрғонини уғурлуқ била олғайлар. Биз Ёридин ўтуб Шунқорхона тоғидин ошиб, Ёрайлоққа келдук. Работи Хожага борғон беклар шоту қуяр маҳалда туюбтурлар, ё туйдурубтурлар,[232] ола олмай ёниб келдилар.

Қанбар Али Сангзорда эди, келиб кўрди. Абулқосим кўҳбур ва Иброҳим тархон ўбдон кишиларини мулозаматқа йибориб, қуллуқ ва ихлос изҳорини қилдилар. Ёрайлоқ кентларидин Асфидак қўрғониға келдук.

Ул фурсатта Шайбонийхон Хожа Дийдор навоҳисида ўлтуруб эди. Уч-тўрт минг ўзбаки бор эди. Яна ерлик[233] сипоҳийдин ҳам мунча чоғлиқ киши йиғилиб эди. Самарқанд доруғалиғини Жонвафо мирзоға бериб эди. Беш-олти юз киши била Самарқанд қўрғонининг ичида эди. Ҳамза Султон била Маҳдий Султон тавобиъ ва лавоҳиқи била Самарқанднинг ёвуғида Будана қўруғида ўлтуруб эди.

Бизнинг кишимиз яхши ва ёмон икки юз *(83 а)* қирқ киши эди. Бори беклар ва йигит-яланг била сўзлашиб, сўзни мунга қўйдукким, Шайбонийхон Самарқандни яқинда олиб, ҳануз эл анга ва ул элга кўнгул тўхтатмайдурлар, ушбу фурсатта бир иш қила олсак худ қилғайбиз. Агар Самарқанд қўрғонини шоту қуюб уғурлуқ била олсак, Самарқанд эли худ бизнингдур. Не чораси бор? Агар бизга мадад қилмасалар, ўзбак учун худ урушмағуларидур. Самарқандни иликлагандин сўнг ҳар не Тенгрининг хости бўлса, ул бўлғусидур.

Бу қарор била намози пешиндин сўнг Ёрайлоқдин отланиб, кеча тун қотиб ярим кеча Хон юртиға еттук. Ул охшом эл хабардор бўлубтур деб қўрғоннинг ёвуғиға келмай, Хон юртидин-ўқ ёнилди. Тонг отиб эдиким, Работи Хожадин қуйироқ Кўҳак суйини кечиб, яна Ёрайлоқ келдук. Бир кун Асидак қўрғонида жамиъ ичкилар, мисли Дўст Носир, Нуён кўкалдош,[234] Хонқули, Каримдод, Шайх Дарвеш, Хисрав кўкалдош, Мирим Носир бори ҳозир эдилар, менинг қошимда ўлтуруб эдилар. Ҳар тарафдин сўз ўтадур эди. Дедимким: «Келинг, айтингким, *(83 б)* Тенгри рост келтурса, Самарқандни қачон олғайбиз?» Баъзи дедиларким: «Ёзға олғайбиз». Ул маҳал кеч куз эди. Баъзи «бир ой», баъзи «қирқ кун», баъзи «йигирма кун» дедилар. Нуён кўкалдош дедиким «Ўн тўрт кунда олурбиз». Тенгри рост келтурди, рост ўн тўрт кунда-ўқ Самарқандни олдук.

Ушул фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш курарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат Хожанинг хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушди. Қўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин кўпти. Туркий дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ушул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим.

Бир-икки кундин сўнг Асфидак қўрғонидин Васманд қўрғоиниға келилди. Бовужудиким, бир қатла Самарқанд навоҳисиға бориб, туйдуруб келиб эдук, *(84 а)* яна Тенгрига таваккул қилиб, ушул хаёл била Васмандтин намози пешиндин сўнг Самарқанд устига илғадук. Хожа Абулмакорим ҳам ҳамроҳ эди. Ярим кеча Хиёвоннинг Пули Мағокиға етиб, етмиш-сексон ўбдон йигитларни илгари айирдукким, Ғори Ошиқон тўғрисидин шоту қуюб чиқиб келиб, Феруза[235] дарвозасидағиларнинг устига юруб,[236] дарвозани иликлаб бизга киши йиборгайлар.

Бу йигитлар бориб Ғори Ошиқон тўғрисидин

[232] ҚН: ёндурубтурлар.
[233] ЕҚ: бизинг.

[234] Қ: «Қосим кўкалтош» бор.
[235] Л: Ҳамма жойда «Пируза» шаклида.
[236] ЕН: туруб.

шоту қуюб чиқибтурлар. Ҳеч ким туймайдур. Андин Феруза дарвозасиға келиб Фозил тархонким, ул бек тархонлардин эмас, туркистоний савдогар тархонлардин бўлур. Шайбонийхонға Туркистонда хизмат қилиб, риоят топиб эди, устига юрурлар. Фозил тархонни бир неча навкари била чопқулаб ўлтуруб, дарвозанинг қуфлини болту била чопиб, дарвозани очтилар.

Ушбу фурсатта мен етган била-оқ Феруза дарвозасидин кирдим. Абулқосим кўҳбур ўзи келмайдур эди. Иниси Аҳмад Қосимни ўттуз-қиркча навкари била йиборгиб эди. Иброҳим тархоннинг кишиси худ йўқ эди. Шаҳрға кириб, хонақоҳда ўлтурғонда Аҳмад тархон отлиқ иниси *(84 б)* бир неча навкари била келди. Шаҳр эли ҳануз уйқуда эдилар. Дукондорлар дуконларидин боқиб таниб дуо қилурлар эди. Андак фурсаттин сўнг шаҳр эли хабардор бўлдилар. Бизнинг элга ва шаҳр элига[237] ғариб башошат ва нашъа эди. Телба итлардек ўзбакларни куча сойиларда тош ва таёқ била ўлтурдилар. Тахминан тўрт-беш юз ўзбакни ушбу дастур била ўлтурдилар эркин.

Шаҳр доруғаси Жонвафо Хожа Яҳёнинг уйларида эди, кочиб чиқиб Шайбоқхон[238] қошиға борди. Дарвозадин кириб мадраса ва хонақоҳ сари-оқ юрудум. Келиб хонақоҳнинг тоқининг устида[239] ўлтурдум. Тонг отгунча тўш-тўшдин сурон эди ва ғавғо эди. Баъзи хабардор бўлғон арбоб ва дукондорлар келиб, нашъа ва башошатлар била кўруб, моҳазари келтуруб дуолар қилдилар.

Тонг отқондин сўнг хабар келдиким, Оҳанин дарвозасида икки дарвозанинг орасини ўзбаклар беркитиб урушадурлар. Филҳол, отланиб Оҳанин дарвозасиға мутаважжиҳ бўлдум. Менинг била ўн-ўн беш, йигирма киши бўлғай эди, эл қаллош, янги шаҳр иликка тушубтур. Ҳар ким кунжковликка бир гушада *(85 а)* машғул. Мен етгунча Оҳанин дарвозасидин ўзбакларни шаҳр эли уруб[240] чиқарибтурлар. Шайбоқхон бу хабарни топиб, изтироб била офтоб чиққанда юз-юз эллик киши била Оҳанин дарвозасиға етиб келди. Ғариб қопуда келиб эди. Вале менинг била киши кўп оз эди, нечукким мазкур бўлди. Шайбоқхон кўрдиким, ҳеч иш қила олмас, турмади, бот-оқ ёнди.

Андин ёниб келиб, арқта Бўстонсаройға туштим. Акобир ва ашроф ва шаҳр улуғлари мени келиб кўруб, муборакбодлиғлар қилдилар. Юз қирқ йилга ёвуқ Самарқанд пойтахти бизнинг хонаводада эди. Қандағи ёт ёғий ўзбак келиб мутасарриф бўлуб эди. Иликдин кетган мулкни яна Тенгри берди. Ғорат ва торож топган[241] вилоят тасаррруфимизға кирди.

Султон Ҳусайн мирзо ҳам Ҳиротни ушбу йўсунлуқ ғофилликта олибтур. Вале иш билур киши олида равшан ва инсофлиқ эл қошида мубайяндурким, бу иш била ул иш орасида тафовутлардур ва ул олиш била, бу олиш орасида кўп фарқ бордур. Аввал буким, Султон Ҳусайн мирзо кўп ишлар кўрган, бисёр тажрибалар кечурган улуғ ёшлиқ подшоҳ эди. Иккинчи буким, ғаними Ёдгор Муҳаммад Носир мирзо эди, ўн етти-ўн секкиз ёшлиқ бетажриба *(85 б)* ўғлон йигит[242] эди. Учунчи буким, ғанимнинг ичидин кайфиёт ва ҳолотни билган киши Мир Али мироҳўр мирзоға кишилар йибориб, ғофилликта ғаним устига келтурди. Тўртунчи буким, ғаними қўрғонда эмас эди, Боғи Зоғонда эди. Султон Ҳусайн мирзо олғон маҳалда Ёдгор Муҳаммад мирзо ва тавобии андоқ ичкулукка тушган экандурларким, ул кеча Ёдгор Муҳаммад мирзонинг эшигида уч киши экандур, алар ҳам маст, ўзи ҳам маст. Бешинчи буким, ул мартаба ғофилликта-оқ келди ва олди.

Мен Самарқанд олгонда, ўн тўққуз ёшта эдим. Не кўп иш кўруб эдим, не тажриба бўлуб эди. Иккинчи буким, менинг ғанимим Шайбоқхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуғ ёшлиқ киши эди. Учинчи буким, бизга Самарқандтин ҳеч киши келмайдур эди. Агарчи шаҳр эли манга кўнгуллук эди, вале Шайбоқхоннинг қўрқунчидин ҳеч киши бу хаёлни қила олмас эди. Тўртунчи буким, менинг ғанимим қўрғонда эди, ҳам қўрғонни олилди, ҳам ғанимни кочурулди. Бешинчи буким, бир мартаба Самарқанд қасдиға келиб, ғанимға туйдуруб, иккинчи мартаба келганда Тенгри рост келтурди, Самарқанд фатҳ бўлди.

Бу деганлардин ғараз элга санг кам урмоқ эмас, баёни воқеи бу эрдиким, мазкур бўлди. Бу

[237] Н: элга.
[238] Қ: Шайбоний; Е: Шайбон.
[239] Қ: Тоқ устида.
[240] Л: «Шаҳр эли уруб» сўзлари йўқ.

[241] Н: Ғорат ва торож етган мулкни яна.
[242] Е: киши.

битилганлардин максуд узини[243] орттурмок эмас, *(86 а)* рости бу эрдиким, мастур булди. Бу фатхда шуаро таърихлар айтиб эдилар. Ул жумладин бир байт хотирда колибтур.

**Б а й т:**

*Боз гуфто хирад ки таърихаш*
*«Фатхи Бобур баходур аст», бидон.*[244]

Самарканд фатхидин сунг Шовдор ва Суғд ва тумонот ёвуғи курғонлар бирар-бирар манга ружуъ кила бошладилар. Баъзи курғонлардин узбак доруғалари таваххум килиб, солиб чиктилар ва баъзи курғонлар узбак кишисини ковлаб бизга кирдилар. Баъзи доруғаларни тутуб, курғонларни беркиттилар. Ушбу фурсатта Шайбокхоннинг ва узбакларнинг куч ва уруклари Туркистондин келдилар. Шайбокхон Хожа Дийдор ва Алиобод навохисида эди. Курғонларнинг мундок кирганларини ва элнинг бу навъ ружуъини куруб, ултурғон еридин Бухоро сари кечти. Тенгри инояти била Суғд ва Миёнкол курғонлари уч-турт ойда аксар бизга ружуъ килдилар. Боки тархон хам фурсат топиб келиб, Карши курғониға кирди. Хузор ва Карши хам узбак тасарруфидин чикти. Коракулни хам Марвдин Абулмухсин *(86 б)* мирзонинг кишиси келиб олди. Ишимиз бисёр тараккий устида булди.

Менинг волидаларим ва куч ва урукларим мен Андижондин чикғандин сунгра юз ташвиш ва машаккатлар била Уратепа келиб эдилар, киши йибориб Самаркандға келтурдук. Ушул неча кунда Султон Ахмад мирзонинг кизи Ойиша Султонбегимдинким, аввал менинг акди никохимға кирган бу эди, бир киз булди. Фахрунисоға мавсум булди. Менинг тунғуч[245] фарзандим бу эди, ул тарихда мен ун туккуз ёшта эдим. Ушул бир ойкирк кунда-ук Тенгри рахматиға борди.

Самарканд фатхидин сунг каррот ва маррот атроф ва жавонибдағи хавонин ва салотин ва умаро ва сархаднишинларға истимдод ва истионат учун мутавотир ва мутаокиб элчилар ва тавочилар бордилар ва келдилар. Баъзи бовужуди тажрибалар сахл инкорлик килдилар. Баъзидинким, нисбат бу табакаға беадабликлар ва нохушлуклар вокиъ булуб эди, уз таваххумларидин тағофул килдилар. Баъзиларким, кумак йибордилар, муътаддун бих кумак эмас эди. Нечукким, хар кайси уз ерида мазкур булғусидур.

Бу иккинчи навбат Самаркандни олғонда, Алишербек *(87 а)* тирик эди. Бир навбат манга китобати хам келиб эди.

Мен хам бир китобат йибориб эдим, оркасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафрика ва ғавғо булди. Шайбокхон Самаркандни олғонда, Мулло Бинойини мулозим килиб эди. Шайбокхон била эди. Самарканд фатхидин неча кундин сунгра Самаркандға келди. Косимбек андин бадгумон булуб, Шахрисабз сари рухсат берди. Неча кундин сунг чун фазилатлик киши эди, гунохе содир булмайдур эди, Самаркандға келтурдук. Доим касида ва ғазал уткарур эди. Навода бир амал менинг отимға боғлаб уткарди. Ушул аснода бир рубоий айтиб уткарди.

**Р у б о и й:**

*Не ғалла маро к-аз у тавонам нушид,*
*Не мухмали ғалла то тавонам пушид.*
*Онроки на хурданасту не пушидан,*
*Дар илму хунар кужо тавонад кушид.*[246]

Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале ғазал тугатмайдур эрдим. Биргина туркий рубоий айтиб йибордим.

**Р у б о и й:**

*Ишлар бори кунглунгдағидек булғусидур,*
*Инъому вазифа бори буйрулғусидур.*
*Ул ғаллау мухмалки деб эрдинг, бердим,*
*Мухмалға бую ғалладин уй тулғусидур.*

Мулло Биноий бу рубоийнинг *(87 б)* сунгги мисраининг кофиясини радиф килиб, узга кофия била бир рубоий айтиб уткарди:

*Мирзомки, шохи бахру бар булғусидур,*
*Оламда хунар бирла сар булғусидур.*
*Бир мухмал учун мунча иноят булди,*
*Мустаъмал*[247] *агар десам, нелар булғусидур.*

Ул фурсатта Хожа Абулбарака Фироқий Шахрсабздин Самаркандға келиб эди. Дедиким,

[243] КН: Узни.
[244] Акл яна айтдики, билгил унинг тарихи «Фатхи Бобур Баходур» булур (906 йил).
[245] К: Тунгух; Л: тун.
[246] Не егулик ғаллам бор ва на кийинишга асраган кийимим бор. Ейдигани, киядигани булмаган киши илм ва хунарга кандай урина олсин?
[247] Л: маъкул.

ушул радиф ва қофияда айтмоқ керак эди. Бу рубоийни Хожа Абулбарака айтди.

**Рубоий:**

*Бу жаврки қилди давр сурулғусидур,*
*Султони карам бу узрни қулғусидур.*
*Тўкулган агарчи тўлмас, эй соқий,*
*Тўкулгонимиз бу даврда тўлғусидур.*

Бу кишликта ишимиз бисёр тараққийда эди. Шайбоқхоннинг иши таназзулда эди.

Бу аснода бир-икки иш ярамасроқ бўлди. Марвдин келиб Қоракўлни олғонлар тухтата[248] олмадилар. Қоракўл яна ўзбаклар тасарруфиға кирди.

Қалъайи Дабусида Иброҳим тархоннинг Аҳмад тархон отлиқ иниси эди. Шайбоқхон келиб қабади. Биз черик йиғиб истиъдод тайёр қилғунча, зўрлаб олди. Элни тамом қатли ом қилди.

Мен Самарқандни олғонда саноғлиқ икки юз қирқ кишим *(88 а)* бор эди. Беш-олти ойнинг орасида Тенгри таолонинг инояти била онча бўлдуким, Шайбоқхондек киши била Сарипулда масоф уруштуқ. Нечукким, мазкур бўлғусидур.

Атроф ва жавонибдағилардин: хондин Айюб Бекчик ва Қашқа Маҳмуд ва боринлар тўрт-беш юз киши кўмакка келиб эди. Жаҳонгир мирзодин Танбалнинг иниси Халил юз-икки юз киши била кўмакка келиб эди. Султон Ҳусайн мирзодек соҳиб тажрибалик подшоҳдинким, Шайбоқхоннинг афъол ва атворини мирзодин яхшироқ киши билмас эди, ҳеч киши кўмакка келмади. Бадиъуззамон мирзодин ҳам киши келмади. Хисравшоҳ худ ўзининг таваҳҳумидин киши йибормади. Чун бемиқдор ёмонлиқлар андин нисбат бу хонаводаға вoқиъ бўлуб эди, нечукким,[249] мазкур бўлди, биздин қўрқунчи кўпрак эди.

Шаввол ойида Шайбоқхон била урушмоқ доияси била сафар қилиб, Боғи Навға чиқтим. Беш-олти кун Боғи Навда черик йиғилмоқ ва истиъдод тайёр бўлмоқ маслаҳати учун ўлтурулди. Боғи Навдин отланиб кўч-баркўч мутаважжиҳ бўлдук. Сарипулдин ўтуб туштук, ўрду гирдини тамом шох, *(88 б)* хандақ била эҳтимом ва эҳтиёт қилиб мазбут қилдук. Шайбоқхон наридин келиб Хожа Кордзан[250] навоҳисиға тушти. Ора тахминан бир йиғоч бўлғай эди. Тўрт-беш кун бу юртта ўлтурулди. Бизнинг кишимиз ва ёғий кишиси кунда наридин келиб беридин бориб, отқулашиб урушурлар эди. Бир кун ғаним кишиси кўпрак келди. Хейли уруш бўлди. Ҳеч тарафдин ортуқсилиқ бўлмади. Бизнинг бир туғлуқ киши енгилрак ёниб хандаққа кирибтур. Баъзи Сайди Қоробекнинг туғи эди дедилар. Сайди Қоро, агарчи сўзига ўз эди, қиличиға забунроқ[251] эди.

Ушбу авқотта бир кеча Шайбоқхон шабихун[252] келди. Черик гирдини шох[253] ва хандақ била мустаҳкам ва мазбут қилилиб эди, келиб ҳеч иш қила олмади. Хандақнинг тошидин сурон солиб, бир пора ўқ қуюб ёндилар. Уруш ишига мен саъй ва эҳтимом қилдим. Қанбар Али ҳам соий эди. Боқи тархон минг-икки минг яроқлиқ киши била Кешга тушубтур, икки кунда бизга қўшулур. Саййид Муҳаммад мирзо дуғлат ҳам хон додам қошидин кўмак келиб, минг-минг беш юз киши *(89 а)* била Диюл тушубтур, ора тўрт йиғоч йўлдур. Сабоҳиға бизга қўшулур. Ушмундоқ маҳалда таъжил қилдук, уруштук.

*Ба тунди сабук даст бурдан ба тиғ,*
*Ба дандон газад пушти дасти дариғ.*[254]

Менинг эҳтимомимнинг жиҳати бу эрдиким, уруш куни секкиз юлдуз ораликта эди, агар ул кундин ўтса, ўн уч-ўн тўрт кунгача секкиз юлдуз ғаним орқаси сари бўлур эди. Ул мулоҳазалар ҳеч экандур. Бетақриб таъжил қилибтурбиз. Сабоҳи уруш доияси била жибаланиб, отларға кечим солиб, Баронғор, жавонғор, ғул, ировул ясол ясаб мутаважжиҳ бўлдук. Баронғор Иброҳим сору, Иброҳим жоний, Абулқосим куҳбур яна баъзи беклар эди. Жавонғор Муҳаммад Мазид тархон, Иброҳим тархон яна Самарқанд беклари Султон Ҳусайн арғун, Қоро барлос, Пир Аҳмад, Хожа Ҳусайн эди. Ғулда Қосимбек ва яна баъзи ёвуқ ичкилар эди. Ировул Қанбар Али саллох, Банда Али, Хожа Али, Миршоҳ қавчин, Саййид Қосим эшик оға, Холдор, Банда Алининг иниси Кўч[255],

[248] Қ: тўхтай.
[249] Н: нечукким мақсуд.
[250] Н: Корузан; Р: Кордун.

[251] Л: Хулё.
[252] Н: шабҳақи; Қ: шабхун.
[253] Қ: шохбанд.
[254] Енгилтак аччиғланганда тиғ билан қўлни кесар, сўнгра қўли орқасин тиш билан чайнар.
[255] Р: Кўчбек.

Ҳайдар Қосим, Қосимбекнинг ўғли бўлғон убдон йигитларни ва ичкиларни тамом ировулға битилиб эди.

Бизким ясоб чиқтук, ғаним ҳам ўтрудин[256] *(89 б)* ясоб пайдо бўлди. Баронғор Маҳмуд Султон, Жонибек Султон, Темур Султон, жавонғор Ҳамза Султон, Маҳдий Султон, яна баъзи султонлар эди. Ясоллар ёвуқ етгач, ғанимнинг баронғорининг учи бизнинг орқамиз сари бурулди. Мен ҳам юзумни алар сари қилдим. Бизнинг ировулким, неким бўлғай, иш кўрган, қилич чопқон йигитларни тамом ировулға битилиб эди, ўнг қўл сари қолди. Олимизда хеч киши қолмади. Бовужудким, илгари келган кишиларни уруб, ёндуруб, ғулиға тиқдук. Анга еттиким, Шайбоқхоннинг баъзи қари улуғлари Шайбоқхонға[257] дебтурларким, юрумак керак, турмоқдин иш ўтти. Ўзи тўхтаб турубтур.

Ғанимнинг баронғори бизнинг жавонғоримизни босиб орқага эврулди, ировул ҳам ўнг қўл сари қолиб, олимиз яланг бўлди. Кейиндин ва илгаридин ғаним кишиси зўрлаб ўқ қўя кириштi.

Муғул черикиким, кўмакка келиб эди, урушурға худ тоқатлари йўқ эди. Урушмоқни қўюб, бизнинг элни-ўқ талаб, оттин тушура кириштилар. Бир бу эмас, ҳамиша бадбахт муғул *(90 а)* нинг одати ушмундоқтур. Босса ҳам ўлжа олур, бостурса ҳам ўз элини талаб тушуруб ўлжа олур.

Олимиздағиларни неча навбат зўрлаб келганда уруб ёндурдук. Илгаримиз ҳам зўрлади, кейин эврулган киши ҳам келиб бизнинг туғқа ўқ қўя кириштилар. Илгаридин, кейиндин зўрладилар. Бизнинг элни тебраттилар.

Ўзбакнинг урушта бир улуқ ҳунари ушбу тўлғамадур, хеч уруши тўлғамасиз бўлмас. Яна бир будуркимм, илгари ва кейин бек ва навкар тамом ўқ қўюб жиловлуқ келадурлар, ёнғонда ҳам паришон ёнмай жиловлуқ[258] ёнадурлар.

Менинг била ўн-ўн беш[259] киши қолиб эди. Кўҳак дарёси яқин эди. Баронғорнинг учи дарёға тукунуб эди. Дарё сари-ўқ торттук. Кўҳак дарёсининг кирган маҳалли эди, дарёға етган била жибаликк, кечимлик-ўқ сувға кирдук. Яримидин кўпрак яяб-ўқ келилди. Андин сўнгра уздурма[260] эди. Бир тиргаз отими[261] ер жибалик кечимлик от уздуруб ўттук. Сувдин ўтгач, кечимни кесиб ташладук. Сувдин шимол сариғаким ўтулди, ёғий *(90 б)* дин ажраштук.[262] Вале якка-яримни талаб тушургучи, ялонғочлағучи тамом бу шум муғул эди. Иброҳим тархонни ва яна хейли убдон-убдон йигитларни муғул талаб оттин тушуруб зойиъ қилдилар. Кўҳак дарёсининг шимол тарафи била Қулба навоҳисидин Кўҳак дарёсини кечтук.

Икки намоз ораси бор эдиким, Шайхзода дарвозасидин кириб аркка келдим. Улуғ-улуғ беклар ва яхши-яхши йигитлар ва қалин киши бу урушта талаф бўлди. Иброҳим тархон ва Иброҳим сору ва Иброҳим жоний, бу ғарибтуркким, бир урушта уч Иброҳим отлиқ улуғ беклар талаф бўлди. Яна Абулқосим кўҳбур, Ҳайдар Қосимбекнинг улуғ ўғли Худойберди туғчи ва Худойберди барлос ва Султон Аҳмад Танбалнинг иниси Халилким, бурунроқ неча қатла мазкур бўлуб эди, бу урушта талаф бўлдилар. Яна баъзилар ҳар сариға қочтилар. Ул жумладин Муҳаммад Мазид тархон Хисравшоҳға Ҳисор ва Қундуз сари борди. Яна Қанбар Али саллох муғулким, улуғ риоят қилғон бегимиз ул эди, мунча риоят топиб эди, мундоқ маҳалда ҳамжиҳатлиқ қилмай, келиб Самарқандтин кўчини олиб, бу ҳам Хисравшоҳға борди. Яна баъзи *(91 а)* ичкилар ва йигитлар, мисли Каримдод ва Худойдод туркман ва Жоника кукалдош ва Мулло Бобойи Пашоғарий Ўратена сари чиқтилар. Ул фурсатта Мулло Бобо навкар эмас эди, меҳмон йўсунлуқ юрур эди. Яна баъзилар, мисли Ширим тағойи жамоати била бовужудким, бизнинг била Самарқандға кирди, машварат қилиб улук-тирикни Самарқанд қўрғонининг ичида қўруб, қўрғонни беркитмак бўлдук. Менинг онам эгачиси сингли[263] қўрғонда туруб, бўлғон кўч ва уруқ ва кишиқаросини Ўратепага чиқориб йибориб, ўзи бир неча киши-қароси била жарида қўрғонда турди. Бир бу эмас, доим мундоқ қаттиқ ишлар тушганда мундоқ юпқалик[264] ва ноҳамжиҳатлиқлар андин содир бўлғондур.

Тонгласиға Хожа Абулмакорим ва Қосимбек ва жамиъ беклар ва ичкилар ва сўз тегар йигит-

---

[256] Ул тарафдин.

[257] Е: Шибоқ; Р: Шайбоний.

[258] Қ: Паришон ямон жиловсиз.

[259] Н: Ики.

[260] Уздурма (суздурма) — яъни сузиб ўтиладиган ер.

[261] Қ: отимича.

[262] Е: оча туштук.

[263] Н: синга; Қ: сингли:

[264] Қ: номувофиқлиқлар.

ларни чарлаб машварат қилиб, сўзни қўрғонни беркитмакка ва улуқ-тирикни қўрғон ичида қўрмакка қўйдук. Мен ва Қосимбек ва ёвуғумдағи ичкилар ва йигитлар била қўмак бўлдук. Бу маслаҳат учун шаҳрнинг ўртасида Улуғбек мирзонинг мадрасасининг томининг устида *(91 б)* оқ уй тикиб ўлтурдим. Ўзга бекларга ва йигитларга дарвозаларда ва гирдо-гирд қалъанинг фасилида булжорлар улошилди.

Икки-уч кундин сўнг Шайбоқхон келиб қўрғондин йироқроқ тушти. Самарқанднинг маҳалла-маҳалла, кўй-кўй авбош ва ятимлари фавж-фавж йиғилиб, ятимона салавотлар чекиб, мадраса эшигига келиб, урушға чиқарлар эди. Шайбоқхон, урушқаким отланурди, қўрғоннинг ёвуғиға ҳам кела олмас эди. Неча кун бу ватира била ўтти. Ўқ ва қилич захм ва зарбини ва масоф ва майдон қитол ва ҳарбини кўрмаган авбош ва айтом бу муомаладин далир ўлуб йироқ-йироқ чиқа кириштилар. Иш кўрган йигитлар мундоқ бесирфа чиқишларидин манъ қилсалар, таън қила кириштилар.

Бир кун Шайбоқхон Оҳанин дарвозаси сари уруш келтурди. Ятимлар чун далир бўлуб эдилар, доимғидек далир ва йироқ чиқтилар. Буларнинг орқасиға баъзи йигитларни отлиқ чиқорилди. Уштургардан тарафида кўкалдошлар ва ёвуқ ичкилар чиқиб эдилар, мисли Ширим, Нуён кўкалдош, Қулназар тағойи ва Мазид ва баъзилар андин бир-икки-уч ўзбак *(92 а)* буларға от солди. Қулназар била қилич олиштилар. Бўлғон ўзбаклар яёқлаб зўр келтурдилар. Шаҳр ятимларини тебраттилар. Оҳанин дарвозасиға тиқтилар. Қучбек ва Миршоҳ қавчин Хожа Хизр масжидининг ёнида тушуб қолдилар. Яёқларни тебратган била илгариги отлиқлари Хожа Хизрнинг масжидиға йиғилиб келдилар. Қучбек чиқиб, ушбу илгари келган ўзбаклар била яхши чопқулашиб намоён иш қилди. Бори эл боқиб туруб эди, қуйиға қочқонлар худ қочмоқлари била-ўқ бўлуб эдилар. Ўқ отардин ва урушқа турардин иш ўтуб эди. Мен дарвозанинг устидин новак отадур эрдим. Яна баъзи ёвуғумдағилар ўқ отадур эдилар. Юққориғи ўқнинг зарбидин Хожа Хизр масжидидин илгари ўта олмадилар. Ўшандин-ўқ ёндилар. Муҳосара овонида қўрғон фасилининг устида ҳар кеча эврулур эдук.[265] Гоҳи мен, гоҳи Қосимбек, гоҳи яна беклардин ва ичкилардин эврулурлар эди. Феруза дарвозасидин Шайхзода дарвозасиғача фасил устидин от била юруса бўлур эди. Ўзга ерларда яёқ *(92 б)* юрулур эди. Баъзиларким, яёқ юруб эврулурлар эди, бир эврулгунча тонг отар эди.

Бир кун Шайбоқхон Оҳанин дарвозаси билан Шайхзода дарвозаси орасида уруш келтурди, менким қўмак эдим, уруш мунда бўлғоч мунда келдим. Гозуристон дарвозаси била Сўзангарон дарвозаси тарафидин парво қилмадук. Ул куни Шайхзода дарвозасининг устидин ўқ учида бир бўз[266] отлиқнинг отини новак ўқи била яхши оттим. Ўқ била-ўқ борди. Бу оралиқта онча зўр келтурдиларким, Уштургардан навоҳисида фасилнинг тубигача келдилар. Биз мунда ҳарб ва зарбқа машғул, ул тарафдин тамом ғофил: йигирма беш-йигирма олти шоту тайёр қилғон экандурларким, ҳар шотунинг кенглиги ончаким уч киши, икки киши ёндаша чиқа олғай. Етти-секкиз юз ўбдон йигитларни бу шотулар билан Гозуристон дарвозаси била Сўзангарон дарвозасининг оралиғи тўғриси пустура[267] қуюб, ўзи ул тарафдин уруш солғон экандур. Эли[268] тамом бу тараф урушқа машғул бўлуб, булжор[269] холи бўлғон маҳалда бусқон ердин чиқиб, *(93 а)* илдам келиб, бу шотуларни икки дарвозанинг оралиғи Муҳаммад Мазид тархоннинг ҳавлисининг тўғрисидин бир йўли-ўқ фасилға қуярлар.

Қучбекнинг,[270] Муҳаммадқули қавчиннинг яна бир бўлак йигитларнинг булжори бу ер эди. Бу йигитлар Муҳаммад Мазид тархоннинг ҳавлисида бўлурлар эди. Сўзангарон дарвозаси Қаро барлоснинг булжори[271] эди. Гозуристон дарвозаси Ширим тағойининг ва оға-инисининг ва Қутлуқ Хожа кўкалдошнинг булжори эди.

Уруш ул тараф бўлғон учун булжор эли ғофил бўлуб қул ва қуллукчи иш-куч учун уйига, бозорға бориб тарқашиб эдилар. Булжор беклари бир-икки ятим-есир била қолиб эдилар.

Қучбек, Муҳаммадқули қавчин, Шоҳ Суфи, яна бир йигит яхшилар бориб мардоналиқлар қилдилар. Фасил устига ёғий кишиси баъзи чиқиб

[265] Н: Эврuюрудук; Қ: юрур эдим; Е: Айрулур эдук.

[266] Қ: юз.
[267] Е: бусуға.
[268] Н: дин; Қ: эли.
[269] Е: Мулжор.
[270] Бу жойлари тушган.
[271] Е: Мулжора.

эдилар, баъзи чиқмоқта эдилар. Бу мазкур бўлғон тўрт киши югуруб етиб чопқулаша зарб рост ура юриб, тушуруб қочурдилар. Боридин Қўчбек яхшироқ борди. Қўчбекнинг бир писандида ва намоён иши бу эди. Бу муҳосарада икки қатла хўблар илиги ишга тегди. Қаро барлос ҳам Сузангарон дарвозаси бўлжорида *(93 б)* ёлғуз қолиб эди, ул ҳам яхши тўхтади. Қутлуқ Хожа кўкалдош ва Қулназар мирзо ҳам бўлжорларида Гозуристон дарвозасида эдилар. Алар ҳам оз киши била яхши тўхтаб, кўндалангдин яхшилар отқуладилар. Яна бир навбат Қосимбек йигитларни бошлаб Сузангарон дарвозасидин чиқиб, ўзбакларни Хожа Кафширғача қавлаб, бир неча ўзбакни[272] тушуруб бош кесиб келди. Ошлиқ эмди пишган чоғ эди, ҳеч ким янги ошлиқ киюрмайдур[273] эди.

Муҳосара айёми мумтад бўлди. Элга бисёр танқислиқ бўлди. Анга еттиким, фақир ва мискин ит этини, эшак этини ея кириштилар. Отқа бўғузким кам ёфт бўлди, дарахтларнинг баргини отқа берурлар эди. Анда тажриба бўлдуким, бори яфроқлардин тут яфроғи ва қаройиғоч яфроғи отқа сазоворроқ эмиш. Баъзи қуруқ йиғочларни ранда қилиб, тарошасини сувға ибитиб отға берурлар эди. Уч-тўрт ойғача Шайбоқхон қўрғоннинг ёвуғиға келмай, ироқроқдин қўрғонни эврулуб кўчуб юрур эди.

Бир охшом эл ғофил ярим кечаға ёвуқ Феруза дарвозаси тарафида келиб, нақоралар чолиб сурон солдилар. Мен мадраса *(94 а)* да эрдим. Бисёр тараддуд ва дағдаға бўлди. Мундин сўнг ҳар кеча келиб, нақора чолиб сурон солиб, ғавғо қилур эдилар.

Ҳар неча атроф ва жавонибқа элчилар ва кишилар йиборилди, ҳеч кимдин кўмак ва мададе етишмади. Ул маҳалдаким, зўр ва қувватимиз бор эди, ҳеч навъ шикаст ва нуқсоне бўлмайдур эди. Кўмак ва мадад қилмадилар ва мундоқ маҳалда худ не ҳисоб била мадад қилғайлар. Буларнинг умиди била қабалда қалъадорлиқ қилмоқлиқ[274] бетақриб экандур.

Бурунғилар дебтурларким, қўрғон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафтин келур кўмак ва мадад бўлғай. Икки бут қўрғоннинг суйи била захираси бўлғай. Биз бу атроф ва жавонибдағилардин кўмак ва мадад кўз тутарбиз, булар худ ҳар қайси бир ўзга хаёлда.

Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва соҳиб тажриба подшоҳ бизга мадад қилмай бизга кўнгул кўмаклар бериб, элчи йибормай, Шайбоқхонға[275] Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийни муҳосара вақтида[276] элчиликка йиборди.

Танбал Андижондин Пискент[277] иавоҳисиға келди. Хонни ҳам Аҳмадбек ва жамиъ Танбалнинг муқобаласиға чиқордилар. Лаклакон *(94 б)* ва Турок[278] чорбоғи навоҳисида рубару бўлдилар. Уруш, туруш бўлмай, ажраштилар, Султон Маҳмудхон уруш кишиси эмас эди. Сипоҳийликдин бисёр орий эди. Танбал била ўтру[279] бўлғон чоғ хондин бедилона ақвол ва афъол зоҳир бўлур. Аҳмадбек турк киши эди, вале мардона ва давлатхоҳ эди. Ғариб дурушт айтур, дерким, бу Танбал не миқдор кишидуркким, мунча дағдаға ва тараддуд тортарсиз. Агар кўзунгиз қўрқса, кўзунгизни боғлаб юруб рубару бўлалинг.

## Вақоиъи санайи сабъа ва тисъа миа*

Муҳосара имтидоди узоққа тортти. Захира ва озуқ ҳеч тарафдин келмади. Кўмак ва мадад ҳеч жонибдин етишмади. Сипоҳий ва раият навмид бўлуб, бирар- икирар қўрғондин ташлаб қоча кириштилар. Шайбоқхон қўрғон элининг ожизлигини англаб, келиб Ғори Ошиқон навоҳисида тушти. Мен ҳам Шайбоқхоннинг рўбарўйиға Кўйи Поёнда Малик Муҳаммад мирзонинг уйлариға келдим. Ушбу кунларда Узун Ҳасан Хожа Ҳусайнким, Жаҳонгир мирзонинг ёғийлиғиға ва Самарқандтин чиқмоғимизға ул боис бўлуб эди, яна не миқдор фитнаву фасод андин зоҳир бўлиб

[272] Н: киши.
[273] Е: Кетурмайдур.
[274] Н: қабалдорлиқ қилмоқ; Қ: Қаблда қалъадорлиқ қилмоқлиқ; Е: Қабалдорлиқ қилмоқлиқ.
[275] ЕҚ: Шайбойний.
[276] Н: авонида; Е: замонида.
[277] Қ: Бишкент; РЕ: Бишкент.
[278] Қ: Тўлак.
[279] Е: рубарў.
* Тўққуз юз еттинчи (1501—1502) йил воқеалари.

эди, нечукким бурун *(95 а)* мазкур бўлди,[280] ўн-ўн беш навкари била келиб қўрғонга кирди. Бу кириши хейли мардона кириш эди. Синоҳий ва шаҳрийға усрат ва танқислиғ кўпрак бўлди. Ёвуқ кишилар ва муътабар кишилар ўзини фасилдин ташлаб қоча киришти. Бек отлиғдин бир Вайс Шайх, Вайс Лоғарий бойри эдилар, қочиб туштилар. Атроф ва жавонибтин билкулл маъюс бўлдук. Хеч тарафдин умидворлик қолмади. Озуқ ва захира кам эди. Бўлғони ҳам туганди. Хеч тарафдин озуқ ва захира келмади.

Бу маҳалда Шайбоқхон сулҳ сўзини орага солди. Агар бир тарафдин умидворлиғ бўлса эди, ё захира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солур эди. Зарурат бўлди, сулхгуна қилиб, кечадин икки наҳар бўла ёвушуб эдиким, Шайхзода дарвозасидин чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқтим. Яна икки хотун киши чиқти: бири Бичка халифа эди, яна бири Минглик кўкалдош эди. Менинг эгачим Хонзодабегим ушбу чиққонда Шайбоқхоннинг илигига тушти. Суғднинг улуғ шоҳжўйлариға қоронғу кечада урунуб, йўл итуруб юз ташвиш била тонг отқонда Хожа Дийдордин ўтуб, суннат вақтида *(95 б)* Қорбуғ[281] пуштасиға ёрмоштук. Қорбуғ пуштасининг шимолидин Худак кентининг[282] оёғи била Илон ўтини туслаб тебрадук. Йўлда борурда Қанбар Али ва Қосимбек била от тортиштук. Менинг отим ўтти. Анинг отининг қолғоинни боқар хаёл қилиб қайрилдим. Танг бўшаб экандур, эгар эврулди.[283] Бошим била ерга йиқилдим, агарчи ўшул замон қўпуб отландим, вале ақлим охшомғача қарориға келмади. Бу оламда ўтган вақойиъ туш ва хаёлдек кўзумга ва кўнглумга кўрунур ва кечар эди.

Кеч намози дигар Илон ўтида тушуб, от ўлтуруб этини шишлаб, кабоб қилиб, отни лаҳза тиндуруб отландук. Тонгдин бурунроқ Халилия кентига[284] келиб тўштук. Халилиядан Дизак[285] келилди, ул фурсатта Дизакта Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой эди. Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин мундоқ арзонлиқ ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук.

*Ваҳму[286] усраттин амоне топтук,*
*Янги жон, тоза жаҳоне топтук.*

Улум дағдағаси хотирдин рафъ бўлуб, очлиқ *(96 а)* шиддати элдин дафъ бўлди. Умрумизда мунча фароғат қилмайдур эдук. Муддатул-умр амонлиғ ва арзонлиғ қадрини мунча билмайдур эдук. Ишрат усраттин сўнг, фароғат машаққаттин кейин лаззатлиқроқ ва яхшироқ кўринур. Тўрт-беш навбат ушмуидоқ шиддаттин роҳатқа ва машаққаттин фароғатқа мунтақил бўлубтур.[287] Авваълғи навбат бу эди. Мундоқ душман балосидин ва очлиқ ибтилосидин халос бўлуб, амонлиғ роҳатиға ва арзонлиғ фароғатиға етуштук. Уч-тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук. Андин сўнг Ўратепа сари азимат қилдук. Пашоғар бир нима йўлдин қақасроқтур, чун муддати анда бўлуб эдим, ўтуб борурда бориб ани сайр қилдим.

Пашоғарнинг қўрғонида отунким, муддати мадид эди, менинг онам хонимға мулозамат қилур эди, бу навбат улоқсизлиқтин Самарқандта қолиб эди, учрай тушти, кўруштум, сўрдум. Самарқандтин бу ерга яёқ келибтур. Менинг онам хонимнинг сингли Хуб Нигорхоним олами фонийни видоъ қилғон экандур. Ўратепада хонимға ва менга эшиттурдилар. Менинг отамнинг онаси ҳам Андижонда вафот *(96 б)* қилғон экандур, ани ҳам мунда эшиттурдилар.

Хоним хон бобом шунқор бўлғоли оналари, инилари, сингиллариниким, Шоҳбегим ва Султон Маҳмудхон ва Султон Нигор хоним ва Давлат Султонхоним бўлғайлар, кўрмайдурлар эди. Муфорақат имтидоди ўн уч-ўн тўрт йилға тортиб эди, туққонларни кўргали Тошкандға мутаважжиҳ бўлдилар.

Мен Муҳаммад Хусайн мирзо била сўзлашиб, Ўратепанинг кентларидин Даҳкат[288] деган ерда қишламоқ бўлдум. Бориб уруқни Даҳкатда қўюб, бир неча кундин сўнг Шоҳбегимни ва хон додамни ва хон уруғ-қаяшни кўргали мен ҳам Тошканд азимати қилдим. Бориб Шоҳбегим ва хон додамға мулозамат қилиб, бир неча кун анда бўлдум. Менинг онамнинг туққон эгачиси Меҳр Нигорхоним ҳам Самарқандтин келдилар. Ме-



[280] Қ: Жаҳонгир мирзо ёғилиғида ул боис бўлуб, бизни Самарқанддин чиқориб эрди ва яна не чоғлиқ фитна ва фасод андин зоҳир булуб эрдики, мундин мазкур бўлубтур ҳоло.

[281] Қ: қорлуқ.

[282] Қ: Хубкант.

[283] Қ: орқамга қайтиб боқтимки, уларнинг оти нечоғлиқ кейин қолиб экин, қийшайиб боқаримда отимнинг оили узулуб, эгари ўргулди.

[284] Қ: Улуғ Халил.

[285] Қ: Дизақ.

[286] Қ: Фуруд.

[287] Н: булубтур.

[288] Қ: Деҳкат.

нинг онам хоним беҳузур бўлдилар, хейли ёмон беҳузурлик эди. Маҳкам мухотара ўткардилар.

Ҳазрати Хожаго Хожа Самарқандтин чиқиб келиб, Фаркатта ўлтуруб эдилар. Фаркатқа бориб Хожани кўрдум. Умидвор эрдимки, хон додам риоят ва иноят мақомида бўлуб, вилоят ва паргана бергайлар. Уратепани ваъда қилдилар. Муҳаммад Ҳусайн мирзо *(97 а)* бермади. Билмон, ўзлукидин бермадиму, ё юққоридин ишорат бўлдиму?

Неча кундин кейин Даҳкат Уратепанинг кўҳпоя кентларидиндур, улуғ тоғнинг тубида тушубтур, бу тоғдин ўтгач Масчо[289] бўлур. Эли агарчи сорт ва деҳнишиндур, вале атроқдек гала ва рамалиқ эллардур. Даҳкатнинг кўйини қирқ минг ченарлар эди. Бу кентта раоёнинг уйларига туштук. Мен бир калонтарининг уйига туштим, қари киши эди, олтмиш-етмишда[290] бор эди, вале онаси ҳануз бор эди. Хейли умо топқон хотун эди, юз ўн бир ёшта эди. Темурбек Ҳиндустонға кирганда бу хотуннинг уруқ-қаёшидин бири ул черикка бориб экандур. Ул хотирида бор эди, ҳикоят қилур эди. Бир Даҳкатда ушбу хотуннинг ўзидин туққон ва набира ва қиз набира ва набирайи набира туқсон олти киши ҳозир эди. Ўлганлари била икки юз ҳисоб қилурлар эди. Набирасининг набираси бир йигит йигирма беш-йигирма олти ёшлар, қоп-қора соқоллиқ йигит эди.

Даҳкатда эканда Даҳкатнинг гирд ва навоҳисидағи тоғларни ҳамиша яёқ юруб, сайр қилур эрдим. Аксар яланг оёқ *(97 б)* юрур эрдим. Яланг оёқ кўп юргандин оёқларим андоқ бўлуб эдиким, тоғ ва тош тафовут[291] қилмас эди. Ўшул сайр асносида бир кун намози дигар билан намози шом орасида бир иничка номушаххас йўл била бир уй тушуб борадур эди. Мен дедимким, бу йўл қаёнға борур экин? Ўйға кўз солинг, ўйни итурманг, то йўлнинг қай сари чиқари маълум бўлғай. Хожа Асадуллоҳ зарофате қилди, дедиким:[292] «Гов гум шавад, чи кор кунем?»[293]

Ушбу қиш сипоҳийлардин баъзиси бизнинг била казоқликларда юруй олмай, Андижонға бормоққа рухсат тиладилар. Қосимбек муболағалар билан арзға еткурдиким, чун бу киши борадур, Жаҳонгир мирзоға махсусона ўз кийганингизни йиборинг. Бир ос бўркумни[294] йибордим. Қосимбек яна муболага қилдиким, Танбалға ҳам бир нима йиборсангиз не бўлғай? Агарчи рози эмас эрдим, Қосимбекнинг муболағаси жиҳатидин Нуён кукалдошнинг бир ўгуқ ясси киличиниким, Самарқандта ўзи учун ясатиб эди, Танбалға йиборилди. Менинг бошимға теккан қилич ушбу қилич-ўқ эди, нечукким келур йилнинг вақойиида мазкур бўлғусидур.

Неча кундин сўнг менинг улуғ онам Эсан Давлат *(98 а)* бегимким, мен Самарқандтин чиққонда қолиб эдилар, Самарқандта қолғон кўчуруғ ва оч ва оруқ била келдилар. Ушбу қиш ўртасида Шайбонийхон[295] Хўжанд суйини муз била кечиб, Шоҳрухия ва Пискент[296] навоҳисини чопти. Хабар келгач, кишимизнинг озлиғиға боқмай, чопа отландуқ. Хўжанднинг қуйиғи кентлари Ҳаштияк тўғриси била мутаважжиҳ бўлдук. Маҳкам зарб совуқ эди. Бу навоҳида Ходарвеш ели ўксумас, ҳамиша тунд қўпар. Ул мартабада совуқ эрдиким, ўшул икки-уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидин ўлуб эди. Манга ғуслға эҳтиёж эди. Бир ариқ суйидаким, ёқалари қалин муз тунгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатидин ях боғламайдур эди, бу сувға кириб ғусл қилдим. Ўн олти қатла сувға чўмдум. Сувнинг совуқлуғи хейли таъсир қилди.

Тонгласи Хўжанд суйини Хослар тўғрисидин муз устидин ўттук. Сувдин ўтуб тунқатиб, Пискентга[297] келдук. Шайбоқхон худ Шоҳрухия навоҳисини-ўқ чопиб ёнғондур. Ул фурсатта Пискент[298] Мулло Ҳайдарнинг ўғли Абдулманнонда эди. Абдулманнондин кичикрак Мумин отлиқ бир ярамас ва паришон ўғли мен Самарқандта эканда менинг қошимға келиб эди, филжумла риоят қилиб эрдим. Билмон Нуён кукалдош Самарқандта *(98 б)* анинг била не тавр ёмон маош қилур, бу ... қийна[299] сахлаб экандур. Ўзбак чопғунчисининг ёнилғон хабари келгач, хон қошиға киши йиборибдур.

---

[289] Қ: Масиҳо вилояти.

[290] Қ: етмиш-сексон.

[291] Қ: таъсир.

[292] Қ: бир инчка йўл билан бир киши бир ўкуз олиб борадур эди. Мен сўрдумки, бу йўл қайда борур? Айттиким, ўкуза қораланг. Дэв турманг, то қайда борғай. Бу сўзни эшитиб, Хожа Асадулло зарофат қилди, дедиким, агар ўкуз итса, на қилурбиз?

[293] Агар ҳўкуз йўқолса нима қиламиз? Ёки говгум ўлса, яъни қоронғу бўлса нима қиламиз? Бу ерда «говгум»нинг иккала маъносига ҳам ишорат қилиб лутф қилган.

[294] Қ: Бир кийган тақиямни.

[295] Қ: Шобиқхон.

[296] Л: Пискент. Қ: да Бешкент. Таржималарда Бишкент.

[297] Е: Бешкент (ҳамма ерда).

[298] Е: Бешкент.

[299] Нуқталар ўрнида уят сўкиш сўз ишлатилган. Қ: «Муҳлиқ» дейилган.

Пискенттин кучуб, Охангарон кентларида уч-турт кун таваккуф килдук. Самарканддаги ошнолик била Мулло Хайдарнинг угли Мумин Нуён кукалтошни ва Ахмад Косимни, яна баъзиларни огизлагони[300] чорлар, менким Пискенттин кучтум, бу жамъ Пискентта колдилар. Бу жамоатка бир жар ёкасида сухбат берур. Биз келиб Охангарон кентларидин Сомсийрак[301] деган кентга туштук. Тонгласи хабар келдиким, Нуён кукалдош жардин мастликта йикилиб улибтур. Хакпазарниким, Нуённинг туккон тагойиси эди, яна бир жамъ била йиборилди, бориб Нуённинг йикилгон еридин топиб, эхтиёт килиб, Нуённи Пискентта туфрокка топшуруб келдилар. Булар сухбат тутган ердин бир ук отими бир баланд жарнинг остида Нуённинг улугини топибдурлар. Баъзига гумон булдуким, Самарканддаги кийнани сахлаб, Мумин Нуёнга касд килди. Тахкикини киши билмади. Манга гариб таъсир килди, кам кишининг фавтига мунча мутаассир булуб эрдим. Бир хафтаун кунгача хамиша *(99 а)* йиглардим. Фавтининг тарихи «фавт шуд Нуён»[302] топилди.

Неча кундин сунг ёниб Дахкатга келдим. Ёз була Шайбокхоннинг Уратепа устига келур хабари булди. Дахкат туз ер учун Оббурдан добони била Масчо[303] кухистонига оштук. Масчонинг куйиги кенти Оббурдандур. Бу Оббурдандин куйирок бир чашма тушубтур, бу чашма бошида мазоредур. Ушбу чашмадин юккори Масчо дохилидур. Куйи Палгарга тааллукдур. Ушбу чашма бошида, чашма ёкасидаги тошида казиб, бу уч байтни сабт эттим:

*Шунидамки, Жамшиди фаррухсиришт*
*Ба сарчашмае бар санге навишт:*
*«Бар ин чашма чун мо басе дам заданд,*
*Бирафтанд то чашм бархам заданд.*
*Гирифтем олам ба мардию зур,*
*Ва лекин набурдем бо худ ба гур».*[304]

Ул кухистонда бу расмдурким, тошка казиб абёт ва нималар битирлар. Ушбу Масчода эканда Мулло Хижрий шоир Хисор тарафидин келиб мулозамат килди. Бу матлаъни ушул айёмда айтиб эрдим:

*Такаллуф хар неча суратта булса ондин ортуксен,*
*Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуксен.*

Шайбокхон Уратепанинг гирд ва навохисига келиб, бир пора бузукчилик килиб ёнди. Шайбокхон Уратепанинг *(99 б)* устида эканда кишимизнинг озлигига ва яроксизлигига бокмай, Масчода урукни куюб, Оббурдан добонидин ошиб Дахкат навохисига келдукким, кеча эрта ёвук сигиниб конуга келган ишни таксир килмагайбиз. Шайбокхон бот-ук ёнди.

Яна добон ошиб Масчога келдук. Хотирга кечтиким, мундог тогдин тогка алохон ва аломон, вилоятимиз йук, еримиз йук, турмак бетакрибдур, хон кошига Тошкандга-ук боралинг. Косимбек бу юрумокка ризо булмади. Корабулокда уч-турт мугулни забт ва сиёсат учун ултуруб эди, нечукким мазкур булди. Голибо, ушул жихатидин бормокка тараддуд килди. Хар неча муболага килдук, булмади. Ога-ини ва тавобиъ ва лавохики била Хисорга тортти.

Биз Оббурдан кутали била ошиб, хон кошига Тошкандга мутаважжих булдук. Ушбу айёмда Танбал черик тортиб Охангарон жулгасига келди. Черик устида Мухаммад дуглатким, Мухаммад Хисорийга машхур эди, яна иниси Султон Хусайн дуглат, Канбар Али саллох, муттафик булуб Танбалга касд килурлар. Бу мухимни Танбалга сезиргач, тура олмадилар, хон кошига кочиб келдилар.

Бизга курбон ийди Шохрухияда булди. Бетаваккуф утуб, хон кошига Тошкандга бордим. Бу рубоийни айтиб эдим, маъмул кофиясида тараддудим бор эди, ул махалда шеър *(100 а)* мусталахотига мунча татаббуъ килмайдур эдим, хон хуштабъ киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлик газали камрок эди, бу рубоийни хоига уткариб, тараддудимни арз килдим. Кунгул тингудек шофий жавоб топмадим. Голибо, шеър мусталахотига камрок татаббуъ килгондурлар. Рубоий будур:

---

[300] Л: огирлагони (тугриси огизлагони булиши керак); К: тамом егали.

[301] К: Сомсарак (хамма ерда).

[302] «Фавт шуд Нуён» (вафот килди Нуён) — абжад хисобида 907 хижрий йил.

[303] 4: Хама ерда Масихо.

[304] Эшиттимки, кутлуг табиатли Жамшид бир булог бошида тош устига шундай деб ёзган экан: бу булог тепасида бизлар сингари куп кишилар келиб ултурдилар, кетдилар ва йук булдилар. Оламни мардлик ва зурлик билан олдик, лекин узимиз билан гурга элтмадик.

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,*
*Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.*
*Кўнглум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,*
*Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.*

Сўнгра маълум бўлдиким, туркий лафзида маҳал иқтизоси била **то** ва **дол** яна **ғайн** ва **қоф** ва **коф** бир-бирлари била мубаддал бўлурлар эмиш.

Бир неча кундин сўнг Танбал Ўратепанинг устига келди. Бу хабар келгач хон Тошкандтин черик отланди. Пискент била Сомсийракнинг орасида бaронғор ва жавонғорни ясол ясаб эрдим, кўрдилар. Муғул дастури била туғ[305] боғладилар. Хон оттин тушти. Тўққуз туғни хоннинг олида турғузуб, бир муғул бир ўйнинг ўрта илигига[306] бир узун оқ бўзни боғлаб, илигига тутубдур. Яна уч парча узун бўзни уч туғнинг тутасидин қуйироқ боғлаб, туғнинг йиғочининг остидин олиб келтуруб, бир бўзнинг учини хон босиб турди. Яна бир туққа боглағон бўзнинг учини мен босиб турдум. Яна бир бўзнинг учини Султон Муҳаммад Хоника. *(100 б)* Ул муғул бўз боғлағон ўйнинг ўрта илигини илигига олиб, муғулча нималар деб туққа боқиб ишорат қиладур, хон ва тамом турғонлар туғ сориға қимизлар сочадурлар. Тамом нафирларни ва нақораларни бир йўли чаладурлар. Бўлғон ясолда турғон черик эли бир йўли сурон соладурлар. Уч навбат ушмундоқ қиладурлар. Андин сўнг отланиб сурон солиб ушмунча черик даврин чопардурлар. Муғул орасида Чингизхоннинг тузуки холоғача Чингизхон ясаб қўйғандек-ўқтур.

Бaронғор бaронғорда, жавонғар жавонғарда, ғул ғулда, ҳарким ота-отасидин қолған ерида-ўқ турар, бaронғор била жавонғорда ҳар кимнинг эътибори кўпрактур, уч сарроқ турарлар.

Бaронғорда чароси била бекчик уруғининг ҳамиша учқа чиқмоқ талашлари бор. Ул фурсатта чароснинг туман бегиси Қашқа Маҳмуд эди, хейли мардона йигит эди. Бекчик туманинингким, туманга-ўқ машҳурдур, туман бегиси Айюб Яъқуб эди, учқа чиқмоқ учун уруштилар. Бир-бирларига қиличлар суғуруштилар. Охир, ғолибо, мундоқ қарор топтиким, чаргада бириси юққори турғай, ясолда яна бири учқа чиққай. Тонгласиға Сомсийрак[307] навоҳисини чарга солиб овладилар. Келиб Турок[308] чорбоғиға тушулди. *(101 а)* Ул ғазалким тугаттим, ушбу кун ушбу юртта тугаттим. У туганган ғазал будур:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,*
*Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

Бу ғазал олти[309] байт турур. Мундин сўнг ғазалким туганди, ўшул тартиб била-ўқ битилди.

Мундин кўч-бакўч Хўжанд дарёсининг ёқасиға келдилар. Бир куни сайр тариқи била сувдин ўтуб, ош пишуруб, йигитларни ва чуҳраларни шўхлуққа солдук. Ушбу кун менинг такбандимнинг олтун қуллобини ўғурладилар. Тонгласиға-ўқ Хонқули Баёнқули била Султон Муҳаммад Вайс кочиб Танбалға бордилар. Барчаға гумон бўлдуким, бу ҳаракат булардин содир бўлубтур, агарчи таҳқиқ бўлмади. Аҳмад Қосим кўҳбур ҳам ижозат тилаб Ўратепага борди. Ул ҳам ушбу борғон била келмади. Танбалға борди.

## Вақоиъи санайи самон ва тисъа миа*

Хоннинг бу юруши бефойдароқ юруш эди қўрғон олмоқ ва ёғий босмоқ йўқ: бордилар, келдилар. Бу муддаттаким, Тошкандта эдим, хейли қаллошлиқ ва хорлиқ тортилди, вилоят йўқ, вилоят умидворлиғи йўқ, навкар аксар тарқади; маъдудиким, қолиб эди, қалллошлиқтин менинг била юруй олмас эдилар.[310] Хон додамнинг эшигига борсам, гоҳи бир киши била, гоҳи икки киши била борур эрдим, вале яхшилиғи бу эдиким, ёт эмас эдилар, туққон эдилар. *(101 б)* Хон додамға кўрунуш қилиб, Шоҳбегим қошиға келур эдим. Ўз уйимдек бош яланг, оёқ яланг кирар эрдим. Охир мундоқ саргардонлиқтин ва бу навъ беҳонумонлиқтин жонға еттим. Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча, бош олиб йитсам яхши. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши. Хитойға бормоқни жазм

[305] Қ: дамдама.
[306] Қ: Бир уқузни илик сунгагига.
[307] Қ: Сомсарак.
[308] Қ: Бурк.
[309] Қ: етти.
[310] Е: лар эди.

* Тўққуз юз саккизинчи (1502—1503) йил воқеалари.

қилиб, бош олиб кетмакка азм қилдим. Кичикликдин бери Хитой сариға ҳавасим бор эди. Вале салтанат ва алойиқ жиҳатидин муяссар бўлмас эди. Салтанат худ борди. Онам ҳам оналариға, инилариға қўшулдилар. Сайр мавониъи рафъ бўлди, ул дағдағалар дафъ бўлди. Хожа Абулмакоримнинг тавассути била бу сўзни ораға солдимким, Шайбоқхондек ғаним пайдо бўлубтур, мунинг зарари туркка ва муғулға мусовидур. Мунинг фикрини ҳололиқтаким, улусни ҳануз яхши босмайдур ва кўп улғаймайдур, қилмоқлик вожибдур. Нечукким дебтурлар:

*Имрўз бикуш чу метавон кушт,*
*Оташ чу баланд шуд жаҳон сўхт.*
*Магзорки зиҳ кунад камонро,*
*Душман чу ба тир метавон дўхт.*[311]

Кичик хон додам ҳам йигирма тўрт-йигирма беш йилдурким, мулоқот қилмайдурлар, мен ҳам уларни кўрган эмасман. Бўла олғаймуким, мен борсам, ҳам кичик хон додамни кўрсам, ҳам мулоқот қилмоққа восита ва сойиъ бўлсам. Ғаразим бу эрдиким, бу баҳона била бу орадин *(102 а)* чиқсам, Муғулистон ва Турфонға борғонда худ ҳеч монии ва дағдаға қолмас, ўз жиловим ўзумнинг илигимда бўлур. Бу хаёлимдин ҳеч киши соҳиб вуқуф эмас эди, кишини соҳиб вуқуф ҳам қилиб бўлмас эди. Не жиҳаттинким, онамға худ мумкин эмас эрдиким, мундоқ сўзларни айта бўлғай. Яна бир неча улуғ-кичик гирд ва гўшамда бўлурлар эди. Ўзга умидворлиқлар била манга ирашиб саргардонлиқ тортиб юрурлар, аларға ҳам мундоқ сўзларни айтмоқнинг ҳеч лутфи йўқ эди. Хожа Абулмакорим Шоҳ бегимга ва хон додамга бу сўзни айтқоч, алардин ризо не фаҳм бўлур. Яна хотирлариға кечарким, риоят топмоғондин магар рухсат тилайдурман. Бу жиҳаттин номус қилиб рухсатта андак тааммул қилдилар.

Ушбу фурсатта кичик хон додамдин бир киши келдиким, таҳқиқ кичик хон келадур. Бу хаёл ҳам бўлмади. Яна бир киши келиб, кичик хоннинг яқин етганининг хабарини айтқоч, Шоҳбегим ва кичик хон додамнинг сингиллари Султон Нигорхоним ва Давлат Султонхоним ва мен ва Султон Муҳаммад Хоника ва Мирзохон, борча кичик хон додамға ўтру чиқтук. Тошканд била Сайрамнинг орасида Яғмо[312] деган кент ва яна бир неча кентгиналар бор. Иброҳим ота ва Исҳоқ отанинг қабри андадур, бу кентларғача борилди. Кичик хон додамнинг бу замон келурини *(102 б)* таҳқиқ билмай ҳолидин суръат била отланиб эдим. Баякбор хон учрай-ўқ туштилар. Илгари юрудум, мен тушганда-ўқ кичик хон додам воқиф бўлди, хейли изтиробта бўлди. Ғолибо, андоқ хаёли бор экандурким, бир ерда тушуб ўлтуруб, менинг била таъзим била кўрушгайлар. Ёвуқ етишиб туштум, маҳал ул тақозо қилмади, юкунгуча фурсат ҳам бўлмади, юкунуб бориб кўруштум. Изтироб ва инфиолда бўлуб, филҳол Султон Саъидхон била Бобохон Султонни буюрдиларким, тушуб менинг била юкунуб кўрушгайлар. Хоннинг ўғлонларидин ушбу икки султон-ўқ келиб эди, ўн уч-ўн тўрт ёшда бўлғойлар эди. Бу султонлар била кўрушуб отланиб, Шоҳбегим қошиға келдук. Ўлтуруб ўтган-кечган кайфият ва ҳолоттин ярим кечагача ўлтуруб айтиштилар. Тонгласи кичик хон додам манга муғулча расмлиқ бош-оёқ ва қурини ва эгарлик хосса отини иноят қилди. Мафтунлук[313] муғулий бўрк ва сончма тиккан хитойи атлас тўн ва хитойи қўр, бурунғи расмлиқ тоши чинтоий била чинтоийни сўл сари, яна уч-тўрт нима хотун кишининг ёқосиға осар анбардон ва харитасидек нималар осибтурлар, сўнг сарида ҳам ушмундоқ уч-тўрт нима осибтурлар. Ул ердин Тошканд сори мутаважжиҳ бўлдилар.

*(103 а)* Улуғ хон додам ҳам Тошкандтин уч-тўрт йиғоч йўл ўтру чиқиб келди. Бир ерда шомиёналар тикиб, улуғ хон ўлтурди. Кичик хон рўбарўдин келадур эди. Ёвуқ етгач, хоннинг сўл қўли била кейиндин эврулуб келиб, хоннинг олида тушуб келди. Кўрушур ерга етишиб, тўққуз қатла юкунуб келиб кўрушти. Улуғ хон ҳам кичик хон яқин етгач, қўпуб кўруштилар, ғалаба қучушуб турдилар. Ёнғонда ҳам кичик хон тўққуз қатла юкунди. Тортиқ тортқонда ҳам қалин юкунди. Андин сўнг келиб ўлтурдилар. Кичик хоннинг кишилари тамом муғулча ясаниб эдилар: муғулча бўрклар, хитойи атлас ва сончма тиккан тўнлар ва муғулча яшил сағрилиқ соқдоқлар ва эгарлар ва муғулий отлар ва таври ғайри мукаррар зеб била келди.

---

[311] Кучинг етар экан, оловни шу он ўчир. Агар аланга олса, жаҳонни куйдиради. Душманни ўқ билан уришга қодир экансан, унинг камон керишига қўйма.

[312] Қ: Яғмон.

[313] Қ: мафтул.

Кичик хон озроқ киши била келиб эди: мингдин кўпроқ, икки мингдин озроқ бўлғай эди. Кичик хон додам ғариб атворлиқ киши эди, қиличиға маҳкам эрклик ва мардона киши эди. Бу аслиҳадин қиличқа кўпрак муътақид эди. Дер эдиким, шашпар ва пиёзий ва кистан ва табарзин ва болтуким бор, тегса бир ери коргардур, қилич агар тегса, бошдин-оёғи коргардур, кесар. Қиличини ҳаргиз ўзидин айирмас эди: ё белида эди, *(103 б)* ё илигида. Ёқа ерда улғойғон учун бир нима рустойироқ, дурушттўйироқ эди. Ушбу мўғулча зеб билаким, мазкур бўлди, кичик хон додам била келдим. Хожа Абулмакорим улуғ хон додам била эди, мени тонимайдур, сўрубтурким, булар қайси султондур? Айтқондин сўнг танибтур.

Тошкандга келиб бот-ўқ Султон Аҳмад Танбалнинг устига Андижонға черик торттилар. Кандирлик добонининг йўли била мутаважжиҳ бўлдилар. Оҳангарон жулгаси ета кичик хонни ва мени илгаррак айирдилар. Добондин ошиб Зирқон ва Карнон навоҳисида икки хон қатилдилар. Карнон навоҳийсида бир кун дим кўрдилар, черикларини ўттуз минг ченадилар.

Илгаридин хабар кела бошладиким, Танбал ҳам черикини йиғиб Ахсиға келибтур. Хонлар машварат қилиб, раъйлари мунга қарор топтиким, манга бир пора черик қўшқайлар, Хўжанд суйини ўтуб, Ўш ва Ўзганд сори бориб, орқасиға эврулгаймен. Сўзни мунга қўюб, Айюб Бекчикни тумани била, Жон Ҳасан боринни боринлари била, Муҳаммад Ҳисорий дуғлатни, Султон Ҳусайн дуғлатни, Султон Аҳмад мирзо дуғлатни ўзларини, Дуғлат тумани буларда эмас эди, Қанбар Алини ва Сориғбош мирзо итарчини черик доруғайи қилиб манга қўштилар. Карнондин хонлардин айрилиб, Сакон навоҳисидин Хўжанд суйини сол била кечиб, Хўқон *(104 а)* ўрчини била ўтуб, Қубони бостуруб, Олайлуқ ўрчини била Ўш устига илғадук.[314] Саҳар вақти Ўш қўрғониға ғофилліқта етиштук. Ўш эли чора қила олмадилар, Ўшни топшурдилар. Биттабъ вилоят эли бизни кўп тилар эдилар. Танбалнинг қўрқунчидин ва бизнинг йироқлиғимиздин чораларини топа олмаслар эди. Ўшқа келиб киргач, Андижоннинг шарқ ва жанубидағи тоғ ва туз эл ва улуслари тамом кирдилар. Ўзгандниким бурун Фарғонанинг пойтахти ул экондур, яхши қўрғони бор, сарҳадта воқиъ бўлубтур. Эли бизнинг қуллуғимизни қабул қилиб, киши йибориб, манга кирдилар. Неча кундин сўнг Марғинон эли ҳам доруғасини уруб қавлаб, манга кирдилар. Хўжанд суйининг Андижон тарафидағи қўрғонлардин бир Андижондин ўзга тамом кирдилар. Бу айёмда бовужудким мундоқ қўрғонлар бизга кирди ва вилоятта мундоқ оз-оғлоқ уруш-муруш бўлур, вале ҳеч жонибтин ғолибият ва мағлубият мушаххас ва маълум бўлмас, чун Андижон тарафидағи эл ва улус *(104 б)* ва қўрғон ва вилоят аксар манга кирдилар, Андижоннинг эли ҳам биттабъ мени тилар эдилар, вале чораларин топа олмаслар эди, хотирға еттиким, бир кеча Андижоннинг ёвуғиға бориб, киши киюруб,[315] хожа ва арбоблари била сўзлашсак, эҳтимоли борким, бизни бир тарафдин киюргайлар. Бу хаёл била Ўшдин отланиб, ярим кеча Андижоннинг бир куруҳида Чилдухтарон рўбарўйиға келдук, Қанбар Алибек ва яна баъзи бекларни илгаррак йиборилдиким, инчкалик била қўрғонға киши киюруб[316] хожа ва арбоб била сўзлашгайлар. Биз йиборғон бекларнинг интизорида от устида-ўқ туруб эдик, баъзи ургудамакта, баъзи хоболуд, кечанинг уч паҳари бўлғой эди, баякбор таблбоз уни ва сурон чиқти. Ёғийнинг кўпини, озини билмай, ғофил ва уйқулуқ эл бир йўли-ўқ бир-бирига[317] боқмай дувурлаб қоча бердилар. Мен элни тийгунча фурсат ҳам бўлмади. Ёғий сори-ўқ юрудум. Миршоҳ қавчин, Бобо Шерзод ва Дўст Носир менинг била-ўқ тебрадилар. Биз тўрт кишидин ўзга жамиъ эл қочмоққа-ўқ юз қўйдилар. Озроқча ёниб эрдимким, бу доринғонлар ўқ қўюб, сурон солиб, етишиб келдилар. Бир қашқа отлиқ киши манга яқин сиғиниб келди. Отини ўқладим, юмоланиб борди. Бир нима босилғондек *(105 а)* бўлдилар.

Менинг била бўлғон уч киши дедиларким, қоронғу кеча ёғийнинг кўпи-ози маълум ва мушаххас эмас. Бўлғон черик эли тамом кеттилар, биз тўрт кишидин не миқдор мутазаррир бўлғайлар, бориб бу дурамаган элга етиб, урушмоқ керак. Қатраб элга етиб, уруб, қамчилаб, ҳарчанд қилиб, эл тийилмади. Яна бу тўрт киши била ёниб-ўқ қўйдук, озроқча тўхтадилар. Чун бир-икки навбат

[314] Қ: Кирмонда хондин айрилиб, Мангон навоҳисида Хўжанд дарёсина сол била ўтуб. работи Чўгон йўли бирла Қубони босиб ўтуб Олмалиқ йўли била Ўш устига келдук.

[315, 316] Е: кетуруб.

[317] Е: бири-бирига.

кўрдилар, биз уч-тўрт киши, беш эмасбиз, яна элни қувлоқа ва тушурмакка машғул бўлдилар. Ушбу дастур била уч-тўрт қатла бориб элни тийдим. Эл тийилмоғоч, яна ушбу уч киши била ёниб-ўқ қўпуб, ғанимни ёндурдум. Икки-уч куруҳғача элни Харобук ва Пашомуннинг[318] рўбарўйидаги пуштағача қувлай келдилар. Пуштаға етганда, Муҳаммад Али Мубашшир учради. Мен дедимким, бу оз кишидур, туруб от солалинг. Туруб от солдук, ириша туруб қолдилар. Паришон бўлғон эл ул тарафдин-бу тарафдин йиғилиб келдилар. Баъзи ўбдон-ўбдон йигитлар ушбу дориткон била рост Ўшқа борибтурлар.

Бу кайфият мундоқ экандурким, Айюб Бекчикнинг туманидин бир неча муғул Ўшдин биздин айрилиб қазоқликка Андижоннинг гирдиға келган экандурлар. Бизнинг черикнинг ғавғосини эшитиб, инчкалик била илгаррак келиб ўрондашурлар. Бу ўрон икки навъ бўлур: *(105 б)* улким, ҳар қавмнинг ўрони бор, нечукким, баъзи қавмнинг ўрони «дурдона»дур ва баъзининг «тўқбой»,[319] баъзининг «лулу»; яна бир тамом черикка иш маҳалида икки лафзни ўрон қўярларким, иш вақтида учрашқонда, бири бир лафзни айтқонда яна бири ул маъҳуд лафзни айтқай, то бу тариқ била эл ёғийдин айрилғай ва ўз кишисини ётдин фарқ қилғай. Ул юрушта маъҳуд ўрон алфози «Тошканд» била «Сайрам» эди. «Тошканд» деса, «Сайрам» дейилгай, «Сайрам» деса «Тошканд». Бу орада — шўрда Хожа Муҳаммад Али илгаррак экандур. Муғуллар: Тошканд, Тошканд деб келурлар. Хожа Муҳаммад Али сирт киши изтиробта бўлур, муқобалада ул ҳам «Тошканд, Тошканд» дер. Муғуллар ёғий кишиси хаёл қилиб сурон солиб, таблбоз чолиб ўқ қўярлар. Ушбу тариқ ғалат ғавғо била турмаб[320] паришон бўлдук.

Ул қилғон хаёл бўлмади. Яна ёниб Ўшқа келдук. Беш-олти кундин сўнг тоғ ва туз ва қўрғон манга ружуъ қилғонидин Танбал ва тавобии бедил ва бепой бўлуб, чериги ва эли учартуртар тоққа ва тузга қоча кириштилар. Баъзи анинг ичидин келганлар дедиларким, Танбалнинг иши бузулмоқға етибдур. Ушбу уч-тўрт кунда таҳқиқ бузулуб ёнғусидур. Бу хабарлар келгач, Андижон устига отландук.

Андижон қўрғонида Танбалнинг кичик иниси Султон Муҳаммад Калпук[321] эди, Тутлук[322] йўли била келиб, Андижоннинг жануб тарафиға Хоконға *(106 а)* намози пешинда чопқун қўюлди. Ўзум ҳам чопқунчининг кейинча юруб, Пуштайи Айшнинг Хокон тарафидаги доманасига келдим. Қоровулдин хабар келдиким, Султон Муҳаммад Калпук бўлғон кишиси била маҳалла ва боғоттин тошқари Пуштайи Айшнинг доманасиға чиқибтур. Чопқунчи ҳануз йиғилмайдур эди. Чопқунчининг йиғилуриға боқмай бетаваққуф ёғий сари тез-ўқ тебрадим. Калпукниинг кишиси беш юздин кўпроқ бўлғай эди. Агарчи бизнинг кишимиз андин кўпрак эди, вале черик эли чопқунға тарқаб эди. Рўбарў бўлғон маҳалда ушанча-ўқ бўлғай эдук. Ясол ва тартибни мулоҳаза қилмай, жилаврез-ўқ ғаним сари мутаввајжиҳ бўлдук. Ёвуқ етгач, тўхтай олмади. Бир-икки қилич олишғунча[323] ҳам бўлмади, қоча берди. Кишисини Хокон дарвозасининг ёвуғиғача тушара бордилар. Ёғийни босиб маҳалланиинг ёқаси Хожа Каттаға етганда намози шом бўлуб эди, тез-ўқ дарвозаға етар хаёлим бор эди.

Улуғ-қари тажрибалиқ беклар Носирбек Дўстбекнинг отаси,[324] Қанбар Алибек арзға тегурдиларким, кеч бўлубтур, қоронғуда қўрғонға яқин сиғиниб бормоқ беҳисобдур, кейинрак тортиб тушалинг, тонгла не чоралари бордур, қўрғонни берурлар. Бу тажрибалиқ бекларнинг сўзига кириб, маҳаллотнинг ёқасидин- *(106 б)* ўқ ёндук. Агар қўрғон эшигига борсоқ экандур, бешак ва шубҳа қўрғон иликка кирар экандур. Намози хуфтан эди, келиб Хокон ариғидин ўтуб, Работи Рўзак[325] кентининг ёниға тушулди.

Бовужудким, Танбалнинг бузулуб, ёниб Андижонға келур хабари бор эди, бетажрибалиқдин ғафлате бўлди. Хокон ариғидек берк ариғнинг ёқаси беркилиб тушмай ариғдин ўтуб келиб, Работи Рўзак кентининг ёниға туб-туз ерга тушулди. Қоровул йўқ, жангдовул йўқ, ғофил ётилиб эди. Тонг бошида эл чучук уйқуда эрдиким, Қанбар Алибек қатраб қичқириб айттиким, ёғий етти, қўпунг. Ушмунча деб, лаҳза таваққуф қилмай ўта чиқти, ёнмади. Мен ҳамиша, омонлиқда

[318] Қ: Жаротук ва Шибомун.
[319] Н: Туққой.
[320] Е: дуртоб.

[321] Қ: Гулбек.
[322] Қ: Тулуқ.
[323] Н: олишунча.
[324] Р: отаси ва.
[325] Е: Рурақ; Р: Уриқ.

ҳам, тун, уқуввоқ чиғормой-уқ такия қилур эрдим. Қупкоч-уқ қилич соқдоғни боғлаб филҳол отландим. Туғчи туғ боғлағуча фурсат бўлмади, туғни илигига олиб-уқ отланди. Ёғий келадурган сори-уқ мутаважжиҳ бўлдуқ. Ул отланғонда ўн-ўн беш киши ҳамроҳ эди. Бир ўқ отими келиб эдукким, ёғийнинг чопқунчисиға еттук. Бу ҳолатта менинг била унча киши бўлғай эди. Илдам юруб етиб ўқ қуюб, илгариги кишисини олғон била тебрадук. Яна бир ўқ отими қавлаб бориб эдукким, ғулиға еттук.

Султон Аҳмад Танбал юзча чоғлиқ киши била *(107 а)* тўхтаб турубдур. Танбал ўзи яна бир киши била ясолидин эшиклик, тувурлук илгаррак ур-ур деб турубдур, вале эли аксар ёнларини бериб, қочай-қочмай дегандек этиб турубдурлар.

Ушбу замонда менинг била уч киши қолиб эди: бир Дўст Носир, яна Мирзо Қули кўкалдош, яна Каримдод, Худойдод туркман, бир ўкким шастимда эди, Танбалнинг дувулғасиға ўқ оттим, яна соғдоққа илик элиттим, хон додам бир сарсабз гўшагир бериб эди, ул чиқди, ташлағали ҳайфим келди, яна соғдоққа солғуча икки ўқ отқунча фурсат бўлди экин. Яна бир ўқни ҳавлилаб[326] илгаррак юрудум. Бу уч киши ҳам кейинрак қолди. Ўтрумдағи икки кишидин бириким Танбал экандур, ул ҳам илгаррак юруди, орада бир шоҳроҳ эди, мен бу саридин, ул ул саридин йўлға кириб, йўлда рубару бўлдук, андоқким, менинг ўнг қулум ёғий сари, Танбалнинг ўнг қули бизнинг сари бўлди. Танбалнинг бир кечимдин ўзга борча ярофи бор эди. Менинг соғдоқ, қиличдин ўзга ҳеч ярофим йўқ эди. Илигимдағи ўқ била қолқонини ғарбичисиға қуқлай оттим.

Ушбу ҳолатта ўнг бутумға шеба ўқи била ўткара оттилар. Бошимда дувулға бўрки эди, Танбал бошимға чопти, бошим қилич зарбидин карахт *(107 б)* бўлди. Бовужудким, дувулға бўркининг бир тори кесилмади, бошимға хейли яра бўлди. Қилични болдоғламайдур эрдим, қинида эди, қилич суғурғунча фурсат бўлмади. Қалин душман ичида якка ва ёлғуз қолдим. Турар маҳал эмас эди, жилавни ёндурдум, яна бир қилич ҳам ўқларимға тушубтур. Етти-секкиз қадам ёниб эдимким, яёғ[327] уч киши манга қотилди. Мендин сўнгра Танбал Дўст Носирға ҳам қилич солғондур; бир нишона отими кейинимизча келдилар.

[326] Е: Ҳавилаб.
[327] Е: Яёғе.

Хокон ариғи улуғ шоҳжуйдур ва чуқур оқар, ҳар еридин кечиб бўлмас, Тенгри рост келтурди, бу ариғнинг бир гузариға туп-туғри-уқ келдук. Ариғдин кечгач, Дўст Носирнинг оти заифроқ эди, йиқилди. Туруб[328] они отлантуруб Харобуқ била Фарғонанинг оралиғидаги пушта била Ўш сори торттук.[329] Пуштаға чиққон маҳалда Мазид тағойи келиб қотилди. Анинг ҳам ўнг оёғиға тизидин қуйироқ ўқ тегибдур. Агарчи ўта чиқмайдур эди, вале Ўшқа бисёр ташвиш била келди. Менинг ўбдон кишиларимни тушурдилар: Носирбек, Муҳаммад Али Мубашшир, Хожа Муҳаммад Али, Хисрав кўкалдош, Нуъмон чуҳра мунда туштилар. Яна ҳам йигит ялангдин хейли киши тушти.

Хонлар Танбалнинг сўнгича-уқ келиб Андижоннинг навоҳисига туштилар. Улуғ хон қўруқнинг ёнида *(108 а)* менинг улуғ онам — Эсан Давлатбегимнинг боғиғаким, Қўштегирмонга мавсумдур, тушти. Кичик хон Бобо Таваккул лангарининг ёвуғига тушти. Икки кундин сўнг Ўшдин келдим. Улуғ хонни Қўштегирмонда кўрдум. Хонни кўрган замон-уқ манга кирган ерларни кичик хонга бердилар. Манга мундоқ узр айттиларким, Шайбоқхондек ғаним Самарқанддек шаҳрни олиб, улғайиб борадур, ушбу маслаҳат учун кичик хонни не ердин келтурубтурлар, мунда ери йўқ, ул вилоятлари йироқ. Хўжанд дарёсининг жануби Андижон бошлиқ вилоятларни кичик хонға бермак керакким, анда юртланғай. Хўжанд дарёсининг шимоли Ахси бошлиқ вилоятларни манга ваъда қилдилар. Дедиларким, мунда тўхтоғондин сўнг, юруб Самарқанд вилоятини олиб манга бергайлар. Андин сўнг Фарғона тамом кичик хонға бўлғай. Ғолибо, манга бу сўзлар фириб экандур. Муяссар бўлғондин сўнг вуқуъи маълум эмас эди. Чора йўқ эди, ҳоҳи-ноҳоҳи рози бўлдум.

Улуғ хоннинг қошидин отланиб, кичик хонни кўра борадурғонда Қанбар Алибекким, саллохқа машҳур эди, манга ёндошиб келиб, айттиким, кўрдингизму, филҳол, бўлғон вилоятларни олдилар, сизга булардин иш очилмас, *(108 б)* ҳолоким Ўш ва Марғинон ва Ўзганд ва кирган вилоят ва эл ва улус илигингиздадур, филҳол, бориб, Ўшқа кириб, қўрғонларни беркитиб Султон Аҳмад Танбалға киши йибориб, ярашиб, муғулни

[328] Е: юруб.
[329] Н: бордук.

уруб чиқориб вилоятларни оға-ини ҳисса қилишинг. Мен дедимким, раво бўлмағой,[330] хонлар туққонларим, буларға навкарлик қилғоним, Танбалға подшоҳлиқ қилғондин ортиқроқдур. Кўрдиким, сўзи таъсир қилмади, айтқонидин пушаймон бўлуб ёнди.

Мен бориб кичик хон додамни кўрдум. Бурун кўрушганда бехабар етиб бордим, кичик хон тушгунча фурсат бўлмади. Бетаъзимроқ кўрушуб эди. Бу навбат ёвуқроқ келдим, эрса чодирнинг танобининг учиға югуруб чиқти. Оёғимда ўқ яраси жиҳатидин асо тутуб ташвиш била юрур эрдим. Етиб кўрушуб, «Иним баҳодур эмишсиз», деб илигимдин қўлдаб, чодирға келтурди. Кичикрак чодир тикибтурлар. Ёқа ерда улғайғон[331] учун чодир ва ўлтурур ери бетакаллуфона ва қазоқона эди. Қовун ва узум ва рикобхона ашёси[332] тамом ўзи ўлтурур чодирда-ўқ эди.

Кичик хоннинг қошидин қўпуб, узумнинг ўрдумға келдим. Ярамни боққали Атика[333] бахши отлиқ муғул жарроҳини йиборибтурлар. Муғул эли жарроҳни ҳам «бахши» дер. Жарроҳликда бисёр[334] ҳозиқ эди. Кишининг мағзи чиқса, *(109 а)*, дору берур эди. Илдиздин ҳар турлук яра бўлса эди, осон муолажа қилур эди. Баъзи жароҳатқа марҳамдек дору қўяр эди, баъзиға егали дору берур эди. Менинг бутумнинг ярасиға бучқоқ ёқмоқни буюрди, фатила қўймади. Илдиздек нимани ҳам бир қатла едурди. Ўзи дер эдиким, бировнинг[335] инчка пойчаси синиб, бир тутамча ери реза-реза бўлуб эди, этини ёриб[336] сўнгакларини тамом олиб, сўнгак ўрниға доруни ун қилиб солдим. Ул дору сўнгак ўрниға сўнгакдек-ўқ бутти. Мундоқ ажиб ва ғариб нима хейли дедиким, вилоят жарроҳлари андоқ мудоводин ожиздурлар.

Уч-тўрт кундин кейин Қанбар Али айтқон сўзларидин мутаваҳҳим бўлуб, қочиб Андижонға кирди. Бир неча кундин сўнг хонлар иттифоқ қилиб, Айюб Бекчикни туман била Жон Ҳасан боринни борин тумани била Сариғбош мирзони черик беги қилиб, минг-икки мингча киши манга қўшуб, Ахси тарафиға йибордилар. Ахсида Танбалнинг иниси Шайх Боязид эди. Косонда Шаҳбоз Қорлуқ эди. Ул фурсатта Шаҳбоз келиб, Навканднинг қўрғонининг олида ўлтуруб эди. Хўжанд дарёсидин Бичротанинг[337] олидин кечиб, Навкандга Шаҳбознинг устига илғадуқ. Тонгдин бурунроқ Навкандга ёвуқ етган *(109 б)* маҳалда беклар арзға еткурдиларким, бу киши худ жазм туюбтур. Ясолни бузмай ёрукта-ўқ етиб борсақ муносибдур. Оҳистароқ юрулди. Шаҳбоз худ ғофил экандур. Биз Навканд яқиниға етган маҳалда туюб, ташқаридин қўчиб кирибтур. Ушбу йўсунлуқ бисёр воқиъ бўлубтур: ғаним не туюбтур, деб саҳл инкорлиқ қилибтур, иш маҳалли фавт бўлубтур, тажриба ушмундоқ нималардур. Ғаразким, иш қопуға келган маҳалда жидд ва эҳтимомни тақсир қилмамоқ керак. Сўнгра пушаймонлик бефойдадур.

Тонг отқонда қўрғон гирдида оз-оғлоқ уруш бўлди. Бажидд уруш солмадуқ. Навканддин тоғ сари Бишхорон[338] тарафиға чопқун маслаҳатиға борилди. Шаҳбоз Қорлуқ фурсатни ғанимат тутуб, Навкандни ташлаб қочиб, Косонға борди. Биз ёниб келиб Навкандта ўлтурдук.

Бу айёмда атроф ва жавонибни неча қатла бизинг черик бориб чоптилар. Бир навбат Ахсининг кентларини чоптилар. Яна бир қатла бориб Косонни чоптилар. Шаҳбоз била Узун Ҳасаннинг Мирим отлиқ сахлағон уғли урушға чиқтилар. Уруштилар, босилдилар, Мирим анда ўлди.

Ахсининг берк қўрғонларидин бири Поп қўрғоиидур. Поплик(лар) Поп қўрғонини беркитиб, бизга киши йиборибтурлар. Саййид Қосимни[339] бир неча йигитлар била йиборилди. *(110 а)* Ахсининг юққориғи кентларининг тўғрисидин дарёни ўтуб бориб Поп қўрғониға кирдилар.

Бир неча кундин кейин ғариб амре воқиъ бўлди. Ул маҳал Иброҳим Чопуқ тағойи, Аҳмад Қосим Кўҳбур, Қосим Хатика[340] арғун, Шайх Боязид била Ахсида эдилар. Бу мазкур бўлғонларға икки юзча ўбдон йигитларни қўшуб ғофилликта бир кеча Поп қўрғонининг устига юборур. Саййид Қосим эхтиёт қилмай ғофил ётқоп экандур. Қўрғонға етиб, шоту қўюб чиқиб дарвозани олиб, пули

---

330 Е: бўлғайму.
331 ЕҚ: улғонғон.
332 Н: ашёси.
333 Қ: Абика.
334 Қ: кўп.
335 Е: бировнинг бир.
336 Е: ёзиб.

337 Е: Бихр.
338 Қ: сихойрон.
339 Қ: Саййид Қосим ва Кўҳбурни ва Хушика арғунни.
340 Қ: Ҳушика; Р: Хасика.

равон солиб[341] етмиш-сексонча убдон яроклик йигитлар кирганда, Саййид Косимга хабар булур. Уйкулук, кунглакчан купуб беш-олти киши била откулаб, ура-ура буларни чикарур. Бир неча бош кесиб йиборди. Агарчи мундок ғафлат била ётмоклиғи куп бесардорона эди, вале оз киши била мундок яроклик убдон калин йигитларни зарбирост уруб чикармоғи хейли мардона эди.

Бу муддатта хонлар Андижон курғонининг мухосарасиға машғул эдилар. Курғои эли курғоннинг якиниға келгали[342] куймаслар эди. Йигитлар отлик чикиб, тошкари чопкулашурлар эди. Ахсидин Шайх Боязид давлатхохлик изхор килиб, киши йибора бошлади. Бизни бажидд тилади. Бу тиламоктин ғарази бу эрдиким, хар хийла била мени хонлардин айирғай. *(110 б)* Мен хонлардин айрилғондин сунг хонлар тура олмаслар эди. Бу тиламаги оғаси Танбалнинг иттифоки била экандур. Хонлардин айрилиб, булар била иттифок килмоғлик бизнинг кошимизда махол эди. Мунинг тиларини хонларға имо килдук. Хонлар дебтурларким, борсун, хар тавр килиб Шайх Боязидни тутсун. Бу макру фириб бизнинг даъб ва тарикимиз эмас эди. Алалхусуским, орада ахд булғай, бу навъ бад ахдлик худ нечук булғай.

Хотирға бу кечтиким, хар тавр килиб узумизни Ахсиға солсак, ё шайх Боязид Танбалдин кать килиб бизнинг сари булғай, ё бир накше эврулгайким муносиби давлат булғай.

Биз хам киши йибордук, ахд ва шарт килиб бизни Ахсиға тилади, бордук. Утру чикиб, иним Носир мирзони хам келтуруб, бизни Ахси курғонига олиб борди. Тош курғонда отамнинг иморатларида манга юрт ва маком таъйин килибтур. Бориб анда туштум.

Танбал Шайбокхонға оғаси Бек Телбани йибориб, итоат изхори килиб, тилаб эди. Бу фурсатта Шайбокхоннинг нишонлари келди: юруймен, деб битибдур.

Бу хабар хонларға еттач, бепой булуб, ултуролмай, Андижон устидин куптилар. Кичик хоннинг адл ва мусулмонлик била шухрати бор эди. Уш ва Марғинон ва бу кирган курғонларда куйғон муғуллари элнинг чашмдоштининг хилофи, зулм ва бадмаошлик кила *(111 а)* бошладилар. Хонлар Андижондин купкоч, Уш ва Марғинон эли хужум килиб, курғондаги муғулларии тутуб, талаб уруб кавлаб чикордилар. Хонлар Хужанд дарёсини кечмай, Марғинон ва Кандибодом била ёниб, Хужанддин дарёни кечтилар. Танбал хонларнинг кейнича Марғинонға келди.

Биз бу холатта мутараддуд эдук, турмокка буларға хейли эътимодлук йук эди. Бежихат солиб чикмок хуш ёкмайдур эди. Бир сабохи эрдиким, Марғинондин Жахонгир мирзо келди, куруштум. Ушбу замон Шайх Боязид хам изтироб била келди, олдорабтур. Мирзо ва Иброхимбек алар дедиларким, Шайх Боязидни тутмок керак, аркни иликламак керак. Филвокиъ, ишнинг хисоби бу эди. Мен дедимким, ахд килибтур. Биз нечук накзи ахд килғайбиз. Шайх Боязид аркка борди. Купрукка киши куймок керак эди, купрукка хам киши куймадук. Бетажрибаликдин мундок усаллар булди.

Тонг бошида Танбал икки-уч минг яроғлик киши била келиб купрукдин утуб аркка кирди. Менинг аслда кишим озрок эди. Ахсиға киргач, яна баъзини курғонларға ва баъзини доруғалик ва тахсилға хар тараф-хар тараф йиборилиб эди. Менинг била Ахсида *(111 б)* юздин купрак киши булғай эди. Булғон киши била отланиб куча-кучанинг бошида йигитларни таъйин килмокка ва уруш яроғида эдукким, Шайх Боязид ва Канбар Али ва Мухаммад Дуст Танбал кошидин ислох учун котроб келдилар. Урушка таъйин булғонларни ерлик-ерига турғузуб, машварат килмокка отамнинг гурхонасиға[343] келиб тушуб, Жахонгир мирзони хам тиладим. Мухаммад Дуст ёнди. Шайх Боязид била Канбар Алибек келдилар. Макбаранинг жанубий айвонида ултуруб машварат килмокда эдукким, Жахонгир мирзо Иброхим чопук била сузни буларни тутмокка куйғон экондурлар. Жахонгир мирзо менинг кулоғимға айттиким, буларни тутмок керак. Мен дедимким, изтироб килманг, холо иш тутмокдин утти, куралинг, шоядким, ислох била иш бир нимага ухшағай. Не учунким, алар асру калин, биз куп оз, узга бу кавийлик била алар аркта ва бу заифлик била биз тош курғонда.

Шайх Боязид ва Канбар Али хам бу кенгашта хозир эдилар. Жахонгир мирзо Иброхимбек сори ёндошиб, бу ишдин манъ кила ишорат кил-

[341] Н: Солилиб.
[342] Е: келганни.

[343] К: Курхона.

ди. Билмон, акс фаҳмладиму, ёхуд тағофул қилиб бу ҳаракатни қилдиму, филҳол Шайх Боязидни тутти. Турғон йигитлар туш- *(112 а)* тушидин ёпишиб, бу икки кишини тирт-пирт қилдилар. Иш сулҳ ва islоҳдин ўтти. Бу икки кишини топшуруб, урушқа отландуқ. Шаҳрнинг бир тарафини Жаҳонгир мирзонинг уҳдасиға қилилди. Мирзонинг кишиси оз эди. Бир пора ўз кишимдин ҳам мирзоға кўмак таъйин қилдим. Ул анда етиб, бир ерда урушқа элни таъйин қилиб яна бир тарафқа келдим. Шаҳрнинг ўртасида тузрак ер бор эди. Анда бир пора йигитларни қуюб борилиб эди. Бу жамоатни қалин отлиқ-яёқ келиб, ул ердин кўтариб кўчага тиқибтурлар.

Ушбу ҳолатта мен етиб бордим. Етгач-ўқ от югурттум. Туруш бермай дуркураб қоча бердилар. Кўчадин қочуруб тузга чиқориб, қилич тегурур маҳалда отимнинг оёғиға ўқладилар. Отим букулуб, ёғийнинг ўртасида мени ерга урди. Чуст қўпуб бир ўқ оттим, Соҳибқадам Кохилиинг бир забунғина оти бор эди, тушуб манга тортти, миндим. Мунда киши таъйин қилиб яна бир кўча бошиға мутаважжиҳ бўлдум. Султон Муҳаммад Вайс отимнинг забунлиғини кўруб тушуб, отини манга тортти, ул отға миндим.

Ушбу фурсатта Қанбар Алибек Қосимбекнинг уғли яралиқ Жаҳонгир мирзо қошидин келди. Айттиким, муддате бўлдуким, Жаҳоигир *(112 б)* мирзони зўрлаб тебраттилар, Жаҳонгир мирзо чиқиб кетти. Биз мутаҳаййир бўлдук.

Ушбу фурсатта, Саййид Қосимким, Поп қўрғонида эди, етиб келди. Ажаб бемаҳал келиш эди. Мундоқ маҳалда андоқ берк қўрғон иликта бўлса эди, тавре эди. Мен Иброҳимбекка дедимким не қилмоқ керак. Озроқ яраси бор эди. Андинму эди, ё олдорағонидинму эди, ободон жавоб бера олмади.

Бир хаёл қилдимким, кўпрукдин ўтуб, кўпрукни бузуб, Андижон сари мутаважжиҳ бўлғайбиз. Бобо Шерзод анда хейли яхши борди. Дедиким, дарвозадин-ўқ зўрлаб чиқарбиз. Бобо Шерзоднинг сўзи била дарвоза сари-ўқ мутаважжиҳ бўлдук.[344] Хожа Мирмирон ҳам ул ҳолда мардона сўзлар айтти. Кўча орасида келадургонда Саййид Қосим Дўст Носир Боқи хез била чопқулашурлар.

Мен ва Иброҳимбек ва Мирзоқули кўкалдош илгаррак эдук. Дарвозаға рўбарў бўлғоч-ўқ кўрдумким, Шайх Боязид кўнглак устида фаражий киййиб, уч-тўрт отлиқ била дарвозадин кириб келадур. Шастимдағи ўқни тўлдуруб оттим. Бўйидин ёздим, хейли яхши оттим. Изтироб била дарвозадин киргач, ўнг қўл сари борур.

Кўча била қочаберди. Биз ҳам анинг кейнича-ўқ юрудук. Сабоҳ Шайх Боязид аларни бехост туттурулғонда Жаҳонгирнинг кишиларида экандур. Алар чиққач, Шайх Боязидни ҳам била олиб чиқарлар. Бир хаёл қилурларким, ўлтурғайлар. Яхшиким ўлтирмай қўяберурлар. Алардин халос бўлиб дарвозадин кириб келадурганда манга учрай тушти. Мирзақули кукалдош бир яёқка *(113 а)* пиёзий тегурди. Яна бир яёқ Мирзақули ўтгач, Иброҳимбекка ўқ тўлдурди. Иброҳимбек «ҳе, ҳе» деб ўтабергач, эшиклик турлук ердин менинг қултуғумға ўқ отти, қалмоқи жибанинг икки қот[345] ёфроғини кесибтур. Қочаберди. Орқасиға оттим.

Ушбу ҳолатта бир яёқ фасил устидин қочиб борадур. Бўркини фасилнинг кунгурасига қуклай оттим. Бўрки кунгурага қадоғлиқ-ўқ қолди. Дастори илгига чуволуб[346] борди. Яна бир отлиқ менинг ёнимдин Шайх Боязид қочқон кўча сари қочиб борадур, қилич била чўққусиға сончтим. Оттин эгилиб эрдиким, кўча томиға таянди, йиқилмади, ташвиш била қочиб қутулди. Дарвозада[347] бўлғон отлиқ-яёқни қавлаб, дарвозани олдуқ. Иш тадбирдин ўтуб эди. Нечуккким, икки-уч минг яроқлиқ киши аркта, бир юз-икки юз киши тош қўрғонда. Яна Жаҳонгир мирзони бир сут пишими бурунроқ қавлаб чиқарибтурлар. Кишимизнинг ярими анинг била чиқибтур. Бовужуди бу ҳол бетажрибалиқтин дарвозада туруб, Жаҳонгир мирзоға киши йиборилдиким, ёвуқ бўлса келсун, яна зўрлалинг. Иш андин ўтуб эди.

Иброҳимбекнинг оти заиф эрдиму ё яралиқму эди, манга дедиким, отим харобтур. Муҳаммад Али Мубашширнинг Сулаймон отлиқ *(113 б)* навкари бор эди, ушбу ҳолатта ҳеч киши таклиф қилмай тушти. Отини Иброҳимбекка берди, хейли мардона иш қилди. Ўшул дарвозада турғонда Кичик Аликим, Қули Гил шиқдоридур, мардо-

---

[344] Қ: Бу иборалар йўқ.

[345] Н: қад.

[346] Е: қутулуб.

[347] Н: дарвозаға.

налиқ изҳори қилди.[348] Ул маҳалда Султон Муҳаммад Вайс навкари эди. Ушда икки бор ҳам яхши борди. Мирзоға борғон киши келиб дедиким муддатидурким, Жаҳонгир мирзо чиқиб кетибтур. Турардин ўтти, биз ҳам тебрадук. Мунча ҳамким турулди, беҳисоб эди. Йигирма-ўттузча киши бизнинг била қолиб эди.

Биз тебрагач, қалин ўпчинлиқ киши етиб-ўқ келди. Биз Пули равондин ўтуб эдукким, Пули равоннинг шаҳр тарафиға ёғий кишиси етти. Қосимбекнинг ўғли Ҳамзанинг онасининг отаси Банда Алибек Иброҳимбекка кичкириб айтадуркким, дойим таассуб ва лофинг бор эди, тур, қилич олишалинг. Иброҳимбек менинг ёнимда эди. Дедиким, кел, не мониъдур?!

Беҳуш киши мундоқ шикаст маҳалида таваққуф қиладур, бемаҳал[349] таассубдур. Даранг ва таваққуф чоғи эмас эрди, илдам-ўқ юрудук. Ёғий кишиси бизнинг сўнгимизча жиловрез кишимизни тушура-тушура келадур. Ахсининг бир шаръисида Гунбази Чаман деган ер бор. Гунбази Чамандин ўта Иброҳимбек мени чарлайдур. Кейин боқсам *(114 а)* Шайх Боязиднинг бир чуҳраси Иброҳимбекка тегурубтур. Жиловимни ёндурдум. Хонқули Баёнқули менинг ёнимда эди. Бемаҳал ёнмоқдур, деди. Жиловимни олиб тебради. Сангга етгунча аксар кишимизни тушурдилар.

Санг Ахсидин икки шаръийдур. Сангдин ўтгач, кейнимизда ёғий кишиси кўрунмай, Санг суйи юққори-ўқ юрудук. Ушбу ҳолатта секкиз киши қолиб эдук: Дўст Носир, Қанбар Али Қосимбек, Хонқули Баёнқули, Мирзоқули кўкалдош, Шоҳим Носир, Абдулқуддус Сайди Қаро, Хожа Ҳусайний,[350] секкизинчи мен эрдим. Бу сув юққори тавр йўлғина учради. Кўлнинг ичи киши мамарридин йироқ хилват йўл, кўл юққори-ўқ юруб, сувни ўнг қўлға қўюб, яна бир қуруқ қўлға кирдук. Эрта намози дигар бор эрдиким, қўлдин тузга чиқилди. Тузда йироқдин бир қаро кўрунди. Элни панаҳда турғузуб, ўзум яёқ бир пуштаға чиқиб қаравуллуқ қиладур эрдимким, қалин отлиқ орқамиздин бир пуштанинг устига қотроб чиктилар, кўп ва озини таҳқиқ қилғунча бўлмади, отланиб юруй бердик.

Қовғунчи йигирма-йигирма беш киши экандур, биз секкиз киши эдук, нечуккким мазкур бўлди. Агар ул ваҳмда мунча киши эканини таҳқиқ билсак эди, яхши урушур эдук. Хаёлга кечтиким қовғунчи *(114 б)* буларнинг кейнида пайваст бўлғусидур, бу жиҳатдин юруй бердук. Қочғон ёғий кўп бўлса ҳам оз қовғунчи била чеҳра бўла олмас. Нечукким, дебтурлар: «Сафи мағлубро ҳуе басандаст».[351]

Хонқули дедиким, мундоқ била бўлмас, борчамизни олур. Икки яхши отни бу орадин олиб, сиз ва Мирзоқули кўкалдош от қўшлаб, илдам юрунг, шояд, чиқа олғайсиз. Ёмон айтмайдур эди. Чун уруш иши бўлмади, бу бўлса имкони халослик бор эди. Филҳол бировни ёғий орасида тушуруб қўймоқлик хуш ёқмади. Охир худ бирор-бирор тамом қолдилар: Бу минган отим бир нима сустроқ эди, Хонқули тушуб отини берди, от устидин-ўқ сачраб миндим. Хонқули менинг отимға минди. Ушбу ҳолатта Шоҳим Носир била Абдулқуддус Сайди Қарониким, кейин қолиб эдилар, тушурдилар, Хонқули ҳам қолди, маҳалли ҳимоят ва мадад эмас эди. Отнинг ўзиға-ўқ елдуруб бориладур эди, оти бормағон қоладур эди. Дўстбекнинг оти ҳам бўлдурди, қолди. Бу минган отим ҳам сустлиқ қила бошлади. Қанбар Али тушуб отини берди, миндим, Қанбар Али ҳам отимға минди ва қолди. Хожа Ҳусайний оқсоқ киши эди,[352] нушталар сари ўзини тортти, мен қолдим ва Мирзоқули кўкалдош отнинг қуш оёқ олурға мақдури *(115 а)* қолмайдур эди. Қатраб-ўқ борадур эрдук. Мирзоқулининг оти ҳам сустлиқ қила бошлади. Мен дедимким, сени ташлаб қаён борай, юру, ўлук-тирик била-ўқ булали. Неча навбат Мирзоқулиға боқа юрудум. Охир Мирзоқули дедиким, менинг отим бўлдурубтур, бора олмассиз, манга боқа олдурманг, юрунг, шояд чиқа олғайсиз. Манга ғариб ҳолати бўлди, Мирзоқули ҳам қолди. Мен ёлғуз қолдим. Ёғийдин икки киши пайдо бўлди: бирининг оти Бобо Сайрамий, яна бири Банда Али. Манга ёвуқрок келдилар. Отим бўлдуруб эди ва тоғ ҳам бир қуруҳға ёвуқ бор эди, бир санг туда учради. Бир хаёл қилдимким, от ҳорибтур ва тоғ ҳам йироқроқ, қаён борай. Соғдоғимда ҳам йигирмача ўқ бор эди, тушай, бу сангтўдада ўқум борича отқулашай,



---

[348] Қ: Кичик Али ва Вайсбек хуб мардона ишлар қилдилар.
[349] Г: не маҳал.
[350] Л: Хожа Хасий.

[351] «Енгилган сафга бир «ҳой» кифоядир.
[352] Л: Хожа Хасий барлик киши эди.

яна хотирга еттиким, шояд тоғқа етиша олғаймен. Тоғқа етгандин сўнгра бир пора ўқни белимга сончиб, тоғқа ёрмошой, зарби пойимға хейли эътимодим бор эди. Бу хаёл била юруй бердим. Отимнинг илдам қотрор мажоли қолмайдур эди. Булар ҳам ўқ етар ерга еттилар. Мен ҳам ўқумни аяб отмадим. *(115 б)* Булар ҳам эҳтироз қилиб ёвуқроқ келмадилар. Ўшул дастур била ирашиб келадурлар эди. Офтоб ўлтура тоғқа ёвуқ еттим. Бардаст айттилар, мундоқ этиб қаён борасиз? Жаҳонгир мирзони тутуб келтурдилар. Носир мирзо худ аларнинг илгида эди. Манга бу сўзларидин хейли дағдаға бўлди. Бу жиҳатдинким, борчамиз анинг илигида бўлсак, хатар эҳтимоли кўптур. Жавоб бермадим, тоғ сари юрудум. Яна хейли йўл борилиб эрдиким, яна сўз айта кириштилар. Бу навбат аввалғидин мулойимроқ ҳикоят қилдилар. Оттин тушуб сўз айта кириштилар. Буларнинг сўзига қулоқ солмай юруй бердим. Дара юққори-ўқ борадурмен. Намози хуфтанғача бордим. Охир бир уйча тошқа еттим, тошдин эврулдум. Секиртмалар бўлди, от бора олмади.

Алар ҳам туштилар, ҳурмат ва таъзим била ҳануз мулойимроқ айта кириштилар. Дедиларким, мундоқ этиб қоронғу кеча йўл йўқ, қаёнға борасиз? Онтлар ичадурларким, сизни Султон Аҳмадбек подшоҳ кўтарур.

Мен дедимким, менинг кўнглум тўхтамайдур, анда бормоқ худ мумкин эмас. Агар сизларнинг бажо гоҳ хизмат қилур хаёлингиз бордур, худ мундоқ хизмат *(116 а)* қопуси йилларда топилмас. Мени бир йўлға бошлангким, хонлар қошиға борай. Сизларга кўнгулларингиз тилагандин ортуқроқ риоят ва шафқат қилай. Йўқ, агар муни қилмасангиз, келган йўлунгиз била ёнинг. Менинг оллим — отиғим. Бу ҳам бир яхши хизматдур.

Дедиларким, қошқи келмасак эди, чун келдук, сизни мундоқ солиб, не тавр ёнолинг. Чун бормайсиз, ҳар қаён борсангиз, хизматта бўлгумиздур.

Мен дедим, бас сидқи қавлунгизға аҳд қилинг. Мусҳафу муғаллиза аҳд қилдилар. Манга филжумла итмийноне бўлди.

Дедимким, ушбу даранинг яқинида кенг қўл йўлини нишон бериб эдилар, ўшул йўлға бошланг. Агарчи аҳд қилдилар, вале итмийнони тамом бўлмайдур эди, аларни илгари юрутуб, кейинларича юрудум.

Бир икки қуруҳ йўл борилиб эди, бир сой суйиға еттук. Дедимким, кенг қўл йўли ушбу бўлмағай. Булар истибдод қилдилар. Дедиларким, ул йўл хейли илгаридур. Кенг қўл йўли худ ўшул экандур. Булар ғадр мақомида бўлуб, ёшурубтурлар. Ярим кечагача бориб, яна бир сувға еттук. Булар бу замон айттиларким, ғофил бўлубтурбиз. Кенг қўл йўли кейин қолмиш.

Дедимким, бас, на қилмоқ керак?

Дедиларким, олимизда Ғаво йўли яқиндур. Ул йўл била Фаркатқа ошар *(116 б)* лар. Ул йўлга бошладилар.

Кечанинг уч посиғача йўл келдук. Карнон сойиғаким Ғаводин чиқиб келур, еттук. Бобо Сайрамий дедиким, сиз мунда турунг, мен бориб, Ғаво йўлини эҳтиёт қилиб келай. Муддатидин сўнгра келди.

Дедиким, Бўрка бошлиқ бир неча киши бу йўлға келибтур. Мундин ўтуб бўлмас. Бу сўзни эшитиб, мутаҳаййир бўлдум. Вилоят ораси, тонг ёвуқ ва мақсад йироқ.

Мен дедимким, бир ерга бошлангким, кундуз анда буқуб, кеча бўлғоч от-мот иликлаб, Хўжанд суйини кечиб, ул юз била Хўжанд сари боролинг.

Дедиларким, мунда бир пушта бордур, анда буқса бўлур: Карнон[353] доруғаси Банда Али эди. Дедиким, отимизға ва ўзумизға бўғуздин гузар йўқтур. Мен Карнонға борай, ҳар нима муяссар бўлса, келтурай. Ул ердин ёниб Карнонға юзландук: Карноннинг бир қуруҳида турдук. Банда Али борди, муддати мадид қолди. Субҳ узлаб келадур, бу ҳеч келмайдур. Хейли изтироб бўлди. Тонг отиб эрдиким, Банда Али қотроб келди. От бўғузи келтурмади. Уч нон келтурди. Ҳар биримиз бир нонни қўйнға солиб, изтироб била ёниб, юққори пуштанинг устига чиқиб, бир қулда[354] отларни боғлаб, ҳар қайсимиз ҳар тарафға бир баландиға чиқиб, қаравуллуқ қилиб ўлтурдик.

Тушга ёвушуб эрди *(117 а)* ким, Аҳмад қушчи[355] тўрт отлиқ била Ғаводин Ахси сариға борубдур. Бир хаёл қилдимким, Аҳмад қушчини чорлаб, ваъда ва истимолат бериб, отларни олалингким, отларимиз бир кеча-кундуз ҳарбу зарбда эди, бўғуз ҳам топмайдур эди, хароб бўлиб эди. Яна кўнгул тўхтамай буларға инона олмадук.

---

[353] Қ: Кирмон.

[354] Қ: сув қозғон жарларда.

[355] Қ: Кавчин.

Қошимдағилар била сўзни мунга қўйдуккким, булар бу охшом Карнонда бўлғуларидур. Кеча инчкалик била кириб, отларини чиқоралингким ўзимизни не бир ерга еткура олғайбиз.

Кун туш бор эрдиким, кўз етар ерда бир отнинг устида бир нима илтираб кўранадур. Хеч билмадукким, не нимадур? Бу худ Муҳаммад Боқирбек экандур. Ахсида бизнинг била эди. Ахсидин чиққопда ҳар ким бир тараф тушуб эди. Муҳаммад Боқирбек бу сори тушуб, ёшуниб юрўйдур экандур. Банда Али била Бобо Сайрамий айттиларким, отлар икки кундурким, буғуз топмади, жулға тушуб, отларни ўтга қуёлинг. Ул ердин отланиб жулгага тушуб, отларни ўтға қўйдук. Намози дигар эрдиким, бир отлиқ киши биз буққон пуштаға чиқиб борадур, тонидим: Ғавонинг улуғи — Қодирберди. Буларға дедим: Қодирбердини чорланг. Чорладилар. Келди. Кўруб, сўруб, иноят шафқат сўзлар айтиб, ваъдалар қилиб, истимолатлар бериб йибордимким, арғамчи ва ўрғоқ ва болту ва сув кечмак асбоби ва от буғузи ва егулук *(117 б)* ва агар муяссар бўлса от хам келтургай. Намози хуфтанға миод қилдукким, ушбу ерда-ўқ келгай.

Кеч намози шом эрдиким, бир отлиқ Карнон тарафидин Ғаво сари ўтуб борадур. «Кимсен?» деб сўрдук. Жавоб берди. Бу худ Муҳаммад Боқирбек экандур. Боё кун тушта кўрган ердин яна бир ерга ёшунғали борадур экандир. Андоқ унини тағйир бердиким, бовужудким, йиллар менинг била эди, асло тоний олмадим. Агар ани тониб, ўзимизга қўшсак хўб эди. Мунинг ўтганидин хейли дағдаға бўлди. Қодирберди Ғавоийға қилғои миодқа тура олмадук. Банда Али дедиким, Карноннинг маҳаллотида хилват боғчалар борким, анда хеч киши гумон элтмас, анда бориб, Қодирбердига киши йиборалинг, анда келсун. Бу хаёл била отланиб, Карноннинг маҳаллатиға келдим, қиш эди, хейли совуқ эди. Бир эски кавал пўстин топиб келтурди, кийдим. Бир аёғ юмдон оши топиб келтурди, ичтим. Ажаб ҳузур қилдим. Банда Алиға дедимким, — Қодирбердиға киши йибордингми?

Дедиким: «Йибордим». Бу бесаодат рустоий мардаклар худ бу кишини иттифоқ била Ахсиға Танбал қошиға йибормишлар. Бир том уйга кириб, ўт ёқиб, бир замон кўзум уйқуға борди. Бу мардаклар пуркорлиқ қилиб, яна манга айтадурким, Қодирбердидин хабар олмағунча худ бу ердин тебраб бўлмас, бу ер маҳаллотни орасидур, ёқада холи боғлар бор, онда *(118 а)* борсак, хеч ким гумон элтмас.

Ярим кечада отланиб ёқа боғқа бордим. Бобо Сайрамий том устидин ул сари, бу сари қоролайдур эди. Кун тушга ёвуқ томдин тушуб, менинг қошимға келиб айтадуркim, Юсуф доруға келадур.

Манга ғариб дағдаға бўлди. Дедимким, англағилким, мени билиб келамудур.

Чиқиб сўзлашиб келди. Дедиким, Юсуф доруға айтадур: — Ахси дарвозасида бир яёқ учради дедиким, подшоҳ Карнонда фалон ердадур. Мен кишига билдурмай, бу яёкни Вали хизоначи билаким, урушта манга тушуб эди, бир ерда сахлаб, ўзум сизга чопа келдим. Бекларнинг бу иштин хабари йўқтур.

Дедимким: Сенинг хотирингға не етадур?

Айттиким: Борча навкарларингиздур, не чоралари бор, бормоқ керак. Сизни подшоҳ кўтарадурлар.

Дедимким, мунча ғавғо ва уруш бўлуб, не эътимод била борай. Ушбу муколамада эдукким, Юсуф икки тизи била оллимда юкуниб айттики, не яшурай, Султон Аҳмадбекнинг хабари йўқтур. Шайх Боязидбек сизнинг хабарингизни топиб мени йиборди.

Муни дегач, манга ғариб ҳолате бўлди. Оламда жон вахмидип ёмонроқ нима бўлмас эмиш. Мен дедимким, ростлиғини айт. Агар иш ўзгачарак бўлғудектур, худ вузу қилай. Юсуф онтлар ичти, вале анинг онтиға ким инонадур. *(118 б)* Ўзумда бетоқатлиғе фаҳм қилдим. Қуптум, боғ гўшасиға бордим. Ўзум била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак.

*Агар сад сол мони ва-р яке рўз,*
*Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз.*[356]

Ўзумни ўлумга кароp бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб, Хожа Яҳёнинг ўғли хазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари

---

[356] Агар юз йил ва агар биргина кун яшасанг ҳам, кунгил очувчи бу қасрдан кетиш керак бўлур.

рубаруйимға аблақ от миниб куп жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз. Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ултурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир булурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кутаринг, уйғонинг.

Ушал ҳолда хушҳол булуб уйғондимким, Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бирига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб хаял қиладур, тутуб боғламоқ керак.

Бу сузни мен эшитиб дедимким, сизлар бу йусунлуқ сузларсиз, аммо қурайинким, қайсингиз менинг қошимға кела олурсиз? Ушбу сузнинг устида эрдиким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди. *(119 а)* Юсуф доруға дедиким, биз агар сизни олиб Танбал қошиға борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди. Ҳоло яна куп киши йиборибтур, сизни тутғали. Ул яқин қилдиким, бу овоз Танбалнинг йиборған кишиларининг отини товуши булғай. Бу сузни эшитгач, манга изтироб купроғ булуб, қилур ишимни билмадим.

Ушал ҳинда бу отлиқлар боғнинг эшигини топарға фурсат қилмай, деворниким, эски булғон еридин рахна қилиб кирдилар. Курсамким, Қутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобойи Парғарийким, менинг жон тортқон навкарларим ун-ун беш, йигирма киши булғай, етиб келдилар. Булар ёвуқ келиб, оттин узларини ташлаб, йироғдин юкунуб, таъзим қилиб, менинг оёғимға йиқилдилар. Ушал ҳолда манга андоқ ҳолат булдуким, гуё манга янги боштин Худой жон берди. Мен дедимким, ул Юсуф доруғани ва бу турғон муздур мардакларни тутуб боғланг. Ушал мардаклар қоча бериб эрдиким, ҳар ерда бировни тутуб боғлаб келтурдилар.

Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз.

Қутлуқ Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин кочиб чиқғанда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш курдумким, Хожа Убайдулло дедиларким, Бобур подшоҳ Қарнон *(119 б)* деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлик маснади анға тааллуқ булубтур. Мен бу тушни куруб, хушҳол булуб, улуғ хон, кичик хонға арз қилдим, хонларға дедимким, менинг беш-олти ини, уғлум бор, яна бир неча йигит қушунгиз. Қарнон тарафидин бориб хабар олайин.

Хонлар дедиларким, бизнинг хотиримизға ҳам етадурким, ушал йулға борғон булғой. Ун киши таъйин қилдилар, дедиларким, ушал сари бориб, хуб таҳқиқ қилиб, хабар олинг, бориким, зоҳиран хабар топқайсиз. Ушул сузда эдукким, Бобойи Парғарий дедиким, мен ҳам бориб истармен, ул ҳам икки йиғит иниси билан иттифоқ қилиб отландуқ. Бу кун уч кундурким йул келабиз. Алҳамдулиллоҳ, сизни топтуқ, дедилар. Айттиларким, юрунг, отланинг, бу боғланғанларни ҳам олиб боралинг; мунда турмоқ яхши эмастур. Танбал сизни мунда келган хабарингизни топибтур. Ҳар тавр қилиб бориб, хонларға қушулалинг. Ушал замон отланиб, Андижон тарафиға юруй бердук.

Икки кун булуб эрдиким, ҳеч таом емайдур эдим. Намози пешин булуб эдиким, бир қуйни топиб келиб, бир ерда тушуб, ултуруб, кабоб қилдилар. Ушал кабобдин туйғунча едим. Андин сунгра отланиб беш кунлук йулни икки кеча ва кундуз илғор қилиб келиб, Андижонға кириб улуғ хон додам ва кичик хон додамни курунуш қилдим ва уткан кунларни тамом баён қилдим. Хонлар билан турт ой бирга булинди.

Ҳар ерда *(120 а)* борғон-курган навкарларим йиғилдилар. Уч юздин купрак киши бор эди. Хотиримға келдиким, тоқай бу Фарғона вилоятида сарғардон булуб юрумоқ[357] керак, бир тарафға талаб қилойин деб муҳаррам ойида Фарғона вилоятидин Хуросон талабиға отланиб чиқдим.

[357] Қ: Турмоқ.

# КОБУЛ

# Вақоиъи санайи тисъа ва тисъа миа*

Муҳаррам ойида Фарғона вилоятидин Хуросон азми била Илоқ яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоқларидиндур, келиб туштум. Ушбу юртта йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара қўйдум. Улуғ-кичик мени умидворлиқ била ирашиб юрийдурганлар икки юздин кўпрак, уч юздин озроқ бўлғай эди. Аксар яёқ ва иликларида таёқ ва оёқларида чоруқ ва эгинларида чопон эрди. Усрат бу мартабада эдиким, бизнинг орада икки чодир эди. Менинг чодирим волидамға тикилур эди. Манга ҳар юртта олачуқ ясар эдилар, олачуқда ўлтурур эдим.

Агарчи Хуросон азимати қилиб эди, вале ушбу ҳол била бу вилояттин ва Хисравшоҳнинг навкарларидин умидворлиқ бор эди. Бир неча кунда бир киши келиб, вилояттин ва эл ва улусдин сўзлар тақрир қилур эдиким, мужиби умидворлиқ бўлур эди. Бу фурсатта Мулло Бобойи Пашоғарийниким, Хисравшоҳқа элчиликка юборилиб эди, келди. Хисравшоҳдин кўнгулга ёққудек сўз келтурмади, вале эл ва улусдин сўзлар *(120 б)* келтурди.

Илоқтин уч-тўрт кўч била Ҳисор навоҳисиға Хожа Имод деган ерга келиб тушулди. Бу юртта Муҳиб Али қўрчи Хисравшоҳдин элчиликка келди. Хисравшоҳким, карам ва саховат била машҳур эди, икки навбат мурурумиз анинг вилоятидин воқиъ бўлди, адно кишиларга қилғон инсониятни бизга қилмади. Чун эл ва вилояттин умидворлиқ бор эди, бирор манзилда даранг бўлур эди. Ширим тағойиким, ул фурсатта андин улуғроқ кишимиз йўқ эди, Хуросон борурға тоб келтурмай, ёнар хаёли бор эди. Сарипулдин шикаст топиб келганда дағи кўч-уруғини йибориб, ўзи жарида қалъадорлиқда туруб эди, иомардроқ киши эди. Неча навбат мундоқ ҳаракатлар қилур эди.

Қабодиёнға етганда[358] Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийким, Чағониён ва Шаҳри Сафо ва Тирмиз анда эди, Хатиб Қаршийни йибориб давлатхоҳлиқ изҳори қилиб, бизга қўшулмоқ бўлди. Аму суйини Уеч[359] гузаридин ўтганда келиб мулозамат қилди. Боқининг истидъосидин Тирмиз тўғрисиға келиб кўчларини Амудин бебоқи кечуруб, ўзумизга қўшуб, Коҳмард ва Бомиён сариғаким, ул фурсатта бу ерлар ўғли Аҳмад Қосимғаким, Хисравшоҳнинг ҳоҳарзодасидур, тааллуқ эди, мутаважжиҳ бўлдуқким, Коҳмарднинг Ажар отлиқ дара қўрғонида уй-элни *(121 а)* беркитиб, яна бир маслаҳат рўй берса, анга кўра амал қилғайбиз.

Айбакка етганда, Ёрали Билолким, бурунроқ менинг қошимда эди, яхши қиличлар чопиб эди, бу фатаратларда[360] мендин айрилиб эди, Хисравшоҳ қошида бўлур эди, бир неча йигитлар била

* Тўққуз юз тўққизинчи (1503—1504) йил воқеалари. (Сарлавҳа Қ. б. дан олинди, Л. б.да сарлавҳанинг ўрни очиқ қолган. Таржималарда «Тўққуз юз ўн...» дейилган.

358 ЕҚ: еттан маҳалда.

359 Л: Уён.

360 ЕҚ: фатаротлар.

кочиб келди. Хисравшоҳнинг муғулларидин давлатхоҳонда сўзлар арз қилди.

Дарайи зиндонға етганда Қанбар Алибекким, Қанбар Али саллох ҳам дерлар,[361] кочиб келди. Уч-турт куч била Кохмард келиб Ажар қурғонида уй[362] элни қуйдук.

Ажарда эканда Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдин бўлган қизиниким, бурун Жаҳонгир мирзоға мирзолар тиригида қулуб эдилар, Жаҳонгир мирзоға никоҳ бўлди. Ушбу аснода Боқибек манга каррот ва маррот айтур эрдиким: «Бир вилоятқа икки подшоҳ ва бир черикка икки мири сипоҳ мужиби тафриқа ва вайронлик ва сабаби фитна ва паришонлиқдур. Нечукким, дебтурлар:

*Даҳ дарвеш дар гилеме бихусбанд,*
*Ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд.*
*Ним ноне гар хурад марди худой,*
*Базли дарвешон кунад ними дигар.*
*Мулки иқлиме бигирад подшоҳ,*
*Ҳамчунон дарбанди иқлими дигар.*[363]

Умид андоқтурким, ушбу кун тонгла Хисравшоҳнинг жамиъ навкар ва савдари келиб, подшоҳ қуллуғини қабул қилғайлар. Анда бисёр муфаттин эллар бор, мисли Айюббек *(121 б)*нинг уғлонлари ва яна ҳам баъзилар борким, бизнинг мирзоларнинг орасида ҳамиша ёмонлиқ ва фитнаға боис ва муҳаррик эдилар. Холо ушбу фурсатта Жаҳонгир мирзоға Хуросон сари хайр ва хублуқ била рухсат берилсаким, тонглалиқ кунда мужиби надомат ва пушаймонлиқ бўлмағай». Чун менинг шаънимда бу эмас эдиким, оға-ини ва урук-қаёштин ҳар неча изойлиқ[364] воқиъ бўлса, мендин мутанаффир бўлғайлар. Агарчи Жаҳонгир мирзо била бизнинг орамизда бурун мулк ва навкар жиҳатидин кудуратлар ва никорлар хейли бўлуб эди, вале бу навбат ул вилояттин менинг била ҳамроҳ бўлуб келиб эди. Туқғонлик ва хизматгорлиқ мақомида эди. Бу замон ҳам андин ҳеч нима зоҳир[365] бўлмайдур эдиким, сабаби кудурат бўлғай. Ҳар неча такрор била арз қилди, мен қабул қилмадим. Охир Боқибек айтқондек, ушул муфаттинларким, Юсуф Айюб ва Баҳлул Айюб бўлғай, менинг қошимдин Жаҳонгир мирзоға кочиб бориб шарр ва фитна мақомида бўлуб Жаҳонгир мирзони мендин айириб, Хуросон элттилар.

Ушбу фурсатлар Султон Ҳусайн мирзодин Бадиъуззамон мирзоға ва манга ва Хисравшоҳға ва Зуннунға бир мазмун била узун- *(122 а)* узоқ нишонлар келди, ул нишонлар бу тарихқача мендадур. Мазмуни бу эрдиким: «Султон Аҳмад мирзо ва Султон Маҳмуд мирзо ва Улуғбек мирзо ул оға-инилар иттифоқ қилиб юруганда мен Мурғоб ёқасини беркиттим. Мирзолар ёвуқ етиб ҳеч иш қила олмай ёндилар. Холо ҳам агар ўзбак мутаважжиҳ бўлса, мен Мурғоб ёқасини беркитай, Бадиъуззамон мирзо Балх ва Шабурғон ва Андхуд қўрғонлариға мазбут кишиларини қуюб, ўзи Гурзивон ва Дарайи Зангда ул кўҳистонни беркитсин.

Менинг бу навоҳиға келган хабарим бориб эди. Манга ҳам битиб эдиким, сен Кохмард ва Ажарда ул кўҳпояни беркитиб, Хисравшоҳ Хисор ва Қундуз қўрғонларида эътимодий кишиларини қуюб, ўзи ва иниси Вали Бадахшон ва Хатлон тоғларини беркитсунлар. Ўзбак иш қила олмай ёнғусидур», деб.

Султон Ҳусайн мирзонинг бу хатлари мужиби ноумидлик бўлди. Не учунким, Темурбекнинг юртида бу тарихда андин улуқроқ подшоҳ ҳам ёш[366] ва ҳам вилоят[367] ва ҳам черик била йўқ эди. Андоқ кўз тутулур эдиким, паёпай элчилар ва тавочилар жад ва қадаға била келиб, мундоқ ҳукмлар келтургай эрдиким: «Тирмиз ва Килиф ва Карки гузар *(122 б)* ларида кема мунча ясанг, кўпрук асбоби бу миқдор тайёр қилинг, юққори Туққуз улум гузарларни яхши эҳтиёт қилинг», то бу неча йил ўзбак тафриқасидин дилшикаста бўлган элларнинг кўнгли қавий бўлуб, умидвор бўлғайлар эди.

Султон Ҳусайн мирзодек Темурбек ўруниға ўлтурғон улуғ подшоҳ ғанимнинг устига юрумакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улуска не умидворлиқ қолғай? Бизнинг била келган неким бўлган оч урук, уй-элни ва Боқи Чағониёнийни

[361] ЕК: ким Қанбар Али саллох ҳам дерлар.
[362] РК: уй ва.
[363] Ун дарвеш бир гиламда ётади, аммо икки подшоҳ бир иқлимга сиғмайди. Марди Худо бир ноннинг ярмини еса, қолган ярмини дарвешларга беради; подшоҳ эса, бир иқлим мулкини олса, яна бошқа иқлимни ҳам олиш фикрига тушади.
[364] Л: беадолиқ.
[365] Е: нима ҳам зоҳир.

[366] Қ: ёш қад. Е: ёшқа.
[367] Қ: вилоятқа, Е: вилоятда.

ва ўғли Муҳаммад Қосимнинг бўлғон сипоҳийларининг ва аймоқларининг кўч ва молларини тамом Ажарда қўюб, черикни олиб чиқтук. Хисравшоҳнинг муғулларидин мутавотир киши кела бошладиким, Толиқондин подшоҳнинг давлатхоҳлигини тилаб, бўлган муғул улуси кўчуб Ишкамиш ва Фулул сари торттук. Подшоҳ жаҳд қилиб ботроқ ета келсунларким, Хисравшоҳнинг аксар кишиси бузулуб, подшоҳ қуллуғиға келгусидир.

Бу маҳалда Шайбоқхоннинг[368] Андижонни олиб Ҳисор ва Қундуз устига черик отланғон хабари келди. Бу хабарни эшитиб, Хисравшоҳ Қундузда тўхтай олмай, бўлған кишисини кўчуруб, *(123 а)* Кобул азимати қилди. Хисравшоҳ Қундуздин кўчиб чиққоч-ўқ Қундузни Мулло Муҳаммад Туркистоний отлиқ ўбдон[369] эътимодлиқ бойри кишиси Шайбоқхон[370] учун беркитти.

Биз Самту[371] йўли била Қизил сув сари инган маҳалда уч-тўрт минг уйлуқниким, Хисравшоҳға тааллуқ ва Ҳисор, Қундузда бўлур муғул улуси кўчлари била келиб қўшулдилар.

Қанбар Али муғулким, зикри муқаррар келибтур, паришонгўй киши эди, анинг атвори Боқибекка ёқмади. Боқибекнинг хотири жиҳатидин рухсат берилди. Ўғли Абдушшукур андин бери Жаҳонгир мирзо мулозаматида бўлди.

Хисравшоҳ муғул улусининг бизга қўшулғонини эшитиб, хейли бепой бўлуб, чорасини топа олмай қуёви Яъқуб Айюбни элчиликка йибориб, қуллуқ ва давлатхоҳлиқ изҳор қилиб истидъо қилибтурким, агар аҳд қилсалар, қуллуқка келгумдур. Чун Боқи Чағониёний ихтиёр эди, ҳар нечаким, ўзини давлатхоҳ тутар эди, оғасининг тарафини ҳам қўймас эди. Ул барин бўлди. Бу йўсунлуқ аҳд бўлдуким, анинг жони амонда бўлғай. Молиға ҳам не миқдорким, ўзи ихтиёр қилса, музоқа бўлмағай.

Яъқубга ижозат бергандин сўнг Қизилсув қуйи кўчиб, Андароб суйининг қотилишиға ёвуқ *(123 б)* тушулди. Тонгласи, рабиулаввал ойининг авоситида жарида Андароб суйини ўтиб, Души навоҳисида бир улуғ чинор тубида ўлтурдум. Ул тарафдин Хисравшоҳ ҳашамат ва тажаммули била қалин киши била келди. Қоида ва дастур била йироқтин тушуб келди. Кўрушурда уч қатла юкуниб, ёнғонда ҳам уч қатла, сўрғонда ва тортуқ тортқонда бирор юкунди. Жаҳонгир мирзо ва Хон мирзоға[372] дағи ушбу дастур била юкунди. Қари танбал мардак неча йиллар ўз муродича юруб салтанаттин тек бир хутба ўз отиға ўқумайдур эди. Йигирма беш, йигирма олти қатла паёпай юкунди ва борди ва келди. Толиқиб тамом йиқила ёзди. Неча йил қилғон бекликги ва салтанати тамом бурунидин чиқти. Кўрушуб тортиқ тортгандин сўнгра буюрдумким, ўлтурди. Бир гарий, икки гарий ўлтуруб, ул тарафдин-бу тарафдин сўз ва ҳикоят айтилди. Бовужуди номардлиқ ва намакҳаромлиқ ковок ва бемазагўй ҳам бор экандур.

Мундоқ маҳалдаким, эътибор ва эътимод навкарлари кўзининг олдида хайл-хайл келиб манга навкар бўладурлар, ўзининг иши бу ерга етибдурким, подшоҳлиқ қилиб юрўйдурган мардак мундоқ хор ва зор ва хоҳи-нохоҳи келиб не таврлар била кўрушти. *(124 а)*

Икки ғариб ҳарфе андин содир бўлди. Бири буким, навкарлари айрилғон жиҳатдин анга кўнгул бериладур эди. Муқобалада мундоқ дедиким, навкарлар тўрт қатла ушмундоқ мендин айрилибтур, яна келибтур. Яна бири буким, иниси Валини сўрдумким, ул қачон келгусидур? Аму дарёсидин қайси гузар била ўтгусидур? Дедиким, агар гузар топилса, худ бот келгусидур, вале гузарлар сув улғайгач тағайюр топар. Ул масал борким, «Он гузарро об бурд».[373]

Анинг давлатининг ва навкарининг интиқолида бу ҳарфни анинг тилига Тенгри солди. Бир-икки гарийдин сўнг мен отланиб ўрдуға келдим; ул дағи тушган ерига борди. Ушбу кундин улуғ-кичик, яхши-ёмон ва бек ва бек навкарлари хайл-хайл кўч ва моллари била андин айрилиб, бизга кела бошладилар. Тонгласи, намози пешин, намози дигаргача ҳеч киши анинг қошида қолмади. «Қулоллоҳумма моликал-мулки туътил-мулка ман ташоу ва танзиъул-мулка миммат ташоу ва туиззу ман ташоу ва тузиллу ман ташоъ би ядикал-хайру иннака ало кулли шайин қадир».[374]

---

[368] ЕК: Шайбоний.

[369] ЕК: ободон.

[370] ЕК: Шайбонийхон.

[371] Шамту деб ҳам ўқилган.

[372] Е: Жаҳонгир мирзо ва Мирзо хонға.

[373] «Ул кечувларни сув олиб кетди».

[374] Айт, мулк эгаси, эй Худойим, Сен кимни хоҳласанг, шунга ҳукмронлик берасан, сен кимдан хоҳласанг ҳукмронликни тортиб оласан; кимни хоҳласанг азиз қиласан; кимни хоҳласанг, хор қиласан; яхшилик ўз қўлингда, сен ҳар бир нарсага қодирсан.

Ажаб қодиредур, бир кишиким, йигирма-уттуз минг навкарнинг эгаси эди, Қаҳлуғдинким,[375] Дарбанди Оҳанин ҳам дерлар, Ҳиндукуш тоғигача Султон Маҳмуд мирзоға тааллуқ вилоёт тамом анинг таҳти тасарруфида *(124 б)* эди. Ҳукумат билистиқлол қилур эди.[376] Бир муҳассили Ҳасан барлос отлиқ қари мардак Илоктин Уёжғача[377] дуруштлуқлар била муҳассиллиқ қилиб, бизни кўчуруб тушурур эди. Хисравшоҳни бир ярим кунда уруш йўқ, талош йўқ, бизнингдек қаллош ва мафлук икки юз-икки юз эллик кишининг қошида андоқ хору зор ва забун ва ожиз қилдиким, не навкариға ихтиёри қолди, не молиға, не жониға.

Хисравшоҳни кўруб ёнғон охшоми Мирзо хон менинг қошимға келиб, оғаларининг қонини даъво қилди. Бизнинг орада баъзилар ҳам барин эдилар, филвоқиъ шаръ ва урф била ҳам муносиб андоқ эдиким, мундоқ кишилар сазосиға етгай.

Чун аҳд бўлуб эди, Хисравшоҳни озод[378] қилиб, фармон бўлдуким, элта олғонча нимасини элтгай. Уч-тўрт қатор хачир ва тевада бўлғон жавоҳир ва олтун ва кумуш ва нафис нималарини юклаб элтти. Ширим тағойини қўшуб узаттукким, Хисравшоҳни Ғурий ва Даҳона йўли била Хуросон сари йибориб, ўзи Коҳмард бориб кўчни сўнгимизча Кобул келтургай.

Ул юрттин Кобул азимати била кўчуб, Хожа Зайд келиб туштук. Ушбу куни ўзбакнинг чопқунчисини Ҳамзабий мангғит бошлаб келиб, Души навоҳисини чопти. Саййид Қосим эшикоғани ва Аҳмад Қосим кўҳбурни *(125 а)* баъзи йиғитлар била йиборилди. Бориб чопқунчини яхши босиб, бир неча бош кесиб келтурдилар. Ушбу юртта Хисравшоҳнинг жебахоиасидағи жебаларни улашилди. Етти-секкиз юзча жавшан ва кўҳа бўлғай эди. Хисравшоҳдин қолғон нималардин бир бу эди. Яна чинийлари дағи хейли тушти. Ўзга кўзга кўрунгудек нима йўқ эди.

Хожа Зайдтин тўрт-беш кўч била Ғурбанд келдук. Уштур шаҳрға тушганда хабар топтукким, Шерак арғунким, Муқим арғуннинг ихтиёр беги эди, биздин бехабар чериклаб келиб, Борон[379] ёқасида ўлтурубтуркім, Панжҳир[380] йўли била ўтган кишини Абдурраззоқ мирзоғаким, ул маҳалда Кобулдин қўчиб бориб, таркалоний афғон орасида Ламғон навоҳисида эди, борғоли қўймағай. Бу хабар топғач, икки намоз орасида андин кўчуб, кеча тун қотиб субҳ вақти Хубён[381] кўтали била оштук.

Суҳайлни ҳаргиз кўрган эмас эрдим. Кўталға чиқғоч-ўқ жануб тарафи паст ёруғ юлдуз кўрунди, дедимким, Суҳайл бўлмағай. Дедиларким, Суҳайлдур. Боқи Чағониёний бу байтни ўқудиким:

*Ту Суҳайли то кужо тобию кужо толиъ шави,*
*Чашми ту бар ҳар ки меафтад нишони давлат аст.*[382]

Офтоб бир найза бўйи чиқиб эрдиким, Санжид дара оёғида келиб тушулди. Бизнинг илгари *(125 б)* борғон қаравул йигитлари ва баъзи йигитлар Қорабоғнинг оёғи Эғриёр навоҳисида Шеракка етган била-ўқ илик қўшарлар, оз-оғлоқ урушқондек қилур. Бот-ўқ илғор била тебрарлар. Шеракни ва яна етмиш-сексон-юз ўбдон йигитларни тушуриб келтурдилар. Шерак[383]нинг қонини бағишлаб мулозим қилилди.

Хисравшоҳким, Қундуздин эл-кунига боқмай, Кобул азимати била чиқар, анга тааллуқ эл ва улус беш-олти бўлак бўлурлар. Бадахшондағилар бир бўлак: Сайдим Али дарбонким, Русто[384] ҳазорасида эди, Панжҳир йўли била ошиб ушбу юртта бизга мулозамат қилди; яна бир бўлак: Юсуф Айюб ва Баҳлул Айюб эди, алар дағи бу юртта мулозаматқа келдилар. Яна бир бўлак: Баҳлул Айюб иниси Вали Хатлондин; яна бир бўлак: Йилончиқ ва Накдарий ва Қоқшол ва Қундуз вилоятида ўлтурушлуқ аймоқлар бу ҳар икки бўлак Андароб ва Сароб била келиб, Панжҳир ошар хаёлда эдилар.

Аймоқлар илгарроқ Саробта эдиларким, кейиндин Вали келди. Аймоқ йўлини тўсуб, урушуб бостилар. Ўзи қочиб ўзбакка кетди. Шайбоқхон[385] Самарқанднинг чорсуйида бўйниға урдурди. Бўлғон навкар-савдари[386] таланиб олдуруб,

375 Қ: Қағлуғадинким.
376 Қ: Бу ибора йўқ.
377 К: Эвож; Е: Этож; Р: Умож.
378 ҚН: ирода.
379 Қ: Обиборон.
380 Қ: Паншер.

381 Қ: Хупиён.
382 Сен Суҳайл юлдузсен, қаерга тобланиб, қаердан чиқсанг ва кўзинг кимга тушса, давлат нишонаси бўлур.
383 Нусхаларда Шерак деган ном ҳар хил ёзилган.
384 Қ: Рустох.
385 ЕҚ: Шайбоний.
386 ЛҚ: навкар ва савдари.

аймоқлари била ушбу юртта қуллуққа келдилар. Саййид Юсуфбек уғлоқчи ҳам *(126 а)* аймоқлар била келди.

Бу юрттин кўчуб, Қорабоғ ёнидағи Оқсарой улангига тушулди Хисравшоҳнинг эл-куни зулм ва бесарлиққа ўрганган эл, элга зулм қила бошладилар. Охир Сайдим Али Дарбоннинг бир ўбдон навкари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун эшикка келтуртуб[387] таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқди. Эл бу сиёсаттин тамом босилдилар.

Ушбу юртта эканда, Кобулнинг устига филҳол борурни-бормасни кенгашилди. Саййид Юсуфбек ва баъзининг раъйи барин эдиким, қиш ёвуқтур, филҳол Ламғони борилғай. Андин яна на маслаҳат рўй берса, анга яраша амал қилилғой. Биз Боқи Чағониёний ва баъзи Кобул устига бормоққа сўзни қўюб, андин кўчуб келиб Або[388] қуруқиға тушулди. Ушбу юртта менинг волидам хоним ва Коҳмардта қолған урук саъб мухотара ўткариб, келиб қўшулдилар.

Тафсили будурким, Ширим тағойини Хисравшоҳқа қўшуб йиборилиб эдиким, Хисравшоҳни Хуросон узатиб ўзи бориб уруқни келтургай. Даҳонаға етганда Ширим беихтиёр бўлур. Хисравшоҳ Ширим била-ўқ Коҳмард борурлар, хоҳарзодаси Аҳмад Қосим Коҳмардта эди. Хисравшоҳ *(126 б)* Аҳмад Қосимни барин қилиб, уруққа ёмонлиқ мақомида бўлурлар. Боқи Чағониёнийнинг қалин муғул навкарлари урук била Коҳмардта эдилар. Махфий Ширим била сўзни бир ерга қўюб, Хисравшоҳ ва Аҳмад Қосимни тутмоқ бўлурлар. Хисравшоҳ била Аҳмад Қосим Ажар дарасининг ёнидағи йўл била қочиб, Хуросон борурлар. Муғулларнинг бу якжиҳатлиғидин ғараз ўзларини алардин айирмоғлиқ экандур.

Урук била бўлғон эл Хисравшоҳнинг дағдағасидин халос бўлуб, Ажардин чиқиб, Коҳмардқа етган маҳалда Исиқончи[389] эли ёғийқиб йўлини тўсарлар.[390] Аксар уруқни Боқибекка тааллуқ эл ва улусини алар таладилар. Қул Боязиднинг уғли — Тезак кичик эди, анда асир тушти. Уч-тўрт йилдин сўнгра Кобулда келди. Урук талатиб, олдуруб, биз ўтган[391] Қипчоқ йўли била ошиб, Або қуруғида келиб бизга қўшулдилар.

[387] ЕҚ: келтуруб.
[388] Қ: Аё.
[389] Қ: Сиқончи.
[390] ЛҚ: Тушарлар; Е: тутарлар.
[391] Е: ярашқон; Л: нарашқон.

Андин кўчган била орада бир қўнуб, Чолок улангига тушулди. Чолок улангида кенгашиб, сўзни муҳосара қилмоққа қўюб, кўчуб, мен ўзум неким бўлғон ғул кишиси била Ҳайдар Тақининг боғи била Қул Боязид бакавулнинг гўрхонасининг оралиғида туштум. Жаҳонгир мирзо баронғор одами била бизнинг улуғ чаҳорбоғ тушти. Носир мирзо жавонғор эли била Қутлуққадампинг гўрхонасининг орқасидаги улангга тушти. *(127 а)* Доим кишимиз бориб Муқим била сўзлашурлар эди. Гоҳи узр келтуруб, гоҳи юмшоқ сўз айтур эди. Хаяли[392] мунинг учун эдиким, биз Шеракни олғоч-ўқ отасиға, оғасиға киши чоптурғондур. Ота-оғасидин умидворлиғи бор жиҳатидин даранг қилур эди.

Бир кун фармон бўлдиким, ғул, баронғор, жавонғор тамом жеба кийиб, отлариға кежим солиб, ёвуқроқ бориб ҳам ярок курулгай, ҳам ичкариги элга сиёсати бўлғай. Жаҳонгир мирзо ва баронғор тўғрисидин Кўчабоғ била илгаррак[393] келдилар. Ғулнинг олди чун сув эди. Мен ғул кишиси била Қутлуққадамнинг гўрхонаси тарафидин келиб, пуштадин илгариги тепа устига чиқтим. Ировул кишиси Қутлуққадамнинг кўпругининг устига тиқилиб бордилар. Ул маҳал кўпрук йўқ эди. Йигитлар шўхлиқ қилиб, Чармгарон дарвозасиғача чоптилар. Оз-оғлоқ чиқғон кишиси урушқа турмай қочқон била қурғоиға кирдилар.

Арқнинг хокрези баландида қалин Кобул эли тафарружқа чиқиб эдилар. Қочқон била қалин гардлашиб индилар. Кўпрук била дарвоза орасидағи баландлик пуштанинг устида йўл ўртасида қалин чуқурчоқлар[394] қазиб, *(127 б)* хаспўш қилиб эдилар. Султонқули чинок ва баъзи йигитлар чопқонда тиқилиб йиқилиб эдилар. Баронғор тарафидин бир-икки йигит Кўчабоғ ора чиққонлар била бир-икки қилич солишиб олишурлар. Чун урушқа фармон йўқ эди, ушмунча била ёндилар.

Қурғон эли бисёр олдарадилар. Муқим бекларни ораға солиб, қуллуққа келиб, Кобулни топширмоқ бўлди. Боқибек Чағониёнийнинг тавассути била келиб мулозамат қилди. Биз дағи иноят ва шафқат мақомида бўлуб, дағдаға ва таваҳҳумни анинг хотиридин рафъ қилдук. Муқаррар бўлдиким, тонгласи бўлған навкар ва савдар ва

[392] Р: Хейли у.
[393] ЕҚ: илгоррок.
[394] Қ: чуқурчо.

мол ва жихоти била чикиб, курғонни топшурғай, Хисравшоҳқа тааллуқ эллар бесарлик ва дастандозликка ўрганган эллар эди. Муқимнинг кўчини чиқармоққа, Жаҳонгир мирзони ва Носир мирзони ва улуғ бекларни ва ичкиларни таъйин қилдукким, Муқимни ва Муқимға тааллуқ элкунни мол ва жихотлари била Кобулдин чиқарғайлар. Муқимға юрт Тебани[395] таъйин қилдук.

Сабоҳи мирзолар ва беклар дарвозаларға бориб халойиқнинг ҳужум ва ғавғосини кўп кўруб манга киши йибордиларким, сиз келмагунча бу элни киши манъ қилиб бўлмас. Охир ўзум отландим. Тўрт-беш кишини ўқлаб, бир-икки кишини (128 а) пора-пора қилдурдум. Ғавғо босилди. Муқим мутааллақлари била солим ва саломат бориб Тебаға тушти.

Рабиулаввал ойининг авохирида Тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежанг ва жидол муяссар ва мусаххар қилди.

Кобул вилояти тўртунчи иқлимдиндур. Маъмуранинг ўртасида тушубтур. Шарқи Ламғонот ва Пуршовар[396] ва Хашанғар ва баъзи Ҳинд вилоятидур. Ғарби кўҳистонлардурким, Карнуд[397] ва Ғур ул кўҳистондадур. Бу тарихда ҳазора ва накдарий қавмининг маъман ва маскани бу тоғлардур.

Шимоли Қундуз ва Андароб вилоятидур. Ҳиндукуш тоғи воситадур.

Жануби Фармул ва Нағар ва Банну ва Афғонистондур.

Мухтасар вилоятдур, тўлоний воқиъ бўлубтур. Тўли машриқдин мағрибқа боқадур. Атроф ва жавониби тамом тоғдур. Қалъаси тоғқа найвастдур. Қалъанинг ғарб-жануб тарафи кичикрак парча тоғ тушубтур. Ул тоғнинг қулласида Шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар. Бу тоғнинг ибтидоси Деварин тангисидиндур. Деҳи Яъқуб тангисида туғанур. Гирдо-гирди икки шаръий бўлғай. Бу тоғнинг доманаси тамом боғоттур. Менинг аммим Улуғбек мирзо замонида Вайс атка мирзонинг аткаси бу тоғнинг доманасида бир ариқ чиқарибтур. Доманадағи боғот тамом бу ариқ била маъмурдур. Поённ об Гулкина отлиқ маҳалладур, хилват гўшонадур. Ғалаба лавандликлар анда қилилиб эди. Гоҳи мутояба (128 б) йусунлук Хожа Ҳофизнинг бу байтини тағйир била ўқулур эрдиким:

*Эй хуш он вақт ки бе пову сар айёме чанд,*
*Сокини Гулкина будем ба бадномие чанд.*[398]

Қалъанинг жанубида Шоҳи Кобулнинг шарқида бир улуғ кўл тушубтур. Гирдо-гирди бир шаръий ёвушур. Шоҳи Кобул тоғидин Кобул сари боқа уч кичикрак чашма чиқар, иккиси Гулкина навоҳисидадур. Бир чашма бошида Хожа Шаму отлиқ мазордур; яна бирида Хожа Хизрнинг қадамгоҳидур. Бу икки ер Кобул элининг гаштгоҳидур. Яна бир чашма Хожа Абдуссамад тўғрисидадур, Хожа Рўшнойи дерлар.

Шоҳи Кобул тоғидин бир тумшуқ айрилиб келибтур, Уқобайн дерлар. Уқобайндин бошқа яна бир парчағина тоғ тушубтур. Кобул қалъасининг арки бу тоғнинг устидадур. Улуғ курғон аркнинг шимолий тарафидадур. Бу арк ғариб муртафеъ ва яхши ҳаволиқ ер воқиъ бўлубтур. Бу улуғ кўл ва уч ўланггаким, Сияҳсанг ва Сунг Қўрғон ва Чолок бўлғай, мушрифтур. Борча оёқ остидадур. Ўланглар сабзалиқ маҳалида бисёр яхши кўрунур. Ёзлар Кобулда шимолий ели кам эмастур. Паравон ели дерлар. Аркта шимол сари даричалиқ уйлар асру хушҳаводур.

Мулло Муҳаммад Толиб муаммойи Кобул аркининг (129 а) таърифида бир байтни Бадиъуззамон мирзо отиға боғлаб ўқур эди. Байт будурким:

*Бихўр дар арки Кобул май, бигардон коса пайдарпай.*
*Ки ҳам кўҳ асту ҳам дарёву ҳам шаҳр асту ҳам саҳро.*[399]

Ҳиндустоний ғайри Ҳиндустонни «хуросон» дер. Нечукким, араб ғайри арабни «ажам» дер. Ҳиндустон била Хуросон орасида хушки йўлдин икки бандардур. Бир Кобул, яна бир Қандаҳор. Кошғар ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадахшондин корвон Кобулға келурлар. Хуросондин корвон

[395] Қ: Тепа.
[396] Қ: Пушовар.
[397] Л: Гизев.

[398] Қандай яхши вақтлар эдики, неча кунлар бош-оёқсиз бир қанча ёмон отлиқлар билан барча Гулкинада турар эдик.
[399] Кобул аркида май ич, косани кетма-кет айлантирки, бу ерда ҳам тоғ, ҳам дарё, ҳам шаҳр, ҳам саҳродир.

Қандаҳорға келур. Ҳиндустон била Хуросонға восита бу вилояттур. Бисёр яхши савдохонадур. Савдогарлар Хитойға ё Румға борсалар, ушмунча-ўқ савдо қилғайлар. Ҳар йил етти-секкиз-ўн минг от Кобулға келур. Қуйи Ҳиндустондин ўн-ўн беш-йигирма минг уйлуқ корвон Кобулға келур. Ҳиндустон матоъи бурда ва оқ рахт ва қанд ва набот ва шакар ва ақоқир келтурурлар. Кўп савдогар бўлғайким, даҳ си, даҳ чилға[400] рози бўлмағай.

Хуросон ва Ироқ ва Рум ва Чин матоъи Кобулда топилур: Ҳиндустоннинг ҳуд бандаридур.

Гармсер ва сардсери ёвуқтур. Кобулдин бир кунда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қор ёғмас. Икки соати нужумийда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қори ўксумас, магар аҳёнан андоқ ёз келгайким, *(129 б)* қор қолмағай. Гармсерий ва сардсерий мевалар Кобул тавобиида кўптур ва ёвуқтур. Кобул ва кентларида сардсерий мевалардин узум ва анор ва ўрук ва олма ва биҳи ва амруд ва шафтолу ва олу ва санжид ва бодом ва янғоқ кўптур. Мен олу-болу ниҳолини келтуруб эктурубмен, яхши олу-болулар бўлди ва ҳануз тараққийда эди.

Гармсерий мевалар, мисли норунж ва турунж ва амлук ва найшакар Ламғоноттин келтурурлар. Найшакарни мен келтуруб эктуруб эдим. Чилғузани Нижровдин[401] келтурурлар. Кобул атрофидағи Кўҳистондин асал бисёр келур. Шаҳдхоналари бордур. Бир Ғазни[402] тарафидағи Кўҳистондин асал келмас. Кобулнинг равочи хўб бўлур, биҳи била олуси ҳам яхшидур. Бодринги дағи яхши бўлур.

Бир навъ узум бўлур, оби ангур дерлар, хейли яхши узумдир. Маст чоғирлари бўлур. Хожа Ҳованд Саййид Домани кўҳийнинг чоғири тундлуқ била машҳурдур. Агарчи ҳоло тақлид бирла андин таъриф қиладурларки, «лаззати май маст донад, ҳушёронро чи ҳаз».[403]

Экини яхши бўлмас.[404] Агар Хуросон тухуми бўлса, филжумла ёмон бўлмас. Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволиқ ер оламда маълум эмаским,[405] бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас. Қишлар агарчи қори аксар улуғ тушар, вале муфрит совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам хушҳаво *(130 а)* ликка машҳурдур, вале муфрит совуқлари бордир.

Атрофида тўрт хўб ўланг воқиъ бўлубтур. Шарқи-шимолий тарафи Сунак қўрғон ўлангидур. Кобулдин икки куруҳ бўлғай, яхши ўлангдур. Ўти отқа созвордур, чибини кам бўлур.

Ғарби-шимоли Чолок ўлангидур, Кобулдин бир куруҳдур, кенг ўлангдур, ёзлар чибини отқа ташвиш берур.

Ғарби Деварин ўлангидур. Агарчи мунда икки ўлангдур, бир тепанинг ўланги. Яна бир Қуш Нодир ўлангидур. Бу ҳисоб била беш ўланг бўлғай, ҳар икки ўланг Кобулдин бирор шаръий бўлғай, мухтасар ўланглардур. Вале ўти отқа бисёр созвордур, чибини бўлмас. Кобул ўлангларида бу ўлангларча ўланг йўқтур.

Шарқи Сияҳсанг ўлангидур. Чармгарон[406] дарвозаси била бу ўланг орасида восита Қутлуққадамнинг гўрхонасидур. Ёзлар чибини кўп бўлур учун, бу ўлангни кам қўрурлар. Бу ўлангга пайваст Камарий ўланги ҳам бор. Бу эътибор била Кобул гирдида олти ўланг бўлғай, вале тўрт ўланг машҳурдур.

Кобул вилояти берк вилояттур, ёт ёғийнинг бу вилоятқа кирмаги мушкулдур. Балх ва Қундуз ва Бадахшон била Кобул орасида Ҳиндукуш тоғи тушубтур. Бу тоғдин етти йўл ошар, уч йўл Панжҳирдадур.[407] Юққорироқ Ҳавоқ кўталидур, андин қуйироқ Тул, андин қуйироқ Бозорак. Бу уч кўталдин *(130 б)* яхшироғи Тулдур. Вале йўли бир нима узунроқдур. Ғолибо бу жиҳаттин Тул дерлар. Тўғрироғи Бозоракдур. Тул ва Бозорак Саробқа тушар. Бозорак кўталини Сароб эли Порандий отлиқ кентига инар учун Порандий кўтали дерлар.

Яна бир Парвон йўлидур, улуғ кўтал била Парвон орасида яна етти кўтал бор учун Ҳафтбача дерлар. Андароб тарафидин икки йўл келиб, улуғ кўталда қотилиб Ҳафтбача била Парвонға келур. Бисёр пурмашаққат йўлдур. Уч йўл Ғурбандтадур. Парвон йўлига ёвуқроқ йўл. Янги

---

400 Учдан бир, тўртдан бир маъносида.

401 Қ: Бухородин.

402 Е: Ғарбе; РЛ: ғарне.

403 «Майнинг лаззатини маст билади, ҳушёрларга мундин нима баҳра бор?».

404 Қ: Шу ибора бор: «Зироати жорўйи панжавийдур. Қовуни ҳам яхши бўлмас».

405 Н: бўлмас.

406 Қ: чармгарлар.

407 Қ: Панжшер.

йул куталидур. Валиён ва Хинжонға инар. Яна бир йул Кипчок куталидур. Андароб суйи била Кизил сувнинг котилишиға инар. Бу йул дағи яхши йулдур.

Яна бир йул Шибарту куталидур.[408] Ёзлар сув улғайса, Шибарту куталидин ошиб, Бомиён ва Сайғон[409] била юрурлар. Кишлар Обдара била юрушурлар. Кишлар турт-беш ой жамиъ йуллар боғланур, бир Шибарту йулидин узга. Бу куталдин ошиб,[410] Обдара била юрурлар. Ёзлар сувлар кирганда хам бу йулларнинг кишғи хукми бор. Не учунким, Такоб[411] йуллари сув улуғ булғондин утуб булмас. Такоб била юрумай, тоғ била юрур хаёл килсалар, убур мутааззирдур. Кузлар уч-турт ойким, кор камдур ва сувлар *(131 а)* кичик булғонда, бу йулларнинг убури махаллийдур. Тоғлардин ва тангилардин кутто-ут-тарик кофир кам эмастур. Хуросон тарафидин келур йул Кандахор била келур. Бу йул туп-туз йулдур. Бу йулда кутал йуктур.

Хиндустон тарафидин турт йул чикар, бир йул Ламғонот била. Бу йулда Хайбар тоғларида озрокча кутал бор. Яна бир йул Бангаш била, яна бир йул Нағар била, яна бир йул Фармул била. Бу йулларда хам озрокча куталлар бор. Синд суйининг уч гузаридин утуб, бу йуллар била келурлар. Нилоб гузаридин утганлар. Ламғонот била келурлар. Кишлар Кобул суйи била Синд суйининг котилишидин юккоррок Синд суйини[412] ва Кобул ва Савод суйини гузар била утарлар.

Мен аксар Хиндустон черикларигаким келдим, гузарлар била уттим. Бу навбатким, келиб, Султон Иброхимни босиб олиб, Хиндустонни фатх килдим, Нилоб гузаридин кема била уттим. Ушмундин узга Синд суйидин хеч ердин кемасиз утса булмас. Динкут гузари била утганлар Бангаш била келурлар. Чупора гузари била утганлар агар Фармул била келсалар, Ғазни келурлар ва агар Дашт била борсалар, Кандахор борурлар.

Мухталиф аквом Кобул вилоятида бордур. Жулгасида ва тузларида атрок ва аймок ва аъробдур. Шахрида ва баъзи кентларида сортлардур. Яна баъзи *(131 б)* кентларида ва вилоётида пашойи ва парожий ва тожик ва бараки ва афғондур. Ғарбий[413] тоғларида хазора ва накдарийдур. Буларнинг орасида баъзи муғулий тил била хикоят килурлар. Шарки-шимолий тарафидағи тоғлар[414] кофиристондур, мисли Катур ва Габрак ва жануби Афғонистондур.

Ун бир-ун икки лафз била Кобул вилоятида талаффуз килурлар: арабий, форсий, туркий, муғулий, хиндий, афғоний, пашойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний. Мунча мухталиф аквом ва мутағойир алфоз маълум эмаским, хеч вилоятта булғай.

Вилоёти ун турт тумандур. Самарканд ва Бухоро ва яна бу навохида вилоятчаларниким, бир улуғ вилоят тахтида булғай, туман дерлар. Ва Андижон ва Кошғар ва ул орада урчин ва Хиндустонда паргана дерлар. Агарчи Бажавр[415] ва Савод ва Паршовар[416] ва Хашанғар бурун Кобул табобиидин экандур, бу тарихда афғон кавми жихатидин баъзи бузулуб, баъзиси афғонға кирибтур. Вилоятлиғи колмабтур.

Шарки Ламғоноттур. Бу вилоят беш туман ва икки булуктур. Ламғон туманларидин улуғроғи Нингнахор, баъзи тарихларда Нагархор битибтурлар. Доруғанишин ери Одинапурдур. Кобулдин шарк сари ун уч йиғоч йулдур. Нингнахор била Кобул ораси асру каттик ёмон йулдур. Уч-турт ерда кичикрак-кичикрак *(132 а)* куталлари, икки-уч ерда тангилари бор. Хирилжи[417] ва жамиъ куттоут-тарик афғонлардур. Бу йулни урарлар эрди. Бу орада маъмура йук эди. Куруксойнинг оёғи Коратуни мен маъмура килдурдум. Бу жихаттин йул эмин булди.

Гармсер била сардсер орасида фосила Бодом чашма куталидур. Бу куталнинг Кобул тарафида кор ёғар. Куруксой ва Ламғонот тарафида кор ёғмас. Бу куталдин ингач, киши узга оламе мулохаза килур: йиғочлар узгача, утлар узгача, жониворлар узгача, элининг роху расми узгача.

Нингнахор туккуз рудтур. Шолиси ва буғдойи яхши булур ва норунжи ва турунжи ва анори бисёр булур, яхши булур.

Одинапур курғонининг олида, жанубий тарафида бир баландида тарихи туккуз юз ун туртта бир чахорбоғ солдим. Боғи Вафоға мавсум, рудка

408 К: «Яна бир йул Панжшер куталидур»ибораси бор.
409 К: Сағкон.
410 ЕК: булмас; РЛ: Бу суз йук.
411 К: Обдара.
412 К: «Ва Савод суйини» бор

413 Н: Ғазни; Е: Ғарби Ғазни.
414 ЕК: Тоғларида; Л: тоғларда.
415 К: Бижовур.
416 К: Пашовар.
417 К: Кархжи.

мушриф, руд қўрғон била боғнинг орасидадур, норуижи ва туруижи ва анори бисёр бўлур. Паҳархонни босиб Лаҳур ва Дипалпурии фатҳ қилғаи йили кейла келтуруб, эктуруб[418] эдим, сабз бўлуб эди. Андин бурунғи йил найшакар дағи экиб эдилар, яхши найшакарлар бўлуб[419] эди. Бадахшон ва Бухорога ул найшакарлардин йиборилиб эди. Ери муртафиъ, оқар суйи муттасил, ҳавоси қишлар муътадил, боғнинг ўртасида бир кичикрак *(132 б)* пушта воқиъ бўлубтур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидин ва боғнинг ичидаги пуштанинг устидин ҳамиша жорийдур. Боғ ўртасидағи чорчаман бу пуштанинг устида воқиъ бўлубтур. Боғнинг ғарби-жанубий тарафида даҳи дардаҳ ҳавзедур, атрофи тамом норунж дарахтларидур, анор дарахтлари ҳам бор. Бу ҳавзнинг гирдо-гирди тамом себаргазордур. Бу боғнинг айн ери ушбудур. Норунжлар сарғарғон маҳалда бисёр яхши кўрунур, хейли яхши боғ воқиъ бўлубтур.

Куҳи Сафид Нингпаҳорнипг жанубида воқиъ бўлубтур, Бангаш била Нингнаҳорға восита ушбу тоғдур. Отликка йўл йўқтур. Тўққуз руд ушбу тоғдин чиқар, бу тоғдин қор ҳаргиз[420] уксумас. Бу жиҳаттин ғолибо Куҳи Сафид дерлар. Қуйи жулгада ҳаргиз қор тушмас. Фосила тушчилик йўлдур. Бу тоғ доманасида яхши ҳаволиқ ерлар бор. Сувлари совуқ, яхга анда ҳеч эҳтиёж бўлмас.

Одинанур қўрғонининг жануб тарафи Сурх рудтур. Қўрғон баландида воқиъ бўлубтур. Руд[421] тарафи қирқ-эллик қари якандоз тоғдур. Шимолида бир парча тоғ тушубтур, хейли берк қўрғондур. Бу тоғ Нингнаҳор била Ламғонотнинг орасидадир. Ҳар қачоп Кобулда қор ёғса, бу тоғнинг қулласига қор тушар. Ламғон эли *(133 а)* Кобулда қор ёқғонини мундин билурлар. Бу Ламғонотқа Кобулдин келур йўл агар Қуруқсой била келсалар, бир йўл Дири[422] кўталидин ошиб бориб, Булондин Борон суйидин ўтуб Ламғонот сори борур. Яна бир йўл Қуруқсой қуйи Қуратудин[423] ўтуб Улуқ Нурдин Борон[424] суйини кечиб Бодипеч кўталидин ўтуб Ламғон борур. Агар

[418] ЕК: эктуруб.
[419] Н: бўлур.
[420] ЕК: Ҳаргиз қор.
[421] ЛН: вад.
[422] Қ: Дибри.
[423] Қ: Қуробуқ.
[424] ЕН: Бодич.



Нижров била келсалар, Бадровдин ўтуб Қармангриқдин[425] ўтуб Бодипеч[426] кўталиға борур.

Агарчи Ламғоннинг беш туманидин бир тумани Нингнаҳордур, вале Ламғонотни ул уч туманга итлоқ қилурлар. Ул уч тумандин бири Алишанг туманидур, шимолида Ҳиндукуш тоғиға пайваста қорлиқ улуғ берк тоғлардур. Бу тоғ тамом кофиристондур. Алишангға ёвуғроқ кофиристон Милдур. Алишанг руди Милдин чиқар. Ҳазрати Нуҳ пайғамбарнинг отаси Меҳтар Ломнинг қабри Алишанг туманидадур. Баъзи тарихта Меҳтар Ломни Ламак (Ламкон) ҳам дебтурлар. Ул элни хейли мулоҳаза қилилибтуркким, баъзи маҳал «коф» ўрунига «ғайн» талаффуз қилурлар, бу жиҳаттин ғолибо бу вилоятни Ламғои дебтурлар.

Яна бир тумани Алингордур. Алингорға ёвуқроқ кофиристон Кавардур. Алингор руди Кавардин чиқар. Бу икки руд Алишанг била Алингордин ўтуб, бир-бирига қотилиб, яна бир тумандинким Мандировардур, *(133 б)* қуйироқ Борон суйига қотилур.

Ул икки булукдин бир Дарайи Нурдур, ғайри мукаррар ере воқиъ бўлубтур. Даранинг пешгоҳида қўрғоии бир тумшуқнинг устида тушубтуркким, икки тарафидин рудтур. Шолипояси бисёрдур, йўлсиз юруб бўлмас. Норунж ва турунж ва гармсерий мевалари бордур. Озроқча хурмо йиғочи ҳам бордур. Қўрғоннинг икки тарафидаги руд ёқалари тамом дарахттур, кўпраги эмлук йиғочидур. Бу мевани баъзи турклар қора емиш дерлар. Дарайи Нурда бисёр бўлур, ўзга ерда бу мевани кўрулмади. Узуми ҳам бўлур, узуми тамом дарахт устидадур. Ламғонотда Дарайи Нур чоғири машҳурдур, икки навъ чоғир бўлур: арра тоши ва суҳон тоши дерлар. Арра тоши зардчадур, суҳон тоши хушранг қипқизил бўлур, вале арра тоши кайфиятлироқтур. Агарчи иккаласининг кайфияти шуҳратича йўқтур.

Юққори Сар даралларида маймун бўлур, мундин қуйи Ҳиндустон сари ҳам маймун бўлур, мундин юққори бўлмас. Бу эл бурун тунгуз сахлар эдилар, бизнинг замонда бартараф қилдилар.

Яна бир туман Кунар ва Нургилдур. Бу туман Ламғоноттин бошқароқ воқиъ бўлубтур. Кофиристоннинг ичида вилоят сарҳадидур. Агарчи улуғлуғи Ламғон туманларича бордур, вале бу жиҳаттин моли кесимдур, *(134 а)* озроқ берур-

лар. Чағонсарой суйи шарқ-шимолий тарафидин кофиристоннинг ичи била келиб, бу вилоятнинг ораси била ўтуб, Кома бўлукида Борон суйиға қўшулуб, шарққа боқа оқар. Нургил бу сувнинг ғарб тарафидур, Куна шарқ тарафи. Мир Саййид Али Ҳамадоний раҳматуллоҳ саёҳат қилиб келиб, Кунардин бир шаръий юққорроқ иақл қилибтурлар. Муридлари мундин Хатлонға элтибтурлар. Нақл қилғон ерлари ҳоло мазоре бўлубтур. Тарих санайи 925 даким, Чағонсаройиниким, келиб олдим, тавоф қилиб эрдим. Норунж ва турунж ва гурунжи бисёр бўлур. Тунд чоғирлар ҳам кофиристондин келтурурлар.

Бу эл ажаб нима ривоят қилдилар, маҳол кўрунадур, вале бу хабар тавотурға етишти, бу туманнинг қуйи[427] оёғиким, Ламата канди[428] дерларким, андин қуйи Дарайи Нур ва Атарға тааллуқдур. Ушбу Ламата кандидин[429] юққори тамом бу кўҳистондаким, Кунар ва Нургил ва Бажавр ва Савод ва ул навоҳи бўлғай, бу шойиъдурким, ҳар хотунким ўлса, ани бир катқа солиб, тўрт тарафидин тўрт киши кўтарурлар, агар ёмон иш қилмағон бўлса, бу кўтарганларни бехост мутаҳаррак қилур, бу мартабадаким, агар такаллуф қилиб, ўзларини сахласалар, ўлук каттин тушар, агар ёмон иш қилғон бўлса, ҳаракат қилмас. Муни ёлғуз бу элдин эшитилмади. Бажавр ва Савод ва жамиъ бу кўҳистон эли муттафиқул-калима *(134 б)* бу ҳарфни ривоят қилдилар. Ҳайдар Али Бажаврийким, Бажаврнинг султони эди, ул вилоятни хейли яхши забт қилиб эди. онаси ўлганда йиғламас, аза тутмас, қора чирмамас. Деркимм, боринг онамни катқа солинг, агар мутаҳаррик бўлмаса, куйдургумдур. Катқа солурлар, маъҳуд ҳаракат ул ўлукдин содир бўлур. Муни эшитгач, қора чирмаб аза тутар.

Яна бир бўлук Чағонсаройдур, бир кенттур, муҳаққар ередур, кофиристоннинг оғзидадур. Эли кофирлар била омихта учун, агарчи мусулмондур, вале куффор русумини бажо келтурурлар. Улуғ рудким, Чагонсарой суйиға машҳурдур, Чағонсаройнинг шарқ-шимолидин ва Бажаврнинг орқасидин келур. Ғарб тарафида Пич[430] отлиқ кофиристондин яна бир кичикрак руд келиб, бу сувға қотилур. Чағонсаройнинг зардча тунд чоғирлари бўлур. Дарайи Нур чоғириға ҳеч нисбати йўқтур, ўзининг узуми ва боғи бўлмас. Сув юққориғи кофиристондин ва Пич кофиристонидин келтурурлар. Мен Чағонсаройни олғонда, Пич кофирлари бу элга кўмак келиб эди. Чоғир анда андоқ шойиъдурким, ҳар кофирнинг бўйнида бир хик чоғир эди, сув ўрниға чоғир ичиб юрурлар эди.

Кома агарчи бошқа ер эмас. Нингнаҳор тавобиндиндур, вале муни ҳам бўлук дерлар.

Яна бир *(135 а)* Нижров туманидур. Кобулнинг шарқи-шимолида кўҳистонда воқиъ бўлубтур. Орқасида тоғлар тамом кофиристондур. Тавре гўшадур. Узум ва меваси бисёр, чоғири ҳам ғалаба бўлур. Вале жўшида қилурлар. Қишлар товуқни бисёр парвори қилурлар. Эли шаробхўр ва бенамоз ва новаҳм ва кофирваш элдур. Тоғларида ножу[431] ва чилғуза ва балут ва ханжак йиғочлари бисёр бўлур, ножу ва чилғуза ва балут дарахти мундин қуйи бўлур. Нижровдин юққори асло бўлмас. Ҳиндустон дарахтларидиндур. Бу кўҳистон элининг чироғлари тамом чилғуза йиғочидиндур, шамъдек ёнар, хейли ғаробати бордур.

Нижров тоғларида рубайи паррон бўлур. Рубайи паррон бир жониворедур, мушукдин улуғроқ, икки қўли била икки бутининг орасида пардадур, шаппаранинг қанотидек, доим келтурурлар эди. Дерларким, йиғочдин-йиғочға нишебга боқа бир газ отими учар. Мен худ учқонини кўрмадим. Йиғочқа қуйдуқ, чуст ёрмашиб чиқти, андин қувладилар, қаиотиии ёйиб, учқандек этиб, беозор тушти. Бу тоғларда луча[432] қуши ҳам бўлур, бу қушни буқаламун дерлар, бошидин қуйруғиғача беш-олти мухталиф ранги бор, кабутарнинг бўйнидек, барроқтур, улуғлуғи кабки дарийча бўлғай, ғолибо Ҳиндустон кабки дарийсидур. Ул эл ажаб нима ривоят қилдилар; қиш бўлғоч тоғ доманлариға тушар, агар учурса *(135 б)* ларким, узум боғидин ўтса, яна асло уча олмас, тутарлар. Яна бир сичқон Нижровда бўлур эмиш, «муши мушкин» дерлар. Мушк иди андин келур эмиш. Ани мен кўрмайдурмен.

Яна бир Панжҳир туманидур. Йўл устида воқиъ бўлубтур. Кофиристон анга бисёр ёвуқтур, қуттоут-тариқ куффорнинг мурури Панжҳирдии-

[425] К: Қароной кириқ.
[426] ЕН: Бодипанж; К: Бодиж.
[427] Е: Қуйиғи.
[428-429] К: мулатаканди.
[430] Н: Нич кейингилари ҳам шундай.

[431] К: ножу.
[432] К: навҳа.

дур. Куффорға ёвук̣ учун мундин х̣ам кесим[433] олурлар, мен бу навбат келиб Х̣индустонни фатх̣ к̣илғонда, кофирлар келиб Панжх̣ирдин к̣алин киши ўлтуруб, кўп хароблиқлар к̣илибтурлар.

Яна бир Ғурбанд туманидур. Ул вилоятларда кўталларни банд дерлар. Ғур[434] сари бу кўтал била борурлар, ғолибо ул жих̣атдин Ғурбанд дебтурлар. Сардараларини х̣азоралар шуғл к̣илибтур, бир неча кенттуркм, камх̣осилроқ ердур. Дерларким, Ғурбанд тоғларида кумуш[435] кони ва ложуворд кони бўлур.

Яна кўх̣ домана кентларидур, боши Митакача ва Паравон ва оёғи Дурнома, ўн икки-ўн уч кенттур, мевалик кентлардур, чоғирлари кайфиятлик̣дур. Бу орада Хожахон Саййиднинг чоғирлари боридин тундрок̣дур. Бу кентлар тамом тоғ этагида ва тоғда вок̣иъ бўлғон учун, агарчи молларини адо к̣илурлар, вале харжда[436] ройиж эмастурлар.

Бу кентлардин к̣уйи доманада тоғ била Борон суйининг оралиғида икки парча х̣амвор дашт вок̣иъ бўлубтур. Бирини Куррайи Тозиён дерлар, яна бирини Дашти Шайх. Ёзлар чикин тола ўти *(136 а)* бисёр яхши бўлур. Атрок ва аймок̣ ёз мунда келурлар. Бу доманада ранго-ранга х̣ар[437] анвоъ лолалар бўлур. Бир к̣атла санаттим, ўттуз икки-ўттуз уч навъ ғайри мукаррар лола чик̣ти. Бир навъ лола бўлурким, андин андак к̣изил гул иди келур, Лолайи гулбўй дер эдук. Дашти Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас. Яна ушбу доманада Паравондин к̣уйирок̣ садбарг лола бўлур, ул х̣ам бир нарча ерда Ғурбанд тангисининг чик̣ишида бўлур.

Бу икки даштнинг орасида бир кичикрак тоғ тушубтур, бу тоғда бир парча к̣ум тушубтур, тоғ бошидин, тубигача Хожа Региравон дерлар. Ёзлар дерларким, нак̣ора ва дух̣ул уни бу к̣умдин келур.

Яна Кобул тавобии кентлардур, Кобулнинг ғарби-жанубида улуғ к̣орлик̣ тоғ тушубтур, к̣ори к̣орға етар, кам йил бўлғайким, к̣орға етмагай. Кобулда яхдонлар яхи туганса, бу тоғдин к̣ор келтуруб яхоб к̣илиб ичарлар. Кобулдин уч шаръи бўлғай.

Яна Бомиён тоғидур, бу тоғ берк тоғ вок̣иъ бўлубтур. Х̣ирманд ва Синд ва Дуоба, К̣ундуз ва Балхоб суйи бу тоғдин чик̣ар. Дерларким, бир кунда х̣ар турт дарё суйидин ичса бўлур.

Бу кентлар аксар бу тоғнинг доманасига вок̣иъ бўлубтур. Боғда узуми к̣алин бўлур. Х̣ар жинс меваси х̣ам бисёр бўлур. Бу кентлар орасида Исталиф ва Истарғачча кент йўк̣тур. Улуғбек мирзо бу кентларни *(136 б)* Хуросон ва Самарк̣анд дер экандур. Ламғон х̣ам бу кентларнинг ватирасидур. Агарчи узуми ва меваси ул кентларча бўлмас, вале х̣авосининг х̣еч нисбати йўк̣тур. К̣орлик̣ тоғ Ламғон[438] тоғидур.

Исталифча кент маълум эмаским хейли ерларда бўлғай. Улуғ руд кентнинг ичидин ок̣ар. Руднинг х̣ар икки тарафи боғоттур, сабзалик̣, сафолик̣кина боғчалари бордур, суйи совук̣тур, яхобк̣а эх̣тиёж бўлмас, аксар софтур. Бу кентта Боғи Калон отлик̣ Улуғбек мирзонинг бир мағсуб боғи бор эди. Мен эгаларига бах̣о бериб олдим. Боғдин ташк̣ари улуғ чинорлар бор, чинорларнинг туби сабзалик̣, сафолик̣ манзиледур. Боғнинг ўртасидин бир тегирмон суйи х̣амиша жорийдур. Бу арик̣ ёк̣асида боғ ўртасида чинорлар ва дарахтлардур, бурун бу арик̣ эгри-бугри ва бесиёк̣ эди. Мен буюрдумким, бу арик̣ни ража ва сиёк̣ била к̣илдилар. Бисёр яхши ер бўлди.

Бу кентлардин к̣уйирок̣ даштдин бир курух̣-бир ярим курух̣ юк̣кори бок̣а доманада тоғнинг[439] тубида чашма вок̣иъ бўлубтур. Хожа Сеёрон дерлар. Бу чашмада ва бу чашманинг атрофида уч навъ дарахтлардур. Чашманинг ўртасида к̣алин чинор дарахтларидур, латиф сояси бордур. Чашманинг икки тарафида тоғ тубидаги нушталарда к̣алин балут дарахтидур. Ушбу *(137 а)* икки парча балутистондин ўзга Кобулнинг ғарбий тоғида балут дарахти асло бўлмас. Чашманинг олидаким, дашт тарфи бўлғай, к̣алин арғувонзор вок̣иъ бўлубтур. Бу вилоятта ушбу арғувонзордин ўзга арғувонзор асло йўк̣тур. Дерларким, бу уч жинс дарахт уч азизнинг кароматидур. Сеёронға важх̣и тасмия муни дерлар. Бу чашманинг атрофини мен сангкорлик̣ к̣илдурдум. Чашмани гач ва соружа[440] била дах̣и дардах̣ к̣илдурдум. Бу чашманинг чор х̣ади сиёк̣лик̣, гуниялик̣ тахти бўлди, тамом арғувонзорға мушриф, арғувон гули очил-

[433] К̣: ким.
[434] К̣: Ғури.
[435] Л: Кумиш.
[436] К̣Н: Харжда; Л: хархда.
[437] Н: пар; Е: бир; Л: бар.

[438] К̣Е: Памғон; Р: Бамғон.
[439] К̣: Боғнинг (?).
[440] Л: Сорух̣.

ған маҳалда мунча ер маълум эмаским, оламда бўлғай. Сариқ арғувони ҳам бисёр бўлур. Сариқ арғувон била қизил арғувон доманада дарҳам очилур. Бу чашманинг ғарби-жанубий тарафида бир дарадин ҳамиша ярим тегирмон суйи жорийдур. Бу сувни мен ариқ каздуруб, дашти Сеёроннинг ғарби-жануб тарафидаги пуштанинг устига келтурттум. Пуштанинг устида улуғ гирд суфа солдурдим. Суфанинг гирдида тамом тол дарахтлари экилди. Хейли яхши манзиле бўлди. Бу суфадин, юққорроқ пуштанинг ёнида узум боғи солдурдум. Бу ариқнинг таърихи «жўйи хуш»[441] топилди.

Яна, Лаҳугар туманидур. Улуғ кенти Чархдур. Ҳазрати Мулло[442] Яъқуб қуддиса сирраҳу бу Чархдиндур. Муллозодайи Мулло Усмон *(137 б)* ҳам Чархийдур. Сижованд ҳам Лаҳугар кентларидиндур. Хожа Аҳмад ва Хожа Юнус бу Сижованддиндурлар. Чархнинг боғоти қалиндур. Лаҳугарнинг ўзга кентларида боғ бўлмас. Авғоншол элдур. Кобулда бу лафз шойиъдур. Ғолибо афғон[443] шиордурким, «афғоншол» дерлар.

Яна бир Ғазни вилоятидур. Баъзи туман ҳам дерлар. Сабуктигин бирла Султон Маҳмуднинг ва авлодининг пойтахти Ғазни экандур. Баъзи Ғазнин ҳам битибдурлар. Султон Шиҳобиддин Ғурийнинг ҳам пойтахти бу экандур. Бу Султон Шиҳобиддинни «Табақоти Носирий»да ва баъзи Ҳипд тарихида Муиззиддин битибтурлар.

Учунчи иқлимдиндур. Зобул ҳам дерлар, Зобулистон бу вилояттин иборатгур. Баъзи Қандаҳорни ҳам Зобулистон дохили тутубтурлар. Кобулдин ғарбға боқа ўн тўрт йиғоч йўлдур. Бу йўлни борлар тонг бошида Ғазнидин тебраб икки намоз ораси ва намози дигар Кобулға борилибтур. Одинапурким, ўн уч йиғоч йўлдур, йўлининг ёмонлиғидин ҳаргиз бир кунда келилган эмас. Муҳаққар вилояттур. Руди тўрт-беш тегирмон суйи бўлғай. Ғазнининг шаҳри яна тўрт-беш кенти ушбу сув била маъмурдур. Яна уч-тўрт кенти кориз била маъмурдур. Кобул узумидин Ғазни узуми яхшироқ бўлур. Қовуни ҳам Кобул қовунидин ортуқроқтур. Олмаси ҳам яхши бўлур. *(138 а)* Ҳиндустонға элтарлар. Экини бисёр пурмашаққаттур. Ҳар миқдор ерким, экарлар, юзига тамом янги туфроқ ҳар йил киюрурлар.[444] Вале Кобул экинидин мунинг экинининг ҳосили ортуғроқдур. Рўян экарлар. Тамом Ҳиндустонға борур. Бу элнинг яхши маҳсули рўяндур.

Саҳронишини ҳазора ва афғондур. Кобулға боқа Ғазни ҳамиша арзоплиқтур. Эли ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ мусулмон элдур. Семоҳадор эли хейли бордур. Аҳли ва аёллари бисёр маҳфуз ва мастурдур.

Мулло Абдурраҳмон Ғазнининг акобиридин эди. Донишманд киши эди, ҳамиша дарс айтур эди. Бисёр мутадаййин ва муттақий ва парҳизгор киши эди. Носир мирзо ўлган йили оламдин нақл қилди.

Султон Маҳмуднинг қабри Ғазнининг маҳаллотидадурким, султон қабри анда учун Равза дерлар, Ғазнининг яхши узуми Равзадиндур. Авлоди: Султон Масъуд била Султон Иброҳимнинг қабри ҳам Ғазнидадур. Мутабаррак мазорот Ғазнида бисёрдур.

Кобул ва Ғазнини олғои йиликим, Кўҳат ва Банну ва Дашт ва Афғонистоини чопиб ғалаба қатл қилиб, Дуки била ўтуб, Оби Истоданинг ёни била Ғазниға келдим. Дедиларким, Ғазнининг кентларида бир мазор бордурким, салавот айтғоч, қабр мутаҳаррик бўлур. Бориб мулоҳаза қилилди, қабрнинг тебрангани маҳсус *(138 б)* бўлди. Сўнгра маълум бўлдуким, мужовирларнинг тазвири экандур. Қабрнинг устиға бир жулъя ясабтурлар, ҳар замон жулъяға тегадурлар, жулъя тебрангач, қабр тебрангандек маҳсус бўладур. Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач соҳил мутаҳаррик маҳсус бўлур. Буюрдумким, мужовирлар жулъядин йироқ турдилар, бир неча салавот айттилар, қабрда ҳаракате маҳсус бўлмади. Буюрдумким, жулъяни бузуб, қабрнинг устида гунбаз қилдилар. Мужовирларни бу ҳаракаттин таҳдид била манъ қилилди.

Асру муҳаққар ердур. Подшоҳларким, Ҳиндустон ва Хуросон аларнинг тахти забтида экандур, бовужуди Хуросонот нечук мундоқ муҳаққар ерни пойтахт қилдилар экин, ҳамиша таажжуб қилилур.

Султон (Маҳмуд) замонида уч-тўрт банд бор экандур, бир банд ушбу Ғазни суйида, Ғазнидин шимол сари уч йиғоч сув юққори, султон бир улуғ банде солибтур, бу банднинг баландлиғи қирқ-

441 Жўйи хуш — рақам билан 925.
442 РЕ Мавлоно.
443 ЛН: Авғон.
444 Е: Келтурурлар.

эллик қари бўлғай, узунлуги тахминан уч юз қари бўлғай, сувни анда захира қилиб, бақадри эҳтиёж экинга сув очарлар эркандур.

Аловуддин Жаҳонсўз Ғурий бу вилоятқа мусаллит бўлғанда бу бандни бузубтур ва султоннинг авлодининг бисёр мақобирини куйдурубтур. Ғазни шаҳрини[445] бузубтур ва куйдурубтур, элни талабтур, ўлтурубтур, қатл ва бузуғлиқ *(139 а)* дин дақиқае номаръи қўймабдур. Андин бери бу банд бузуғдур. Ҳиндустонни фатҳ қилғон йил бу бандни ясамоқ учун Хожа Калондин ярмоқ йиборилди. Тенгри иноятидин умид борким, бу банд ободон бўлғай.

Яна бир Банди Сихандур.[446] Ғазнининг шарқида, бу ҳам Ғазнидин икки-уч йиғоч бўлғай, бу ҳам муддатлардур хароблур. Ободон қилур қобилияти ҳам йўқтур. Яна бир Саридеҳ бандидур. Бу банд маъмурдур.

Китобларда битибтурларким, Ғазнида бир чашма бордурким, агар нажосат ва қозуротни бу чашмаға солсалар, ўшул замон тўлғоқ ва туфон ва ёғин ва чопғун бўлур. Яна бир тарихда кўрулубтурким, раайи ҳинд Сабуктигинни Ғазнида муҳосара қилғонда Сабуктигин буюрурким, бу чашмаға нажосат била қозурот солурлар. Тўлғоқ ва туфон ва ёғин ва чопқун бўлур. Бу ҳийла била ул ғанимни дафъ қилур. Мен Ғазнида ҳар неча тажассус қилдим, бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади.

Бу вилоятларда Ғазни ва Хоразм совуқлуқ била машҳурдур, нечукким, Ироқайн ва Озарбайжонда Султония била Табриз совуқлуқ била шуҳрати бор.

Яна бир Зурмат туманидур. Кобулнинг жанубидур. Ғазнининг шарқи-жануби Кобулдин ўн икки-ўн уч йиғоч ва Ғазнидин етти-секкиз йиғоч йўл бўлғай, секкиз кенттур. Доруғанишин ери Гардиздур. Гардиз қўрғонининг ичида аксар се табақа ва чор табақа уйлар *(139 б)* дур, Гардиз холи аз истиҳкоме эмастур. Носир мирзо била ёғиқиб, мирзоға хейли ташвиш берди. Зурмат эли авғоншол элдур. Экин ва зироат қилурлар, дарахт ва боғ ва боғот бўлмас. Бу туманнинг жанубида тоғдур. Баракистон тоғи дерлар. Бу тоғнинг доманасида муртафеъ ерда чашма чиқибтур. Шайх Муҳаммад Мусулмоннинг қабри бу ердадур.

Яна бир Фармул туманидур. Муҳаққар ередур. Олмаси ёмон бўлмас. Мултон ва Ҳиндустонға элтарлар. Ҳиндустонда афғон замонида риоят топқан Шайх Муҳаммад Мусулмоннинг авлоди шайхзодалар Фармулдиндурлар.

Яна бир Бангаш туманидур. Гирдо-гирди тамом қуттоут-тариқ афғонийдур, мисли Хугиёний ва Хирилжи ва Турий[447] ва Ландар бу ёқада[448] тушубтур. Бу жиҳатлардин хотирхоҳ мол бермаслар. Манга ҳам улуғ ишлар ораға тушти, мисли Қандаҳор ва Балх ва Бадахшон ва Ҳиндустон фатҳи, бу сабаблардин Бангашнинг забтиға фурсат бўлмади. Тенгри рост келтуруб фурсат топқач, Бангашнинг қуттоут-тариқи била забтиға мутааййиндурмен.[449]

Кобул бўлукотидин бир бўлук Аласой бўлукидур. Нижровдин икки-уч шаръи бўлғай, шарқ сари Нижров тарафидин туб-туз келур. Кўра деган ерга етгач-уқ Аласой сари кичикрак кўтал инар. Бу тараф гармсер била сардсер орасида фосила Кўра кўталидур. Ушбу Кўра кўталида эрта ёзлар қушларнинг гузаридур. Нижров тавобиидин Пичғон[450] эли бу кўталда қалин *(140 а)* қуш тутарлар. Кўталнинг чиқишида ҳар ерда-ҳар ерда тошдин паноҳлар ясабтурлар, қуш тутар кишилар бу паноҳларда ўлтуруб, турнинг бир учини беш-олти қари йироқроқ беркитурлар, турнинг бир тарафини ерда тошқа бостурурлар. Яна бир тарафида турнинг ярмиғача уч-тўрт қари йиғоч боғларлар. Йиғочнинг бир учи паноҳда ўлтурғон кишининг илигидадур. Ясағон паноҳнинг тушукларидин мунтазирдур. Қушлар ёвуқ келгач-уқ турни кўтарурлар. Қушлар ўзи-уқ турға кирар. Бу тадбир била ғалаба қуш тутарлар. Андоқ муболаға қилурларким, гоҳи андоқ қалин қуш тутарларким,[451] бўғузларға фурсат бўлмас. Ул вилоятта Аласой анори машҳурдур. Агарчи аъло анор эмас, вале ул вилоятта[452] Аласой анеридин яхшироқ анор бўлмас. Мунинг анорларини тамом Ҳиндустонға элтарлар. Узуми ҳам ёмон бўлмас. Нижров чоғирларидин Аласой чоғирлари тундроқ ва хушрангроқтур.

Яна бир Бадров бўлукидур, Аласойнинг ёни-

[445] Н: Шаҳри Ғазнини.
[446] Қ: Сихон.

[447] Қ: Бурийа.
[448] Е: еқа ерда.
[449] РЕ: мутаяққин.
[450] Қ: Жийғон.
[451] Л: Бу жойлар тушган.
[452] Л: Бу жойи тушган.

дадур. Мунда мева бўлмас, корандаси кофирдур, ошлиқ олурлар. Нечукким, Хуросон ва Самарқандта атрок ва аймоқ саҳронишиндурлар, бу вилоятнинг саҳронишини ҳазора ва афғондур. Ҳазоралардин куллийроғи Султон Масъудий ҳазорадур, афғонлардин куллийроғи Маҳманд[453] афғонийдур.

Кобулнинг жамъини вилоят ва тамғо ва саҳронишини била секкиз лак шоҳрухий жамъ қилдилар. *(140 б)*

Кобул вилоятининг шарқ тарафидағи тоғлари икки турлукдур; ғарб тарафидағи тоғлари икки турлукдур. Андароб ва Хост ва Бадахшонот тоғлари тамом арчалик, қалин чашмалик, юмшоқ пушталиқ тоғлардур. Ўти тоғининг ва пуштасининг ва жулғасининг бирдек бўлур ва хўб бўлур, аксар бутака ўти бўлур, отға бисёр созвор ўттур. Андижон вилоятида бу ўтни «бутка» ўти дерлар, важҳи тасмияси маълум эмас эди, бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута чиқар учун бутака дерлар эмиш.

Ҳисор ва Хатлон ва Самарқанд ва Фарғона ва Муғулистоннинг яйлоқлари тамом ушбу вазълиқ яйлоқлардур. Агарчи Фарғона била Муғулистоннинг яйлоқларининг бу яйлоқларға ҳеч нисбати йўқтур, вале бир йўсунлуқ тоғлар ва яйлоқлардур.

Яна бир Нижров ва Ламғонот ва Бажавр ва Савод тоғлари қалин ножу ва чилғуза ва балут ва зайтун ва ханжаклик[454] тоғлардур. Ўти бу тоғларнинг ўтидек эмастур, қалин бўлур ва баланд бўлур, вале бефойда ўттур. От била қўйиға созвор эмастур. Агарчи ул тоғларча баланд эмасдур, кўзға ҳақир кўрунур, вале ғариб берк тоғлардур, ҳамвор-ҳамвор пушталар кўрунур, вале тамом пуштаси ва тоғи йирик тошлиқ пушта ва тоғдур, ҳар еридин от била юруб бўлмас. Бу тоғларда Ҳиндустон қушлари,[455] Ҳиндустон жониворлари *(141 а)* бисёрдур, мисли тўти ва шорак ва товус ва лўча[456] ва маймун ва нилағов ва кўтаҳпой, балки бу мазкур бўлғон жониворлардин дағи ўзға-ўзга жинс қушлар ва жониворлар бўлурким, Ҳиндустонда дағи андоқ жониворларни эшитилмайдур.

Ғарб тарафидағи тоғлар Дарайи Зиндон ва Дарайи Суф ва Гурзивон ва Ғаржистон тоғлари, бир йўсунлуқ тоғлардур. Ўтлоғи аксар жулғаларида бўлур, ул тоғлардек тоғи ва пуштаси якдаст ўт бўлмас, андоқ қалин йиғочи ва арчаси ҳам йўқтур, вале ўти отқа ва қўйиға созвордур.

Бу тоғларнинг усти тамом от чопқудек ҳамвордур, экинлари тамом анда бўлур. Бу тоғларнинг кийиги қалин бўлур. Такоблари берк[457] даралардур, аксар ерлари якандоздур. Ҳар ердин тушуб бўлмас; бу ажабтур, жамиъ тоғларнинг берк ерлари баландилар бўлса, бу тоғларнинг берк ерлари пастиларида воқиъ бўлубтур. Ғур ва Газю[458] ва Ҳазора тоғлари ҳам бу йўсунлуқ тоғлардур, ўтлоғи жулғасида бўлур. Тоғларида йиғочи ҳам камдур. Арча йиғочи худ йўқтур, ўти отқа ва қўйиға созвордур. Кийиги қалин бўлур. Мазкур бўлғон тоғларнинг берк ерлари қуйиларида бўлур, бу тоғлар андоқ эмастур.

Яна Хожа Исмоил ва Дашт, Дуки[459] ва Афғонистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур. Паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас *(141 б)* тоғлардур. Тоғлари элларига муносиб тушубтур, нечукким, «тенг бўлмағунча, туш бўлмас» дебтурлар. Оламда мундоқ ярамас вазълиқ тоғлар кам бўлғай.

Кобулнинг агарчи қиш қори улуғ тушар, вале яхши ўтунлари бордур ва ёвуқтур, бир кунда бориб келтурса бўлур. Ўтунлари ханжак[460] ва балут ва бодомча ва қарқанддур. Булардин яхшироғи ханжакдур,[461] ёруғ куяр (тутунининг яхши иди бўлур, чўғи ҳам ғалаба турар), ўли ҳам куяр. Балут ҳам яхши ўтундур, агарчи тийрароқ куяр, вале тоблиқ куяр, чўғи қалин турар. Балут йиғочида яна бир ажаб хосиятдур: сабзбарглик шохлариға ўт қўйсалар, ғариб шарфа била куяр. Оёғидин бошиғача шарфа била бир замонда куяр. Бу йиғочнинг куймағи хейли яхши тафарруждур. Бодомча борчадин кўпроқ ва шойиъроқтур, чўғи турмас. Қарқанд паст-паст тиканлар бўлур, ўли-қуруғи тенг куяр, тамом Ғазни элининг ўтуни будур.

Кобул вилояти тоғ ораларида воқиъ бўлубтур. Йўрунчқа палларидек тоғлар тушубтур, ора-

---

[453] Қ: меҳманд.
[454] Қ: ганжаклиқ.
[455] Е: қушлари ва.
[456] Қ: навҳа; Л: нужа.

[457] Қ: Теранг.
[458] Қ: Карбу.
[459] К: даштдаки; Р: дашту даки.
[460] [461] Қ: ганжак.

лари тузтур, жилғалар воқиъ бўлубтур, аксар кентларида ободонлиқлари бу оралиқдадур, кийиги ва ови озроқдур. Куз ва ёз фаслларида қизил кийикким, арқар ғалча бўлғай, қишлоққа, яйлоқға ўтарда муайян тутқовуллари бордур, қушлиқ ва итлиқ йигитлар бориб, тутқовулни *(142 а)* сахлаб кийик олдурурлар. Хурд Кобул ва Сурхоб тарафи қулони ҳам бўлур. Оқ кийик худ асло йўқтур. Ғазнининг оқ кийиги ва қулони бўлур. Ғазнининг оқ кийигича семиз кийик кам ерда бўлғай. Ёзлар Кобул қушлоғи қалиндур. Аксар қушининг гузари Борон ёқасидур, не учунким, шарқи тоғлардур. Ғарб тарафи ҳам тоғлардур. Ушбу ернинг тўғрисидинким, Борон ёқаси бўлғай, бир улуғ Ҳиндукуш кўталидур ва бас ўзга кўтал йўқдур. Бу жиҳаттин тамом қушлар мунинг била ўтарлар, агар ел бўлса ё Ҳиндукуш кўтали устида андак булут бўлса, қушлар ўта олмас. Тамом Борон тузига тушар, бу маҳал ул навоҳидаги эллар қалин қуш олурлар.

Борон ёқасида қишнинг охирларида ўрдак қалин келур, бисёр семиз бўлур, андин сўнгра турна ва қарқара, улуғ қушлар қалин ва беҳад бўлур. Борон ёқасида турнаға таноб отиб, таноб била қалин тутарлар. Ўқор ва қарқара ва қўтонни ҳам таноб била қалин тутарлар, бу навъ қуш тутмоқ ғайри мукаррардур.

Тутмоғининг кайфияти бу турлуқдурким, бир ғаз отими инчка таноб эшарлар, бу танобнинг бир учида ғазни беркитурлар, яна бир учида шохдин билдурга ясабтурлар, бу билдургани беркитурлар, яна бир билакча ёғочтур, *(142 б)* узунлуғи бир қариш бўлғай, ғаз тарафидин бу танобни бу йиғочқа туганғуча чирмарлар, таноб тугангандин сўнг билдургани беркитурлар, андин сўнг билакча йиғочни таноб ичидин чиқарурлар, таноб чирмоғлиқ ковок-уқ турар. Билдургани иликка солиб, келадурган қушнинг оли сари ғазни отарлар. Қушнинг қанотиға ё бўйниға туша чирмашиб, қуш йиқилур. Тамом Борон эли бу тариқ била қалин қуш тутарлар, вале бу қуш тутмоқнинг хейли машаққати бор. Ёмғурлуқ ва қоронғу кечалари керак, бу кечаларда бу қушлар сибоъ ва дарандалар жиҳатидин тонг отқунча тинмаслар ва муттасил учарлар ва паст учарлар, қоронғу кечаларда қушларнинг йўли оқар сувдур, қоронғуда оқариб кўрунур. Қўрқунчдин сув юққори, сув қуйи тонг отғунча борурлар ва келурлар. Танобни бу маҳалда отарлар. Мен бир қатла кеча таноб оттим, таноб узулди, қуш ҳам топилмади. Тонғласиға қушни узулған таноб била топиб келтурдилар.

Бу тариқ била Борон эли қалин ўқор тутарлар. Соч ўтағаси ўқордин бўлур. Ироқға ва Хуросонға Кобулдин бир матоеким борур, соч ўтағасидур. Яна жамъи сайёд қуллардур, икки юз-уч юз уйлук бўлғайлар. Темурбек авлодидин бириси бу қулларни Мўлтон навоҳисидин *(143 а)* кўчуруб келгандур. Ишлари, кучлари қуш тутмоқтур. Қўллар ясаб, қалин милвоҳлар тикиб, кўл ўртасида тўр қўйиб, ҳар жинс қуш тутарлар. Не ёлғуз сайёд қуш тутар. Борон ўлтурушлуқ эллар таноб отиб, тузоқ қўюб, ҳар тадбир била қалин қуш ва ҳар анвоъ қушлар тутарлар. Ушбу мавсумда Борон суйида балиғнинг гузари бўлур. Тўр била яна жах[462] боғлаб, қалин балиқ тутарлар. Яна куз маҳалларидаким, қулон қуйруғи деган ўт чиқиб камолға етиб, гул қилиб, дона боғлар, бу қулон қуйруғидин ўн-ўн икки пуштвора яна кўк шибоқдин йигирма-ўттуз пуштвора сув бошиға келтуруб янчиб, сувға солурлар, солғон замон-уқ сувға кириб маст бўлғон балиқни тута киришурлар. Қуйироқ бир муносиб ерда жах боғларлар, жах боғламоқ андоқдурким, тол хунчаларидан бармоқча-бармоқча хунчаларни чиғдек тўқурлар, бу чиғни сувнинг тўкулур ерида ковок қўюб, атрофиға тош қаларлар. Андоқким, сув бу чиғқа шариллаб тушгай, тушган била қуйи-уқ борғай, сув қуйи борур, балиғ чиғнинг устида қолур, маст бўлғон балиқни юққоридин тута-тута келурлар. Бу жахта қалин тутарлар. Гулбаҳор суйида, Паравон суйида, Исталиф суйида бу тариқа била тутарлар.

Яна қиш Ламғонотда ғариб тавр *(143 б)* балиғ тутарлар. Сув тўкулур ерларда уй ўрунича ерни чуқурроқ қилиб, ўчоқ ноясидек тошларни бу чуқурларда қўюб, устига тош қаларлар. Бу ерға сув қуйидин бир эшик қўярлар, тошни андоқ қаларларким, ушбу бир эшикдин ўзга ҳеч ердин балиғ кириб-чиқа олмас, бу қолғон тошнинг устидин сув оқар, моҳихона амали қилурлар. Қишлар ҳар қачон балиғ керак бўлса, бу чуқурларнинг бирини очиб, қирк-эллик балиғни бир замонда келтурурлар. Бу тариқ очарларким, ул чуқурни муайян белгулук ерда қилурлар, ул чуқурнинг бир эшигидин бошқа тамом атрофиға гурунч

[462] Қ: хаж.

пилали қўюб, устига тош қўярлар. Эшигига чиғдек нима тўқуб, икки бошини бир ерга қатиб боғларлар. Яна мунинг ичида яна бир нима чиғдек тўқуб беркитурлар. Андоққим, оғзи бу чиғ била баробар бўлғай, узунлуғи бурунғи чиғнинг ярмича бўлғай, ичкариги оғзини тор қилурлар, бу ичкариги чиғнинг ичкариги оғзидинким, кирар, улуқ чиғнинг ичига кирар, улуғ чиғнинг қуйиғи оғзини андоқ қилибтурларким, балиғ чиқа олмас, ичкариги чиғнинг қуйиғи ичкариги оғзини андоқ қилибтурлар, юққориғи оғзидин балиғким, кирар, ичкариги *(144 а)* оғзидин бирар-бирар ўтар. Бу ичкариги оғзининг йиғочларининг учини бир қилибтурлар, бу оғиздин ўтуб, улуқ чиғнинг ичигаким, кирар-чиқар оғзини худ беркитибтурлар, балиғ чиқа олмас, ёнса бу кичик чиғнинг ичкариги оғзининг шишлари[463] жиҳатидин ўта олмас. Бу чиғни ул қуйғон эшиккаким беркитурлар, моҳихонанинг устунини очарлар, гирдо-гирди худ гурунч пилали била мазбутдур, ҳар не иликка келса, бу чуқурда тутарлар. Ҳар балиғким, қочса эшик худ бир-ўқтур, ўшул мазкур бўлғон чиғқа тушар, анда тутарлар. Бу навъ балиғ тутмоқ ўзга ерда кўрулган эмас.

Кобулни олғондин бир неча кун сўнг Муқим Қандаҳор сариға рухсат тилади, чун аҳд ва шарт била келиб эди, тамом киши-қора ва рахт ва матойи била солим ва саломат ота-оғаси сари рухсат берилди. Муқимға рухсат бергандин сўнг Кобул вилоятини мирзоларға ва тамом меҳмон бекларга-ўқ тақсим қилилди. Ғазнини тавобии ва лавоҳиқи била Жаҳонгир мирзоға берилди. Нингнаҳор туманини ва Мандировар ва Дарайи Нур ва Кунар, Нургал ва Жиғонсаройни Носир мирзоға берилди. Ўзум била қазоқлиқларда била бўлуб келган бекларга ва йигитларга баъзи *(144 б)* сига кент ва ятулдек берилди. Вилоят худ ҳеч берилмади. Ёлғиз бу эмас, ҳар қачонким, Тенгри таоло давлати берди, меҳмон ва ғариб бекларни ва йигитларни бойрилардин ва андижонийлардин ортуқроқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд бу ажаб балоедурким, ҳамиша эл мени ғайбат қилурларким, бойридин ва андижонийдин ўзгани риоят қилмас. Масал борким, «душман не демас, тушга не кирмас». «Дарвозайи шаҳроро тавон баст, натвон даҳани мухолифон баст».[464]

Чун Самарқанд ва Ҳисор ва Қундуздин қалин эл ва улус Кобул вилоятиға келиб эдилар, маслаҳат андоқ кўрулдиким, Кобул муҳаққар ердур, сайфийдур, қаламий эмас. Борча элга ёрмоқ худ еткуруб бўлмас, бу элга ва улуснинг кўчларига бирор нима ошлиқ бериб черик ва чопқунға отланилғай, сўз мунга қарор топиб, Кобул ва Ғазни вилоят ва тавобиға, ўттуз минг харвор ошлиқ таҳмил бўлди, Кобулнинг даромад ва ҳосилини билмай мундоқ куллий таҳмил бўлғони учун вилоят хейли хароб бўлди.

Ушбу маҳалларда Бобурий хаттини ихтироъ қилдим. Султон Масъудий ҳазорасиға қалин қўй ва от солилди. Таҳсилдорлар йиборилди. Неча кундин сўнг таҳсилдорлардин хабар келдиким, ҳазоралар молни *(145 а)* бермай, саркашлик мақомидадурлар, мундин бурунроқ ҳам неча навбат Гардиз ва Ғазни йўлларини уруб эдилар, бу жиҳатлардин Султон Масъудий ҳазорани чопа отланилди. Майдон йўли била келиб, Нирх кўталидин тунлаб ўтуб, фарз вақтида Чату навоҳисида ҳазораларни чопилди. Хотирхоҳ чопилмади, андин сўнг Сурох йўли била ёниб, Жаҳонгир мирзоға Ғазниға рухсат берилди.

Кобулға тушганда Дарёхоннинг ўғли Ёр Ҳусайн Бҳира тарафидин қуллуққа келди. Неча кундин сўнг черик тарҳини солиб, ер-сув билур кишиларни чарлаб, атроф ва жавонибни таҳқиқ қилилди. Баъзи Даштни дедилар, баъзи Бангашни муносиб кўрдилар, баъзи Ҳиндустонни маслаҳат кўрдилар. Кенгаш Ҳиндустон юрушига қарор топти.

Шаъбон ойида офтоб далв буржида эрдиким, Кобулдин Ҳиндустон азимати била отланилди. Бодом[465] чашма Жигдалик йўли била ора олти[466] кўнуб Одинапур келилди. Гармсер вилоятларини ва Ҳиндустон навоҳисини ҳаргиз кўрулган эмас эди. Нингнаҳорға етгач, ўзга оламе назарға келди: гиёҳлар ўзгача ва йиғочлар ўзгача ва вуҳуш ўзгача ва туюр ўзгача, эл ва улусининг *(145 б)* роҳ ва расми ўзгача; ҳайрате бўлди, филвоқиъ жойи ҳайраттур.

Носир мирзоким, илгаррак вилоятиға келиб эди, Одинапурда келиб, мулозамат қилди. Ул юздин келган аймоқ ва аҳшом қишлоқ маслаҳатиға тамом кўчуб, Ламғонот келиб эдилар. Аларнинг

---

[463] Л: тишлари.

[464] «Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман оғзини ёпиб бўлмайди».

[465] ЛН: Бодо.

[466] ЛН: лати.

черикларини ва кейин қолғоп черикларни бир-икки кун ул навоҳида туруб, ўзумизга қўшиб келиб, Жўйи Шоҳийдин ўтуб, қуйи Қушгунбазга тушулди. Носир мирзо навкар-савдарига[467] вилоятидин бирор нима еткуруб, икки-уч кун кейинракдин келай деб Қушгунбаздин рухсат тилаб қолди. Қушгунбаздин кўчуб Гарм чашмаға тушганда, Гогиёнийнинг улуқларидин Пихиким, корвони била экандур, келтурдилар. Йўл-айир[468] маслаҳати жиҳатидин Пихини ҳамроҳ қилинди. Бир-икки кўч била Хайбардин ўтиб Жомға[469] тушулди.

Кўракатрининг таърифин эшитилиб эди, жўгиларнинг ва ҳиндуларнинг бир маъбади бу эмиш, йироқ ерлардин келиб Кўракатрида соч ва соқол киркар эрмишлар. Жомға тушгач, Бигромни сайр қила отландим. Улуғ бир йиғочни кўруб Бигромнинг навоҳисини сайр қилдим. Бошчи Малик Бусаъид Камарий эди. Бир неча Кўракатрини сўрдук, айтмади. Ёниб ўрдуға *(146 а)* ёвуқ етганда Хожа Муҳаммад Аминға айтурким, Кўракатри Бигромнинг қошида эди. Тор ғор ва мухотара ер учун айтмадим. Хожа филҳол хабосат қилиб, анинг деганини айтди. Кун кеч бўлуб эди ва йўл ҳам йироқ эди, бора олмадуқ, бу юртда Синд суйи кечарни ва қай сари мутаважжиҳ бўлурни машварат қилилди.

Боқи Чағониёний арзға еткурдиким, сув кечмай ушбу ердин қўнуб Кухат отлуқ ерга борса бўлур, эмишким, қалин жамъиятлиқ ва моллиқ эллар эмиш. Бир неча кобулийни келтурдиким, ўзининг сўзига мувофиқ сўзлар арзға еткурдилар, бу ерларни ҳаргиз эшитилган эмас эди. Улуқ ихтиёр киши Кухат сарини маслаҳат кўруб, ўзининг муддаосининг исботига неча тонуқ ҳам ўткарди эса, сув ўтмакни ва Ҳиндустон азиматини фасх қилиб, Жомдин кўчуб, Бора суйини ўтуб, Муҳаммад Пих добониға ёвуқроқ келиб тушулди. Ул маҳалда Гогиёний афғоний Паршовар[470] да эди. Черик ваҳмидин бу тоғ домаиаларига тортиб эдилар. Гогиёнийнинг улуғларидин Хисрав Гогиёний бу юртта келиб мулозамат қилди, ани ҳам Пихи била йўл-айир[471] *(146 б)* маслаҳати жиҳатидин ҳамроҳ қилилди.

Бу юрттин ярим кеча кўчуб, кун чиқа Муҳаммад Пихни ўтуб, чошткоҳда Кухатии чопилди. Қалин гов[472] ва говмиш тушти. Афғонлардин дағи қалин асир тушти, асирни тамом айириб озод қилилди. Уйларида ошлиқ худ бениҳоят эди. Чопқунчи Синд дарёси ёқасиғача чопиб, ора қўнуб келиб, бизга қўшулдилар. Боқи Чағониёний арзға еткургандек нима черик элига тушмади. Боқибек бу саъйдин шармандароқ бўлди. Кухатта икки қўнуб, чопқунчини йиғиб, қай сари юрур маслаҳатини кенгашилди. Сўз мунга қарор топтиким, Бангаш ва Банну навоҳисидағи афғонларни чопиб, Нағар йўли била ё Фармул йўли била ёнилғай.

Ёр Ҳусайн Дарёхоннинг уғликим, Кобулда келиб мулозамат қилиб эди, истидъо қилдиким, Дилазок ва Юсуф Зайи ва Гогиёнийға фармонлар бўлсаким, менинг сўзумдин чиқмасалар. Синд суйининг ул юзида подшоҳ қиличин чопсам. Муддаосидек фармонлар бериб Кухатдин рухсат берилди. Кухаттин кўчуб юққори Бангаш сари Ҳангу йўли билан мутаважжиҳ бўлдук. Кухат била *(147 а)* Ҳангунинг орасида бир дара тушубтур, икки тарафи тоғ йўл. Бу дара била борур кўчуб, бу дараға кирганда, Кухатнинг ва ул навоҳининг афғонлари тамом йиғилиб даранинг икки тарафидағи тоғ устига чиқиб сурон солиб, ғавғо қила бошладилар. Малик Бусаъид Камарийким, жамиъ Афғонистонни яхши билур эди, бу юрушда бошчи ул эди. Арзға тегурдиким, илгаррак йўлнинг рост тарафида парча тоғ тушубтур, агар бу афғонлар бу тоғдин ул тоғқа ўтсалар, бошқа тоғдур. Чирмаб олса бўлур.

Тенгри рост келтуруб, бу афғонлар эришиб келиб ўшул парча тоғқа чиқтилар. Бир пора йигитларни йиборилдики, филҳол икки тоғнинг орасидағи гарданани олғайлар. Ўзга черик элига фармон бўлдуким, ул юздин бу юздин тушлуқ-тушидин юруб, бу афғонларни жазосиға еткургайлар. Тушлуқ-тушидин юруган била уруша ҳам олмадилар. Бир замонда юз-юз эллик афғонни чопқулаб олиб, баъзисини тирик, аксарининг бошини келтурдилар. Афғонлар урушмоқдин ожиз бўлсалар, ғанимларининг олида ўт тишлаб келур эмишлар. Яъни мен сенинг уюнгдурмен деган эмиш. Бу расмни анда *(147 б)* кўрдук. Ожиз бўлғон афғонлар ўт тишлаб келдилар. Тирик келтурган-

---

[467] ЛН: саврадн.
[468] ЛН: эр; Қ: ер.
[469] Қ: Жанруд.
[470] Қ: Пиштовар.
[471] Қ: ер; ЛЕ: Айиз.
[472] Қ: ўй.

ларни ҳам бўюнларини урдуруб, тушган юртта калла минора қўпорилди.

Тонгласи андин кўчуб, Ҳангуға тушулди, бу навоҳидаги афғонлар бир парча тоғни сингир қилдилар. Сингир лафзини Кобулға келганда эшитилди. Бу эл тоғни беркитканни сингир дерлар эмиш. Черик эли етган била-ўқ афғонларнинг сингирини ушатиб, юз-икки юз мутамаррид афғонларнинг бошларини кесиб келтурдилар. Мунда ҳам калла минора қўпорилди. Ҳангудин кўчуб, ора қўнуб, юққори[473] Бангашнинг оёғи Тийл деган ерга тушулди. Мунда ҳам черик эли бу гирд ва навоҳидаги афғонларни чопа бориб эдилар. Бир сингирдин баъзи чопқунчи енгилрак ёнибтур, мундин кўчуб йўлсиз юруб орада бир қўнуб тонгласи бир тепатек инишдин иниб, узун-узоқ тангидин ўтуб, Баннуға тушулди. Черик эли ва тева ва от бу инишда ва тангида асру кўп эмгандилар. Тушган ўлжа уйлар худ аксари қолди.

Омма йўл ўнг қўлимизда бир-икки қуруҳ экандур, бу йўл отлиқ йўли эмас экандур. Қўйчи ва чўпон гоҳи гала ва рамани бу йўл ва танги била *(148 а)* индурур учун бу йўлни Гўспандлиёр дер эмишлар. Йўлни афғон тили била лиёр дерлар. Бошчи Малик Бусаъид Камарий эди, аксар черик эли йўл чап тушганини Малик Бусаъиддин кўрдилар.

Бангаш ва Нағар тоғларидин ўтгач-ўқ Банну туп-туз ерда воқиъ бўлубтур. Шимоли Бангаш ва Нағарнинг тоғларидур. Бангаш руди Баннуға чиқар, Банну бу сув била маъмурдур. Жануби Чўпара ва Синд суйидур, шарқи Динкот, ғарби Даштким, Бозор ва Тоқ ҳам дерлар. Афғон қабойилидин кароний, кивий, сур, исо хайл, ниёзий бу вилоятни эгарлар. Баннуға тушгач-ўқ хабар топилдиким, туздаги қабойили шимолидаги тоғларда сингирлаб турурлар, черикни Жаҳонгир мирзоға бошлатиб йиборилди, кивининг сингири экандур, бориб бир замонда олиб қатлиом қилиб, қалин бош кесиб келтурдилар. Оқ рахттин черик элига хейли тушти, Баннуда ҳам калла минора қўпорилди. Бу сингир олғандин сўнг кивининг улуғларидин Шодихон отлиқ мулозаматка ўт тишлаб келди. Асирларни бағишладуқ.

Кўҳатни чопқанда мундоқ муқаррар бўлуб эдиким, Бангаш ва Банну навоҳисидаги афғонларни чопиб, Нағар йўли била ё Фармул йўли била *(148 б)* ёнилғай, Баннуни чопғондин сўнг ерсувни билур кишилар арзға еткурдиларким, Дашт ёвуктур, эли ҳам жамъиятлик элдур, йўли ҳам яхшидур, Фармулға чиқар, сўзни Даштни чопиб, ул йўл била чиқарға қўюб, тонгласи андин кўчуб, ушбу руднинг ёқасида Исохайлнинг кентига тушулди. Исохайл хабар топиб Чўпора тоғларига ўзларини тортибтурлар. Исохайлнинг кентидин кўчуб, Чўпора тоғларининг доманасига тушулди, чопқунчи тоғларга бориб, Исохайлнинг бир сингирини ушатиб, қўй ва гала ва рахт келтурдилар. Ушбу охшом Исохайл афғонлари шабихун келтурдилар.

Ул юрушда бисёр эҳтиёт қилилур эди, ҳеч иш қила олмадилар. Мундоқ эҳтиёт қилилур эдиким, бароңғор, жавоңғор, ғул, ировул ҳар қайси будаллиқ будалида тушуб, ҳар қўл ўз тушидин яроғланиб яёқ ўрдунинг гирдиға чодирлардин бир ўқ отими йироқроқ чиқиб, кеча ўшанда-ўқ бўлурлар эди. Ҳар кеча бу дастур била тамом черик элини чиқарилур эди. Ичкилардин уч-тўрти машъал била ҳар охшом навбат билан эврулур эдилар. Мен ҳам бирор навбат эврулур эрдим. Чиқмағон кишининг *(149 а)* бурнини тешиб, черикдин эврутур эрдук. Бароңғор Жаҳонгир мирзо, Боқи Чағониёний,[474] Ширим тағойи, Саййид Ҳусайн Акбар ва яна баъзи беклар эди. Ғулда улуғ беклардин киши йўқ эди, тамом ички беклар эди. Ировулда Саййид Қосим эшикоға Бобо ўғли, Аллоқули Беран[475] ва яна баъзи беклар эди. Черикни олти бўлак қилилиб эди. Ҳар бўлакка бир кеча-кундуз чоғдовуллуқ навбати эди.

Ул доманадин кўчуб, ғарбқа боқа юруб, Дашт била Баннунинг орасида бир сувсиз қўлда тушулди. Черик эли сойни қазиб, ўзлари ва гала қораларига сув олдилар. Бу сойдин бир қари-бир ярим қари қазса, сув чиқар эди. Не ёлғуз бу сойдин мундоқ сув чиқар. Ҳиндустоннинг жамъи рудларининг бу хосияти бор, бир қари-бир ярим қари қазса, албатта сув чиқар. Ажаб қодиредур. Ҳиндустондаким, дарёлардин ўзга оқар сув бўлмас, рудлари мундоқ сувға ёвуқ воқиъ бўлубтур. Ушбу қуруқ рудтин саҳар кўчуб, намози дигар Даштнинг кентларига чарида отлиқ черик эли етишти. Чопқунчи бир неча кентни чопиб, гала ва рахт ва савдо отлари келтурдилар.

[473] Е: юққориғи.

[474] Р: Чағаниёний.

[475] Н: Қули паран; РЕ: берди; Л: Берун.

Бу охшом тонгғача, тонгласи тушгача кейин қолған юклук гала ва тева, яёқ-яланг *(149 б)* кела қолди. Бу кунким, мунда турулди, чопқунчи бориб Даштнинг кентларидин қалин ўй ва қўй келтурдилар. Афғонларнинг савдогарларини йўлуқтуруб қалин оқ рахт ва ақоқир ва қанд ва набот, тупчоқ отлар ва савдо отлари келтурдилар. Хожа Хизр Нуҳонийким, афғонлар орасида машҳур ва муътабар савдогарлардин эди, Ҳиндий мўғул тушуруб, бошини кесиб келтурди. Ширим тағойи чопқунчининг кейинича бориб эди, бир яёқ афғон Ширим тағойи била рўбарў бўлуб, Ширим тағойининг шаҳодат бармоғини тушура чопти.

Тонгласиға кўчуб Даштнинг кентларининг орасида ёвуқроқ тушулди, андин кўчуб, Гўмал суйи ёқасиға тушулди. Даштдин ғарбий тарафи икки йўл чиқар эрмиш, бири Санги Сўрох йўликим, Баракдин ўтуб Фармул келур. Яна бир Гўмал рудини ёқалаб Баракга етмай бу ҳам Фармул келур. Гўмал йўлини баъзи хушладилар. Даштда эканда икки-уч кун паё-пай ёмғурлар ёғди. Гўмал руди хийла улғайиб эди. Андоқким, ташвиш била гузар топиб, ўттук. Йўл билур кишилар арз қилдиларким, Гўмал йўлида бу рудни неча қатла кечмак керак. Агар сув мундоқ улуғ бўлса мушкилдур. Бу йўлда ҳам тараддуд бўлди, ҳануз сўзни бир ерга қўйюлмайдур эди.

Тонгласи табли кўч чолдуруб от устида *(150 а)*- ўқ сўзлашиб, қайси йўл била юрурни қарор берур хаёлда эрдим. Ийди фитр эди. Мен ийд ғуслиға машғул бўлдум. Жаҳонгир мирзо ва беклар сўзлашибтурлар, баъзилар дебтурларким, Даштнинг ғарби, тоғинингким, Кўҳи Мехтар Сулаймон дерлар, ушбу тоғ Дашт била Дукининг орасида тушубтур, тумшуғидин эврулса, йўл туздур. Агарчи бир-икки кўч тафовут қилур, ройлари мунга қарор топиб тумшуқ йўлиға бўлубтурлар. Ғуслдин фориғ бўлғунча черик эли тамом тумшуқ йўлиға туз олиб, аксар Гўмал рудидин ҳам кечибтурлар, чун кўрулган йўллар эмас эди, йўлнинг йироқ-ёвуғини билмай, арожиф сўз била бу йўлға кирдук. Ийд намозини Гўмал рудининг ёқасида ўталди. Наврўз ул ийдқа ёвуқ келиб эди. Тафовут бир-икки кун эди, ул тақриб била бу ғазални айтиб эрдим:

*Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,*
*Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.*
*Юзи наврўзи васли ийдини Бобур ғанимат тут,*
*Ким мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу байрамлар.*

Гўмал рудини ўтуб, жануб сари боқа тоғ доманаси била юрудук. Бир-икки курўҳ борилиб *(150 б)* эдиким, қони тутулғон бир неча афғон тоғ этагидаги пушталарда пайдо бўлдилар. Жилаврез ул сари мутаважжиҳ бўлдук, аксари қочтилар, баъзиси жаҳл қилиб доманадағи ушоқ тоғларда ва камарларда беркидилар. Бир афғон бир парча тоғнинг устида туруб эди. Ғолибо нари ёни учма эди, кетар ери ҳам йўқ эди. Султонқули чиноқ жибалик чиқиб чопқулоб олди. Менинг қошимда бир қилғон иши ушбу эди. Ушбу иши сабаби риояти ва тараққиси бўлди. Яна бир камарда Қутлуққадам бир афғон била чопқулашиб, тутоғлашиб, ўн-ўн икки қари ердин била-ўқ учтилар, бошини кесиб келтурди. Яна бир тоғнинг устида Кепа[476] бир афғон била дасту гирибон бўлуб тоғ устида тоғнинг ярмисиғача юмаланиб кетдилар, анинг ҳам бошини келтурди. Бу афғонларнинг[477] дағи асири хейли тушуб эди, тамом озод қилилди.

Дашттин кўчуб Мехтар Сулаймон тоғини доманалаб жануб сари боқа юруб, уч орада қўнуб, Синд суйининг ёқасидағи Мўлтон тавобии кентларидин Бийла суйининг ёқасидағи Мўлтон тавобии кентларидин Бийла деган қасабачаға етишилди. Эли кемаларга кириб сув ўттилар, баъзи ўзларини сувға солиб ўттилар. Ушбу кент тўғрисида бир орол бор эди. *(151 а)* Кейин қолған эллар оролда кўриндилар. Аксар черик эли от ва яроқ била ўзларини солиб ўттилар, бир неча киши сувға борди. Менинг навкарларимдин бир Қул Аҳмад оруқ эди, бир Мехтар Фаррош эди. Жаҳонгир мирзо навкарларидин бир Қайтмас туркман эди. Бу оролда баъзи рахт ва партолдек нималар черик элига тушти. Бу навоҳининг эли кемалар била тамом Синд суйининг ул юзига ўттилар.

Ушбу орол тўғрисидин ўтганлар бир пораси сувнинг улуғлуғиға эътимод[478] қилиб қиличлар иликларига олиб шамширбозлиқ қилиб, тикка қила бошладилар. Оролға ўтганлардин Қул Боязид бакавул ёлғуз яланғоч от била аларнинг муқобаласидин ўзини сувға солди. Оролнинг ул юзи-

[476] Е: Кепабек.
[477] ЛКН: афғонларни.
[478] ЛКН: эътамид.

даги сув икки-уч ҳисса бўлғай эди, бу юздаги сув бир ҳисса. От ўздуруб ул юздагиларнинг муқобаласида бир ўқ отими ерда пойобқа чиқти, сув отнинг қаптолида бўлғай эди. Бир сут пишимиға ёвуқ даранг қилди. Ғолибо, ҳамлини тузди экин, кейнидин ҳеч ким кўмак келмади ва кўмак келур эҳтимоли ҳам йўқ эди. Ўшандин буларнинг устига илдам юруди. Бир-икки ўқ оттилар, бўлдура олмадилар, қоча бердилар. Ёлғиз яйлоқ от била кўмаксиз Синд суйидек дарёдин ўздуруб кечиб, ғанимларни қочуруб, ерларини олди. Маҳкам мардона иш қилди. Ёғийни қочурғондин сўнгра *(151 б)* черик эли ўтиб рахт ва гала қора ўлжа келтурдилар. Агарчи мундин бурун ҳам хизматидин ва мардоналиқларидинким, неча навбат зоҳир бўлуб эди, риояти ва шафқати мақомида бўлуб, бовурчилиқ мартабасидин хосса бакавуллуқ мартабасиға еткуруб эрдим. Бу ишидин худ анинг борасида куллий иноят ва тарбият мақомида бўлдум ва куллий иноят ва тарбият ҳам қилдим. Нечукким, мазкур бўлғусидир. Филвоқиъ[479] иноят ва тарбият арзандаси ҳам бор эди.

Яна икки куч Синд суйини ёқалаб, сув қуйиға боқа кўчулди. Черик эли чопқун чопа-чопа, отларини хароб қилдилар. Моли ҳам арзандайи чопқун эмас, тамом ўйдур. Даштта худ қўй ва баъзи ерда рахтдек нималар ҳам черик элига тушар эди. Дашттин ўтгач, ўйдин ўзга нима йўқ эди. Синд суйи ёқасидағи кўчларда худ андоқ бўлдуким, бир қуллуқчи уч юз ўй-тўрт юз ўй келтурур эди. Нечукким, келтурур эдилар, кўплугидин ҳар кўчта яна ўшандоқ қолур эди. Уч кўч Синд ёқаси била-ўқ келдук. Уч кўчтин сўнг Пир Кону мазори тўғрисидин Синд дарёсидин айрилиб, Пир Кону мазориға келиб туштук. Черик элидин баъзи мазорнинг мужовирлариға мазоҳим бўлғон учун бирини сиёсат учун пора-пора қилдурдим. Бу мазор Ҳиндустонда *(152 а)* бисёр муътабар мазордур. Меҳтар Сулаймон тоғининг пайвасти тоғларининг доманасида воқиъ бўлубтур, бу мазордин кўчиб кўтал устида тушулди.

Андин кўчуб Дуки вилоятиға тааллуқ рудға тушулди. Ул юрттин кўчганда Шоҳбек навкари Фозил кўкалдошнингким, Сивининг доруғаси эди, йигирмача қаравуллуққа келган кишисини тутуб келтурдилар. Ул маҳалда чун қудрати йўқ эди, от ва яроқлари била-ўқ қўя берди. Ора қўниб Дукининг кентларидин Чутоли деган кентнинг ёвуғига туштук. Синд суйидин наррок ва Синд суйининг ёқасида агарчи тинмай чопқун қилур эдилар, вале от бўғузи ва кўк хавид бисёр эди. От қолмас эди. Синд дарёсидинким, Пир Кону сари боқа чиқилди, кўк хавид худ йўқ эди. Ахёнан икки-уч кўчта оз-оғлоқ хавидзор топилур эди. От бўғузи худ топилмас эди. Ушбу юртлардин черик элининг отлари қола бошлади. Чутолидин ўтуб тушган юртта улоқсизлиқдин менинг хиргоҳим ҳам қолди.

Ушбу юртта охшоми андоқ ёмғур бўлдуким, чодир ичида сув иничка пойчадин эди, гилемларни бир ерда йиғиштуруб, баланд қилиб устида ўлтурдум. Бу кеча ушмундоқ усрат била тонг отти, яна икки кўчдин сўнг Жаҳонгир мирзо келиб, қулоғимға *(152 б)* дедиким, хилват сўзум бор. Хилват қилилди. Арз қилдиким, Боқи Чағониёний манга келиб дедиким, подшоҳни етти-секкиз-ўн киши била рухсат бериб Синд суйини ўткариб сизни подшоҳ кўтаралинг. Мен айттимким, яна кимлар эмиш бу кенгашда? Айттиким, манга филҳол Боқибек айтти, ўзгасини билмадим. Мен дедим: яна ўзгаларини дағи таҳқиқ қилинг. Ғолибо Саййид Ҳусайн Акбар ва Султон Али чуҳра, яна баъзи Хисравшоҳий бек, бекот, йигит-яланг ҳам бор эди экин. Филвоқиъ Жаҳонгир мирзо мунда асру хўб борди. Туққонлиқни бажо келтурди.

Жаҳонгир мирзонинг бу иши менинг ул ишимнинг муқобаласида эдиким, Кохмардда ул ҳам бадбахт мардакнинг иғво ва ифсоди била эди. Ул юрттин кўчуб яна бир юртқа тушганда, черик элидин оти ярар кишини Жаҳонгир мирзоға бошлатиб, ул навоҳида ўлтурур афғонларни чопқали йиборилди. Ушбу юртларда черик элининг отлари кўп қола бошлади. Куни бўлур эдиким, икки юз от, уч юз от қолур эди. Ўбдон-ўбдон[480] кишилар яёқладилар. Шоҳ Маҳмуд ўғлоқчиким, менинг ўбдон ичкиларимдин эди, отлари тамом қолиб яёқ келди. Ғазниғача черик элининг отлариға бу ҳол эди, уч-тўрт кўчтин сўнгра Жаҳонгир мирзо бир пора *(153 а)* афғонларни чопиб, бир пора қўй келтурди. Бир икки-уч кўчдин сўнг Оби Истодаға етдук. Ғариб улуғ сув назарға келди. Ул юздаги[481] даштлар худ асло кўрунмайдур. Сув

[479] КН: Воқиъ; Л: Дарвоқиъ.

[480] Е: обдон-обдон.

[481] ЛН: даги; Е: доги.

осмон била пайваст кўрунадур, ул юздаги тоғлар ва пушталар не таврким, Серобнинг ул юзидаги тоғ ва пушталар муаллақ кўрунур. Бу тоғлар ва пушталар ҳам ер ила кўкнинг орасида муаллақ кўринадур. Мунда йиғилур сувлар Каттавоз[482] водийсининг ва Зурмат жулгасининг ва Ғазни рудининг, баҳор ёмғурларининг селлари ва ёзлар сув улғайганда зироатдин ортқоп сувлари эмиш. Оби Истодаға бир куруҳ етганда ажаб нима мулоҳаза қилдук. Ҳар замон бу сув била осмоннинг орасида шафақдек нима қип-қизил кўрунадур, яна бартараф бўладур. Ёвуқ етгунча бу ҳол эди, ёвуқ етганда маълум бўлдуким, тоғлон қоз[483] экандур. Не ўн минг ва не йигирма минг асру кўп тоғлон қоз, қалин тоғлон қоз учуб қанот урғонда қизил парлари гоҳ кўрунуб, гоҳ кўрунмас экандур. Не ёлғуз бу қуш, ҳар қушдин беҳадду ҳаср, бу сув ёқасида қалин қушнинг юмуртқаси. Сув қироғидин бу қушларнинг *(153 б)* юмуртқаларини олғали келган икки афғон бизни кўрган била ўзини сувға солди. Бир неча киши ярим куруҳқа ёвуқ бориб келтурдилар.

Ғаразким, мунча йўлким бордилар, сув бир коида била отнинг қорнида эди. Туз ер учун ғолибо суйи чуқур эмастур. Каттавоз[484] даштининг Оби Истодаға келур рудининг ёқасиға келиб туштук. Бу руд қуруқ рудтур, мунда ҳаргиз сув оқмас, неча навбатким, мундин ўтубтурбиз, ҳаргиз рудда оқар сув кўрулмабтур. Бу навбат ёз ёғинлари жиҳатидин бу рудқа андоқ сув келибтурким, асло гузар тополмадук. Агарчи хейли ариз эмас, вале бисёр амиқ эди. Тамом от ва тевани уздуруб кечилди. Баъзи партолдек нимани арғамчиға боғлаб, ул юздин тортиб олдилар. Бу сувдин ўтуб Кўҳнаноний била Саридеҳ бандидин ўтуб, Ғазниға келдук. Жаҳонгир мирзо бир-икки кун меҳмондорлиқ қилиб, ошлар тортиб, пешкашлар қилди. Ул йил аксар сувлар улуқ кириб эди. Андоқким Деҳи Яъқуб суйидин гузар топилмас эди.

Мен кўлда ясатқан кемани келтуруб Камарий тўғрисида[485] Деҳи Яъқуб суйиға солиб, эл кема била ўтар эдилар. Бу жиҳаттин Сижованд кўталидин ўтуб, якруя келиб Камаридин кема била сувни кечиб, зилҳижжа *(154 а)* ойида Кобулға келдук. Саййид Юсуфбек бир неча кун бурунроқ қулунж заҳмати била Тенгри раҳматиға бориб-тур. Носир мирзо навкар-савдарига[486] вилоятларидин бирор нима тегуруб икки-уч кун кейинроқдин келай деб Қушгумбаздин рухсат тилаб қолиб эди. Биздин айрилғач Дарайи Нур эли бир нима саркашлик қилғон жиҳатидин черикини Дарайи Нур устига йиборур. Дарайи Нурнинг қўрғонининг берклиги ва ерларининг шолизор жиҳатидин бўртоғлиғи бурун мазкур бўлуб эди, бу черикнинг сардори Фазли черикни эҳтиёт қилмай мундоқ якраха[487] йўл ва бўртоғ ерда паришон чопқунға қўяр. Дарайи Нур кишиси чиқиб паришон борғон чопқунчини тебратган била ўзгалар ҳам тура олмаслар, қочарлар. Бир пора кишини ўлтуруб қалин от ва яроқ олдилар. Ул черикдаким, Фазлидек киши сардор бўлғай, ҳоли ушмундоқ-уқ бўлғусидур. Бу жиҳатдинму ё Носир мирзонинг кўнглида эгрилиги бор эди, ул жиҳатдинму бизнинг сўнгимизча келмади, қолди. Яна Айюбнинг ўғлонлари Юсуф ва Баҳлулким, буларча шарир, муфаттин ва мудаммиъ ва мутакаббир киши бўлмағай эди. Алингорни Юсуфқа ва Алишангни Баҳлулға берилиб *(154 б)* эди, булар ҳам вилоятлардин бирор нима олиб, Носир мирзо била келмакчи эдилар. Чун Носир мирзо келмади, булар ҳам келмадилар. Бу қиш Носир мирзонинг ҳамкоса ва ҳамсуҳбати булар эдилар. Бу қиш бир катла бориб Таркалоний афғонини[488] чопарлар, ёз бўла тамом аймоқот ва ташқи эл ва улуснинг кўч ва моллариким, Нингнаҳор ва Ламғонот келиб эдилар, кўчуруб суруб Борон ёқасиға келди.

Носир мирзо Борон ва ул навоҳида эканда Бадахшонийларнинг ўзбакларни ўлтуруб ўзбак била якрўй бўлғон хабари келди. Тафсили будурким, Шайбонийхон Қундузни Қанбарбийга[489] бериб, ўзи Хоразм борди. Қанбар Бадахшон элига истимолат берур жиҳатидин Муҳаммад Махдумийнинг Маҳмуд отлиқ ўғлини Бадахшонға йиборди. Муборакшоҳким, оталари Бадахшон шоҳларининг бекларидин экандур, бош кўтариб Махдумийнинг ўғлининг яна неча ўзбакнинг бошини кести. Қалъайи Зафарким, бурун Шофтевар-

---

[482] ЛЕ: вов; Р: дод.
[483] Қ: Боқлон қоз; Е: Боғлонқон қоз; Л: боғлонқор.
[484] Е: вов; Р: дод.
[485] Н: Тўғрида.

[486] Н: Савдоригаки; Л: Севдорики.
[487] Е: Якроҳа; Л: Якраҳха.
[488] ЕК: Афғон.
[489] Қ; Қамбар Алибек.

ға[490] машҳур экандур, қўрғон қилиб беркитти. Қалъайи Зафар отини ул қўйди. Яна Муҳаммад[491] қўрчиким, Хисравшоҳнинг бир қўрчиси эди, ул вақт Ҳамлангон анинг иликида эди. Рустоқда Шайбонийхоннинг садрини бир неча ўзбак била ўлтуруб Ҳамлангонни мустаҳкам қилди. Зубайр Роғий *(155 а)* ҳам оталари шоҳларпинг бекларидин экандур, Роғда ёғиқти. Жаҳонгир туркманким, Вали Хисравшоҳнинг навкари эди, бу бузуғлуғда бегидин айрилиб бир неча қолғон-қочғон сипоҳий ва аймоқни йиғиб, ўзини беркка тортти. Носир мирзо бу хабарларни топиб, Бадахшон ҳаваси била бир неча беақл ва кутаҳ андешанинг ангиз ва иғвосидин жамиъ ул юздин келган ташқи элларнинг кўч ва молларин кўчуруб, суруб Шибарту ва Обдара йўли била ул юзга ўтти.

Хисравшоҳ Аҳмад Қосим била Ажардин кўчиб, Хуросон сариким бордилар, йўлда Бадиъуззамон мирзоға ва Зуннунбекка мулоқи бўлуб, борчалари бориб Ҳирида Султон Ҳусайн мирзоға мулозамат қилдилар. Буларким неча йиллар мирзоға ёғийликлар қилиб, анвоъ беадабликлар булардин зоҳир бўлуб эди, булардин мирзонинг кўнглида не доғларким йўқ эди, барчалари менинг сабабимдин мундоқ хорлиқ ва зорлиқлар била бориб мирзони кўрдилар. Хисравшоҳни навкар-савдаридин айириб мундоқ забун қилмасам эди, Қобулни Зуннуннинг уғли Муқимдин олмасам эди, бориб мирзони кўрмаклари мумкин эмас эди. Бадиъуззамон мирзо худ буларнинг *(155 б)* илгида хамир эди, буларнинг сўзларидин тажовуз қила олмас эди.

Султон Ҳусайн мирзо бориға эҳсон мақомида бўлуб, ёмонлиқларни юзларига келтурмай, инъомлар ҳам қилди. Хисравшоҳ неча маҳалдан сўнг ўз вилоятлари сари рухсат тиладиким, мен борсам, ул вилоятларни[492] тамом олурман. Чун бу келмаги яроқсиз ва беҳисоб эди, рухсатиға ҳаял қилдилар. Алар ҳаял қилған сойин бу рухсатни такрор қилди. Чун ибром кўп қилди, Муҳаммад Бурундуқ тавр жавоб берди. Айттиким, ўттуз минг навкаринг била тамом вилоятларнингким, илигингда эди, не қилдингким, ҳоло беш юз кишинг била ўзбак тасарруфидағи вилоятларға не қилғайсен?

[490] Л: Шофтанвар.
[491] Қ: Маҳмуд.
[492] ЛН: вилоятларе.

Бир неча насиҳатлар қилиб, маъқул сўзлар дедилар, чун ажал етиб эди, таъсир қилмади. Ибром кўпрак қилди, охир ижозат бердилар.

Уч-тўрт юз кишиси била рост Даҳона ҳадиға кириб келди, ўшал фурсатта Носир мирзо ул юзга ўтуб эди, келиб Носир мирзони Даҳона навоҳисида кўрди. Бадахшон сардорлари Носир мирзони ёлғуз тилар эдилар. Хисравшоҳни тиламас эдилар. Носир мирзо ҳар неча саъй қилди. Хисравшоҳ ҳам англаб кўҳистон борурға рози бўлмади. Хисравшоҳ хаёли бу эрдиким, мирзони таъбиядек *(156 а)* олиб юруб вилоятни иликлагай. Охир суҳбат чиқмай, Ишкамиш навоҳисида ясашиб, жибалар кийишиб урушаёзиб айрилиб, Носир мирзо Бадахшон сари тортти. Хисравшоҳ бўлак ланг лавандни йиғиб яхши-ёмон мингча кишиси била Қундузни қабамоқ доияси била келиб, бир-икки йиғоч Хожа Чортоққа тушти. Муҳаммад Шайбонийхонким, Андижонда Султон Аҳмад Танбални олиб Ҳисор устига мутаважжиҳ бўлғон била урушсиз ва талошсиз вилоятларни ташлаб чиқтилар. Шайбонийхон Ҳисор келди, Ҳисорда Ширим чуҳра ва бир пора ўбдон йигитлар эди, бовужудким, беклари вилоятларини ташлаб кеттилар, булар Ҳисор қўрғонини бермай, беркиттилар.

Шайбонийхон Ҳисорнинг муҳосарасини Ҳамза Султон била Маҳдий Султонға ухда қилиб, ўзи Қундуз келиб, иниси Маҳмуд Султонға Қундуз вилоятини бериб, ўзи бетаваққуф Хоразмға Чин сўфининг устига мутаважжиҳ бўлди. Ҳануз Самарқандға етмайдур эдиким, иниси Маҳмуд Султон Қундузда ўлди. Қундузни Қанбарбий Марвийға берди. Хисравшоҳ келган маҳал Қундузда Қанбарбий эди. Қанбарбий мутаоқиб Ҳамза Султонға ва ўзга қолғон султонларға кишилар чоптуруб *(156 б)* тилади. Ҳамза Султон Аму ёқасиға Саройға келиб черикини уғлонлари ва бекларига бошлатиб, Қундуз йиборди, булар етган била-уқ чиқтилар. Уруша ҳам олмади. Танбал мардак қоча ҳам олмади. Ўшал замон-уқ Ҳамза Султоннинг кишилари тушурдилар. Хоҳарзодаси Аҳмад Қосимни, Ширим чуҳрани, яна баъзи ўбдон[493] йигитларни ўлтурдилар. Қундузға келтуруб Хисравшоҳнинг бўйниға уруб, бошини Хоразмға Шайбонийхон қошиға йибордилар. Хисравшоҳ

[493] Е: Ободон.

айткандек, Хисравшоҳ Қундуз навоҳисида келган била менинг қошимдағи навкар-савдарининг турлари ўзгачарак бўлди. Аксар кўчуб, Хожа Ривож ва ул тарафлар ўзларини торттилар. Менинг қошимда кўпраги анинг навкар-савдари эди. Муғуллар яхши бордилар. Якжиҳатлик мақомида эдилар. Бу хабар келган била ўтқа сув урғондек босила қолдилар.

## Вақоиъи санайи иҳдо ашара ва тисъа миа*

Муҳаррам ойида менинг онам Қутлуқ Нигорхонимга ҳасба марази ориз бўлди, фасод қилдилар, нокис воқиъ бўлди. Бир хуросонлиқ табиб бор эди, Саййид табиб дерлар эди. Хуросон дастури била ҳиндувона берди, чун ажал етиб экандур, олти кундин сўнг шанба *(157 а)* куни Тенгри раҳматиға борди. Улуғбек мирзо тоғ доманасида боғ иморат қилиб эди, Боғи Наврузий отлиқ. Варасасининг рухсати била якшанба куни бу боққа келтуруб, мен ва Қосим кўкалдош туфроққа топшурдук. Бу азода кичик хон додам Олачахонни ва улуғ онам Эсан Давлатбегимни манга эшиттурдилар. Хонимнинг кирқи ёвушуб эдиким, Хуросондин хонларнинг волидаси Шоҳбегим, менинг холам Султон Аҳмад мирзонинг ҳарами Меҳр Нигорхоним ва Муҳаммад Ҳасан кўрагон дуғлат келдилар. Азолар тоза бўлуб, фироқлар ўти беандоза бўлди. Азо расмини[494] бажо келтургандин сўнг, ош ва таом фақир ва масокинға тортилиб, хатм ва дуолар борғонларнинг арвоҳиға қилиб, кўнгилларини олиб, қароларини солиб, бу муҳиммоттин фориғ бўлғондин сўнг, Боқи Чағониёнийнинг саъйи била Қандаҳор устига черик отландук. Сафар қилиб келиб, Қуш Нодир ўлангига тушуб эрдимким, мен иситтим, ажаб тавр беҳузурлуқ эди. Мени ҳар неча саъй қилиб уйғотсалар, яна ўшал замон кўзум уйқуға борур эди. Тўрт-беш кундин сўнг филжумла яхшироқ бўлдум.

Бу аснода андоқ зилзила бўлдуким, қўрғоннинг фасиллари ва боғларининг томлари аксар йиқилиб, шаҳрда ва кентларда кўп уйлар ҳамвор бўлуб, уй ва том остиға қолиб, ўлган бисёр *(157 б)* бўлди. Памғон кентининг уйлари тамом йиқилди. Етмиш-сексон ўбдон кадхудолар том остиға қолиб ўлдилар. Памғон била Бектут орасида бир парча ерким арзи биргина тош[495] отими бўлғай учуб, бир ўқ отими қуйи борди. Учқан ернинг ўрунидин чашмалар пайдо бўлди. Истарғачтин Майдонғача тахминан олти-етти йиғоч йўл бўлғай, ер андоқ ёрилиб эдиким, баъзи тарафи белча баланд бўлур эди, баъзи тарафи белча паст, ёрилған ерга баъзи ерда киши сиғар эди. Зилзила бўлғон замон жамиъ тоғларнинг бошидин гардлар қўпти. Нурулло танбурчи қошимда соз чаладур эди, яна бир соз ҳам бор эди, ўшал замон ҳар икки созини илигига олди, андоқ беихтиёр бўлдуким, созлар бир-бириға урундилар. Жаҳонгир мирзо тепада. Улуғбек мирзо солғон иморатлардин бир болохонанинг айвонида эди, зилзила бўлғоч, ўзини ташлади, осибе етмади. Жаҳонгир мирзонинг ёвуқларидин бири[496] ушбу болохонада экандур, болохона томи устига йиқилибтур, сахлади, ҳеч ерига озоре етмади. Тепадаги уйлар аксар туп-туз бўлди. Ўшал кун ўттуз уч қатла ер тебранди. Бир ойғача ҳар кеча-кундузда икки ва уч қатла ер тебранур эди. Қўрғоннинг бурж ва борусини[497] шикаст ва рехтини бекларга ва сипоҳийларга фармон бўлдуким, ислоҳ ва мараммат қилғайлар. *(158 а)* Йигирма кун-бир ойда жидд ва эҳтимом била қўрғоннинг синуқ-бузуғини буткариб қўпарилди.

Бурун Қандаҳор тарафи қилғон азимат беҳузурлуқ ва зилзила жиҳатидин кейинроқ қолиб эди, беҳузурлиқни ўткариб, қўрғонни буткариб, бурунғи азимат мусаммам бўлди. Ҳануз Қандаҳор тарафи бормоқни ё чопқун учун тоғ ва тузни ахтармоқни жазм қилмайдур эдук. Шанизнинг[498] оёғига тушганда Жаҳонгир мирзони ва бекларни йиғиб кенгашилди. Сўз Қалотнинг устига бормоққа қарор топти, Жаҳонгир мирзо ва Боқи Чағониёний бу юрушга кўпрак саъй қилдилар. Ёриға[499] етган маҳалда хабар топтукким, Шерали чуҳра ва Кичик Боқи девона ва яна бир неча

* Тўққиз юз ўн биринчи (1505—1506) йил воқеалари.

494 ЛН: Расмни.

495 Р: биргина бош.

496 Е: биров.

497 ЕҚ: бораси.

498 Л: Шернинг.

499 Қ: Тозиға; ЛЕ: Бориға.

кишининг кочар хаёллари бор эмиш. Буларни туттуруб, Шерали чухрадинким, анвойи фитналар ва ёмонликлар менинг кошимда эканда ва ғайри менинг кошимда эканда, ул вилоятта ва бу вилоятта зохир ва вокиъ булуб эди, ясокға еткурулди. Узгаларини от ва яроғидин айриб куйдук. Калотка етганда беярок ва беасбоб етган била-ук хар тарафтин уруш солдук, хейли уруш булди.

Хожа Калоннинг оғаси Кичикбек хейли мардона йигит эди, неча навбат менинг олимда, киличлар чопиб эди, нечукким бу тарихта мазкур булубтур. Калотнинг *(158 б)* ғарб-жануб тарафи буржидин ёпишиб чика ёвушкон махалда кузига найза била санчтилар, бир-икки кундин кейин Калотни олғондин сунг, ушбу яра била борди. Кичик Боки девонаким Шерали била кочадурғанида туттуруб эди, мунда ул кабохатининг тадорукига дарвозада фасил тубига кирганда, тош захми била улди. Яна бир-икки киши хам улди. Намози дигаргача ушбу дастур урушилди, йигитлар урушуб, зурлаб, суст булғон махалда ичкаригилар амон тилаб курғонни топшурдилар. Калотни Зуннун арғун Мукимға бериб эди. Мукимнинг навкарларидин Фаррух арғун ва Кора Булут Калотта эдилар. Соғдок, киличларини буйинлариға осиб келдилар, гунохларини афв килдук. Бу табакаға музохим булмок менинг ғаразим эмас эди, не жихаттинким узбакдек ғаним ёнимизда туруб экин, орада мундоклар булса йироктин-ёвуктин эшитган-курганлар не дегайлар?

Бу юруш чун Жахонгир мирзонинг ва Бокибекнинг саъйи била булуб эди, Калотни сахламокни мирзоға ухда килдук, кабул килмади. Бокибек хам бу бобта яхши жавоб топа олмади. Калотни мунча урушуб зурлаб олғанимиз бефойда булди. Калоттин жануб сари бока Савосанг ва Олатоғ *(159 а)* ва ул навохидаги афғонларни чопиб Кобул келдук. Кобул тушган охшоми мен курғонға бордим. Чодир ва тавила чорбоғда эди. Хирилжи уғриси келиб, менинг бир жибалар жарда отимни ва яна бир хосса хачиримни чорбоғдин чикариб элтти.

Боки Чағониёний Аму ёкасида келиб, бизга кушилғали андин эътиборрок ва ихтиёррок киши йук эди, хар суз деса, хар иш килса суз анинг сузи эди, иш анинг иши эди. Агарчи андин хизматиким, шойиста булғай ва инсониятиким бойиста булғай, харгиз зухурға келмади, балки анвойи беадабликлар ва ёмонликлар андин вокиъ булди. Хасис ва зумухт ва хасуд ва бадандарун ва нотавонбин ва кажхулк киши эди, хиссати бу мартаба эдимким, Тирмизни[500] солиб, куч ва моли билаким бизга кушулди, узининг хосса куйи шоядким, уттиз-кирк минг булғай эди, хар юртта калин куйлар бизнинг олимиздин утар эди, бизнинг йигит-яланг очликтин азоб тортар эдилар, бир куй бермади. Охир Кохмартка борғанда эллик куй берди, бовужудким мени подшох кутариб эди, накорасини узининг эшигида чолдурур эди. Хеч ким била соф эмас эди, хеч кимни кура олмас эди. Кобулнинг хосиликим бор тамғадиндур, тамғани олиб ва Кобулнинг доруғалиғи *(159 б)* ва Панчхир ва Кадий Хазора ва Кушкак[501] ва эшик ихтиёри тамом анда эди. Ушмунча риоят топиб асло рози ва шокир эмас эди. Бовужудким, не навъ фосид хаёллар килиб эди, нечукким мазкур булди, асло узумизга олмадук, юзига солмадук, хамиша ноз килиб рухсат тилар эди. Нозини тортиб, узрхохликлар била манъ килур эдук. Бир-икки кун босилиб, яна рухсат макомида булур эди. Нози ва рухсати хаддин ошти, биз хам анинг ахлок ва афъолидин жонға еттук, рухсат бердук. Рухсат тилагандин сунг пушаймон булди, изтироблар кила киришти, фойда килмади. Манга айттуруб йиборибтурким, шарт килиб эдиларким, туккуз гунох мендин содир булмағунча сурмағайлар. Мен Мулло Бободин ун бир гунохини бирар-бирар хотирнишон килиб айтиб йибордим. Мулзам булди. Куч ва моли била Хиндустон тарафиға рухсат берилди. Узининг бир неча навкарлари Хайбардин уткариб келдилар.

Боки, Гогиёнийнинг карвониға котилиб, Нилобни кечти. Ул махалда Ёр Хусайн Дарёхон Качакотта эди, Кухаттин олиб борғон фармонларини санад килиб, Дилазой била Юсуф зайидин бир пора афғонларни ва яна бир пора жат гужурни узига ёр ва навкар килиб, иш кучи эл таламок йул урмок эди. Бокининг хабарини эшитиб, *(160 а)* йулини тусуб, Боки била борғонларни арик олди, Бокини ултуруб хотунини олди. Агарчи биз Бокиға хеч ёмонлик килмай куя бердук, вале уз ёмонлиги олиға келиб, уз амалиға гирифтор булди.

---

[500] ЛЕ: Термид.

[501] К: Кушлак.

**Б а й т:**

*Ту бадкунандайи худро ба рўзгор сипор,*
*Ки рўзгор туро чокарест кийнагузор.*[502]

Бу қиш бир-икки қатла қор ёғқунча чорбоғда-уқ ўлтуруб эдук, биз Кобул келгали туркман ҳазораси анвоъ[503] беадабliклар ва раҳзанлиқлар қилиб эдилар. Аларни чопмоқ хаёл қилиб, шаҳрда Улуғбек мирзонинг Бўстонсарой отлиқ иморатиға кириб, андин шаъбон ойида туркман ҳазорасини чопа отландук. Дарайи Хуш оғзида Жангалакта чопқун қуйдук, оз-оғлоқ ҳазора чопилди. Дарайи Хуш ёвуғида бир сумжда бир пора ҳазора яшунғон[504] экандур. Шайх Дарвеш кўкалдошким, аксар қазоқлиқларда менинг била эди, қўрбегилик мансаби анда эди, ёйни кучлук тортар эди, ўқни хўб отар эди, бу сумжиинг[505] оғзиға ғофил ёвуқ-уқ кириб борур. Ичкаридин бир ҳазора эмчагига ўқ уқлар, ўшал кун-уқ ўлди. Туркман ҳазорасининг кўпраги Дарайи Хушта қишлағон экандур, аларнинг устига мутаважжиҳ бўлдук.

Дарайи Хуш тавр дара тушубтур, ярим қуруҳға ёвуқ дара оғзида танги тушубтур, йўл тоғнинг *(160 б)* камарида воқиъ бўлубтур, йўлдин қуйи ҳам эллик-олтмиш қари яқандоздур. Йўлдин юққори ҳам йўл жирутмадур.[506] Отлиқ бирарбирар ўтар, бу тангидин ўтуб, ул кун икки намоз орасиғача бориб етмай бир ерда қўндук.

Ҳазоранинг бир семизлук тевасини топиб келтурдилар, ани ўлтуруб гўштидин бир пора кабоб қилдук, бир порасини офтобда пишируб едук, онча лазиз тева эти ҳаргиз ейилган эмас эди, баъзи қўй этидин фарқ қила олмадилар. Андин эрта кўчуб, ҳазораларнинг қишлағон юртлари устига мутаважжиҳ бўлдук. Бир паҳар бор эрдиким, илгаридин киши келди, дедиким, бир тангида ҳазоралар сув гузарини шохлар била беркитиб, элни тўсуб[507] урушадурлар, муни эшитгач тез-уқ тебрадук. Бир пора йўл бордук, ҳазоралар тўсуб[508] урушадурғон ерга еттук.

Ул қиш қор бисёр улуғ тушуб эди, йўлсиз юрумакнинг ишколи бор эди. Тагоб сувларининг ёқалари тамом муз боғлаб эди. Бу сувдин ях ва қор жиҳатидин йўлсиз ердин ўтуб бўлмас эди. Ҳазоралар бу сувнинг чиқар ерида қалин шох кесиб солиб эдилар. Ўзлари тагобларда ва ёнларда отлиқ *(161 а)* ва яёқ ўқ қуюб урушадурлар эди.

Муҳаммад Али Мубаширбек менинг янги риоят қилғон бекларимдин эди, хейли мардона ва қобили риоят, яхши йигит эди, жибаси йўқ, илгарирак шох солғон йўлға мутаважжиҳ бўлди, бикинига ўқладилар, ўшул замон жон таслим қилди. Илдам келилиб эди. Аксарнинг жибаси йўқ эди. Бир-икки ўқ ўтуб-ўтуб тушди. Аҳмад Юсуфбек изтироблар қилиб, ҳар замон айтадурим, яланғоч мундоқ кириб борасиз, икки-уч ўқни кўрдумким, бошингиздин ўтти. Мен дедимким, сиз мардона бўлунг, менинг бошимдин мундоқлар хейли ўтубтур. Ушмунча эрдиким, унг қўл тарафидин Қосимбек ўпчини[509] била бу сувдин гузар топиб кечиб, от солғон била ҳазоралар тўхтай олмай қоча бердилар. Илик олишиб турғонлар тушуратушура кейинича тебрандилар. Қосимбекка бу иш учун Бангашни жулду берилди. Хотам бу юрушта ёмон эмас эди, бу жиҳаттин Шайх Дарвеш кўкалдошнинг мучаси қўрбегиликни Хотамға иноят бўлди. Кепаққули Бобо ҳам бу юрушта яхши юруган учун бир кентни[510] Кепакка иноят[511] қилдик. Султонқули чиноқ буларнинг сўнгича эди. Қор улуғ жиҳатидин чиғирдин чиқиб бўлмас эди. Мен ҳам бу йигитлар била-уқ келдим.

*(161 б)* Ҳазораларнинг қишлоғларининг ёвуғида қўй ва илқиларига етуштук. Мен ўзум тўртбеш юзча қўй, йигирма беш от йиғдим. Султонқули яна икки-уч киши ёвуқ эдилар, чий бўлдук. Икки навбат ўзум чопқун чопиптурмен, бир будур, яна бир қатла ушбу туркман ҳазорасини Хуросондин келадурганда чопқунчи бориб қалин қўй ва от келтурдилар, ҳазораларнинг кўч ва уғлон-ушоқлари яёқлаб қорлиқ пушталарға чиқиб турдилар. Бир нима коҳиллик қилдук, кун ҳам кеч бўлиб эди, ёниб ҳазораларнинг уйларига-уқ тушулди, бу қиш қор хейли улуғ тушуб эди. Ушбу ерда йўлдин ташқари қор рост отнинг коптолида эди. Кеча чоғдовуллукка чиқғоплар қор

[502] Сен ўзинга ёмонлик қулувчини турмуш ҳукмига ҳавола қил. Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматкордир.
[503] ЛН: анвойи.
[504] ЕК: яшулғон.
[505] Е: Сумуж.
[506] ЛН: Хурутма.
[507] [508] Қ: Тушуб.
[509] Қ: Тўпчиқи.
[510] Е: мансабини.
[511] Е: тафвиз.

улуғ жиҳатидин тонг отқунча от устида-уқ эдилар. Тонгласи ёниб, Дарайи Хушнинг ичида ҳазораларнинг қишлоғида қўнуб, андин кўчуб, Жангалакка тушулди. Ерак тағойи ва баъзилар кейинрактин келиб эди, аларға буюрулдиким Шайх Дарвешни ўқлағон ҳазораларни бориб олингиз. Қони тутулғон бадбахтлар сумжта[512] экандур, булар бориб тутун қуюб етмиш-сексон ҳазорани олдилар, кўпраки қиличқа борди.

Ҳазора юришидин ёниб, Нижровдин мол олур маслаҳатиға Боронниң оёғи Ойтуғди навоҳисиға келдук. Жаҳонгир мирзо *(162 а)* Ғазнидин Ойтуғди навоҳисида эканда мулозаматқа келди, бу аснода рамазон ойининг ўн учида манга саъб қуёнг ташвиши бўлди, андоққим қирқ кунгача мени бу ёндин-ул ёнға киши эвурур эди. Нижров дараларидин Пижрон дараси алалхусус бу дарада Ғайн кентининг улуғи Хусайн Ғайний оға-иниси била саркашлик ва новаҳмлик била машҳур ва маъруф эдилар, черикни Жаҳонгир мирзоға бошлатиб йиборилди, Қосимбек ҳам борди. Черик бориб Саркўбга чиқиб сингирлағон ерни зўрлаб олиб, бир порасини сиёсатқа еткурдилар. Қуёнг ташвиши жиҳатидин миҳафадек нима ясаб, Борон ёқасидан шаҳрғача мени кўтариб, Бўстонсароға келтурдиларким, ушул киш-уқ бир неча кун Бўстонсарода ўлтурдум, бу бехузурлиқ ҳануз яхши бўлмайдур эдиким, ўнг юзумга добғули чиқти, ништар солдилар, бу мараз учун мусҳил ҳам ичтим. Сиҳҳат топиб, Чорбоқға чиқтим. Жаҳонгир мирзо мулозаматқа келди. Айюб ўғлонлари Юсуф ва Баҳлул мирзо қошиға борғали фитна ва шар ангизлиқ мақомида эдилар, бу навбат Жаҳонгир мирзони бурунғидек топилмади. Неча кундин сўнг Тепадин кўчуб жибаланиб, илдам Ғазниға борди. Нони[513] қўрғонини олиб, бир неча кишисини ўлтуруб, элини тамом талади. Бўлғон киши-қорасини *(162 б)* кўчуруб Ҳазора ораси била Бомиён тарафи юзланди.

Тенгриға равшандурким, мендин ва менга тааллуқ элдин ҳеч иш ва сўзе воқеъ бўлмадиким, сабаби мунча кудурат ва никор бўлғай. Сўнгра эшитилдиким, бу сўзни кетмагининг сабаби килмиш, Жаҳонгир мирзо Ғазнидин келадурганда Қосимбек ва беклар ўтру бориб эдилар, мирзо буданага қуш солур, етиб қуш оёғин солур маҳалда будана ўзини ерга урар, кичқирушурларким, олдиму, олдиму? Қосимбек дерким, ғанимни мундоқ забун қилғонда қачон қўяр — олур. Бу сўз аларға балойи бўлур. Бир кетмакларининг жиҳати бу эди, яна бир-икки мундин хароброқ ва сустроқ бир сўзни ҳам санад қилдилар. Дағи Ғазнини ул ҳол қилиб, ҳазора ораси била ўзларини аймоққа торттилар. Ул фурсатта аймоқлар Носир мирзодин айрилиб эдилар, вале ўзбакка кирмайдур эдилар. Ей ва Астароб ва ул навоҳининг яйлоқларида эдилар. Ушбу маҳалларда Султон Хусайн мирзо Муҳаммад Шайбонийхоннинг дафъиға азм-жазм қилиб, тамом ўғлонларини тилатти, мени дағи Саййид Султон Али хоббиннинг ўғли Саййид Афзални йибориб тилаб эди. Хуросон жонибини азимат қилмоқ бизга неча жиҳаттин лозим бўлди. Бир буким, Султон Хусайн мирзодек Темурбек *(163 а)* уруниқа ўлтурғон улуғ подшоҳ йиғноқ[514] қилиб, атроф ва жавонибдин ўғлонларини ва бекларини тилатиб, Шайбонийхондек ғанимнинг устига озим бўлғонда, эл оёқ била борғонда, биз бош била борғойбиз, эл таёқ била борғонда — биз тош била борғойбиз.

Яна буким, Жаҳонгир мирзо мундоқ муқаддар ва ёмонлик билаким борди, ё кудуратини рафъ қилғайбиз, ё мазарратини дафъ. Ушбу йил Шайбонийхон Чин суфини[515] Хоразмда ўн ой муҳосара қилиб олди, бу муҳосарада қалин урушлар бўлди. Хоразм йигитлари бисёр мардоналиқлар қилдилар, ҳеч тақсир қилмадилар, андоқ тийрандозлиқ қилдиларким, борлар қалқондин, жибадин, баъзи маҳалда икки жибадин ўткара-ўткара отиб турлар. Ўн ой қабалдорлик торттилар, ҳеч ердин умидворлиқ бўлмади. Баъзи йигит-ялангги бедиллик қилиб ўзбак била сўзлашиб, ўзбакни қўрғонға чиқордилар. Чин[516] суфи хабардор бўлуб, ўзи келиб қўрғонға чиққонларни уруб тушурур маҳалда шиба ўқи тегиб ўзининг чуҳраси кейиндин ўқ била урди, ўлди. Урушур киши қолмади, қўрғонни олдилар. Раҳмат Чин суфиға: мардоналиқ била *(163 б)* жон тортмоқда дақиқайи номаръи қўймади. Шайбонийхон Хоразмни Кўпакбийга бериб, ўзи Самарқанд келди. Бу йилнинг охири зилхижжа ойида Султон Хусайн мирзо Шайбонийхоннинг устига черик тортиб, Бобо Илоҳийға етганда Тенгри раҳматиға борди.

[512] Е: Сумуж.
[513] РЕ: Боқи.
[514] КУ: йиғиноқ; Р: жамият.
[515] [516] Қ: Хусайн суфи.

***Валодат ва насаби:*** валодати секкиз юз қирқ иккида, Ҳирида, Шоҳрух мирзо замонида эди. Султон Ҳусайн мирзо бинни Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни Амир Темур. Мансур мирзо била Бойқаро мирзо подшоҳлик қилғон эмас. Онаси Ферузабегим эди, Темурбекнинг набираси. Султон Ҳусайн мирзо Мироншоҳ[517] мирзонинг ҳам набираси бўлур эди. Султон Ҳусайн мирзо каримут-тарафайн эди, асил подшоҳ эди. Бир туқғон икки ўғул, икки қиз эдилар. Бойқаро мирзо ва Султон Ҳусайн мирзо, Оқобегим ва яна Аҳмадхон олғон қиз Бадакабегим. Бойқаро мирзо Султон Ҳусайн мирзодин улуқ эди ва навкари эди, вале девон бошида ҳозир бўлмас эди, ғайри девонда бир тушақта ўлтурурлар эди. Иниси Балх вилоятини бериб эди. Неча йил Балхда ҳукумат қилди. Уч ўғли бор эди, Султон Муҳаммад мирзо ва Султон Вайс мирзо ва Султон Искандар мирзо, Оқобеким *(164 а)* мирзонинг эгачиси эди. Мироншоҳ мирзонинг набираси. Султон Аҳмад мирзо олиб эди. Бир ўғли бор эди, Кичик мирзо отлиғ. Бурунлар тағойисига мулозамат қилур эди, сўнгра сипоҳийликни тарк қилиб, мутолааға машғул бўлди. Дерларким, донишманд бўлуб экандур. Табъи назми ҳам бор экандур. Бу рубоий анингдур:

*Умре басалоҳ месутудам худро,*
*Дар шевайи зуҳд менамудам худро,*
*Чун ишқ омад қадом зуҳду, чи салоҳ,*
*Ал-миннату лиллоҳ озмудам худро.*[518]

Муллонинг рубоийси била таворуд бўлубтур. Охирлар ҳаж тавофи ҳам қилди. Бадакабегим ҳам мирзонинг эгачиси эди. Қазоқлиқларида Аҳмадхоп Ҳожи Тархонийға бериб эди, икки ўғли бўлуб эди. Ҳирида келиб хейли муддат мирзо мулозаматида бўлдилар.

***Шакл ва шамойили:*** қийиқ кўзлуқ, шерандом бўйлуқ киши эди. Белидин қуйи инчка эди. Бовужудким, улуғ ёш яшаб, оқ соқоллик бўлуб эди, хушранг, қизил-яшил абришимни кияр эди. Қора қўзи бўрк кияр эди ё қалпоқ. Аҳёнан ийдларда кичик сепеч дасторни яп-ясси намоён[519] чирмаб, қарқара ўтағаси санчиб, намозға борур эди.

***Ахлоқ ва атвори:*** Аввал тахт олғонда хаёли бор экандурким, Дувоздаҳ Имомни хутбада *(164 б)* ўқутғай. Алишербек ва баъзилар манъ қилибтурлар. Сўнгралар худ жамиъ иш-кучи суннат ва жамоат мазҳаби била мувофиқ эди. Мафосил заҳмати жиҳатидин намоз қила олмас эди, рўза ҳам тутмас эди. Ҳарроф ва хушхулқ киши эди. Хулқи бир нима гузаророқ воқиъ бўлуб эди, сўзи ҳам хулқидек эди. Баъзи муомалатта шаръни бисёр риоят қилур эди. Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурган учун қонлиқлариға топшуруб, дорулқазоға йиборди.

Аввал тахт олғон маҳалда олти-етти йил тоиб эди. Андин сўнгра ичкуга тушти, қирқ йилға ёвуқким Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намози пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабуҳий қилмас эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳиға ва шаҳриға бу ҳол эди. Ифрот била айш ва фисқ қилурлар эди.

Шужоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмиш бўлғай. Табъи назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Ҳусайний» эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазндадур. Бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуғ подшоҳ эди, кичик *(165 а)* лардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди.

***Масоф ва урушлари:*** қазоқлиқларида бир мартаба Гургон суйини ўздуруб кечиб, бир пора ўзбакни яхши бости. Яна бир қатла Султон Абусаъид мирзо Муҳаммад Али бахши бошлиқ уч минг кишини илғор йибориб эди, Султон Ҳусайн мирзо олтмиш йигит била келиб, тегиб зарби рост бости. Султон Ҳусайн мирзонинг бир яхши иши ва намоён иши будур. Яна бир мартаба Астрободта Султон Маҳмуд мирзо била урушуб бости. Яна бир мартаба ҳам Астрободта суғдлиқ Саъд бинни Ҳусайн туркманни урушуб бости. Яна тахт олғондин сўнг Чиноронда Ёдгор Муҳаммад мирзо била урушуб бости. Яна Сарипули Мурғобдин илғаб келиб, Боғи Зоғонда Ёдгор Муҳаммад мирзо ичиб ётиб эди, олди. Ушул олғон била Хуросонни тўхтатти. Яна Андхуд ва Шабурғон навоҳисида Чекмонда Султон Маҳ-

[517] Н: Амираншоҳ.

[518] Умр бўйича ўзимни яхшилик била мақтадим, ўзимни зоҳид ва тақводор қилиб кўрсатдим. Ишқ келгач, зоҳидлик қайда қолдию яхшилик нима бўлди? Худога шукрки ўзимни синадим.

[519] ЛН: ямон; РЕ: намоё .

муд мирзо била урушиб ғолиб бўлди. Яна Абобакр мирзоникім, Ироқдин келган қароқуйлуқ туркманларға қўшулуб келиб, Улуғбек мирзони Такона ва Хуморда босиб, Кобулни олди. Ироқ дағдағаси била Кобулни ташлаб, Хайбардин ўтуб, Хушоб била Мултон навоҳисидин ўтуб, Сиви чиқти, андин бориб Кирмонни олиб, тўхтата олмай *(165 б)* Хуросон вилоятиға кирганда Султон Ҳусайн мирзо илғаб бориб олди.

Яна бир Пуличироғда бир ўғли Бадиъуззамон мирзони бости. Яна Ҳалво чашмада икки ўғли Абулмуҳсин мирзо ва Кепак мирзони бости. Яна бир мартаба черик тортиб келиб, Қундузни қабаб ололмай ёнди. Яна бир мартаба ҳам Ҳисорни қабаб ола олмай ёнди. Яна бир мартаба Зуннуннинг вилоятининг устига келди. Буст доруғаси Бустни берди, ўзга ҳеч иш қилмади, Бустни ҳам ташлаб ёнди. Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва улуғ подшоҳ бу икки-уч юрушта подшоҳона азмини бажо келтурмай, ҳеч ишни буткармай, ёнди. Яна Нишин ўлангида ўғли Бадиъуззамон мирзоникім, Зуннуннинг ўғли Шоҳбек ила келиб эди, урушуб, бости. Мунда ажаб умури иттифоқий воқиъ бўлур, Султон Ҳусайн мирзо била черик оз экандур, аксар черикни Астробод навоҳисиға йиборган экандур. Ўшул уруш куни Астрободқа борғон черик келиб қўшулур. Бу саридин Султон Масъуд мирзоким, Ҳисорни Бойсунқур мирзоға олдуруб, Султон Ҳусайн мирзоға келадур эди, ул ҳам ушбу кун келур. Ҳайдар мирзоким, Сабзоворда[520] Бадиъуззамон мирзо ўтрусида илғор бориб эди, ул ҳам ушбу кун келди.

[Мирзонинг (Султон Ҳусайннинг) ўн тўрт минг якка йигити бор экандур ва қирқ минг ясоқлик йигитлари ғул экандур. Ва ясоқликка тааллуқ ишлар хандақ тўлдирмоқ-у (?) қозмоқ ва йўл ясамоқ ва ўтун, самон хоссага еткурмоқдур. Ва ҳар бирига саксон жериб (ер) берурлар: мундин қирқ танобни мазруъ қилиб ҳосили худ бари ўзлари тасарруф қилурлар ва яхшилар аларнинг улуфасиға ҳисоб қилурлар ва қолғон қирқ танобдин ортуқ эксалар мол берурлар].[521]

***Вилоёти:*** Хуросон вилояти эди, шарқи Балх, ғарби Бистом *(166 а)* ва Домғон, шимоли Хоразм, жануби Қандаҳор ва Сийистон. Чун Ҳиридек шаҳр илгига тушти, туну кун айшу ишраттин ўзга иши йўқ эди, балки тавобиъ ва лавоҳиқида айшу ишрат қилмас киши йўқ эди. Жаҳонгирлиқ ва лашкаркашлиқ ранж ва таабин тортмади,[522] ложарам борған сайи навкар ва вилояти кам бўлди ва ортмади.

***Авлоди:*** ўн тўрт ўғул, ўн бир қиз қолиб эди. Бори ўғлонларидин улуғ Бадиъуззамон мирзо эди. Онаси Санжар Мирзо Марвийнинг қизи эди. Яна Шоҳ Ғариб[423] мирзо эди, букри эди. Агарчи ҳайъати ёмон эди, табъи хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. «Ғарибий» тахаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди. Бу байт анингдуркім:

*Дар гузар дидам парирўе шудам девонааш,*
*Чист номи ў, кужо бошад надонам хонааш.*[524]

Неча маҳал Ҳири ҳукуматини Султон Ҳусайн мирзо Шоҳ Ғариб мирзоға бериб эди. Отасининг замонида-ўқ нақл қилди. Андин ўғул, қиз қолмади. Яна бир Музаффар мирзо эди. Султон Ҳусайн мирзонинг суюклук ўғли бу эди. Агарчи хейли суйгудек ахлоқ ва афъоли ҳам йўқ эди, ўғлонлари муни кўп отруқ кўргани учун аксар ёғийқтилар. Бу иккаласининг онаси Хадичабегим эдикім, Султон Абусаъид мирзонинг ғунча *(166 б)* чиси эди. Мирзодин Оқбегим отлиқ бир қизи бор эди. Яна Абулмуҳсин мирзо ва Кепак мирзо эдикім, оти Муҳаммад Муҳсин эди. Бу иккининг онаси Латиф Султон оғача эди. Яна бир Абуттуроб мирзо эди. Бурунлар андин хейли рушде ривоят қилурлар эди. Отасининг беҳузурлуғи ортқонда ўзгача хабар эшитиб, иниси Муҳаммад Ҳусайн мирзо била қочиб Ироққа борди. Ироқда сипоҳийликни тарк қилиб, дарвешлиқ ихтиёр қилибтур. Яна андин хабаре топилмади. Бир ўғли бор эди. Суҳроб мирзо отлиқ. Мен Ҳамза Султон билан Маҳдий Султон бошлиғ султонларни босиб, Ҳисорни олғонда, менинг қошимда эди. Бир кўзи кўр эди. Ғариб бадҳайъат эди. Ахлоқи ҳам ҳайъатидек эди. Бир

[520] Қ: Сабзор; Л: Сардор.

[521] Бу қавс ичига олинган парча бошқа нусхаларда йўқ. Бу Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг № Ф-685 қўлёзма нусхасидан олинган.

[522] ЕҚ: тортмай.

[523] Н: Ғурботий; Е: Аззий; Л: Ғарбий.

[524] Гузарда бир пари юзни кўруб, девона бўлдум, унинг исми нима, уйи қаерда эканини билмадим.

беиътидоллик килди, тура олмади, кетти. Астробод навохисида бир беиътидоллиғидин Нажми соний азоб била ўлтурди. Яна бир Мухаммад Хусайн мирзо эди. Ирокта муни ва Шох Исмоилни бир ерда банд килғон экандурлар. Ул вакт анга мурид бўлуб экандур, сўнгра ғализ рофизий бўлуб эди. Бовужудким, ота-оға-иниси бори сунний, бу мундок рофизий. Астрободта ўшул гумрохлик ва батолат била ўлди. Ани хейли мардона ва баходур дерлар эди. Хеч андок иши зохир бўлмадиким, битимакка лойик бўлғай. Табъи назми бор экандур. Бу байт анингдурким:

*Олудаи гарди зи пайи сайд ки гашти,*
*Ғарки араки дар дили гарм ки гузашти.*[525]

Яна бир Фаридун *(167 а)* Хусайн мирзо эди. Ёйни кучлук тортиб, ўкни яхши отар эди. Камон гурухасини, дерларким, кирк ботман экандур. Ўзи хейли мардона эди, вале фирузжанг эмас эди. Хар ердаким, урушти мағлуб[526] бўлди. Работи Дударда Фаридун Хусайн мирзо ва иниси Ибни Хусайн мирзо Темур Султон ва Убайд Султон Шайбакхоннинг илғори била уруштилар, мағлуб бўлдилар. Анда Фаридун Хусайн мирзо хели яхшилар борибтур. Домғонда Фаридун Хусайн мирзо ва Мухаммад Замон мирзо Шайбонийхон илгига тушти, хар иккисини ўлтурмади, кўя берди. Сўнгра Шох Мухаммад девона Калотни беркитганда анда бориб эди, Калотни ўзбак олғонда иликка тушти, ўлтурдилар. Бу учаласи Минглибий оғача отлик мирзонинг ўзбак ғунчачисидин бўлуб эдилар.

Яна Хайдар мирзо эди. Онаси Поянда Султонбегим эди. Султон Абусаъид мирзонинг кизи эди. Отаси замонида Машхад ва Балхта неча махал хукумат килди, Султон Хусайн мирзо Хисорни кабағонда Султон Махмуд мирзонинг Хонзодабегимдин бўлғон кизини мунга олиб ярашиб, Хисор устидин кўптилар. Биргина кизи колиб эди, Шодбегим отлик. Сўнгра Кобулға келди, Одил Султонға берилди. Хайдар мирзо отаси замонида *(167 б)* -ук оламдин борди.

Яна Мухаммад Маъсум мирзо эди. Кандахорни анга бериб эди. Бу муносабат била Улуғбек мирзонинг бир кизини[527] бу ўғлиға кўлди. Хирига келтурганда улуғ туй килиб, яхши чорток боғлади. Агарчи Кандахорни бериб эди, вале ок килса, каро килса, Шохбек арғун килур эди. Бу мирзода ихтиёр ва эътиборе йўк эди. Бу жихаттин Кандахорда турмай, Хуросон борди. Отасининг хаётида-ук кечти.

Яна Фаррух Хусайн мирзо эди, ул худ зиёда умре топмади. Иниси Иброхим Хусайн[528] мирзодин бурунрок бу дунёдин рихлат килди.

Яна Иброхим Хусайн мирзо эди. Табъи ёмон эмас экандур. Хири чоғирини ифрот била ичаича-ук отаси замонида ўлди.

Яна Ибни Хусайн мирзо била Мухаммад Косим мирзо эди. Зикрлари келгусидур. Бу беш мирзонинг онаси Бобо[529] оғача эди, ғунчачи эди.

Боридин улуғ киз Султонимбегим эди. Ёлғуз туғуб эди, онаси Чўлибегим отлик, козок бекларининг кизи бўлур. Хейли сўз билур эди. Сўзга мунги йўк эди. Оғаси Бойкаро мирзонинг ўртанчи ўғли Султон Вайс мирзоға чикариб эди. Бир киз, бир ўғул[530] бўлуб эди. Кизини Шайбон султонларидин Йилибарс Султоннинг иниси Эсанкули Султонға чикариб эди, ўғли Мухаммад Султон мирзодурким, бу тарихта Каннуж вилоятини анга берибтурмен. Султонимбегим Кобулдин ушбу *(168 а)* тарихта набирасини олиб, Хиндустонға келадурганда Нилобта Тенгри хукмини буткарубтур. Сўнгагини киши-кароси олиб ёндилар, набираси келди.

Яна Поянда Султонбегимдин тукғон тўрт кизи эди: борчадин улуғ Окбегим эди. Бобур мирзонинг сингили Бикабегимнинг набираси; Мухаммад Косим арлотка чикариб эди. Биргина киз бўлуб эди, Карокўзбегим отлик, Носир мирзо олиб эди. Иккинчи киз Кичикбегим эди. Султон Масъуд мирзо мойил эди, хар неча саъй килди, Поянда Султонбегим киска мулохаза килиб бермади. Сўнгра Сайийд отанинг насли Мулло Хожаға чикариб эди. Учунчи кизи Бикабегимни ва тўртунчи кизи Оғабегимни сингили Робиа Султонбегимнинг ўғлонлари Бобур мирзо била Султон Мурод мирзоға бериб эди.

Минглибий оғачадин икки киз бўлуб эди, улуғининг оти Байрам[531] Султон эди. Андхуд сай-

[525] Ов кетидан юришинг билан чангга ботдинг, кизғин юракка таъсиринг билан терга ботдинг.
[526] Н: маълум; Л: мағлум.

[527] ЛН: кизи.
[528] Л: Бу иборалар тушган.
[529] К: Попо.
[530] Н: ўғли.
[531] Парам; Л: Ярим.

йидларидин Саййид Абдулло мирзоғаким, Бойқаро мирзонинг қиз набираси бўлғай, бериб эдилар. Бир ўғли бор эди. Саййид Барака отлиқ. Мен Самарқандни олғонда мулозамат қилур эди, сўнгра Урганч сори тушуб салтанат даъвоси қилди. Астрободта қизилбошлар ўлтурдилар.

Яна бир қизининг оти Фотима Султон эди, Темурбек наслидин, Ёдгор Муҳаммад мирзоға бериб эдилар. Попо оғачадин уч қиз бўлуб эди. Улуғи Султон Нажодбегим эди. Султон Ҳусайн мирзо оғасининг кичик ўғли Искандар мирзоға чиқариб эди.

Иккинчи қизи Бегим Султон эди. Султон Масъуд мирзоға кўзи *(168 б)* маъюб бўлғонидин сўнг бериб эдилар. Бир қиз, бир ўғул бўлуб эди. Қизини Султон Ҳусайн мирзонинг ҳарами Опоқбегим[532] сахлаб эди, Ҳиридин Кобулға келди. Садий[533] Мирзо Опоққа берилди. Бегим Султон, Султон Масъуд мирзони ўзбак ўлтурғондин сўнг ўғлини олиб, Каъба сари борди. Бу фурсатта хабар келдиким, ўзи ва ўғли Маккада эмиш. Ўғли улуққина бўлғон эмиш. Учунчи қизини Саййид мирзо деган Андхуд саййидларига бериб эдилар. Ортуқси Сайди мирзоға машҳур эди.

Яна бир ғунчачидин бир қиз бўлуб эди. Султон отлиқ, онаси Зубайда оға эди, Ҳасаншайх Темурнинг набираси эди. Шайбон султонларидин Қосим Султонға бериб эдилар. Андин бир ўғил бўлуб эди, Қосим Ҳусайн Султон отлиқ. Ҳиндустонда менинг мулозаматимга келди. Раана Санганинг ғазвида бор эди. Бадавунни анга берилди. Қосим Султондин сўнг Бўрон Султон отлиқ уруқларидин олди, андин бир ўғли бор: Абдулло Султон отлиқ, бу тарихта менинг мулозаматимдадур. Бовужудким, кичик ёшлуқтур, хизмати ёмон эмас.

***Хавотин ва сарори:*** аввал олғон хотуни Бека Султонбегим эди, Санжар мирзо Марвийнинг қизи эди. Бадиъуззамон мирзо мундин туғуб эди. Кўп кажхулқ эди. Султон Ҳусайн мирзони кўп оғритур эди. Кажхулқлиғидин мирзо батанг келди, охир қўйди ва халос бўлди, не *(169 а)* қилсун, ҳақ мирзо жониби эди.

*Зани бад дар саройи марди наку,*
*Ҳам дар ин олам аст дўзахи ў.*[534]

Тенгри ҳеч мусулмонға бу балони солмағай. Ёмон хўйлуқ, кажхулқ хотун, илоҳо, оламда қолмағай.

Яна бир Чўлибегим эди, Озод[535] бекларининг қизи эди, Султоним бегим андин туғуб эди.

Яна Шаҳрибону бегим эди, Султон Абусаъид мирзонинг қизи эди, тахт олғондин сўнг олиб эди. Чекмон урушида мирзонинг жамиъ ҳарамлари миҳаффадин чиқиб отқа минганда, бу инисининг эътимодиға миҳаффадин чиқмас ва отқа минмас. Муни мирзоға еткурурлар, бу жиҳаттин Шаҳрибонубегимни қўйди ва сингили Поянда Султонбегимни олди. Ўзбак Хуросонни олғондин сўнг, Поянда Султонбегим Ироққа борди. Ироқта ғарибликта нақл қилди.

Яна Хадичабегим эди, Султон Абусаъид мирзонинг ғунчачиси эди, мирзодин бир қизи бор эди, Оқбегим отлиқ, Ироқта Султон Абусаъид мирзонинг шикастидин сўнг Ҳирига[536] келди. Ҳирида Султон Ҳусайн мирзо олди ва севди, ғунчачилиқ мартабасидин бегимлик мартабасиға тараққий қилди. Сўнгралар худ асру ихтиёр бўлуб эди. Муҳаммад Мўмин мирзони анинг саъйи била ўлтурдилар. Султон Ҳусайн мирзонинг ўғлонлари ёғийқтилар, кўпраки мунинг жиҳатидин эди, ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй хотун эди, рофизия ҳам экандур. Шоҳ Ғариб мирзо била Музаффар Ҳусайн мирзо *(169 б)* мундин туғуб эди.

Яна Опоқбегим эди, андин ҳеч ўғул ва қиз бўлмади. Попо оғачаким, мунча суюклук эди, мунинг кўкалдоши эди, чун ўғул-қизи йўқ эди, Попо оғачанинг ўғлонларини ўғлидек сахлар эди. Мирзонинг беҳузурлуқларида бисёр яхши хизмат қилур эди, ҳарамларидин ҳеч ким мунча хизмат қила олмас эди. Мен Ҳиндустонға келур йил Ҳиридин келди. Мен ҳам таъзим ва эҳтиромларин иликдин келгунча[537] қилдим. Чандерийни муҳосара қилғонда хабар келдиким,[538] Кобулда Тенгри ҳукмини буткармуш.

Ғумаларидин бир Латиф Султон оғача эди, чоршанбиҳийлардиндурким, Абулмуҳсин мирзо била Кепак[539] мирзо андин туғуб эди.

Яна Минглибий оғача эди, ўзбак эди, Шаҳри-

[532] [533] ЛН: Оёқ; Е: Обоқ.

[534] Яхши кишининг хонасидаги ёмон хотин, шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидур.

[535] ЛН: Одоқ.

[536] ҚН: Ҳири; Р: Баҳри.

[537] ҚН: келганча.

[538] Р: келдики.

[539] ЛН: Кик; Е: Кабак.

бонубегимнинг киши-корасидин бўлур эди. Абутуроб мирзо, Муҳаммад Ҳусайн мирзо ва Фаридун Ҳусайн мирзонинг онаси эди. Яна икки қизи ҳам бор эди.

Яна Попо оғача эди. Опоқбегимнинг кўкалдоши бўлур эди, мирзо кўриб севиб олди. Беш ўғул, тўрт қизнинг онаси эди, нечукким, мазкур бўлди.

Яна бир Беги Султон оғача эди, андин ўғул, қиз бўлмади.

Яна кичик-кирим ғума, ғунчачи бисёр эди. Хотунлардин ва ғумалардин муътабар булар эдиким, мазкур бўлди.

Султон Ҳусайн мирзодек улуғ подшоҳ Ҳиридек ислом шаҳрининг подшоҳи бу ажабтурким, бу ўн тўрт ўғлидин учи валаддуз-зино эмас эди. Фисқ ва фужур ўзи *(170 а)* да, ўғлонларида ва эл-улусида асру шойиъ эди. Ушбуларнинг шоматидин эдиким, мундоқ хонводадин етти-секкиз йилда бир Муҳаммад Замон мирзодин ўзга осор ва аломат қолмади

***Умароси:*** бир Муҳаммад Бурундуқ барлос эди. Чоку барлос наслидиндур. Муҳаммад Бурундуқ ибн Али ибн Бурундуқ ибн Жаҳоншоҳ ибн Чоку барлос Бобур мирзо қошида бек эди, андин сўнг Султон Абусаъид мирзо ҳам риоят қилиб, мунга Жаҳонгир барлос била Кобулни бериб, Улуғбек мирзоға атка қилиб эди. Султон Абусаъид мирзодин сўнг Улуғбек мирзо барлосларға қасд қилур мақомида бўлди. Булар туюб, мирзони тутуб, эл ва улусини кўчуруб, Қундуз сари кўчтилар. Ҳиндукушнинг устидин мирзони одамиёна Кобул сари узатиб, ўзлари Хуросонға, Султон Ҳусайн мирзоға бордилар. Мирзо ҳам яхши риоятларин қилди. Муҳаммад Бурундуқ асру билимлик киши эди. Бисёр сардор киши эди. Қушқа асру кўп майли бор эди. Андоқким, бир қуши ўлса ё итса, ўғлонларининг отини тутуб айтур экандурким, бу қуш ўлгунча ё иткунча фалони ўлса не эди, ё фалонининг бўйни синса не эди?

Яна Музаффар барлос эди. Мирзонинг қазоқликларида бор эди. Билмон, мирзоға қайси таври хуш ёқиб, асру улуғ риоят қилиб эди. Эътибори бу мартабада эдиким, Султон Ҳусайн мирзо қазоқлиғида анинг била мундоқ шарт қилиб эдиким, ҳар вилояткким мусаххар бўлса, чаҳор донг мирзонинг *(170 б)* бўлғай, ду донг анинг. Бу ажаб шартедур, подшоҳликта қачон рост келгайким, бир қарожў кишини ўзи била шарик қилғай. Иниўғул била мундоқ шарт муяссар бўлмас. Бек киши била худ нечук муяссар бўлур? Тахт олғондин сўнг бу шарттин пушаймон бўлди, вале суд қилмади. Бу тийрамағз мардак ҳам мунча риоят топиб мирзоға зиёда сурлиқлар қилур эди. Мирзо ройи била амал қилмас эди. Охир дедиларким, масмум бўлди, валлоҳу аълам би ҳақиқатил-ҳол.

Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммактаб экандурлар. Хусусият бисёр экандур. Билмон, не жарима била Султон Абусаъид мирзо Ҳиридин ихрож қилди. Самарқандға борди, неча йилким, Самарқандта эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эди. Алишербекнинг мизожи нозуклук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғururидин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анға жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур.

Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хуб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши «Хамса» жавобида, яна бир «Мантиқ ут-тайр» вазнида «Лисон ут-тайр» отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавоид ул-кибар» отлиқ. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғон *(171 а)* ларға боқа пастроқ ва сустроқ воқиъ бўлубтур. Ул жумладин иншоларини Мавлоно Абдурраҳмон Жомийға тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосили калом, ҳар кимға ҳар иш учун ҳар хаткким битибтур, йиғиштурубтур. Яна «Мизон ул-авзон» отлиқ аруз битибтур, бисёр мадхулдур: Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибтур. Баъзи буҳурнинг авзонида ҳам янглибтур, арузға мутаважжиҳ бўлғон кишига маълум бўлғусидур. Форсий девон ҳам тартиб қилибтур. Форсий назмда «Фоний» тахаллус қилибтур, баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксари суст ва фурудтур. Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур.

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча, мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхий Ноий ва Ҳусайн Удийким, созда саромад

эдилар, бекнинг тарбият ва таквияти била[540] мунча тараккий ва шухрат килдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар. Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Ўғул ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, оламни тавре фард ва жарида ўткарди. Авойил муҳрдор эди, авосит бек бўлуб, неча маҳал Астрободта ҳукумат қилди, авохир[541] сипоҳийликни тарк қилди. Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди. *(171 б)* Султон Ҳусайн мирзо Астробод черикидин ёнғонда истиқболға келди, мирзо била кўрушуб қўпқунча, бир ҳолати бўлди, қўполмади, кўтариб элтдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласиға-ўқ Тенгри раҳматиға борди. Бир байти ҳасби ҳол воқиъ бўлубтур:

*Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,*
*Табиблар бу балоға не чора қилғойлар.*

Яна Аҳмад Таваккул барлос эди. Бурунлар муддати Қандаҳор ҳукумати мунда эди.

Яна Валибек эди, Хожи Сайфуддинбекнинг наслидиндур, никуздур,[542] Мирзонинг улуғ беги эди. Султон Ҳусайн мирзо тахт олғондин сўнг хейли умр топмади, бот-ўқ ўлди. Мусулмон ва намозгузор ва турк ва содиқ киши эди.

Яна Ҳасан Шайх Темур эди, буни Бобур мирзо риоят қилиб, беклик мартабасиға еткуруб эди.

Яна Нуёнбек эди, отаси Тирмиз саййидларидиндур, она тарафидин ҳам Султон Абусаъид мирзо, ҳам Султон Ҳусайн мирзоға уруқ бўлур. Султон Абусаъид мирзо ҳам риоят қилиб эди. Султон Аҳмад мирзо қошида муътабар бек эди. Султон Ҳусайн мирзо қошиға ҳам борди, яхши риоят топти, ляванд ва хушбош ва шаробхўр ва айёш киши эди. Ҳасан Яъқуб анинг[543] хизматида бўлғон учун Ҳасан Нуён ҳам дерлар.

Яна Жаҳонгир барлос эди. Кобулда неча маҳал Муҳаммад Бурундуқ била шариклик ҳукумати қилиб *(172 а)* турлар, сўнгра Султон Ҳусайн мирзо қошиға борди. Яхши риоятини қилди. Ҳаракот ва саканоти зарофат ва латофат била эди. Хушмаош киши эди. Ов ва қушнинг роҳ ва равишини яхши билур учун Султон Ҳусайн мирзо аксар бу ишларни анга ружуъ қилур эди. Бадиъуззамон мирзонинг мусоҳиби эди. Мирзо мусоҳиблиғин ёд қилиб таъриф қилур эди.

Яна Мирзо Аҳмад Али Форсий барлос эди. Агарчи шеър айтмас эди, хуштабъ ва шеършунос ва зариф ва ятимча киши эди.

Яна Абдулхолиқбек эди, Ферузшоҳбекким, Шоҳрух мирзонинг улуғ риоят қилғои беги эди, мунинг улуғ отасидур. Бу жиҳаттин Абдулхолиқ Ферузшоҳ дерлар, бир неча маҳал Хоразм мунда эди.

Яна Иброҳим дўлдой эди. Иш ҳисобини ва мулкдорлиқ тариқини яхши билур эди. Муҳаммад Бурундуқнинг сонийи иснайни эди.

Яна Зуннун арғун эди. Мардона киши эди. Султон Абусаъид мирзо қошида эканликларида яхши қиличлар чопқондур. Андин сўнгра ҳам ҳар ерида[544] илиги ишга етибдур. Мардоналиғида сўз йўқ эди. Бир нима телбарак киши эди. Бизнинг мирзоларнинг қошидин Султон Ҳусайн мирзо қошиға борди. Ғўрни ва Накдарийни берди. Етмиш-сексон киши била ул навоҳида яхшилар қилич чопти. Оз-оз киши *(172 б)* била қалин-қалин ҳазора ва накдарийни[545] яхшилар бости. Ҳазорани ва Накдарийни онча киши забт қилғон эмас. Неча маҳалдин сўнг Замини Доварни ҳам бердилар.

Ўғли Шоҳ Шужоъ арғун ҳам отаси била бўйла кичикликларида юруб, қиличлар чопти. Султон Ҳусайн мирзо отасининг рағмиға риоят қилиб, Қандаҳорни отаси била шариклик берди. Сўнгра бу ота-ўғул, ул ўғул била ота орасида ёғийлиқлар солиб, фитналар қилдилар.[546] Охир мен Хисравшоҳни тутуб навкар-савдаридин айириб, Кобулни Зуннуннинг кичик ўғли Муқимдин олғон йили[547] Зуннун, Хисравшоҳ менинг жиҳатимдин бечора бўлуб бориб, Султон Ҳусайн мирзони кўрдилар. Султон Ҳусайн мирзодин сўнгра (Зуннун) кўпрак улғайди. Ҳирининг домани кўҳ вилоятларини, мисли Уба ва Чахчарон мунга бердилар.

Бадиъуззамон мирзо ва Музаффар мирзоким

540 Л: дин.
541 Е: Сунг.
542 Қ: навкардир.
543 Е: Отанинг.

544 Қ: Ҳирида.
545 Е: Нукдарийни.
546 Султон Ҳусайн билан Бадиуззамон орасидаги душманликни ёзади.
547 Л: Бу ибора тушган.

шариклик подшоҳ бўлдилар, Бадиъуззамон мирзо эшигида бу соҳибихтиёр эди ва Музаффар мирзо эшигида Муҳаммад Бурундуқ барлос соҳибихтиёр эди. Агарчи мардоналиғи бор эди, вале бир нима телбарак ва гўл киши эди. Телба ва гўл бўлмаса, мундоқ хушомадни қабул қилиб, ўзини расво қилурму? Тафсили будурким, Ҳирида мундоққим эътибор ва ихтиёр бўлди, бир неча шайх ва мулло анга келиб дерларким, Қутб бизнинг била ихтилот қиладур, санга «Ҳизабруллоҳ» лақаб бўлди, сен ўзбакни олғунгдур. Бу хушомадни инониб, бўйниға фута солиб, шукрлар қилибтур. Бодғис навоҳисида *(173 а)* Шайбонийхонким, мирзоларнинг устига келиб, бирини бирга қўшқали қўймай бости, Зуннун юз-юз элликча киши била Қаро Работта Шайбонийхон рўбарўсида ушбу сўзга чин бўлуб[548] турди. Қалин киши етган била олиб-ўқ тебратдилар. Зуннунни олиб ўлтурдилар.

Пок мазҳаб киши эди, намозини тарк қилмас эди, ортуқси намозлар ҳам хейли ўтар эди. Шатранжға кўп машъуф эди. Эл бир илик ила ўйнаса, ул икки илик била ўйнар эди. Ҳар нечук кўнгли тилар ўйнар эди. Имсок ва хиссат табиатида ғолиб эди.

Яна Дарвеш Алибек эди. Алишербекнинг туққан иниси эди. Неча маҳал Балхнинг ҳукумати мунда эди. Балхда яхши бекликлар қилди. Тийра мағз ва мудаффиъ ва беҳунарроқ киши эди. Султон Ҳусайн мирзо аввал Қундуз ва Ҳисор устига келганда тийра мағзлиғидин туттурдилар. Балх ҳукуматидин маъзул бўлди. Тарих тўққуз юз ўн олтида[549] мен Қундуз келганда, менинг қошимға келиб эди, масх ва мабҳут эди. Беклик қобилиятидин дур ва ичкилик салоҳиятидин маҳжур эди. Ғолибо Алишербек воситасидин мунча риоят топқандур.

Яна Муғулбек эди, неча маҳал Ҳири ҳукумати анда эди. Сўнгра Астрободни бердилар. Астрободтин Ироққа Яъқуббек қошиға қочиб борди. Ятимча киши эди, ҳамиша қимор қилур эди.

Яна Саййид Бадр эди. Бисёр зўр ва асру ширин ҳаракот киши *(173 б)* эди. Ажаб соҳиб усул киши эди. Ғариб хўб рақс қилур эди. Ғайри мукаррар рақс қилур эди. Ғолибо ул рақс анинг ихтироидур. Ҳамиша мирзо мулозаматида бўлур эди. Доим ҳарифи шароб ва ҳамсуҳбати эди.

Яна Ислим барлос эди. Турк киши эди. Қушчиликни яхши билур эди, баъзи ишларни тавр қилур эди. Ўттуз-қирқ ботмон ёй куч била ўқни отиб, тахтадин ўткарур эди. Қабақ майдонида майдон бошидин чопиб, ёйни тушуруб қуруб отиб қабақни урар эди. Яна зиҳгирни бир қариб бир ярим қари риштаға боғлаб, риштанинг яна бир учини бир йиғочқа боғлаб, эврулур эди. Эврулур ҳолатда ўқни отиб, зиҳгирдин ўткарур эди. Мундоқ ғариб ишлари хейли бор эди. Ҳамиша мулозамат қилур эди, ҳар суҳбатта бор эди.

Яна Султон Жунайд барлос эди. Сўнгралар Султон Аҳмад мирзо қошиға келиб эди. Бу Султон Жунайд барлоснингким, бу тарихта Жунпур ҳукумати ширкат била анга тааллуқтур, отасидур.

Яна Шайх Абусаъидхон Дармиён эди. Билмон, бир урушта мирзоға от келтурубмудур ё мирзоға қасд қилғон ғанимни дафъ қилибмудур, ул жиҳаттин бу лақаб била мулаққаб бўлубтур.

Яна Беҳбудбек эди. Бурунлар чуҳра чаргасида хизмат қилур эди. Мирзонинг қазоқ *(174 а)* лиқларида хизмати ёқиб, Беҳбудбекка бу иноятни қилиб эрдиким, тамғада ва сиккада анинг оти эди.

Яна Шайхимбек эди. «Суҳайлий» тахаллус қилур учун Шайхим Суҳайлий дерлар эди. Бир тавр[550] шеър айтур эди. Қўрққудек алфоз ва маоний дарж қилур эди. Анинг абётидан бир будур:

*Шаби ғам гирдбоди оҳам аз жо бурд гардунро,*
*Фурў бурд аждаҳои сели ашкам рубъи*
*маскунро.*[551]

Машҳурдурким, бир қатла бу байтни Мавлоно Абдурраҳмон Жомий хизматида ўқубтур. Мавлоно айтибтурким: «Мирзо, шеър айтасиз ё одам қўрқутасиз?» Девон тартиб қилиб эди. Маснавиёти ҳам бор.

Яна Муҳаммад Валибек эди. Валибекнингким, мазкур бўлди, анинг ўғли эди. Охирлар мирзо қошида улуғ бек бўлуб эди. Бовужудким, улуғ бек эди, ҳаргиз хизматини тарк қилмас эди. Кеча ва кундуз эшикта ястаниб эди. Андоққим, оши ва шилони доим эшикта-ўқ тортилур эди. Мундоқ мулозамат қилур киши, мукаррардурким, андоқ риоят топғай.

[548] Н: тубуб; Е: бутуб; Л: тутуб;
[549] К; Тўққуз юз олти.

[550] ЛН: Тур.
[551] Ғамли кечаларда оҳимнинг қуюни осмонни ўрнидан қўзғатди, кўз ёшим селининг аждаҳоси ер юзини ютиб юборди.

Ажаб балойидур бу замонда, бировким бек атанди, кейинида беш-олти кал ва кўрни кўрди, таклифлар била эшикка келтурмак керак. Ул навъ мулозамат худ қандадур, ўзларининг бедавлатлиғи экин. Муҳаммад Валибекнинг оши ва шилони яхши эди. Навкарни бир шиқ ва ранга сахлар эди. Фақир ва мискинга *(174 б)* ўз илиғи била ғалаба хайр қилур эди. Фаҳшгўй ва бадзабон киши эди. Тарих тўққуз юз ўн еттида мен Самарқандни олғонда, Муҳаммад Валибек ва Дарвеш Али китобдор менинг қошимда эдилар. Ул вақт афлиж бўлуб эди. Не сўзида маза бор эди, не ўзида. Мунча риоят қобили эмас эди. Ғолибо хизмат ани ул мартабаға еткургандур.

Яна Бобо Али эшик оға эди. Аввал Алишербек риоят қилиб эди, сўнгра мардоналиғидин мирзо олиб, эшикоғаси қилиб[552] беклик мартабасиға еткуруб эди. Юнус Аликим, бу тарихта менинг қошимда бек ва муқарраб ва ичкидур, зикри мукаррар келгусидур, мунинг ўғлидур.

Яна Бадруддин эди, бурун Султон Абусаъид мирзонинг садри Мирак Абдураҳим қошида эди. Хейли чуст ва часпон экандур. Дерларким, етти оттин сачрағандур. Бу ва Бобо Али мусоҳиблар эдилар.

Яна Ҳасан Али жалойир эди, асли оти Ҳусайн Али жалойирдур, вале Ҳасан Алиға машҳурдур. Отаси Али жалойирни Бобур мирзо риоят қилиб, бек қилғондур, сўнгра Ёдгор Муҳаммад мирзо Ҳирини олғонда, Али жалойирдин улуғроқ кишиси йўқ эди. Ҳасан Али жалойир Султон Ҳусайн мирзо қошида қушбеги эди, шоир эди, «Туфайлий» тахаллус қилур эди, қасидани бисёр яхши айтур эди. Ўз замонида қасидада саромад эди. Тарих тўққуз юз ўн еттидаким, Самарқандни олдим, менинг қошимға келди. Беш-олти йил менинг қошимда бўлди. Менинг отимға ҳам яхши қасидалар айтди. Бебок ва мутлиф *(175 а)* киши эди. Чуҳра сахлар эди. Ҳамиша нард ўйнар эди, қимор қилур эди.

Яна Хожа Абдулло Марворий[553] бек бўлуб эди. Пурфазойил киши эди, қонунни онча киши чалмайдур, қонунда гирифт қилмоқ мунинг ихтироидур. Хутутни хўб битир, таъликни хўброқ битир эди, иншони хўб қилур эди, хушсуҳбат киши эди, шеър айтур эди. «Баёний» тахаллус қилур эди. Шеъри ўзга хайсиётға боқа кўп фурудтар эди, вале шеърни хўб танир эди. Фосиқ ва бебок эди, фисқнинг шоматидин обила маразиға гирифтор бўлуб, илик оёғидин қолиб, неча йил турлук-турлук азоб ва машаққатлар тортиб, ушбу балийя била-ўқ оламдин нақл қилди.

Яна Муҳаммад Саййид Урус эди, Урус арғунким, Султон Абусаъид мирзо тахт олғонда улуғ ва ихтиёр бек ул эди, мунинг отасидур. Ул замонда яхши отишлиқ йигитлар бор эди. Ул саромадлардин бири будур: ёйи қаттиқ, ўқи узун, берк отишлиқ ва яхши отишлиқ экандур. Андхуд ҳукумати неча маҳаллар анда эди.

Яна Мир Али мироҳур эди. Бу улдурким, Султон Ҳусайн мирзоға киши йибориб, Ёдгор Муҳаммад мирзонинг ғофиллиғида устига келтурди.

Яна Саййид Ҳасан ўғлоқчи эди, Саййид ўғлоқчининг ўғли Саййид Юсуфбекнинг иниси[554] эди ва мирзо Фаррух отлиқ хайсиятлик ва қобилиятлиқ ўғли *(175 б)* бор эди. Тарих тўққуз юз ўн еттида мен Самарқандни олғонда менинг қошимға келиб эди. Шеърни агарчи кам айтиб эди, вале тавре айтур эди. Устурлоб ва нужумни яхши билур эди.[555] Суҳбати ва ихтилоти ҳам яхши эди. Бир нима[556] бадшароб эди, Ғиждувон урушида ўлди.

Яна Тенгриберди сомончи эди. Турк ва мардона ва қиличлиқ йигит эди.[557] Балх эшигида Назар Баҳодур отлиқ Хисравшоҳнинг улуғ навкарини яхши чопқулаб эди, нечукким мазкур бўлди.

Яна бир неча туркман беклари эдиким, мирзо қошиға келиб риоят топиб эдилар. Бурун келган бир Алихон[558] Бояндур эди.

Яна Асадбек ва Таҳамтанбек эди,[559] булар оға-ини эдилар. Таҳамтанбекнинг қизини Бадиъуззамон мирзо олиб эдиким, Муҳаммад Замон мирзо андиндур.

Яна Иброҳим чиғатой эди.

Яна Амир Умарбек эди. Сўнғралар Бадиъуззамон Мирзо қошида бўлур эди. Мардона ва турк ва яхши киши эди. Абулфатҳ отлиқ бир ўғли Ироқдин менинг қошимға келди, бу тарихта

---

[552] Л: Бу ибора тушган.
[553] РЕ: Марварид.

[554] Е: оғаси.
[555] Н: эди яхши.
[556] Е: неча.
[557] Л: қилинглик бек эди.
[558] К: Алижон.
[559] Н: эди булар; ЕК: эдилар.

ҳам бордур. Бисёр суст ва бежуръат ва бўлумсиздур, анингдек отадин мунингдек ўғул.

Сўнгра келганлардинким, Шоҳ Исмоил Ироқ ва Озарбайжонга мутасарриф бўлғонда, андин Хуросон келиб эдилар, бир Абдулбоқий мирзо эди, Темурбек наслидиндур, Мироншоҳийдур. Бурундин буларнинг насли ул вилоятларға бориб, салтанат доиясини бош *(176 а)* ларидин чиқариб, ул подшоҳларга мулозамат қилиб, риоят топа келгандурлар. Бу Абдулбоқий мирзонинг амми (амакиси) Темур Усмон Яъқуббек қошида улуғ ва мўътабар бек экандур. Бир навбат Хуросон устига қалин черик қўшуб йибормак хаёл ҳам қилғондур. Абдулбоқий мирзо келгач, Султон Ҳусайн мирзо ҳам яхши риоятини қилиб, куёв қилиб Султоним бегимниким, Муҳаммад Султон мирзонинг онаси эди, берди.

Яна сўнгра келганлардин Муродбек Баяндур[560] эди.

***Судур:*** бири Мир Сарбараҳна эди. Андижоннинг кентларидиндур. Ғолибо мутасаййиддур, бисёр хушсуҳбат ва хуштабъ ва ширинкалом киши эди. Хуросон фузалоси ва шуароси қошида анинг дахли ва сўзи мўътабар ва санад эди. Амир Ҳамза қиссасининг муқобаласида умри зойиъ қилиб, узун-узоқ ёлғон қисса боғлабтур; бу амр мухолифи табъ ва ақлдур.

Яна Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий[561] эди, агарчи сўфи эмас эди, мутасаввиф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввифлар йиғилиб, важд ва самоъ қилурлар экандур. Аксаридин мунинг усули яхшироқ экандур. Ғолибо сабаби риояти усули бўлубтур. Ўзга дегудек ҳайсияти йўқ эди. Бир таснифи бор: «Мажлис ул-ушшоқ» отлиқ, Султон Ҳусайн мирзонинг отиға боғлаб битибтур, бисёр суст ва аксар ёлғон *(176 б)* ва бемаза беадабона ҳарфлар битибтур. Андоқким, баъзидин таваҳҳуми куфрдур. Нечукким хейли анбиёни ва авлиёни алайҳимис салом мажозий ошиқликка мансуб қилиб, ҳар қайсиға маъшуқ ва маҳбубе пайдо қилибтур. Яна бу ажаб ғулона амридурким, дебочада Султон Ҳусайн мирзо, ўзумнинг таҳрир ва таснифимдур, деб битибдур. Китоб орасида келтурулган Камолиддин Ҳусайннинг ашъор ва ғазалиётининг бошида тамом «лимуҳарририҳи» битилибдур. Ушбу Камолиддин Ҳусайннинг хушомадидин Зуннун арғун «Ҳизабруллоҳ»ға мулаққаб бўлди.

***Вузаро:*** бири Маждиддин Муҳаммад эди, Шоҳрух мирзонинг яккалама девони, Хожа Пир Аҳмад[562] Хавофийнинг ўғли эди, бурунлар Султон Ҳусайн мирзонинг девонида хотирхоҳ тартиб ва насақе йўқ эди. Исроф ва итлоф бисёр бўлур эди: не раият маъмур эди, не сипоҳий шокир. Ул фурсатта Маждиддин Муҳаммад парвоначи эди, Мирак дерлар эди. Мирзоға озроқ ярмоқ муҳим бўлуб девонийлардин тилаганда, девонийлар, йўқтур, ҳосил бўлмас, деб жавоб берурлар. Маждиддин Муҳаммад ҳозир экандур, табассум қилур. Мирзо жиҳат сўрса, хилват қилиб, кўнглидагини арз қилиб деркимки, мирзо шарт қилсаларким, менинг илигимни қавий қилиб, сўзумдин тажовуз қилмасалар, оз фурсатта андоқ қилайким, вилоят маъмур ва раият *(177 а)* шокир ва хизона мавфур ва сипоҳий вофир бўлғай. Мирзо ҳам анинг дилхоҳи аҳд ва шарт қилиб, тамом Хуросон мамоликида ани ихтиёр қилиб, жамиъ муҳиммотни анинг уҳдасиға қилди.

Бу ҳам имкони борича саъй ва эҳтимом қилиб, оз фурсатта сипоҳий ва раиятни рози ва шокир қилди. Хизонаға[563] ҳам вофир ярмоқлар тушурди, вилоятни маъмур ва ободон қилди. Вале Алишербек бошлиқ жамиъ беклар ва аҳли мансаб била зиддона маош қилди, бу жиҳаттин борча анинг била ёмон бўлдилар. Саъй ва иғво қилиб, Маждиддин Муҳаммадни туттуруб, маъзул қилдилар. Анинг ўрниға Низомулмулк девон бўлди. Неча маҳалдин сўнг Низомулмулкни ҳам туттуруб ўлтуруб, Хожа Афзални Ироқтин келтуруб девон қилдилар. Мен Кобул келган фурсатда Хожа Афзални бек қилиб эдилар, девонда ҳам муҳр босар эди.

Яна Хожа Ато эди. Агарчи алардек соҳиб мансаби девон эмас эди, вале жамиъ Хуросонотта Хожа Атонинг бемашварати ҳеч муҳим файсал топмас эди. Муттақий ва намозгузор ва мутадаййин киши эди. Машғуллуғи ҳам бор экандур.

Султон Ҳусайн мирзонинг тавобиъ ва лавоҳиқи булар эрдиким, мазкур бўлди.

Султон Ҳусайн *(177 б)* мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин

[560] Н: Бояндурий.
[561] ЛКН: Гозургаҳий.
[562] Қ: Хожа Аҳмад.
[563] ЕК: Хизонада.

Хуросон, батахсис Хири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай.

Бу жумладин бир Мавлоно Абдурраҳмон Жомий эдиким, зоҳир ва ботин улумида ул замонда ул миқдор киши йуқ эди. Шеъри худ[564] маълумдур. Муллонинг жанобидин андин олийроқдурким, таърифқа эҳтиёжи булғай. Ғояташ хотирға кечтиким, бу муҳаққар ажзода таяммун ва табаррук жиҳатидин аларнинг отлари мазкур ва шаммае сифатларидин мастур булғай.

Яна шайхулислом Сайфуддин Аҳмад эди, Мавлоно Саъдуддин Тафтазонийнинг наслидиндур, андин бери Хуросон мамоликида шайхулислом була келгандурлар. Бисёр донишманд киши эди. Арабия улумини ва нақлия улумини хуб билур эди. Бисёр муттақий ва мутадаййин киши эди, агарчи шофиий мазҳаб эди, ҳар мазоҳибни риоят қилур эди. Дерларким, етмиш йилға ёвуқ жамоат намозини тарк қилмайдур. Шоҳ Исмоил Хирини олғонда шаҳид қилди. Аларнинг наслидин киши қолмади.

Яна Мавлоно Шайх Ҳусайн эди, агарчи Мулло Шайх Ҳусайннинг зуҳур ва тараққийси Султон Абусаъид мирзонинг замонида экандур, чун Султон Ҳусайн мирзо замонида ҳам бор эқандурлар, ул жиҳат *(178 а)* тин мазкур булди. Ҳикамиёт ва ақлиёт ва калом илмини хуб билур эди. Оз алфозда куп суз тониб, диққат била гуфтугу қилмоқ анинг ихтироидур. Султон Абусаъид мирзонинг замонида бисёр муқарраб ва ихтиёр эди. Жамиъ мамолик муҳиммотида анинг дахли бор эди. Эҳтисобни[565] худ андин яхшироқ киши қилғон эмастур. Ушбу[566] жиҳаттинким, Султон Абусаъид мирзо қошида муқарраб экандур, Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мундоқ беназир кишига иҳонатлар тегурдилар.

Яна Муллозодайи Мулло Усмон эди. Кобул туманларидин Лаҳугар туманининг Чарх отлиқ кентидиндур. Улуғбек мирзо замонида ун турт ёшида дарс айтқон учун, Мулло Модарзод дерлар экандурлар. Самарқандтин бориб Каъбани тавоф қилиб, Ҳириға келганда, Султон Ҳусайн мирзо манъ қилиб сахлади. Бисёр донишманд киши эди. Ул замонда онча донишманд киши йуқ эди. Дерларким, ижтиҳод мартабасиға еткандур, вале ижтиҳод қилмайдур. Андин манқулдур: дер эмиш, киши бир ниманиким эшитти, яна нечук унутур. Қавий ҳофизаси бор экандур.

Яна Мир Муртоз эди, ҳикамиёт ва маъқулотни яхши билур эди, анинг учун бу лақаб била мулаққаб булубтурким, бисёр *(178 б)* руза тутар экандур. Шатранжға куп шағафи бор экандур, бу мартабадаким, агар икки ҳариф учраса, бири била шатранж уйнаб, яна бирининг этагини тутуб ултурур экандурким кетмағай деб.

Яна Мулло Масъуд Ширвоний эди. Яна Мулло Абдулғафур Лорий эди. Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг ҳам муриди, ҳам шогирди эди. Муллонинг аксар мусаннафотини мулло қошида уткариб эди. «Нафаҳот»ка шарҳ йусунлуқ бир нима битибтур. Улуми зоҳирияға бисёр мустаҳзар эди. Бовужуди улуми зоҳирий, улуми ботинийдин ҳам баҳраманд эди. Ажаб бетаайюн ва бетакаллуф киши эди. Ҳар кимни мулло десалар, анинг олида жузв тортмоқтин ори йуқ эди. Ҳар ерда дарвеше нишон берсалар, анинг қошиға етмагунча қарори йуқ эди. Мен Хуросон борғонда Мулло Абдулғафур мариз эди. Муллонинг мазорини тавоф қилганда, Мулло Абдулғафурнинг иёдатиға бориб эдим, муллонинг мадрасасида эди. Неча кундин сунг ушул мараз била-уқ нақл қилди.

Яна Мир Жалолиддин муҳаддис эди. Ҳадис илмини Хуросонда онча билур киши йуқ эди, хейли муаммардур. Бу тарихқача тирик эди.

Яна Мир Атоулло Машҳадий эди. Арабий илмини яхши билур эди. Қофияда бир форсий рисола битибдур, тавре битибдур, айби будурким, амсила учун тамом узининг абётини *(179 а)* келтурубтур. Яна ҳар байтидин бурун, «чунонки, дар ин байти банда»[567] лафзини лозим тутубтур. Қофия рисоласида баъзи муоризлари муважжаҳ дахллар қилибтурлар. Яна санойи шеърда «Бадойи ус-санойиъ» отлиқ рисола битибтур, хейли яхши битибтур. Мазҳабида инҳирофи бор экандур.

Яна Қози Ихтиёр эди, қозиликни хуб қилди. Фиқҳда бир форсий рисола битибтур, тавр рисоладур. Яна бир мазмун била иқтибос учун оёти каломийни жамъ қилибтур. Мурғобта мирзолар

---

[564] АН: Худ ва.
[565] ҚН: Эҳтисоб.
[566] Н: Шу.
[567] Масалан, банданинг бу байтида.

била мулоқот қилганда, Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Мир Юсуф била келиб мени кўрдилар, Бобурий хаттидин сўз чиқти, муфрадотни тилади, битидим. Ушал мажлисда муфрадотни ўқуб қавоидини битиб,[568] нималар битиди.

Яна Мир Муҳаммад[569] Юсуф эди, Шайхулисломнинг шогирди эди. Сўнгра Шайхулислом ўзининг ерида ани насб қилди. Баъзи мажлисда[570] Қози Ихтиёр юққори ўлтурур эди, баъзи мажлисда бу. Сўнгралар сипоҳийлиқ била сардорлиқ ишига андоқ мафтун ва машъуф эдики, бу икки ишдин ўзга анинг алфозидин не илм маълум бўлур эди ва анинг каломидин не фаҳм мафҳум. Агарчи ҳар иккаласидин[571] насиб ва баҳраси йўқ эди, оқибат ушбу дағдағалардин мол ва жойи ва хонумони барбод борди. Шиий экандур.

***Шуародин:*** бу жамънинг саромад ва сардафтари *(179 б)* Мавлоно Абдурраҳмон Жомий эди. Яна Шайхим Суҳайлий ва Ҳусайн Али Туфайлий жалойир эрдиким, отлари ва сифатлари Султон Ҳусайн мирзонинг беклари ва ичкилари чаргасида мазкур ва мастур бўлди.

Яна Осафий эди, вазирзода учун «Осафий» тахаллус қилибтур. Шеъри ранг ва маънидин холи эмастур. Агарчи ишқ ва ҳолдин бебаҳрадур. Ўзининг даъвоси бу эдиким, мен ҳаргиз ҳеч ғазалимни йиғиштурмоқ водисида бўлмадим. Ғолибо такаллуф бўлғай. Бу ғазалиётини иниси ё қаробати жамъ қилибтур. Ғазалдин ўзга навъ шеър кам айтибтур. Мен Хуросон борғонда мулозамат қилиб эди.

Яна Биноий эди, ҳириликтур, отаси Устод Муҳаммад сабз банно учун мундоқ тахаллус қилибтур. Ғазалида ранг ва ҳол бордур, девон тартиб қилибтур, маснавийлари ҳам бор. Бир маснавийси бор, мевалар бобида, мутақориб баҳрида, бемуҳассал нима дебтур, бекора қилибтур. Яна бир мухтасар маснавийси бор, хафиф баҳрида. Яна бир улуғроқ маснавийси бор, ул ҳам хафиф баҳрида, бу маснавийни сўнгралар тугатиб эди. Бурунлар мусиқийдин бехабар экандур, бу жиҳаттин Алишербек таън қилур экандур. Бир йил мирзо Марвға қишлай борғанда, Алишербек ҳам борур. Биноий Ҳирида қолур. Ул қиш мусиқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёз мирзо Ҳири *(180 а)* келганда савт ва нақш ўткарур. Алишербек таажжуб қилиб таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, «Нуҳранг»га мавсум. Бу тўққуз рангнинг туганиши ва нақшнинг яллоси «Рост»тадур.

Алишербекка хейли мутаарриз экандур. Бу жиҳаттин хейли жафолар тортти. Охир тура олмай Ироқ ва Озарбайжонға Яъқуббек қошиға борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди. Харифи мажлис бўлуб эди, Яъқуббек ўлгандин сўнг ул вилоятларда турмай, Ҳирига келди. Ҳануз зарофат ва таарруз бор эди. Ул жумладин бири будурким, бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатур. Биноийнинг (орқаси)га тегар, Алишербек мутояба била дерки, «Ажаб балоест дар Ҳири, агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад».[572] Биноий деркими, «агар жамъ мекуни ҳам ба (пушти) шоир мерасад».[573] Охир бу зарофатлардин яна Ҳиридин Самарқанд азимати қилди.

Алишербекки қалин нималар ихтироъ қилиб эди ва яхши нималар ихтироъ қилиб эди, ҳар кишиким, ҳар ишта бир нима пайдо қилди, ул ниманинг ривож ва равнақи учун «Алишерий» дер эди. Баъзи зарофат била Алишербекка иснод қилурлар эди. Нечукким Алишербек қулоқ оғриғида ёғлиқ боғлағон учун хотунлар кўк ёғликни қийиқ боғлағонни «нози[574] Алишерий» от қўйдилар. Бу жумладан Биноий Ҳиридин азимат *(180 б)* қилур вақт эшаги учун полондўзға ғайри муқаррар полоне буюрур, отини «Алишерий» дер, «полони Алишерий» машҳур бўлди.

Яна Сайфий Бухорий эди, филжумла муллолиғи бор эди. Ўқуғон китобларининг муфассалини элга кўрсатиб, муллолиғини исбот қилур эди. Девон тартиб қилибтур, яна бир девони ҳам борки, жамиъ ҳирфагарлар учун айтибтур, масални кўп айтибтур. Маснавийси йўқтур. Нечукким, бу қитъа анга долдур:

*Маснавий гарчи суннати шеърает,*
*Ман ғазал фарзи айн медонам.*

---

[568] Е: билиб.
[569] РЕҚ: Муҳамад Мир.
[570] Н: мажлисда Шайхул исми.
[571] Н: иккаласидан.
[572] «Ажаб бир балодурки, Ҳиротда оёғингни узатсанг, шоирнинг орқасига тегади.
[573] «Йиғсанг ҳам, шоирнинг орқасига тегади».
[574] Қ: нори.

*Панж байтеки дилпазир бувад,*
*Беҳтар аз хамсатайн медонам.*[575]

Бир форсий арузи бор. Бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асру пурсухандур. Камсухан бу маъни билаким, кераклик нималарни битимайдур. Пурсухан бу маъний билаким, равшан ва зоҳир калималарни нукта ва иъробиғача битибтур. Чоғирни ёмон ичар экандур, бадшароб экандур. Маҳкам зарб мушти бор экандур.

Яна Абдуллойи маснавийгўй эди, Жомдиндур. Муллонинг хоҳарзодаси бўлур, тахаллуси «Ҳотифий» эди. «Хамса» муқобаласида маснавийлар айтибтур, «Ҳафт найкар» муқобаласида айтқон маснавийсиға «Ҳафт манзар» от қўюбтур. «Искандарнома» муқобаласида «Темурнома» айтибтур. Бу маснавийлардин «Лайли ва Мажнун» машҳурроқтур. Агарчи латофати шуҳратича йўқтур.[576]

Яна Мир Ҳусайн Муаммоий эди. Ғолибо муаммони онча ҳеч ким айтғон эмас. Ҳамиша авқоти муаммо фикриға масруф экандур. Ажаб фақир ва номурод ва бебахт киши экандур.

*(181 а)* Яна Мулло Муҳаммад Бадахший эди. Ишкамиштиндур. Ишкамиш Бадахшон дохили эмастур. Ажабтурким, «Бадахший» тахаллус қилибтур. Шеъри бу мазкур бўлғон шоирларнинг шеърича йўқтур. Муаммода рисола битибтур, муаммоси ҳам хейли яхши эмас, хушсуҳбат киши эди. Самарқандта манга мулозамат қилиб эди.

Яна Юсуф Бадиий эди, Фарғона вилоятидиндур, қасидани ёмон айтмас экандур.

Яна Оҳий эди, ғазални тавре айтур эди, сўнгралар Ибн Ҳусайн мирзо қошида бўлур эди, соҳибдевондур.

Яна Муҳаммад Солиҳ эди, чошнилик ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур, турки шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Сўнгра Шайбонийхон қошиға келиб эди, филжумла риоят қилиб эди. Шайбонийхоннинг отиға бир туркий маснавий битибтур. «Рамали мусаддаси махбун» вазнидаким, «Субҳа» вазни бўлғай, бисёр суст ва фурудтур, ани ўқуғои киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридин беэътиқод бўлур. Бир яхши байти будур:

*Бўлди Танбалға ватан Фарғона,*
*Қилди Фарғонани танбалхона.*

Андижон вилоятини Танбалхона ҳам дерлар, ул маснавийда мунча байт маълум эмаским, бўлғай. Шарир ва золим табъ ва бераҳм киши эди.

Яна Шоҳ Ҳусайн Комий эди, мунинг шеърлари ҳам ёмон эмас, ғазалгўйдур, ғолибо девони ҳам бордур.

Яна Ҳилолий эди. Бу тарихда ҳам бордур. Ғазаллари ҳамвор ва рангин ва кам хадшадур. Девони ҳам бордур. Бир маснавийси бор, «хафиф» баҳрида *(181 б)* «Шоҳ ва Дарвеш»ка мавсум, агарчи баъзи байтлари тавре воқиъ бўлубтур, вале бу маснавийнинг мазмун ва устухонбандлиғи бисёр ковок ва хароббтур. Шуаройи мутақаддам ишқ ва ошиқлик учун маснавийларким айтибдурлар, ошиқликни эрга ва маъшуқлукни хотунға нисбат қилибтурлар. Ҳилолий дарвешни ошиқ қилибтур, шоҳни маъшуқ. Абётеким, шоҳнинг афъол ва аҳволида дебтур, ҳосилким шоҳни жалбий ва фоҳиша қилибтур. Ўз маснавийсининг маслаҳатиға бир йигитни ва яна шоҳ йигитини бисёр бесураттуркким, жалблар ва фоҳишалардек таъриф қилғай.

Бисёр кавий ҳофизаси бор эмиш, уттуз-кирк минг байт ёдида бор эмиш. Дерларким, «Хамсатайн»нинг аксар абёти ёдида бор. Аруз ва қофия ва шеър илмиға хейли мустаҳзардур.

Яна Аҳлийдур, омийдур. Шеърлари ёмон эмас, девони ҳам бордур.

Хушнавислардин агарчи хейли киши бор эди, вале борининг саромади насхтаъликда Султон Али Машҳадий эди. Мирзо учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда уттуз байт мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди.

Мусаввирлардин Беҳзод эди, мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Вале сақолсиз элнинг чеҳрасини ёмон очадур. Ғабғабини кўп улуғ тортадур. Сақоллик кишини яхши чеҳракушойлик қиладур.

Яна Шоҳ Музаффар эди, тасвирни кўп нозук *(182 а)* қилур эди. Ташъирни[577] худ гузаро нозук қилур эди. Хейли умр топмади. Яна бир таснифи бор, ул таснифи тасаввуфтадур, ёмон эмас,

---

[575] Маснавий шеърнинг суннати бўлса ҳам, мен ғазални фарзи айн деб биламан.

Дига ёққан бош байтни икки «Хамса»дан яхшироқ деб биламан.

[576] Сукиш сўзлар қисқартирилди.

[577] Ҳ: шеърни.

ғолибо агар сўз анинг эмас.[578] Тараққий маҳалида-ўқ оламдин борди.

Аҳли нағмадин қонунни Хожа Абдулло Марворийча[579] киши чолмас эди, нечукким мазкур бўлди.

Яна Қулмуҳаммад Удий эди, ғижжакни ҳам хўб чолур эди. Ғижжакка бу уч қил тақти. Аҳли нағмадин ва аҳли создин ҳеч ким мунча кўп ва хўб пешрав боғлағон эмастур. Пешравдин ўзга ишларда мунча эмастур.

Яна Шайхий Ноий эди, удни ва ғижжакни ҳам хўб чолур экандур. Ўн икки-ўн уч ёшидин бери найни хўб чолур экандур. Бир навбат Бадиъуззамон мирзонинг суҳбатида бир ишни найдин хўб чиқарур, Қулмуҳаммад ғижжакта ул ишни чиқара олмас. Деркким, ғижжак ноқис создур. Шайхий филҳол Қулмуҳаммаднинг илигидин ғижжакни олиб, ул ишни ғижжакта хўб ва покиза чолур. Шайхийдин яна бир нима ривоят қилдилар: нағамотқа андоқ мустаҳзар экандурким, ҳар нағмаким, эшитса, дер экандурким, фалонининг фалон пардаси мунга оҳангдур, вале хейли иш боғламайдур. Бир-икки нақше андин дерлар.

Яна Шоҳқули ғижжакий эди, Ироқийдур. Хуросонға келиб соз машқ қилиб, тараққий қилди. Хейли нақш ва пешрав ва ишлар боғлабтур.

Яна Ҳусайн Удий эди. Удни мазалиқ чолиб, мазалиқ нималар айтур эди. Уднинг торларини якка[580] қилиб бу чолибтур. Айби бу эдики, бисёр ноз била чолур *(182 б)* эди. Шайбонийхон бир навбат соз буюрур, такаллуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз созини келтурмай, ярамас соз келтурур. Шайбонийхон фаҳмлар, буюрурким, суҳбатда-ўқ ғалаба гарданиға урарлар. Шайбонийхоннинг оламда бир яхши ишиким бор будур, филвоқиъ хўб бордур. Ушмундоқ нозук мардакларга мундин кўпрак сазо керак.

Яна мусаннифлардин Ғулом Шодий эди, Шодий хонанданинг ўғли эди, агарчи соз чолур эди, вале бу созандалар чаргасида чолмас эди. Яхши савтлари ва нақшлари[581] бор. Ул замонда онча нақш ва савт боғлар киши йўқ эди. Охир Шайбонийхон Қозон хони Муҳаммад Аминхонға йиборди, яна хабари келмади.

Яна Мир Азу[582] эди, бу соз чолмас эди, мусанниф эди, агарчи оз иш боғлабтур, вале мазалиқ ишлари бор.

Биноий ҳам мусанниф эди. Яхши савт ва нақшлари бордур.

Яна беназир элдин бир Паҳлавон Муҳаммад Бусаъид эди. Куштигирликта худ саромад эди, шеър ҳам айтур эди. Савт ва нақшлар боғлар эди: «Чоргоҳ»да бир яхши нақши бор, хушсуҳбат киши эди. Куштигирлиқ била мунча ҳайсиятни жамъ қилмоқ[583] ғаробати бор.

Султон Ҳусайн мирзо оламдин нақл қилғонда, мирзолардин Бадиъуззамон мирзо ва Музаффар Ҳусайн мирзо ҳозир эдилар, чун суюклук ўғул Музаффар Ҳусайн мирзо эди ва Муҳаммад Бурундуқ барлоским, соҳибихтиёр бек эди, аткаси эди, онаси Хадичабегим эди, *(183 а)* мирзонинг эътиборлиқ хотуни эди. Мирзонинг эли ҳам Музаффар мирзоға ружуи хейли бор эди. Бу жиҳатлардин Бадиъуззамон мирзо тараддуд қилиб келмас хаёлида эди. Музаффар мирзо ва Муҳаммадбек ўзлари отланиб бориб тараддудни мирзонинг кўнглидин рафъ қилиб, Бадиъуззамон мирзони келтурдилар. Султон Ҳусайн мирзони Ҳириға келтуруб, подшоҳона расм ва ойин била бардошт қилиб, мадрасасида дафн қилдилар. Бу фурсатта Зуннунбек ҳам ҳозир бўлди. Муҳаммад Бурундуқбек ва Зуннунбек ва яна Султон Ҳусайн мирзодин қолғон ва бу мирзолар била бўлғон беклар йиғилиб, иттифоқ қилиб, Бадиъуззамон мирзо била Музаффар Ҳусайн мирзони Ҳири тахтида баширкат подшоҳ қилдилар. Бадиъуззамон мирзо эшигида соҳибихтиёр Зуннунбек, Музаффар Ҳусайн мирзо эшигида соҳибихтиёр Муҳаммад Бурундуқбек. Бадиъуззамон мирзо жонибидин шаҳр доруғаси Шайх Али тағойи, Музаффар мирзо тарафидин Юсуф Али кўкалдош. Бу ғариб амре эди, ҳаргиз подшоҳлиқта ширкат эшитилган эмас. Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқиъ бўлди: Нечукким, «Гулистон»да келтурубтур: «Даҳ дарвеш дар як гилеме бихусбанд ва ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд».[584]

[578] Л: бу ибора йўқ.
[579] РЕ: Марварид.
[580] Қ: икки.
[581] РЕҚ: Савт ва нақш.
[582] Қ: Ғазу.
[583] Е: қилмоғлиқ.
[584] Ўн дарвеш бир гиламга сиғиб ётарлар, икки подшо бир иқлимга сиғмайди.

## Вақоиъи санаи исно ашара ва тисъа миа*

Муҳаррам ойи, ўзбак дафъи жиҳатидин, *(183 б)* Хуросон азимати қилилди. Ғўрбанд ва Шибарту йўли била мутаважжиҳ бўлдук. Жаҳонгир мирзо ул вилояттин чун нохушлуқ била чиқиб эди, аймоқни ўзига қўшса баъзи шарир ва муфаттинлар яна не ангизлар қилур экин деб, Уштур шаҳридин, уруқдин айрилиб, уруқта Вали хозинни ва Давлатқадам қаравулни қўюб, аймоқни ботроқ иликлалинг деб жарида тез тебрадук. Ул кун Заҳҳок қалъасиға келдук. Андин Гунбазак кўтали била ошиб, Сойқонни бостуруб, Дандоншикан кўталидин ўтуб, Коҳмард улангига тушулди.

Сайййд Афзал хоббинга Султон Муҳаммад дўлдойни қўшуб Кобулдин мутаважжиҳ бўлғонимизнинг кайфиятини арзадошт қилиб,- Султон Ҳусайн мирзоға йиборилди. Жаҳонгир мирзо кейинрак қолғон экандур. Бомиён тўғрисиға етганда йигирма-ўттуз киши била Бомиённинг сариға[585] келадур экандур. Бомиёнға ёвуқ етганда бизнинг кейин қолғон уруқнинг чодирларини кўрарлар. Бизни хаёл қилиб тез-ўқ ёнарлар. Ўрдуларига етгач, ҳеч нимага боқмай кўчарлар. Кейинларига боқмай Якка уланг навоҳисиға тортарлар.

Шайбонийхон Балхни муҳосара қилиб эди. Балхта Султон Қулиноқ эди. Шайбонийхон икки-уч султонни уч-тўрт минг киши била Бадахшонни чопқали йиборди. Ул фурсат Муборакшоҳ ва Зубайр яна Носир мирзоға келиб қўшулуб *(184 а)* эдилар. Агарчи бурунроқ ниқор ва кудуратлари бор эди. Кишмнинг оёғида Шоҳидонда Кишм суйининг шарқий тарафида чериклаб ўлтуруб эдиларким, бу ўзбаклар тонг бошида шабихун келиб, Кишм суйини ўтуб, Носир мирзонинг устига юруди. Носир мирзо филҳол ўзини пуштаға тортти, пуштадин элини йиғуштуруб, нафир чолдуруб юруган била ўзбакларни олғон била-ўқ тебради. Кишм суйи улуқ эди, бу сувдин кечиб келиб эдилар. Қалин кишиси ўкка, қиличқа бориб, ғалаба кишиси иликка тушти, сувда ҳам кўп кишиси ўлди.

Муборакшоҳ ва Зубайр мирзодин юққорроқ Кишм сари эдилар. Аларнинг устига айрилғон ўзбаклар аларни пуштаға қочурди. Носир мирзо ёғисини қочурғонда муни хабар топиб, бу жамоатнинг устига юруди. Юққоридин Кўҳистон беклари ҳам отлик-яёғини йиғиб юруган била туруш бера олмадилар, қочтилар. Бу жамоаттин ҳам қалин киши иликка тушуб, кўп киши ўкка, қиличқа ва сувға борди. Шоядки, минг-минг беш юз ўзбак ўлди экин. Носир мирзонинг бир яхши фатҳи бу эди, бу хабарни Коҳмард жулгасида эканда Носир мирзонинг кишиси келтурди.

*(184 б)* Ушбу[586] навоҳида эканда бизнинг черик бориб, Ўғрий ва Даҳонадин ошлиқ келтурдилар. Бу навоҳида Сайййд Афзал била Султон Муҳаммад дўлдойдинким, Хуросонға йиборилиб эди, хатлар келди. Султон Ҳусайн мирзонинг фавтининг хабари эди. Бовужуд бу хонаводанинг номусини қоралаб Хуросон жонибиға мутаважжиҳ бўлдук, агарчи бу таважжуҳда ўзга ғаразлар ҳам бор эди. Ажар дарасининг ичи била ўтуб Тўп ва Мандағон била Балхоб била иниб, Кўҳи Софқа чиқилди. Ўзбакнинг Сон ва Чаҳоряк чопғонини хабар топиб, Қосимбекни черик била чопқунчининг устига йибордук. Бориб учратиб яхши босиб, қалин бош кесиб келтурдилар. Жаҳонгир мирзоға ва аймоқларға кишилар йибордук, алардин хабар олғунча неча кун Кўҳи Соф яйлоғида ўлтурдук.

Бу навоҳи кийиги асру қалин бўлур, бир мартаба овладук. Бир-икки кундин сўнг тамом аймоқлар келиб мулозамат қилдилар. Аймоқларға Жаҳонгир мирзо бир[587] неча қатла кишилар йиборди, бир навбат Имодиддин Масъудни йиборди, бормадилар, менинг қошимға келдилар. Охир мирзоға зарурат бўлди, Кўҳи Софдин Дарайи Бойға тушганда мени келиб кўрди. Чун бизга Хуросон дағдағаси эди, мирзоға боқмай, аймоққа парвой қилмай, Гурзивон ва Алмор ва Қайсор, Чечакту била юруб, Фахриддин Ўлумидин ўтуб, Бодғис тавобиидин Дарайи Бом деган ерга келдук.

Чун *(185 а)* пур тафриқа олами эди, ҳар ким дастандозлиқ қилиб, вилояттин ва элдин нима олур эдилар. Биз ҳам бир ёқдин ул навоҳидаги аймоқ ва атрокка тахмил қилиб, нима ола киришттук. Бу бир ой-икки ойнинг ичида шоядким уч юз туман кепакий олилди экин. Биздин бир неча кун бурунроқ ўзбакнинг чопқунчисини Хуросон

* Тўққуз юз ўн иккинчи (1506—1507) йил воқеалари.

585 Е: Сайриға.

586 Қ: Бу.

587 Н: ҳар.

илғори ва Зуннунбекнинг кишилари Панди Даҳ ва Марвчоқда яхши босиб, қалин ўзбак ўлтуруб-турлар. Бадиъуззамон мирзо, Музаффар мирзо, Муҳаммад Бурундуқ барлос, Зуннун арғун ўғли Шоҳбек Шайбонийхоннинг устигаким, Балхда Султон Қуличоқни[588] муҳосара қилиб эди, юру-макни жазм қилиб, жамиъ Султон Ҳусайн мирзонинг ўғлонлариға кишилар йибориб тилаттилар, доғи бу азимат била Ҳиридин чиқтилар. Бодғисға етганда Чилдухтаронда Абулмуҳсин мирзо Марвдин келиб қўшулди, Ибни Ҳусайн мирзо ҳам андин сўнг Тун ва Қойиндин келди, Кепак мирзоким, Машҳадта эди, ҳар неча кишилар йибордилар, номаъқул сўзлар айтиб, номардлиқ қилиб келмади, анинг таассуби Музаффар мирзо била эди, яъни ул подшоҳ бўлғонда мен нечук анинг қошиға борғоймен, деб мундоқ маҳалдаким жамиъ оғо-ини бир ерда йиғилиб, *(185 б)* иттифоқ қилиб, Шайбонийхондек ғаним устига азми жазм қилиб юруйдургонда мундоғ бемаза таассуб қилиб келмади. Анинг бу келмамагини ҳолоким таассубқа ҳамл қилур, балки барча номардлиқиға ҳамл қил-ғуларидур.

Ғаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом қилғайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асари бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳтимом қилмағайким, қилғондин сўнг мустаҳсин дегайлар: «Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтаанд».[589]

Манга доғи элчилар келдилар. Сўнгра Муҳаммад Бурундуқ барлос ҳам келди, мен худ нега бормағаймен. Юз-икки юз йиғоч йўлни бу маслаҳат учун тай қилибтурмен. Мен Муҳаммадбек била-ўқ мутаважжиҳ бўлдум, ул фурсатта мирзолар Мурғобға келиб эдилар. Душанба куни, жумодиулохир ойининг секкизида мирзолар била мулоқот бўлди. Абулмуҳсин мирзо ярим куруҳ истиқбол қилиб келиб эди, етушдук. Мен бу тарафдин отдин туштум, Абулмуҳсин мирзо ул тарафтин отдин тушти, юруб кўрушуб отланилди, илгаррак кела ўрдунинг ёвуғида Музаффар мирзо ва Ибни Ҳусайн мирзо келдилар. Булар Абулмуҳсин мирзодин ёшқа кичик эдилар, кераккким бурунроқ истиқболға келсалар эди, ғолибо бу таъхир хумор *(186 а)* жиҳатидин экандур, не такаббурдин ва бу тақсир айш ва ишрат сабабидин экандур, не такаддурдин.

Музаффар мирзо муболаға қилди, от устида кўруштук. Ибни Ҳусайн мирзо била ҳам ушбу навъ кўрушулди. Келиб Бадиъуззамон мирзонинг эшигига туштук. Ғариб издиҳом ва жамият эди. Андоғ ғулув эдиким, тиқилишда[590] баъзининг уч-тўрт қадам йўл оёғи ерга тегмас эди, баъзиким иш-куч учун ёнмоқ хаёл қилса эди, тўрт-беш қадам кейинга боқа беихтиёр олиб борурлар эди. Бадиъуззамон мирзонинг девонхона уйига еттук, муқаррар андоқ эдиким, мен уйдин киргач юкунғаймен, Бадиъуззамон мирзо қўпуб аракка келгай, доғи кўрушулгай, мен уйдин киргач, бир юкундум, доғи бедаранг мутаважжиҳ бўлдум, Бадиъуззамон мирзо оҳистароқ қўпуб, сустроқ юруди.

Қосимбек чун давлатхоҳ эди ва менинг номусим анинг номуси эди, белбоғимдин бир тортти, воқиф бўлдум. Таанни била юруб, муқаррар бўлғон ерда кўрушулди, бу улуғ оқ уйда тўрт тўшак солиб эдилар. Бадиъуззамон мирзонинг оқ уйлари албатта ён эшиклик бўлур эди. Мирзо доим бу эшикнинг ёнида ўлтурур эди, бир тўшакни бу эшикнинг ёнида солиб эдилар. Бадиъуззамон мирзо ва *(186 б)* Музаффар мирзо бу тўшакка[591] ўлтурдилар, яна бир тўшакни рост қўлда[592] солиб эдилар, Абулмуҳсин мирзо ва мен бу тўшакда ўлтурдук. Бадиъуззамон мирзонинг тўшакидин қуйи чап ёнда[593] яна бир тўшак солиб эдилар. Қосим Султон ўзбак Шайбоний[594] султонларидинким, мирзонинг куёви бўлур эди, Қосим Ҳусайн Султоннинг отаси бўлғай, яна Ибни Ҳусайн мирзо бу тўшакда ўлтурдилар, манга солғон тўшакдин қуйи ўнг қўлумда яна бир тўшак солиб эдилар, Жаҳонгир мирзо била Абдураззоқ мирзо ул тўшакда ўлтурдилар. Муҳаммад Бурундуқбек[595] ва Зуннунбек ва Қосимбек ўнг ёнда Қосим Султон била Ибни Ҳусайн мирзодин хейли қуйироқ ўлтурдилар.

Ош тортилди, бовужудким, суҳбат йўқ эди, ош тортадурғон ерда шира қуюб олтун ва кумуш сурохийларни шира устига тердилар. Бурунлар

[588] Е: Қулинчоқни.
[589] «Шуҳрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар».

[590] Н: йиқилишда; Е: тиқилишдин.
[591] Е: тўшакда.
[592] Е: турда.
[593] Е: ёнида.
[594] Е: Шабон.
[595] Н: Бурондиқ.

бизнинг ота-оға Чингиз тўрасини ғариб риоят қилурлар эди, мажлисда ва девонда ва тўй ва ошда, ўтурмоқда ва қўпмоқда хилофи тўра иш қилмаслар эди. Чингизхоннинг тўраси насси қотиъ эмастурким, албатта киши анинг била амал қилғай. Ҳар кимдин яхши қоида қолғон бўлса анинг била амал қилмоқ керак, агар ота[596] ёмон иш қилғон[597] бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак.

Ошдин сўнг отланиб, тушган ерга келдим. Бизнинг ўрду била *(187 а)* мирзоларнинг ўрдусининг ораси бир шаръий бўлғай эди. Иккинчи навбат келганда Бадиъуззамон мирзо бурунгидек таъзим қилмади, Муҳаммад Бурундуқбекка[598] ва Зуннунбекка айттурдимким, агарчи ёшим кичиктур, вале тўрум[599] улуғдур, ота тахтидаким, Самарқанд бўлғай, икки навбат зарби рост олиб ўлтурубдурмен, бу хонавода учун ёт-ёғи билаким мунча жанг ва жадал қилибтурмен, менинг таъзимимда таъхир беважҳдур, бу сўз мазкур бўлғоч, чун маъқул эди, муътариф бўлуб, таъзимни хотирхоҳ қилдилар.

Яна бир навбат Бадиъуззамон мирзо қошиға борғонда намози пешиндин сўнг чоғир мажлиси бўлди, мен ул маҳаллар ичмас эдим, тавр ороста мажлисе эди, хонларда ҳар навъ газаклар ясаб эдилар: товуқ кабоби ва қоз кабоби ва ҳар жинс атъимадин торттилар. Бадиъуззамон мирзонинг мажлисини хейли таъриф қилурлар эди, филвоқиъ беғилу ғаш ва оромида мажлис эди. Мурғоб ёқасида эканда икки-уч қатла мирзонинг чоғир мажлисида ҳозир бўлдум. Ичмасимни чун билурлар эди, таклифе қилмадилар.

Музаффар мирзонинг мажлисида ҳам бир навбат бордим. Ҳусайн[600] Али жалойир ва Мир Бадр Музаффар мирзо қошида *(187 б)* эдилар. Ул мажлисда бор эдилар, кайфият бўлғонда Мир Бадр рақс қилди, хўб рақс қилди. Ғолибо ул навъ рақс Мир Бадрнинг ихтироидур. Мирзолар Ҳиридин чиқиб, иттифоқ қилиб, йиғилиб Мурғобға келгунча уч-тўрт ой бўлди.

Султон Қуличоқ танг келиб Балх қалъасини ўзбакка берди. Ўзбак Балхни олғондин сўнг бу жамъиятнинг истимоидин Самарқандға мурожаат қилди. Бу мирзолар[601] агарчи суҳбат ва суҳбаторойлиқда ва ихтилот ва омизишта тавре эдилар, вале сипоҳийлик рев ва рангидин йироқ ва мардоналиқ ва жангу жадалдин[602] йироқ эдилар. Мурғобда ўлтурғон маҳалларда хабар келдиким, Ҳақназар чапани[603] тўрт юз-беш юз киши била келиб Чечакту навоҳисини чопти. Барча мирзолар ҳозир бўлуб ҳар неча қилиб, бу чопқунчининг устига илғор йибора[604] олмадилар. Мурғоб била Чечактунинг ораси ўн йиғоч йўлдур, бу ишни мен тиладим. Номус қилиб манга ҳам рухсат бермадилар. Чун Шайбонийхон[605] ёнди, йил ҳам кеч бўлуб эди. Андоқ қарор топтиким, бу қиш мирзолар ҳар қайси бир муносиб ерда[606] қишлаб, эрта ёз жамъият қилиб ғаним дафъиға мутаважжиҳ бўлғайлар, манга ҳам Хуросон навоҳисида қишламоқ таклифи қилдилар.

Чун Кобул ва Ғазни пуршар ва шўр ерлар эди, турк ва муғулдин ва аймоқ охшомдин ва афғон ва ҳазорадин мухталиф эл ва улус *(188 а)* анда йиғилиб эдилар. Яна Хуросон била Кобул ораси ёвуқроқ йўлдинким тоғ йўли бўлғай, агар қор ва ях нима мониъ бўлмаса, бир ойчилик йўл эди. Туз била қирқ-эллик кунлик йўл эди, вилоят ҳам ҳануз яхши кўнгул босмайдур эди. Давлатхоҳлардин ҳеч ким бизнинг анда қишларимизни салоҳ кўрмадилар. Мирзоларға узр айттук. Қабул қилмадилар, кўпрак таклиф қилдилар, ҳар неча узр дедук, таклифни бажидроқ қилдилар. Охир Бадиъуззамон мирзо ва Абулмуҳсин мирзо ва Музаффар мирзо отланиб, менинг уюмга келиб, қиш турмоқ таклифини қилдилар. Мирзолар юзига йўқ деёлмадук, мундоқ подшоҳлар ўзлари келиб, турмоқ таклифини қилдилар. Яна Ҳириниким рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирининг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма[607] тараққий қилиб эди, кўрмак орзуси хейли бор эди. Бу жиҳатлардин турмоқни қабул қилдук.

Абулмуҳсин мирзо вилоятиға, Марвға борди. Ибн Ҳусайн мирзо ҳам Тун ва Қойинға борди.

---

596 Е: Ота оғадин.
597 Е: қолғон.
598 Н: Бурондиқ.
599 ЕҚ: Турам.
600 Қ: Ҳасан.

601 Н: Мирзолар хуш.
602 ҚН: Жадал ва жангдин.
603 Н: ҳаён; РЕ: чапо.
604 Е: Ойиро.
605 Е: Шайбоқ.
606 Н: ҳолда.
607 Е: йигирми.

Бадиъуззамон ва Музаффар мирзо Ҳирига азимат қилдилар, икки-уч кундин кейинроқдин Чилдухтарон ва Тошработ йўли била мен ҳам Ҳирига мутаважжиҳ бўлдум.

Барча бегимлар, менинг аммам Поянда Султонбегим, Хадичабегим, Офоқбегим, яна Султон Абусаъид мирзонинг қизлари амма бегимлар, барча Султон Ҳусайн мирзонинг мадрасасида йиғилдилар. Барча бегимлар *(188 б)* мирзонинг мақбарасида эдиларким, бориб кўрдум. Аввал Поянда Султонбегим била юкунуб кўруштум, андин сўнг Офоқбегим била юкунмай кўруштум, андин кейин Хадичабегим била юкунуб кўруштум. Бир замон мунда ўлтуруб ҳофизлар қуръон ўқуғондин сўнг жанубий мадрасадаким, Хадичабегимнинг уйини тикиб эдилар, бордук. Хадичабегимнинг ошини торттилар. Ош тортилғондин кейин Поянда Султонбегимнинг уйига бордим. Ул кеча анда бўлдум, аввал манга Боғи Навда юрт таъйин қилиб эдилар. Тонгласи келиб Боғи Навда туштум. Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини таъйин қилдилар. Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим.

Ҳар икки-уч кунда бориб, Боғи Жаҳонорода Бадиъуззамон мирзоға кўруниш қилур эдим. Неча кундин сўнг Музаффар мирзо уйига чорлади, Музаффар мирзо Боғи Сафидда ўлтурур эди. Хадичабегим ҳам анда эди, Жаҳонгир Мирзо менинг била борди. Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандин кейин Музаффар мирзо бизни Бобур мирзо солғон Тарабхона отлиқ иморатқа олиб борди, Тарабхонада чоғир мажлиси бўлди.

Тарабхона боғчанинг ўртасида воқиъ бўлубтур, мухтасарроқ имораттур, икки ошёналиқ, вале ширинғина имораттур, юқориғи ошёнида такаллуф кўпрак қилибтурлар. Тўрт кунжида тўрт ҳужрадур. Ўзга бу тўрт ҳужаранинг ўртаси ва мобайнлари тамом бир уй дохили *(189 а)* дур, бир уйдурким, ҳужраларнинг мобайни тўрт шаҳнишин йўсунлуқ бўлубтур. Бу уйнинг ҳар зилъи мусаввардур, агарчи бу иморатни Бобур мирзо қилгандур, вале бу тасвирларни Султон Абусаъид мирзо буюрғондур, масоф ва урушларини тасвир қилибтурлар, шимолий сариға шаҳнишинда икки тўшак солдилар, бир-бирига рўбарў, тўшакларнинг ёнлари шимол сари эди, бир тўшакда Музаффар мирзо ва мен ўлтурдук, яна бир тўшакда Султон Масъуд мирзо ва Жаҳонгир мирзо ўлтурдилар. Музаффар мирзонинг уйида чун меҳмон эдук, мени Музаффар мирзо ўзидин юққори олди.

Ишрат паймоналарин тўлдуруб, соқийлар юруб мажлис аҳлиға тута кириштилар. Мураввақ чоғирларни мажлис аҳли ҳам ҳайвон суйидек юта кириштилар, мажлис қизикти, чоғирлар бошқа чиқти, бу хаёлда эдиларким, манга ичиргайлар, мени ҳам бу доираға киюрғайлар, мен агарчи бу чоққача нашъа бўлғунча чоғир иртикоб қилмайдур эдим, мастлиқ ва сархушлуқ кайфияти ва ҳолатини камоҳаққуҳу билмайдур эдим, вале чоғир ичмоққа майлим бор эди ва бу водийни тай қилмоққа кўнглум тортар эди. Кичикликта бемайл эдим, чоғирнинг нашъа ва кайфиятин билмас эдим. Отам гоҳиким чоғир таклифи қилсалар ҳам узрлар айтиб *(189 б)* иртикоб қилмас эдим. Отамдин сўнг Хожа Қозининг юмни қадамидин зоҳид ва муттақий эрдим. Шубҳалиқ таомдин ижтиноб қилур эдим. Не жойи улким, чоғир иртикоб қилғайман, сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким чоғирға майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эди, балки чоғирға майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмағон амрни ўзлук била қилмоқ мушкил эди. Хотирға кечтиким, чун мунча таклиф қиладурлар, яна Ҳиридек ороста шаҳрига келиб туриббизким, жамиъ айш-ишрат асбоб ва олоти мукаммал ва муҳайё ва бори такаллуф ва танаъум ашё ва адавоти омода ва пайдо, ҳоло ичмасам қачон ичармен деб ичмакка азм қилдим ва бу водийни тай қилмоқни жазм қилдим.

Вале хотирға кечтиким, Бадиъуззамон мирзо оғадур, анинг илигидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидин ва инисининг уйида ичсам, хотириға нима келгай деб, бу тараддудимни айттим. Бу узрумни маъқул деб, бу суҳбатта чоғир таклифи қилмадилар. Муқаррар андоқ бўлдуким, Бадиъуззамон мирзо била Музаффар мирзо бир ерда бўлғонда иккала мирзонинг таклифи била ичилгай.

Мажлиста нағма аҳлидин *(190 а)* Ҳофиз Ҳожи эди, Жалолиддин Маҳмуд нойи эди. Ғулом Шодийнинг иниси Шоди бача эди. Чанг чолур эди, Ҳофиз Ҳожи хуб ўқур эди. Ҳири эли паст ва нозук ва ҳамвор ўқурлар. Жаҳонгир мирзонинг бир хонандаси бор эди, Миржон отлиқ,

Самарқандий эди. Баланд ва дурушт ва нохамвор ўқур эди. Жаҳонгир мирзо кайфият маҳалда буюрдиким ўқуғай, ғариб, баланд ва дурушт ва бемаза ўқуди. Хуросон эли пурзарофат тирилур эл. Мунинг бу ўқишидин бириси қулоғин тутамудур, яна бири чиройин читамудур, мирзо жиҳатидин хеч ким манъ қилаолмайдур. Намози шомдин сўнг Тарабхонадин Музаффар мирзо солғон янги қишлоқи уйга келдук. Ушбу уйга келганда охир мастлиғларда Юсуф Али кўкалдош қўпуб рақкослиқ қилди. Бу уйга келганда суҳбат хейли гарм бўлди. Музаффар мирзо бир камар шамшир, бир қўзи жубба, бир бўз тупчоқ манга берди. Бу уйга келганда Жонак туркий айтти. Музаффар мирзонинг Катта Моҳ ва Кичик Моҳ отлиқ қуллари бор эди, мастлиқ маҳалларда бир пора бемаза гармхўлуқлар[608] қилдилар. Кечгача гарм суҳбат эди, мажлис тарқади. Мен бу оқшом ушбу уйда-ўқ бўлдум. Манга чоғир таклифи қилур хабарини Қосимбек эшитиб, Зуннунбекка киши йиборибтур. Зуннунбек мирзоларға насиҳат йўсунлуқ каттиқ-каттиқ айтиб, чоғир таклифини тамом бартараф қилибтурлар.

*(190 б)* Бадиъуззамон мирзо Музаффар мирзонинг меҳмондорлиғини эшитиб, Боғи Жаҳоноро да Муқаввийхонада мажлис тартиб қилиб, мени тилади. Бизнинг баъзи ичкиларни ва йигитларни ҳам тиладилар, менинг ёвуқдағиларим менинг жиҳатимдан ича олмаслар эди. Агар ичарлари ҳам бўлса, бир ой-қирқ кунда эшик-элини[609] боғлаб юз дағдаға била ичарлар эди.[610] Андоқ кишиларни чарладилар. Мунда ҳамки келдилар, гоҳи мени ғофил қилиб, гоҳи иликларини паноҳ қилиб, юз ташвишлар била ичар эдилар. Агарчи мендин суҳбатдағи кишига рухсати ом бўлғон йўсунлуқ бўлуб эди, не жиҳаттинким, бу суҳбат ота-оғамиздек кишининг суҳбати эди. Муалло бидларни[611] келтурдилар, билмон, шохларининг[612] ё амалий шохларининг ораларига камон шохининг[613] узунлуғи била иничка-иничка кесиб, қўюбтурлар, тавре кўрунадур. Бу суҳбатта менинг олимға қоз кабоби қўйдилар, чун қуш бузмоғини ва турғамоғини қилғои эмас эрдим, илик элтмадим.

Бадиъуззамон мирзо дедиким, нега майл қилмассиз. Мен дедим, турғамоқтин ожиздурмен. Филҳол Бадиъуззамон мирзо менинг олимдағи қозни бузуб, турғаб олимда қўйди. Мундоқ *(191 а)* ишларда Бадиъуззамон мирзо беназир киши эди. Охир суҳбатта бир мурассаъ камар, ханжар, бир чорқаб, бир тупчоқ манга берди.

Йигирма кунким, Ҳирида эрдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим. Ажзчимиз бу сайрларда Юсуф Али кўкалдош эди. Ҳар қайси сайргоҳқа тушулса эди, Юсуф Али кўкалдош бир навъ ош тортар эди. Бу йигирма кунда машҳур сайргоҳлардин бир Султон Ҳусайн мирзонинг хонақоҳидин ўзга ер кўрулмаган шояд қолмади экин, Гозургоҳ ва Алишербекнинг боғчаси ва жувози коғаз ва Тахти Остона ва Пуликоҳ ва Каҳдистон ва боғи Назаргоҳ ва Неъматобод ва Гозургоҳнинг хиёбони[614] ва Султон Аҳмад мирзонинг ҳазираси ва Тахти Сафар ва Тахти Навоий ва Тахти Баргар ва Тахти Хожибек ва Шайх Баҳовуддин Умар ва Шайх Зайнуддин ва Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг мазорот ва мақобирини ва Намозгоҳи Мухтор ва Ҳавзи Моҳиён ва Соқи Салмон ва Биллурийким, асли Абулвалид экандур, Имом Фахр ва Боғи Хиёбон ва Мирзонинг мадорис ва мақобирини ва Гавҳаршодбегимнинг мадраса ва мақбарасини ва Масжиди жомеъни ва Боғи Зоғон ва Боғи Нав ва Боғи Зубайда ва Абусаъид мирзо солғон дарвозаи Ироқнинг Оқсарой *(191 б)* ва Пурон ва Суфайи Тирандозон ва Чарғолонг ва Мирвоҳид ва Пули Молон ва Хожа Тоқ ва Боғи Сафид ва Тарабхона ва Боғи Жаҳоноро ва Кўшк ва Муқаввийхона ва Савсанийхона ва Дувоздаҳ бурж ва Жаҳоноронинг шимол тарафидағи улуғ ҳавз ва тўрт тарафидағи тўрт иморат ва қалъанинг беш дарвозаси: Дарвозаи Малик ва Дарвозаи Ироқ ва Дарвозаи Ферузобод[615] ва Дарвозаи Хуш ва Дарвозаи Қипчоқ ва Бозори Малик ва Чорсув ва шайхулисломнинг мадрасаси ва Маликларнинг Масжиди жомеъи ва Боғшаҳр ва Бадиъуззамон мирзонинг Жўйи Инжил ёқасидағи мадрасаси ва Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жомеиниким, «Қудсия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким,[616], «Халосия» ва «Ихлосия»

[608] Е: чармхунлуқ.

[609] Е: эшикларини.

[610, 611] Қ: бу сўзлар йўқ.

[612] Қ: сочлари, кейин ҳам шундай.

[613] ҚН: камсонни сочларининг.

[614] НҚ: Тошида.

[615] ҚР: Пирузобод.

[616] Р: Хонақоҳиники.

дерлар, ҳаммом ва дорушшифосиниким,[617] «Сафоия» ва «Шифоия» дерлар, борини андак фурсатта сайр қилдим.

Султон Аҳмад мирзонинг кичик қизи Маъсума Султонбегимни, онаси Ҳабиба Султонбегим бу фатаратлардин бурунроқ Хуросон олиб келгон экандур, бир кун мен акамни кўра келганда онаси била келиб, мени кўрди. Кўргач-уқ манга хейли майл пайдо бўлди. Махфий кишилар бориб акам била янга била, Поянда Султонбегимни *(192 а)* «ака» дер эдим, Ҳабиба Султонбегимни «янга» дер эрдим, сўзлашиб андоқ муқаррар қилдиким, менинг кейнимча янга қизини олиб Кобулға келгай.

Мени қишланг деб, Муҳаммад Бурундуқбек ва Зуннунбек бажид саъй қиладурлар эди, вале қишлоқ ери ва қишламоқ асбобини яхши сомон бермайдурлар эди. Қиш бўлди ва орадаги тоғларда қорлар ёғди. Кобул тарафидин ҳануз дағдаға кўпрак бўлди. Булар не қишлоқлик ерни сомон берадур, не сомонлиқ ерда қишлоқ. Охир зарурат бўлди, сариҳ айта олмадуқ. Қишлоқ бахонаси била Ҳиридин шаъбон ойининг еттисида чиқиб, Бодғис навоҳисида ҳар юртта бирар кун, иккирар кун таваққуф қила-қила кўч қилур эдук, то вилоятларға таҳсил ва иш-кўч учун борғонлар келиб қўшулғайлар. Ул миқдор макс ва даранг бўлдиким, Лангари Мир Ғиёсдин икки-уч кўч ўтганда рамазон ойи кўрулди. Вилоятларға иш-кўч учун борғон йигит-ялангдин баъзиси келиб қотилди, баъзиси йигирма кун, бир ойдин сўнг Кобулда келдилар, баъзиси қолиб мирзоларга навкар бўлдилар. Бу жумладан бир Сайдим Али дарбон эди, қолиб Бадиъуззамон мирзоға навкар бўлди.

Хисравшоҳ навкарларидин ҳеч кимни онча риоят қилмайдур эдим, Жаҳонгир мирзо Ғазнини ташлаб чиққанда, Ғазнини Сайдимга берилиб эди. Ўзининг қайн иниси Дўст *(192 б)* Ангу шайхни Ғазниға қўюб, ўзи черикка келиб эди. Филвоқиъ Хисравшоҳ навкарларининг орасида бу икки кишидинким, Сайдим Али дарбон била Муҳиб Али қўрчи бўлғай, яхшироқ киши йўқ эди. Сайдим яхши ахлоқ ва атворлиқ киши эди. Қиличға мардона киши эди. Уйида бемажлис ва бесуҳбате эмас эди, хейли саховати бор эди, ажаб кифоятлиқ ва сомонлиқ киши эди, зарофат ва латофати рангин, ихтилот ва ҳикояти ширин, хушхулқ ва харроф ва ҳаззол киши эди, айби бу эдиким, гузаро фосиқ ва муғлим эди, мазҳабида инҳирофи бор экандур. Бир нима мунофиқ шевароқ киши[618] эди. Баъзи нифоқини ҳазлға ҳамл қилурлар эди, вале бечизе эмас экандур. Бадиъуззамон мирзо Ҳирини Шайбоққа[619] олдуруб Шоҳбекка келганда, мирзо била Шоҳбекнинг орасида нифоқомиз сўз айтқон учун мирзо ўлтуруб, Ҳирманд суйиға ташлатур. Муҳиб Алининг ҳикояти «Вақойиъ» зайлида келгусидур.

Лангари Мир Ғиёсдин ўтуб, Ғаржистоннинг яқа кентларини бостуруб Чахчаронға келилди. Лангардин ўтуб, Ғаржистон навоҳисида етганда, пайваста қор эди. Борғон сойи қор улуғроқ бўлур эди. Чахчарон навоҳисида худ қор отнинг тизидин юқорироқ эди. Чахчарон Зуннунбекка тааллуқ эди. Миракжон Ирди отлиқ навкари анда эди. Зуннунбекнинг ошлиқларини тамом баҳо бериб олдук. Чахчарондин икки-уч кўч ўтгач, қор асру улуғ бўлди, узангудин юққорроқ *(193 а)* эди, балки аксар ерда отнинг аёғи ерга етмас эди, яна қор доим ёғар эди. Чароқдондин ўтгач ҳам қор кўп улуғ бўлди, ҳам йўл номаълум бўлди. Лангари Мир Ғиёс навоҳисида Кобулға не йўл била боруримизни кенгаштук. Мен ва аксар барин эдукким, қишдур, тоғ йўлида кўп дағдаға ва тараддудтур, Қандаҳор йўли агарчи бир нима йироқроқдур вале бетараддуд ва бедағдаға борилур. Қосимбек ул йўлни йироқдур, бу йўл била борурбиз, деб кўп жаҳл қилди, бу йўлға бўлдук. Пир[620] Султон отлиқ пешойи бошчи эди, қарилиғидинму ё олдорағонидинму, ё қорнинг улуғлиғидинму, йўлни йўқотти, бошлай олмади.

Чунки Қосимбек саъйи била бу йўлға бўлуб эдук, Қосимбек номусқа тушуб, ўзи ва ўғлонлари-уқ қор тепиб, йўл топиб, илгари юрурлар эди. Бир кун ҳам қор асру улуғ бўлди, ҳам йўл номушаххас. Ҳар неча саъйлар қилдук, боралмадук. Чора топа олмай ёниб, бир ўтунлуқ ерга тушуб, етмиш-сексон ўбдон йигитларни таъйин қилдукким, изимиз била ёниб, қўл қўйи[621] қишлағон хазора-мазорадин[622] топиб, йўл бошлағали келтургай-

[617] Қ: Шифосиники.

[618] Қ: бу сўз йўқ.

[619] Е: бу сўз йўқ.

[620] Е: Пир.

[621] ЕҚ: қуйида.

[622] Е: Ҳазора.

лар. Ул[623] борғонлар келгунча уч-тўрт қуи бу юрттин кўчулмади. Борғонлар ҳам ўбдон йўл бошлар киши келтурмадилар, *(193 б)* Таваккул қилиб, Султон пешойини илгари солиб, ушбу йўлға-уқ ким топа олмай ёнилиб эди, бўлдук. Ул неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортилди, андоқким муддатул-умр мунча машаққат камроқ тортилиб эди. Бу матлаъни ушал фурсатта айтилди:

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму,*
*Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму.*

Бир ҳафтаға ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий-бир ярим шаръийдин ортуқ кўчулмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўғли Тенгриберди ва Қанбар Али била яна икки-уч навкари ҳам бор эди. Ушбу мазкур бўлғонлар яёқ юруб, қор тепар эдук, ҳар киши етти-секкиз ўн қари илгари юруб қор тепар эди. Ҳар қадам қуйғонида белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди. Бир неча қадам борғондин сўнг илгариги кишининг ҳамли қуюб турар эди, яна бир киши илгари ўтар эди, бу ўн-ўн беш-йигирма киши яёқ қорниким тепар эди, онча бўлур эдиким, бўш отни тортса бўлур эди. Бўш отни тортилур эди узангусиғача, қолтолиғача кўп-кўп, бота-бота бу бўш от ҳам ўн-ўн беш қадамча йўл юруб толиқур эди. Бу отни ёқаға тортиб, яна бир бўш отни илгари тортилур эди. Ушбу дастур била биз ўн-ўн беш-йигирма *(194 а)* киши-уқ қор тептук. Ушбу ўн-ўн беш-йигирма кишининг отлари-уқ илгари тортилди, ўзга тамом ўбдон-ўбдон[624] йигитлар ва бек отонғонлар отларидин ҳам тушмай, тайёр тепилган ва босилғон[625] йўлға кириб, бошларин қуйи солиб келурлар эди. Маҳал ул эмас эдиким, кишиға таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса, бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур.

Ушбу тариқ била қор тепиб, йўл қилиб Инжуқон ердин уч-тўрт кунда қўтали Зарриннинг тубига ҳаволи Қутий деган ҳаволға келдук. Ушбу кун ғариб чопқун била қор ёғар эди. Андоқким, борчаға ўлум ваҳми бўлди. Ул эл тоғдағи ғор ва ковокларни ҳавол дерлар; бу ҳаволға етганда чопқун беҳад тез бўлди. Ушбу ҳавол қошида-уқ тушулди. Қор улуқ, йўл якраха[626] тепилган-босилган[627] йўл била ҳам от ба ҳийла борадур. Кунлар ғоят қисқаликка илгариги киши ёруғ[628] чоқта ҳавол олиға келдилар, намози шом, намози хуфтанғача эл кела қолди. Андин сўнгра турғон[629] ерда-уқ тушти. Кўп эл от устида-уқ тонг оттурди,[630] ҳавол торроқ кўрунди. Мен ҳаволнинг оғзида кўрак олиб, қор кураб, ўзумға бир такия миқдори[631] ер ясадим, қорни кўкусгача қоздим, ҳануз *(194 б)* ерга етмайдур эди. Бир нима елга панох бўлди, ушанда-уқ ўлтурдим. Ҳар неча дедиларким, ҳаволға боринг, бормадим. Кўнгулга кечтиким, борча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била, мунда борча улус ташвиш била машаққатта, мен мунда уйқу била фароғатта. Мурувваттин йироқ ва ҳамжиҳатлиқдин ироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса курайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин, бир форсий масал бор: «Марг бо ёрон сур аст».[632] Ушандоқ чопқунда қозғон ясағон чуқурда ўлтурдум, намози хуфтанғача қор онча чопқулаб ёғдиким, мен энгишиб ўлтуруб эдим, орқамға ва бошимға ва қулоқларимнинг устига тўрт эллик қор бор эди.

Ушул кеча қулоғимға совуқ таъсир қилди. Намози хуфтанда қорни яхши мулоҳаза қилғонлар кичкириштиларким, ҳавол асру кенг ҳаволдур, бу элга тамом ер бор, муники эшиттим, устумдаги қор-морни[633] силкиб ҳаволға келдим, ҳавол навоҳисидағи йигитларни ҳам тиладим, қирқ-эллик кишига фароғат била ер пайдо бўлди, озуқ ва яхни ва қовурдоқ ва ҳар нимаким ҳозир эди, ҳар кимнингким бор эди, келтурдилар. Мундоқ совуқ ва қор ва чопқунда ажаб иссиқ ва амин ва фароғатлиқ ерга келдук.

Тонгласиға қор ва чопқун турди. Эртага кўчуб ушул дастур била қор тепиб, йўл ясаб *(195 а)* добон устиға чиқтуқ. Йўл ҳуд қирлаб юққори чиқар экандур. Қўтали Заррин дер эмишлар. Биз юққори чиқмай дара қуйи-уқ индук, добондин тубига етгунча кун кеча бўлди, дара оғзида-

623 Е: Ўрду.
624 Е: Обдон-обдон.
625 ЕН: босолғон.

626 Е: якраҳҳа.
627 ЕН: Босолғон.
628 Е: ёруққа.
629 Е: Турғон-турғон.
630 Нусхаларда этурди, энурди.
631 Е: Намад ўрни.
632 «Дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир».
633 Н: мони; К: борни.

ўқ қўндуқ. Ул охшом кўп қаттиқ совуқ[634] эди, асру кўп машаққат ва суубат била ул охшомни ўткардук. Кўп кишининг илик-оёғин совуқ элтти. Кепакнинг[635] аёғин, Суюндук туркман[636] илигин, яна Ахийнинг аёғин ушул кеча совуқ элтти. Эртасига дара қуйиға-ўқ юрудук, бовужуд йўл бу эмас эканини билиб, қўруб таваккул қилиб, дара қуйи-ўқ юрулди, ёмон учма, секиртма ерлардин тушулди. Кеча[637] намози шом эдиким, даранинг оғзиға чиқтук.

Хеч қари-улуқ ёд билмаским, бу қўталнинг мундоқ улуқ қори бор эрконда киши убур этмиш бўлғай, балки бу фаслда маълум эмаским, бу қўталдин убур этмак кишининг кўнглига етмиш бўлғай. Агарчи улуғ қордин неча кун хейли ташвиш кўрдук, вале охир ушбу улуғ қор сабабидин ўзумизни манзилға еткурдук. Нечукким агар мундоқ улуғ қор бўлмаса, андоқ берах[638] учма ва секиртмадин ким ўта олғай *(195 б)* эди, балки агар улуғ қор бўлмаса аввалғи учмада-ўқ элининг от ва теваси тамом қолғай эди.

*Хар неку бадеки дар шумораст,*
*То дар нигари салохи кораст.*[639]

Намози хуфтан бўлуб эдиким, Якка ўлангга келиб туштук. Якка ўланг эли биз келиб тушганда-ўқ хабар топтилар. Иссиқ уйлар, семиз қўйлар, отқа ўт ва бўрсу бенихоят, ўт ёқмоқка ўтун ва тезакка не хад ва не ғоят,[640] андоқ совуқ ва қордин қутулуб, мундоқ кенг ва иссиқ уйлар топмоқ, андоқ машаққат ва балодин халос бўлуб, мундоқ қалин нон ва семиз қўйлар топмоқ хузуредурким, мундоқ машаққатларни кўрганлар билур, фароғатедурким, мундоқ балолар кечурганлар фахм қилур.[641] Хотиржамъ ва кўнгул тинч бир кун Якка ўлангда таваққуф қилдук. Якка ўлангдин кўчуб, икки йиғоч йўл келиб тушулди.[642] Тонгласи рамазон ийди бўлди. Бомиён била юруб, Шибарту қўталидин ошиб, Жангалакка етмай тушулди. Туркман хазораси кўчлари ва моллари била йўлумизнинг устида-ўқ қишлағон экандур. Биздин асло хабарлари йўқ, тонгласи кўчуб келурда буларнинг оғил ва олачуқларининг орасиға кела туштук. Икки-уч бўлак оғил талон ва торожға борди, ўзгалари уй ва рўзгорин солиб, ўғлонушоғин *(196 а)* олиб, тоққа торттилар. Илгаридин хабар келдиким, бир неча хазора черик элининг олини бир тангида тўсуб, уқлашиб кишини ўтгали қўймайдурлар, бу хабар келгач, илдам-ўқ юрудум, етиб кўрдум эрса, танги хам эмас, бир неча хазора бир тумшуқдин келиб ўқ қўядурлар, партал[643] йиғилиб турубтур ўбдон-ўбдон йигитлардек.

**Ш е ъ р:**

*Қаросин ёғийнинг кўрубтурлар,*
*Дангу хайрон бокиб[644] турубтурлар.*
*Мен етиб тез ул сари юрудум,*
*Юру-юру[645] деб илгари юрудум.*
*Ғаразим элни тез қилмоқ эди,*
*Ёғий бирла ситез[646] қилмоқ эди.*
*Тез этиб элни тортим ўзни,*
*Хеч ким хам эшитмади сўзни.*
*Йўқ эди жибаву кежиму ярок,*
*Менда бор эди нек[647] ўқу садоқ.*
*Турдум[648] эрса тамом эл турди,*
*Ёғий гуё буларни ўлтурди.*
*Сен навкарким қилурсен онинг учун,*
*Яроғи бир махалда жонинг учун.*
*Йўкки навкар туруб беги юругай,*
*Навкар осудаву беги чуругай.*
*Навкареким, бу таврдур, не осиқ,*
*Не ишингга ярар, не ошқа қотиқ.*
*Охир от солдим илгари юрудум,*
*Сурубон тоғқа юққори юрудум.*
*(196 б) Мени кўруб юруди эл доғи,*
*Қолди элдин кейинга қўрқоғи.*
*Етибон тез тоққа тормоштук,*
*Уқиға боқмайин юруб оштук.*
*Гахи оттин тушуб, гахи отлиқ,*
*Юрубон илгарига журъатлиқ.*
*Ёғий хам тоғдин ўқ қўяр эди,*
*Зўр кўргач солиб юрий берди.*
*Тоққа чиқтук хазорани ковлаб,*
*Киру қўлда кийик киби овлаб.*
*Юруғонни кийикдек отқуладук,*
*Талабон молу қўйини бўладук.*

[634] Е: бисёр зарб совуқ.
[635] Е: Кепакнинг.
[636] Е: Туркманнинг.
[637] Е: кеч.
[638] РЕ: бераххa.
[639] «Хар бир юзага келган яхши-ёмонликни текшириб қарасанг, турмуш учун хайриятлидир».
[640] Р: бехад ва бе ғоят.
[641] ЕКД: Бу нусхаларда «фахм қилур» сўзлари йўқ.
[642] Қ: тушуб.
[643] Е: пуртил.
[644] Р: бўлуб.
[645] Р: туру тур.
[646] Қ: ситеза.
[647] Қ: минг.
[648] Қ: турдум.

*Қирибон туркман ҳазорасини,*
*Айладуқ банд киши-қорасини.*
*Эр атоғлиқни дастгир эттук,*
*Аҳлу авлодини асир эттук.*

Ҳазора молидин мен ҳам бир пора қўй йиғиштурдум. Ерак тағойиға топшуруб, ўзум илгари ўтуб, қирлар била қўллар била юруб, ҳазораларнинг от ва қўйларини суруб, Темурбек лангариға келтуруб туштук. Туркман ҳазорасининг ўн тўрт-ўн беш саркаши ва раҳзан улуғларидин иликка тушуб эди, хаёлимда бу эдиким, тушган юртта турлук-турлук азоб ва уқубат била ўлтургайларким, жамиъ раҳзан ва саркашларға ибрат бўлғай. Йўлда Қосимбекка *(197 а)* йўлуқуб, бемавқиъ тараҳҳум қилиб, халос қилибтур.

*Замини шўра сунбул бар наёрад,*
*Дар ў тухми амал зоеъ магардон.*
*Накўи бо бадон кардан чунон аст,*
*Ки бад кардан ба жои некмардон.*[649]

Асирларни ҳам тараҳҳум қилиб, озод қилилди. Ушбу туркман ҳазорасини чопқонда эшитилдиким, Муҳаммад Ҳусайн мирзо дуғлат яна Султон Санжар барлос ва жамиъ Кобулда қолғон муғулларни ўзларига тортиб, Мирзохонни подшоҳ қилиб, Кобулни қабабтурлар. Эл орасида бу хабарни солибтурларким, Бадиъуззамон ва Музаффар Мирзо подшоҳни тутуб, Ҳирининг қалъайи Ихтиёриддинидаким, ҳоло Олақўрғонға машҳурдур, чиқорибтурлар. Кобул қўрғонида Мулло Бобойи Пашоғарий халифа ва Муҳиб Али қўрчи ва Аҳмад Юсуф ва Аҳмад Қосим бошлиқлар эди, булар яхши бордилар. Қўрғонни мазбут ва мустаҳкам қилиб асрадилар.

Темурбек лангаридин Муҳаммад Андижоний отлиқ Қосимбекнинг навкари Тўқбойдин Кобулдоғи бекларга бу ерга келганимизнинг кайфиятини битиб йибордук. Андоқ муқаррар бўлдуким, Ғарбанд танғисидин чиқиб аларнинг устига илғағумиздур. Нишона бу бўлсунким, Манор тоғидин ўтгач-ўқ, улуғ ўт ёндурғумиздур. Сизлар ҳам аркта Эски кўшкнинг устидаким, ҳоло хазинадур, улуғ ўт ёндурунгиз, то билгайбизким, *(197 б)* бизнинг келғанимизни билибсизлар. Биз бу соридин етгач, сиз ичкаридин чиқиб илигингиздин келурини тақсир қилманг. Бу сўзларни буттуруб, Муҳаммад Андижонийни йиборилди.

Тонгласи Лангардин отланиб, Уштур шаҳр тўғрисиға тушулди, андин эрта отланиб, тушқа ёвуқ Ғурбанд тангисидин чиқиб кўпрук бошида тушдук. От суғориб, отни тиндуруб, намози пешин кўпрук бошидин отландук, Тутқовулғача қор йўқ эди. Тутқовулдин ўта борғон сари қор улуғроқ бўлди. Зимма Яхши била Манор орасида андоқ совуқ эдиким, муддатул-умр онча совуқ кам кўрулуб эди. Аҳмад ясовул била Қора Аҳмад юртчини даги Кобулдаги бекларга йиборилдиким, ўшул миод ўтуб, доманада тушуб, совуқдин бетоқат бўлуб, ўтлар ёндуруб исиндук.

Агарчи ўт ёндурур маҳал эмас эди, совуқ зарбидин бетоқат бўлуб, ўт ёндурулди. Тонг ота ёвушуб эдиким, Манор тоғининг доманасидин отландук. Манор била Кобулнинг орасида қор отнинг тизида бор эди. Қотқон бўлуб эди, йўлдин чиққон киши ташвиш била юрур эди. Бу ораликни тамом чубуруб[650] келдук, бу жиҳаттин фарз вақтида Кобулға *(198 а)* баҳила еттук. Бибимоҳрўйға етардин бурунроқ арктин улуғ ўт чиқди, маълум бўлдиким, хабардор бўлмишлар. Саййид Қосимнинг кўпругига ета Ширим тағойи била баронғор кишисини Мулло Бобонинг кўпруги сари йиборилди. Жавонғор ва ғул Бобо Лўли йўли била бўлдук. Ул маҳалда Халифанинг[651] боғининг ўрунида бир кичикроқ боғча эди. Улуғбек мирзо солиб эди. Лангар йўсунлуқ. Агарчи дарахт ва йиғочи қолмайдур эди, вале муҳаввата си бор эди, Мирзохон анда ўлтуруб эди.

Муҳаммад Ҳусайн мирзо Улуғбек мирзо солғон Боғи Биҳиштта эди. Мен Мулло Бобо боғининг кўча тарафидаги гўристонға етиб эдимким, тезлик қилиб илгари борғонларни уруб, ёндуруб бизга тиқтилар. Илгари бориб Мирзохон ўлтурғон ҳавлиға[652] кирганлар тўрт киши эди: бир Саййид Қосим эшик оқо эди, яна бир Қанбар Али Қосимбек эди, яна бир Шерқули қаравул муғул эди, яна бир Султон Аҳмад муғул эди, Шерқулининг жамоатидин эди.

Бу тўрт киши етган била бетаҳоши-ўқ Мирзохон ўлтурғон ҳавлиға кирарлар, ғавғо бўлур. Мирзохон бир отқа миниб қочиб чиқар, Абулҳасан

[649] Шўр тупроқ ерда сунбул битмайди, ундай ерда умид уруғини нобуд қилма, шунга ўхшаш, ёмонларга яхшилиқ қилиш ва яхшиларга ёмонлиқ қилиш ҳам ўрнида бўлмайди.

[650] Н: тевуттуруб; Қ: бутуруб; Е: бутутуруб.
[651] Н: ул маҳал Халифанинг.
[652] Н: ҳаволиға.

қурбегининг иниси Муҳаммад Ҳусайн ҳам Мирзохонға *(198 б)* навкар булуб эди, бу турт кишидин Шерқулини чопиб йиқор, бошини кесар маҳалда халос булур, бу турт киши қилич еб, уқ еб, яралуқ булуб, мазкур булғон ерда бизга тикилиб келдилар. То кучада отлиқ эл тикилдилар, турдилар, не илгари юруй оладурлар, не кейинга ёна оладурлар. Мен ёвуғумдағи йигитларға дедимким: тушуб зурланг. Дуст Носир, Хожа Муҳаммад Али китобдор, Бобо Шерзод, Шоҳ Муҳаммад[653] ва яна бир неча йиғит тушуб юруб уқ қуйдилар. Ёғий қоча берди, қурғондағиларни ғалаба куз тутуб, иш вақтида етиша олмадилар, ёғийни тебратгандин сунг бирин-икин чопишиб кела бошладилар. Хануз Мирзохон ултурғон чорбоғқа кирмайдур эдимким, қурғондағи элдин[654] Аҳмад Юсуф, Саййид Юсуф келди, менинг била ҳамроҳ-уқ Мирзохон ултурғон боққа кирдук. Курдум, Мирзохон йуқтур, кочиб чиқибтур, тез-уқ ёндим. Аҳмад Юсуф менинг сунгимча эди, чорбоғнинг эшигидин Дуст Сарипулий пиёдаким, Кобулда мардоналиғи жиҳатидин риоят қилиб, кутволлиқ мансабини бериб, Кобулда қуюлуб эди, яланғоч қилич иликда кириб келди, манга-уқ тикилиб келадур, мен жиба кийиб эдим, ғарбичи боғла *(199 а)* майдур эрдим, дубулға ҳам киймайдур эдим. Бир неча кичкирдим, «ҳай дуст, ҳай дуст», деб, Аҳмад Юсуф ҳам кичкирди. Мен совуқка ва қорға кунганимдинму[655] мени танимади ё уруш изтиробидинму эди, бетаҳоши яланг бозумға-уқ қилич солди, Тенгри иноятидин эди, сари муйи қор қилмади.

*Агар тиғи олам бижунбад зи жой,*
*Набуррад раге то нахоҳад Худой.*[656]

Мен бу дуони уқуб эрдим, анинг хосиятидин эдиким, Тенгри таоло бу мазарратни дафъ қилди ва бу мутаважжиҳ булғон балони рафъ қилди. Ул дуо бу дуодур:

«Бисмиллаҳир раҳманир-раҳим. Аллаҳумма, анта раббий, ла илаҳа илла анта, алайка таваккалту ва анта раббул аршил-азим. Ма шааллаҳу кана ва ма лам яшаъ лам якун ва ла қуввата илла биллаҳил-алийил-азим. Ва иълам инналлаҳа ала кулли шайъин қадир. Ва инналлаҳа қад аҳата бикулли шайъин илман ва аҳсо кулла шайин ададан. Аллаҳумма инни аузу бика мин шарри нафси ва мин шарри ғайри ва мин шарри кулли зи шаррин ва мин шарри кулли даббатин, анта оҳаз, би насиятиҳа, иннака раббил-аршил-азим».

Андин чиқиб Муҳаммад Ҳусайн мирзо ултурғои Боғи Биҳиштға келдим, Муҳаммад Ҳусайн мирзо қочиб чиқиб, ёшинғондур.[657] Муҳаммад Ҳусайн мирзо ултурғон боғчанинг рахнасида етти-секкиз уқлуқ, ёйлиқ киши турубтур, мен бу кишиларнинг устиға отимни пошна *(199 б)* қилиб еттим, тухтай олмадилар, қочабердилар, мен етиб, бирига қилич солдим, андоқ юмаланиб бордиким, тасаввур қилдимким, магар боши учуб кетти, ута чиқтим, мен қилич солғон киши Мирзохоннинг кукалдоши Тулак кукалдош экандур. Қилич эгнига тушган экандур. Муҳаммад Ҳусайн мирзо ултурғон уйларнинг эшигига етганда том устидин бир муғулким, менинг навкарим эди, мен ани танир эрдим, эшиклик, тувурлук ердин тортти уқни юзумга, ул тарафдин, бу тарафдин ҳай-ҳай, подшоҳдур дейиштилар, уқни ёндуруб солиб қочти, уқ отмоқтин ҳам иш утуб эди, Мирзоси ва сардорлари қочти, гирифтор булди, ким учун уқ отар ушбу ерда. Султон Санжар барлосниким, риоят қилиб Нингнаҳор туманини анга иноят қилиб эдим, ул ҳам бу фитнада булар била шарик эди, тутуб буйнини боғлаб келтурдилар, музтариб булуб кичкирадурким, ҳай, менда не гуноҳ. Гуноҳ мундин ортуқ булурмуким, бу жамъ била ҳамжиҳат ва ҳаммашвaратлардин бир улуғроғи сен. Чунон додамнинг волидаси Шоҳбегим хоҳарзодаси булур эди, буюрдумким, мундоқ беиззатона кездурманг,[658] улум йуқтур.

Мундин чиқиб Аҳмад Қосим куҳбурни ва неким қурғондағи беклардин бири ул эди *(200 а)* бир пора йиғитлар била Мирзохоннинг сунгича йибордим. Ушбу Боғи Биҳишт ёнида Шоҳбеғим ва хоним уйлар ясаб ултуруб эдилар, бу боғдин чиқиб, Шоҳбегимни ва хонимни кура бордим, шаҳр эли ва қора таёқ ҳужум қилибтурлар. Гуша ва канорда эл тутмоққа, мол таламоққа илик қуюбтурлар, кишилар қуюб барча элни уруб-суруб чиқорилди.[659]

[653] Қ: Шоҳ Маҳмуд.
[654] Н: эллардин.
[655] Н: куйганимдинму.
[656] Агар олам тиғи уз жойидан қузғолса, Худо хоҳламаса бир томирни ҳам қирқолмайди.
[657] Н: ёшулғондур.
[658] Н: кирдурманг.
[659] Н: чиқор эрди.

Шоҳ бегим ва хоним бир уйда ўлтуруб эдилар. Доимғи ерда тушуб, келиб бурунғидек адаб ва таъзим била юруб кўруштум, Шоҳбегим ва хоним беҳад ва беқиёс музтариб ва мунфаил ва сарафканда ва хижил бўлубтурлар, не маъқул узр айта оладурлар, не мушфиқона сўрмоқ тарҳин сола оладурлар, булардин тамаим мундоқ эмас эди. Бу жамъ ҳар[660] бадбахтлик мақомида бўлсалар эди, андоқ эмас эдиким, бегимнинг, хонимнинг сўзларига қулоқ солмағайлар эди. Мирзохон худ Шоҳбегимнинг туққон набираси, кеча ва кундуз бегим қошида, булар сўзларига кирмаса, Мирзохонни қуймай ўзларининг қошида сахласа худ бўлур эди.

Неча қатла ҳам ким, замона ноҳамворлиғидин ва даврон носозкорлиғидин ва тахт ва мулк ва навкар ва савдардин айрилиб, аларға *(200 б)* илтижо этдим, онам ҳам борди, ҳеч навъ риояте ва шафқате кўрмадук. Менинг иним Мирзохоннинг ва онаси Султон Нигорхонимнинг айн ва маъмур вилоятлари бор эди, мен ва онам вилоят худ турсун, бир кент ва бир неча қуш эгаси бўла олмадук. Менинг онам Юнусхон қизи ва мен набираси эмасму эдим? Ул табақадин ҳар кимки менинг сарвақтимға тушти, илгимдин келганча туққонликни ва яхшиликни бажо келтурдум, нечукким Шоҳбегим келдилар. Памғонниким, Кобулнинг аъло ерларидиндур, бердим. Яна ҳар навъ фарзандлиқ ва хизматкорлиқта тақсире қилмадим.

Султон Саъидхон Кошғар хони беш-олти яёқяланг била келди, туққон иниларимдек кўруб Ламғон туманларидин Мандировар туманини бердим. Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни Марвда олғонда Қундузғаким ўттум, Андижон вилояти менинг сори боқиб, баъзи доруғаларини қавлаб, баъзи ерларини беркитиб, манга киши йибордилар. Мен Султон Саъидхонға бори навкарларимни топшуруб, кўмак қўшуб, зоду буд Андижон вилоятини бағишлаб, хон қилиб йибордим.

Бу тарихгача ҳам ул табақадин ҳар кимки келди, ўз туққонларимдин ўзга кўрмадим. Нечукким Чин Темур Султон ва Эсан Темур Султон ва Тўхта[661] *(201 а)* Султон ва Бобо Султон бу тарихда менинг қошимдадурлар, барчани ўз туққонларимдин яхшироқ кўруб, риоят ва шафқатлар қилибтурмен.

Бу битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикояттурким, битибтурмен. Бу мастур бўлғонлардин мақсуд ўзнинг таърифи эмас, баёни воқиъи бу эдиким, таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқиъини таҳрир этилгай. Ложарам ота-оғадин[662] ҳар яхшилиқ ва ёмонлиғким шоеъ эди, тақрир қилдим ва қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳунарким баёни воқиъ эди, таҳрир айладим. Уқуғувчи маъзур тутсун, эшитгувчи таарруз мақомидин ўтсун.

Мундин қўпуб Мирзохон ўлтурғон чорбоққа келиб, вилоятларға ва аймоқ ва аҳшомға фатҳномалар йиборилди, андин сўнг отланиб аркка келдим, Муҳаммад Ҳусайн мирзо хонимнинг тўшакхонасиға қўрқунчдин қочиб кириб, тўшакнинг буғжамасиға ўзини боғлатибтур. Қўрғондағилардин Мирим девонни ва яна баъзини қўйдукким, бу уйларни ахтариб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони топиб келтургайлар, хонимнинг эшигига келиб, дуруштроқ, беадабона *(201 б)* роқ сўзлар айтибтур. Боре баҳарҳол Муҳаммад Ҳусайн мирзони хонимнинг тўшакхонасидин топиб, аркта менинг қошимға келтурдилар. Мен бурунғидек-ўқ таъзим қилиб қўптум, хейли ҳам дурушт юзга келмадим. Муҳаммад Ҳусайн мирзоким мундоқ зишт ва шаниъ ҳаракотга иқдом қилди ва бу навъ шўр ва фитна ангиз ва бунёдиға эҳтимом айлади, агар пора-пора қилсам, ери бор эди, турлук-турлук азобу уқубат била ўлмакка сазовор эди, чун орада бир навъ уруғлуқ бўлуб эди, менинг туққон холам Хўб Нигорхонимдин ўғлонлари ва қизлари бор эди, бу ҳуқуқни ёд қилиб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони озод қилдим. Хуросон сари рухсат берилди, бу бемурувват ва ҳақношунос киши менинг мундоқ яхшилиғимниким, жонини бағишладим, билкулл унутуб, Шайбонийхон қошида мендин ғайбатлар ва шикоятлар қилибтур. Оз фурсат ўтмадиким, Шайбонийхон-ўқ ўлтуруб, жазосиға еткурди.

*Ту бад кунандаи худро ба рўзгор супор,*
*Ки рўзгор туро чокарест кинагузор.*[663]

Аҳмад Қосим кўҳбур ва яна баъзи бир неча йигитниким, Мирзохоннинг сўнгича йиборилиб эди,

---

[660] Қ: бир.

[661] Қ: Тўхта Буға.

[662] Қ: ини-оғадин.

[663] Сен ўзингга ёмонлиқ қилганни турмушга топшир, турмуш сенинг ўч олувчи хизматкорингдир.

Карға булоқ[664] пушталарида Мирзохонға етарлар, қоча ҳам олмас, илик тебратгунча қувват ва журъати ҳам йуқ эди, олиб келдилар. *(202 а)* Мен эски девонхонанинг шарқи-шимолий сориғи айвонида ўлтуруб эрдим, мен дедимки, кел кўрушалинг. Олдарағондин юкунуб келгунча икки қатла йиқилди, кўрушғандин сўнг, ёнимда ўлтурғузуб, кўнгул бердим. Шарбат келтурдилар, Мирзохоннинг дафъи таваҳҳумиға шарбатни аввал ўзум ичиб, анға бердим. Чун Мирзохонға кирған сипоҳий ва раият ва муғул ва чиғатой мутаваҳҳим ва музабзаб эдилар. Неча кун эҳтиётни маръи тутуб, Мирзохоннинғ эгачисининг уйидаўқ буюрдукким, бўлғой. Бу мазкур бўлғон эл ва улусдин чун ҳануз дағдаға ва тараддуд бор эди. Мирзохоннинғ Кобулда бўлмоғини салоҳ кўрмай, бир неча кундин сўнг Хуросон сари рухсат берилди.

Буларға рухсат бергандин сўнг Борон ва Чоштуба ва Гулбаҳор доманаси сайриға бордук. Баҳорлар Борон ёзиси ва Чоштуба дашти ва Гулбаҳор доманаси бисёр хўб бўлур. Сабзаси Кобул вилоятининғ ўзга ерлариға боқа, хейли яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур, бир қатла лола анвоини буюрдумким санадилар, ўттуз тўрт навъ лола чиқти, нечукким бу ерларнинг таърифида бир байте айтилиб эди:

*Сабзаву гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,*
*Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор.*

Ушбу сайр келганда бу ғазални тугаттим:

*Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек (202 б)*
*таҳ-батаҳ қондур.*
*Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур.*

Филвоқиъ баҳорлар сайр қилмоққа ва қуш солмоққа ва қуш отмоққа бу ерларча ер кам-ўқ бўлғай, нечукким, Кобул ва Ғазни вилоятининг таъриф ва тавсифида шаммайи мазкур ва мастур бўлди.

Ушбу йил Носир мирзонинғ ва тарбияткардаларининг ихтилот ва маошидин Бадахшон беклариким, Муҳаммад қўрчи ва Муборакшоҳ ва Зубайр ва Жаҳонғир бўлғай, ранжида, балки ёғий бўлдилар. Барча иттифоқ қилиб, черик тортиб, Кўкча суйининғ Яфтал ва Роғ сори тузи била отлиқ-яёқни йиғиб, ясоб пушталар била Хамчоннинғ ёвуғиға келдилар. Носир мирзо ва қошидаги бетажриба йигитлар андиша ва мулоҳаза қилмай, булар била урушқа пушталарда келиб урушурлар. Ери буртоғ, яёғи қалин бир-икки қатла от солғонда тўхтаб урубки ёндурурлар, бўлдура олмаслар, қоча берурлар. Бадахшонийлар Носир мирзони босиб, бўлғон тавобиъ ва лавоҳиқини талон-торож қилдилар.

Носир мирзо ёвуғидағилари била бостуруб, талатиб, Ишкамиш ва Норин била Келоғой[665] келиб, Қизил сув юққори-ўқ юруб, Обдара йўли била кириб, Шибарту кўталидин ошиб, Кобулға етмиш-сексон талатғон, олдурғон, оч-яланғоч навкар-савдари била келди. Ажаб қодиредур, иккиуч йил мундин бурун Носир мирзо тамом эл ва улусни кўчуруб суруб, Кобулдин ёғийқиб чиқиб, *(203 а)* Бадахшонға етиб, дара ва қўрғонларини беркитиб, не хаёллар била юрур эди, бурунғи қилғонларидин сарафанда ва хижил ул навъ айрилғонларидин шарманда ва мунфаил бўлубтур. Мен доғи ҳеч навъ юзига келмадим. Яхши сўрубистаб инфиолдин чиқордим.

## Вақоиъи санайи салоса ашара ва тисъа миа*

Ғилжини чопмоқ дағдағаси била Кобулдин отланилди. Саридеҳға тушғанда хабар келтурдиларким, Машт ва Секонадаким, Саридеҳдин бир йиғоч бўлғай, қалин маҳманд ғофил ўлтурубтур. Бўлғон беклар ва йигитлар барин бўлдиларким, маҳмандни чопмоқ керак. Мен дедимким, раво бўлғайму, не азимат била отланғайбиз, мақсадқа етмай ўз раиятимизни-ўқ чопиб ёнғайбиз. Бу иш мумкин эмас. Саридеҳдин отланиб, Каттавоз[666] тузини кеча била қоронғуда тай қилдук. Қопқоронғу кеча, туп-туз ер, не тоғ ва пушта кўрунадур, не йўл ва из маълум бўладур, ҳеч ким бошлай олмади. Охир мен-ўқ бошладим, бир-икки

---
[664] Е: ялоқ.
[665] Н: Қилигоҳий.
* Тўққуз юз ўн учинчи (1507—1508) йил воқеалари.
[666] Н: Каттавод; Е: Каттавов.

қатла бу навоҳиға етиб эдим, ўшул қиёс била қутбни ўнг ёғринимға[667] олиб тебрадим, Тенгри рост келтурди. Рост Қаёкту ва Улобату рудиға-ўқ келилдиким. Ғилжи ўлтурғон ерғаким, Хожа Исмоил сарияти[668] бўлғай, ушбу рудтин йўл чиқар. Ул рудта тушуб, ўзумиз ва *(203 б)* отимиз бир замон уюхлаб,[669] дам олиб, тонг отқонда андин тебрадук.

Офтоб чиқиб эдиким, бу пушталардин ва қўллардин тузга чиқтук. Ушбу ердин ғилжи ўлтурғон ер бир яхши йиғоч йўл бор тузга чиқғоч, ғилжининг қорасиму ё тутунему кўрунди. Ё хуламга, ё батозагий[670] черик эли тамом чопқун қуйдилар, бир-икки куруҳғача чопиб, кишини, отни уқлаб, элни тийдим. Мундоқ жилаврез беш-олти минг чопқун қуйғон черикнинг тиймоғининг хейли ашколи[671] бор, Тенгри рост келтурди, черик тийилди. Яна бир шаръийға ёвуқ йўл келиб, афғоннинг қорасини кўруб, чопқун қуюлди, қалин қўй бу чопқунда тушти. Ҳеч чопқунда мунча қалин қўй тушган эмас эди.

Молни ёндуруб тушгандин сўнг, ҳар тарафдин бўлак-бўлак келиб, тузга тушуб, уруш ангизи қилдилар. Бир бўлакни баъзи беклар ва ичкилар бориб, ариқ олиб, тамом ўлтурдилар. Яна бир бўлагини Носир мирзо отланиб, борисини қирди. Ўлган афғонларнинг бошидин калла манора қўпорилди. Дуст пиёдаи кутволнингким, оти мазкур бўлуб эди, оёғиға ўқ тегиб, Кобулға келганда ўлди. Хожа Исмоилдин кўчуб, Улобатуға келиб тушдук. Мунда фармон бўлдиким, баъзи беклар ва ичкилар юруб, эҳтимом қилиб, бу ғанойимнинг хумсини олғайлар. Қосимбек ва баъзилардин риоят қилиб, хумсин *(204 а)* олмадук.[672] Қаламға келган хумс ўн олти минг қўй чиқтиким, сексон мингнинг хумси бўлғай. Талаф бўлғон ва риоят қилғон била бир лак қўйда ҳеч сўз йўқ эди.

Ул юрттин эрта била отланиб, Каттавоз[673] тузида ов учун чарга қуюлди. Бу даштнинг ҳамеша кийик ва қулони семиз бўлур ва кўп бўлур,[674] чарга орасиға қулон ва кийик қалин кирди. Қалин қулон ва кийик ўлтурдилар. Ов асносида бир қулоннинг сўнгича чоптим, ёвуқроқ етиб, бир ўқ урдум, яна бир ўқ ҳам урдум, вале бу захмлар йиқилғуча кори эмас эди. Бу икки захмнинг зарбидин бурунғи югуришидин оҳистароқ бўлди. Пошна қилдим, яқин сиғиниб келиб, икки қулоғидин кейинги чаккасига-ўқ чоптим, кекиртаки-ўқ илиниб қолди. Муаллақ ошиб борди, кейин оёғи узангумга тега ёзиб қолди, қиличим хейли яхши кести. Ғариб семиз қулон эди, қазиси кишининг бир қаришидин жузъи камрак бўлғай эди. Ширим тағойи ва баъзи Муғулистон кийигини[675] кўрганлар таажжуб қилиб, дедиларким, Муғулистонда ҳам мунча семиз кийик[676] кам кўрубтурбиз. Букун ҳам яна бир қулон оттим, ушбу овда тушган қулон ва кийик аксари семиз эди, вале ҳеч қайсиси мен ўлтурғон қулонча семиз эмас эди.

Бу чопқундин ёниб келиб, Кобул[677] туштук. Ўтган йилнинг оёғида Шайбоқхон Самарқандтин Хуросон доияси била черик *(204 б)* отланди. Шоҳ Мансур бахши... намакҳаромким, Андхуд анда эди, Шайбоқхонға кишилар йибориб, Шайбоқхонни отланмоққа тезрак қилибтур, Андхуд навоҳисиға келгонда бу ... ўзбакка киши йиборибтурмен деб, эътимод қилиб, ясаниб, бошиға ўтаға санчиб, пешкаш тортиқ олиб чиқорда бошсиз ўзбак туш-тушидин рез қилиб,[678] бу гандани ва тортиқ ва пешкаш ва киши-қорасини тирт-пирт қилибтурлар.

Бадиъуззамон мирзо ва Музаффар мирзо ва Муҳаммад Бурундуқ барлос ва Зуннун арғун бори Бобо хокий навоҳисида черик била ўлтуруб эдилар, не урушмоққа озим эдилар, не қўрғон беркитмакка жозим, ҳеч ишни мушаххас қилмай, ҳеч ишнинг қилурин муҳаққақ билмай саросимавор ўлтуруб эдилар. Муҳаммад Бурундуқбек ҳисоб билур киши эди, ул дегандуркм, Музаффар мирзо ва мен Ҳирининг қўрғонини беркиталинг.[679] Бадиъуззамон мирзо била Зуннунбек Ҳирининг атроф ва навоҳисидағи тоғларға бориб, Сийистондин Султон Али арғунни, Қандаҳор ва Замини Довардин Шоҳбекни ва Муқимни чериклари била келтуруб, ўзларига қўшсунлар. Неким бўлғон

[667] ЕК: ёнимға.
[668] Н: сарбати.
[669] Е: уюқлаб.
[670] Шу сўзларни аниқ ўқиб бўлмади. П.Шамсиев нашрида тушиб қолган.
[671] Эмгаги.
[672] ЕҚ: Хумс.
[673] ЕНЛ: Каттавод.
[674] Л: Бу ибора тушиб қолган.
[675] Е: кийик ва қулонининг.
[676] Е: Қулон.
[677] Е: Кобулки.
[678] Қ: тиғилишиб.
[679] Қ: Ҳири калъасини маэбут қилурмиз

хазора ва накдарий черикларини йиғиб мустаид ва мукаммал юрсунлар.[680] Ғанимнинг худ тоққа бормоғи мушкилдур. Ташқариғи черикнинг дағдағасидин қўрғон устига ҳам кела олмас, хуб айтибтур. Ҳисоблиқ *(205 а)* раъй хотириға етибтур. Зуннун арғун агарчи мардона киши эди, вале хасис ва молдўст ва раъй ва ҳисобдин йироқроқ ва кавокрак ва телбарак киши эди. Бу фурсатлардаким, Ҳирида оға-ини ширкат била подшоҳ эдилар, Бадиъуззамон мирзо қошида бу соҳибихтиёр эди, нечукким мазкур бўлди, молдўстлиғи жиҳатидин Муҳаммад Бурундуқнинг шаҳрда турмоғиға рози бўлмади, ўзи шаҳрда турар хаёл қилди, ани ҳам ўхшата олмади. Анинг гуллук ва телбалиғиға хеч нима мундин яхшироқ далил бўлурмиким, зарроқ ва таммоъ элнинг ёлғон ва хушомадин[681] қабул қилиб, ўзини фазиҳат ва расво қилди.

Тафсили будурким, Ҳирида мундоққим ихтиёр ва эътибор бўлди, бир неча шайх ва мулло анға келиб дерларким, Қутб бизнинг била ихтилот қиладур, санга «ҳизабруллоҳ» лақаб бўлди, сен ўзбакни олғунгдур. Бу сўзга инониб, буйниға фута солиб, шукрлар қилибтур. Ушбу жиҳатлардин Муҳаммад Бурундуқнинг маъқул раъйи била амал қилмай, не қўрғон ишини мазбут қилибтур, не уруш яроғини марбут, не қаравул, не чағдовулким, ёғий келуридин огоҳ қилғай, не ясолда тартиб ва насаққим, ёғий келса уруш хотирхоҳ қилғай.

Шайбоқхон муҳаррам ойида Мурғобдин ўтуб, Серкой[682] навоҳисиға *(205 б)* ёвуқ етганда-ўқ хабардор бўлурлар, саросима бўлуб, хеч иш қила олмаслар, не элни[683] йиғаолурлар, не ясолни қила олурлар, тўшлуқ-тўшидин юруй берурлар. Зуннун арғун ушбу хушомадға ғарра бўлуб, қирқ-эллик минг ўзбакнинг ўтрусида юз-юз элликча кишиси била Қора Работта турар. Қалин киши етган била-ўқ олиб тебрарлар. Зуннунни олиб, ўлтуруб бошини кестилар.

Мирзоларнинг она[684] эгачи-сингил ва ҳарамлари ва хазойини[685] тамом қалъайи Ихтиёриддинда эдиким,[686] Олақўрғонға машҳурдур, мирзолар кеч шаҳрға етарлар, ярим кечагача отларини тиндуруб уюхлардар, саҳар вақти солиб тебрарлар. Қўрғон беркутурни худ хаёл қила олмаслар. Мунча фурсат ва фуржада она ва эгачи-сингилни ва куч ва ўғлои-ушоқни[687] ҳам олиб чиқмай, ўзбакнинг[688] асирлигига ташлаб қочарлар.[689] Мазбут қилмоқликни ҳам хаёл қилмадилар.[690]

Поянда Султонбегим, Хадичабегим бошлиқ[691] Султон Ҳусайн мирзонинг ҳарамлари ва Бадиъуззамон мирзонинг ва Музаффар мирзонинг ҳарамлари[692] ва ўғлон-ушоқлари неким бўлғай, мирзоларнинг хазойин ва байтутоти тамом Олақўрғоннинг ичида эди,[693] қўрғонни[694] хотирхоҳ мазбут ва саранжом қилмайдурлар эди.[695] Қўрғон кўмаги(га) йигитлар ҳам етмайдурлар эди.[696] Ошиқ Муҳаммад арғун Мазидбекнинг иниси яёқ черикдин кочиб келиб қўрғонға *(206 а)* кирди. Яна Алихон Амир Умарнинг ўғли эди[697] ва яна шайх Муҳаммад Абдулло бакавул эди, яна Мирзобек Кайхисравий эди, яна Мираки кўр девон эди. Шайбоқхон келгач, икки-уч кундин сўнг шайхулислом ва акобир аҳд ва шарт қилиб, тош қўрғоннинг калидларини олиб бордилар. Қўрғонни бу Ошиқ Муҳаммад ўн олти-ўн етти кун сахлади, ташқаридин Отбозори тарафидин нақб солиб, ўт уруб бир буржини учурдилар. Қўрғон эли даст-поча бўлуб, қўрғонни сахлай олмадилар, олдурдилар.

Шайбоқхон Ҳирини олғондин сўнг, бу подшоҳларнинг зоҳ ва зоди била ёмон маош қилди, не ёлғуз бу жамъ била, бори халойиқ била. Рустойи ва нодида киши, беш кунлук ўтар дунё учун мундоқ ёмон от қозғонди. Шайбоқхондин ношоиста ҳаракот ва афъолеким, Ҳирида содир бўлди, аввал буким, чирик дунё учун Хадичабе-

---

[680] Қ: чериклари бўлса йиғиштуруб Кўҳистонда мустаъид ва мукаммал бўлуб турсунлар.

[681] Е: хуш омадини.

[682] Қ: сарокат.

[683] Қ: не халқни йиғиштура олдилар.

[684] Қ: бу сўз тушиб қолган.

[685] Қ: хавотинлари.

[686] Е: эдиким эмди.

[687] Қ: Кўчни ва болаларни

[688] Қ: Узбакни.

[689] Қ: асирлигига туштилар.

[690] ЕЛ: Бу сўзлар тушиб қолган

[691] Қ: бу сўз йўқ.

[692] Қ: ҳарамлари била.

[693] Қ: «бача-качалари ва анча хазиналари мирзоларда бор эди ҳама Олақўрғонни ичида эди».

[694] Қ: қалъани.

[695] Қ: хотирхоҳ мазбут қилмаб эдилар.

[696] Қ: ва йигитларга қалъаға таъйин бўлуб эдилар ҳам ета билмадилар.

[697] Қ: Яна Алихон Кўҳбурнинг ўғли Умарбек эди.

гимни Шоҳ Мансур бахши...га туттуруб, турлук-турлук қийинлар қилдурди. Яна Шайх Пурондек вали ва азиз[698] кишини Муғул Абдулваххобға туттурди, ҳар ўғлини[699] яна бир кишига туттурди, яна жамъи аҳли шеър ва аҳли табъни Мулло Биноийға туттурди.

Хуросон зурафосидин бу моддада бир қитъа машҳур бўлди:

*Бажуз Абдуллоҳи кери хар имрўз,*
*Надида ҳеч шоир рўйи зарро.*
*Биноий зар тамаъ дорад зи шоир,*
*Магар хоҳад гирифтан кери харро.*[700]

*(206 б)* Яна Музаффар мирзонинг Хонзодахоним отлиқ ҳарамини Ҳирини олғоч-ўқ иддат чиқориға боқмай, никоҳ қилиб олди. Яна Қози Ихтиёр била Муҳаммад Мир Юсуфғаким, Ҳирининг машҳур ва хуштабъ муллоларидин эдилар, бовужуди омилиқ тафсирдин сабақ айтти, яна Мулло Султон Али Машҳадий била Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хаттиға қалам киюруб, ислоҳ қилди. Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди ва минбарда ўқутуб, Чорсуда остуруб, шаҳр элидин сила олур эди. Агарчи саҳархез эди ва беш вақт намозни тарк қилмас эди, қироат илмини тавре билур эди, вале мундоқ гўлона ва аблаҳона ва кофирона ақвол ва афъол андин бисёр содир бўлур эди.

Ҳирини олғондин ўн-ўн беш кундин сўнг Қаҳдистондин Пули Солорға келиб, бўлғон черигини[701] Темур Султон била Убайд Султонға бошлатиб,[702] Абулмуҳсин мирзо била Кепак мирзонинг устиғаким,[703] Машҳадта[704] ғофил ўлтуруб эдилар, йиборди. Бир мартаба Қалотни беркитмак хаёл[705] қилибтурлар. Яна бир мартаба бу чорикнинг келадурғанини[706] эшитиб, ўзга йўл била Шайбоқхоннинг устиға илғамоқ бўлурлар,[707] бу ажаб яхши хаёл экандур, аммо ҳеч ишга ва ҳеч қайси сўзга қарор бера олмай ўлтурғонда Темур Султон била Убайд Султон черик била илғаб етишур. Мирзолар ҳам ясоб чиқарлар, Абулмуҳсин *(207 а)* мирзони бот-ўқ олиб тебрарлар. Кепак мирзо озроқ киши била оғасининг ғанимиға чопар, ани ҳам кўтарурлар. Иккала оғаинини тушурурлар. Бир ерда ўлтурғузғонда оғаини бир-бирини қучушуб, ўпушуб, видоъ қилурлар. Абулмуҳсин мирзодин бедиллиқ зоҳир бўлур. Кепак мирзоға чандони тавофут қилмас. Иккала мирзонинг бошларини Шайбоқхон Пули Солорда эканда йиборурлар.

Бу айёмда Шоҳбек ва иниси Муҳаммад Муқим Шайбоқхоннинг таваҳҳумидин мукаррар элчилар ва арзадоштлар йибориб, изҳори якжиҳатлик ва давлатхоҳликлар қилдилар. Муқим худ бир арзадоштида сариҳ мени тилаб эди. Ўзбак вилоятни мундоқ билкуллий олғон маҳалда бизнинг боқиб турмоғимиз муносиб кўрунмади, чун мунча элчилар ва арзадоштлар йибориб бизни тиладилар, аларнинг келиб мулозамат қилмоқларида тараддуд камроқ қолди. Бори беклар ва соҳиб раъй кишилар била машварат қилиб, сўзни мунга қўюлдуқим, черик отланилғай, бу арғун беклари қотилғондин сўнг Хуросон устига юрумакни ё ҳар маслаҳат бўлса, буларнинг салоҳ ва савобдиди била қарор берилғай. Бу азимат била Қандаҳор сари мутаважжиҳ бўлдуқ.

Ҳабиба Султонбегимким, ани янга дер эрдим, нечукким мазкур бўлди, қизи Маъсума[708] Султонбегимни Ҳирида муқаррар бўлғон йўсунлуқ олиб келди. *(207 б)* Ғазнида мулоқот қилдуқ. Хисрав кўкалдош ва Султонқули чиноқ ва Гадойи Билол Ҳиридин кочиб Ибни Ҳусайн мирзонинг қошиға бориб эдилар. Андин Абулмуҳсин мирзо қошиға борурлар. Анда ҳам тура олмай, бизнинг қошимизға алар била келдилар.

Қалотға етганда қалин Ҳиндустон савдогариким, Қалотға савдо қилғали келган экандурлар, қоча олмадилар, черик эли алар устиға-ўқ етиб борди. Аксар барин бўлдиларким, мундоқ ёғийлиқ маҳалда ёғий вилоятиға келадурганни таламоқ керак, мен ризо бўлмадим. Дедимким, савдогарнинг не гуноҳи бор, мундоқ жузъий-жузъий фойдадин Тенгри ризосини арода кўруб кечсак, мунинг муқобаласида куллий-куллий фавоид Тенгри таоло рўзи қилғусидур. Нечукким, ушбу неча кунда

[698] Е: азиз ва валий.
[699] Қ: ўғлонларини.
[700] Бу кун эшак олати Абдуллодан бошқа ҳеч шоир олтин бетини кўрмаган. Бинойи шоирдан олтин тамаъ қилади, бироқ улардан эшак олатини олади, холос.
[701] Қ: Пули солор бориб ҳар не миқдор лашкариким бор эди.
[702] Қ: Ҳамроҳ қилиб.
[703] Қ: Бошиғаким.
[704] Қ: Машҳадга.
[705] Қ: Маэбут қилғайлар.
[706] Қ: Дигар лашкарни келар эканини.
[707] Қ: борғайлар.
[708] Қ: Ҳадича.

Ғилжини чопа отланғонда Махманд афғоний қуй ва мол ва аҳлу аёли била черикнинг бир йиғочида эканда аксар ани чопмоққа барин бўлдунгиз, ушбуни мулоҳаза қилиб мен ризо бўлмадим. Тонгласиға-уқ Тенгри таоло ёғий афғонийнинг молидинким, ёғийким Ғилжи бўлғай, онча черик элига рўзи қилдиким, ҳеч чопқунда мунча қўй тушмабтур эди. Қалоттин ўтуб тушуб, бу савдогарлардин пешкаш расми била бирор нима олилди.

Мирзохонниким, Кобулни олғондин сўнгра Хуросон сари рухсат берилиб эди, яна Абдурраззоқ мирзоким, биз[709] Хуросондин *(208 а)* чиққонда анда қолиб эди, Қалоттин ўтганда бу икки мирзо Қандаҳордин кўчиб келдилар. Биҳар мирзонинг набираси Жаҳонгир мирзонинг ўғли Пирмуҳаммад мирзо, бу Пирмуҳаммад мирзонинг онаси мирзолар била келиб мулозамат қилди. Шоҳбек била Муқимға кишилар ва хатлар[710] йиборилдиким, сизларнинг сўзунгиз била мунда келдук, ўзбакдек ёт[711] ёғий Хуросонни олди, келинг! Не тавркким,[712] салоҳи давлат бўлса сизларнинг иттифоқ ва савобдийдингиз[713] била қарор берали.[714] Хат битимоқдин ва бизни тиламоқдин мункир бўлуб рустоиёна ва дурушт жавоблар йибордилар. Ул рустоиликлардин бири бу эдиким, Шоҳбек манга битилган хатининг орқасида беклар бекларга, балки улуғроқ мартабалиқ беклар кичикрак чаргалик бекларга муҳрбосар ерда қоғознинг ўртасида муҳр босиб йиборибтур. Агар мундоқ рустоиёна ҳаракотлар қилмаса эди ва бу навъ дурушт жавоблар йибормаса эди, иш мунга етмас эди. Нечукким:

*Ситеза ба жое расонад сухан,*
*Ки вайрон кунад хонадони кўҳан.*[715]

Ушбу ситезаларидин ва рустоиликларидин эдиким, хонумонларини ва ўттуз-қирқ йил қозғонларини барбод бердилар.

Шаҳри сафо навоҳисида эрканда бир кун ўрду ичида ғалат ғавғое тушти. Борча черик эли яроғланиб отландилар, мен ғусл ва таҳоратга машғул эдим. *(208 б)* Беклар ғалаба изтироблар қилдилар, фориғ бўлуб отландим. Чун ғавғо ғалат эди, бир замондин сўнг босилди. Андин кўчбаркўч юруб келиб Гузарға туштук, мунда ҳам бир неча сўзлашмоқ тарҳини солдук, парво қилмай инод ва саркашлик мақомида-уқ эдилар. Ерсувни билур давлатхоҳлар арз қилдиларким, Қандиҳорга келур рудларнинг боши Бобо Ҳасан Абдол ва Халишак тарафидур. Ул юзга ўтуб Қандаҳорға келур рўдларни тамом йиқмоқ керак. Сўзни мунга қўюб, сабоҳи жибаланиб, баронғор, жавонғор, ясол ясаб, Халишак кўчулди, Шоҳбек ва Муқим Қандаҳор тоғининг мен тош имorat коздурғон тумшуғининг олида шомиёна тикиб ўлтуруб эдилар. Муқимнинг кишиси тезлик қилиб йиғоч орасида яқинроқ келдилар. Туфон арғунким, Шаҳри Сафо навоҳисида эканда қочиб келиб эди, ёлғуз арғунларнинг ясоли сарироқ сиғинибтур. Ишқулло деган етти-секкиз киши била айрилиб тезрак[716] илгаррак келур. Туфон арғун ёлғуз бориб рўбарў бўлуб, қилич олишиб, отдин йиқиб, бошини кесиб, мен Санги Лаҳшак тўғрисидин ўтганда келтурди, шугун туттуқ.

Чун бу ер маҳаллот ва йиғоч ораси эди, мундоқ урушмоқни салоҳ кўрмай, домана била ўтуб, Халишакнинг олида руднинг Қандаҳор тарафидағи *(209 а)* ўлангда юрт таъйин қилиб тушадур эдукким, Шерқули қаравул илдам келиб, арз қилдиким, ёғий ясоб етишти. Қалоттин ўтгали черик эли хейли очлиқ, танқислик тортиб эди. Халишак навоҳисиға келгач, юққори-қуйи қўй ва уй ва ошлиқ ва сомон жиҳатидин черик элининг кўпраги бутраб тарқаб эди. Черикнинг йиғилуриға боқмай чопа отланилди. Бизнинг неким бўлғон кишимиз икки мингга ёвушқай эди, мунда тушар маҳалда, нечукким мазкур бўлди, юққори-қуйи черик элидин хейли киши бориб эди, уруш вақти алар қўшула олмадилар. Урушта ҳозир кишимиз минг чоғлиқ бўлғай эди. Агарчи кишимиз оз эди, вале хейли яхши тузук ва мазбут ясол таъбия ва тартиб қилиб эдим. Ҳеч маҳал онча тартиб ва насақ била ясамайдур эдим. Хосса тобиндаким тамом иликидин иш келур йигитларни айрилиб эди, тамом ўн-ўн ва эллик-эллик битилиб, битилиб, ўн улуғи ва эллик улуғи таъйин этиб эдим. Ҳар ўн ва ҳар эллик ўнг қўлда ва сўл қўлда турар ерларини билиб, уруш чоғи қилур ишла-

[709] Е: мен.
[710] Қ: Шоҳбекка ва Муқимға хатлар.
[711] Қ: бу сўз йўқ.
[712] Қ: Нечукким.
[713] Қ: савобдиди.
[714] Қ: берилгай.
[715] Зўғум билан айтилган сўз шу даражага етказадики, қадимий хонадонларни вайрон қилиб юборади.

[716] Қ: уқ келадур.

рини маълум қилиб, ҳозир ва нозир эдилар. Буронғор, жавонғор ва ўнг қўл ва сўл қўл, ўнг ён ва сўл ён, ўнг ва сўл чопа отланғоч бекулфат ясамоқ ва беминнат тавочи черик эли ерлик ери била-ўқ мутаважжиҳ *(209 б)* бўлдилар.

Агарчи баронғор ва ўнг қўл ва ўнг ён ва ўнг бир маъниси бор, вале алфоз тағйири била ташхис мухталиф маонийға мен итлоқ қилдим. Нечукким, маймана ва майсараким, буронғор ва жавонғор дерлар, ясолда қалбнинғким, ғул дерлар, дохили эмас. Мунда бу навъ ясолни ўшул сарофате била баронғор ва жавонғор дейилди. Яна ғулким, бошқа ясолдур, мунинг ямин ва ясорини имтиёз учун ўнг қўл, сўл қўл битилди. Яна ғулдаким, хосса тобиндур, мунинг ямин ва ясорини ўнг ён ва сўл ён айтилди. Яна хосса тобиндаким, бўй тенгидур, туркий лафзида мужаррадни ҳам бўй дерлар, мунда ул бўй мурод эмасдур, якини муродтур, мунинг ямин ва ясорини ўнг ва сўл оталди.

Баронғор: Мирзохон, Ширим тағойи, Ёрак тағойи оға-инилари била, Чалма мўғул, Айюббек, Муҳаммадбек, Иброҳимбек, Али Саййид мўғул мўғуллари била, Султон Али чуҳра, Худобахш ва Абулҳасан оға-инилари била.

Жавонғор: Абдурраззоқ мирзо, Қосимбек, Тенгриберди, Қанбар Али, Аҳмад элчи Буға, Ғўри барлос, Саййид Ҳусайн Акбар, Миршоҳ қавчин.

Ировул: Носир мирзо, Саййид Қосим эшик оқа, Муҳиб Али қўрчи, Бобо ўғли Олловеран туркман, Шерқули қаравул мўғул оға-иниси била, Муҳаммад Али.

Ғулда, менинг ўнг қўлимда Қосим кўкалдош, Султон Муҳаммад дўлдой, Шоҳ Маҳмуд[717] парвоначи, Қул Боязид баковул, *(210 а)* Камол шарбатчи; сўл қўлумда: Хожа Муҳаммад Али, Дўст Носир, Мирим Носир, Бобо Шерзод, Хонқули,[718] Вали хизоначи, Қутлуққадам қаравул, Мақсуд сувчи, Бобо Шайх, ғулда тамом ичкилар эди, улуғ бeклардин киши йўқ эди.

Бу мазкур бўлғонлардин ҳануз ҳеч ким беклик мартабасиға етмайдур эди. Бу бўйда битилган Шербек, Ҳотам қўрбеги, Кепак Қулбобо, Абулҳасан қўрчи, мўғуллардин Урус, Али Саййид, Дарвеш Али Саййид, Хушкелди чалма, Дўсткелди чалма тоғчи[719] ва Амочи Мединий,[720] туркманлардин Мансур ва Рустам Али оға-иниси била, Шоҳназар Суюндук.

Ғаним кишиси икки бўлак бўлди: бир бўлак Шоҳ Шужоъ арғунким, Шоҳбекға машҳурдур. Мундин сўнг Шоҳбек-ўқ битилгусидур; яна бир бўлак иниси Муқим. Бу арғунларнинг қаросини олти-етти минг ченарлар эди, тўрт-беш минг яроғлиқ кишисида худ ҳеч сўз йўқ эди, ким бор эди. Ғул била ва буронғор била ўзи рўбарў бўлди. Муқим жавонғор била рўбарў бўлди. Муқимнинғ чериги оғасининғ черигидин жузъе камроқ бўлғай эди. Бизнинғ жавонғорғаким Қосимбек ва ҳамроҳлари бўлғайлар, маҳкам зўр келди. Уруш вақтиғача икки-уч киши Қосимбекдин келиб кўмак тилади. Чун олимизда бизнинг ғанимимиз ҳам зўр эди, киши айира олмадук. Ғаним тарафиға бедаранг мутаважжиҳ бўлдук. Ўқ кела бошлағон фурсатта *(210 б)* бир даст бизнинг ировулимизни уруб ёндуруб[721] ғулға тиқтилар.[722] Ўқ қуюбким, юрудук, андак фурсат ўқ қуюб, тухтағондек қилдилар. Ўтрумда бир киши элни чақириб, оттин тушуб ўқ қуяр хаёл қилди, биз бетавақкуф юруб келганимиз била бўлдура олмади, отланиб юрўй берди. Бу яёқ тушған Шоҳбек ўзи экандур.

Уруш асносида Пирибек туркман тўрт-беш оға-иниси била дасторларин олиб, ёғийдин юз эвуруб бизга кирдилар. Бу Пирибек ул туркманлардиндурким, Шоҳ Исмоил Бояндур салотиниға мусаллит бўлуб, Ироқ мамоликиға мутасарриф бўлғонда Абдулбоқий мирзо ва Муродбек Бояндур бошлиқ туркман беклари била келиб эдилар.

Буронғоримизни ёғий бурунроқ олиб тебради. Буронғоримизнинғ учи мен ясағон боғқа санчилиб борди. Жавонғоримиз Бобо Ҳасан Абдолдин хейли қуйироқ улуқ ахмил ариқларға етиб борди. Бизнинғ жавонғорнинғ ўтрусида Муқим эди — тавобиъ ва лавоҳиқи била. Жавонғор кишиси ғаними Муқимға боқа асру оз эди. Тенгри рост келтурди, Қандаҳор ва кентлариға борур уч-тўрт улуғ ахмил ариқлар бизнинг жавонғор била ғаним орасида воқиъ бўлди. Гузар бошини тутуб, ўтғали қўймадилар.

Жавонғор кишиси бовужуди озлиқ яхшилар тухтаб оёқ беркитти. *(211 а)* Арғунлар тарафидин Ҳалвочи тархон сув ичида Қанбар Али ва

717 Қ: Шоҳ Муҳаммад.
718 Қ: Жон Али.
719 Қ: боғчи.
720 Е: минди.

721 Е: бу сўз йўқ.
722 Қ: Кирдуэдилар.

Тенгриберди била чопкулаштилар, Канбар Али яралик булди. Косимбекнинг пешонасиға ук тегди. Ғури барлоснинг кошинининг устига ук тегди. Кочорининг устида чикти. Ушбу фурсатта ёғийни кочуруб, бу арикларлин Мурғон тоғининг тумшуғи сари уттук. Арикларлин утар фурсатта бир буз тупчок отлик киши тоғ доманасида ул сори бу сори бормокка мутараддид булуб, охир бир сори бока тебради. Шохбекка ухшаттим. Ғолибо Шохбек экандур. Ёғийни боскоч, тамоми черик киши тушурмокка ва ёғийни кувламокка бордилар. Менинг била саноғлик ун бир киши колиб эди. Ул ун бир кишидин дурусти Абдулло китобдор эди. Муким хануз туруб урушадур эди. Кишимизнинг озиға бокмай, Тенгрига таваккул килиб, накораларни кокиб, ғаним сори бокиб юрудук.

*Купу озға Тенгридур бергучи,*
*Бу даргохда йуктур кишининг кучи.*

«Кам мин фиатин калилатин ғалабат фиатан касиратан биизниллох».[723]

Накора унини эшитиб, бизнинг мутаважжих булғонимизни билиб, карор тарикин унутуб, фирор йулин тутти. Тенгри рост келтуруб, ёғийни кочуруб, Кандахор сори юруб, Фаррухзодбекнинг чахорбоғиғаким, бу тарихта андин асари колмайдур, *(211 б)* келиб туштук. Шохбек ва Муким-ким кочтилар, Кандахор калъасиға кира олмадилар. Шохбек Шол ва Мастунг сори чикти. Муким Замини Довар тарафи борди. Курғон беркиттунча киши куймайдур эди.

Кулибек арғуннинг оға-инисидин Ахмад Али тархон ва баъзиларким, манга ихлос ва акидалари маълум булуб эди, курғонда эдилар, сузлашиб, оға-иниларининг жониға амон тиладилар. Мазкур булғонлар иноят била машмул булуб, килғон истидъолари мабзул булди. Курғоннинг Мошур дарвозасини очтилар, элнинг бошсизлиғини мулохаза килиб, узга дарвозаларни очилмади. Ушбу очилғон дарвозада Ширимбекни ва Ёракбекни таъйин килилди. Узум бир неча ичкилар била кириб, бошсиз элни откулаб, сиёсат учун бир-икки кишини хам буюрдумким, ултурдилар. Аввал Мукимнинг хазинасиға еттимким, Тош курғонда эди. Абдурраззок Мирзо мендин илгаррак келиб тушуб экандур.[724] Абдурраззок мирзоға бирор нима хазинадин иноят килиб, бу хазинанинг устига Дуст Носирбекни ва Кул Боязид баковулни ва бахшилардин Мухаммад бахшини таъйин килдим.

Мундин утуб аркка бордим. Шохбекнинг хазинасининг устига Хожа Мухаммад Алини ва Шох Махмудни ва бахшилардин Тағойи Шох бахшини мукаррар килинди. Мирхон деган Зуннуннинг девонининг уйига Мирим Носирни ва Максуд сувчини йиборилди. Носир мирзоға туттурулди. Мирзохонға Шайх Абусаъид тархонни туттурулди.[725] *(212 а)* Ул вилоятларда мундок калин ок ёрмокни харгиз курунган эмас эди. Балки мунча ёрмок курган кишидин хам эшитилган эмас эди. Ул кечаси аркта-ук булдум. Шохбекнинг Сунбул кулини тутуб кетурдилар. Аввал махалда агарчи махрами эди, онча риоят топмайдур эди. Бировга топшурдим, яхши эхтиёт килмай кочурубтур.

Тонгласи Фаррухзоднинг чахорбоғиғаким, урду анда эди, келдим. Кандахор вилоятини Носир мирзоға бердим. Хизоналарни забт килиб, юклаб чикар махалда, арктағи хизонадин бир катор тева юки ок танга Носир мирзо олиб колибтур. Ани тиламай, Носир мирзоға-ук иноят килдим. Андин кучуб Кушхона улангига тушулди. Урдуни кучуруб, узум сайр килиб, кечрак урдуға келдим. Буруңғи урду эмас, таниғусиз урдуе булубтур: яхши тупчок отлар ва катор-катор нар ва моя тевалар ва хачирлар ва кумош рахтлик хар зинлик моялар ва сакарлот ва махмал чодирлар ва шомиёналар ва хар уйда харвор-харвор сандуклар. Бу икки оға-ининнинг жихотини бошка-бошка хазина килилиб эди. Хар хазинада сандук-сандук ва танг-танг рахтлар ва ортмок-ортмок ва коп-коп ок тангалар, хар кимнинг утоғида ва чодирида хар жинс улжадин бисёр эди, куй хам бисёр эди, куйға чандон хам парво *(212 б)* килмадилар.

Косимбекка Калотнинг ичидагиларниким, Мукимнинг навкарлари анда эди, бошлиғи Куч арғун ва Тожиддин Махмуд эди, мол ва жихотлари била иноят килдим. Косимбек чун хисоб билур киши эди, Кандахор навохисида куп турармизни салох курмай, айта-айта мухассилликлари била кучтурди. Нечукким мазкур булди, Кандахорни Носир мирзоға иноят килиб, Носир мирзоға рух-

---

723 «Худонинг амри билан кичик туданинг катта туда устидан ғалаба килгани озмунча эмас».

724 Л: Бу ибора йук.

725 К: Бу жумла куйидагича: «Ва Миржон отлик девоннинг уйига Мирзохон Шайхга Абусаъид мирзони туттурулди. Зуннунбек ва Мирим Носир ва Максуд сувчини йибориб, Носир мирзоға туттурдук».

сат бериб, Кобул азимати қилилди. Қандаҳор навоҳисида хизона улашгуча фурсат бўлмади, Қорабоғда тўрт-беш кун туруб, хазинани улашилди. Санамоғнинг ишколи бор эди, тарозу била тортилиб улашилди. Бек ва бекот, навкар ва тобин[726] харвор-харвор ва қоп-қоп оқ тангани важх улуфаларига юклаб, кўтариб элтарлар эди. Қалин ўлжа ва мол, улуғ обрў ва номус била Кобулға келилди.

Султон Аҳмад мирзонинг қизи Маъсума Султонбегимнингким, Хуросондин тилаб келтуруб эдим, ушбу келганимда ақд қилдим. Олти-етти кундин сўнг Носир мирзонинг навкарларидин бир киши Шайбоқхон келиб Қандаҳорнинг қабағонининг хабарини келтурди. Бурун мазкур бўлуб эдиким, Муқим Замини Довар тарафи кўчти, бориб Шайбоқхонни кўрар, Шоҳбекдин ҳам мутавотир кишилар борур. Буларнинг иғво ва ангизидин *(213 а)* Шайбоқхон Ҳиридин тоғ йўли била мени Қандаҳорда хаёл қилиб, Қандаҳор устига илғар, ушмуни мулоҳаза қилиб, Қосимбек тажрибалиқ киши муҳассилликлар била Қандаҳордин бизни кўчурди.

*Харчи дар оина жавон бинад,*
*Пир дар хишти пухта он бинад.*[727]

Келиб Носир мирзони Қандаҳорда муҳосара қилур. Бу хабар келгач, бекларни тилаб машварат қилилди.[728] Бу сўзлар орага туштиким, ўзбак ва Шайбоқхондек ёт эл ва қари душман жамиъ Темурбекнинг авлодининг илигидаги вилоятқа мутасарриф бўлдилар. Турк ва чиғатойдин[729] ҳар гўша ва канорда ҳам ким қолиб эдилар, баъзи рағбат била, баъзи қаҳр била ўзбакка пайваста бўлдилар. Бир мен Кобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқовамат қилмоққа мажол. Мунча қувват ва қудрат. Ўзумизга бир ер фикрини қилғулуқдур ва бу миқдор фуржа ва фурсатта қавий душмандин йироқроқ айрилғулуқтур, ё Бадахшон жониби, ё Ҳиндустон сори жазм қилмоқ керак. Бу икки тарафдин бир тарафға бормоқни жазм қилмоқ керак. Қосимбек ва Шиperimбек тавобии била Бадахшон бормоққа барин эдилар. Ул фурсатта Бадахшонда бош кўтарганлар бадахшонийлардин Муборакшоҳ ва Зубайр[730] эди. Яна Жаҳонгир туркман ва Муҳаммад қўрчи эди, Носир мирзони чиқариб эдилар, ўзбакка *(213 б)* ҳам кирмайдурлар эди.

Мен ва баъзи ички беклар Ҳиндустон тарафи бормоқни тaржих қилиб, Ламғонға мутаважжиҳ бўлдук. Қандаҳор фатҳидин сўнг Қалот ва Тарнук вилоятини Абдурраззоқ мирзоға иноят қилиб, Абдураззоқ мирзони Қалотда қўюлуб эди. Ўзбак Қандаҳорни келиб қабағоч, Абдураззоқ мирзо Қалотта тура олмай Қалотни солиб чиқти. Биз Кобулдин кўчган фурсатта келди. Кобулда Абдурраззоқ мирзони қўюлди. Бадахшонда чун подшоҳ ва подшоҳзодалардин киши йўқ эди,[731] Шоҳ бегимнинг мунособати била ё савобдийди била Мирзохон Бадахшон жонибиға майл қилди. Мирзохонға Бадахшон сори рухсат берилди. Шоҳбегим ҳам Мирзохон била мутаважжиҳ бўлдилар. Менинг холам Меҳр Нигорхоним ҳам Бадахшон бормоқ бўлдилар. Менинг била бўлмоғларининг муносабати кўпрак эди, туққонлари эдим, ҳар неча манъ қилилди, мамнуъ бўлмадилар. Улар ҳам тебрадилар.

Жумодиулаввал ойи Кобулдин Ҳиндустон азимати била кўчулди. Худ Кобул била юруб Сурх работ била Қуруқсойға энилди. Кобул била Ламғои орасидаги афғонлар амонликта ҳам дузд ва дузд афшордурлар, мундоқ вақойиъни худ тилаб топа олмаслар. Мени Кобулни ташлаб Ҳиндустонға борадур деб, бир ёмонликлари ўн бўлди, яхшилари ҳам ёмонликка эврулди. *(214 а)* Анга еттиким, Жигдаликдин кўчган сабоҳи ораликдаги (мисли хизр хайл, хирилжи ва хугиён) афғонлари Жигдалик куталини тусмак хаёл қилиб шимол тарафидаги тоғқа ясоб келиб, даблар чолиб, қиличлар ўйнаб — тикка қила бошладилар.[732] Отланғон била буюрдумким, черик эли тушлуқ-тушидин тоққа юругайлар. Черик эли ҳар қўл ва ҳар конгсор[733] била чопқон била мутаважжиҳ бўлдилар. Афғонлар бир замон тўхтаб, бир ўқ ҳам қўя олмадилар, коча бердилар. Афғонларни қавлаб тоққа чиқтим, бир афғон қуйи ёнимдин ёнлаб,

[726] Н: бош.
[727] «Ёш киши ойнага қараб нима кўрса, кекса одам хиштга қараб, ундан ҳам яхшироқ кўради».
[728] Қ: қилинди.
[729] Қ: Тожикдин.
[730] Қ: вазир.
[731] Қ: «Хон мирзони» сўзи бор.
[732] Қ: Тика қила ёздилар.
[733] Н: Қонгсор; Е: Хонгшор.

кочиб борадур, қулиға ўқладим.[734] Бу ўқ теккан афғонни, яна бир неча афғонни тутуб келтурдилар. Сиёсат учун баъзисини сихқа ўлтурғузулди.

Нингнаҳор туманига Одинапур қўрғонининг олиға тушулди. Бурунроқдин дурандишлик қилиб, ҳеч бир юрт фикрини қилилмайдур эди. Не бормоққа ере муқаррар, не турмоққа юрте муайян, юққори-қуйи яна бир хабар олғунча юрт тоза қилиб кўчулур эди. Кеч куз эди. Шолини тузларда аксар кўтариб эдилар. Ер билур кишилар арзга тегурдиларким, Алишанг туманининг руди юққори мил қанори шолини қалин экарлар. Черикка қишлиқ ошлиқ эҳтимоли борким, андин ҳосил бўлғай. Нингнаҳор жулғасидин отланиб, илдам келиб, Сойгилдин ўтуб, Пуройин дара *(214 б)* сиғача борилди, қалин шоли черик эли олдилар. Шолизорлари тоғнинг тубида эди, эли қочиб чиқти. Бир неча кофир қатлға борди. Пуройин дарасининг тумшуғидин бир неча йигитни сарқубқа чиқарилиб эди, ёнар маҳалда кофирлар тоғ устига илдам келиб ўқ қуйдилар. Қосимбекнинг куёви Пуройинни етиб, болту била чопиб олур маҳалда, яна йигитлар ёниб зўрлаб қочуруб, Пуройинни айириб олдилар. Куффорнинг шолизорида бир кеча қўнуб, қалин ошлиқ олиб ўрдуға келилди.

Ушбу айёмда Мандировар тумани навоҳисида Муқимнинг қизи Моҳчучукниким, ҳоло бу тарихда Шоҳ Ҳасаннинг никоҳидадур, Қосим кўкалдошқа ақд қилилди.

Чун Ҳиндустон жониби бормоқ салоҳи топилмади. Мулло Бобойи Пашоғарийни бир неча йигитлар била Кобулға йиборилди. Мандировар навоҳисидин кўчуб, Атар ва Севаға[735] келдук. Бир неча кун ул навоҳида ўлтурулди. Атардин Кунар ва Нургилни бориб сайр қилдим, Кунардин жолаға ўлтуруб ўрдуға келдим. Андин бурун жолаға ўлтурғон эмас эдим. Хейли хуш ёқти, мундин сўнг жола шоеъ бўлди.

Ушбу айёмда Мулло Мирак Фаркатий Носир мирзо қошидин келди. Шайбоқхон Қандаҳорнинг тош қўрғонини олиб, аркини ола олмай ёнғонини ва Шайбоқхон ёнғонидин сўнг баъзи жиҳатлардин Носир мирзо Қандаҳорни солиб, *(215 а)* Ғазниға келганининг хабарини машруҳ арз қилди. Бир неча кундин сўнг Шайбоқхон Қандаҳор устиға ғофилликта келур, тош қўрғонни беркита олмаслар, қуярлар, аркнинг гирдида неча ерда нақб солурлар, неча қатла уруш келтурурлар. Носир мирзонинг бўйнуға ўқ тегар, олаёвушқон экандурлар.[736] Ушмундоқ изтирор ҳолатида Хожа Муҳаммад Амин, Хожа Дуст Хованд, Муҳаммад Али пиёда, Шомий[737] қўрғондин ташлаб чиқарлар. Қўрғон эли маъюс бўлуб олдурур маҳалда Шайбоқхон сулҳ сўзини ораға солиб, Қандаҳор устидин қўпар. Қўпмоғининг жиҳати бу бўлурким, Қандаҳор устига келурда ҳарамларини Нератуга йибориб экандур, Нератуда бир киши бош кўтариб, қўрғонға мутасарриф бўлур, бу жиҳатдин сулҳгуна қилиб ёнар.

Бир неча кундин сўнг,[738] бовужудким, қиш ўртаси эди, Бодипеч йўли била Кобулға келдук. Бодипечнинг устида бир тошда буюрдимким, бу келур ва борурнинг тарихини қозғайлар. Ҳофиз Мирак битиди, Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарошлиқ қилди. Шитоб учун ободон қозилмади. Ғазнини Носир мирзоға иноят қилдим. Абдурраззоқ мирзоға Нингнаҳор тумани ва Мандировар ва Дарайи Нур ва Кунар ва Нургилни берилди. Ушбу тарихқача Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдумким, мени подшоҳ дегайлар.

Ушбу йилнинг охирида сешанба кечаси зилқаъда ойи *(215 б)* нинг тўртида офтоб ҳут буржида эди, Кобулнинг аркида Ҳумоюн[739] мутаваллид бўлди. Тарихи валодатини Мавлоно Саййидий[740] шоир «Султон Ҳумоюнхон» топиб эди. Кобул шоирчаларидин биров, «Шоҳи Феруз қадр» топиб эди, уч-тўрт кундан сўнг Ҳумоюн исми била мавсум бўлди. Ҳумоюннинг валодатидин беш-олти кундин сўнг Чорбоққа чиқиб, Ҳумоюннинг валодатининг тўйи бўлди. Бек ва бекот улуғ-кичик сочиқ келтурдилар, қалин оқ танга тўкулди, ондин бурун онча қалин оқ ёрмоқни бир ерда кўрулмайдур эди, хейли яхши тўй бўлди.

---

[734] Е: Ухладим.

[735] Атар ва Шева.

[736] Қ: Бу жумла йўқ.

[737] Л: соқий.

[738] Бу жумлалар ЕҚ нусхаларда мавжуд.

[739] Ҳумоюн — Бобурнинг биринчи ўғли, ҳижрий билан 913 йилда туғилганлигини шоирлар «Султон Ҳумоюнхон» ёки «Шоҳи фируз қадр» сўзларида «абжад» ҳисоби билан чиқарганлар. Қайси ой ва қайси кунда туғилганини Бобурнинг ўзи айтиб ўтади.

[740] РЕ: Маснадий.

## Вақоиъи санайи арбаа ашара ва тисъа миа*

Бу ёз Муқур навоҳисида Маҳманд афғоннинг бир бўлағини чопилди. Чопқундин келиб тушғандин неча кундин кейин Қўчбек ва Фақир Али Каримдод ва Бобо чуҳра қочар хаёли қилибтурлар. Хабар топиб, киши йиборилди. Истарғачнинг аёғидин олиб келдилар. Жаҳонгир мирзонинг тиригида ҳам булардин баъзи ярамас сўзлар арзға етиб эди, буюрдумким, барчани бозорбошида ясоққа еткургайлар. Дарвозаға элтиб, ип олиб осар маҳалда Халифани Қосимбек йиборибб, муболағалар била гуноҳларини тилади. Бекнинг хотири жиҳатидин қонларин бағишладим, зиндонга буюрдумким, солғайлар.

Ҳисорий Қундузийниким, *(216 а)* Хисравшоҳ навкари муғуллар улуғлари Чалма, Али Саййид Шакма, Шерқули, Эгу Солим, яна Хисравшоҳнинг чиғатойдин риоят қилғон навкарлари Султон Али чуҳра, Худобахш бошлиғ, яна туркмандин Суюндук ва Шоҳназар бошлиғ икки-уч минг ўбдон йигитлар бу муддатда бир-бирлари била сўзлашиб, сўзни бир ерда қўюб, ёмонлиқ мақомида бўлубтурлар. Бу мазкур бўлғонлар Хожа Ривожнинг олида Сўнг Қўрғон улангидин Чолок улангиғача ўлтуруб эдилар. Абдурраззоқ мирзо Нингнаҳордин келиб, Деҳи Афғонда ўлтурур эди. Бир-икки навбат буларнинг мундоқ терсанғанини Муҳиб Али қўрчи Халифа била Мулло Бобоға айтур, манга ҳам имое қилдилар. Инонғудек сўз эмас эди, парво қилилмади.

Бир оқшом чорбоғда девонхонада ўлтуруб эдимким, кеч намози хуфтанда ёндин Мусо Хожа яна бир киши била илдам келиб, қулоғимға айттиким, муғуллар таҳқиқ ёғийкмоқчи бўлдилар. Абдурраззоқ мирзони ўзларига қўшарни таҳқиқ билмадук. Буларнинг ҳам бу оқшом ёғийғури жазм эмас эди. Тағофул қилиб, бир лаҳзадин сўнғ ҳарам сари мутаважжиҳ бўлдум. Ул маҳалда, ҳарамлар Боғи Хилватда ва Боғи Юрунчқада[741] ўлтурурлар эди, ҳарамға ёвуқ етганда чурпа-чурия[742] ва ятиш эли ёндилар. Эл ёнғондин *(216 б)* сўнғ мен ва Сарварқул шаҳр сари юрудук. Хандақ йўли била Оҳанин дарвозасиға етиб эдимким, ул тарафдин Бозор йўли била Хожа Муҳаммад Али келди, била келиб мен ҳаммомнинг тоқининг...[743]

## Вақоиъи санайи хамса ва ишриа ва тисъа миа**

Душанба[744] куни, муҳаррам ойининг ғуррасида Чандовал жулгасининг оёғида қаттиқ зилзила бўлди. Андоқким, имтидоди ярим соати нужумийға яқинлашти. Тонгласиға бу юрттин кўчуб, Бажавр[745] қўрғониға зўрламоқ доияси била Бажавр қўрғонининг яқиниға тушуб, Дилазок афғонийдин бир муътабар кишини Бажаврға йибордукким, Бажавр султониға ва элиға насиҳат қилғайким, қуллуқ мақомида бўлуб, қалъани топшурғайлар. Ул жамъи бесаодати жоҳил насиҳатни қабул қилмай, паришон жавоблар йибордилар. Фармон бўлдуким, черик эли тўра ва шоту ва қўрғон олмоқ асбоби тайёр қилғайлар. Бу маслаҳат учун бир кун ўшул юртта ўлтурулди.

Панжшанба куни, муҳаррам ойининг тўртида буюрулдиким, черик эли жиба кийиб, яроғланиб, отланғайлар. Жавонғор илгари юруб, Бажавр қўрғонининг юққори ёнида сув киришида сувдин ўтуб, қўрғоннинг шимол тарафида тушғай. Ғул кишиси *(217 а)* қўрғоннинг ғарби шимолида сувни кечмай, ноҳамвор баландлиқ ва пастлиқ ерда тушғай. Буронғор қўйиғи дарвозанинг ғарбида тушғай. Дўстбек бошлиғ жавонғор беклари сувдин ўтуб, тушар маҳалда қўрғондин юз-юз элликча яёқ чиқиб, ўқ қўйдилар. Бу беклар дағи илгари юруб, отқулашиб, яёқларни қўрғонға тиқиб, фасил тубиға еткурдилар. Мулло Абдулмалик Хостий девонавор от била фасилнинг тубиға кириб юрур эди. Агар шоту ва тўра тайёр бўлуб, кун кеча бўлмаса эди, ўшал соат қўрғон олилур эди.

---

* Тўққуз юз ўн тўртинчи (1508—1509) йил воқеалари.

[741] ЕК: Турурутҳаға, Р: Юрунчқа.

[742] Қ: чурпа.

[743] Асарнинг бу боби барча мавжуд қўлёзма нусхаларда шу ерга етганда узилиб, тамомланмай қолган. Шундан кейинги 10-11 йиллик воқеалар ҳам йўқ.

** Тўққуз юз ўн бешинчи (1509—1510) йил воқеалари.

[744] Қ: шанба. [745]. Е: ўтуб Бажавр.

Мулло Турк Али ва Тенгрибердининг навкарлари ёғий била чопқулашиб, ғанимни олиб, бошини кесиб келтурдилар. Ҳар қайсисиға жулду ваъда бўлди. Бажавр эли, чун туфангни кўрмайдур эдилар,[746] туфанг унидин ҳеч парвойе қилмадилар, балки туфанг унини эшитгач, тамасхур қилиб, муқобалада шаниъ ҳаракатлар қилурлар эди. Ўшал куни Устод Алиқули беш кишини туфанг била отиб йиқди. Вали хозин ҳам икки кишини туфанг била йиқди. Ўзга туфангандозлар ҳам туфанг отмоқта бисёр жалодат кўрсатиб яхшилар оттилар. Қалқондин, жибадин, ғовсардин[747] ўткара-ўткара, йиқита-йиқита оттилар. Оқшомғача шоядким, етти секкиз-ўн бажаврий туфанг *(217 б)* била йиқилди. Андин сўнгра, андоқ бўлдиким, туфангнинг зарбидин бош чиқара олмаслар эди. Фармон бўлдиким, оқшом бўлубтур, черик асбобни тайёр қилиб, саҳар қўрғонға ёпушсунлар.

Одина куни, муҳаррам ойининг бешида фарз вақтида фармон бўлдуким, уруш нақораси чалиб, ҳар қайси ерлик-еридин юруб, қўрғонға ёпишкайлар. Жавонғор била ғул ўз бўлжорларидин якдаст тура киюруб,[748] шоту қўюб ёпиштилар. Халифа Шоҳ Ҳасан[749] арғун ва Аҳмад Юсуф бошлиқ тамом ғулнинг сўл қўлиға фармон бўлдиким, жавонғорға кўмак бўлғайлар. Қўрғоннинг шарқи-шимолий буржининг тубиға Дўстбек кишиси кириб, қазмоқ-йиқмоққа машғул бўлдилар. Устод Алиқули ҳам анда эди, ул кун ҳам яхшилар туфанг отти, икки қатла фаранги отти. Вали хозин ҳам бир кишини туфанг била йиқти. Ғулнинг сўл қўлидин Малик Али Қутбий шотуға бурун чиқиб, муддате ҳарб ва зарбқа машғул эди, ғул бўлжорида Муҳаммад Али жанг-жанг ва иниси Наврўз ҳар қайсиси бирор шотуға чиқиб найза ва қилич тегурдилар. Яна бир шотуға Бобо ясавул чиқиб, болту била қўрғоннинг томини йиқмоқ ва бузмоққа машғул эди, аксар йигитлар анда яхши юруб, қалин шиба *(218 а)* уруб, ғанимни бош чиқарғали қўймадилар. Яна баъзи йигитлар ёғийнинг ҳарб ва зарбидин ҳеч парвой қилмай, ўқи била тошини зарра кўзга илмай, қўрғон тешмак била бузмоққа машғул ва машъуф эдилар. Чошт бор эдиким, шарқи-шимолий буржким, Дўстбекнинг кишиси қозадур эди, тешилиб, Дўстбекнинг кишиси ғанимни қочуруб, бурж устиға чиқтилар. Ўшал замон ғул кишиси ҳам шотудин қалъаға чиқтилар, ғулдин ул қўрғонға чиқти. Тенгри таолонинг лутфу инояти била мундоқ мазбут ва мустаҳкам қўрғон икки-уч соати ҳужумийда фатҳ бўлди. Йигит-яланг улча имкони жид ва эҳтимом эди, зоҳир эттилар ва баҳодурлуқ оти ва нек ном ҳосил айладилар.

Бажавр эли чун боғий эдилар, ислом эли била ёғий эдилар, бовужуди боғий ва душманлиқ куффор русуми бу эл ичида шойиъ эди ва ислом ойини ул хайл арасида зойиъ бўлуб, қатли омға бориб, аҳл ва аёллари тамом асир бўлди. Тахминан уч мингдин кўпрак киши қатлға борубтур. Чун шарқ сари уруш тушмайдур эди, озроқча киши шарқ тарафидин қочиб чиқтилар.

Қўрғон фатҳ бўлғондин сўнг, кириб қўрғонни сайр қилилди. Томларда ва уй ва кўчаларда ва кўйларда бениҳоят ўлук ётиб эди, ўтгувчи-кетгувчи ўлукларнинг устидин убур ва мурур қилурлар эди. Сайрдин ёниб, султонлари *(218 б)* нинг уйида ўлтуруб, Бажавр вилоятини Хожа Калонға иноят қилдук. Кўмак учун ўбдон йигитлардин қалин[750] киши таъйин қилиб, намози шом ўрдуға келилди.

Тонгласи кўчуб, Бажаврнинг жулғасида Бобоқаро чашмасиға тушулди. Ҳар неча бандиким қолиб эди, Хожа Калоннинг шафоати била гуноҳларин бағишлаб, аҳл ва аёлларини аларға қайтиб рухсат берилди. Баъзи султонлари ва саркашлариким, иликка тушуб эди, ясоққа етди.

Султонларининг боши била бир неча бош бу фатҳ хабари била Кобулға йиборилди. Бадахшон ва Қундуз ва Балхқа ҳам фатҳномалар била бошлар йиборилди. Шоҳ Мансур Юсуф Зайиким, Юсуф Зайидин келиб эди, бу фатҳда ва бу қатли омда бор эди, тўн кийдуруб, Юсуф Зайига сиёсатлар била фармонлар битиб, рухсат берилди.

Бажавр қўрғонининг муҳиммотидин хотиржам қилиб, сешанба куни муҳаррам ойининг тўққузида кўчуб, бирор куруҳ қуйироқ ушбу Бажавр жулғасида-уқ тушуб, бир баландида калла манора буюрулди.

Чаҳоршанба куни, муҳаррам ойининг ўнида сайр қила отланиб, Бажавр қалъасиға бориб, Хожа

[746] Л: Бу уч сўз йўқ.
[747] Н: Говсарудин.
[748] Е: кетуруб.
[749] Қ: Ҳусайн.
[750] Н: кишисини.

Калоннинг уйида шурб мажлиси бўлди. Бажавр навоҳисидағи кофирлар бир неча тулунда чоғирлар келтурдилар. Бажаврнинг чоғири ва меваси тамом навоҳисидағи кофиристондин келур. *(219 а)* Кеча анда бўлуб, сабоҳи қўрғоннинг бурж ва борусини[751] мулоҳаза қилиб, отланиб, ўрдуға келдим.

Тонгласи кўчуб, Хожа Хизр рўди ёқасиға тушулди, андин кўчуб Чандовал рўди ёқасиға туштук. Фармон бўлдиким, Бажавр қўрғониға кўмак битилган эл бебоқий Бажаврға борғайлар.

Якшанба куни, ойнинг ўн тўртида Хожа Калонға туғ иноят қилиб, Бажавр қўрғониға рухсат берилди. Хожа Калонға рухсат бергондин бир-икки кун сўнг буғина китъа хотирға келди. Хожа Калонға битилиб йиборилди.

*Қарору аҳд ба ёр инчунин набуд маро,*
*Газид ҳажру маро кард беқарор охир.*
*Ба ишваҳои замона чи чора созад кас,*
*Бажавр кард жудо ёрро зи ёр охир.*[752]

Чаҳоршанба куни, муҳаррам ойининг ўн еттисида Султон Аловуддин Саводий Султон Вайс Саводийнинг муоризи келиб, мулозамат қилди. Панжшанба куни, ойнинг ўн секкизида Бажавр била Гандовал аросидағи тоғни овладук. Бу тоғнинг буғу, марали қоп-қора ранглик бўладур. Қуйруғу яна бир ўзгача ранглик, ғолибо мундин қуйи Ҳиндустон буғу, марали тамом қоп-қора бўлур. Ушбу кун яна бир сариқ қуш тушти, ул дағи қора эди. Кўзлари ҳам қора эди. Ушбу кун бурғут бир кийик олди.

Черик элида ошлиқ камроқ бўлуб эди, Каҳрож дарасиға *(219 б)* бориб, ошлиқ олиб, Саводқа Юсуф Зайи афғонийнинг устиға юрумак азимати била одина куни кўчуб, Чандовал суви била Бажавр суйининг қотилиши била Панжкура суйининг оралиғиға тушулди.

Шоҳ Мансур Юсуф зайи бир неча хушхўр ва пуркайфият камоли келтуруб эди. Бир камолини уч бўлуб, бир ҳиссани мен едим, бирини Гадойи тағойи, яна бирини Абдулло китобдор: ғариб гузаро кайфият қилди, ул мартабадаким, намози шомда беклар йиғилғонда кенгашга чиқа олмадим. Ажаб нимадур, эмдилар ўшал жинс камолидин бирини дуруст ейилса, маълум эмаским, анинг ярмича кайфият қилғай.

[751] Е: бору.

[752] Менинг ёр билан аҳду қарорим бундай эмас эди-ку? Охирда ҳажри чақиб, беқарор қилди мени. Замона ишваларига киши нима чора қилади? Охирда Бажавр ёрни ёрдан жудо қилди.

Андин кўчуб, Каҳрож дарасининг ва Пешгром дарасининг оғизиға ёвуқ Панжкуранинг олиға тушулди. Ушбу юртта эканда қор ўшуктин ёғди. Бу орада аҳёнан қор ёғар экандур, эл таажжуб қилдилар.

Султон Вайс Саводийнинг иттифоқи била черик маслаҳати жиҳатидин Каҳрож элиға тўрт минг харвор ошлиқ таҳмил бўлди. Бу ошлиқ таҳсилиға Султон Вайсни йиборилди. Рустойи куҳий эл ҳаргиз мундоқ таҳмилларни тортғон эмаслар. Ошлиқ бера олмай, бузулдилар.

Сешанба куни, ойнинг йигирма учида черикни Ҳиндубекка бошлатиб, Панжкураға чопқун йиборилди. *(220 а)* Панжкура тоғнинг ўртасидин юққорроқ воқиъ бўлубтур. Бир қуруҳка ёвуқ добон чиқмоқ керак, то Панжкуранинг кентларига киши етгай. Эл кочиб чиқиб эдилар, бир пора гала қораларини ва уйларидин калин ошлиқларини келтурдилар. Тонгласи черикни Қўчбекка бошлатиб чопқун йиборилди.

Панжшанба куни, ойнинг йигирма бешида черик эли ошлиқ олур маслаҳати жиҳатидин, Каҳрожнинг дарасининг ичига Мондиш кентлариға тушулди.

Ҳумоюндин сўнгра Ҳумоюн била бир туққон неча фарзанд бўлди, турмади. Ҳиндол ҳануз туғмайдур эди. Бу навоҳиларда эканда Моҳимдин хат келди, битибдурким, ҳоҳи ўғул бўлсун, ҳоҳи қиз, менинг бахту толиим — манга беринг, мен фарзандчилай сахлай.

Одина куни, ойнинг йигирма олтисида ушбу юртта эканда Ҳиндолни Моҳимға бериб, хатлар битиб, Юсуф Али рикобдорни Кобулға йиборилди. Ушбу юртта эканда, Мондиш вилоятида даранинг ўртасида бир баланди устида улуғ суфа тош била ясалдиким, оқ уй пешхонаси била сиғди. Бу суфанинг тошларини тамом ичкилар ва сипоҳийлар ташидилар. Бу сўзнинг тафсили будурким, чун анинг била туққонлардин ул замонғача бир ўғулким бор эди, андин кичик, ўзга боридин улуғ яна уч қиз; бири Меҳржон, яна иккиси кичикликда турмадилар. Ва бир туққон ҳаваси хейли бор эди. Ул замонда Дилдор оғачанинг бўйи оғир эди. Мен дер эдимким, не бўлғай эди, анга бир туққон бўлса эди. Ҳазрат волида дедиларким, ағар Дилдор оғача ўғул тукса, олиб асрасам нечукдур? Мен дедим: бисёр хўбтур.

Ғолибо зуафо орасида фоле расмдурким, ўғул бўлурми, ё қиз бўлурму экин, деб икки коғазда

бирида Али ё Ҳасан битиб, яна бирида Фотима битиб, икки кулула балчиқ ичида қуюб, ул балчиқларни бир аёғ сув ичиға қуярлар. Ҳар қайси бурна очилса андин истидлол қилурлар: эр келса, эр бўлур, қиз келса, қиз бўлур дерлар, фол қилдилар, эр келди. Чун мужда бўлди, анинг юзидинуқ хат битиб йибордук.

Неча кундин сўнгра эр ўғул Тенгри карам қилди, хабардин бурна уч кун туққондин сўнгра онаси олидин хоҳи ва нахоҳи олиб уйимизга келтуруб сахлабтурлар. Чун валодатининг хабарини йибордук. Бҳирани олғонда бу хабар етар, таяммунан ва тафаъулан[753] отини Ҳиндол қуйдилар. Бу муносабатлардин манга ҳам инидур ва ҳам фарзанд.[754] Юсуф зайи афғонидин[755] Малик Шоҳ Мансур Малик Сулаймон шоҳнинг ўғли келиб эди. Давлатхоҳлик *(220 б)* мақомида эди, Юсуф зайи улусининг маслаҳатиға анинг қизини тилалиб эди. Бу юртда хабар келдиким, Шоҳ Мансурнинг қизи била Юсуф зайининг моли keладур. Намози шомда чоғир суҳбати бўлди, суҳбатта Султон Аловуддинни чорлаб ўлтурғузуб, хосса хилъат иноят бўлди.

Якшанба куни, ойнинг йигирма секкизида кўчуб, Қаҳрож дарасидин чиқиб туштук. Товусхон Юсуф зайи Шоҳ Мансурнинг иниси, мазкур бўлғон биродарзодасини бу юртта келтурди. Бисут[756] элининг Бажавр қўрғонида муносабати бор жиҳатидин бу юрттин Юсуф Али баковулни йиборилдиким, кўчуруб Бажавр қўрғониға келтургай. Кобулда қолғон черикка фармонлар битиб йиборилдиким, келгайлар.

Одина куни, сафар ойининг учида Панжкура суйи била Бажавр суйининг қотилишиға тушулди.

Якшанба куни, ойнинг бешида бу юрттин Бажавр бориб, Хожа Калон уйида чоғир суҳбати бўлди.

Сешанба куни, ойнинг еттисида бекларни ва дилазок афғонлари улуғларини тилаб, кенгашиб, сўзни мунга қуюлдиким, йил охир бўлубтур, ҳутға бир-икки кун қолубдур, туздаги ошлиқни тамом кўтарибтурлар. Бу фурсатда Саводқа борсак, черик эли ошлиқ топмай танқислиқ бўлғусидур. *(221 а)* Анбаҳир ва Панийалий[757] йули била юруб, Ҳашанғарнинг юққори ёни била Савод суйини ўтуб, Юсуф зайининг синғири Моҳура[758] тўғриси туздаги ўлтурғон афғонларниким, Юсуф ва Муҳаммад зайи бўлғай, илғоб чопмоқ керак.

Яна йил эртароқ ошлиқ вақтида келиб, бу афғонларнинг фикрини барасл қилмоқ керак. Сўзни мунга қуюб, тонгласи, чаҳоршанба куни Султон Вайс ва Султон Аловуддинға отлар ва хилъатлар иноят қилиб, истимолатлар ила рухсат бериб, кўчуб, Бажавр тўғриси тушулди. Шоҳ Мансурнинг қизини черикдин мурожаат қилғунча Бажавр қўрғонида қуюлди.

Тонгласи кўчуб, Хожа Ҳизрдин ўтуб тушдук. Хожа Калонға бу юрттин рухсат берилди. Уруқ отлуқ била ортуқси черик масолиҳини ва оғир партолни Кунар йули била Ламғонға йиборилди.

Тонгласи кўчуб, оғир партол ва тевани Хожа Мирмиронға бошлатиб, Жарғоту ва Дарвоза йули била ва Қаро куба кўтали била йибориб, ўзимиз жарида отлиқ била илғоб, Анбаҳир кўтали била ошиб, яна бир улуғ кўталдин ҳам ошиб, намози шомдин[759] эртарак Панийалий тушулди. Ўғонбердини бир неча киши била тил олғали илгаррак йиборилди. Чун афғонлар била орамиз ёвуқ эди, эрта кўчмадук. Чошт бор эдиким, Ўғонберди келди. Бир афғонни олиб, бошини кесибтур, *(221 б)* келурда бошини йўлда тушурубтур, кўнгул тилагудек таҳқиқ хабар келтурмади.

Туш бўла кўчуб, Савод суйини ўтуб, намози дигардин эртароқ тушулди. Намози хуфтанда отланиб, илдам юрудук. Офтоб бир найза бўйи чиққанда Рустам туркманниким, қаравуллуққа йиборилиб эди, хабар келтурдиким, афғонлар хабардор бўлуб, кўзғолишибтурлар. Бир пора афғон тоғ йули била борадур. Муни эшитгач, илдамроқ юруб, чопқунчини илғаррак айирдук, бориб, бир неча афғонни ўлтуруб, бошларини кесиб, бир пора асир ва уй ва ғалаларини келтурдилар. Дилазок афғонлари ҳам бир неча бош кесиб келтурдилар.

Ёниб, Котланг навоҳисиға тушулди. Урукниким, Хожа Мирмирон бошлаб келадур эди, ўтрусиға бошчи йиборилдиким, Мақомда келиб, бизга қўшулғай.

Тонгласи кўчуб, Котланғ била Мақомнинг орасиға тушулди. Шоҳ Мансурнинг кишиси келди. Хисрав кўкалдош ва Аҳмадий парвоначини бир пора киши била уруқ ўтрусиға йиборилди.

[753] Қ: Тафолан.

[754] Л: Бу жойлар тушган.

[755] Қ: Авғондин; Е: авғонидин.

[756] Қ: Биҳсут.

[757] Қ: Понимол.

[758] Қ: Мамура.

[759] Л: Бу ибора йуқ.

Сешанба куни, ойнинг ўн тўртида Мақомға тушганда урук келиб қўшулди. Ушбу уттуз-қирқ йилда Шаҳбоз қаландар отлиқ бир мулҳид бор экандур, Юсуф Зайнинг бир жамоатини ва Дилазоқнинг бир жамоатини мулҳид қилғон ушбу қаландар экандур.

Мақомнинг тоғининг тумшуғида бир парча паст роқ тоғ *(222 а)* воқиъ бўлубтур, тамом даштларға мушриф, хейли пурфазо ва мадди назарлиқ баланди воқиъ бўлубтур. Шаҳбоз қаландарни қабри анда эди, сайр қилиб келиб, мулоҳаза қилилди. Хотирға кечтиким, мундоғ ҳаволиғ ерда мулҳид қаландарнинг қабри бетақрибдур, буюрдумким,[760] бузуб, ер била ҳамвор қилдилар. Чун хейли сафолиқ ва ҳаволиқ ер эди, маъжун ихтиёр қилиб, бир замон анда ўлтурулди.

Бажаврдинким ёнилди, Бҳира хаёли била ёнилиб эди, то Кобулға келиб эдук, ҳамиша Ҳиндустон юруши хаёлида эдук, баъзи мавониъ жиҳатидин муяссар бўлмас эди. Бажавр черикиниким, уч-тўрт ой черикладук, черик элининг илгига муътамад нима тушмади.

Чун Ҳиндустоннинг сарҳади Бҳира ёвуқ эди, хотирға кечтиким, филҳол жарида кирсак, черик элининг илигига бир нима тушса, бу хаёл била ёниб, афғонларни чопиб, Мақомға тушганда, баъзи давлатхоҳлар арзға еткурдиларким, Ҳиндустонға кирилур бўлса, бар бунёдлиқ кирилса: баъзи черик Кобулда қолди. Бир пора ўбдон йигитларни Бажаврда қуйолди. Ламғонға ҳам отлари оруғлиғидин қалин черик ёнди. Мунда келганларнинг ҳам отлари андоқ хароб турким, бир кун қатрар мажоли қолмайдур.

Агарчи бу сўзлар маъқул эди, чун бу азимат қилилиб эди, бу ҳисобларға боқмай, эрта била *(222 б)* кўчуб, Синд суйининг гузари сари мутаважжиҳ бўлдук. Синд дарёсининг гузарини кўргали Мир Муҳаммад жолабонни оға-иниси била яна бир неча йигитларни буларға қўшуб, юққори-қуйи гузар кўргали йиборилди.

Ўрдуни дарё сари юрутуб, мен Савоти тарафиким, Каркхона ҳам дерлар, карг овлоғали бордим, бир неча карг пайдо бўлди. Вале жангали қалин эди, жангалдин чиқмади. Бир бузовлиқ карг тузга чиқиб, қоча берди, хейли ўқ урулди, жангал ёвуқ эди, ўзини жангалға солди. Жангалға ўт солдилар, ул карг худ топилмади. Яна бир карг бузови ўтга қуюб, типрачилаб ётадур эди, буғузлаб, ҳар киши шибронға[761] олди. Савотидин ёниб, хейли саргардонлиқ тортиб, намози хуфтанда ўрдуға келдук. Гузар кўра борғонлар, гузар кўруб келибтурлар.

Тонгласи, панжшанба куни, ойнинг ўн олтисида от ва тева била ва партол била кечиттин кечилди. Ўрду бозори ва яёқ ва эшакни жолабонлар била кечурдилар. Ушбу кун гузар бошида эканда нилобийлар келиб, тўққуз от[762] ва уч юз шоҳрухий пешкаш қилиб кўрдилар.

Эл тамом кечгач, ушал намози пешин-ўқ кўчуб, кечанинг бир посиғача юруб, Качакот сувининг ёвуғиға тушулди. Андин эрта кўчуб, Качакот сувини ўтуб, туш қотила Сангдаки кўталини ошиб *(223 а)* тушулди. Саййид Қосим эшик оғо чоғдовул эди. Кейиндин ўрду[763] кейинча келадурган гужурларни тутуб, бир неча бош кесиб келтурди.

Сангдакидин саҳар кўчуб, кеч намози пешин Суҳон сувини ўтуб тушулди. Ўрдунинг кейини тун ярмиғача кела қолди, маҳкам узоқ кўч эди. Отнинг бемажоллиғи ва ориқлиғи маҳалли, бисёр зўр бўлди, хейли от қолди.

Бҳирадин етти куруҳ шимол сари бир тоғ тушубтур. Бу тоғни «Зафарнома»да ва баъзи китобларда «Кўҳи Жуд» битибтурлар, важҳи тасмияси маълум эмас эди, сўнгралар маълум бўлди: бу тоғда бир ота наслидин икки хил эл бор. Бирини жуд дерлар ва бирини жанжуҳа. Бу тоғдағи ва Нилоб била Бҳира орасидағи эл ва улуска булар қадимдин ҳоким ва фармонраво бўла келгандурлар. Вале ёрона ва биродарона ҳукумат қилурлар, ҳарне хотиралари тиласа ола олмаслар. Бир кесим йўсунлуқ қадимдин ҳар нимаким муқаррар қилибтурлар, буларнинг олиши ва уларнинг бериши бу муқаррардин[764] ортуқ ва уксук бўлмас. Муқаррарлари будурким, қўш бошидин бир шоҳрухий берурлар. Кадхудолиқда етти шоҳрухий берурлар, черикларига ҳам борурлар. Жуд ҳам неча шуъба бўлубтур, жанжуҳа ҳам.

Бу тоғким Бҳиранинг етти куруҳида воқиъ бўлубтур, Кашмир[765] тоғларидинким, Ҳиндукуш тоғи ушбу *(223 б)* тоғлар била пайваст тоғлардур, айрилиб, ғарби-жануб сари тортиб бориб, Динкотнинг аёғида Синд дарёсиға мунтаҳий бўлубтур. Ушбу тоғнинг ярмида жуддур, ярмида жанжуҳа. Бу

[760] Қ: бурдукким.

[761] Қ: широлға.

[762] Л: бир кечимлик от.

[763] Н: кўч.

[764] Қ: муқаррариларидин; Е: муқаррарлардин.

[765] ҚН: Кишмир.

тоғии Жудқа мансуб қилиб, Кухи Жуд дебтурлар. Булардин бир муътабар улуғи раай хитоб топар. Узга ини-уғлини малик дерлар. Бу жанжуха Лангархоннинг тағойилари булур. Сухон суйининг навохисидағи эл ва улуснинг хокимининг оти Малик Хаст эди, асли оти Асаддур. Хиндустонийлар мундоқ харакатларни гох сокин уқурлар, нечукким, «хабар»ни, «хабр» дерлар, «асад»ни «асд» дептурлар, бора-бора «хаст» булубтур.

Лангархонни Малик Хаст Жанжухаға тушгачук йиборилди. Қатроб бориб, иноят ва шафқатимиздин умидвор қилиб, намози хуфтанда олиб келди. Бир кежимлик от пешкаш келтуруб, мулозамат қилди. Йигирма икки-йигирма уч ёшда булғай эди. Буларнинг гала-қоралари урдунинг гирд ва навохисида бисёр эди. Чун хамиша Хиндустон олмоқ хотирда эди, бу бир неча вилоятларким, Бхира ва Хушоб ва Чаноб ва Чанут булғай, неча махал турк[766] тасарруфида эди, буларни худ мулкимиздек тасаввур қилур эдук. Зур била ё сулх била узимизнинг мутасарриф булуримизға мутаяққин эдук. Бу жихаттин бу тоғ эли била яхши маош қилмоқ вожиб ва лозим эди. *(224 а)* Фармон булдиким, хеч ким буларнинг гала-қоралариға, балки ин учи, игна синуғлариға атроф ва навохида зарар ва нуқсон еткурмасун.

Андин эрта кучуб, намози пешин Калдакахорға келиб туштук. Атроф ва навохида қалин хавидзор эди. Бу Калдакахор тавр ери воқиъ булубтур. Бхиранинг ун куруҳида, Жуд тоғининг орасида хамвор ере тушубтур, бу хамвор ернинг уртасида бир улуғ кулдур, атрофдағи тоғлардин ёмғур сувлари йиғилиб, бу кул булубтур, гирдо-гирди уч куруҳға ёвушғай. Шимолида яхши уланг воқиъ булубтур. Ғарбида тоғ доманасида чашмадур, бу чашма суви баландилларғаким, бу кулға мушрифдур, ултурур учун қобил ер эди, боғе солдим. Боғи Сафоға мавсум, хейли хушхаво ва сафо ер воқиъ булубтур. Нечукким шархи келгусидур.

Калдакахордин сахар отланилди. Хамтоту[767] куталининг бошида бир неча ерлик эл мухаккар пешкаш била келиб, мулозамат қилдилар. Абдуррахим шиғовулға келган кишини қушуб, Бхира йиборилдиким, Бхира элиға истимолат бериб дегайким, бу вилоятлар қадимдин туркка[768] тааллуқ була келгандур, зинхор таваххум ва дағдаға узлариға йул бериб, элни бузулғали қуймасунларким, бу вилоят ва эл била ёкимиз[769] бордур, талон ва торож булмағусидур.

Чошт кутал тубиға тушуб, *(224 б)* Қурбон Чархий, Абдулмалик Хостий[770] бошлиғ етти-саккиз кишини илгари хабар олғали йиборилди. Илгари борғонлардин Мир Мухаммад Махдийхожа бир киши келтурди пешкаш била келиб, мулозамат қилди. Лангархонга қушуб, истимолат жихатидин Бхира элиға йиборилди. Куталдин ошиб, жангалдин чиқиб, буронғор, жавонғор, ғул, ясол била Бхира сари мутаважжих булдуқ. Бхирага ёвуқ етган махалда Давлатхон Дэва Хинду яна Сектунинг уғли Бхиранинг арбоблари била келиб, бир-бир от, пешкаш қилиб, мулозамат қилдилар. Намози пешин була Бхира элиға зарар ва захмат тегурмай, Бхиранинг шарқида Бахат суйининг ёқасида бир зорда[771] тушулди.

Темурбек Хиндустонға кириб чиққаи(дин) бери бу неча вилояткким, Бхира ва Хушоб ва Чаноб[772] ва Чиниват булғай, Темурбекнинг авлодининг тавобиъ ва лавохиқи тасарруфида эди. Шохрух мирзонинг набираси Суюрғатмиш мирзонинг уғли Султон Масъуд мирзонингким, Кобул ва Зобул аёлат ва хукумати ул фурсатта анга тааллуқ учун, Султон Масъуд Кобулий дерлар эди. Тарбияткардаларидин Мир Алибекнинг уғлонлари Бобойи Кобулий ва Дарёхон *(225 а)* ва Опокхонким, сунгра Ғозихон дерлар эди, Султон Масъуд мирзо ва уғли Али Асғар мирзодин сунг мутағаллиблик била Кобул ва Зобул ва бу мазкур булғон Хиндустондағи вилоят ва парганаларға мутасарриф булуб эдилар. Султон Абусаъид мирзо замонида Кобул ва Ғазни буларнинг тасарруфидин чиқти. Хиндустондағи вилоятлар буларнинг тасарруфида эди.

Тарих туққуз юз унда[773] Кобулға аввал келган йиликим, Хиндустонға кирмоқ доияси била Хайбардин утуб, Паршовар[774] келганда Боқи Чағонийёнийнинг саъйи била қуйиғи Бангаш сариким, Кухат булғай, юруб, қалин Афғонистонни чопиб, кириб, Банну ва Даштни талон-торож қилиб, Дуки била чиқилди.

Ул фурсат Бхира ва Хушоб ва Чаноб хукума-

---

[766] Е: бизинг.
[767] Қ: Хамботу.
[768] Е: бизга.
[769] Яқинлигимиз булса керак.
[770] Қ: Қастин.
[771] «Сабзазорда» булса керак.
[772] Қ: Жонот.
[773] Милодий 1504—1505 йил.
[774] Қ: Пашовар.

ти Мир Алининг набираси Ғозихоннинг ўғли Саййид Алихонға тааллуқ эди. Искандар Баҳлулнинг отиға хутба ўқуб, анинг итоатида эди. Ул черик чериклаганидин мутаваҳҳим бўлуб, Бҳирани ташлаб, Баҳат сувидин ўтуб, Бҳира кентларидин Ширкотни ўлтуруб ери ясаб эди. Бир-икки йилдин сўнг бизнинг жиҳатимиздин Саййид Алихон била афғон бадгумон бўлди. Ул ҳам бу сабабтин дағдаға ва таваҳҳум ўзиға йўл бериб, бу вилоятларни Давлатхон Татархон Юсуф хайлғаким, Лаҳўр ҳокими ул вақт ул *(225 б)* эди, топшурди. Давлатхон улуғ ўғли Алихонга Бҳирани бериб эди, ул чоғ Бҳира Алихоннинг тасаррufида эди. Давлатхоннинг отаси Татархон олти-етти сардордин бирисидурким, хуруж қилиб, Ҳиндустонға мутасарриф бўлуб, Баҳлулни подшоҳ қилдилар. Саҳринд ва Сатлуж дарёсининг шимолий вилоятлари тамом бу Татархонда эди. Бу вилоятларнинг жамъи уч куруҳдин кўпроқ бўлур. Татархон ўлгандин сўнг, Султон Искандар подшоҳлиғида бу вилоятни Татархоннинг авлодидин олиб эди. Мен Кобул вилоятиға келган тарихдин бир-икки йил бурунроқ бир Лаҳўрни-ўқ Давлатхонға бериб эди.

Тонгласи баъзи муносиб ерларға чопқунчи йиборилди. Ушбу кун Бҳирани сайр қилдим. Сангархон Жанжуҳа ушбу кун келиб, от пешкаш қилиб, мулозамат қилди.

Чаҳоршанба[775] куни, ойнинг йигирма иккисида Бҳиранинг улуғларини ва чавдариларини тилаб, бу юртта тўрт юз минг шоҳрухий[776] моли амон қарор берилиб, муҳассиллар таъйин қилилди. Дағи, отланиб, сайр қилиб, кемага кириб, маъжун едук. Бҳира ва Хушоб ўлтурушлуқ булужларға Ҳайдар аламдорни йиборилиб эди. Панжшанба сабоҳи бир гулбодом тупчоқ пешкаш қилиб, мулозамат қилдилар. Арзға еттиким, черик эли Бҳира элиға бесарлиқ ва дастандозликлар қиладурлар. *(226 а)* Кишилар йибориб, бесарлиқ қилғон элнинг баъзисини ясоққа еткуруб, баъзисини бурнини тешиб, ўрдудин эврурдилар.

Одина куни Хушоб элидин арзадошт келди. Шоҳ Ҳасан ва Шоҳ Шужоъ арғун таъйин[777] бўлдиким, Хушобға борғай.

Шанба куни, ойнинг йигирма бешида Шоҳ Ҳасанни Хушобға йиборилди.

[775] Л: Панжшанба куни.
[776] Қ: минг шоҳрухий.
[777] Б: Арғунни.

Якшанба куни андоқ ёмғур ёғдиким, тамом тузларни сув тутти. Бҳира била ўрду тушган боғлар орасида озғина шўр сув эди. Намози пешингача арзи бир улуғ дарёча бўлди. Бҳиранинг ёвуғида бир тиргаз отими ердин кўпроқ гузар йўқ эди, уздуруб ўтар эдилар, икки намоз орасида кирган сувларни сайр қила отландим.

Ёғин ва чопқун андоқ бўлдиким, яна ёниб ўрдуға келмакка таваҳҳум бўлди. Икки намоз орасида ўшул кирган сувни уздуруб ўттум. Черик элига ҳам бисёр таваҳҳум бўлди. Аксар эл ўтоқларини ва оғир партолларини ташлаб, жиба ва кийим-яроғларини эгниларига олиб, от яланғочлаб, уздуруб ўттилар. Тузларини тамом аксар сув тутуб эди. Сабоҳи дарёдин кемаларни[778] келтуруб, аксар черик эли чодирларини ва партолларини кема била ўткардилар. Тушга ёвуқ Қўчбекнинг кишиси бир шаръий сув юққори бориб, гузар топтилар. Қолғон эл гузар била ўттилар.

Бҳиранинг қўрғонининг ичидаким, Жаҳоннамо *(226 б)* дерлар, бир кун туруб, сешанба сабоҳи кўчуб, ёмғур ва сел тараддудидин Бҳиранинг шимол сари ёнидағи баландиларнинг остиға тушулди. Тақаббул ёрмоғида эҳмол қиладурлар эди, тўрт саркор қилиб, бекларга буюрулдиким, эҳтимом қилиб, буткаргайлар. Бир саркор Халифаға таъйин бўлди, яна бир саркор Қўчбекка, яна бир саркор Дўст Носирға, яна бир саркор Саййид Қосим била Муҳиб Алиға.

Чун турк ўлтурушлуқ вилоятларни ўзумизнинг тасаввур қилиб эдук. Ул жиҳаттин талонторож бўлмади. Ҳамиша элнинг сўзи бу эдиким, агар мусолаҳа жиҳатидин элчи борса, туркка тааллуқ вилоятларға музояқа қилмоғуларидур.

Панжшанба куни, рабиулаввал ойининг ғуррасида бу жиҳаттин Мулло Муршидни Султон Иброҳимғаким, отаси Султон Искандар ўшул беш-олти ойда ўлуб, Ҳинд салтанати мунга тегиб эди, элчиликка таъйин қилиб бир қарчиғай йибориб, қадимий туркка тааллуқ вилоятларни тиладук. Давлатхонға битилган хатларни ва Султон Иброҳимға битилган хатларни топшуруб, оғиз сўзларни доғи айтиб, Мулло Муршидға рухсат берилди. Бу Ҳиндустон эли, алалхусус афғонлар ажаб хуш ва хираддин йироқ ва раъй ва тадбирдин йироқ эллар бўлур эрмиш, не ёғийлиқ юруш ва турушин қила олдилар, не дўстлуқ роҳ *(227 а)* ва равишин била

[778] Л: Бу жойлари тушган.

олдилар. Борғон кишимизни Давлатхон неча кун Лаҳурда сахлатиб, не ўзи кўрди ва не китобатни Иброҳимға йиборди. Неча ойдин сўнг борғон кишимиз ҳеч жавоб топмай Кобулға келди.

Одина куни, ойнинг иккисида Шайбоқ пиёда била Дарвеш Али пиёдаким, ҳоло туфангандоздур, Кобулдин арзадоштлар келтуруб, Ҳиндолнинг туққон хабарини ҳам келтурдилар. Ҳинднинг тасхири замонида бу хабар келган учун, шугун тутуб, Ҳиндол от қўйдум. Қанбарбек ҳам Балхдин Муҳаммад Замон мирзонинг арзадоштларини келтурди.

Тонгласи девон тарқағондин сўнг сайрға отланиб, кемага кириб, арақ ичилди. Мажлис аҳли Хожа Дўст Ҳованд, Хисрав Мирим, Мирзоқули Муҳаммадий, Аҳмадий, Гадойи, Нуъмон Лангархон, Рўҳдам, Қосим Али тарёкий; Юсуф Али, Тенгриқули кеманинг боши сари толор бор[779] эди, усти ҳамвор, мен бир неча киши била мунда ўлтуруб эрдим. Яна бир неча киши толорнинг остида ўлтуруб эдилар, кеманинг қуйруғи сари ҳам ўлтурур ер бор эди, Муҳаммадий ва Гадойи ва Нуъмон анда ўлтуруб эдилар. Намози дигаргача арақ ичилди. Арақнинг бадхўрлиғидин мутанаффир бўлуб, бу юздагиларнинг иттифоқи била маъжун ихтиёр қилдук. Кеманинг ул учидагилар маъжун еганимизни *(227 б)* билмадилар, арақ-ўқ ичтилар.[780]

Кемадин намози хуфтанда отланиб, кеч ўрдуға келдук. Муҳаммадий била Гадойи мени арақ ичадургон хаёл қилиб, шойиста хизмате қилалинг деб, арақ кўзасини от устида навбат била кўтаришиб, ғариб нашъа ва башошат била кириб келдилар, ҳамин дедиларким, мундоқ қоронғу кечада кўзани ўзумиз навбат била кўтариб келдук. Сўнгра маълум қилдиларким, суҳбат ўзгача эмиш ва кайфият ўзгача. Жамиъ маъжуний ва жамиъ соғирмаст. Чун ҳаргиз маъжун суҳбати била чоғир суҳбати рост келмас, бисёр мунфаил бўлдилар. Мен дедимким, суҳбатни барҳам урманг, арақ ичарға кўнгуллук киши арақ ичсун, маъжун ерга кўнгуллук киши маъжун есун. Ҳеч ким бир-бирига таъарруз била гуфтугў қилмасун. Баъзи арақ ичтилар, баъзи маъжун едилар. Бир замон такаллуф била суҳбате тутулди. Бобожон[781] Қўнбузийким, суҳбатда йўқ эди, оқ уйга келганда ани тиладук, арақ ичмак истидъо қилди, Турди Муҳаммад қипчоқни ҳам тилаб, мастлар била ҳамсуҳбат қилдук. Чун маъжун суҳбати била ҳаргиз арақ ва чоғир суҳбати рост келмас, мастлар ҳар тарафдин паришон гуфтугў қила кириштилар, аксар таарруэлари маъжун ва маъжунийлар била эди. Бобожон ҳам маст бўлуб, ғалаба паришонлар айтти. Турди Муҳаммадқа ҳам мастлар тўла-тўла аёқларни пайдарпай бериб, оз фурсатда масти лояъқул қилдилар. Ҳар неча саъй ва ислоҳ *(228 а)* мақомида бўлдук, баҳам етмади. Шалойинлиқ хейли бўлди. Суҳбат бемаза бўлди, ҳар сариға тарқаштилар.

Душанба куни, ойнинг бешида Бҳира вилоятини Ҳиндубекка берилди.

Сешанба куни Чаноб вилоятини Ҳусайн икракка иноят қилиб, Ҳусайн икракка ва Чаноб элига рухсат бердук. Бу фурсатда Саййид Алихоннинг Минучеҳрхон отлиқ ўғликим, Ҳиндустондин бизни деб юққориғи йўл била келадурганда, Татар Гаккарга йўлуқур. Муни қўймай сахлаб, қизини бериб, куёв қилур. Неча маҳал анинг била эди, келиб мулозамат қилди.

Нилоб била Бҳира тоғлари оралиғида Жуд ва Жанжуҳанинг халойиқидин бошқа Кашмир тоғлариға пайваста жат ва гужур ва ул тавойифдин яна қалин эллардурким, ҳар қўлда ва ҳар пуштада кентлар ясаб ўлтурубтурлар, буларнинг ҳокими ва улуғи гаккар қабиласидур. Буларнинг улуқлуғи ҳам Жуд ва Жанжуҳанинг улуқлуғидектур. Бу тоғларнинг доманасидағи халойиқнинг улуқлуғи ул тарихда бир ота ўғли Татар гаккар била Ҳаатий гаккарда эди, аммзодалар эди. Буларнинг берк ерлари обкандлар ва жарлар бўладур. Татарнинг ерининг оти Парҳола эди, қорлуқ тоғдин хейли қуйироқ эди. Ҳаатийнинг вилояти тоққа пайвастдур. Коланжарниким, Бобухон *(228 б)* Бисутқа тааллуқ эди, ани ҳам Ҳаатий ўзига боқтуруб эди. Татар Гаккар Давлатхонни кўруб эди. Филжумла итоатгуна қилур эди, Ҳаатийни кўрмайдур эди. Фитна ва фасод мақомида эди. Татар Ҳиндустон бекларининг иттифоқи ва сўзлари била келиб, йироқроқтин Ҳаатийни қабағон йўсунлуқ қилиб, ўлтуруб эди.

Ушбу фурсатлардаким, биз Бҳирада эдук, ов баҳонаси била ғофиллиқта Ҳаатий Татарнинг устига юруб ўлтуруб, вилоятини ва ҳарамларини бўлғонини илкладук. Намози пешин сайрға отланиб, кемага кириб, арақ ичилди, аҳли мажлис Дўстбек

---

[779] Е: ёпилиб.

[780] Қ: «ичтилар»дан сўнг «хаёл қилдилар» бор.

[781] Л: Бобохон.

ва Мирзоқули, Аҳмадий Гадойи, Муҳаммад Али жанг-жанг асас, Ўғонберди Мўғул, аҳли нағма: Руҳдам, Бобожон, Қосим Али, Юсуф Али, Тенгриқули, Абулқосим, Рамазон лўли намози хуфтанғача кемада ичиб, намози хуфтан кемадин маст тофиҳ чиқиб отланиб, машъални илгимга олиб, дарё ёқасидин ўрдуғача отнинг бу юзиға эгилиб, гоҳ ул юзиға эгилиб, якжилов чопиб келибтурмен, ғариб маст экандурмен. Тонгласиға мундоқ машъал олиб, ўрдуғача якжилов келганимни шарҳ қилдилар. Асло хотиримға келмади. Уйга келганимда хейли истифроғ қилибтурмен.

Одина куни сайр қила отланиб, кема била сувдин ўттук. Ул юздағи боғот ва шугуфаларни ва найшакар экилган ерларни тафарруж қилиб, далв ва чархларини кўруб, сув тортиб чиқармоқ кайфиятини сўруб, *(229 а)* балки муқаррар сувлар торттурдук. Сайр асносида маъжун ихтиёр қилилди. Андин ёниб келиб, кемага[782] кирилди. Минучеҳрхонға дағи маъжун берилиб эди, андоқ маъжуний бўлуб эрдиким, икки киши қўлдаб, турғузуб эдилар. Бир замон сувнинг ўртасида кемага лангар солиб турулди. Андин сўнг сув қуйи хейли борилди. Муддаттин сўнг яна кемани юқори боқа торттурдук. Ул оқшом кемада-ўқ уйқулаб, саҳарга ёвуқ ўрдуға келдук.

Шанба куни, рабиулаввал ойининг ўнида офтоб ҳамалға таҳвил қилди. Ушбу кун намози пешин сайр қила отланиб, кемага кириб арақ ичилди. Аҳли мажлис Хожа Дўст Хованд, Дўстбек, Мирим, Мирзо Қули, Муҳаммадий, Аҳмадий, Юнус Али, Муҳаммад Али жанг-жанг, Гадойи тағойи, Мир Хурд асас, аҳли нағма: Руҳдам, Бобожон, Қосим Али, Юсуф Али, Тенгриқули, Рамазон. Бир шохобға кириб, муддате сув * қуйи борилди, Бҳира тўғрисидин хили[783] қуйироқдин чиқиб, кеч намоз вақтида ўрдуға келдук.

Ушбу кун Шоҳ Ҳусайн Хушобдин келди. Чун элчи йибориб, қадимдин туркка тааллуқ вилоятларни тилаб, мусолаҳа ораға солилиб эди, тавжиҳ қилғон ярмоқлар аксар иликка тушди. Иссиқ ҳам ёвушти. Ҳиндубекка кўмак Шоҳмуҳаммад муҳрдорни, яна баъзи муносабатлиқ йигитларни таъйин қилиб, ҳар қайсиға фарохўр ҳолларига яраша *(229 б)* важҳи истиқомат муқаррар ва муайян бўлди. Лангархонғаким, бу юрушларга сойиъ ва боис ул эди, Хушобни иноят қилиб, туғ бериб, муни ҳам Ҳиндубекка кўмак муқаррар қилдук. Бҳирада бўлғон турк ва ерлик сипоҳийларнинг дағи важҳ ва улуфаларини орттуруб, Ҳиндубекка кўмак қўйдук. Бу жумладин бир Минучеҳрхон эдиким, оти мазкур бўлди, яна Назар Али турк эди, Минучеҳрхоннинг уруғ-қаёши бўлур эди, яна Сангархон Жанжуҳа ва Малик Ҳаст Жанжуҳа эди.

Вилоят ишини мусолаҳа умиди била бир навъе қарор бериб, якшанба куни, рабиул-аввал ойининг ўн бирида Бҳирадин кўчуб, Кобулға мурожаат қилдук. Қалдақаҳорға келиб тушулди. Ул кун ҳам ғариб ёмғур эди. Кепанаклик, кепанаксиз киши баробар эди. Ўрдунинг кейини кеч намози хуфтанғача кела қолди. Бу ер ва мулкнинг обутобини билур кишилар, алалхусус, Жанжуҳаким, Гаккарнинг қадимий душмани эди, арз қилдиким, Ҳаатий Гаккар оралиқта ёмон киши воқиъ бўлубтур. Йўлни ул урар, элни ул бузар. Андоқ қилмоқ керакким, бу орадин кетгай, ё анга гўшмоли янбағи етгай.

Бу иттифоқ била тонгласиға Хожа Мирмиронни ва Мирим Носирни ўрду била таъйин қилиб, улуғ чоштта ўрдудин айрилиб, Ҳаатий гаккарнинг устиғаким, ўшул неча кунда Татарни ўлтуруб, вилояти Паролаға[784] мутасарриф бўлуб, Паролада эди, *(230 а)* нечукким мазкур бўлди, илғадук.

Намози дигарда тушуб, отқа бўғуз бериб, намози хуфтанда ул ердин отланилди. Бошчи Малик Ҳастнинг Сурупо отлиқ гужур навкари эди. Кеча йўлни озиқиб, саҳарға ёвуқ тушулди. Бек Муҳаммад мўғулни ўрдуға ёндурулди. Ёруғ бўлғонда отланилди. Чошт жиба кийиб, илдам юрудук, бир шаръий қолғонда Пароланинг * саводи кўрунди. Чопқунчи қўюлди. Буронғор Пароланинг[785] шарқий тарафи борди, Қўчбекким, буронғор эди, буронғорнинг орқасиға кўмак йиборилди. Жавонғор кишиси, ғул кишиси, Пароланинг устига-ўқ тиқилиб борди. Дўстбекни жавонғорнинг Пароланинг устига борғон кишининг орқасиға кўмак йиборилди.

Парола жарларнинг[786] орасида воқиъ бўлубтур. Икки йўли бор, бири шарқи-жануб йўлидурким, биз бу йўл била келдук, жарлар усти била

[782] ҚН: Парола.
[783] Л: Бу жойи тушган.

[784] ҚН: Парола.
[785] Қ: чопқунчи.
[786] Л: «Жарларнинг» тушган.

келур. Икки тарафида обканд жарлар воқиъ бўлубтур. Пароланинг ярим куруҳидин йўл андоқ бўлуркимм, дарвозасиға етгунча тўрт-беш ерда икки тарафтин жар қилиб,[787] якраҳа бўлубтуркимм, бир тиргаз отими чевуруб бормоқ керак. Яна бир йўли ғарби-шимолий тарафидиндуркимм, бир кенг қўлнинг ичи била келиб, Паролаға чиқар, бу ҳам якраҳадур. Ўзга ҳеч тарафдин йўли йўқтур. Агарчи фасили ва кунгураси йўқдур, вале зўр келтургудек ери ҳам йўқтур. Атрофи етти-секкиз-ўн қари *(230 б)* якандоз жардир.

Илгаррак жавонғор кишиси танғилардин ўтуб, дарвозаға тиқилиб борди. Ҳаатий ўттуз-қирқча отлуқ жибалиқ, кежимлик киши била қалин яёғи била чопқунчини ёндуруб солди. Дўстбеккимм, чопқунчининг орқасиға кўмак эди, етишиб, яхши зўрлаб, кўп кишисини тушуруб ёғийни бости. Ҳаатий Гаккар ул орада мардоналиқ била машҳурдур. Ҳар неча жадал қилди, бўлдура олмай қочти. Чун бу танғиларда тўхтай олмади, қўрғониға етгач, қўрғонини ҳам беркита олмади. Чопқунчи кейнича-ўқ қўрғонға кирдилар. Бу Парола қўрғонининг тангиси ва жаридин ғарби-шимоли саридин югурдилар, Ҳаатий жарида кочиб чиқти. Мунда ҳам Дўстбек яхши борди, жулду Дўстбекнинг отиға бўлди.

Мен ўшул замон Парола қўрғониға кириб, Татарнинг уйлариға туштум. Чопқун қўяр маҳалда менинг била турарға муқаррар бўлғон кишилардин баъзи чопқунға борур эдилар, ул жумладин, Амин Муҳаммад тархон арғунни ва Қорачани бу журмона жиҳатидин Сурупо отлиқ гужурни бошчи қўшуб, ўрдунинг рўбарўсиға бесарупо саҳро ва биёбонға йиборилди. Тонгласиға ғарби-шимоли жардин ўтуб, хавидзорға тушулди. Вали хизоначиға бир неча ўбдон йигитни қўшуб, ўрду олиға йиборилди.

Панжшанба куни, ойнинг ўн бешида кўчуб, Андаробағакимм,[788] Суҳон суйининг ёқасидадур, тушулди. *(231 а)* Бу Андароба қўрғони Малик Ҳастнинг отасиға қадимдин тааллуқ экандур, Ҳаатий Гаккар Ҳастнинг отасини ўлтурғондин сўнг, бузулубтур, ул фурсатта бузуқ эди.

Намози хуфтанда Калдакаҳордин айрилғон ўрду кишиси келиб қўшулди. Ҳаатий Татарни олғонда Парбат отлуқ уруғини кежимлик от ва пешкаш била манга йиборгандур, учрамай, кейин қолғон ўрду элиға йўлуқуб уруқ била келиб, пешкашларини бериб, мулозамат қилди. Лангархонкимм, баъзи муҳимлар учун Бҳирадин кейин қолғон уруқ била келиб эди, муҳимларни рост қилиб, баъзи ерлик эл била Бҳираға рухсат берилди.

Доғи кўчуб Суҳон сувидин ўтуб, бир пушта устиға тушулди. Ҳаатийнинг уруғи Парбатға хилъат кийдуруб, Ҳаатийға истимолат фармонлар битиб, Муҳаммад Али жанг-жангнинг навкарини йиборилди. Бобо Дўст ва Ҳалоҳил бошлиғ Ҳумоюннинг неча навкарини Нилобқа ва Қорлуқ ҳазорасиғакимм, Ҳумоюнға берилиб эди, доруғаликқа келиб эдилар. Сангар қорлуқ ва Мирза Малвий қорлуқ бошлиқ ўттуз-қирқча киши қорлуқ улуқларни олиб келдилар. Бир кежимлик от пешкаш қилиб, мулозамат қилдилар. Дилазок афғонийнинг ҳам чериги келди.

Эртаси андин кўчуб, икки шаръий келиб тушулди. Бир баландиға чиқиб, ўрдуни мулоҳаза қилиб, буюрдук *(231 б)* кимм, ўрду тевасини санағайлар, беш юз етмиш тева чиқти.

Сунбул дарахтининг таърифи эшитилиб эди, бу юртта кўрдук. Бу тоғ доманасида сунбул дарахти озроқтур. Бирор-бирор бўладур. Илгаррок Ҳиндустон кўҳ доманасида сунбул дарахти қалин бўладур, улуқ бўладур. Ҳиндустоннинг ҳайвонот ва набототини зикр қилғонда мазкур бўлғусидур.

Бу юрттин наҳора вақти кўчуб, чошт бўла Сангдоки кўталининг тубиға тушуб, намози пешин андин кўчуб, кўтал ва рўдтин ўтуб, бир баландиға тушулди. Андин ярим кеча кўчуб, Бҳира борурда ўтган гузарни сайр қила борилиб эди. Ўшул ўтган гузарда бир улуғ ошлиқ жоласи лойлабдур, эгалари ҳар неча қилиб жолани тебрата олмайдурлар. Бу ошлиқни олиб, бизнинг била бўлғонларға улашилди. Асру дармаҳал ошлиқ эди.

Тушга ёвуқ келиб, Кобул суви била Синд сувининг қотилишидин қуйироқ кўҳна Нилобдин юққорроқ икки сувнинг орасиға тушулди. Нилобдин олти кема келтуруб, буронғор, жавонғор, ғулға қисмат қилилди. Бажид сув ўтмакка машғул бўлдилар. Биз келган душанба куни ва сешанба охшоми ва сешанба куни ва чаҳоршанба охшоми чаҳоршанба куниғача сув кеча қолдилар. Панжшанба куни ҳам оз-оғлоқ киши сув кечти.[789] Нилобдин кечгондин сўнг *(232 а)* Ҳаатий-

[787] Н: қисилиб.

[788] Л: Андзор, Андазона.

[789] Л: Бу жойлари чалкашиб кеттан. Қ, 6. дан олинди.

нинг Парбат отлуқ уруғиниким, Андароб[790] навоҳийсидин Муҳаммад Али жанг-жангнинг навкарини қўшуб, Хаатийға йиборилиб эди, сув ёқасида келиб, Хаатийдин бир кежимлик от пешкаш келтурди. Нилоб эли ҳам бир кежимлик от пешкаш келтуруб, мулозамат қилдилар.

Муҳаммад Али жанг-жангнинг Бҳирада турмоққа ҳаваси бор эди, Бҳира чун Ҳиндубекка иноят бўлди, Бҳира била Синд дарёсининг орасидаги вилоятларни ва элларни, мисли, Қорлуқ, Ҳазора ва Хаатий ва Ғаёсвол ва Кеб[791] Муҳаммад Али жанг-жангга иноят бўлди. Раиятликка бўюн қўйғон раиятлик қилғай. Ҳар еру ҳар вилоят бўюн қўймаса:

*Ҳар кимки бўюнни[792] қўймаса, они тийғай,*
*Чопқой, талағай, мутиъу мунқод этгай.*

Бу иноятлардин сўнг Муҳаммад Али жанг-жангға хосса қора махмал бошлиқ,[793] қалмоқи жиба бериб, туғ ҳам иноят бўлди. Хаатийнинг уруғиға рухсат бериб, Хаатийға қилич ва бош-оёқ ва истимолат фармонлари йиборилди.

Панжшанба куни, офтоб чиққонда сув ёқасидин кўчулди. Бу кун маъжун ейилди. Ғариб гулзорлар маъжунноклиқта тафарруж қилдук. Сариқ арғувоний парча-парча ерларда якдаст сариқ гуллар очилибтур.[794] Яна баъзи ерларда афшон қилғандек дарҳам очилибтур. Ўрду ёвуғида бир баланди устида ўлтуруб, гулзор тафарружи *(232 б)* қилдук. Тарроҳлиқ қилғандек бу тепанинг олти тарафида бир дафъа сариқ ва бир дафъа арғувоний гул хат-хат мусаддас шаклда очилибтур. Икки тарафда гул озроқ эди, кўз кор қилғунча ушмундоқ гулзор эди. Паршоварнинг[795] навоҳисида баҳор вақти яхши гулзорлар бўладур.

Саҳар ул юрттин кўчдук, келурда дарё ёқасидин бир шер[796] ғирқираб чиқти, отлар шер унини эшитгач, беихтиёр ҳар сариға элни олиб, титраб, жар ва чуқурға ўзини ташлади. Ёниб, яна жангалға кирди. Буюрдукким, говмиш келтуруб, жангалға солиб, шерни чиқарғайлар. Яна ғирқираб чиқти, ҳар тарафтин ўқладилар, мен ҳам ўқладим. Холвий[797] пиёда найза била санчарда найзанинг синонин[798] ушата тишлади. Шер қалин ўқ еб, бутаға сиқиниб туруб эди, Бобо ясовул қилич суғуриб, яқин юруб эди, шер ҳамла қилурда, бошиға чопти. Андин сўнг Али Сийстоний белиға чопти, шер ўзини дарёға солди, сув ичида-ўқ ўлтурдилар. Сувдин чиқариб, терисин, буюрдукким, олғайлар.[799]

Эртасиға кўчуб, Бигромға етиб, Гуракатрийни тафарруж қилдук. Бир савмаа йўсунлуқ торроқ ва қоронғу уйгинадур. Эшикдин киргач, икки-уч зина қуйи тушгач, узалиб ётиб кирмак керак, шамъсиз кириб бўлмас. Бу уйнинг гирд ва навоҳисида соч ва соқолким қирқибтурлар, бениҳоят ётибдур. Бу Гура *(233 а)* катрийнинг атрофида бир мадраса ҳужраларидек хейли ҳужралар бордур. Кобулға аввал келган йиликим, Куҳат ва Банну ва Даштни чопилди, Бигромда улуғ бир йиғочни тафарруж қилиб, Гуракатрийни кўрмаганга таассуф ер эдук, хейли таассуф егудек ер эмас эмиш. Ушбу кун менинг бир яхши шаҳбозим (йўқолди) ким, Шайхим Миришкор сахлаб эдиким, турнани ва лаклакни асру хўблар олиб эди, икки-уч туллаб эди. Андоқлар олиб эдиким, мендек ҳавассиз кишини қушчи қилиб эди.

Малик Бухон[800] ва Малик Мусо бошлиқ Дилазок афғонлари улуғлариға олти кишиға юзар мисқол кумуш, бирар тўнлуқ парча, учар уй, бирар говмуш Ҳиндустон савғотидин бериб, ўзгалариға ҳам фароҳўр ҳоллари ярмоқ ва парча ва гову говмуш иноят бўлди. Али Масжидқа тушганда, Маъруф отлиқ Дилазок Яъқуб хайли баъзи ошлиқ ўн қўй, икки харвор гурунч, секкиз улуғ панир пешкаш келтурди.

Али Масжидтин Ядабир тушулди, Ядабирдин Жўйи Шоҳийға намози пешин етиб тушулди. Ушбу кун Дўстбекка муҳриқ иситма бўлди. Жўйи Шоҳийдин саҳар кўчуб, Боғи Вафода тушланиб, намози пешин Боғи Вафодин тебрадук. Гандамакнинг Сиёҳ обидин ўтуб, кеч намози шомда бир ҳавидзорда тушуб, отларни тўйғозуб, бир-икки гарийдин сўнг отланиб, Сурхобдин ўтуб, *(233 б)* Каркда тушуб, уйқуладук.

Тонг отмасдин бурун яна отланиб, Қуратунинг йўли айрилишидин мен беш-олти киши била Қуратуда солғон боғни тафарруж кўра бордим. Халифа ва Шоҳ Ҳасанбекни ва ўзга элни

---

790 ЕҚ: Андроба; Л: Андрона.
791 Қ: Китиб; Р: Лакиб.
792 РЕҚ; бўюн.
793 Н: бошлиқ хосса.
794 Л: Бу иборалар йўқ.
795 Қ: Пашовар.
796 Л: Бабр, кейингилари шундай.
797 Қ: Нухой.

798 Н: Сининин.
799 Л: илғайлар.
800 Қ: Тархон.

туғри йул била йиборилдиким, Қуруқсойда манга таваққуф қилғайлар. Қуратуға етганда Шоҳбек арғуннинг Қизил отлиқ тавочиси Шоҳбекнинг Кохонни олиб, талаб, ёнғон хабарини келтурди. Фармон андоқ эдиким, ҳеч ким илгари хабар этмагай.

Намози пешин бор эдиким, Кобулға етдук. Қутлуққадамнинг кўпругига етгунча ҳеч ким хабардор бўлмади. Андин сўнгра Ҳумоюн била Комрон хабар топиб, от мингунча фурсат бўлмади, чуҳраларига кўтартиб, шаҳр дарвозаси била арк дарвозаси орасиға келиб, мулозамат қилдилар. Намози дигарда Қосимбек ва шаҳр қозиси ва Кобулда қолғои мулозимлар ва арбоблар келиб, мулозамат қилдилар.

Одина куни, рабиулохир ойининг ғуррасида намози дигарда чоғир мажлиси бўлди. Шоҳ Ҳасаиға хосса бош-аёқ иноят қилдим.

Шанба саҳари кемага кириб, сабуҳий қилдук. Нурбек бу суҳбатта уд чолур эди, ул вақт тойиб эмас эди. Намози пешин кемадин чиқиб Гулкина била тоғнинг орасидаги боғни сайр қилиб, намози дигар Боғи Бинафшага келиб ичилди. Намози шом Гулкина тарафидин фасилидин чиқиб,[801] аркка келдим.

Сешанба кечаси, ойнинг бешида, Дўстбекким, йўлда *(234 а)* тунда иситиб эди, Тенгри раҳматиға борди. Басе мутаассир ва мутаъаллим бўлдук. Дўстбекнинг наъшини Ғазниға элтиб, Султоннинг равзасининг эшикининг олдида қўйдилар. Дўстбек хейли яхши йигит эди, беклигида ҳануз тараққий қилур эди. Беглигидин бутун ичкиликларида неча қатла яхшилар борди. Ул жумладин, бир мартаба Андижоннинг бир йиғочи Работи Заврақда Султон Аҳмад Танбал шабихун келганда, мен ўн-ўн беш киши била юруб, чопқунчисини уруб ёндуруб, ғулиға етганда юзча киши била туруб эди, ул[802] фурсатта уч киши қолдиким, менинг била тўрт бўлғой, ул учдин бириси Дўст Носир эди, яна бири Мирзоқули кўкалдош, яна бири Каримдод. Мен-ўк жибалаб эрдим. Танбал яна бир киши била ясолидин эшиклик-тувурлук илгаррак туруб эди, мен Танбал била рўбарў бўлдум, бир ўқ дубулғасига[803] тегар урдум, яна бир ўқ қалқонини қарибчиси била қўклай урдум. Бир ўқ бутумға ўткара оттилар. Танбал бошимға чопти. Ажабдурким, бошимда дубулға бўрки эди, бир тори кесилмади, вале бошимға хейли яра бўлди. Яна ҳеч кўмак етмади, менинг била ҳеч ким қолмади, зарурат бўлуб, жилов ёндурдум. Мендин кейинрак Дўстбек эди, мендин ўтуб, ани чопибдур. Яна Ахси *(234 б)* дин чиқар маҳалда Боқи ҳез билаким, агарчи ҳез дерлар эди, вале қиличи маҳкам эрклик эди, чопқулашти. Ахсидин чиққонда, мен секкиз киши била қолғонда ҳам била эди. Икки кишидин сўнг Дўстбекни тушурдилар.

Бекликларида Суюнчукхон султонлар била келиб, Тошкентда Аҳмад Қосимни қабағонда аларни бостуруб кирди. Қаболда яхши жонлар тортти. Аҳмад Қосим буларға хабар қилмай, солиб чиқти. Анда ҳам хонлар, султонларни бостуруб, Тошкендтин яхши чиқти. Яна сўнгра Ширим тағойи ва Мазид ва алар ёғиққонда Ғазнидин икки-уч юз киши била илғоб келатурғонида бу муғуллар уч-тўрт юз ўбдон йигитларни Дўстбекнинг олиға йибордилар. Шарукон навоҳисида олиға борғонларни яхши босиб, қалин киши тушуруб, ғалаба бош кесиб келтурди. Бажавр қўрғонини ҳам Дўстбекнинг кишиси элдин бурунроқ етишиб, фасилға чиқти. Паролада ҳам Дўстбек юруб, Ҳаатийни босиб қочурди. Парола фатҳ бўлди. Дўстбекнинг фавтидин сўнгра вилоятини иниси Мирим Носирға иноят қилдим.

Одина куни, рабиулохирнинг секкизида қўрғондин Чорбоғқа чиқилди.

Сешанба куни, ойнинг ўн иккисида Султон Ҳусайн мирзонинг улуқ қизи Муҳаммад Султон мирзонинг онаси Султоним бегимким, бу фатратларда Хоразмға тушуб эди, Йилибарс *(235 а)* Султоннинг иниси Эсанқули Султон Султоним бегимнинг қизини олиб эди, Кобулға келдилар. Алар ўлтурғали Боғи Хилват таъйин бўлди. Ул боғда тушгандин сўнг мен бориб кўрдим. Чун эгачи эдилар, таъзим ва эҳтиромлари жиҳатидин юкундум, алар ҳам юкундилар, юруб орада кўрушулди. Сўнгралар доим бу қоидани маръий тутарлар эди.

Якшанба куни, ойнинг еттисида Бобо Шайх ҳаромнамакниким, хейли муддат бандта эди, гуноҳини афв қилиб, бандтни чиқариб, хилъат инъом бўлди.

Сешанба куни, ойнинг ўн тўққузида туш қайта Хожа Сеёрон сариға отланилди.[804] Бу кун рўза эдим, Юнус Али ва алар таажжуб қилиб деди-

[801] Е: туруб.
[802] ЕК: бу.
[803] Н: дулғасиға.
[804] Н: отланилдилар.

ларким, сешанба куни ва сайр ва рўза — бу ғарибтур. Беҳзодға[805] келиб, қозисининг уйига тушулди. Кечаси суҳбат ангизи бўлди. Қози арзға еткурдиким, менинг уюмда мундоқлар бўлғон эмас, подшоҳ ҳокимдурлар. Бовужудким, мажлис асбоби муҳайё бўлуб эди, қозининг истирзойи хотири учун, ичку бартараф бўлди.

Чаҳоршанба куни Хожа Сеёронға борилди.

Панжшанба куни, ойнинг йигирма бирида боғ солғон тоғнинг тумшуғида улуғ гирд суфа солдурдук.

Одина куни кўпрукдин жолаға ўлтурдук. Сайёдларнинг уйларининг тўғрисиға етганда, сайёдлар бир данг[806] деган қушни тутуб экандурлар, келтурдилар. Мундин бурун дангни кўрулган *(235 б)* эмас эди, ғариб ҳайъатлиқ қуштур, шарҳи Ҳиндустон ҳайвонотини зикр қилғонда келгусидур.

Шанба куни, ойнинг йигирма учида бу гирд суфанинг устига чанор ниҳоли ва тол ниҳоли дарҳам тикилди. Намози пешин чоғир суҳбати бўлди, саҳари ушбу янги гирд суфанинг устида сабуҳий қилдук. Тушдин сўнгра отланиб, Кобулға мутаважжиҳ бўлдук. Хожа Ҳасанға кела мастлиқда етиб лаҳза уйхуладук. Хожа Ҳасандин отланиб, ярим кеча Чорбоғқа келилди.

Хожа Ҳасанда мастлиқ ҳолатида, Абдулло тўн уфроғи била ўзини сувға солди. Отланғонда кечрак бўла совуқға тўнгуб кела олмади. Кечаси Қутлуқ Хожанинг тиюлида бўлуб, тонгласи ўтган куннинг беэътидоллиғидин мутанаббиҳ бўлуб, тоиб келди. Мен дедим, филҳол ул навъ тавба муяссар бўлғай, ё йўқ, бори филҳол мундоқ тавба қилким, менинг суҳбатимдин ўзга ерда ичмагайсан. Қабул қилди. Бир неча ой бу қоидани маръий тутуб, ўзига бўлдура олмади.

Душанба куни, ойнинг йигирма бешида, Ҳиндубекким, Бҳирада ва ул вилоятларда * сулҳ умиди била қуюлуб эди, келди.[807] Сулҳ ва салоҳ сўзлариға қулоқ солмай, бизнинг сўзларимизни кўзга илмай, қулоққа олмай, биз ёнғоч-ўқ қалин афғон ва ҳиндустонийни йиғиб, Ҳиндубекнинг устига Бҳирага юруди. Ерлик эл ҳам афғонлар сари эврулди. Ҳиндубек Бҳирада тура олмай, Хушоб келиб, Динкут вилоятининг ораси била Нилоб келиб, *(236 а)* Кобулға келди. Дэва Ҳинду Сектунинг ўғли ва яна ҳар ҳиндуким, Бҳирадин банд қилиб келтурулуб эди, муҳимларини бирор нима бериб қатъ қилдилар. Бу ҳиндуларға отлар, бош-аёқлар инъом қилиб, рухсат берилди.

Одина куни, ойнинг йигирма тўққузида баданимда иситма ҳарорати зоҳир бўлди. Фасд қилдим. Кун олуш,[808] гоҳи икки кун оша, гоҳи уч кун оша иситур эдим. Ҳар иситқонда ғарқи арақ бўлмағунча иситма қўймас эди. Ўн-ўн икки кундин кейин, Мулло Хожаго мамэуж чоғирни наргис била берди, бир-икки қатла ичтим. Фойда ҳам қилмади.

Якшанба куни, жумодиулаввал ойининг ўн бешида Хожа Муҳаммад Али Хосттин келди. Бир эгарлик от пешкаш қилиб, тасаддуққа ёрмоқ ҳам келтурди. Муҳаммад Шариф мунажжим ва Хост мирзолари ҳам Хожа Муҳаммад Али била келиб, мулозамат қилдилар. Тонгласи, душанба куни Мулло Кабир Кошғардин келди. Андижон вилоятидин Кошғар била эврулуб, Кобулға келибтур.

Душанба куни, ойнинг йигирма учида Малик Шоҳ Мансур Юсуф Зайи олти-етти Юсуф Зайининг улуғлари била Саводдин келиб, мулозамат қилди.

Душанба куни, жумодиуссоний[809] ойининг ғаррасида Шоҳ Мансур бошлиқ Юсуф Зайи афғонийнинг улуғлариға хилъатлар кийдурулди, Шоҳ Мансурға қумош тўн, жиба ва тугмаси била, яна бирига ялаклик[810] қумош тўн, яна олти кишига қумош тўнлар кийдуруб, рухсат берилди. Андоқ муқаррар бўлдуким, Абуҳадин[811] юққори Савод вилоятиға дахл қилмағайлар ва жамиъ *(236 б)* раиятларни ичларидин чиқарғайлар, яна Бажавр ва Саводта экан афғонлар олти минг харвор ошлиғ девонға тушургайлар.

Чаҳоршанба куни, ойнинг учида жуллоб ичтим. Яна икки кун жуллоб ичтим.

Шанба куни, ойнинг олтисида доруйи кор ичтим.

Душанба куни, ойнинг саккизида Халифанинг улуғ қизиға Қосимбекнинг кичик ўғли Ҳамзанинг сочиғи кирди. Минг шоҳрухий эди. Бир эгарлик от ҳам тортти.

Сешанба куни Шоҳ Ҳасан Шоҳбек чоғир суҳбатиға рухсат тилаб, Хожа Муҳаммад Али бошлиқ баъзи беклар била ичкиларни уйига элт-

805 РЕ: Беҳзодийға.
806 РЕ: дик.
807 Л: тушиб қолган.

808 Қ: асно. Е: ашо.
809 жумодиулохар.
810 Қ: билаклик.
811 Қ: Анух.

ти. Юнус Али ва Ғадойи тағойи менинг қошимда эдилар. Мен ҳануз чоғирдин парҳез қиладур эдим. Дедимким, ҳеч андоқ бўлмайдурким, мен хушёр ўлтуруб, жамиъ чоғир иртикоб қилғайлар ва мен соп-соғ туруб, бир бўлак ўзини масти шароб қилғайлар. Келинг, менинг қошимда ичинглар, мен замоне тафарруж қилай, хушёрлар била мастларнинг ихтилот ва омизиши нечук бўлурин билай. Чанор боғининг эшигида солғон суратхонанинг шарқи-жануб сари ёнида кичикрак оққина уй тикилиб эди, гоҳи анда ўлтурур эдим, анда мажлис бўлди. Сўнгра Ғиёс масхара келди, неча қатла мажлисдин мутояба тариқи била буюрулдиким, ихрож қилдилар. Охир шалойин бўлуб, масхаралик била мажлисда йўл топти. Турди Муҳаммад қипчоқ била Мулло Китобдорни ҳам мажлисқа тиладук. Шоҳ Ҳасанға *(237 а)* ва уйидаги мажлис аҳлиға бу рубоийни бадиҳатан айтиб йиборилди:

*Аҳбобки базмида гулистон хастур,*
*Йўқ лек алар базмида бизга[812] дастур.*
*Ул жамъда гар ҳузури жамъият бор,*
*Юз шукр, бу жамъ беҳузур эмастур.*

Иброҳим чуҳрадин йиборилди. Икки намоз орасиға яқин бу мажлис аҳли маст бўлуб тарқаштилар. Бу беҳузурлиқ муддатида тахтиравон била кўтартиб юрур эдим. Бир неча кун бурунроқ мамзуж чоғир ичилиб эди, яна фойда қилмаганидин, ичилмайдур эди. Нақохат айёмининг охирида Толор чаманининг ғарби-жануб тарафида, олма тубида мажлис тартиб қилиб, мамзуж чоғир ичтим.

Одина куни, ойнинг ўн иккисида Аҳмадбек ва Султон Муҳаммад дўлдойким, Бажаврда кўмак қўюлуб эди, келдилар.

Чаҳоршанба куни, ойнинг ўн еттисида Ҳайдар Тақийнинг боғида Тенгриберди баъзи бекларга ва йигитларга суҳбат берадур эди, мен ҳам ул суҳбатқа бориб ичтим. Кеч намози хуфтан андин қўпуб келиб, улуғ оқ уйда ҳам ичилди.

Панжшанба куни, ойнинг йигирма бешида Мулло Маҳмуд қошида фиқҳ сабақи ўқумоқ таъйин бўлди.

Сешанба куни, ойнинг салхида Шоҳ Шужоъ арғуннинг қошидин Абу Муслим кукалдош элчиликка келди. Бир тупчоқ от пешкаш келтурди. Ушбу кун Юсуф Али рикобдор Чанор боғидаги ҳавзни узуб, кўл солиб, юз навбат эврулди. Бошоёқ ва эгарлик от ва ёрмоқ инъом бўлди.

Чаҳоршанба куни, ражаб ойининг секкизида Шоҳ Ҳасанбекнинг уйиға *(237 б)* бориб ичтим. Аксар беклар ва ичкилар бор эдилар.

Шанба куни, ойнинг ўн бирида мажлис эди, намози дигар била намози шомнинг орасида, улуғ кабутархонанинг томининг устиға чиқиб ичилди. Кечроқ бир неча отлиқ Деҳи Афғон саридин йўл била шаҳр сари ўтуб борадур. Таҳқиқ қилилди: Дарвеш Муҳаммад сорбон экандурким, Мирзохон қошидин элчиликка келадур экандур, том устидин чорладук. Дейилдиким, тўра ва тўқа била элчилик қилурни қўйғил, бетакаллуфона келгил! Дарвеш Муҳаммад келиб тортик[813] пешкаш тортиб суҳбатта ўлтурди, ул фурсатта тоиб эди, ичмас эди. Ғояти шабқача[814] мунда ичилди.

Тонгласи, девон ўлтурғонда русум ва қоида била келиб, Мирзохон йиборган пешкашларни тортти. Ўтган йил юз ташвиш ва кўп ваъда ва ваъид била тамом ул юздаги аймоқларни кўчуруб, Кобул келтуруб эдук. Кобул тор ердур, аймоқ ва атрокнинг гала-қорасиға фароғат била қишлоқ ва йайлоқ ер эмас. Саҳронишин элни ўз кўнглиға қўйса, ҳаргиз Кобулни ҳавас қилмас. Қосимбекка хизмат қилиб, ул юзга ўтар учун, ораға[815] солдилар, Қосимбек кўп муболаға қилди. Охир аймоқларға Қундуз ва Боғлон сари ўтмак учун рухсат олди.

Ҳофиз Жубайр котибнинг оға-иниси Самарқандтин келиб эди, бу фурсатта Самарқандға рухсат бериб, Фулод Султонға девонимни йибордим. Девоннинг орқасида бугина қатъани битидим:

*(238 а) Ул сарвнинг ҳаримиға гар етсанг, эй сабо,*
*Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглиға,*
*Раҳм айлабон соғинмади Бобурни бор умид,*
*Солғай Худой раҳмни Фулод кўнглиға.*

Одина куни, ойнинг ўн еттисида Шоҳ Мазид кўкалдош Муҳаммад Замон мирзо қошидин тасаддуқ ва пешкаш от келтуруб, мулозамат қилди. Ушбу кун Шоҳбекнинг элчиси Абу Муслим кукалдошқа хилъат кийдуруб, инъом қилиб, рухсат берилди. Хожа Муҳаммад Али била Тенгрибердига ҳам вилоятлариға — Хост била Андаробқа бормоққа ушбу кун рухсат бўлди.

Панжшанба куни, ойнинг йигирма учида[816]

[812] Қ: эрга.

[813] Е: тортин.

[814] Қ: мастғача; ЛЕ: шаб.

[815] Н: Хабар; Қ: Мир, Е: ҳар, Р: сайр.

[816] Қ: йигирма тўққизда.

Муҳаммад Али жанг-жангким, Качакот ва Қорлуқ навоҳасида қўюб, ул вилоятларни анга ухда қилилиб эди, Мирзойи Малвий қорлуқнинг ўғли Шоҳ Ҳусайн[817] яна Ҳаатийнинг кишиси ҳам била келдилар. Ушбу кун, Мулло Алихонким, Самарқандға кўчини келтурғали бориб эди, келиб, мулозамат қилди.

Абдурраҳмоний афғон Гардиз сарҳадида ўлтурурлар эди, мол ва муомалада ройиж эмас эдилар, борур-келур корвонийлар ҳам булардин мутазаррир эдилар. Чаҳоршанба куни, ражаб ойининг йигирма тўққузида бу афғонларни чопа отланилди. Танги Вағжон навоҳисида тушуб, ош еб, кеч намози пешин андин отландук. Кечаси йўл озиқиб, Панжоб[818] Шаҳнанинг шарқи-жануб сари пушталарда ва даштларда хейли саргардон *(238 б)* лиқ тортилди. Муддатдин сўнгра йўлға келиб кирдук. Чашмайи Паранинг кўталидин ошиб, Гардиз сари[819] боқишлиқ кўлидин фарз вақтида тузға чиқиб чопқун йиборилди. Бир бўлак черик эли Кирмош[820] тоғи сариғаким, Гардизнинг шарқ ва жанубидур, чопқун бордилар. Ул чопқунчи орқасиға Хисрав Мирзоқули ва Саййид Али бошлиқ ғулнинғ ўнг қўлини йиборилди. Кўпроқ черик эли Гардизнинг шарқий тарафи жулга юққори боқа чопқун бордилар. Бу чопқунчининг орқасиға Саййид Қосим эшик оға, Миршоҳ қавчин, Қиём, Ҳиндубек, Қутлуққадам Ҳусайн бошлиқларни йиборилди. Чун черик элининг кўпраги жулга юққори боқа чопқун бориб эдилар, аларни узотғондин сўнғ, мен ҳам буларнинғ кетича-ўқ юрудум. Бу жулға юққори эл йироқроқ экандур. Жулға юққори борғон черик элининг отлари бўлдурди. Онча нима черик элига тушмади. Қирқ-элликча афғон яёғи тузда кўрунур. Бу черик орқасиға борғонлар алар сари мутаважжиҳ бўлуб, манга киши чоптурдилар. Мен дағи илдамроқ юрудум. Мен етгунча Ҳусайн бетақриб ва беҳисоб ёлғуз от солибтур. Афғонларнинг ичига кириб, қилич солур маҳалда отини ўқлаб йиқарлар. Қўпғоч, оёғиға чопиб йиқитурлар. Туш-тушидин пичоқлаб, чопқулаб, пора-пора айладилар.[821] Бу йиғитлар боқиб туруб, кўмакка етишмаслар.

Бу хабар келгач, Гадойи тағойи, Поянда Муҳаммад *(239 а)* қоплон, Абул-Ҳасан қўрчи, Мўмин атка бошлиқ ичкиларни ва йиғитларни жиловрез илғари йибориб, ўзум ҳам тез юрудум. Боридин бурун Мўмин атка бир афғонни найза била тикиб, бошини кесиб келтурди. Абулҳасан қўрчи ҳам яланғоч яхши юруб, афғонларнинг олин тўсуб, от солиб, бир афғонни чопқулаб йиқиб, бошини кесиб келтурди. Ўзига уч яра бўлуб эди, отиға бир яра бўлуб эди. Поянда Муҳаммад қоплон ҳам яхши юруб, бир афғонни чопқулаб, бошин олиб келтурди. Агарчи, Абулҳасан била Поянда Муҳаммад қоплоннинғ йигитликлари мундин бурун ҳам маълум эди, бу юрушта ишларини кўпрак билдурдилар. Бу қирқ-элликча афғон тамомиси ўққа, қиличқа бориб, пораландилар. Бу афғонлар қирилғондин сўнг, бир хавидзорға тушуб, буюрдукким, бу афғонларнинг бошларини калла манора қилдилар.

Йўлда келадургонда Ҳусайн била бўлғон беклар келдилар. Сиёсат ва ғазаб била дедимким, мунча киши боқиб туруб, бир неча яёқ афғонға туп-туз ерда мундоқ йигитларни олдурубсизлар. Сизларни тўра-мучадин ҳуратиб, паргана ва вилоятингиздин айриб, соқолларингизни қирқиб, шаҳрларда ташҳир қилмоқ керак, то ҳар ким мундоқ йигитни мундоқ ғанимға олдурса, мундоқ туп-туз илик тебратмай боқиб *(239 б)* турса, сазоси бўлғай.

Кирмош сари борғон черик эли қўй[822] ва ўлжа олиб келдилар. Бобо Қашқа муғул ҳам Кирмош сари борғон черик била бориб эди. Бобо Қашқаға бир афғон қилич тегурур маҳалда яхши тўхтаб туруб, ўқини тўлдуруб, бу афғонни уруб йиқибтур.

Сабоҳи кўчуб, Кобул сари мутаважжиҳ бўлдук. Муҳаммад бахши ва Абдулазиз мирохўр ва Мир Хурд баковулга ҳукм бўлдики, Чашмайи Парани ўтуб, андин қирғовул[823] овлағайлар. Ўзум бир неча киши била Майдони Рустам йўли билаким, кўрулмаган эди, бордим. Майдони Рустам тоғларнинг орасида воқиъ бўлубтур, тоғнинг бошиға ёвуқроқ, хейли сафолиқ ер эмастур. Икки тоғнинг орасида кенграк жулгаси тушубтур. Жанубий тарафида пуштанинг этагида кичикрак чашмаси бор. Улуғ-улуғ рим[824] дарахтлари ҳам бор. Бу Майдони Рустамнинг Гардиз тарафидин чиқиб келур йўлида чашмалари бор, дарахтлари ҳам хейли[825] бор. Бу кичикрак дарахтлардур. Агарчи

---

[817] Н: Ҳасан.
[818] Н: Патжоб; Л: Патхоб.
[819] Қ: бу сўзлар тушган.
[820] Е: Кирес Л: Кирбош.
[821] Л, Е, Қ: Пораладилар.
[822] ЛН: Қуш.
[823] ЛЕ: элдин ғурғовул.
[824] Қ: ним.
[825] ЛН: Хейли ҳам.

жулғаси торроқдур, вале буғина дарахтларнинг туби кўп-кўк, яхшиғина ўланглардур. Сафолиқкина жулғадур. Майдони Рустамнинг жануб тарафидағи тоққа чиқилди. Кирмош тоғлари ва Бангаш тоғлари оёқ остида кўрунадур. Кирмош тоғларидин нари пашакаал булутлари таҳ-батаҳ кўрунадур, *(240 а)* ул вилоятлар сариқим пашакаал бўлмас, асло булут кўрунмайдур. Намози пешин Ҳунийға[826] келиб тушулди. Тонгласи Муҳаммад Оға кентининг навоҳисида тушуб, маъжун иртикоб қилиб, балиқ дорусини сувға солиб, бир пора балиқ тутулди.

Якшанба куни, шаъбон ойининг учида Кобулға келдук. Сешанба куни, ойнинг бешида Дарвеш Муҳаммад Фазлий била Хисравнинг навкарин тилаб, Ҳусайн олилғонда қисқалиқ қилғонларнинг кайфиятин сўруб, тўра-мучаларидин ҳураттук. Намози пешин чанор тубида чоғир мажлиси бўлди. Бобо Қашқа муғулға хилъат инъом бўлди.

Одина куни, ойнинг саккизида Кепакким, Мирзохон қошиға бориб эди, келди.

Панжшанба, намози дигар Хожа Сеёрон ва Борон ва Домани кўҳнинг сайриға отландим. Намози хуфтанда Момо хотунға тушулди. Тонгласи Исталиф келиб тушттук. Ул кун маъжун ейилди.

Шанба куни Исталифда чоғир суҳбати бўлди. Сабоҳи Исталифдин отланиб, Санжид дарасининг ораси била ўтуб, Хожа Сеёроннинг яқиниға етганда, бир улуқ йилонким, йўғонлиғи билакча ва узунлиғи бир қулоч бўлғай эди, ўлтурулди. Бу улуғ йилоннинг ичидин бир инчкарак йилон чиқти, ғолибо ўшул яқинда ютуб экандур, бори аъзоси бутун эди. Бу инчка йилон бу улуғ йилондин жузвий қисқа *(240 б)* роқ бўлғай эди. Бу инчка йилоннинг ичидин бир катта сичқон чиқти, ул ҳам бутун эди. Хеч ери ҳал бўлмайдур эди. Келиб Хожа Сеёронда чоғир мажлиси бўлди. Ушбу кун кичкина тунқатордин ул юздаги бекларга булжор била фармонлар битиб йиборилдиким, черик отланиладур, муқаррар бўлғон булжорға эхтимом қилиб, етиша келсунлар.

Сабоҳи отланиб, маъжун еб, Парвон сув котилишида Парвон сувиға бу эл дастури била балиқ доруси солиб, қалин балиқ тутулди. Миршоҳбек ошу об тортти.

Мундин отланиб, Гулбаҳор борилди. Намози шомдин сўнг чоғир суҳбати бўлди. Бу суҳбатларда Дарвеш Муҳаммад сорбон бўлур эди. Агарчи йигит эди ва сипоҳий эди, вале чоғир иртикоб қилмас эди, тойиб эди. Қутлуқ Хожа кўкалдош муддати мадид эди, сипоҳийликни тарк қилиб, дарвеш бўлиб эди. Ёши ҳам хейли бор эди, соқоли худ оппоқ оқориб эди. Ҳамиша бу суҳбатларда ҳарифи шароб эди. Мен Дарвеш Муҳаммадқа дедимким, Қутлуқ Хожанинг соқолидин уят! Дарвеш ва қари ва оқ соқоллиқ ҳамиша чоғир ичар, сен сипоҳий ва йигит ва қопқора соқоллиқ ҳаргиз ичмассен, не маъни? Чу менинг даъб ва тариқим андоқ эмас эдиким, ичмас кишиға чоғир таклифи қилғаймен, ушмунча бил-ўқ ҳазл била ўтти, чоғир таклифи қилилмади. Сабоҳи сабуҳий қилдук.

Чаҳоршанба *(241 а)* куни Гулбаҳордин отланиб, Абуннинг[827] кентида тушуб, таом еб, отланиб, Боғоти Хумға бориб тушулди. Намози пешиндин сўнг чоғир суҳбати бўлди. Тонгласиға андин отланиб, Хожа Ҳонд Саййиднинг мазорини тавоф қилиб, келиб Жина қўрғонидин жолаға кирдук. Панжҳир сувининг котилишида жола тоғнинг тукунишиға урунуб, ғарқ бўлаёзди: Руҳдам, Тангриқули, Мир Муҳаммад жолабон жола тоққа урунгач, сувға йиқилдилар. Руҳдам била Тенгриқулини ташвишлар била[828] тортиб, жолаға-ўқ чиқордилар. Чини пиёла ва қошуқ ва доира сувға борди. Мундин ўтуб, Санги Бурида тўғрисиға етганда, жола сувнинг ўртасида шохқаму ё банд учун коққон қозуққаму урунди, Шоҳ Ҳасан Шоҳбек арқоиға-ўқ борди. Мирзоқули кўкалдошни ола-ўқ йиқилди. Дарвеш Муҳаммад сорбон ҳам сувға йиқилди. Мирзоқули тавре борди. Йиқилур маҳалда илигидаги қовун кесадур пичоқни жоланинг устидаги бўрёға санчиб-ўқ йиқилди, Мирзоқули жолаға келмай, тун уфроғи била узуб чиқти, жоладин чиқиб, ул оқшом жолабонларнинг уйида қўндук. Биайниҳи сувға борғон ҳафтранг пиёладек пиёла Дарвеш Муҳаммад пешкаш қилди.

Одина куни сув ёқасидин отланиб, Иничкадин қуйиға Кўҳбача[829] нинг доманасида тушуб, ўз илигимиз била *(241 б)* ғалаба мисвок олдук. Андин ўтуб, Хожа Хизрийларнинг уйида ош еб, отланилди. Намози пешин Қутлуқ Хожанинг яту-

[826] ЛЕҚ: Ҳулира.

[827] ЕҚ: Алуннинг; Р: Отуннинг.

[828] Н: Ҳам; Р: Жам.

[829] Қ: Кўҳча.

ли Ламғоний кентиға тушдук. Қутлуқ Хожа мохазаре ҳозир қилди. Тановул қилиб, отланиб, Кобулға келилди.

Душанба куни, ойининг йиғирма бешида Дарвеш Муҳаммад сорбонға хосса хилъат ва эгарлик от иноят қилиб, навкарликка юкундурулди. Тўрт-беш ой сочимни қирқмайдур эдим, чаҳоршанба куни, ойнинг йигирма еттисида сочимни қирқтим. Бу кун чоғир суҳбати бўлди.

Одина куни, ойнинг йигирма тўққузида Мир Хурднинг Ҳиндолнинг аткалиғига юкундурулди. Минг шоҳрухий сочиқ киюрди.[830]

Чаҳоршанба куни, рамазон ойининг бешида Тулак кўкалдошнинг қошидин Барлос Жики отлиқ навкари арзадоштини келтурди. Ўзбак чопқунчиси ул навоҳиға келган экандур, Тулак чиқиб, урушуб босибтур. Бир тирик ўзбак ва бир бош келтурди.

Шанба оқшоми, ойининг секкизида Қосимбекнинг уйига бориб, оғиз очдук. Бир эгарлик от тортти.

Якшанба оқшоми Халифанинг уйида оғиз очилди. Бир эгарлик от пешкаш қилди. Тонгласи Хожа Муҳаммад Али ва Жон Носирниким[831] черик маслаҳатиға тилалиб эди, вилоятларидин келдилар.

Чаҳоршанба куни, ойнинг ўн иккисида Комроннинг тағойиси Султон Али мирзо *(242 а)* ким, мен Хостдин Кобулға борур йил Кошғарға бориб эди, нечукким мазкур бўлди, келди.

Панжшанба куни, ойнинг ўн учида Юсуф Алининг[832] дафъи ва рафъиға азм-жазм қилиб, отланиб, Деҳи Яъқуб сувининг Кобул тарафидағи ўлангға тушулди. Отланур чоқ Бобохон ахтачи ярамасроқ от тортти, аччиғимдин бир мушт юзига урдум. Бинсир бармоғим тубидин синди. Ул фурсатта хейли оғримади. Келиб, юртқа тушганда хейли ташвиш берди. Бир неча маҳал хейли риёзат торттим. Хат битий олмас эдим, охир чур бутти. Ушбу сафар қилғон юртта менинг холам Давлат Султонхонимнинг Қутлуқ Муҳаммад отлиқ кўкалдоши Кошғардин Хоним қошидин хат ва билкот келтурди. Ушбу кун Дилазокнинг улуғлари Бухон[833] ва Мусо келиб, пешкашлар била мулозамат қилдилар.

Якшанба куни, ойнинг ўн олтисида Қўчбек келди.

Чаҳоршанба куни, ойнинг тўққузида кўчуб, Бичокдин[834] ўтуб, доим тушар ергаким, ушбу Бичок рудининг ёқасидур, тушулди. Бомиён ва Коҳмард ва Ғурий Қўчбекка тааллуқ вилоятлар ўзбакка яқин жиҳатидин Қўчбекни бу черикдин маоф тутуб, ушбу юрттин ўзум чирмоғои мандил ва бош-аёғ иноят қилиб, вилоятиға рухсат берилди.

Одина куни, ойнинг йиғирма бирида Бодом чашмаға тушдук. *(242 б)* Тонғласи Борик об тушулди. Ўзум Қоратуни сайр қилиб келдим. Ушбу юртта йиғочдин асал топилди. Қўч-барқўч мутаважжиҳ бўлдук.

Чаҳоршанба куни, ойнинг йиғирма олтисида Боғи Вафода тушдик.

Панжшанба куни боғда-уқ бўлдум. Одина куни кўчуб, Султонпурдин ўтуб тушулди. Бу кун Шоҳ Мир Ҳусайн вилоятидин келди. Бухон ва Мусо бошлиқ Дилазокнинг улуғлари ҳам букун келдилар. Саводқа Юсуф Зайининг дафъиға азимат қилилиб эди, Дилазок маликлари арзға еткурдиларким, Хашнағарда улус қалиндур, ошлиқ ҳам кўп топулур, Хашнағарға саъй қилдилар. Машварат қилиб, сўзни мунга қуюлдиким, чун Хашнағарда ошлиқ қалин эмиш, андаги афғонларни чопиб, Хашнағар қўрғонини ё Паршовар қўрғонини рост қилиб, бу ошлиқдин захира солиб, Шоҳ Мир Ҳусайнни бир пора йигитлар била анда қуюлғай. Бу маслаҳат учун Шоҳ Мир Ҳусайнға ўн беш кунлук бўлжор била рухсат берилдиким, вилоятиға бориб, яроғини қилиб келгай. Тонғласиға кўчуб, Жўйи Шоҳийға келиб тушдук. Тенгриберди, Султон Муҳаммад дўлдой кейиндин бу юртқа келдилар. Ҳамза ҳам Қундуздин букун келди.

Якшанба куни, ойнинг салхида Жўйи Шоҳийдин кўчуб, Қирқ ариққа *(243 а)* тушулди. Мен бир неча махсуслар била жолаға кириб келдим. Ийд ҳилоли бу юртта кўрулди. Дарайи Нурдин бир неча улоғ чоғир келтуруб эдилар, намози шомдин кейин чоғир мажлиси бўлди. Аҳли мажлис Муҳиб Али қўрчи, Хожа Муҳаммад Али китобдор, Шоҳ Ҳасан, Шоҳбек, Султон Муҳаммад дўлдой, Дарвеш Муҳаммад сорбон эди. Дарвеш Муҳаммад тоиб эди. Кичикликдин бери менинг шартим андоқ эдиким, ичмас кишига таклифе қилмағоймен. Дойим суҳбатларда Дарвеш

[830] Е: кетурди.
[831] Н: Хонжар Е. Жоннасир; Р: Жон Мирзо.
[832] Қ: Юсуф Зайи.
[833] РН: Нухон. Е: Тархон.
[834] Қ: Типхок (Таржималарда Пут-хок, Бут-хок).

Муҳаммад бўлур эди, ҳеч навъ таклифе қилинмас эди. Хожа Муҳаммад Али эркига қўймай, таклиф қила-қила чоғир ичурди.

Душанба куни, сабоҳи ийд куни кўчтук. Йўлда хумор дафъиға маъжун едук. Маъжуннокликта бир ҳанзал келтурдилар. Дарвеш Муҳаммад ҳанзални кўрган эмас эди. Мен дедимким, Ҳиндустоннинг ҳиндувонасидур, бир карж кесиб бердим. Рағбат била тишлади, оқшомғача аччиқлиғи оғзидин кетмади. Гарм чашманинг баландисида тушуб, яхни тортиладур эдиким, Лангархонким, неча маҳал ўз ерида эди, келиб, от ва бир пора маъжун тортиб, мулозамат қилди. Келиб Ядабирға тушттук. Намози дигарда бир неча махсус била жолаға кириб, бир куруҳча қуйи бориб чиктук. Тонгласи андин кўчуб, Хайбар кўталининг тубиға *(243 б)* тушулди.

Ушбу кун Султон Боязид Нилобдин Пора йўли била ўтуб, бизнинг хабаримизни топиб, кейинимизча келиб, арз қилдиким, Афридий афғон кўч ва моли била Порада ўлтурубдур. Шоли қалин экибтурлар, шолиси пишиб, тамом оёқ устидадур. Чун Ҳашнағардағи Юсуф зайи афғонлар устиға азимат қилиб эдук, анга парво қилмадук. Намози пешинда Хожа Муҳаммад Алининг утоғида шурб мажлиси бўлди. Ушбу мажлисда-ўк Султон Тароҳийдин[835] бу сориға келган кайфиятни машруҳ битиб, Бажаврға Хожа Калонға йиборилди. Фармон ҳошиясида бу байтни битидим:

*Сабо ба лутф бигў он ғазоли раънорo,*
*Ки сар ба кўҳу биёбон ту додаи моро.*[836]

Андин сабоҳ кўчуб, кўталдин иниб, Хайбар тангисидин ўтуб, Али Масжидға тушулди. Андин намози пешин отланиб, партолдин айрилиб, икки пос бўлуб эдиким, Кобул сувининг ёқасиға келиб, озроқча уюхладук. Саҳар гузар топиб, сувдин кечилди. Қоровулдин хабар келдиким, афғонлар хабар топиб, қочғондурлар. Юруб, Савод сувидин ўтуб, афғонларнинг экинининг орасиға тушулди. Таъриф қилғоннинг ярими, балки чорагича ошлиқ топилмади. Ҳашнағарни бу ошлиқ умиди била *(244 а)* ясамоқ ҳисоби тағайюр топти. Бу юрушга саъй қилғон Дилазок маликлари бу жиҳаттин мунфаил бўлдилар. Намози дигар Савод сувининг Кобул тарафиға кечиб тушулди.

[835] Л: Султон Бароҳидин

[836] Эй тонг ели, у гўзал оҳуга юмшоқлик била айтки, бизни тоғу саҳроларга улоқтирган сенсан.

Тонгласи Савод сувидин кўчуб, Кобул сувидин кечиб тушулди, кенгашға кирар бекларни чарлаб, кенгашиб, сўз мунға қарор топтиким, Султон Боязид айтқон Афридий афғонини чопиб, анинг молини ва ошлиғин кўчи била Паршовар қўрғонини ясатиб, киши қўюлғай. Ҳиндубек қавчин ва Хост мирзодалари кейиндин бу манзилда келдилар.

Букун маъжун ейилди. Дарвеш Муҳаммад сорбон, Муҳаммадий кўкалдош, Гадойи тағойи, Асас эди. Сўнгра Шоҳ Ҳасанни ҳам тиладук. Ош тортилғондин сўнг намози дигар жолаға кирдук. Лангархон Ниёзийни[837] ҳам жолаға чорладук. Намози шомда жоладин чиқиб, ўрдуға келилди. Ўшул қарор била сув ёқасидин саҳар кўчуб, Жомдин ўтуб, Али Масжид сувининг чиқишида тушулди.

Абулҳошим Султоналиким, кейиндин келиб эди, дедиким, арафа кечаси Жўйи Шоҳийдин Бадахшондин келган киши била Жамрудтин ўтуб эдим, ул дедиким, Султон Саъидхон жазм Бадахшон устига келди. Мен подшоҳқа хабар қила келадурмен. Бекларни чорлаб, машварат қилиб, бовужуди бу хабар кўрғон *(244 б)* ясамоқнинг маслаҳатини топмай, Бадахшон азимати била мурожаат қилилди. Лангархонға хилъат бериб, Муҳаммад Али жанг-жангға кўмак таъйин қилиб, рухсат берилди. Ул охшом Хожа Муҳаммад Алининг чодирида чоғир мажлиси эди. Эрта била бу ердин кўчуб, Хайбар кўталидин ошиб, кўтал тубига тушулди. Хизр хайлидин кўп ношойиста ҳаракатлар зоҳир бўлуб эди. Черик борурда-келурда кейинга қолғон, ёқаға тушган черик элига ўқлар қўюб, отларини элтурлар эди. Аларға таъдибе қилмоқ ва гўшмоле бермоқ вожиб ва лозим кўрунди. Бу хаёл била кўтал тубидин саҳар кўчуб, Деҳи Ғуломонда тушландук. Намози пешин отға буғуз бериб, отланилди.

Муҳаммад Ҳусайн қўрчини Кобулға чоптурулдиким, Кобулда бўлғон Хизр хайлини бандлаб, жиҳотини мафсал қилиб, арзға еткургайлар. Бадахшондин дағи ҳар хабар бўлса, машруҳ битиб, бир кишидин бот йиборғайлар.

Ул кеча икки посқача юруб, Султонпурдин озроқча ўтуб, тушуб, лаҳза уюхлаб, отландук. Хизр хайли Биҳар ва Масхигромдин Қора сувғача ўлтурғон экандурлар. Тонг бурнида етиб, чопқун қўюлди. Аксар моли ва ўғлон-ушоғи черик элига тушти. Оз-оғлоқчаси тоққа ёвуқ эди, тоққа тортиб қутулди.

[837] Қ: Соринийй.

Тонгласи Қилоғу *(245 а)* ға тушулди. Ушбу юртта қирғовул олилди. Кейин қолғон уруқ ҳам букун бу юртта келиб қўшулди. Вазирий афғон доййм яхшиғина мол бермас эди. Бу сиёсаттин уч юз қўй[838] пешкаш келтурди.

Илигим чиққони (сабабли) ҳеч нима битимайдур эдим, ушбу юртта якшанба куни, ойнинг ўн тўртида озроқча нима битидим.

Тонгласи Хирилжи Шаму хайл бошлиқ афғонларнинг улуғлари келдилар. Дилазокнинг уруқлари бу жамоанинг гуноҳларини муболағалар била дархост қилдилар. Гуноҳларин бағишлаб, асирларни озод қилдум. Молларин тўрт минг қўйға қарор бериб, улуғлариға тўнлар кийдуруб, таҳсилдорлар таъйин қилиб йиборилди.

Бу ишларга қарор бериб, панжшанба куни, ойнинг ўн секкизида кўчуб, Биҳар ва Масхгиромға тушуб, тонгласи Боғи Вафоға келдим. Боғи Вафонинг хўблуқ маҳаллари эди, саҳнлари тамом себаргазор, анор дарахтлари сап-сариғ хушранг хазон бўлубтур. Анорлар дарахтларда қип-қизил, норунж дарахтлари сабз ва хуррам, норунжлар дарахтларда бениҳоят, вале норунжлар хотирхоҳ сарғармайдур эди, анорлари яхши, анорлари гарчи вилоятларнинг яхши анорларича эмас эди. Боғи Вафодин бир яхши маҳзузким бўлдук, бу навбат эди. Бу уч-тўрт кунким бу боғда *(245 б)* эдук, бори ўрду эли ифрот била анор едилар.

Душанба куни боғдин кўчтук. Мен бир пахарғача юруб, баъзи норунжи инъом бўлди. Баъзи бекларга бир дарахт норунжи, баъзилариға икки кишиға бир дарахт норунжи инъом бўлди. Чун қиш Ламғои сайри қилур хаёли бор эди, ҳавзнинг атрофида йигирмача норунж дарахтини буюрдумким, қўруғайлар.

Букун Гандамакка тушуб, тонгласи Жигдалик тушулди. Намози шомға яқин чоғир мажлиси бўлди, аксар ичкилар бор эдилар, охир суҳбатта Қосимбекнинг хоҳарзодаси Гадойи Муҳаммад[839] хейли шалойинлиқ қилди. Маст бўлғонда менинг ёнимдағи такяга таянди. Гадойи тағойи мажлисдин кўтариб чиқарди.

Ул юрттин эрта кўчулди. Қуруқсой ёнидаги Борик об қуйи юққори сайр қила бордим. Бир кеча туроқ дарахтлари асру хўб хазон бўлуптур. Ўша ерда тушуб, йилқирон ошини торттурулди. Хазон боис бўлди, чоғир ичилди. Йўлдин қўй келтуруб, буюрулдиким, кабоблар қилғойлар. Балут[840] шохлариға ўтлар қўюб, тафарруж қурдук. Менинг келадурган хабаримни Мулло Абдулмалик девона эшитиб, истидъо қилдиким, Кобулға элтгай. Кобулға Мулло Абдулмаликни йиборилди. Ҳасан набира Мирзохон қошидин мени деб келган экандур. Бу ерда келиб *(246 а)* мулозамат қилди. Завол вақтиғача мунда ичилди. Андин сўнг отланилди. Мажлис аҳли гузаро мастлар бўлуб эдилар. Саййид Қосим андоқ маст эрдиким, икки навкари ташвиш била от устига солиб, ўрдуға еткурдилар. Дўст Муҳаммад Боқир андоқ маст эдиким, Амин Муҳаммад тархон ва Мастий чуҳра бошлиқлар ҳар неча саъй қилиб, отландура олмаслар. Бошиға сув қуярлар ҳам бўлмас. Бу фурсатда бир пора афғон пайдо бўлур, Амин Муҳаммад тархон чоғир кайфиятида хаёл қилурким, муни мундоқ этиб олдурғунча бошини кесиб олиб кетарбиз. Бори юз машаққат била от устиға солиб, олиб келурлар.

Ярим кечада Кобулға келдук. Сабоҳи девонда Қулибекким, Кошғарға Султон Саъидхон қошиға элчиликка бориб эди, келиб, мулозамат қилди. Бешка мирзойи итарчини Қулибекка қотиб, элчиликка йибориб эди, ул вилоятнинг матоидин бир пора савғот келтурди.

Чаҳоршанба куни, зилқаъда ойининг ғуррасида Қобилнинг гўрининг қошида ёлғуз бориб, сабуҳий қилдим. Сўнгра аҳли мажлис бирин-икки келдилар. Офтоб ёйила Боғи Бинафшаға бориб, ҳавз ёқасида ичилди. Туш бўла уйқулаб, намози пешин яна ичилди. Ушбу намози пешин суҳбатида Тенгриқулибек ва Маҳдийғаким,[841] мундин бурун суҳбатта чоғир берилмайдур эди, *(246 б)* чоғир бердим. Намози хуфтан ҳаммомға келдим. Ул кеча ҳаммомда эдим.

Панжшанба куни Яҳё Нуҳоний бошлиқ Ҳиндустон савдогарларига хилъатлар иноят қилиб, рухсат берилди.

Шанба куни, ойнинг тўртида Кошғардин келган Бешка мирзоға хилъат кийдуруб, инъом қилиб, рухсат берилди.

Якшанба куни эшик устидаги кичкина суратхонада суҳбат эди. Бовужудким, торғина ҳужра эди, аҳли мажлис ўн олти киши эдилар.

Душанба куни хазон сайриға Исталифға борилди. Букун маъжун иртикоб қилилиб эди. Бу

---

[838] Л: юз қўй.

[839] Н: Беҳжат; Л: Гадойи Беҳжат.

[840] ЕҚ: Булут.

[841] Е: Маҳдатқаким; Р: Маҳзабғаким.

кеча ёмғур бисёр ёғди. Менинг била келган беклар ва ичкилар аксар менинг чодиримғаким, Боғи Калоннинг ичида тикилиб эди, кирдилар. Тонгласи ушбу боғда чоғир мажлиси бўлди. Охшомғача ичилди. Сабохи сабухий қилдук. Маст бўлуб уюхлаб, намози пешин Исталифдин отланиб, йўлда маъжун ейилди. Намози диғар бўла Бехзодийға келдук. Хазонлар асру хўб бўлуб эди. Хазон сайри асносида чоғирға мойил харифлар чоғир анғизи қила бошладилар, бовужуди маъжун. Чун хазонлар асру хўб бўлуб эди, хазон бўлғон дарахтларнинг тубида ўлтуруб, чоғир ичилди.

Намози хуфтанғача ушул ерда-ўқ сухбат эди. Мулло Махмуд Халифа келди. Ани хам сухбатға чорладук, Абдулло хейли маст эди, Халифа тарафидин бир сўз чиқти. *(247 а)* Мулло Махмудтин ғофил бу мисраъни ўқудиким:

*Бар ҳар ки бингари, ба ҳамин доғ мубталост.*[842]

Мулло Махмуд хушёр эди, Абдуллоға хазл тариқи била бу мисраъни ўқуғон жихатидин тааррузлар қилди. Абдулло воқиф бўлуб, изтироблар қилиб, хейли ширин ғуфтугўлар қилди.

Панжшанба куни хазонлар сайри қилиб, кеч намози шом Чорбоғқа келиб туштум.

Жума куни, ойнинг ўн олтисида Боғи Бинафшада маъжун еб, баъзи махсуслар била кемаға кирилди. Хумоюн била Комрон хам сўнг келдилар. Хумоюн бир ўрдакни яхши отти.

Шанба куни, ойнинг ўн секкизида Чорбоғдин тун яримида отландим, тунқатор ва ахтачини ёндурдум. Мулло Бобонинг кўпругидин ўтуб, Деварин танғиси била чиқиб, Қуш Нодир[843] ва бозорларнинг коризи била Хирсхона орқасидин эврулуб, эрта суннат вақтида Турдибек Хоксорнинг коризиға келдим. Турдибек хабар топиб, изтироб била юғуруб чиқти, Турдибекнинг қаллошлиғи маълум эди. Ўзум била юз шохрухий олиб бориб эдим, Турдибекка бердим, дедимким, чоғир ва асбоб тайёр қилғилким, хилват ва лавандона сухбат тутар хаёлим бор. Турдибек чоғир учун Бехзодий сари борди. Отимни Турдибекнинг қулидин бир қулға йибордим. Ўзум коризанинг орқасида бир пуштада ўлтурдум. Бир пос бор эди *(247 б)* ким, Турдибек бир кўза чоғир келтурди. Икковдин-икков ичмакка машғул бўлдук. Турдибек чоғирни келтурурда Мухаммад Қосим барлос ва Шохзода воқиф бўлуб-турлар. Мендин холи зихн Турдибек сўнғича яёк келдилар, сухбатға чорладук. Турдибек дедиким, Хулхул[844] аниканинг армони борким, сизнинг била чоғир ичғай. Мен дедимким, мен хам хотун кишининг ичганини кўрмайдурмен, сухбатқа тиланг. Шохи деган каландар била яна бир коризлик рубобийни хам сухбатға чорладук. Намози шомғача коризнинг орқасидағи баландида ўлтуруб ичилди. Андин сўнг Турдибекнинг уйига келиб, шамъ ёруғида кеч намози хуфтанғача ичтим. Тавр беғилу ғаш сухбате эди. Мен такя қилдим. Ахли мажлис яна бир уйға бориб, нақора вақтиғача ичтилар. Хулхул аника келиб, манға бисёр шалойинликлар қилди. Охир ўзумни мастликка солиб халос бўлдум. Хаёлимда бу эдиким, элни ғофил қилиб, ёлғуз отланиб, Истарғачға борғайман. Эл воқиф эди, муассар бўлмади.

Охир нақора вақтида отландим. Турдибек била Шохзодаға хабар қилиб, учовлон отланиб, Истарғач сари мутаважжих бўлдук. Фарз вақтида Исталифнинг оёғи Хожа Хасанға еттук. Бир замон тушуб, маъжун еб хазон сайри қилдук. Офтоб чиқа Исталиф *(248 а)* боғиға тушуб, узум еб, отланиб, Истарғач тавобиидин Хожа Шихобға тушуб уйқуладук. Ота мирохўрнинг уйи ул орада экандур. Уйғонғунча ош пишируб, бир кўза чоғир хозир қилибтур. Хейли яхши хазон эди. Бир неча пиёла ичиб, отландук. Намози пешин Истарғачда бир яхши хазонлик боғда тушуб, сухбат тутулди. Бир лахзадин сўнг Хожа Мухаммад Амин келди. Намози хуфтонғача ичилди. Ул куни ва охшоми Кобулдин Абдулло асас, Нурбек, Юсуф Али келдилар. Сабохи ош еб отланиб, Истарғачнинг оёғидағи подшохий боғини сайр қилилди. Бир олма нихоли яхши хазон бўлуб эди, хар қайси шохида беш-олти барг сиёқ била қолиб эди, андоқким, ағар наққошлар такаллуф била тортсалар, онча торта олмағай эдилар. Истарғачдин отланиб, Хожа Хасанда ош еб, намози шом Бехзодий келиб, Хожа Мухаммад Аминнинг Имом Мухаммад отлиқ навкарининг уйида[845] чоғир ичилди. Тонгласи, сешанба куни Кобул чорбоғиға келилди.

Панжшанба куни, ойнинг йиғирма учида кўчуб, қалъаға кирилди. Одина куни Мухаммад Али Хайдар рикобдор бир туйғун тутуб, келтуруб тортти.

[842] Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир.
[843] Е: ёдур.
[844] Л: Булбул.
[845] Н: аввалиға.

Шанба куни, ойнинг йигирма бешида Чанор боғида суҳбат эди. Намози хуфтан отланилди. Саййид Қосимнинг ўтган воқиъадин инфиоли бор эди. Келурда анинг уйида тушуб, бир неча оёқ ичилди.

Панжшанба куни, зилҳижжа *(248 б)* ойининг ғуррасида Қандаҳордин Тожиддин Маҳмуд келиб, мулозамат қилди.

Душанба куни, ойнинг ўн тўққузида Муҳаммад Али жанг-жанг Нилобдин келди.

Сешанба куни[846] Сангархон Жанжуҳа Бҳирадин келиб, мулозамат қилди.

Одина куни, ойнинг йигирма учида Алишербекнинг тўрт девонидин буҳур, авзони тартиби[847] била ғазаллар ва абётким, интихоб қилиладур эди, итмомиға етти.

Сешанба куни, ойнинг йигирма еттисида аркта суҳбат эди. Бу суҳбатта андоқ фармон бўлдиким, суҳбаттин ҳар киши маст бўлиб чиқса, яна ул кишини суҳбатқа тиламагайлар.

Одина куни, зилҳижжа ойининг салхида Ламғон сайри азимати била отланилди.

## Вақоиъи санайи ситта ва ишрина ва тисъа миа*

Шанба куни, муҳаррам ойининг ғуррасида Хожа Сеёрон келилди. Пушта устида янги ариғким чиқарилиб эди, яқосида шурб мажлиси бўлди. Сабоҳ отланиб, * Реги равонни сайр қилиб, Саййид Қосим Булбулийнинг уйига тушуб суҳбат тутулди. Сабоҳ андин отланиб,[848] маъжун еб, бориб Билгарға[849] туштук. Не улким, охшом ичилгай, сабоҳи сабуҳий қилдук. Намози пешин бориб, Дурномаға тушулди. Шурб мажлиси бўлди, эрта сабуҳий қилдик. Ҳақдод Дурноманинг улуғи, боғини пешкаш қилди.

Панжшанба отланиб, Нижровда тожиклар кентига тушулди.

Одина куни Чиҳл қулба била Борон сувининг орасидаги тоғни овладук, хейли кийик тушти. Илигим озурда *(249 а)* бўлғали ўқ отмайдур эдим. Бир тийримдек[850] ёй била бир кийикнинг қўлтуғиға оттим. Ўқ пархонасининг яримиғача кирди. Намози дигар овдин ёниб, Нижровға келдук. Тонгласи Нижров эли пешкашини олтмиш олтунға қарор берилди.

Душанба куни Ламғон сайри азиматиға отланилди. Хаёлда бу эдиким, бу сайрда Ҳумоюн ҳам бизнинг била бўлғай. Турмоққа майл қилди, Кўра кўталидин рухсат берилди. Келиб Бадровға тушдук. Андин отланиб, Уғбуға[851] туштук. Борон сувида сайёдлар бир пора балиқ туттилар. Намози дигарда жолаға ўлтуруб ичилди. Намози шомдин кечроқ жоладин чиқиб, оқ уйда ҳам ичилди, Ҳайдар аламдорни Деварин[852] кофирлариға йиборилиб эди. Бодипеч[853] тубида кофирнинг улуғлари бир неча тулум чоғир келтуруб, мулозамат қилдилар. Кўталдин ингандa ажаб ғалаба чивиртка кўрулди. Тонгласи жолаға кириб, маъжун еб, Бўлдондин қуйироқ чиқиб, ўрдуға келдук. Икки жола эди.

Одина куни кўчуб, Мандировардин қуйироқ доманада тушулди. Кеча шурб суҳбати эди.

Шанба куни жолаға кириб, Дарута тангисидин ўтуб, Жаҳоннамойдин юқорроқ жоладин чиқтук. Одинапур олидағи Боғи Вафоға бордук. Қиём Ўрдушоҳ Нингнаҳор туманининг ҳокими жоладин чиққанда келиб, мулозамат қилди. Лангархон *(249 б)* Ниёзий неча маҳал эдиким Нилобта эди, йўлда келиб мулозамат қилди. Боғи Вафода туштук, норунжлари хўб сарғарибтур, сабзалари хўб етилибтур, бисёр сафолиқ бўлубтур. Беш-олти кун Боғи Вафода турдук.

Чун бу дағдаға бор эдиким, қирқ ёшқа тоиб бўлғаймен, қирқ ёшқа озроқ қолиб эди, ифрот била ичилур эди.

Якшанба куни, ойнинг ўн олтисида сабуҳий қилиб, ҳушёр бўлуб, маъжун ихтиёр қилғонда Мулло Ёрак панжгоҳда мухаммас даврида боғлағон нақшини ўткарди. Яхши нақш боғлабтур. Неча маҳал эди, мундоқ нималарға машғуллуқ қилмайдур эдим. Манга ҳам дағдаға бўлдиким, бир нима боғлағаймен. Бу тақриб била «Чоргоҳ» савтини боғладим. Нечукким, маҳаллида мазкур бўлғусидир.

Чаҳоршанба куни, сабуҳий қилғонда мутояба жиҳатидан дейилдиким, ҳар ким сортча айтса бир аёғ ичсун, бу жиҳаттин кўп киши аёғ ичти. Суннат вақтида[854] чаман ўртасидағи толлар остида ўлтурулди. Дейилдиким, ҳар киши туркича айтса бир

* Туққуз юз йигирма олтинчи (1519---1520) йил воқеалари.
[846] Н: Куни ойнинг.
[847] Н: бир бети.
[848] Л: тушиб қолган.
[849] РН: Милгар; Е. Балку.
[850] Е: Лозимдек, Л: нармдек.
[851] Е: Улуғлу; Қ: Улуғбу.
[852] Қ: Додратин; Е: Доварин.
[853] Қ: Бидич; Р: Бодпиж.
[854] Е: вақтида чиқиб.

аёғ ичсун. Бунда ҳам ғалаба киши аёғ ичти. Офтоб чиқа норунжлар тубида ҳавз ёқасида бориб ичилди. Тонгласи Дутаҳдин жолаға кириб, Жуйи[855] Шоҳийдин чиқиб, Атарға бордук. Атардин отланиб, Дарайи Нурни сайр қилиб, Сувсон кентиғача етиб, ёниб, Амлаға тушулди. Хожа Калон Бажаврни *(250 а)* яхши забт қилиб эди. Чун мусоҳиб эди, ани тилаб, Бажаврни Шоҳ Мир Ҳусайн уҳдасиға қилилди.

Шанба куни, ойнинг йигирма иккисида Шоҳ Мир Ҳусайнға рухсат бўлди. Букун ҳам Амлада ичилди. Тонгласи ёмғур ёғдуруб эди. Кунарда Кула гиромғаким, Маликқулининг уйи анда эди, келиб ўртанчи уғлининг уйидаким, норунжзорға мушриф эди, тушулди. Ёмғир жиҳатидин норунжзорға бормай, ушанда-ўқ ичилди. Ёғин кўп беҳад бўлди. Бир тилисме билур эдим, Мулло Алихонға[856] ўргаттим: тўрт парча коғазға битиб, тўрт тарафға ости. Ушул замон ёмғур туруб, ҳаво очилмоқ бунёд бўлди. Сабоҳи жолаға кирдук, яна бир жолада баъзи йигитлар кирдилар.

Бажавр ва Савод ва Кунар ва ул навоҳийда бир бўза қилурлар, бир «ким» деган нима бор, ўтлар илдизидин ва баъзи адвиядин қилибтурлар. Нондек гирд-гирд ясаб қурутуб, соқлабтурлар. Бу бўза мояси бу «ким» бўладур, баъзи бўзалари ғариб пуркайфият бўладур. Вале ғариб талх ва бемаза бўладур. Бу бўзани ичмак хаёл қилдук, талхлиғидин ича олмай, маъжун ихтиёр қилилди.

Асас ва Ҳасан Икрак ва Мастиғаким, яна бир жолада ўлтуруб эдилар, фармон бўлдуким, бу бўзадин ичғайлар, ичиб маст бўлуб, Ҳасан Икрак бемаза шалойинлик қила кириштти. *(250 б)* Асас ўзи[857] гузаро маст бўлуб эди, мукаррар нохуш ҳаракатлар қилди. Андокким, батанг бўлдук. Бир хаёл қилдимким, жоладин чиқариб, сувнинг ул юзида ўткарғайбиз.[858] Яна баъзилар дархост қилдилар.

Бу фурсат Бажаврни Шоҳ Мир Ҳусайнға иноят қилиб, Хожа Калонни тилаб эдук. Негаким, Хожа Калон мусоҳиб эди. Бажаврда турмоғи мумтад бўлди. Бажавр ишини ҳам осонроқ тасаввур қилилди. Шоҳ Мир Ҳусайн Бажаврға борурда, Кунар[859] сувининг гузариға етганда йўлукти. Тилаб, баъзи оғиз сўзларни айтиб, хосса кўрни иноят қилиб, рухсат берилди.

Нургил тўғриси етганда бир қари келиб, гадойлиқ қилди. Жоладағилар ҳар қайси тўн ва дастор ва фўтадек нима бердилар. Қари хейли нима олди. Ярим йўлда бир ёмон ерда жола дакка урди, хейли таваҳҳум бўлди. Агарчи жола ғарқ бўлмади, Мир Муҳаммад жолабон сувға йиқилди. Кеча Атарнинг ёвуғида бўлдук.

Сешанба куни Мандировар келилди. Қутлуққадам ва Давлатқадам ва отаси қалъанинг ичида суҳбат тартиб қилиб эдилар, агарчи сафосиз ер эди, аларнинг хотири учун бир неча аёғ ичиб, намози дигар ўрдуға келилди.

Чаҳоршанба куни Киндгар чашмасиға бориб, сайр қилдук. Киндгар Мандировар туманиға тааллуқ кенттур. Тамом Ламғонотда ушбу кентта-ўқ хурмо бордур. Бу кент тоғ этагидин юққоррок воқиъ *(251 а)* бўлубтур. Нахлистони шарқ саридур. Бу чашма нахлистоннинг ёнидадур, ён ерладур. Чашма бошидин олти-етти қари қуйироқ тошларни қалаб ғусл қилғали паноҳе қилибтурлар. Бу мартабағача сувни мушриф қилибтурларким, ғусл қилур кишининг бошиға сув тўкуладур. Бу чашма суви бисёр мулойим, қиш кунлари кишига бу сув аввал жузве совуқ маҳсус бўладур, сўнгра турғон сойи[860] кишига суви хуш[861] ёқадур.

Панжшанба куни Шерхон Таркалоний уйига тушуруб зиёфат қилди. Намози пешин андин отланиб, ясағон моҳихоналарда балиқ туттилар. Бурнароқ бу моҳихонанинг кайфияти мазкур бўлуб эди.

Одина куни Хожа Мирмироннинг кентининг яқиниға туштук. Намози шомда мажлис бўлди.

Шанба куни Алишанг била Алангорнинг оралиғидаги тоғни овладук. Бир тарафдин Алангорлик, яна бир тарафдин Алишанглик чарга қилиб, тоғдин кийикни индурдилар. Хейли кийик ўлди.[862] Овдин ёниб, Алангорда маликларнинг боғига тушуб, суҳбат тутулди. Илгариги тишимнинг ярими синиб, ярими қолиб эди, бугун таом ейдурганда қолғон ярими ҳам синди. Сабоҳи отланиб, баликқа тўр солдурдук. Туш бор эдиким, Алишангга бориб, боғда ичилди. Тонгласи Ҳамзахон Алишангнинг маликинингким, ёмон ишлар қилиб, ноҳақ қонлар тўкуб эди, қонликлариға топшурулди, қасосға еткурдилар.

Сешанба *(251 б)* куни вирд ўқуб, Ёнбулоқ йўли билан Кобулға мурожаат қилдук. Намози дигар Алғатудин[863] сув кечиб, намози шом Корабуға келиб, отқа бўғуз бериб, моҳазаре ҳозир қилдилар, от арпасини тугатгач, отландук.

---

[855] Е: дуя.
[856] Қ: Мулло Алижон.
[857] ЕҚ: худ.
[858] Қуйғой.

[859] П: каз.
[860] Н: Паҳоли; Е: паноҳи.
[861] Е: қуй.
[862] ҚЕ: овлади.
[863] Қ: Афиту.

# ҲИНДУСТОН

# Вақоиъи санайи исно ва салосина ва тисъа миа*

Одина куни, сафар ойининг ғуррасида тарих туққуз юз уттуз иккидаким, офтоб қавс буржида эди, Ҳиндустон азимати била сафар қилиб, Якланга пуштасидин ўтуб, Деҳи Яъқуб сувининг ғарбий тарафидаги ўланг-га тушулди. Бу юртта Абдулмулук қўрчиким, етти-секкиз ой эди, Султон Саъидхон қошиға элчиликка бориб эди, Хоннинг Янгибек кўкалдош отлиқ кишиси била келди. Хонимлардин ва Хондин хатлар била муҳаққар савғот ва йилоқ[864] келтурди. Икки кун черик маслаҳати учун бу юртта туруб, мундин кўчуб, ора кўнуб, Бодом чашма тушулди. Бу юртта маъжун едук.

Чаҳоршанба куни Борик об тушганда Ҳиндустонда қолғон Нурбекнинг иниларидин йигирма минг шоҳрухийлиқ олтун ва ашрафий ва тангаким, Хожа Ҳусайн[865] девон Лаҳур холисотидин йибориб эди, келтурди. Аксарини Мулло Аҳмад[866] Балх арбобидин Балх маслаҳати учун йиборилди.

Одина куни, ойнинг секкизида *(252 а)* Гандамакка тушганда, манга тунд резандалиқ бўлди. Биҳамдиллоҳ, осонлиқ била ўтти.

Шанба куни, Боғи Вафода тушулди. Бир неча кун Ҳумоюн мирзо ва ул юзнинг черики учун Боғи Вафода таваққуф қилилди.

Боғи Вафонинг ҳадди ва ҳудуди ва сафо латофати бу тарихда мукаррар мазкур бўлубтур. Асру сафолиқ боғ воқиъ бўлубтур. Ҳар ким харидорлик кўзи била кўрса, билгайким, не турлук ердур. Неча кункким, анда эдук, ичар кунлари аксар ичилди ва сабуҳий қилилди, ичмас кунлари маъжун суҳбати эди. Ҳумоюн мийоддин кўп кейин қолғон жиҳатидин дурушт хатлар битиб, каттиқ хитоблар қилиб йиборилди.

Якшанба куни, сафар ойининг ўн еттисида сабуҳий қилилиб эдиким, Ҳумоюн келди. Кеч келган жиҳатидин бир пора каттиқ-каттиқ сўз айттим. Хожа Калон ҳам Ғазнидин ушбу кун келди.

Ўшул душанба охшоми-ўқ кўчуб, Султонпур била Хожа Рустамнинг орасида солғон янги боққа тушулди.

Чаҳоршанба куни андин кўчуб, жолаға кириб, Қўшгунбазғача чоғир ичиб бориб, Қўшгунбаздин чиқиб, ўрдуға тушулди. Тонгласи ҳам ўрдуни кўчуруб, жолаға кириб, маъжун ихтиёр қилилди. Дойим тушар юрт Қирқариқ эди. Қирқариқ тўғрисиға етганда ҳар неча мулоҳаза қилилди, ўрдудин асаре *(252 б)* зоҳир бўлмади. Отлар ҳам пайдо бўлмади. Хотирға кечтиким, Гарм чашма ёвуқтур, шояд ўрду анда тушуб экин, деб бу ердин ўтулди. Гарм чашмаға етган чоғ худ кун кеч бўлуб эди, анда ҳам турмай, кечаси ҳам юрулди. Бир ерда жолани турғузуб, бир пора уйқулаб,[867] суннат вақти Ядабирға чиқтук. Кун бурни била черик эли

---

* Туққиз юз уттиз иккинчи (1525) йил воқеалари

[864] Е: тилак; Р: дуъо.

[865] Қ: Хожа Ҳасан.

[866] Қ: Мулло Муҳаммад.

[867] Л: уюйқулди.

кела бошлади. Ўрду худ Қирқариқ навоҳисиға тушган экандур, бизга кўрунмайдур.

Жолада шеър айтур эл хейли бор эди. Мисли, Шайх Абул Важд ва Шайх Зайн ва Мулло Алихон[868] ва Турдибек Хоксор, яна баъзилар ҳам борди эди. Суҳбатта Муҳаммад Солиҳнинг бу байти мазкур бўлдиким:

*Жое ки ту боши дигареро чи кунад кас.*[869]
*Маҳбубии ҳар ишвагареро чи кунад кас,*

дедукким, бу гўшада айтсунлар. Табъи назми бор эл айтмоқ мақомида бўлдилар. Чун Мулло Алихон била хейли мутояба қилилур эди, ҳазл тариқи била бу байт бадиҳада хотирға келди.

*Монанди ту мадҳушу кареро чи кунад кас,*
*Ҳар говкуну мода хареро чи кунад кас.*[870]

Мундин бурун яхши ва ёмон, жид ва ҳазл ҳарне хотирға етса эди, мутояба тариқи била гоҳи манзум бўлур эди. Ҳар нечук қабиҳ ва зишт назм ҳам бўлса марқум бўлур эди. Бу фурсаттаким, «Мубаййин»ни назм қиладур эдим, хотири фотирға хутур этти ва ҳазин кўнгулга мундоқ еттиким, *(253 а)* ҳайф бўлғай ул тилдинким мундоқ алфозни дарж қилғай, яна фикрини қабиҳ сўзларга харж қилғай ва дариғ бўлғай ул кўнгулдинким, мундоқ маоний зуҳур этгай, яна зишт хаёллар анда хутур этгай. Андин бери ҳажв ва ҳазл шеър ва назмидин торик ва тоиб эрдим. Бу байтни айтур маҳал асло хотирға етмади ва бу маъни ҳаргиз[871] кўнгулга хутур этмади.

Бир-икки кундин сўнг Бигромда тушганда резандалиқ бўлуб иситтим. Бу резандалиқ сурфаға мунжар бўлди. Ҳар йўталганда қон тукурур эдим, аксар иситма бўлди, билдимким, бу иситма қондиндур ва бу ташвишни қилғандин: «Фа ман накаса фа иннамо янкусу ало нафсиҳ ва ман авфо бимо оҳада алайҳиллоҳа фасаюътиҳи ажран азийман»,

*Не қилайин сенинг била, эй тил,*
*Жиҳатингдин менинг ичим қондур,*
*Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър*
*Бириси фаҳшу бири ёлғондур,*
*Гар десанг қуймайин бу журм била,*
*Жилавингни бу арсадин ёндур.*

«Раббано заламно анфусано ва ин лам тағфир лано ва тарҳамно лanaкунанна минал-хосирин».

Яна бошдин истиғфор ва эътизор мақомида бўлуб, бу навъ ботил андешадин, бу йўсунлуқ нолойиқ пешадин кўнгулни тиндуруб, қаламни синдурдум. Ул даргоҳдин осий бандаларға бу навъ танбиҳлар давлатедур азим, ҳар банда ҳамким, мундоқлардин мутанаббиҳ бўлғай саодатедур жасим.

Охшом андин кўчуб, Али Масжидға тушулди. Бу юрт *(253 б)* нинг торлиғидин дойим мен бир пушта устига тушар эдим, черик эли тамом бир қўлда тушар эдиким, мен тушган пушта бориға мушриф эди. Кеча черик элининг ўтидин ажаб яхши чароғон бўлур эди. Ҳар навбатким бу юртта тушулубтур, бу жиҳаттин албатта ичилибтур. Бу қатла ҳам мунда тушганда ичилди. Субҳдин бурун маъжун ихтиёр қилиб, отландим. Ушбу кун рўза ҳам тутдум. Келиб Бигромнинг ёвуғиға тушулди.

Тонгласи ул юртта таваққуф қилиб, карк овиға отландуқ. Черик Бигром олидағи Сиёҳобдин ўтуб, сув қўйи боқа чарга солдук. Муддате борилғондин сўнг кейиндин киши келдиким, Бигромнинг ёвуғида-ўқ озроқча жангалға карк кирди, теграсини олиб турубтурлар, ўшандин жилаврез тебраб еттук. Жангалға чарга солиб, ғавғо қилғон била карк чиқиб, тузга қоча берди. Ҳумоюн ва ул юздин келганлар ҳеч ким каркни кўрган эмас эди, бори хотирхоҳ тафарруж қилдилар. Бир куруҳға ёвуқ ковлаб, қалин ўқлаб йиқтилар. Бу карк ҳеч кишига ва отға яхши ҳамла қилмади. Яна икки каркни ҳам ўлтурдилар. Дойим хотирға кечар эдиким, фил била каркни рўбарў қилса, нечук муомала қилғайлар. Бу навбат филбонлар филларни келтурадур экандурларким, бир карк рўбарў-*(254 а)* ўқ чиқар, филбонлар илгаррак юруган била карк рўбарў келмас, ўзга сари қочар.

Ул кунким, Бигромда турулди, баъзи бекларни ва ичкиларни ва бахшилар ва девонлар била олти-етти саркор қилиб, Нилоб гузарида кемаларнинг устига таъйин қилилдиким, жамиъ черик элини ном-баном битиб, сонларин олғайлар.

Оқшоми резандалиқ бўлуб, иситтим[872], бу резандалиқ йўталга тортти, ҳар йўталганда қон ту-

[868] КЕ: Алижон.

[869] «Ҳар бир ноз карашмачининг муҳаббатини нима қилсин киши, сен бўлган жойда бошқани нима қилсин киши».

[870] «Санга ўхшаш ҳушсиз карни нима қилсин киши, ҳар бир ҳукизга ўхшаган ва урғочи эшакни нима қилсин киши».

[871] Е: қатъан.

[872] Л: танаббуҳ.

курур эдим, хейли таваҳҳум бўлди, алҳамдулиллоҳ, икки-уч кундин сўнг бартараф бўлди.

Биғромдин кўчуб, ёмғур ёғдуруб, Кобул суви ёқасиға тушулди. Ҳиндустондин хабар келдиким, Давлатхон ва Ғозихон йигирма-ўттуз минг черик йиғиб, Каланурни олди, Лаҳур устига келмакчидур. Мўмин Али тавочини қадаға била чоптурулдиким, биз кўч-баркўч мутаважжиҳдурбиз, биз етгунча урушқунчи бўлмасунлар. Икки қўнуб, панжшанба куни, ойнинг йигирма секкизида Синд ёқасиға тушток.

Шанба куни, рабиулаввал ойининг ғуррасида Синд суйи кечиб, Качакот сувидин ўтуб, дарё ёқасида тушулди. Кемалар устига қуйғон беклар ва бахшилар ва девонлар черикка келған элнинг сонини арзға еткурдилар. Улуқ-кичик, яхши-ёмон навкар, ғайри навкар ўн икки минғ киши қаламға келибтур. Бу йил тузда пашакаал оз бўлғондир. Тоғ доманасидаги вилоятларда *(254 б)* пашакаал яхши бўлғондур. Ошлиқ маслаҳатидин тоғ доманаси била Сийалкот[873] йўли била мутаважжиҳ бўлдук. Хаатий Гаккарнинг вилояти тўғриси етганда, бир рудта ҳар ерда-ҳар ерда қалин сувлар турубтур. Бу сувлар тамом ях боғлабтур, агарчи хейли қалин эмас бир иликча қалинлиғи бўлғой. Ҳиндустон вилоятида бу навъ ях ғарибтур. Яхни ўшанда-ўқ кўрулди. Бу неча йилки Ҳиндустонда эдук, кор ва яхдин осор ва аломат кўрулмади.

Синддин беш кўч кўчуб, олтинчида Жуд тоғига пайваст Балнат жўгининг тоғининг тубида Багийаллар юрти рудқа келиб тушулди. Тонгласи эл ошлиқ олур маслаҳати учун ул юртта турдук. Ул кун арақ ичилди, Мулло Муҳаммад Парғарий кўп ҳикоят қилдиким, онча пургўйлуқ қилиб эди, Мулло Шамс худ эртаки шалойин эди, бир шалойинлиқ бошласа, кечгача тугата олмас эди. Ошлиққа борғон қул-қуллукчи ва яхши ва ёмон ошлиқдин ўта чиқиб, чангал ва тоғ ва қаттиқ ва буртоғ ерларға паришон ва беҳисоб бориб, бир неча киши олдурдилар. Кичкина тунқатор анда ўлди.

Андин кўчуб, Баҳат сувининг Желамдин қуйироқ гузар била кечиб тушток, Вали Қизилким, парганаси Биймруғирий ва Акрийада эди, Сийалкот кўмаги эди, мунда келиб кўрди. Сийалкотни асрамағон *(255 а)* жиҳатидин итоб ва хитоб мақомида эдукким, арз қилдиким мен парганага келиб эдим, Хисрав кўкалдош Сийалкоттин чиқарида манга хабар ҳам қилмади. Бу узри масмуъ эди. Дейилдиким, чун Сийалкотни асрамадинг, Лаҳурда бекларға нега бориб қўшулмадинг, мулзам бўлди. Чун иш ёвуқ эди, анинг бу жаримасини парво қилмадук.

Ушбу юрттин Саййид Туфон, Саййид Лочинни Лаҳурдағиларға қўш от била чоптурулдиким, урушқучи бўлманг. Сийалкотта ё Парсаруда келиб бизга қўшулунг.

Ҳар кимнинг сўзи бу эдиким, Ғозихон ўттуз-қирқ минг киши йиғибтур. Давлатхон ул қарилиғи била белига икки қилич боғлабтур. Булар жазм урушурлар. Хотирға кечтиким, ул масал борким, «гаҳ ёздаҳ беҳ, гаҳ нуҳ».[874] Чун бу кетмас, Лаҳурдағиларни ўзумизга қўшуб-ўқ урушалинг. Бекларга киши йибориб, ора қўнуб, Чаноб суви ёқасида тушулди. Йўлдин бориб, Баҳлулпурким, холиса эди, сайр қилдук. Қўрғони Чаноб сувининг ёқасида баланд жар устида воқиъ бўлубтур. Хейли хотирға ёқти. Сийалкот элини мунда келтурур хаёл қилдук. Иншооллоҳ, фурсат бўлғоч-ўқ келтурулгусидур.

Баҳлулпурдин ўрдуғача кема била келдук, *(255 б)* суҳбат эди, баъзи арақ, баъзи бўза ичтилар, баъзи маъжун едилар. Кемадин намози хуфтандин кечрак чиқиб, хиргоҳда ҳам озроқча ичилди. От маслаҳатиға бир кун бу сув ёқасида отқа дам бердук.

Одина куни, рабиулаввал ойининг ўн тўртида Сийалкотқа тушток. Дойим Ҳиндустонға борсак, ғов ва говмиш ўлжасиға тоғдин ва туздин жат ва гужур беҳад ва беқиёс келур эди. Бошсизлиқ ва зулм қилғучи ушбу бадбахтлар эди. Бурун вилоятлар ёғий эди. Хейли тили қисиқ[875] йўқ эди. Бу навбаткім, бу вилоятлар тамом эл бўлубтур, ўшундоқ муомала қила кириштилар. Сийалкотнинг яланғоч фақир, мискиниким, ўрдуға келиб эдилар, баякбор гавғойе тушти, талонға бордилар. Бошсизлиқ қилғон элни топтуруб, икки-учни порапора қилдурдум. Сийалкоттин Шоҳим Нурбекни ҳам Лаҳур бекларига чоптурулдиким, ёғий не ерда эканин таҳқиқ қилиб, қайда қотилурларини соҳиб вуқуф кишидин билиб, айтиб йиборсунлар.

[873] РЕҚ: Сийалкут, кейин ҳам шундай.

[874] «Гоҳ ўн бир яхши, гоҳ тўққуз».

[875] Қ: йитиқ қилиқ; Е: тилиқ қисиқ.

Ушбу юртта бир савдогар келиб, Оламхон, Султон Иброхимхонга бостурғонини арз қилди. Шархи будурким, Оламхон рухсат олғондин сўнг ушмундоқ, иссиқ хавода хамрохқа боқмай, икки кўчни бир қилиб, Лахўр келур. Оламхонға рухсат берган фурсатта ўзбак *(256 а)* хонлари, султонлари тамом келиб, Балхни қабаб эди. Оламхонга Хиндустон сари рухсат бериб, ўзумиз Балх устига отландуқ.

Лахўрға келгандин сўнг, Хиндустондағи бекларга мухассил кирарким, подшох сизларни манга кўмак бўлсун дебтур, манга қотилиб юрунг. Ғозихонни ўзумизга қўшуб, Дехли ва Агра устига юрулинг. Булар дерларким, Ғозихонга не эътимод била қотилалинг. Фармон хам мундоқтуркин, хар қачон Ғозихон иниси Хожихонни ўғли била даргохға йиборса, ё улким, Лахўрға йибориб, гарав йўсунлуқ турса, сизлар қотилинг. Йўқ эрса, қўшулғучи бўлмағайсиз, деб. Сиз хам туна-кун урушуб бостурубсиз, яна не эътимод била қўшуласиз. Сизга хам маслахат эмаским, қотилғайсиз.

Хар неча бу йўсунлуқ сўзлар айтиб манъ қилурлар, етикка кирмас. Ўғли Шерхонни йибориб, Давлатхон ва Ғозихон била сўзлашиб кўрушурлар. Диловархонким, неча махал бандта эди, икки-уч ой бўлуб эдиким, Лахўрға бандтин қочиб келиб эди, ани хам ўзи била олиб борур. Махмудхон Хонижахонким, Лахўрда пargана берилиб эди, ани хам хамрох элтар. Ғолибо сўзни бу ерға қўярларким, Давлатхон ва Ғозихон Хиндустонда қўюлғон бекларни, балки тамом бу тарафни ўзиға олур. Диловархонни ва Хожихонни Оламхонға қотар. Булар *(256 б)* Дехли ва Агра тарафини ўзларига олурлар. Исмоил Жилваний[876] ва яна баъзи умаро келиб, Оламхонни кўрарлар. Бетавақкуф Дехли сари куч-барқуч тебрарлар. Андарийға етганда, Сулаймон[877] Шайхзода хам келиб кўрар. Буларнинг жамъияти уттуз-қирқ мингга тортар, келиб Дехлини қабарлар, уруш хам сола олмаслар, қўрғон элига танқис хам бера олмаслар.

Султон Иброхим буларнинг жамъиятидин хабар топиб, буларнинг устига черик отланур. Ёвуқрок етгач, булар хам хабар топиб, қўрғон устидин қўпуб, муқобалаға юрурлар. Сўзни мунга қўярларким, агар кундуз уруш солсак, афғон бир-бири номусдин қочмаслар. Агар шабихун борсак, қоронғу кечада киши кишини кўрмас, бошлиқ-бошиға бўлурлар, деб ора олти курух ердин шабихун келурлар. Икки қатла шабихунға кун тушга отланиб, икки пос, уч посғача от устида-ўқ туруб, не кейин ёниб, не илгари юруб, сўзни бир ерга қўя олмай, учунчисида кечанинг бир пахари қола шабихун келурлар. Буларнинг шабихуни чодирға ва ўтоққа ўрт[878] қўймоқ эмиш. Келиб бир бошдин ўрт қўюб, ғавғо солурлар. Жалолхон Жагхат ва яна баъзи умаро келиб, Оламхонни кўрарлар.

Султон Иброхим ўз сарочасидин-ўқ бир неча хос хайли била тебранмас. Мунгача тонг отар. Оламхоннинг бўлғон кишиси эл таламоққа ва ўлжа олмоққа машғул *(257 а)* бўлурлар. Султон Иброхимнинг черики кўрарким, буларнинг кишиси асру оздур, ўшандин бир озроқ фавж, бир фил била булар сари мутаважжих бўлур. Фил илгаррак юругач, булар тўхтай олмаслар. Қочарлар. Ўшандин қочғон била Оламхон Миёни дуоб сари кечиб, Панипат навохисидин яна Панипат сари ўтарлар, Андарийға етган махалда бир бахона қилиб, Миён Сулаймондин уч-тўрт лак олиб қўярлар. Исмоил Жилванийдин Оламхоннинг улуғ ўғли Жалолхон булардан айрилиб, Миёни дуоб сари ўзларини тортарлар.

Оламхонга йиғилғон черикдин бир пораси, мисли Сайфхон ва Дарёхон ва Махмудхон ва Хонижахон ва Шайх Жамол Фармулий, яна баъзилар уруштин бурун-ўқ қочиб, Иброхимға борурлар. Оламхон ва Диловархон ва Хожихон Сахринддин ўта бизнинг келиб Малўтни олғонимизни хабар топарлар. Диловархон чун хамиша давлатхохлиқ мақомида эди ва бизнинг учун уч-тўрт ой банд тортиб эди, айрилиб, Султонпурға кўчига келиб, биз Малўтни олғондин уч-тўрт кун сўнг Малўт навохисида бизга келиб, мулозамат қилди.

Оламхон ва Хожихон Шатлут[879] сувидин кечиб, Дун била Даштнинг орасидағи тоғда Гангута отлиқ бир берк қўрғонга келиб кирарлар. Бизнинг чопқунчи афғондин ва хазорадин *(257 б)* келиб, буларни қабарлар. Ўшандоқ берк қўрғонни ола ёвушқон экандурларким, кеч бўлур, чиқар хаёли қилурлар, отларнинг дарвозага йиқитилғон

[876] Қ: Улвоий.
[877] РН: Салмон.

[878] Қ: ўг.
[879] Қ: Сатлуж.

жиҳатидин чиқа олмаслар. Филлари бор экандур, филларни илгари солурлар. Аксар отларни филлар босиб ўлтурур. Бовужуд ҳам от била чиқа олмаслар. Қоронғуда яёв чиқиб, юз минг ташвишлар била Ғозихонким, Малўтға кирмай, тоғ сари қочиб эди, бориб қушулурлар. Ғозихон яхшиғина ошнолиқ ҳам бермас.

Зарурат бўлуб, Дуннинг аёғида Паҳлўр навоҳисида Оламхон келиб, мулозамат қилди. Сийалкотта Лаҳўрдағилардин киши келдиким, тонгла борча келиб, мулозамат қилурлар.

Тонгласи кўчуб, Парсаруға туштук. Муҳаммад Али жанг-жанг, Хожа Хусайн, яна баъзи йигитлар мунда келиб, мулозамат қилдилар.

Еғийнинг доираси Равий сувининг Лаҳўр[880] тарафда экандур, Бўжак[881] бошлиқларни хабар учун йибордук. Кечанинг уч паҳари бўла ёвушуб эдиким, хабар келтурдиларким, ёғий хабар топқоч, бир-бирига боқмай бузулуб қочарлар.

Эрта кўчуб, партолдин ва уруқдин айрилиб, Шоҳ Мир Хусайнни, яна Жонибекни урукка қуюб, ўзумиз илдам тебрадук. Икки намоз орасида Каланурға келиб туштук. Муҳаммад Султон мирзо ва Одил Султон, ўзга беклар *(258 а)* мунда келиб, мулозамат қилдилар.

Каланурдин эрта кўчуб, йўлда Ғозихон ва қочқонларнинг хабарини ёвуқ-солиқ бердилар. Муҳаммадий ва Аҳмадий ва Қутлуққадам ва Вали хозин бошлиқ ва аксар бекларниким, бу навбат Кобулда бекликка юкундурулуб эди, бу қочқонларнинг кейнига қовғунчи йибордук. Андоқ муқаррар бўлдиким, ета олсалар худ хўб, агар етаолмасалар, Малўт қўрғонининг гирдо-гирдини яхши эҳтиёт қилғайларким, қўрғон эли қочиб кетмагайлар. Бу эҳтиётлардин ғараз Ғозихон эди.

Бу бекларни илгари йибориб, Канваҳийн тўғрисидин Бийаҳ суйини кечиб тушулди. Андин ора икки қунуб, Малўт қўрғонининг кўлининг оғзида туштук. Бурун келган беклар била Хиндустондағи бекларга ҳукм бўлдиким, қўрғонни яқин қабаб тушгайлар.

Давлатхоннинг набираси, улуқ ўғли Алихоннинг Исмоилхон отлиқ ўғли мунда келди. Бир пора ваъда ва ваъид ва истимолат ва таҳдид била яна қўрғонға йибориб, одина куни ўрдуни илгари кўчуруб, қўрғонға ярим куруҳ ёвуқ туштук. Ўзум келиб, қўрғонни кўруб, буронғор, жавонғор, ғулға бўлжорлар[882] таъйин қилиб, ёниб ўрдуға туштум.

Давлатхон киши йибориб, арз қилди *(258 б)* ким, Ғозихон қочиб тоққа борди. Менинг гуноҳимни авф қилсалар, қуллуққа бориб, қўрғонни топшурай. Хожа Мирмиронни йиборилди, тавахҳумни хотиридин чиқариб келтурди. Давлатхон ва ўғли Алихон била келдилар. Буюрдумким, ушал икки қиличким, бизнинг била урушур учун белга боғлаб эди, бўйниға остилар. Мундоқ рустойи ва лода мардак бўлғаймуким, иши бу ерга етиб, ҳануз тааллул қиладур. Илгаррак келтурдилар. Буюрдумким, қиличларни бўйнидин олдилар. Кўрушур вақт юкунмакта таъхир қиладур. Буюрдумким, оёғини тортиб юкундурдилар. Илгари ўлтурғузуб, бир ҳиндустоний билур кишига буюрдумким, бу сўзларни бирор-бирор анга хотир нишон қила айткил, мундоқ дегилким, мен сени ота дедим, таъзим ва эҳтиромингни ул тарикким, сенинг хотиринг тилар эди, андин яхшироқ қилдим. Ўзунгни ва ўғлонларингни, балужларнинг дарбадарлиқларидин қутқордим. Хайлхоналарингизни ва ҳарамларингизни Иброҳимнинг бандихонасидин халос қилдим. Уч карўр Татархоннинг вилоятини санга иноят қилдим. Сенинг ҳаққингда ёмон бордиммуким, тушунг била белингга икки қилич боғлаб, черик тортиб, бизнинг вилоятларнинг устига келиб, мундоқ шўр ва фитна солурсен. Қари мабҳут мардак бир-икки сўз оғзида *(259 а)* -уқ пуйпади[883] сўзлай олмади, муқобалада ҳам демай мундоқ мускат сўзларга не дея ҳам олғай эди. Андоқ муқаррар бўлдиким, хайлхоналари ва ҳарамларини мунга топшуруб, ўзга бўлғон жамиъ жиҳотларни забт қилғайлар. Фармон бўлдиким, Хожа Мирмирон била тушгай.

Шанба куни, рабиулаввал ойининг йигирма иккисида уларнинг хайлхона ва ҳарамхоналарини солим чиқармоқ учун ўзум келиб, Малўт қўрғонининг дарвозасининг рўбарўйидаги баландиға туштум. Алихон чиқиб, бир пора ашрафий пешкаш қилди. Намози дигарга ёвуқ хайлхоналари ва ҳарамлари чиқара-кириштилар.

Ғозихонни, агарчи чиқиб кетибтур дейдурлар эди, вале баъзилар дедиким, биз кўрдукким қўрғондадур. Бу жиҳатдин баъзи ичкиларни ва чуҳра-

[880] Қўлёзмаларда: Лампур.
[881] Қ: Бужка.
[882] Н: мулжорлар.
[883] Н: пупйади; Қ: пупади.

ларни дарвозада қўюлдиким, гумонлиқ кишини ахтарғайларким, Ғозихон муғаллат қилиб, чиқмағайким, куллий ғараз ул эди. Яна баъзи жавоҳир ва жаровини ҳам яшуруб чиқарадурғон бўлса, забт қилғайлар.

Ўшул дарвозанинг олидаги баландида чодир тиктуруб, кеча анда-ўқ бўлдум. Сабоҳи Муҳаммадий ва Аҳмадий ва Султон Жунайд ва Абдулазиз ва Муҳаммад Али жанг-жанг ва Қутлуқ-қадам ва бир-неча ички бекларға фармон бўлдиким, ичкари кириб, хизоналари ва бўлғон жиҳотларини забт қилғайлар. Эл қўрғон *(259 б)* эшигида бисёр ғулув қиладурлар эди, сиёсат учун бир неча ўқ оттим, якбор бир қазо ўқи Ҳумоюн мирзонинг қиссахонига текгач-ўқ жон бахақ таслим қилди.

Икки кеча ўшул баландида қўнуб, душанба куни қўрғонға кириб сайр қилиб, Ғозихоннинг китобхонасиға кирдим. Бир неча нафис китоблар чиқти, бир нечасини Ҳумоюнға бериб, бир нечасини Комронға йибордим. Муллоёна китоблар худ бисёр эди. Вале онча нафис китобларким, кўз тутулур эди, онча чиқмади. Кечаси анда қўнуб, тонгласи ўрдуға келдим.

Ғозихонни қўрғонда тасаввур қилур эдук, ул беҳамият номард ота, оға-инисини ва она-эгачисинглини Малўтта ташлаб, маъдуде била тоғ сари кочибтур.

*Мабин он беҳамиятро ки ҳаргиз*
*Наҳоҳад дид рўи некбахти,*
*Тан осони гузинад хештанро,*
*Зану фарзанд бигзорад ба сахти.*[884]

Чаҳоршанба куни ул юрттин кўчуб, Ғозихон қочқон тоғ сари мутаважжиҳ бўлдук. Малўтнинг оғзидаги юрттин бир куруҳ йўл келиб, бир қўлда туштук. Диловархон мунда келиб, мулозамат қилди. Давлатхонни ва Алихонни ва Исмоилхонни ва яна бир неча уруғларини банд қилиб, Каттаға топшурдукким, Бҳирадаги Малўт қўрғониға *(260 а)* элтиб сахлағай. Ўзгаларниким, ҳар кишига туттурулуб эди, Диловархоннинг иттифоқи била хунбаҳо таъйин қилилди. Баъзини кафилга бериб, баъзини банд қилиб, сахладилар. Катта бандиларни элтти. Давлатхон Султонпурға ета ўлди.

Малўт қўрғонини Муҳаммад Али жанг-жанг уҳдасида қилдук. Ўз жонибидин оғаси Арғунни бир пора йигитлар била анда қўйди. Ҳазора ва афғондин ҳам икки юз элликча киши қўрғонға кўмак таъйин бўлди.

Хожа Калон Ғазни чоғирларидин бир неча тевада юклатиб эди, Хожа Калоннинг юрти бир баландида воқиъ бўлуб эдиким, қўрғонға ва ўрдуға мушриф эди, анда суҳбате тутулуб, баъзи эл чоғир ичти, баъзи эл арақ ичтилар, тавр суҳбате эди.

Андин кўчуб, Малўтнинг бир арғадоллиқ ушоқ тоғларидин ошиб, Дунға келдук. Ҳиндустон тили била жулгани «дун» дермишлар. Ҳиндустонда бир оқар сув ушбу дундадур. Дуннинг атрофи қалин кентлардур. Жасвал парганаси эмишким, Диловархон аларнинг тағойилари бўлғай. Дун тавр жулгае тушубтур. Руднинг атрофлари ўланг-дур, баъзи ерда шоли экибтурлар, ўртасидин уч-тўрт тегирмон сув оқиб борадур. Жулғанинг кенглиги бир куруҳ-икки куруҳ, баъзи ери бўлғайким, *(260 б)* уч куруҳ ҳам бўлғай. Тоғлари кичикрак-кичикрак пушта йўсунлуқ тоғлардур, кентлари бу тоғларнинг доманаларида воқиъ бўлубтур. Кент бўлмағон ерларда товус ва маймун бисёр. Уй товуғидек товуқ ҳам кўптур. Биайниҳи товуқдур, вале аксар бир рангдур.

Чун Ғозихоннинг хабари бир ерда муҳаққақ эмас эди, Турдикани ва Биримй Дэв Малиҳас била таъйин қилдукким, ҳар ерда Ғозихон бўлса, бориб, бир навъ қилиб, иликлағайлар.

Бу Дун атрофидаги ушоқ тоғларда тавре мазбут қалъалар тушубтур. Шарқи-шимол тарафида бир қалъа воқиъ бўлубтур, Котла отлиқ, атрофи етмиш-сексон қари, якандоз улуғ дарвозаси тарафи етти-саккиз қари бўлғай. Пули равон солур ерининг кенглиги ўн-ўн икки қари бўлғай, икки узун йиғочни кўпрук қилибтурлар. Отни ва галани андин ўткарурлар.

Бу куҳистонда Ғозихоннинг беркитган қўрғонларидин бири будур, кишиси бор экандур. Чопқунчи етиб, уруш солур. Алар ёвушқондурлар. Кеч бўлғоч, қўрғоннинг ичидагилар мундоқ руст қўрғонни ташлаб қочарлар.

Бу Дун навоҳисида яна бир руст қўрғон Гангўта қўрғонидур, анинг атрофи ҳам учмадур, вале ул мунча руст эмастур. Оламхон ушбу Гангўта қўрғониға кириб эди, бурун мазкур бўлди.

*(261 а)* Ғозихоннинг устига илғор айирғон-

---

[884] «Ундай беҳамиятни кўрма, у ҳеч қачон хушбахтлик юзини кўрмайди. У ўз гавдасини қутқариб, хотин, бола-чақасини ёмон ҳолда қолдиради».

дин сўнг ҳиммат рикобиға оёқ қўюб, таваккул инониға илик уруб, Султон Иброҳим бинни Султон Искандар бинни Султон Баҳлул Лўдий афғоннинг устигаким, ул тарихда Деҳли пойтахти ва Ҳиндустон мамолики анинг тахти тасаррруфида эди, ҳозир черигини бир лак дерлар эди, ўзида ва бекларида мингга ёвуқ фил ченарлар эди, мутаважжиҳ бўлдук. Бир кечдин сўнг Боқи шиғовулға Дипалпурни иноят қилиб, Балхқа кўмак йиборилди. Балх маслаҳати жиҳатидин, қалин ярмоқ ва Кобулдағи урук-қаёш ва ўғлон-ушоққа Малўт фатҳида тушган матоъдин савғотлар йиборилди.

Дундин қуйи бир-ики кўчтии сўнг Шоҳ Имод Шерозий Оройиш Хон ва Мулло Муҳаммад музаҳҳибнинг хатларини олиб келди. Бир пора давлатхоҳлиқ изҳори қилиб, бу юрушга саъй ва эҳтимомлар қилибтурлар. Биз дағи бир яёқдин иноят фармонлари йибориб, илгари кўчтук.

Малўттин борғон чопқунчи Ҳарур, Каҳлўр ва ул навоҳидағи тоғ қўрғонлариниким, муддатлар экандур, ул ораға берклигидан ҳеч ким борғон эмас экандур, тамом олиб, элини талаб, бизга келиб қўшулдилар. Оламхон ҳам хароблаб, яёқяланг келди. Ўтрусиға беклардин ва ичкилардин йибориб, отлар ҳам йибордук. Ушбу навоҳида *(261 б)* келиб, мулозамат қилди. Бу навоҳининг тоғ ва дараларига дағи чопқунчи бориб, бир-икки қўнуб келдилар. Муътад биҳ нима иликка тушмади. Шоҳ Мир[885] Ҳусайн ва Жонибек ва баъзи йигитлар чопқунға рухсат тилаб бордилар.

Дунда эканда икки-уч навбат Исмоил Жилванийнинг ва Бибаннинг арзадошлари келди. Мундин ҳам аларнинг кўнгли тилагандек фармонлар йиборилди.

Дундин кўчуб, Арўпар келдук. Арўпарда эканда қалин ёмғурлар ёғди. Филжумла совуқ бўлди. Оч-яланғоч ҳиндустонийлар қалин қирилди.

Арўпардин кўчуб, Саҳринд тўғриси Кармалға[886] тушуб эдукким, бир ҳиндустоний: «Султон Иброҳимнинг элчисидурмен», деб келди. Агарчи, хат ва китобати йўқ эди, биздин бир киши элчиликка истидъо қилибдур. Биз ҳам анинг муқобаласида бир-икки Саводий тунқаторни йибордук. Бу фақирлар етгач, ҳар иккисини Иброҳим банд қилдурур. Ўшал кунким, Иброҳимни бостук, ўшал замон Саводий халос бўлуб келди.

Ора қўнуб, Банур[887] ва Санур рўди ёқасиға тушттук. Ҳиндустонда дарёлардин бошқа бир оқар сувким бор — будур, муни Гагар суви дерлар, Читр ҳам бу сув ёқасидадур. Бу сув юққори сайр қила отландук. Читрдин уч-тўрт куруҳ юққорроқ бу сув рўднинг зиҳидин чиқиб келадур, рўд юққориким, сайрға борилди, бир кенг дарадин тўрт-беш *(262 а)* тегирмон сув чиқиб келадур. Юқорроқ хейли латиф ва хуш ҳаво муносиб ерлардур. Ушбу сувнинг кенг дарадин чиқишида бир чаҳорбоғ буюрдум. Бу сув тузга тушуб, бир-икки куруҳ йўл бориб, рўдға сингадур. Гагар суви зиҳобдин чиқар, бу сув сингар ердин уч-тўрт куруҳ қуйироқ бўлғай. Пашакаалда бу рўд суви қалин келиб, Гагар сувиға қотилиб, Самана ва Сунамға борурлар.

Бу юртта хабар топтукким, Султон Иброҳимким, Деҳлининг бери ёнида эди, андин илгари боқа кечубтур, яна Ҳисори Ферузанинг шақдори Ҳамидхоний Хосса Хайлий Ҳисори Феруза ва ул навоҳининг черики била Ҳисори Ферузадин ўн-ўн беш куруҳ берирак чиқиб келибтур. Каттабекни хабар учун Иброҳимнинг ўрдусиға йиборилди. Мўмин аткани Ҳисори Феруза черикига хабар учун йиборилди.

Якшанба куни, жумодиулаввал ойининг ўн учида Анбаладин кўчуб, бир кўл ёқасиға тушуб эдукким, Мўмин атка ва Каттабек ушбу кун келдилар. Ҳумоюнни тамом буронғор кишиси билаким, Хожа Калон ва Султон Муҳаммад дўлдой ва Вали хозин бўлғай ва Ҳиндустонда қолғон беклардин Хисравбек ва Ҳиндубек ва Абдулазиз ва Муҳаммад Али жанг-жанг ва ғулдин ичкилардин ва йигитлардин Шоҳ Мансур барлос ва Каттабек ва Муҳиб Али ва бир пора киши қўшуб, *(262 б)* Ҳамидхон устига таъйин қилдук.

Бибан ҳам ушбу юртта келиб, мулозамат қилди. Бу афғонлар кўп рустойи ва беҳуш эл буладур. Бовужудким, Диловархон ҳам навкар ва ҳам мартабаға андин улуқроқ ўлтурмас, Оламхоннинг ўғлонлариким, подшоҳзодаларедур, алар ўлтурмас, бу ўлтурмоқ истидъо қилди, анинг номаъқулиға ким қулоқ солур!

[885] Қ: Меҳримни; Р: Парим.
[886] Е: Кармол.
[887] Л: танур.

Душанба куни, сабоҳи ойнинг ўн тўртида Ҳамидхон устиға Ҳумоюн мутаважжиҳ бўлди. Илғоб, Ҳумоюн ўзидин илгаррак юз-юз эллик ўбдон йигитни қаравул айирур. Қоровул кишиси ёвуқ етиб, илик олишиб, бир-икки даст эгаришган маҳалда кейиндин Ҳумоюннинг қораси пайдо бўлғач-ўқ ғаним қочар. Юз-икки юз киши тушуруб, яриминининг бўйнини уруб, яримини етти-саккиз фил била келтурди. Ҳумоюннинг бу фатҳининг хабарини одина куни, туш вақтида ойнинг ўн секкизида Бек Мирак муғул ўшал юртта-ўқ келтурди. Филҳол хосса бош-оёқ ва тавиладағи хосса отлардин бир от иноят қилиб, жулду ҳам ваъда бўлди.

Душанба куни, ойнинг йигирма бирида ўшал юртта Ҳумоюн юзча банди била ва етти-секкиз фил била келиб, мулозамат қилди. Бандиларни Устод Алиқули ва туфангандоз *(263 а)* ларга буюрулдиким, сиёсат жиҳатидин борини туфанг била қирдилар. Аввали юруши ва аввал иш кўргани бу эди. Шутунға бисёр яхши бўлди, қовуғунчи қояғон элини қовлаб, Ҳисори Ферузаға етган била-ўқ олурлар, Ҳисори Ферузани талаб келдилар. Ҳумоюнға Ҳисори Ферузани тавобиъ ва лавоҳиқи билаким, бир карўр вилояттур, яна бир карўр ярмоқ жулду берилди.

Ул юрттин кўчуб, Шоҳобод келдук. Тил тутар учун Султон Иброҳимнинг ўрдусиға киши йибориб, неча кун бу юртта тавaққуф бўлди. Раҳмат пиёдани фатҳномалар била Кобулға йиборилди.

Ушбу юртта душанба куни, жумодиулаввал ойининг йигирма секкизида офтоб ҳамал буржиға таҳвил қилди. Ўн секкиз ёшда эди, ушбу юртта Ҳумоюн[888] юзига устара ё миқроз тегурди, тарих сана 961 бўлғай.[889]

Иброҳимнинг ўрдусидин ҳам мутавотир хабарлар кела бошладиким, бир куруҳ-икки куруҳ кўчуб ҳар юртта икки-уч кун мақом кила-кила келадур. Биз ҳам мутаважжиҳ бўлуб, Шоҳободдин ора икки қўнуб, Жуун дарёсининг ёқосиға Сарсава тўғриси келиб туштук. Хожа Калоннинг навкари Ҳайдарқулини тил тута йиборилди.

Мен Жуун дарёсини гузар била кечиб бориб, Сарсавани сайр қилдим. Ул куни маъжун ҳам едук. Сарсаванинг чашмаси бор, озроқча сув бу чашмадин чиқиб борадур, ёмон ер эмас. Бир Турдибек хоксор *(263 б)* таърйф қилди. Мен дедимким, сеники[890] бўлсун. Бу тақриб била Турдибекка Сарсава берилди.

Бир кемада толор ясатиб, гоҳи кема сайри қилур эдим, гоҳи кўчларда кема била андин келур эдим.

Ул юрттин дарё ёқалай[891] қуйиға боқа икки кўч кўчулуб эдиким, тил тута борғонлардин Ҳайдарқули хабар келтурдиким, Довудхон Ҳайтимхонни беш-олти минг киши била Миёни дуоб сари кечурубтур. Уч-тўрт куруҳ Иброҳимнинг доирасидин берирак[892] доира уруб ўлтурубтур.

Бу фавжнинг устида якшанба куни, жумодиулохар ойининг ўн секкизида[893] Чин Темур Султонни ва Маҳдий Хожа ва Муҳаммад Султон[894] мирзо ва Одил Султонни тамом жавонғор кишисиниким, Султон Жунайд ва Шоҳ Мир Ҳусайн ва Қутлуққадам бўлғай, ғулдин ҳам Юнус Али ва Абдулло ва Аҳмадий ва Каттабекни илғор айирдук. Намози пешин бу ердин сув кечиб, намози дигар-намози шом орасида ул юздин тебрадилар. Бибан ушбу илғор баҳонаси била сувдин ўтуб қочти. Фарз вақтида ғаним устига етарлар. Оз-оғлоқ ясаб чиққандек қилурлар. Бизнинг киши етган била-ўқ олиб тебрарлар. Иброҳимнинг доираси тўғрисиғача тушура борурлар. Ҳайтимхонниким, Довудхоннинг оғаси ва бир сардори ул эди, тушуруб етмиш-сексон банди била, олти-етти фил била келиб кўрдилар. Сиёсат учун *(264 а)* аксари ясоққа етти.

Андин кўчуб, буронғор, жавонғор, ғул ясол ясаб дим кўрулди. Ул миқдорким, қиёс қилур эдук, онча черик назарға келмади.

Бу юртта фармон бўлдиким, жамиъ черик эли фарохўри ҳолиға ароба келтургайлар. Етти юз ароба бўлди. Устод Алиқулиға фармон бўлдиким,

888 ЕҚ: Ҳумоюн мирзони.

889 Қозон босмасида Ҳумоюннинг 18 ёшга киргани тарихи 961 йил деб кўрсатилиши хато. Лондон босмасида бу жумла туширилиб қолдирилган. Эдинбург нусхасида бунга қўшимча шундай дейилган: «Чун Ҳазрати маҳдумий (яъни Бобур — С. Ҳ.) устара қўймоқни юзга ул вақойиъда зикр қилибтурлар. Банда даги ба таттаъои они зикр қилди: Ул тарихда ўн секкиз ёшда эдим ва дарҳоло қирқ секкиз ёшдаменким бўлғай. Ҳарраҳу Муҳаммад Ҳумоюн. Нақл аз хатти Онҳазрат аноаллоҳу бурҳонаҳу».

890 Қ: Сенга; Е: Сенинг.

891 Е: ёқалари.

892 ҚН: беррок; Е: берирок.

893 Л: «ўн» сўзи йўқ.

894 Л: Бу сўзлар тушиб қолган.

Рум дастури била аробаларнинг орасида занжир ўрнига ўйнинг хомидин арғамчилар эшиб, бир-бирига боғлағайлар. Ҳар икки ароба орасида олти-етти тўра бўлғай. Туфангандозлар бу ароба ва тўраларнинг кейнида туруб, туфанг отқайлар. Бу асбобнинг тартиби жиҳатидин беш-олти кун бу юртта таваққуф бўлди.

Ва бу асбоб ва олот тайёр ва мукаммал бўлғондин сўнг, тамом бекларни ва сўз билур ўбдон йигитларни дағи кенгашга тилаб, ом кенгаш қилиб, раъйлар мунга қарор топтиким, Панипат шаҳредур, маҳаллот ва уйлари қалин, ҳар тараф маҳаллот ва уйлар бўлур, яна атрофини ароба ва тўра била беркитиб, туфангандоз ва яёкни ароба ва тўра орқасида таъйин қилмоқ керак.

Бу қарор била кўчуб, ора қўнуб, панжшанба куни, жумодиулохир ойининг салхи Панипат келдук. Ўнг қўл шаҳр ва маҳаллот бўлди. Олимизда тартиб қилғон тўралар бўлди. Сўл қўлда *(264 б)* ва баъзи ерларда ҳандақ ва шох бўлди. Ҳар бир ўқ отими ерда юз-юз эллик отлиқ чиққудек ерлар қўюлди. Черик эли баъзи хейли мутараддид ва мутаваҳҳим эдилар. Тараддуд ва таваҳҳум бетақрибдур. Неким азалда Тенгри тақдир қилибтур, андин ўзга бўлмас. Агарчи аларни ҳам айб қилиб бўлмас, ҳақ алар жониби эди. Не учунким, ватандин икки-уч ойчилик йўл келилиб эди. Ғариб қавме била элнинг иши тушуб эди. Не биз аларнинг тилларини билур эдук, не алар бизнинг тилимизни.

*Парешон жамъэю, жамъе парешон,*
*Гирифтор қавмею, қавме ажойиб.*

Ғанимнинг ҳозир черикини бир лак ченарлар эди. Ўзининг ва умаросининг минг-икки мингга ёвуқ фили бор дерлар эди. Икки отасидин қолғон хазина худ нақд илигида эди, Ҳиндустонда бир расме бордурким, мундоқ иш тушганларда ярмоқ бериб, мийод била навкар тутарлар. Бу элни «бадҳандий» дерлар. Агар мундоқ хаёл қилса эди, бир лак, икки лак ҳам навкар тута олур эди. Тенгри таоло рост келтурди, не йигитини рози қила олди, не хазинасини улаша олди. Қандин йигитини ризо қила олурким, табиатиға имсок кўп ғолиб эди. Ўзи ярмоқ йиғиштурмоққа беҳад толиб, бетажриба йигит эди. Не келиши саранжомлиқ *(265 а)* эди, не туруши, не юруши эҳтимомлиқ эди, не уруши.

Ул фурсаттаким, Панипатта черик элининг атроф ва жавонибини ароба ва шох ва ҳандақ била мазбут ва мураттаб қилиладур эди, Дарвеш Муҳаммад сорбон арзға еткурдиким, мунча эҳтиёт ким бўлди, ул не имкондурким келгай.

Дедимким, сен буларни ўзбак хон, султонлариға қиёс[895] қиламусен? Ул йил Самарқандтин чиқиб, Ҳисор келганда ўзбакнинг жамиъ хон ва султонлари йиғилиб, иттифоқ қилиб, бизнинг устумизга келур азимат била Дарбанддин ўттилар. Биз жамиъ сипоҳий ва муғулнинг кўч ва молларини маҳаллотқа кийюруб-кийюруб,[896] маҳаллотни кўчабанд қилиб, беркиттук. Чун ул хонлар ва султонлар юруш-турушнинг ҳисоб ва яроғини билур эдилар, кўрдиларким, улук-тирикни Ҳисорда қўруб, Ҳисорни беркиттук. Ҳисор устиға келмакнинг ҳисобин топа олмай, Чағониён навоҳиси Навандоқдин-[897] ўқ ёндилар. Буларни аларға ўхшатма, иш ҳисобини ва юруш ярoғини қанда билурлар.

Тенгри рост келтурди, мен дегандек-ўқ бўлди. Етти-секкиз кун Панипатта эдук, оз-оз кишимиз бориб, доирасиғача қалин кишиларига ўқ қуярлар эди, бош кесиб келтурурлар эди. Алар ҳеч ҳаракате ва жунбуше қилмаслар эди. Охир баъзи *(265 б)* давлатхоҳ Ҳиндустоний бекларнинг раъйи била амал қилиб, Маҳдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзо ва Одил Султон ва Хисрав ва Шоҳ Мир Ҳусайн ва Султон Жунайд барлос ва Абдулазиз мирохур ва Муҳаммад Али жанг-жанг ва Қутлуққадам ва Вали хозин ва Муҳиб Али халифа ва Муҳаммад бахши ва Жонибек ва Қорақўз бошлиғ тўрт-беш минг кишини шабихунға йибордук. Кеча била ўбдон иттифоқ қила олмай, парешон бориб тегарлар, иш қила олмадилар. Тонг отиб, ёруқ бўлғунча ғанимнинг доирасининг яқинида эдилар, ғаним кишиси нақораларини чолдуруб, филлар била ясаб чиқтилар. Агарчи иш қила олмадилар, андоқ қалин киши била илик олишиб, вале ҳеч киши қора олдурмай, солим ва саломат чиқтилар. Муҳаммад Али жанг-жангнинг оёғиға ўқ тегди, агарчи муҳлик эмас эди, вале уруш куни ишга ярамади.

Бу хабарни топиб, Ҳумоюнни черики била бир куруҳ-бир ярим куруҳ буларнинг ўтрусиға

---

[895] Е: қилар.
[896] Е: кетуруб.
[897] Е: Бундақдин.

йибориб, узум ҳам қолғон черик била ясаб чиқтим. Шабихун борғонлар Ҳумоюнға қўшулуб келдилар. Чун ғаним кишиси илгаррак келмади, биз ҳам ёниб тушттук.

Бу кеча ўрдуда ғалат ғавғое тушти. Бир гарийга ёвуқ сурон эди ва ғавғо эди. Мундоқ ғавғоларни кўрмаган элларга хейли тараддуд ва таваҳҳум бўлди. Бир замондин сўнг *(266 а)* ғавғо босилди.

Одина куни, ражаб ойининг секкизида фарз вақтида қаравулдин хабар келдиким, ғаним ясаб келадур. Биз дағи жибаланиб ва ярокланиб отландук. Буронғор Ҳумоюн ва Хожа Калон ва Султон Муҳаммад дўлдой ва Ҳиндубек ва Вали хозин ва Пирқули Сийстоний эди. Жавонғор Муҳаммад Султон мирзо ва Маҳдий Хожа ва Одил Султон ва Шоҳ Мир Ҳусайн ва Султон Жунайд барлос ва Қутлуққадам ва Жонибек ва Муҳаммад бахши ва Шоҳ Ҳусайн Ёракий[898] муғул ғончи эди.

Ғулнинг ўнг қўли Чин Темур Султон ва Сулаймон мирзо ва Муҳаммадий кўкалдош ва Шоҳ Мансур барлос ва Юнус Али ва Дарвеш Муҳаммад сорбон[899] ва Абдулло китобдор эди. Ғулнинг сўл қўли Халифа ва Хожа Мирмирон ва Аҳмадий парвоначи ва Турдибек ва Қўчбек ва Муҳиб Али халифа ва Мирзобек тархон эди. Ировул Хисрав кўкалдош ва Муҳаммад Али жанг-жанг эди. Абдулазиз мирохўрни тарҳқа таъйин қилиб эдук. Буронғорнинг учида Вали Қизил ва Малик Қосим Бобо Қашқани муғуллари била тўлғамаға муқаррар қилдук. Жавонғорнинг учида Қароқўзи ва Абулмуҳаммад найзабоз ва Шайх Жамол барин ва Маҳдий[900] ва Тенгриқули Пишағи муғулни тўлғамаға ясадук, ғаним кишиси ёвуқ келгач, бу икки бўлак тўлғама ўнг қўлдин, сўл қўлдин ғанимнинг орқасиға эврулгайлар. *(266 б)* Ғанимнинг қораси кўрунганда, буронғор сари майли кўпрак эди, бу жиҳаттин Абдулазизниким, тарҳқа муайян эди, буронғорға кўмак йиборилди.

Султон Иброҳимнинг қораси йироқтинким, кўрунди, ҳеч ерда даранг қилмай, тез-уқ келадур эди. Илгаррак кела бизнинг қорамизким, аларға кўрунди, бу тартиб ва ясолниким, мулоҳаза қилдилар, ҳаср бўлуб, турай-турмай, келай-келмай дегандек қилиб, не тура олди, не бурунғидек бедаранг кела олди.

Фармон бўлдиким, тўлғамаға таъйин бўлғон киши ўнг қўлдин, сўл қўлдин ғанимнинг орқасиға эврулуб, ўқ қуюб, урушқа машғул бўлғайлар. Буронғор, жавонғор ҳам юруб, ғаним била тегишгайлар. Тўлғама кишиси орқасиға эврулуб, ўқ қуя кириштилар. Жавонғордин Маҳдий Хожа буруироқ тегишти. Маҳдий Хожанинг ўтрусиға бир фавж бир фил била келди. Булар ҳам қалин ўқ қуюб, ул фавжни ёндурдилар. Жавонғорға кўмак ғулдин Аҳмадий парвоначи ва Турдибек Қўчбек ва Муҳиб Али халифани йиборилди. Буронғорда ҳам уруш қойим бўлди.

Муҳаммад Али кўкалдош ва Шоҳ Мансур барлос ва Юсуф Али ва Абдуллоға фармон бўлдиким, ғулнинг олида рўбарўдин юруб, урушқа машғул бўлдилар. Устод Алиқули ҳам ғулнинг олидин неча қатла яхши фарангилар отти. Мустафо тўпчи ҳам ғулнинг сўл қўлидин ароба устидаги *(267 а)* зарбзанлар била яхши зарбзанлар отти. Буронғор, жавонғор ва ғул ва тўлғама ғанимнинг гирдо-гирдини олиб, шиба қуюб, бажид урушқа машғул бўлдилар. Бир-икки қатла жавонғор, буронғор сари қисқа-қисқа ҳамлалар қилдилар. Бизнинг киши ўқ қуюб, шиба зарби била яна ғулиға тиқтилар. Ғанимнинг ўнг қўли ва сўл қўли бори бир ерда йиғилиб, андоқ тиқилиш бўлдиким, не илгари кела олдилар, не қочғали йўл топа олдилар.

Офтоб бир найза бўйи чиқиб эдиким, уруш ангизи бўлди. Кун тушгача зарб уруш эди. Кун туш бўла аъдо мағлуб ва мақҳур ва аҳиббо мубтаҳиж ва масрур бўлдилар. Тенгри таоло фазл ва карами била мундоқ душвор ишни бизга осон қилди ва андоқ қалин черикни ярим кунда андоқ ер била яксон қилди. Беш-олти минг киши Иброҳимнинг яқинида бир ерда-ўқ қатлға етибтурлар. Ўзга ҳар ерда ўлганларни бу маъракада ўн беш-ўн олти минг тахмин қилур эдук. Сўнгра Аграга келганда, Ҳиндустон эли тақриридин андоқ маълум бўлдиким, қирқ-эллик минг киши бу маъракада ўлган экандур.

Ёғийни босиб тушира-тушира юрулди. Ўтрудин тушурган умароларни ва ўғлонларни олиб

[898] Қ: Баргий.
[899] Н: Сорвон.
[900] РЕ: Манди.
[901] Қ: Қосмой.

кела бошладилар. Сурук-сурук филларни филбонлари келтуруб, пешкаш қилдилар. Еғийнинг кейнича *(267 б)* юруб, хосса тобиндин Қисмтой[901] мирзони ва Бобо чуҳрани ва Бужка бошлиқларни, Иброҳимни чиққан хаёл қилиб, қувғунчи таъйин қилдукким, Аграга етгунча таъжил била бориб, иликлагайлар.[902]

Иброҳимнинг ўрдусининг ичи била ўтуб, сароча ва уйларини сайр қилиб, бир қора сув ёқасиға тушмук. Намози дигар бор эдиким, Тоҳир Табарий халифанинг қайининиси Султон Иброҳимнинг ўлугини қалин ўлуклар ичида таниб, бошини келтурди.

Ушбу кун-ўқ Ҳумоюн мирзони ва Хожа Калон ва Муҳаммадий ва Шоҳ Мансур барлос ва Юнус Али ва Абдулло ва Вали хозинни таъйин қилдукким, жарида илдам юруб, Аграни иликлаб, хизонани забт қилғайлар.

Маҳдий Хожани ва Муҳаммад Султон мирзо ва Одил Султон ва Султон Жунайд барлос ва Қутлуққадамни муқаррар қилдукким, партолдин айрилиб, илғаб, Деҳли қўрғониға кириб, хизоналарни эҳтиёт қилғайлар.

Тонгласи кўчуб, бир куруҳ йўл келиб, от маслаҳатиға Жуун ёқасиға туштук. Ора икки қўнуб, сешанба куни Шайх Низом авлиёнинг мазорини тавоф қилиб, Деҳли тўғриси Жуун[903] ёқасида тушулди. Ушбу чаҳоршанба охшоми-ўқ Деҳли қўрғонини сайр қилиб, кечаси анда бўлуб, тонгласи, чаҳоршанба[904] куни Хожа Қутбиддиннинг мазорини тавоф қилиб, Султон Ғиёсиддин Балбан ва Султон Аловуддин Хилжийнинг мақбара ва иморатлари *(268 а)* ва минорини Ҳавзи Шамсий ва Ҳавзи Хосни ва Султон Баҳлул ва Султон Секандарнинг мақобири ва боғотини сайр қилиб, ўрдуға тушуб, кемага кириб, арақ ичилди. Деҳлининг эшикдорлиғини Вали Қизилға иноят қилиб, Дўстни Деҳли вилоятида девон қилиб, бўлғон хизоналарни муҳр қилиб, буларнинг уҳдасиға қилдук.

Панжшанба[904] куни андин кўчуб, Туғлақобод тўғриси Жуун[905] ёқасиға тушулди.

Одина куни ул юртда таваққуф қилдук. Мавлоно Маҳмуд ва Шайх Зайн, яна баъзи бориб, Деҳлида жумъа намози қилиб, менинг отимға хутба ўқиттилар. Фуқаро ва масокинға бир пора ярмоқ улашиб, ўрдуға келдилар.

Шанба куни ул юрттин кўчуб, кўч-баркўч Агра азимати қилилди. Мен бориб, Туғлақободни сайр қилиб, ўрдуға туштум.

Одина куни, ражаб ойининг йигирма иккисида Агранинг маҳаллотида Сулаймон Фармулийнинг манзилиға тушулди. Чун бу юрт хейли қўрғондин йироқ эди, тонгласиға кўчуб, Жалолхон Жағхатнинг иморатиға тушулди.

Ҳумоюнким, илгаррак келиб эди, қўрғондағилар узр айтиб, ҳаял қилибтурлар, булар ҳам элнинг бесарлиғини мулоҳаза қилиб, хизонаға дастандоз бўлмағайлар, деб биз келгунча чиқар йўлларни эҳтиёт қилиб, ўлтурубтурлар.

Бикрамажит ҳиндуким, Гвалийар раажаси эди, юз йилдин кўпрак Гвалийар вилоятида оталари *(268 б)* салтанат қилиб эдилар. Искандар Гвалийарни олур маслаҳатиға неча йил Аграда ўлтурди. Сўнгра Иброҳим замонида Аъзам Ҳумоюн Серваний неча маҳал бажид урушти, охир сулҳ била олиб, Шамсободни анга берди. Бикрамажит Султон Иброҳимни босқонда дўзахқа борди. Авлоди ва хайлхонаси Аграда эди. Аграга[906] келганда Бикрамажитнинг хайлхонасининг қочар хаёли бор экандурким, Ҳумоюн қўйғон кишилар тутуб эҳтиёт мақомида бўлурлар, Ҳумоюн ҳам толоғали қўймас. Ўз ризолари била қалин жавоҳир ва жаров Ҳумоюнға пешкаш қилур. Бу жумладин бир ашҳар шуҳратий олмос эдиким, Султон Аловуддин келтурган экандур. Андоқ машҳурдурким, бир муқаййим[907] мунинг қийматини тамом оламнинг икки ярим кунлук харжи[908] дебтур, ғолибо секкиз мисқолдур. Мен келганда Ҳумоюн менға пешкаш қилди, мен Ҳумоюнға-ўқ бағишладим.

Қўрғон ичидаги сипоҳийлардин билгулук кишилардин бири Маликдод Караний эди, яна Маллий Сурдук яна, Ферузхон Меватий эди. Бир нима хиял булардин зоҳир бўлди. Сиёсат қилиб йиборилди. Маликдод Каранийни чиқариб, баъзи истидъолар қилибтурлар.

Бора-кела бу сўзлар қарор топкунча тўртбеш кун ўтти. Аларнинг муддаосидек иноят ва шафқат қилиб, жамиъ жиҳотларини ўзларига-ўқ маоф туттук.* Иброҳимнинг отасиға етти лак-

[902] Е: иликлагайлар, кўргайлар.
[903] Қ: Жуй.
[904] Н: Пайшанба.
[905] Қ: Жуй.

[906] Н: Аграда.
[907] Л: муқаввим.
[908] Л: Сарфи.

лик паргана нақд иноят бўлди. Бекларига ҳам ҳар қайсиға парганалар берилди[909]. Иброҳимнинг отасини байрилари[910] била чиқариб, Аградин бир куруҳ сув қуйи юрт *(269 а)* берилди.

Панжшанба куни, ражаб ойининг йигирма секкизида намози дигар Аграга кириб, Султон Иброҳимнинг манзилиға тушулди. Тарих тўққуз юз ўндаким,[911] Кобул вилояти мусаххар бўлди, ул тарихдин бу тарихқача ҳамиша Ҳиндустон ҳаваси қилилур эди. Гоҳи бекларнинг суст раъйлиғидин, гоҳи оға-инининг ноҳампойлиғидин Ҳиндустон юруши муяссар бўлмас эди. Охир мундоқ мавониъ қолмади. Кичик-кирим бек ва бекоттин ҳеч ким хилофи мақсуд сўз айта олмади.

Тарих тўққуз юз йигирма бешида[912] черик тортиб, Бажаврни зўр била икки-уч керрида олиб элини қатли ом қилиб, Бҳираға келдук. Толон ва торож қилмай Бҳира элиға моли омон солиб, нақд ва жинсдин тўрт лак шоҳрухий олиб, черик элига навкар адади била улашиб, Кобулға мурожаат қилилди.

Ушбу тарихдин тўққуз юз ўттуз иккигача[913] Ҳиндустонға, бажид урушуб, етти-секкиз йилда беш навбат Ҳиндустонға[914] черик торттук. Бешинчи навбатта Тенгри таоло ўз фазл ва карами била Султон Иброҳимдек ғанимни мақҳур ва абтар қилиб, Ҳиндустондек васеъ мамлакатни бизга муяссар ва мусаххар қилди.

Ҳазрати Рисолат замонидин бу тарихқача ул юз подшоҳларидин уч киши Ҳиндустон вилоятиға мусаллит бўлуб, салтанат қилибтурлар: бир, Султон Маҳмуд Ғозий ва авлоди Ҳиндустон мамлакатида муддати мадид салтанат тахтиға ўлтурубтурлар. Иккинчиси, Султон Шиҳобиддин *(269 б)* Ғурий ва қуллари ва тавобии кўп йиллар бу мамоликда подшоҳлиқ сурубтурлар. Учунчи мендурмен, вале менинг ишим ул подшоҳларнинг ишига ўхшамас; не учунким, Султон Маҳмуд, Ҳиндустонниким мусаххар қилди, Хуросон[915] тахти анинг тахти забтида эди ва Хоразм ва Дорулмурз[916] салотини анга мутиъ ва мунқод эди. Самарқанд подшоҳи анинг зери дасти эди. Черики икки лак бўлмаса, худ бир лакта не сўз эди. Яна ғанимлари раажалар эди. Тамом Ҳиндустон бир подшоҳда эмас эди. Ҳар раажа бир вилоятга ўз бошича подшоҳлиқ қилур эди.

Яна Султон Шиҳобиддин Ғурий, агарчи Хуросон салтанати анда эмас эди, оғаси Султон Ғиёсиддин Ғурийда эди, «Табақоти Носирий»да келтурубтурким, бир навбат бир лаку йигирма минг баргуствондор била Ҳиндустонға черик тортибдур. Мунинг ғанимлари ҳам раай ва раажалар эди. Тамом Ҳиндустон бир кишида эмас эди.

Аввал навбатким, Бҳирага келдук, минг беш юз, ниҳояти икки минг киши бўлғай эдук. Бешинчи навбатким келиб, Султон Иброҳимни босиб, Ҳиндустон мамоликини фатҳ қилдим, ҳеч қачон Ҳиндустон юрушида мунча черик била келилмайдур эди. Навкар ва савдар ва чокар жамиъ черик била бўлғонлар ўн икки минг киши қаламға келди. Манга тааллуқ вилоёт *(270 а)* Бадахшон ва Қундуз ва Кобул ва Қандаҳор эди, вале бу вилоятлардин муътаддун биҳ нафъ йўқ эди, балки баъзи вилоятлар ёғийға ёвуқ воқиъ бўлғон учун, куллий мададлар қилмоқ лозим эди. Яна жамиъ Мовароуннаҳр вилоятлари ўзбак хавонин ва салотинининг тасарруфида эди, юз мингга ёвуқ чериклари бор эди, қадимий душман эди. Яна Ҳиндустон мамлакати Бҳирадин Биҳарғача афғон тасарруфида эди, подшоҳи Султон Иброҳим эди. Вилоят ҳисоби била беш лак черики бўлмоқ керак эди. Ул фурсатта юруб,[917] умароси мухолафат мақомида эдилар. Ҳозир черикини бир лак ченарлар эди. Ўзининг ва умаросининг минг чоғлиқ фили бор дерлар эди. Бу ҳол ва бу қувват била таваккул қилиб, ўзбакдек юз минг қари ёғийни орқада қўюб, Султон Иброҳимдек қалин бериклик ва васеъ мулклук подшоҳ била рўбарў бўлдук. Таваккулимизга яраша Тенгри таоло ранж ва машаққатимизни зойиъ қилмай, мундоқ зўр ғанимни мағлуб қилиб, Ҳиндустондек кенг мамлакатни мафтуҳ айлади. Бу давлатни ўзумизнинг зўр ва қувватидин кўрмасбиз, балки Тенгрининг маҳзи лутф ва шафқатидиндур ва бу саодатни ўзумизнинг саъй ва ҳимматидин билмасбиз, балки Тенгрининг айни карам ва иноятидиндур.

195

---

909 Л: Бу ибора тушган.
910 Қ: партоллари.
911 Милодий йил ҳисоби билан 1504/5 йил.
912 Милодий йил ҳисоби билан 1519 йил.
913 Милодий йил ҳисоби билан 1526 йилгача.
914 Л: Бу жойи тушган.
915 Қ: Хуросон пойтахти.
916 Л: Дор-модор.
917 «Юрт» бўлса керак.

Ҳиндустон мамолики васеъ ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқиъ бўлубтур. *(270 б)* Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсиға мунтаҳий бўлур. Шимоли бир тоғдурким, Ҳиндукуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвасттур. Ғарби-шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқиъ бўлубтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш. Султон Шиҳобиддин Ғурийдин сўнг, Султон Ферузшоҳнинг охир аҳдиғача аксар Ҳиндустон Деҳли салотинининг тахти забтида экандур.

Бу тарихдаким, мен Ҳиндустонни фатҳ қилдим, беш мусулмон подшоҳ ва икки кофир Ҳиндустонда салтанат қилурлар эди. Агарчи кичиккирим раай ва раажа тоғ ва жангалда хейли бор эдилар, вале муътабар ва мустақил булар эдилар. Бир афғонлар эдиким, Деҳли пойтахти аларда эди. Бҳирадин Биҳарғача қобиз эдилар. Афғонлардин бурун Жуунпур Султон Ҳусайн Шарқийнинг қабзида эди. Бу жамоатни «пурий» дерлар. Буларнинг оталари Султон Ферузшоҳ ва ул салотинининг олида сақќо экандурлар. Ферузшоҳдин сўнг Жунпур мамлакатиға мусаллит бўлубтурлар.

Деҳли Султон Аловуддиннинг илигида эди. Бу табақа саййидтур. Темурбек Деҳлини олғонда Деҳли ҳукуматини буларнинг оталариға бериб, бориб эди. Султон Баҳлул Лудий афғон ва ўғли Султон Секандар Деҳли пойтахти била Жунпур пойтахтиға қобиз бўлдилар. Ҳар икки пойтахт бир подшоҳнишин бўлди.

Иккинчи, Гужаратта Султон Музаффар эди. Султон Иброҳим фатҳидин бир неча кун бурунроқ оламдин нақл *(271 а)* қилди. Бисёр мутаашарриъ подшоҳ эди, толиби илмлиғи бор эди, ҳадис мутолаа қилур эди, доим мусҳаф китобат қилур эди. Бу табақани таънк дерлар. Буларнинг ҳам оталари Султон Ферузшоҳ ва ул салотинға шаробдор экандурлар. Ферузшоҳдин сўнг Гужарат вилоятиға қобиз бўлубтурлар.

Учунчи, Даканда Баҳманийлар эди. Вале бу тарихта Дакан салотиниға ихтиёр ва иқтидор қолмайдур эди. Тамом вилоятларни улуғ беклар иликлаб эди. Бир нимаға эҳтиёж бўлса, беклардин тилар эди.

Тўртунчи, Малва вилоятидаким, Мандав ҳам дерлар, Султон Маҳмуд эди. Бу табақани хилжий дерлар. Муни Раана Сангаа кофир босиб, аксар вилоятиға қобиз бўлуб эди, бу ҳам заиф бўлуб эди. Буларнинг ҳам оталари Ферузшоҳнинг тарбияткардаларидин экандур. Андин сўнгра Малва вилоятиға қобиз бўлубтурлар.

Бешинчи Бангала вилоятида Нусратшоҳ эди. Отаси Бангалада подшоҳ бўлуб эди, саййид эди ва Султон Аловуддинға мулаққаб эди. Мунга салтанат мерос тегиб эди. Ажаб расмедур, Бангалада салтанат мероси камроқ бўлур. Подшоҳининг бир муайян тахти бор. Умаро ва вузаро ва соҳиб мансабларнинг ҳар қайсининг бир муқаррарий ери бордур. Бангала эли қошида ул тахт ва ерлар муътабардур. Ҳар қайси ерда тобиъ ва мутиъ навкар ва чокар ва жамъи муайян ва муқаррардур. Подшоҳининг насб ва азли хотири *(271 б)* тиласа, ҳар кимниким бировнинг ериға ўлтурғузди, ул ерга тобиъ ва мутиъ навкар ва чокар тамом бу кишининг бўлур, балки подшоҳининг тахтида ҳам бу хосияттур. Ҳар ким подшоҳини ўлтуруб, тахтға чиққунча фурсат топса, ул подшоҳ бўлур. Умаро ва вузаро ва сипоҳий ва раият барча анга итоат ва инқиёд қилурлар. Бурунғи подшоҳидек подшоҳ ва фармонраво билурлар. Бангала элининг сўзи будурким, биз тахт ҳалолхўридурбиз.[918] Ҳар ким тахт устида бўлса, биз анга мутиъ ва мунқоддурбиз. Нечукким, Нусратшоҳнинг отаси Султон Аловуддиндин бурун бир ҳабаший подшоҳини ўлтуруб, тахтқа чиқиб, муддате салтанат қилди. Ҳабашийни, Султон Аловуддиндин сўнг, ирс тариқи била ҳоло ўғли подшоҳ бўлубтур.

Яна Бангалада бу расмдурким, ҳар[919] кишиким подшоҳ бўлди, бурунғи подшоҳларнинг хизоналарини сарф ва харж қилмоғлик куллий айб ва ордур. Ҳар ким подшоҳ бўлса, яна янги хизона йиғмоқ керак. Хизона жамъ қилмоғлик ул элнинг қошида фахр ва мубоҳоттур. Яна бир расм будурким, хизона ва пойгоҳ ва мулк[920] салотинининг жамиъ байтутотининг қадимдин муқаррар ва муайян танлари парганалар бордурким, ўзга ерга асло харж бўлмас.

Улуқ ва муътабар ва мусулмон ва қалин чериклик ва бисёр вилоятлиқ бу беш подшоҳ эдиким, мазкур бўлди.

---

[918] Л: Қуворидурбиз.

[919] Н: бир.

[920] Н: Балк; РЕ: Балки.

Кофирлардин улуғроғи вилоят ва черик *(272 а)* била Бижанагар раажасидур. Яна Раана Сангаадурким, бу ёвуқларда ўзининг журъати ва қиличидин мунча улғайиб эди. Асли вилояти Читўр эди, Мандав салотинининг салтанати халал топганда Мандавға тааллуқ қалин вилоятқа қобиз бўлди: мисли, Рантанбўр[921] ва Сарангпур ва Бҳилсан ва Чандерий.

Тарих туққуз юз ўн[922] тўртта Тенгри таоло инояти била Чандерийким, неча йил эди, дорулҳарб бўлуб эди. Мединий Рав отлиқ Раана Сангаанинг улуғ ва муътабар кишиси тўрт-беш минг кофир била анда эди. Бир-икки гарийда зўрлаб олиб, кофирларни қатли ом қилиб, дорулислом қилдим, нечукким, шарҳи мазкур бўлғусидур.

Яна Ҳиндустоннинг атроф ва жавонибида ғалаба раай ва раажадур, баъзи мутиул-ислом, баъзи йироқлигидин ё ери берклигидин ислом подшоҳлариға итоат қилмайдурлар.

Ҳиндустон аввалғи иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учунчи иқлимдиндур. Тўртунчи иқлимдин Ҳиндустонда йўқтур. Ғариб мамлакате воқиъ бўлубтур. Бизнинг вилоятларға боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқиъ бўлубтур. Кобул тавобии гармсерлар агарчи баъзи ишта Ҳиндустонға мушобаҳати бор, баъзида йўқ. Синд[923] сувини ўтгач, ер ва сув ва йиғоч ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм *(272 б)* тамоми Ҳиндустон тариқидадур. Шимолидағи тоғким, мазкур бўлди, Синд[924] дарёсидин ўтгач, бу тоғда Кашмир тавобии вилоятлардур. Агарчи бу тарихда бу тоғдағи вилоятлар, мисли, Паклий ва Шаҳманг аксари Кашмирга итоат қилмас, вале бурун Кашмир дохили экандур. Кашмирдин ўтгач, бу тоғда бениҳоят эл ва улус ва паргана ва вилоятлардур. Бангала ва балки Муҳит ёқасиғача бу тоғда пайваст халойиқдур. Ҳиндустон элидин мунча таҳқиқ ва тафтиш қилилди, ҳеч ким бу тавойифдин таҳқиқ хабар айта олмади. Ушмунча дейдурларким, бу тоғ элини Кас дерлар. Хотирға еттиким, Ҳиндустон эли «шин»ни «син» талаффуз[925] қилур. Чун бу тоғда муътабар шаҳр Кашмирдур, балки Кашмирдин ўзга бу тоғда яна шаҳре эшитилмайдур. Бу жиҳаттин бўла олурким, «Касмир» демиш бўлғайлар.

Бу тоғ элидин матоъ нофа мушк ва қўтоси баҳрий ва заъфарон ва сурб ва мисдур. Бу тоғни Ҳинд эли Савалак Парбат дерлар, ҳинд тили била «сава» — рубъ, «лак» — юз минг, «парбат» — тоғ, яъни рубъ ва юз минг тоғким, юз йигирма беш минг тоғ бўлғай. Бу тоғларда қор ўксумас. Ҳиндустоннинг баъзи вилоятидин, мисли, Лаҳур ва Саҳринд ва Санбалдин бу тоғда қор оқариб кўрунур. Ушбу тоғ Кобулда Ҳиндукушқа мавсумдур. Кобулдин бу тоғ шарққа боқа борибтур, бир нима жанубқа мойил. Жануби тамом Ҳиндустоннотдур. Бу тоғ *(273 а)* нинг ва бу номаълум улусларнингким, «кас» дерлар, шимоли Тибат вилоятидур.

Бу тоғдин қалин дарё чиқиб, Ҳиндустоннинг ичи била оқар. Саҳринддин шимол сари боқа олти дарёким, Синд ва Баҳат ва Чаноб ва Равий ва Бийаҳ ва Сатлаж бўлғай, ушбу тоғдин чиқиб, Мултон навоҳисида борча бир ерда қотилур, борча бир ерда қотилғонда ҳам Синд дерлар; Ғарб сари оқиб Татта вилоятининг ичи била ўтуб, Уммонға қотилур. Бу олти дарёдин ўзга дарёлар: Жуун ва Ганг ва Рапат ва Гумтий ва Гагар ва Сару[926] ва Гандак ва яна қалин дарёлардурким, бори Ганг дарёсиға қотилиб, Ганг-ўқ атанур, Шарқ сари оқиб, Бангала вилоятининг ораси била ўтуб, Муҳитқа тўкулур. Борининг манбаи ушбу Савалак Парбаттур. Яна баъзи дарёлардурким, Ҳиндустон тоғларидан чиқар, мисли, Чанбал ва Банас ва Бетвий ва Сун,[927] бу тоғларда қор асло бўлмас, алар ҳам Ганг дарёсиға қотилур.

Ҳиндустонда ҳам тоғлар бордур. Ул жумладин бир тоғе тушубтур, шимолдин жанубқа боқа борибтур. Бу тоғнинг ибтидоси Деҳли вилоятида Ферузшоҳнинг Жаҳоннамо отлиқ иморатидиндуркким, парчағина тошлиқ тоғнинг устида воқиъ бўлубтур. Мундин ўтгач, Деҳли навоҳисида парча-парча кичикрак-кичикрак, анда-мунда тошлиқ тоққиналар пайдо бўлибтур. Мерат вилоятиға ета бу тоғлар улуғроқ бўлур. Меватдин ўтуб *(273 б)*

[921] Қ: Ранпур.
[922] Е: уттуз.
[923] Н: Медли; Қ: Майдоний; Е: Ҳиндани.
[924] Л: Ҳинд.

[925] «Шин»ни «Сир» талафуз қилмоқ. «Ш» ҳарфини «С» деб айтмоқ.
[926] Қ: Сирд.
[927] Л: Бу сўз йўқ.

Байана вилоятиға борур, Секрий ва Барий ва Дўлпурнинг тоғлари ҳам ушбу тута тоғлардиндур, агарчи найваст эмас. Гвалийарнингким, Галийур дерлар, тоғлари ушбу тоғнинг шуъбаларидиндур. Рантанбўр ва Читўр ва Мандав ва Чандерий тоғлари ҳам ушбу тоғ ракларидиндур. Баъзи ерларда етти-секкиз куруҳ мунқатиъ бўлубтур. Бу тоғлар паст-паст ва дурушт ва тошлиқ ва жангаллиқ тоқлардур. Бу тоғларда қор асло ёғмас.

Ҳиндустонда баъзи дарёларнинг манбаи бу тоғлардур. Ҳиндустоннинг аксари вилоёти туз ерда воқиъ бўлубтур. Мунча шаҳрлар ва мунча вилоятларким бор, ҳеч ерда оқар сув йўқтур. Оқар суви дарёлардур, баъзи ерларда қора сувлардур.

Баъзи шаҳрларнингким, ариқ қозиб, сув чиқарур қобилияти ҳам бор, сув чиқормайдурлар. Бу неча жиҳаттин бўла олур: бир буким, зироат ва боғотиға асло сув эҳтиёж эмас, ҳарифий маҳсули худ пашакаал ёмғури била бўладур. Бу ғарибтурким, рабиий маҳсулиға агар ёмғур бўлмаса ҳам бўладур. Дарахтларнинг ниҳолиға бир-икки йил сувни ташиб ё чарх била ё далв била сув берадурлар, андин сўнг асло сув бермак эҳтиёж эмас. Баъзи сабзиларға сув берадурлар. Лаҳўр ва Дипалпур ва Саҳринд ва ул навоҳида чарх била сув берадурлар.

Икки узун ипни чоҳнинг қаддича ҳалқа қилибтурлар, икки ипнинг орасиға йиғочлар боғлаб, кўзаларни йиғочларға беркитибтурлар. Бу кўзаларни беркитган *(274 а)* ипни чоҳ устидаги чархға солибтурлар, бу чархнинг тийрининг яна бир бошида яна бир чарх қилибтурлар, бу чархнинг қошида яна бир чарх қилибтурларким, ўқи тик турубтур, ўй бу чархни эвурғач, парралари иккинчи чархнинг парралариға кириб, ул кўзалик чарх эврулар, сув тўкулур ерда нов қўюбтурлар, новдин ҳар қаён сув элтарлар. Яна Агра ва Чандвар ва Байана ва бу навоҳида далв била сув берурлар. Бу машаққатликтур ва мурдорлиғи ҳам бор. Чоҳ ёқасида айри йиғочни беркитиб, айрининг орасида ғалтак тартиб қилибтурлар. Узун арғамчиға улуғ далвни боғлаб, бу ғалтак устиға солибтурлар. Арғамчининг бир учини ўйға боғлабтурлар. Бир киши ўйни ҳайдамоқ керак, бир киши далв сувин тўкмак керак. Ҳар қатла ўй тортиб, далвни чиқориб, ёнар маҳалда ул арғамчи ўйнинг йўлиғаким, ўй сийдук ва тезаги била мулаввасдур, тегиб, яна чоҳқа тушар. Баъзи зироатларға сув эҳтиёж бўлса, кўза била эр ва хотун сув ташиб суғорадурлар.

Ҳиндустоннинг шаҳрлари ва вилоятлари асру бесафодур. Бори шаҳрлари ва бори ерлари бир вазълиқ, боғотиға том бўлмас. Аксар ерлари туб-туз воқиъ бўлубтур. Баъзи дарёларнинг ва рудларнинг ёқаси пашакаал ёғинлари жиҳатидин обкандлар бўлубтур *(274 б)* ким, ҳар ердин убур ва мурур мутаззирдур. Тузларида баъзи ерларда тиконлиқ дарахт жангали бордурким, парғаналарнинг эли бу жанғалларда қузғадаб мутамарридлиқ қилиб, мол бермаслар. Ҳиндустонда оқар сув дарёлардин ўзга камдур. Аҳёнан баъзи ерда қора сувлар бор. Ушмунча шаҳр ва вилоят чоҳ суви била ё ҳавз суви билаким, пашакаал ёмғуридин йиғилмиш бўлғай, маишат қилурлар.

Ҳиндустонда мавозиъ ва кентларнинг, балки шаҳрларнинг бузулмоқ ва тузалмаги бир замонда бўладур. Ушмундоқ улуқ шаҳрларким, йиллар анда мутаваттиндурлар, агар қочарлари бўлса, бир кунда-бир ярим кунда андоқ қочадурларким, осор ва аломатлари қолмайдур. Агар тузалмакка юз қўйсалар, ариқ қозмоғи ва банд боғламоғи эҳтиёж эмас. Экинлари тамом лаълмидур. Элига худ ниҳоят йўқтур, жамиъ йиғилдилар, бир ҳавз ясадилар, ё чоҳ қозидилар. Уй ясамоқ ё том қўпармоқ худ йўқтур. Хас бисёр ва дарахт бешумор, чирилар қилдилар, филҳол кент ё шаҳр бўлди.

Ҳайвонотким, Ҳиндустон махсусидур, вуҳушдин бир филдурким, ҳиндустоний «ҳаатий» дерким, Калпий вилоятининг сарҳадларида бўлур. Андин юққори шарқ сари боқа борғон сари саҳройи фил кўпрак бўлур. Ул орадин фил тутуб келтурурлар. Курара ва Маникпурдин ўттуз-қирқ мавзиънинг иши *(275 а)* фил тутмоқдур. Девонға фил-ўқ жавоб берурлар. Фил азимул-жусса ва зийрак жонивордур. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур. Баҳоси улуқлуғиға ярашадур, қарилаб сотарлар. Ҳар неча улуқроқ — баҳоси кўпрак. Андоқ ривоят қилдиларким, баъзи жазойирда ўн қари фил бўлур эрмиш. Бу орада худ тўрт-беш қаридин икиз[928] рак қурулмади. Филнинг емак ва ичмаги тамом хартуми биладур, хартуми бўлмаса тирилмас. Хартумининг икки ёнида юққориғи энгагида икки улуқ тиши бор, томға ва йиғочқа ушбу тишларини қўюб, зўрлаб

[928] Н: Ингизрак.

йикитур. Урушмоқ ва ҳар зўр ишларким бўлса, ушбу тишлар била қилур. Ож бу тишларни дерлар. Бу тишларнинг ҳинд элининг қошида хейли қадри бор. Филнинг туки йўқтур. Ҳиндустон элининг қошида филнинг бисёр эътибори бор. Черикларида ҳар[929] фавжким бор, албатта, бир неча фил ҳамроҳдур. Филнинг баъзи яхши хайсиятлари бор: улуқ сувлардин ва тунд ва тез сувлардин қалин юк кўтариб, осон ўтадур. Яна тўрт-беш юз киши тортар қазон аробасини уч-тўрт фил осон тортиб борадур, вале бўғузи хейли улуқтур, икки[930] қатор теванинг бўғузини бир фил ер.

Яна каркдур; бу ҳам улуғ жониворедур, *(275 б)* захомати уч говмишча бўлғай. Ул сузким, ул вилоятларда машҳурдурким, карк филни шох била кўтарур эмиш, ғолибо ғалаттур. Бир шохи бор, бурнининг устида, узунлиги бир қаришдин кўпрак, икки қариш худ кўрулмайдур. Бир улуқ шохидин бир обхўра кишти бўлди, яна бир нарднинг тоси бўлди, яна уч-тўрт эллик ҳам шояд ортти экин. Териси бисёр қалин бўлур. Қаттиқ ёй била бағалкушо ва хуб тўлдуруб урсалар, яхши кирса, тўрт эллик кирар. Дерларким, пўстининг баъзи ерларидин ўқ хейли ўтар эрмиш. Икки қўлининг қошидин ва икки бутининг қошидин тиҳи тушубтур. Йироқдин ёпуғ ёпқондек кўрунур. Ўзга ҳайвоноттин отқа мушобаҳати кўпрактур. Нечукким, отнинг улуқ қорни бўлмас, мунинг ҳам улуқ қорни йўқтур, нечукким, отнинг ошуқ ўрнида парча сўнгаги бўлур, мунинг ҳам ошуқ ўрнида парча сўнгаги бор; нечукким отнинг илигида кўмук бўлур, мунинг ҳам илигида кўмук бор. Бу филдин даррандароқтур. Вале онча мутиъ ва мунқод бўлмас, Паршовар ва Ҳашнағарнинг жангалларида қалин бўлур. Яна Синд суви била Бҳира вилоятининг орасидаги жангалларда ҳам қалин бўлур. Яна Ҳиндустонда Сару дарёсининг ёқасида қалин бўлур. Аксар Ҳиндустон *(276 а)* юрушларида Паршовар, Ҳашнағар жангалларида карк ўлтурулур эди. Тавр шохлар урар. Бу овларда ғалаба кишини ва отни шох урубтур. Бир овда Мақсуд отлиқ чуҳранинг отини шохи била бир найза бўйи ташлади. Бу жиҳаттин Мақсуд каркка мулаққаб бўлди.[931]

Яна саҳройи говмишдур. Бу говмишдин хейли улуғроқдур. Шохи бу говмишнинг шохидек кейинга боқа ётук[932] эмастур. Бу маҳкам музир ва дарранда жониворудур. Ҳиндустонда Сару дарёсининг ёқасида ҳам қалин бўлур.

Яна нилаговдур, баландлиғи отча бўлғай. Оттин бир нима инчкарактур, эркаки кўктур. Бу жиҳаттин ғолибо «Нилагов» дерлар. Икки кичкрак шохи бор. Бўғзида бир қаришдин узунроқ туки бордур. Баҳрий кутасға мушобаҳоти бор. Тувоғи ўйнинг тувоғидек айридур. Модасининг ранги буғу—маралнинг рангидектур. Шохи ҳам йўқтур. Бўғзидағи туки ҳам йўқтур. Эркакига боқа бу тупчоқ вазъдур.

Яна кўтаҳпойдур улуқлуғи оқ кийикча бўлғай. Мунинг икки қўли ва икки бути қисқароқдур. Бу жиҳаттин кўтаҳпой дерлар. Мунгузи буғу мунгузидек шохчалиқдур, вале кичикрактур. Ҳар йил, буғудек, бу ҳам мунгуз солур. Югурушда забунроқдур. Бу жиҳатдин жангалдин чиқмас.

Яна бир жайраннинг эркаги ҳуна йўсунлуқ кийикдур. Орқаси қора, туки[933] оқ, ҳунанинг *(276 б)* шохидин мунинг шохи узунроқтур ва паришонроқтур. Ҳиндустоний «калаҳра» дер. Аслида «калаҳиран» экандур, яъни қаро кийик, тахфиф қилиб, «калаҳра» дебтурлар. Модаси оқдур. Ушбу калаҳра била кийик тутарлар: бу калаҳранинг шохиға тузоқнинг ҳалқасини беркитурлар. Оёғиға тупуқдин улуқроқ тошни овизон боғларлар, яъни кийик элтғондин сўнг йироқ кетарига мониъ бўлғай. Андин сўнг ёзи калаҳрасини кўруб, муқобаласида қўя берурлар. Бу кийик урушқа ғариб ҳарисдур, филҳол урушқа келур, шох била урушуб, сусушуб илгари-кейин борурда-келурда ул кийикнинг шохи бу кийикнинг шохига беркитган тузоққа кирар. У қочмоққа майл қилса, ром кийик қочмас, ғолибо оёғига боғлағон тош мониъ бўлур. Бу навъ била қалин кийик тутарлар. Тутқондин сўнг ром қилурлар. Яна кийикларни тутмоққа ром қилурлар. Яна бу ром кийикларни ҳам уйда урушға солурлар. Яхши урушур.

Яна Ҳиндустоннинг тоғ доманаларида кичикрак кийик бўлур. Арқар ғалчанинг бир йиллиқ тўқлисича улуғлуғи бўлғай.

---

[929] Н: бир.
[930] ЕК: бир.
[931] Л: Бу сўзлар йўқ.

[932] Қ: ёбуқ; Е: евуқ.
[933] ЛЕ: айвоки.

Яна бир чиний ўйдур, кичиккина ўйдур. Ул ерларнинг улуқ кўчқорича бўлғай. Гўшти бисёр юмшоқ ва лазиздур.

Яна маймундур. Ҳиндустоний «бандар» дер. Бу ҳам пуранвоъ бўлур. Бир навъи улдурким, ул вилоятларға элтарлар. Лўлилар уюн *(277 а)* ўргатурлар. Дарайи Нур тоғларида Кўҳи Сафиднинг Хайбар навоҳисидағи доманаларида ва андин қуйи тамом Ҳиндустонотта бўлур. Булардин юққори бўлмас. Туки сариқ ва юзи оқдур, қуйруғи хейли узун эмастур.

Яна бир навъ маймун бўлур, Бажавр ва Савад ва ул навоҳиларда кўрулмайдур. Ул вилоятларға элтар маймунлардин хейли улуқроқдур. Қуйруғи ҳам бисёр узундур. Туки оқроқтур. Юзи қоп-қорадур. Бу навъ маймун Ҳиндустоннинг тоғларида ва жангалларида бўладур. Ул вилоятларда йўқтур.

Яна бир навъ маймун бўладур, юзи ва туки ва бори узви қоп-қорадур.

Яна нувлдур, кишдин жузвий кичикрак бўлғай. Йиғочқа чиқар. Баъзи муш хурмо ҳам дерлар. Муни муборак тутарлар.

Яна бир сичқондурким, «гилаҳрий» дерлар. Бу ҳамиша дарахтларда-уқ бўлур. Дарахтларнинг устида юққори-қуйи ажаб чуст ва часпон югурур.

Туюрдин: бир товусдур. Пурранг ва пурзеб жониворедур. Андоми ранг ва зебича эмас. Жуссада турнача бўлғай, турнача баланд эмастур. Нарининг ва модасининг бошида йигирма-ўттуз пар бордур, икки-уч элик баландлиғи бўлғай. Модасининг яна зеб ва ранги йўқтур. Нарининг бошида тавқи савсанийдур, бўйни хушранг кўктур. *(277 б)* Бўйнидин қуйи орқаси сариқ ва тўтаги ва кўк ва бинафша ранглар била мунаққаш воқиъ бўлубтур. Орқасидағи гуллари кичикрак-кичикрак гуллардур. Орқасидин қуйироқ ушбу ранглар била мунаққаш улуғ-улуғ гуллар қуйруғининг учиғача бордур. Баъзи товусларнинг қуйруғи бирар қулоч бўлур ва гуллук парларининг остида қисқароқ, ўзга қушларнинг қуйруғидек, қуйруғи ҳам бордур. Бу расмий қуйруғи ва қанотлари қизилдур.

Бажавр ва Саводда ва андин қуйи бўлур. Андин юққори Кунар ва Ламғонот ва ҳеч ерда бўлмас. Учмоқта қирғовулдин ҳам ожизроқдур. Бир-икки қатладин ортуқ уча олмас. Учмоқта забун жиҳатидин ётоғда бўлур ё жангалда. Бу ажабтурким, товус бўлур жангалларда шағол кўп бўлур. Бир қулоч қуйруғи била жангалдин жангалға юрур, шағолдин нечук мутазаррир бўлмас экан. Ҳиндустоний «мўр» дер. Имом Абу Ҳанифа мазҳабида ҳалолдур. Гўшти холи аз маза эмас, дуррож гўштиға ўхшар, вале тева этидек[934] кароҳати табъ била ейиладур.

Яна тўтидур. Бу ҳам Бажавр ва андин қуйиғи вилоятларда бўлур. Ёзлар тут пишиғида Нингнаҳор ва Ламғонотқа келур. Ўзга вақтларда бўлмас. Тўти турлук-турлук бўладур. Бир навъи улдурким, ул вилоятларға элтарлар, сухангўй қилурлар.

Яна бир навъи бу тўтидин кичикрак *(278 а)* бўлур. Муни ҳам сухангўй қилурлар. Бу жинсни «жангалий» дерлар. Бу жинс Бажавр ва Савад ва ул навоҳида бисёр бўлур. Ул мартабадаким, беш минг-олти минг бир хил учар. Бу тўти била ул тўти орасида жуссада тафовуттур. Ранглари худ бирдек-уқдур.

Яна бир навъ тўти бўлур. Бу жангалий тўтисидин ҳануз кичикрак, боши қип-қизил, қанотларининг усти ҳам қизил бўлур. Қуйруғининг учи икки элликча йироқ бўлур. Ушбу жинснинг баъзисининг боши савсаний бўлур. Бу жинс сухангўй бўлмас. Муни Кашмир тўтиси дерлар.

Яна бир навъ тўти бўлур. Жангалий тўтидек кичикрак бўлур. Тумшуғи қора, бўйнида улуқ қора тавқи бор, қанотларининг усти қизил, яхши сўз ўрганур. Хаёл қилур эдукким, тўти ва шорак ҳарне ўргатсалар айтур, ўз бошича маъни тахайюл қилиб, талаффуз қила олмас. Бу фурсатта Абулқосим жалойирким, яқин мулозимларимдиндур, ажаб нима ривоят қилди; ушбу жинс тўтининг қафаси ёпуқ экандур, тўти айтибтурким, «Руйи маро во кунки, дамгир шудам».[935] Яна бир навбат кўтарган қаҳаарлар[936] дам олғали ўлтурғонда раҳгузар эл ўтуб борадурлар экандур, тўти дебтурким; «Мардум рафтанд, шумоён намеравед»,[937] вал-уҳдату алар-ровий.[938] Бовужуд киши ўз қулоғи била эшитмагунча инонса бўлмас.

Яна бир навъ тўти бўлур, хушранг қип-қизил. Яна баъзи ранглари ҳам бор. *(278 б)* Мушаххас хотирда қолмағон учун машруҳ битилмади.

---

934 ЛН: эдидек.

935 «Менинг юзумни оч, димиқтим».

936 Қ: қаҳр борлар.

937 «Одамлар кеттилар, сиз кетмайсизми?»

938 Бу арабча жумлани эшитилган сўзга ишонилмаган тақдирда айтилади: «Сўз»нинг тўғри-нотўғрилиги айтувчининг бўйнига» маъносида.

Қизил бисёр хушранг[939] ва хушшакл тўтидур, сухангўй ҳам қилурлар эмиш. Айби будурким, чини синиғини мис табаққа тортқондек кўп нохуш ва тез уни бор.

Яна бир шоракдур. Бу Ламғонотта бисёрдур. Андин қуйи тамом Ҳиндустонотта кўп бўлур. Бу ҳам турлук-турлук бўладур. Бир навъи будурким, Ламғонотта кўптур. Боши қора, қанотлари ола, жуссаси чуғурчуқдин бир нима улуқроқ ва қаброқтур. Сўз ўргатурлар. Бир навъини «мино»[940] дерлар. Бангаладин келтурурлар. Яқранг қорадур, жуссаси бу шоракдин хейли улуқдур, тумшуғи ва оёғи сариқдур, икки қулоғида сариқ пўстлари бор, солиниб турадур. Мунинг баднамолиғи бор. Сухангўй қилурлар, яхши айтур ва фасиҳ айтур.

Яна бир навъ шорак бўлур. Бурун мазкур бўлғон шоракдин иничкарактур. Кўзларининг гирди қизил бўлур. Бу жинс сухангўй бўлмас, «вин шорак» дерлар.

Яна бу фурсатдаким, Ганг сувиға кўприк боғлаб ўтуб, мухолифларни қочурдук, Лакнав[941] ва Авад ва навоҳисида бир навъ шорак кўрулдиким, кўкси оқ, боши ола, елкаси қора, ҳаргиз кўрулмайдур эди. Бу жинс ғолибо сўз ўрғанмас.

Яна лўчадур,[942] бу қушни «буқаламун» ҳам дерлар. Бошидин қуйруғиғача беш-олти мухталиф ранги бор, кабутарнинг бўйнидек барроқдур. Улуқлуғи *(279 а)* кабки дарийча бўлғай, ғолибо Ҳиндустон кабки дарийсидур. Нечукким, кабки дарий тоғларнинг қуллаларида[943] юрур, бу ҳам тоғ қуллаларида юрур. Кобул вилоятларидин Нижров тоғларида ва андин қуйиғи тоғларда бўлур. Андин юққори бўлмас. Ул эл ажаб нима ривоят қилдилар: қиш бўлғоч, тоғ доманалариға тушар, агар учурсаларким, узум боғидин ўтса, яна асло учолмас, тутарлар. Маъкулул-лаҳмдур,[944] бисёр лазиз эти бордур.

Яна бир дуррождур. Бу Ҳиндустон махсуси эмастур. Гармсер вилоятларда бўлур, вале баъзи жинси Ҳиндустондин ўзга ерида бўлмас учун, муни тақриб била зикр қилдим. Дуррожнинг жуссаси какликча бўлғай. Нарининг орқаси қирғовулнинг модаси рангидекдур, бўғзи ва кўкси корадур, оқ-оқ туклари бордур, икки кўзининг икки ёнида қизил хатте тушубтур, тавре кичкурурким: «Шир дорам шакарак»[945] анинг унидин масмуъ бўлур, «шир»ни қитдек айтадур, «дорам шакарак» худ дуруст муталаффиз бўладур. Астробод дуррожлари «бот[946] мени туттилар» деб кичқирур эмиш.

Арабистон ва ул навоҳиниг дуррожи «Бишшукри тадумун нуъм»[947] деб чорлар эмиш. Модаси қирғовулнинг юзларидек[948] рангликдур. Нижровдин қуйи бўлур.

Яна бир дуррож жинси бир қушдур, «канжал» дерлар. Жуссаси дуррожча-ўқ бўлғай, уни какликнинг унига хейли ўхшар, вале мунинг уни *(279 б)* кўп тездур. Нари била модасининг ранги орасида тавофут камдур. Паршовар ва Ҳашнағар вилоятида ва андин қуйиғи вилоятларда бўлур, андин юққори бўлмас.

Яна пулпакордур, улуқлуғи кабки дарийча бўлғай, уй товуғи андомликдур, ранги ҳам мокиён рангликдур, томоғидин қуйи кўксигача хушранг қип-қизилдур. Пулпакор Ҳиндустон тоғларида бўлур.

Яна саҳройи товуқдур. Уй товуғи била бу товукнинг орасида фарқ будурким, бу саҳройи товук қирғовулдек учар, яна уй товуғидек ҳар ранг-ҳар ранг бўлмас. Бу товук Бажавр тоғларида ва андин қуйиғи тоғларда бўлур. Бажаврдин юққори бўлмас.

Яна чалсийдур. Жуссада пулпакордектур, пулпакор мундин хушрангроқдур, Бажавр тоғларида бўлур.

Яна шомдур. Улуқлуғи уй товуғича бўлғай. Ғайри мукаррар ранглари бор. Бу ҳам Бажавр тоғларида бўлур.

Яна будонадур. Агарчи будона Ҳиндустон махсуси эмасдур, вале тўрт-беш жинс будонадурким, Ҳиндустон махсусидур. Бир будонадурким, бизнинг вилоятларға борур будонадин улуқроқ ва болидароқтур. Яна бир будонадурким, ул вилоятқа борур будоналардин қисқароқдур, қанотқуйруғининг қизилроқ ранги бор. Бу жинс будона чирдек хайл-хайл учадур. Яна бир будона-

939 Қ: Хуш, рангу хуш.
940 Е: пандвойи; Е: пандовий; Р: пандовлий.
941 Н: Лакнаврда ва; Қ: Лакнавда ва.
942 Қ: Кужа.
943 Н: Қулларига.
944 «Маъкул ул-лаҳм» — эти ейиладиган.

945 «Сутим бор шакаргина».
946 РЛ: тот.
947 «Шукр» қилсанг неъмат фаровон бўлади» маъносида.
948 Е: юзлоъи; Л: бурлоғи.

дурким, ул вилоятларға борур бўданадин кичикрак, бўғзи била кўксида қораси кўпрак бўлур. *(280 а)* Яна бир бўданадур. Бу бўдана Кобулға оз-оз борур. Кичиккина бўданадур, қорчадин бир нима улуқроқ бўлғай, Кобулда «қўрату» дерлар.

Яна бир харчалдур, улуғлиғи туғдоқча бўлғай. Ғолибо Ҳиндустон туғдоғидур. Гўшти бисёр лаззатликдур. Баъзи қушнинг бут[949] эти яхши бўлур, баъзининг кўксининг эти яхши бўлур: харчалнинг бори эти лаззатлиқ ва хўбдур.

Яна чарздур. Туғдоридин жуссаси бир нима кичиракдур. Нарининг орқаси туғдоридектур, кўкси қорадур. Модаси якрангдур. Чарзнинг гўшти ҳам бисёр лазиздур. Нечукким, харчалнинг туғдоққа мушобаҳати бор, чарзнинг ҳам туғдориға[950] мушобаҳати бор.

Яна Ҳиндустон бағриқорасидур, ул бағриқорадин кичикроқ ва иничкарактур. Бағрининг қораси ҳам камдур. Уни ҳам андин инчкарактур.

Яна қушлардурким, сувда ва сув ёқаларида бўлур; ул жумладин: бир дангдур,[951] улуқ жуссалик жониворлур, ҳар қаноти бир қулоч бордур. Бошининг ва бўйнининг[952] туки йўқтур. Бўғзида харитадек бир нима солиниб турубтур. Орқаси қора, кўкси оқдур. Аҳёнан Кобулға борур. Бир йил Кобулда данг тутуб келтуруб эдилар, яхши ром бўлуб эди. Гўштни ташлаб берсалар ҳаргиз хато қилмас эди, тумшуғи била олур эди. Бир қатла бир шаш наъл кафшни ютуб эди. Яна бир навбат бир бутун товуқни *(280 б)* қанотлари ва патлари била дуруст ютти.

Яна бир саърасдур. Ҳиндустонда бўлғон турклар тева-турна дейдурлар. Бу бир нима дангдин кичикрак бўлғай, бўйи дангдин[953] баландроқдур, боши қип-қизилдур. Муни уйда сахлайдурлар, яхши ром бўладур.

Яна майнакдур[954]. Бўйи саърасқа ёвушур. Жуссаси кичикрактур. Лаклакдин хейли улуқдур, лаклакка мушобаҳати бор, тумшуғи лаклакнинг тумшуғидин узунроқдур. Тумшуғи қорадур, боши савсани, бўйни оқ, қанотлари оладур, жарка[955] қанотларининг учлари ва тублари оқдур, ўртаси қорадур.

Яна бир лаклакдур. Бўйни оқдур, боши ва жамиъ аъзоси қорадур. Ул вилоятларға борур лаклакдин кичикракдур. Бу лаклакни ҳиндустоний «якранг»[956] дер. Яна бир лаклакдур — ранги ва вазъи тамом ул вилоятларға борур лаклаклардектур. Ғояташ, тумшуғи қорароқтур. Ул лаклакдин хейли кичикдур.

Яна бир, қушдур, уқор била лаклакка мушобаҳати бор. Уқордин тумшуғи улуқроқ ва узунроқдур, жуссаси лаклакдин кичикрактур.

Яна бир улуғ бўзакдур. Улуғлуғи сорча бўлғай. Икки қанотининг орқаси оқдур. Баланд уни бордур.

Яна бир, боши ва тумшуғи қора оқ бўзакдур. Ул вилоятқа борур бўзакдин хейли улуқдур. Ҳиндустон бўзакидин кичикрак *(281 а)* тур.

Яна бир ўрдактур, ғармпой дерлар, сўна бўрчиндин улуғроқдур, нари ва модаси бир рангдур. Ҳашнағарда доййм бўлур, гоҳи Ламғонотқа ҳам борур. Гўшти хейли лазиздур.

Яна бир ўрдактур, шаҳмурғ дерлар, қоздин жузвий кичикрак бўлғай, тумшуғининг устида баландлиғи бор, кўкси оқдур, орқаси қорадур. Гўшти мазаликдур.

Яна бир зумаждур, улуғлуғи бургутча бўлғай. Қора рангликдур.

Яна бир сор бўладур, орқаси ва қуйруғи қизил.

Яна Ҳиндустоннинг ола қарғасидур, ул вилоятнинг олақарғасидин кичикрак ва иничкаракдур. Бўйнида жузве оқи бордур.

Яна бир қушдур, қарға била аккаға мушобаҳати бор. Ламғонотта мурғи жангал дерлар. Боши ва кўкси қора, қанотлари ва қуйруғи қизилроқ, кўзлари қип-қизил. Учмоқта ожиз учун жангалдин чиқмас. Бу жиҳатдин мурғи жангал дерлар.

Яна бир улуғ шаппарадур, чангаддир дерлар. Улуқлуғи япалоқча бўлғай. Боши итнинг кучугининг бошиға ўхшар. Дарахтқаким қўнар хаёли қиладур, бир шохни тутиб, сарнигун бўлуб турадур. Ғаробати бордур.

Яна бир Ҳиндустон аккасидур, «матайла» дерлар. Аккадин жузве кичикрак бўлғай. Акка оқоладур, матайла оладур.

Яна бир қушкинадур, улуқлуғи сондуғочча

[949] Н: юрт; Е: тўштининг.
[950] ЕҚ: Туғдоққа.
[951] ЛН: дикдур.
[952] Қ: бўйнининг, Л: бутининг.
[953] Н: дикдин.
[954] Л: мангса.
[955] Н: хабарча; Е: чарк.

[956] Қ: Як ранг; РЕ: Як денг; Л: Бек денг.

*(281б)* бўлғай, хушранг қизилдур, қанотларида озроқча қоралари бордур.

Яна бир карчадур, қорлуғоч йўсунлуқдур, қорлуғочдин хейли улуқдур, якранг қоп-қорадур.

Яна бир кўйалдур, узунлуғи зоғча бўлғай, зоғчадин хейли ингичкарақдур. Тавре ўқур. Ҳиндустон булбули бу эмиш. Ҳиндустон эли қошида булбулча ҳурмати бордур. Қалин дарахтлиқ боғларда бўладур.

Яна бир қушдур шақроқ йўсунлуқдур. Йиғочларға ёпишуб турур,[957] улуқлуғи шақроқча бўлғай. Тўтидек сабз рангликдур.

Сув ҳайвоноти: бир шери обидур, қора сувларда бўладур, гиласға мушобаҳати бор. Дерларким, кишини ва балки говмишни олур эмиш.

Яна сейсордур, бу ҳам гилас вазълиқдур. Тамом Ҳиндустон дарёларида бордур. Тутуб келтуруб эдилар, узунлуғи тўрт-беш қари ёвушар эди. Йўғонлиғи кўйча бўлғай. Мундин улуғроқ ҳам бўлур эмиш, ярим қаридин узунроқ тумшуғи бор, юққориғи тумшуғи ва қуйиғи тумшуғида ингичка-ингичка қатор кичик тишлари бор. Сув ёқаларида чиқиб ётадур.

Яна хуки обидур, бу ҳам тамом Ҳиндустон дарёларида бўлур. Сувдин баякбор чиқар, боши кўрунур-кўрунмас яна сувға чўмар, қуйруғи кўруну б қолур, мунинг тумшуғи ҳам *(282 а)* сейсар тумшуғидек узундур ва ушоқ қатор тишлари бордур. Ўзга боши ва танаси балиқдектур, сувда ўйнар вақт мушук йўсунлуқ кўрунадур. Сару сувидаги хуки обилар ўйнар маҳалда сувдин дуруст чиқадур. Бу балиқдек сувдин ташқари ҳаргиз чиқмас.

Яна гарийалдур, бу улуқ бўлур эмиш. Сару дарёсида черик элидин хейли киши кўрдилар. Бу кишини олур эмиш. Сару ёқасида эканда бир-икки додакни олибтур. Ғозипур била Банорас орасида ўрду элидин уч-тўрт кишини олди. Ушбу навоҳида мен ҳам гарийални йироқтин кўрдум, ўбдон мушаххас кўрулмади.[958]

Яна какка[959] балиқдур. Икки қулоғининг тўғриси икки сўнгак чиқибтур, узунлуғи уч эллик бўлғай, ётқонда бу икки сўнгакни тебратадур. Ғариб тавр ун келадур. Ғолибо ул уни жиҳатидин какка дебтурлар.

Ҳиндустон балиқларининг гўшти лазиз бўлур эди ва қилтиғи бўлмас. Ажаб чуст балиқлардур. Бир қатла бир сувни икки тарафидин тўр солиб келдилар, тўрнинг бир тарафи сувдин ярим қаридин кўпрак юққори эди, балиқларнинг кўпраги тўрдин бир қари юққорроқ сачраб ўттилар.

Яна Ҳиндустоннинг баъзи сувларида ушоқ балиқлар бор, бир қаттиқ ун ё товуш бўлса *(282 б)* баякбор сачраб, сувдин бир қари-бир ярим қари баланд чиқадурлар.

Яна Ҳиндустон бақалари, агарчи ўшал бақалардектур, вале бу бақалар сувнинг юзида етти-секкиз қари югурадурлар.

Набототким, Ҳиндустон махсусидур, бир анбадур. Аксар Ҳиндустон эли «бе»ни бeҳаракат талаффуз қилурлар, ёмон муталаффиз бўлур учун баъзи «нағзак» дебтурлар, нечукким, Хожа Хисрав дебтур:

*Нағзаки мо нағзкуни бўстон,*
*Нағзтарин меваи Ҳиндустон.*[960]

Яхшиси яхши бўладур, ғалаба еса[961] бўладур, вале яхшиси кам бўладур. Аксар хом узадурлар, уйда пишадур, хоми хўб ош қатиғи бўладур. Ғўрасининг мураббоси ҳам хўб бўладур. Филвоқиъ Ҳиндустоннинг яхши меваси будур. Дарахти бисёр болида бўладур. Баъзи эл анбани андоқ таъриф қилиб эдиларким, қовундин ўзга жамиъ мевага тaржиҳ қилиб эдилар. Эл таъриф қилғонча худ эмастур. Кордий шафтолуға шабоҳати бор. Пашакаал вақтида[962] пишадур. Икки навъ ейилур: бири, сиқиб, пўла қилиб, терисини[963] тешиб, сўруб сувини ичарлар, яна бир, шафтолуйи кордийдек терисини аритиб ерлар. Барги шафтолу баргига андаке ўхшар, танаси баднамо ва бадандомдур. Бангала ва Гужаратта яхши бўлур эмиш.

Яна кейладур, араб «мавз» дер, дарахти хейли баланд эмас, *(283 а)* балки дарахт деб ҳам бўлмас. Гиёҳ била дарахт орасида бир нимадур. Барги амонқаронинг баргига мушобиҳдур, вале кейланинг баргининг узунлиги икки қари бўлур, ясси-лиғи бир қариға ёвушур, ўртасида юракдек бир

---

[957] Н: йурур.
[958] ЕҚ: кўрунмади; Л: кўра олмади.
[959] Л: гала, кейингилари ҳам шундай.

[960] «Нағзак»имиз бўстон безаги ва Ҳиндистоннинг энг гўзал мевасидир.
[961] Е: йесар.
[962] ЕҚ: вақтидин бурун.

шох чиқар, ғунчаси бу шохда бўлур ва улуқ ғунчаси қўй юраги вазълиқдур, ғунчасининг ҳар барги очилғоч, баргининг тубида қатор олти-етти гули бўлур, бу қатор гуллар кейла бўлур. Ушбу юракдек шох узоғон сойи ул улуқ ғунчанинг барглари очилиб, қатор кейла гуллари зоҳир бўлур. Ҳар кейла дарахти бир қатла-ўқ бар берур эмиш. Кейланинг икки латофати бор: бир улким, териси осон сўюлур. Яна бир улким, ҳеч донаси ва жирми бўлмас, бодинжондин бир нима узунроқ ва иничкаракдур, хейли чучук эмас. Бангала кейлалари бисёр чучук бўлур эмиш. Хейли хушнамо дарахти бор, ясси-ясси хушранг сабз барглари яхши кўрунур.

Яна анбилийдур, хурмойи ҳиндийни бу от била айтурлар. Реза барги бор,[964] жавзи бўё баргига филжумла ўхшар, вале мунинг барги бўё баргидан резароқтур. Хейли хушнамо дарахтедур, сояси қалин бўлур. Дарахти хейли болида бўладур. Саҳройиси ҳам қалин бўладур.

Яна бир маҳвадур, гул чикон ҳам дерлар. Мунинг дарахти ҳам хейли болида бўлур. Ҳиндустон элининг иморат *(283 б)* лари аксар маҳва йиғочидиндур. Маҳванинг гулидин арақ тортарлар ва гулини мавздек қурутуб ерлар ва арақ ҳам тортарлар. Филжумла кишмишга шабоҳати бор. Бадмазалиғи бор. Гулининг ўли ҳам ёмон эмас, еса бўлур. Бу ҳам саҳройи бўладур. Меваси бемаза бўладур. Донаси улуқроқ, териси юпқа, мунинг донасининг мағзидин ёғ ҳам тортарлар.

Яна кирнийдур. Мунинг дарахти агарчи кўп болида бўлмас, кичик ҳам бўлмас. Меваси сариғ рангликдур, жигдадин иничкарактур. Мазаси филжумла узумга ўхшар, охирида озроқча бадтаъмлиғи бор, ёмон эмас, еса бўлур. Донасининг териси юпқадур.

Яна жаъмундур, барги тол баргига филжумла ўхшар, гирдоқ ва яшилроқтур, дарахти холи аз хушнамолиқ эмас.[965] Меваси қора узумга ўхшар, туршроқ мазаси бор, хейли яхши эмастур.

Яна камрактур. Панж паҳлудур. Улуғлуғи ғайнолуча бўлғай, узунлуғи тўрт эллик бўлғай, сариқ пишадур, мунинг ҳам донаси йўқтур. Хомроқ узгани кўп аччиқтур. Яхши пишғонининг туршлиғи майхушдур, ёмон эмас, холи аз латофат[966] эмас.

Яна кадҳалдур. Бу ғариб бадҳайъат ва бадмаза мевадур, биайниҳи қўйнинг *(284 а)* қорнидурким, кепадек қоринининг ичи ташқари бўлғай. Мазаси дил очур чучукдур, ичида фундукдек-фундукдек доналари бор. Хурмоға филжумла шабоҳати бор. Мунинг доналари гирддур, узун эмасдур. Бу доналарнинг хурмодин юмшоқроқ гўшти бор, ани ейдурлар, хейли часпандадур, часпандалиғидин баъзи иликни, оғизни ёғлаб ер эмишлар. Ҳам дарахтнинг шохида бўладур, ҳам танасида, илдизида ҳам бўлур эмиш. Дарахтдин гўёким кепаларни осиб-осиб қўюбтурлар.

Яна бадҳалдур, улуғлуғи олмача[967] бўлғай эди. Ёмон эмас, хомлиғида ғариб турш[968] ва бемазадур, пишиғи ёмон эмас, юмшоқ пишар ва ҳар еридин илик била узуб еса бўладур. Мазаси биҳининг ганда бўлғониға хейли ўхшар, турш-турш яхшиғина мазаси бор.

Яна бейрдур, форсий «кунор» дерлар эмиш. Бу анвоъ бўладур. Олучадин бир нима улуқроқдур. Бир навъи бўладур, ҳусайни узум андомида, аксари хейли яхши бўлмайдур. Бандийрда бир бейр кўрдук, хейли яхши эди. Мунинг дарахти савр ва жавзода барг тугуб, саратонда ва асадтаким, айни пашакаалдур, барг чиқариб, тар ва тоза бўладур. Меваси далв ва ҳутта пишадур.

Яна карундадур, бизнинг вилоятнинг жикаси *(284 б)* йўсунлуқ бута-бута бўладур. Жика тоғларда бўлур. Бу даштларда бўладур. Мазаси мирминхонға[969] ўхшар, мирминхондин[970] чучукроқ ва кам оброқтур.[971] Андин қалялиқ ош пиширадурлар, мазалиқ бўладур. Хейли қаляси ривожқа ўхшар.[972]

Яна панийаладур, олучадин улуғроқтур, қизил олманинг ғўрасиға шабиҳдур, туршқина мазаси бор, яхшиғинадур. Дарахти анор йиғочидин улуғроқтур, барги бодом баргиға ўхшар.

Яна гулардур, меваси дарахтининг танасидин чиқар, анжирға ўхшар. Гулар ғариб бемаза мевадур.

Яна аъмладур, бу ҳам панж паҳлудур, ғузанинг

963 Л: бир ерини.
964 Қ: бор жуз.
965 «Дарахти чиройли кўринишдан холи эмас».

966 «Латифликдин холи эмас».
967 ЕҚ: биҳича.
968 Н: бўш.
969, 970 Қ: Мирминжон.
971, 972 Л: тушиб қолган.

ғунчасиға ўхшар, зумухт ва бемаза нимадур. Мураббоси ёмон эмас. Хейли пурфойда мевадур. Дарахтининг яхши ҳайъати бор, бисёр реза баргликтур.

Яна чирўнжийдур, дарахти кўҳий эмиш. Бизнинг боғларда уч-тўрт туп бор экандур, сўнгра билдим. Маҳваға хейли шабиҳдур, мағзи ёмон эмас, мағзи янғоқ мағзи била бодом мағзи орасида бир нимадур. Мағзи писта мағзидин кичикрактур. Чирўнжийнинг мағзи гирдтур, полудаға ва ҳалволарға солурлар.

Яна хурмодур. Агарчи хурмо Ҳиндустон махсуси эмас. Чун ул вилоятларда йўқ эди, мазкур бўлди. Хурмо дарахти Ламғонда ҳам бордур, шохлари дарахт калласида бир ерда-ўқ бўлур. Барглари шохларининг тубидин учиғача икки тарафида бўлур, танаси ноҳамвор ва бадрангдур. Меваси узум *(285 а)* нинг хўшасидек бўлур, узумнинг хўшасидин хейли улуғроқ бўлур.

Дерларким, наботот орасида хурмо дарахтининг икки иши ҳайвонотқа ўхшар: бир улким, нечукким, ҳайвонот бошини кесарлар — ҳаёт мунқатиъ бўлур. Хурмо дарахтининг ҳам боши кесилса, дарахти қурур. Яна бир улким, нечукким ҳайвоноттин бенар натижа ҳосил бўлмас, хурмо дарахтига ҳам нар хурмодин шохини келтуруб, тегурмасалар яхши бар бермас. Бу сўзнинг ҳақиқати маълум эмас.

Хурмонинг бошиким мазкур бўлди, ул панирединиборattур. Хурмо панири андоқ бўлурким, шох ва баргининг чиқар ери панирдек оқ бўладур. Бу оқ панирдекдин шох ва барг чиқадур. Шох ва барг узоғон сойи барги сабзроқ бўладур. Бу оқ нимани хурмонинг панири дерлар. Тавредур, ёмон эмас. Ул янгоқнинг ўл мағзиға хейли ўхшар. Ушбу панири бўлур ерни захм қиладурлар. Ул захмға хурмо баргини андоқ қўядурларким, ул захмдин ҳар сув келса, бу хурмо баргининг усти била оқадур, баргни кўзанинг оғзиға қўюб, кўзани дарахтқа боғлабтурлар, ул захмдин ҳар сувким ҳосил бўлса, кўзада йиғиладур. Агар филҳол ичилса, чучумонрак сувдур, уч-тўрт кундин сўнг ичилса, филжумла кайфияти бор дерлар. Мен бир навбат Барийни сайр қилаборғонда, *(285 б)* Чанбал дарёсининг ёқасидағи кентларға сайр қила бориб эрдим. Йўлда қўлда ушбу навъ хурмо сувини оладурғонлар учради. Бу сувдин хейли ичилдиким, анинг кайфияти маълум бўлғай, кайфияти маълум бўлмади. Ғолибо хейли ичмак керакким, андак кайфияти маълум бўлғай.

Яна наргилдур, араб муарраб қилиб «норжил» дер, Ҳиндустон эли налийар дейдур. Ғолибо ғалати омдур. Наргилнинг бириси жавзи ҳиндийдурким, қора қошуқларни андин қилурлар. Улуғроғини ғижжакнинг косаси қилурлар. Дарахти биайниҳи хурмо дарахтидур, ғояташ, наргилнинг шохи пурбарграктур. Баргининг ранги ҳам равшанроқтур. Нечукким, янғоқнинг тошида кўк пўсти бўлур, наргилнинг тошида ҳам кўк пўсти бор, вале наргилнинг пўсти реша-реша бўладур. Тамом дарёдағи жиҳозларнинг ва кемаларнинг танобини ушбу наргилнинг пўстидин қилурлар эмиш. Кемаларнинг дарзларини ҳам мунинг ипи била тикар эмишлар. Наргилнинг пўстини арткоч, бир учида мусаллас уч тўшук ўрни зоҳир бўлур, иккиси руст, бири бўш, андак ишорат била тешиладур. Мағз боғлардин бурун наргилнинг ичи сув бўладур. Бу тушукни тешиб, ул сувни ичадурлар. Мазаси ёмон эмас, гўёким, хурмо панирини сув қилибтурлар.

Яна бир таардур, таарнинг шохлари ҳам бошида *(286 а)* -ўқ бўлур, таарға ҳам хурмодек кўза боғлаб, сувини олиб ичадурлар: бу сувни таарий дейдурлар. Мунинг кайфияти хурмо сувининг кайфиятидин тундроқ бўлур эмиш. Таарнинг шохларининг бир қари-бир ярим қаригача ҳеч барги бўлмас, андин сўнг ўттуз-қирқ барг шохининг учида бир ердин-ўқ ирикроқ панжа урадур. Бу баргларининг узунлуғи бир қариға ёвушур. Ҳинди хатларни дафтар йўсунлуқ бу баргларда хейли битийдурлар. Ҳиндустон эли кенг-кенг қулоқларининг тушукларига ҳалқа бўлмаса, бу таар баргидин ясаб соладурлар. Ушбу таар баргидин қулоқ тушугига солмоқ учун бозорларда ясаб-ясаб сотадурлар. Танаси хурмо дарахтининг танасидин яхшироқ ва ҳамворроқтур.

Яна норанж ва лиму мушобаҳати[973] мевалардур. Норанж Ламғонотта ва Бажавр ва Савадта кўп бўлур ва хўб бўлур. Ламғонот норанжи кичикрак ва киндиклик бўлур, бисёр латиф ва нозук ва сероб бўлур. Хуросон навоҳисининг норанжиға ҳеч нисбати йўқтур. Нозуклугидиндурким, Ламғоноттин Кобулғачаким, ўн уч-ўн тўрт

[973] Н: андомлиқ мушобиҳи; Қ: лиму машҳур; Е: норунж мушобаҳати.

йиғоч бўлғай, келтургунча баъзи норанжлар хароб бўлур. Астробод норанжини Самарқандғаким, икки юз етмиш-икки юз сексон йиғоч бўлғай, элтарлар, терисининг қалинлиғидин ва камоблиғидин *(286 б)* онча хароб бўлмас. Бажавр норанжларининг улуғлиғи биҳича бўлур, суви кўптур ва ўзга норанжларнинг сувидин туршроқтур. Хожа Калон дедиким, Бажаврда ушбу жинс норанжнинг бир дарахтидин олиб санадук, етти минг норанж чиқти. Менинг хотиримға доим кечар эдиким, «норанж» лафзи муарраб монанддур, ўшандоқ-ўқ экандур. Бажавр ва Савад эли норанжни тамом нораанг дейдурлар.

Яна лимудур, бисёр бўладур, улуғлиғи юмуртқача бўлғай, юмуртқа андомлиқтур. Илдизини масмум қайнатиб ичса, мазарратини дафъ қилур эмиш.

Яна бир норанж мушобиҳи мева турунждур. Бажавр ва Савад эли баланг дейдурлар. Бу жиҳаттин турунж пўстининг мураббосини мураббойи баланг дер эмишлар. Ҳиндустонда турунжни «бажаврий» дейдурлар. Турунж икки навъ бўладур: бири чучук ва бемаза ва дил-ошур. Чучук, еярга худ ярамас, магар пўсти мураббоға ярағай. Ламғонотнинг турунжи ушмундоқ дилочур чучуктур. Яна Бажавр турунжлари ва Ҳиндустон турунжлари турш бўладур ва хўб туршдурлар. Шарбати бисёр хушмаза ва хуштаъм бўладур, турунжнинг улуғлуғи хисравий қовунча бўлғай. Пўсти кўтур-пўтур ва ноҳамвордур. Учи иничка ва тумшуқлуқ бўлур. Турунжнинг ранги норанж рангидин сариғроқтур. Дарахти таналиқ дарахт бўлмас, кичикрак бўлур. Ва бута-бута *(287 а)* бўлур, барги норанж баргидин улуғроқ бўлур.

Яна норанж мушобиҳи мевалардин сангтарадур, ранги ва вазъи турунждекдур, ғояташ, мунинг териси сийдамдур, ноҳамвор эмас, жузве турунждин кичикракдур. Дарахти улуқ бўладур. Ўрук дарахтича бўладур, барги норанж баргига ўхшар, худ туршлуғи бордур. Шарбати яхши лаззатлиқ ва хуштаъм бўладур. Бу лимудек муқаввийи меъдадур, норанждек музъиф эмас.

Яна норанж мушобаҳати мевалардин улуқ лимудурким, Ҳиндустонда галгал лиму дейдурлар. Андоми қоз юмуртқасиға ўхшар, вале юмуртқадек икки боши иничкарак эмас. Мунинг пўсти ҳам сангтара пўстидек ҳамвордур, ғариб сероб бўладур.

Яна чанбирийдур, норанж мушобиҳидур. Андоми норанждектур, вале ранги сариқдур, норанжий эмас, иди турунж идига ўхшар, мунинг ҳам яхши туршлуғи бор.

Яна норанж мушобиҳи садофилдур, амруд андомлиқтур, ранги биҳи рангидектур. Чучук бўладур, вале чучук норанжча дилошур эмас.

Яна норанж мушобиҳи амрадпалдур.

Яна норанж мушобиҳи карнадур. Мунинг улуғлуғи галгал лимуча бўлғай. Бу ҳам туршдур.

Яна норанж мушобиҳи амалбеддурким, бу уч йилдин бери эмди назарға келди. Андоқ дедиларким, игнани мунинг *(287 б)* ичига солсалар эрир, туршлиғидинму экин, ё хосияттинму экин. Туршлиғи норанж ва лимуча бўлғай.

Яна Ҳиндустонда тавре гуллар бордур: бир жаасундур. Баъзи ҳиндустоний «гадҳал» дейдур, гиёҳ эмас, дарахти[974] соқлиқтур, гулбундек қизил гул бутасидин[975] бир нима баландроқдур, ранги анор гулидин ҳануз сабзроқтур, улуғлуғи қизил гулча бўлғай; вале қизил гул ғунча бўлғондин сўнг бир-ўқ очилур. Бу жаасунким, очилди ўртасидин яна ҳам ушбу баргидин иничка бўлуб, танадек бир эллик узаб, яна ушбу жаасун барглари очиладур. Ҳосили дилшабиҳ[976] гул бўладур, холи аз ғаройиб эмас. Дарахтининг устида бисёр хушранг ва хушнамо кўрунадур, кўп турмайдур, бир кунда-ўқ пажмурда бўладур. Тўрт ой — пашакаал ойларида асру хўб ва кўп очиладур, ғолибо аксар йил очилур. Вале бу кўплук била иди йўқтур.

Яна бир канейрдур, оқ ҳам бўладур, қизил ҳам бўладур. Шафтолу гули вазълиқ панжбарга бўладур. Қизил канейрнинг шафтолу гулига шабоҳати бор. Вале канейр гули ўн тўрт-ўн беш гул бир ерда очиладур, йироқтин бир улуқ гулдек кўрунадур. Мунинг бутаси гулбундин улуғроқтур. Қизил канейрнинг тавреғина иди бор, хушояндадур. Бу ҳам пашакаалда кўп ва хўб очиладур. Бу ҳам *(288 а)* аксар йил топилур.

Яна кеврадур, бисёр латиф иди бор. Мушкнинг айби будурким, хушклуғи бордур, муни «мушки тар» деса бўлур. Бисёр латиф иди бордур. Агарчи ўзининг ғариб тавр ҳайъати бордур, гу-

---

[974] ЕҚ: бўтаси.
[975] Қ: дек гулбин., Е: Қизил гул бўтасидин дек.
[976] Н: Дусунба; Қ: дил шабиҳ; Е: Душанба; Р: мисли дил (дилга ўхшаш - С. Ҳ.).

лининг узунлуғи бир ярим қариш-икки қариш бўлғай. Вазъи ғарав баргидек узун барглардур[977]. Мунинг тикони бордур. Ғунчадек тиқилғон ташқариғи барглари сабзроқ тиконликрак, ичкариги барглари юмшоқроқ барглар бўладур. Ичкариги баргларининг ораларида гулнинг ўртасидағидек нималар бўладур, яхши иди андин келадур. Янги чиқиб, ҳануз тана пайдо қилмағони эркак қамишнинг бутасиға ўхшар. Мунинг барги яссироқтур ва тиконлиқ, таналиғи бисёр беандомдур, илдизлари кўрунуб турубтур.

Яна ёсуман бўладур оқ, муни чампа дейдурлар. Бизнинг ер ёсуманларидин улуғроқ ва иди тундроқ бўладур.

Яна ул вилоятларда тўрт фаслтур.[978] Ҳиндустонда уч фасл бўлур: тўрт ойи ёздур, тўрт ойи пашакаал,[979] тўрт ойи қиш. Ойларнинг ибтидоси ҳилолий ойларнинг истиқболидиндур. Ҳар уч йилда бир ойни пашакаал ойлариға зиёда қилурлар. Яна уч йилда қиш ойлариға зиёда қилурлар. Яна уч йилда ёз ойлариға. Буларнинг кабисаси *(288 б)* будур.

Чайт, байсак, жет, асаър — тобистон; мувофиқи: ҳут ва ҳамал ва савр ва жавзо.

Сааван, баъдўн, кувар, каътик — пашакаал; мувофиқи: саратон ва асад ва сунбула ва мезон.

Агҳан, пус, маҳ, паъгун — зимистон; мувофиқи: ақраб ва қавс ва жадй ва далв.

Ҳинд[980] эли фусулниким, тўртар ой таъйин қилибтурлар, ҳар фаслда яна иккирар ойни иссиқнинг ва ёғиннинг ва совуқнинг зўри тутубтурлар. Ёз ойларидин икки сўнгғи ойким, жет била асаърдур, иссиқнинг зўри бу икки ойдур. Пашакаал ойларидин икки бурунғи ойким, сааван ва баъдўндур, ёғиннинг зўри бу икки ойдур. Қиш ойларидан икки ўртадағи ойким, пус ва маҳдур, совуқнинг зўри бу икки ойдур. Бу эътибор била буларнинг фасли олти бўладур.

Кунларга ҳам от қўюбтурлар: шанба — саничар; якшанба — айтвар; душанба — сумвар; сешанба — мангалвар; чаҳоршанба — будвар; панжшанба — брипаствар; одина — сукрвар.[981]

Нечукким, бизнинг вилоятлар истилоҳида кеча-кундузни йигирма тўрт қисмат қилибтурлар, ҳар қайсини бир соат дебтурлар ва ҳар соатни олтмиш қисмат қилибтурлар, ҳар қайсисини бир дақиқа дебтурларким, бир кеча ва кундуз минг тўрт юз дақиқа бўлғай. Дақиқанинг миқдори тақрибан олти *(289 а)* қатла «фотиҳа»ни «бисмилло» била ўқуғунчадурким, бир кеча-кундуз секкиз минг олти юз қирқ навбат «фотиҳа»ни «бисмилло» била ўқуғунча бўлғай.

Ҳинд эли кеча-кундузни олтмиш қисмат қилибтурлар, ҳар қайсини бир гарий дебтурлар, яна кечани тўрт ва кундузни тўрт қисмат қилибтурлар. Ҳар қайсини бир паҳар дебтурларким, форсийси пос бўлғай. Ул вилоятларда пос ва посбон эшитилур эди, бу хусусият била маълум эмас эди.

Ушбу маслаҳатқа Ҳиндустоннинг жамиъ муътабар шаҳрларида жамъи муқаррар ва муайяндурларким, гарийалий дерлар, биринждин бир ясси[982] нима қуйибтурлар, улуғлиғи табақча бўлғай, қалинлиғи икки элликча бўлғай. Бу биринжни «гарийал» дерлар. Бу гарийални бир баланд ерда овизон қилибтурлар. Яна бир тослари бор жом соат, анинг қуйиси тешукдур, ҳар гарийда бир тўлар, гарийалийлар навбат била тосни сувға қўюб мунтазирдурлар. Масалан: кун туғар вақттаким, бу тосни қўйдилар, тос бир тўлса, тўқмоқлари била гарийалға бир урарлар, икки тўлса, икки, то паҳар тугагунча. Ҳар[983] паҳарким туганса, аломати будурким, тўқмоқни гарийалға бот-бот ғалаба-ғалаба қоқарлар. Агар кундуздин аввалғи паҳар бўлғон бўлса, бот-бот қоққондин *(289 б)* сўнг даранге қилиб, бир навбат қоқарлар. Иккинчи паҳар бўлғон бўлса, бот-бот қоққондин сўнг икки қоқарлар, учунчида уч, тўртунчида тўрт. Кундузнинг тўрт паҳариким туганди, кеча паҳаридин бошлаб ушбу дастур била кечанинг тўрт паҳарини тугатурлар.

Бурун гарийалийлар кеча-кундузда паҳар туганганда-ўқ паҳар аломатини қоқарлар эди. Кечалар уйқудин уйғонғонларға уч гарий ё тўрт гарийнинг қоққон уни келса эди, маълум бўлмас эдиким, иккинчи паҳармудур, ё учунчи паҳармудур. Мен буюрдумким, кеча гарийларини ва булутлуқ кундуз гарийларини қоққондин сўнг, паҳарнинг аломатини қоққайлар, масалан, кечанинг аввалғи паҳаридин уч гарий қоққондин сўнг, даранг қилиб, паҳарнинг аломатини яна бир ҳам

977 Қ: барглар бордур.
978 ЕҚ: бўлур.
979 Қ: тушиб қолган.
980 Бу иборалар ЕҚ нусхаларда мавжуд.
981 Бу жойлар ЕҚ нусхаларда бор.
982 Н: Тинши.
983 Е: бир.

коккайлар, яъни маълум бўлғайким, бу уч гарий аввалғи пахардиндур. Кечанинг учунчи пахаридин тўрт гарий коккондин сўнг, даранғ килиб, пахарнинғ аломатини уч коккайлар, яъни маълум бўлғайким, бу тўрт ғарий учунчи пахардиндур, хейли яхши бўлди. Кеча хар вакт уйғонғонда гарий уни келса, мушаххас бўладурким, кайси пахардин неча гарий бўлубтур.

Яна хар ғарийни олтмиш бўлубтурлар, хар бирини пал дебтурларким, бир кеча *(290 а)* — кундуз уч минғ олти юз пал бўлғай. Яна хар бир пал микдорини олтмиш катла кўзни юмуб очкунча дебтурларким, кеча-кундуз икки юз ўн олти минғ кўзни юмуб очкунча бўлғай. Бир express пални тажриба килилди, такрийбан секкиз катла «кулхуваллохни «бисмилло» била укуғунча бўлдуким, кеча-кундуз йигирма секкиз минг секкиз юз «кулхуваллохни «бисмилло» била укуғунча бўлғай.

Яна хинд эли вазнларни тавре таъйин килибтурлар: секкиз раттий бир маъша, тўрт маъша бир таанкким, ўттуз икки раттий бўлғай. Беш маъша бир мисколким, кирк раттий бўлғай. Ўн тўрт тўвла бир сер. Бу худ мукаррардурким хар ерда кирк сер бир ботмон бўлур, ўн икки ботмон бир маънийй бўлур. Юз маънийни бир манйаса[984] дерлар. Жавохир ва марворидни таанк била тортарлар.

Яна хинд эли ададни хам хуб таъйин килибтурлар: юз мингни лак дерлар, юз лакни карўр дерлар. Юз карўрни арб дерлар. Юз арбни карб, юз карбни нийл, юз нийлни падам, юз падамни санк. Бу ададларнинг таъйини Хиндустон молининг кўплугининғ далилидур.

Яна Хиндустон элининғ кўпраги кофир бўладур. Хинд эли кофирни хинду дерлар. Хиндулар аксар таносухий бўладур. Омил ва мустаъжир ва коргузор тамом хиндудур.[985]

Бизнинғ вилоятларда, сахрода юрур элнинғ кабила-кабила отлари бўлур, мунда хам вилоят ва кентларда мутаваттин *(290 б)* элларнинғ кабила-кабила отлари бўладур.

Яна хар хирфагарким бор, ота-отасидин бери ул хирфани кила келибтур.

Хиндустон кам латофат ер вокиъ бўлубтур. Элида хусн йўк ва хусни ихтилот ва омизиш ва омаду рафт йўк ва табъ ва идрок ва адаб йўк ва карам ва мурувват йўк ва хунарларида ва ишларида сиёк ва андом ва ража ва гўния йўк ва яхши от йўк ва яхши ит йўк ва узум ва ковун ва яхши мевалар йўк ва ях йўк ва совук сув йўк ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўк ва хаммом йўк ва мадраса йўк ва шамъ йўк ва машъал йўк, шамъдон йўк ва шамъ ва машъал ўрнига жамиъ касир чиркини бўладур, «дивтий» дейдурлар, чап иликларига кичикрак сепоя тутубтурларким, бу сепоянинг бир поясининг учида шамъдоннинг бошидек бир темурни сепоя йиғочига беркитибтурлар. Бир йўғон фатиланиким, бош бармокча бўлғай, сепоянинғ темурлук йиғочига боғлабтурлар, ўнг иликларида бир кадудурким, тўшукини торрок куюбтурларким сув, ёғи андин иничка чубуруб окадур. Хар качон фатилаға ёғ эхтиёж бўлса, бу кадудин ёғ куядурлар. Улуғларининғ бу дивтийлари юз-икки юз бўладур,[986] шамъ ва машъал ўрнига муни истиъмол киладурлар. Подшохлари ва бекларига кечалар шамъға эхтиёж бўлғулук иш бўлса, ушбу чиркин дивтийлар *(291 а)* бу чироғни келтуруб, якин олиб турадурлар.

Дарёларидин ва кора сувларидин ўзгаким, жарлар ва чукурларда окадур, боғ ва иморатида окар сувлар йўк. Ва иморатларида сафо ва хаво ва сиёк ва андом йўк. Раият ва резапой эли тамом яланғоч юруйдурлар. Лангўтадек бир нима боғлайдурлар, киндикдин икки кариш куйи, кисик латта солилиб турубтур, бу солинғон кисик латтанинг устида яна бир парча латта бор, лангўтанинғ боғинингким боғларлар, ул парча латтани икки бутнинг аросидин олиб, кейин лангўтанинг боғидин ўткариб беркитадурлар. Хотунлари худ бир узун лунг боғлабтурлар, ярмини белларига, ярмини бошларига соладурлар.

Латофатеким, Хиндустонда бор — улук вилоятдур. Ва олтун ва ярмоғи калин бўладур ва пашакаал хаволари бисёр хўб бўладур. Гохе куни бўладурким, ўн-ўн беш йигирма катла ёмғур ёғадур. Ёғинларида бир замонда селлар келадур, хеч сув йўк ерларда дарёлар окадур. Ёғар махаллида ва ёғиб турғон махалларида ғариб яхши хаволар бўладур, андокким, хавонинг эътидоли ва латофати андин ўтмас. Айби будурким, хаво кўп пурнам бўладур.

[984] РК: Миноса.

[985] Л: Бу сўзлар тушган.

[986] Л: Бу сўзлар йўк.

Ул вилоятларнинг ёйларига пашакаал ўлса, худ отиб бўлмайдур, тез бузуладур, *(291 б)* не ёлғуз ёй, жиба ва китоб, рахт ва матоъға — бориға таъсир қиладур. Иморат ҳам кўп турмайдур. Пашакаалдин бошқа ҳам қиш ва ёз яхши ҳаволардур, вале шимол ели ҳамиша кўпадур. Гард ва хок хейли бўладур. Ёзлар савр ва жавзода пашакаалга ёвуқ бу ел йилда тўрт-беш навбат бисёр тунд кўпадур. Андоққим, гард ва хок ул мартабада бўладурким, бир-бирни кўруб бўлмайдур, муни «аандий» дейдурлар. Жавзо иссиқ бўладур, вале онча беиътидол иссиқ эмастур. Балх ва Қандаҳорнинг иссиғича йўқтур ва имтидоди худ ул ерларнинг иссиғининг ярмисича бўлғай.

Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳар ҳирфагардин беҳад ва бениҳоят кўптур. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жамиъ муқаррар ва муайяндурким, ота-оталаридин бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар. Нечукким «Зафарнома»да Темурбекнинг «масжиди сангин» иморатини қилурда Мулло Шараф мундоқ муболаға била битибдурким, Озарбайжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик сангтарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Аграда ушбу Аграning сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Яна Аграда ва Секрийда ва Байанада ва Дўлпурда ва Гвалийарда ва Куйилда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди. *(292 а)* Ҳар ҳирфагар ва ҳар коргардин ушбу қиёс била Ҳиндустонда беҳад ва бениҳоятдур.

Бу вилоятларким, Бҳирадин Биҳарғача ҳоло менинг тасарруфимдадур, эллик икки карўрдур, нечукким, бу муфассалидин мужмали маълум бўлғусидур. Бу жумладин секкиз-тўққуз карўр раай ва раажаларнинг парганаларидурким, итоат қилиб, қадимдин бу парганотни важҳи истиқомат тариқида топибтурлар.

Тахмини жамъи Ҳиндустон аз он чи билфеъл дар таҳти тасхири раъийоти нусрати оёт даромада.

С а р к о р и он рўйи оби Сатлаж ва Бҳира ва Лаҳўр ва Сийалкот ва Дипалпур ва ғайриҳо: се карўру сию се лаку понздаҳ ҳазору нуҳсаду ҳаштоду нуҳ танга.

С а р к о р и Саҳринд: як карўру бисту нуҳ лаку сию як ҳазору нуҳ саду ҳаштоду панж танга.

С а р к о р и Ҳисори Феруза: як карўру си лаку ҳафтоду панж ҳазору як саду ҳафтоду чаҳор танга.

С а р к о р и дорул-малики Деҳли ва Миёни дуоб: се карўру шасту нуҳ лаку панжоҳ ҳазору дувисту панжоҳу чаҳор танга.

С а р к о р и Меватки дар замони Искандар дохил набуда: як карўру шасту нуҳ лаку ҳаштоду як ҳазор танга.

С а р к о р и Байана: як карўру чиҳлу чаҳор лаку чаҳордаҳ ҳазору нуҳ саду си танга.

*(292 б)* С а р к о р и Агра: бисту нуҳ лаку ҳафтоду шаш ҳазору нуҳ саду нуздаҳ танга.

С а р к о р и Миёни вилоят: ду карўру наваду як лаку нуздаҳ ҳазор танга.

С а р к о р и Гвалийар: ду карўру бисту се лаку панжоҳу ҳафт ҳазору чаҳор саду панжоҳ танга.

С а р к о р и Калпий ва Сиҳунда ва ғайриҳи: чаҳор карўру бисту ҳашт лаку панжоҳу панж ҳазору нуҳ саду панжоҳ танга.

С а р к о р и Қаннуж: як карўру сию шаш лаку шасту се ҳазору сесаду панжоҳу ҳашт танга.

С а р к о р и Санбал як карўру сию ҳашт лаку чиҳлу чаҳор ҳазор танга.

С а р к о р и Лакнур[987] ва Баксар: як карўру сию[988] нуҳ лаку ҳаштоду ду ҳазору чаҳор саду сию се танга.

С а р к о р и Хайробод: дувоздаҳ лаку шасту панж ҳазор танга.

С а р к о р и Авад ва Баҳрайиж: як карўру ҳафдаҳ лаку як ҳазору сесаду шасту нуҳ танга.

*(293 а)* С а р к о р и Жўнпур: чаҳор карўру ҳаштоду ҳашт ҳазору сесаду сию се танга.

С а р к о р и Курара ва Маникпур: як карўру шасту се лаку бисту ҳафт ҳазору дувист ҳаштоду ду[988] танга.

С а р к о р и Биҳар: чаҳор карўру панж лаку шаст ҳазор танга.[989]

С а р к о р и Сарваар: як карўру панжоҳу панж лаку ҳафдаҳ ҳазору понсаду шашу ним танга.[990]

С а р к о р и Саран: як карўру даҳ лаку ҳаждаҳ ҳазору сесаду[991] ҳафтоду се танга.

---

[987] Қ: Лакнав.
[988] Қ: се.
[989] Қ: саруҳар.
[990] Қ: шаш тангаву ним.
[991] Қ: Шашсад.

С а р к о р и Чапаран: як карўру навад лаку ҳаштоду шаш ҳазору шаст танга.

С а р к о р и Кандла:[992] чиҳилу се лаку си ҳазору сесад танга.

С а р к о р и Тирҳут аз ҳадди миёнайи[993] раажа Руп Нарайан: ду лаку панжоҳу панж ҳазор тангайи нуқра, бисту ҳафт лаку панжоҳ ҳазор сиёҳ танга.

С а р к о р и Рантанбўр[994] Бўлий дар Чатсу Малана: бист лак.

С а р к о р и Нагўр.

С а р к о р и раажа Бикрамажит аз Рантанбўр.[994]

С а р к о р и Калинжарий.

С а р к о р и раажа Синг Дэв.

С а р к о р и раажа Бикам Дэв.

С а р к о р и раажа Бикам Чанд.

*(293 б)* Ҳиндустон вилоятининг еринининг ва элининг хусусиёти ва кайфиёти улча маълум ва мушаххас бўлуб эди, мазкур ва мастур бўлди. Мундин сўнг яна битилгудек нима назарға келса, таҳрир қилғумдур; эшитулгудек нима эшитилса, тақрир қилғумдур.

Душанба куни, ражаб ойининг йигирма тўққузида хизонани кўрмак ва улашмак бунёд бўлди: Ҳумоюнға етмиш лак хизонадин берилди. Яна бир битилмаган, таҳқиқ қилмаган хизона уйини ўшандоқ-ўқ Ҳумоюнға инъом қилдим. Яна баъзи бекларга ўн лак, баъзиларига секкиз лак, етти лак, олти лак берилди. Жамиъ черикта бўлғон афғон ва ҳазора ва араб ва балуж ва ҳар жамоатқа қадри ҳолларига яраша хизонадин нақд инъомлар бўлди. Ҳар савдогар ва ҳар толиби илм ва балки ҳар кишиким, бу черикда ҳамроҳ эдилар, барча инъом ва бахшишдин ҳаззи вофир ва насиби комил элттилар.

Черикта бўлмағонларға ҳам бу хизонадин қалин инъом ва бахшишлар борди. Мисли, Комронға ўн етти лак, Муҳаммад Замон мирзоға ўн беш лак, Аскарийға ва Ҳиндолға ва балки жамиъ уруқ-қаёш, ўғлон-ушоққа қалин қизилдин, оқтин, рахттин, жавоҳирдин, бардадин савғотлар борди.

Ул юздаги бекларга ва сипоҳийларға қалин инъомлар борди. Самарқанд ва Хуросон *(294 а)* ва Кошғар ва Ироққа уруқ-қаёш учун савғотлар йиборилди. Самарқанд ва Хуросондағи машойихқа нузур борди. Макка ва Мадинаға ҳам назр борди. Кобул вилояти била Варсак садасининг жондор бошиға эрдин ва хотундин банда ва озоддин, болиғ ва ноболиғдин бирор шоҳрухий[995] инъом бўлди.

Биз аввал Аграга келганда, бизнинг эл била бу элнинг орасида ғариб муғоярат ва мунофарат эди. Сипоҳийси ва раияти бизнинг элдин қирқир қочарлар эди. Бир Деҳли ва Аградин ўзга жамиъ қўрғонлиқ ерлар қўрғонларини беркитиб, итоат ва инқиёд қилмадилар. Санбалда Қосим Санбалий эди, Байанада Низомхон эди. Меватта худ Ҳасанхон Меватий эди. Бу шару шўрни бошлағон тамом ушул мулҳид мардак эди. Дўлпурда Муҳаммад Зайтун эди. Гвалийарда Татархон[996] Сарангхоний эди. Раприйда Ҳусайнхон Нуҳоний[997] эди. Итаъвада Қутбхон эди, Калпийда Оламхон, Қаннуж ва Гангнинг нари юзи худ тамом мухолиф афғонларда эди. Мисли, Насирхон Нуҳоний[998] ва Маъруф Фармулий ва яна қалин умаро эди. Иброҳим ўларидин икки-уч йил бурундин бери ёғийқиб эдилар. Мен Иброҳимни босқон фурсат Қаннуж ва андин нариги жамиъ вилоятларға қобиз бўлуб, Қаннуждин бир-икки кўч беррак келиб, ўлтуруб эдилар. Дарёхоннинг ўғли Биҳархонни[999] *(299 б)* подшоҳ қилиб, Султон Муҳаммад лақаб қўюб эдилар. Маҳавинда Марғубқул эди. Ушмунча ёвуқ туруб, неча маҳалғача келмади.

Биз Аграга келганда иссиқ вақтлари эди, халойиқ таваҳҳумдин тамом қочиб эдилар. Ўзга ва отқа ошлиқ ва хас топилмас эди. Кентлар муғоярат ва мунофарат жиҳатидин ёғиликка ва ўғурлуққа ва раҳзанлиққа юз қўюб эдилар. Йўллар равон бўлмайдур эди. Бизга ҳануз фурсат ул бўлмайдур эдиким, хизонани улашиб, ҳар паргана ва ҳар ерга мазбут кишилар таъйин қилғайбиз. Яна ул йил хейли иссиқ эди. Хейли эл боди самумнинг таъсиридин ҳар замонда йиқилиб-йиқилиб, ўла кириштилар. Бу жиҳатлардин аксар беклар ва ўбдон-ўбдон йигитлар кўнгул солиб эдилар. Ҳиндустонда турмоққа рози эмас эдилар, балки кетарга юз қўюб эдилар.

---

[992] Қ: Кандка.
[993] Қ: Раажа матона.
[994] Қ: Рантанбҳур.
[995] Қ: бобурий.
[996] Қ: Татархон Гуволиарий.
[997] Қ: Мухоний.
[998] Л: Тушган.
[999] Қ: Баҳодирхон.

Улук ёшлик тажрибалик беклар мундок сўзларни айтса, айби йўктур. Мундок сўзларни ҳамким айттилар, бу кишида онча акл ва хуш бордурким, алар такрир килғондин сўнг салох ва фасодиға етгай ва яхши-ёмонни фарк этгай. Борчани бу киши ўзига кўруб, бир ишниким жазм килди, ўзга айтилғон сўзларни мукаррар иода килмокнинг не мазаси бор. Кичик-киримдин худ мундок сўзлар ва мундок *(295 а)* бемаза раъйларнинг не такриби бор. Бу ғарибдурким, кичик-киримдин бу навбат Кобулдин отланадурғонда, бир нечани янги бек килилиб эди. Менинг чашмдоштим булардин мундок эдиким, мен ўтка, сувға кирсам-чиксам, бетаҳоший бизлар била киргайлар ва била чиккайлар. Мен ҳар сориға бўлсам, алар менинг сори бўлғайлар, йўкким: менинг хилофи максудум сўз айткайлар, ҳар иш ва ҳар муҳимнингким,борининг кенгаш ва иттифоки била ўзумизга жазм килдук, кенгаштин кўпмасдин бурунрок ул сўз ва муҳимдин кайткайлар.

Булар агарчи ёмон бордилар, Аҳмадий парвоначи ва Вали хозин булардин ёмонрок борди. Кобулдин чикиб, Иброҳимни босиб, Аграни олгунча, Хожа Калон яхшилар борди, мардона сўзлар айтти ва соҳиб ҳимматона раъйлар кўрсатти, вале Аграни олғондин неча кун сўнгра тамом раъйлари ўзга бўлди. Бир бормокка бажид Хожа Калон эди.

Элнинг бу музабзаблиғини билиб, тамом бекларни тилаб кенгаштук. Мен дедимким: «Салтанат ва жаҳонгирлиғ беасбоб ва олот даст бермас. Подшоҳлик ва амирлик бенавкар ва вилоят мумкин эрмас. Неча йил саъйлар килиб, машаккатлар кўруб, узок ерлар катъ этиб, чериклар юруб, ўзумузни ва черикни ҳарб ва китол мухотара *(295 б)* лариға солғайбиз. Тенгри иноятни била бу навъ калин ёғийларни босиб, мундок кенг мамлакатни олғайбиз. Ҳоло не зўр келибтур ва не зарур килибтурким, мундок жонлар тортиб олғон вилоятларни бежиҳат солғайбиз. Ҳар ким давлатхоҳдур, мундин сўнг мундок сўзларни айтмасун, ҳар ким токат келтура олмай кетарға юз қўйса, борғонидин кайтмасун».

Мундок маъкул ва муважжаҳ сўзларни хотирнишон килиб, хоҳи ва нохоҳи элни бу дағдағалардин ўткардук.

Чун Хожа Калоннинг турар кўнгли йўк эди, мукаррар андок бўлдиким, савғотларни Хожа Калон, калин навкарлик кишидур, олиб борғай. Кобул ва Ғазнида ҳам киши оздур, аларни забт ва саранжом килғай. Ғазни ва Гардиз ва Султон Масъудий ҳазорасини Хожа Калонға иноят килдим. Ҳиндустонда яна уч-тўрт лаклик ҳурам парганасини ҳам берилди. Хожа Мирмирон ҳам мукаррар бўлдиким, Кобулға борғай. Савғотилар Мирнинг уҳдасиға бўлди. Кобиз Мулло Ҳасан сарроф ва Тўка Ҳинду таъйин бўлди.

Хожа Калон чун Ҳинддин мутанаффир эди, борурида Деҳлининг уйининг иморатларининг томида бу байтни битибтурким:

*(296 а) Агар бахайру саломат гузар зи Синд кунам,*
*Сиёҳрўй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам.*[1000]

Биз Ҳиндустонда туруб, мундок зарофатомиз байт айтмок ва битмок бесураттур. Кетмакдин бир кудурат бўлса, бу навъ зарофаттин икки кудураттур. Мен даги бадиҳада бир рубоий айтиб, битиб йибордим:

*Юз шукр де, Бобурки, кариму ғаффор,*
*Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.*
*Иссиклиғиға гар санга йўктур токат,*
*Совук юзини кўрай десанг Ғазни бор.*

Бу фурсатта Мулло Опокниким, бурунлар мартабаси асру фуруд эди, икки-уч йил эдиким, оғаинисини йиғиштуруб, филжумла жамъият килиб эди. Ўрук зайини ва Синд ёкасидаги баъзи афғонларни берилиб эди, Куйилга йиборилди. Ул навоҳида бўлур таркашбанд ва сипоҳийға истимолат фармонлари йиборилди.

Шайх Гуран эътикод ва ихлос била келиб, мулозамат килди. Миёни дуоб таркашбандларидин ҳам икки-уч минг сипоҳийни келтуруб, мулозим килди. Алихон Фармулийнинг ўғлонлари ва уруғи Деҳли била Агранинг орасида, Юнус Али озикиб, Ҳумоюндин айрилғон маҳалда учрар. Оз-оғлок урушуб босиб, ўғлонларини банд килиб, келтуруб эди. Бу такриб била Давлаткадам туркнинг ўғли Мирза Муғулға *(296 б)* Алихоннинг банддаги ўғлонларидин бирини кўшуб, Алихонғаким, бу бузукликта Меватка бориб эди, истимолат фармонлари била йиборилди, олиб келди. Алихонға тарбият килиб, йигирма беш лаклик айни парганаларидин берилди.

---

1000 «Агар соғ-саломат Синддин ўтиб кетсам, Ҳиндустонни яна ҳавас килсам юзим кора бўлсин».

Султон Иброҳим, Мустафо Фармулий ва Ферузхон Сарангхоний бошлиқ неча умарони Пураб тоғи ёғи боғий умаро устига таъйин қилиб эди, Мустафо бу боғий умаро била яхшилар ҳарб ва зарб қилди. Неча қатла яхши бости. Иброҳимнинг шикастидин бурунроқ Мустафо ўлди. Шайх Боязид иниси эди. Чун Иброҳим муҳимми устида эди, филҳол оғасининг эл-кунини ул бош-кўз қилди.

Ферузхон ва Шайх Боязид ва Маҳмудхон Нуҳоний ва Қози Жийа қуллуққа келдилар. Буларни ҳам муддаоларидин ортуқроқ риоят ва шафқатлар қилиб, Ферузхонға Жўнпурдин бир карўру қирқ олти лаку беш минг танга; Шайх Боязидқа Аваддин бир карўру қирқ секкиз лаку эллик минг танга; Маҳмудхонға Ғозипурдин тўқсон лаку ўттуз беш минг танга ва Қози Жийаға Жўнпурдин йигирма лак иноят бўлди.

Шаввол ийдидин неча кун ўтуб эдиким, Султон Иброҳимнинг ҳарамсаройининг ўртасидағи тош сутунлуқ айвон гунбазта улуқ суҳбат тутулди. Ҳумоюнға чорқаб ва камар шамшир ва олтун эгарлик тупчоқ, Чин Темур Султонға ва Маҳдий Хожаға *(297 а)* ва Муҳаммад Султон мирзоға ҳам чорқаб ва камар шамшир ва камар ханжарлар инъом бўлди. Яна бекларга ва йигитларга фарохўри ҳоллари камар шамшир ва камар ханжар ва хилъатлар инъом бўлди. Нечукким, мужмали мунда мастурдур:

Икки тупчоқ от эгари била; камар шамшири мурассаъ икки қабза; ханжари мурассаъ йигирма беш қабза; катора мурассаъ ўн олти қабза; жамдарайи мурассаъ икки қабза; пичоқи ҳинду ва бори олтун қабза; чаҳорқаб тўрт савб; сақарлот чакман йигирма секкиз савб.[1001]

Суҳбат куни ажаб ғалаба ёмғур ёғди. Ўн уч мартаба ёмғур ёғди. Баъзиларға ер ташқари тегиб эди, ғарқ ўл бўлдилар.

Муҳаммад кўкалдошқа Самана вилоятини иноят қилиб, Санбалға илғор таъйин қилилди. Ҳисори Ферузани Ҳумоюнға жулду берилиб эди. Санбални дағи Ҳумоюнға иноят қилдим, Ҳиндубекни Ҳумоюн қошида қўюлуб эди, бу муносабаттин Муҳаммадий ўрниға Санбалға илғор Ҳиндубекни ва Каттабекни ва Малик Қосим Бобо Қашқани оға-иниси била, Мулло Офоқни, Шайх Гуранни Миёни дуоби таркаш бандлари била илғор йиборилди.

Уч-тўрт навбат Қосим Санбалийдин киши келиб эдиким, *(297 б)* Бибан ҳаромхўр Санбални қабаб ожиз қилибтур, илғор келсун деб. Бибан бу шақ ва ҳайъати била биздинким қочти, тоғни доманалаб бориб қочқан кўрадаган афғон ва ҳиндустонийни йиғиб бу фаторатта ерни холи топиб, келиб Санбални қабабдур.

Ҳиндубек ва Каттабек ва таъйин бўлғон илғор, Аҳар гузариға етиб, сув кечмакка машғул бўлиб, Малик Қосим Бобо Қашқани оға-иниси била илгаррак аюрурлар. Малик Қосим сув ўтган била юз-юз эллик киши ўз оға-иниси била илдам-ўқ юруб, намози пешин Санбалға етар. Бибан ҳам ясаб, ўрдусидин чиқар, Малик Қосим алар тез-ўқ юруб, қўрғонни орқага олиб, илик қўшарлар. Бибан тўхтай олмай қочар. Бир пора кишисининг бошини кесиб, бир неча фил ва қалин от ва ўлжа олур.

Тонгласиға бу илғор беклари ҳам етар. Қосим Санбалий келиб кўрар, вале қўрғонни буларга топшурмоқ хуш ёқмас,[1002] ҳаял қилур.

Бир кун Шайх Гуран, Ҳиндубек алар била сўзлашиб, бир баҳона била Қосим Санбалийни бу беклар қошиға келтуруб, бизнинг кишини Санбал қўрғониға киюрур. Қосим Санбалийнинг кўч ва мутаалиқларини солим ва саломат чиқариб йибордилар.

Байанаға Қаландар пиёдани йибориб, Низомхонға ваъда ва ваид фармонлари йиборилди. *(298 а)* Буғина қитъани бадиҳада айтиб, битиб йиборилди:

*Бо турк ситеза макун, эй мири Байана,*
*Чолокию мардонаги турк аёнаст.*
*Гар зуд наёию насиҳат накуни гўш,*
*Онжоки аёнаст чи ҳожат ба баёнаст.*[1003]

Байана қўрғони Ҳиндустоннинг машҳур қалъаларидиндур. Беҳуш мардак қалъасининг берклигига ишониб, ҳавсаласидин ортуқроқ нималар истидъо қилиб йиборибтур. Анинг келган кишисига яхши жавоб бермай, қалъагирлик асбобиға иштиғол кўрсатилди.

---

[1001] Лондон босмасида берилган инъомлар форсча ёзилган. Қозон босмасидан олинди.

[1002] Н: боқмас.

[1003] Эй Биёна мири, Турк билан ўйнашма, Туркнинг эпчиллик ва мардлиги ҳаммага аён. Агар тез келиб насиҳатни қулоққа олмасанг, Аён ўлган гапни баён қилишнинг нима ҳожати бор.

Бобокулибекни Муҳаммад Зайтунға ваъда ва ваид фармонлари била йиборилди. Бу ҳам узр айтиб, хиял қилибтур.

Раана Сангаа кофир агарчи биз Кобулда эканда элчиси келиб, изҳори далватхоҳлиқ қилиб, мундоқ карор қилиб эдиким, подшоҳ ул тарафдин Деҳли навоҳисиға келсалар, мен бу саридин Агра устиға юруймен.

Мен Иброҳимни бостим ва Деҳли ва Аграни олдим: бу чоққача бу кофирдин ҳеч ҳаракате зоҳир бўлмади. Неча маҳалдин сўнг келиб, Кундар деган қўрғонниким, Маканнинг Ҳасан отлуқ ўғли анда эди, қабади. Ҳасан Макандин неча қатла кишилар келди, Макан ҳануз келиб кўрмайдур эди. Бу теградаги *(298 б)* қўрғонлар, мисли Итаъва ва Дўлпур, Гвалийар, Байана ҳануз кирмайдурлар эди. Шарқ сариға афғонлар инод ва саркашлик мақомида эдилар. Қаннўждин иккиуч кўч Агра сариға чериклаб ўлтуруб эдилар. Ёвуқдаги гирду гўшадин ҳануз хотир тамом жамъ бўлмайдур эди. Бу жиҳаттин анинг кўмагига киши айира олмадук.

Икки-уч ойдин сўнг Ҳасан бечора бўлуб, аҳд қилиб, Кундар қўрғонини берди. Раприйдаги Ҳусайнхон таваҳҳум қилиб, Раприйни ташлаб чиқти. Раприйни Муҳаммад Али жанг-жангга берилди. Қутбхонким, Итаъвада эди, неча навбат ваъда ва ваид била фармонлар йиборилди, не келиб бизни кўрди, не Итаъвадин солиб чиқти.

Итаъвани Маҳдий Хожаға иноят қилиб, Муҳаммад Султон мирзони ва Султон Муҳаммад дўлдой, Муҳаммад Али жанг-жанг, Абдулазиз мироҳўр бошлиқ бекларни ва ичкилардин бир пора қалин кишини кўмак қўшуб, Итаъва устига йиборилди. Қаннўжни Султон Муҳаммад дўлдойға берилди. Ферузхон ва Маҳмудхон ва Шайх Боязид ва Қози Жийа бошлиқларғаким, асру улуқ риоятлар қилиб, Пураб сари парганалар берилиб эди, булар ҳам Итаъваға таъйин бўлдилар.

Муҳаммад Зайтун *(299 а)* Дўлпурда ўлтуруб, хиял қилиб, келмайдур эди. Дўлпурни Султон Жунайд барлосқа иноят қилиб, Одил Султон, Муҳаммадий кўкалдош, Шоҳ Мансур барлос, Қутлуққадам, Абдулло Вали, Жонибек, Пирқули, Шоҳ Ҳусайн Ёрақий бошлиқларни таъйин қилдукким, Дўлпурни зўрлаб олиб, Султон Жунайдқа топшуруб, Байана устига борғайлар.

Бу черикларни таъйин қилғондин сўнг, турк умаросини ва ҳинд умаросини тилаб машварат қилиб, бу сўзни ораға солдукким, Пураб тоғи, боғий умароким, Насирхон Нуҳоний ва Маъруф Фармулий бошлиқ бўлғай, қирқ-эллик минг киши Гангдин ўтуб, Қаннўжқа мутасарриф бўлуб, иккиуч кўч берроқ келиб ўлтурубтур. Раана Сангаа кофир Кундарни олиб, фитна ва фасод мақомидадур. Пашакаал ҳам охир бўла ёвушти. Ё боғи устига ё кофир устига мутаважжиҳ бўлмоқ вожиб ва лозим кўрунадур. Бу гирд ва навоҳидаги қўрғонларнинг иши саҳлдур. Бу улуқ душманлар дафъ бўлғондин сўнг булар қаён борғайлар.

Раана Сангаани мунча тасаввур қилилмас эди, борча муттафиқул-калима арз қилдиларким, Раана Сангаа йироқроқтур, маълум эмаским ёвуқ ҳам кела олғай. Бу ёғийларким, мунча ёвуқ келибтурлар, буларнинг дафъи аҳам ва авлодур.

Бу ёғийларнинг устиға отланмоқчи эдукким, *(299 б)* Ҳумоюн арзға еткурдиким, подшоҳ отланмоқ не ҳожат, бу қуллуқни мен қилай.

Борчаға бу хуш келиб, турк ва ҳинд умароси бу раъйни писанд туттилар. Ҳумоюнни Пурабқа таъйин қилиб, Дўлпурға таъйин қилғои черикларга Кобулий Аҳмад Қосимни чоптурулдиким, ул чериклар келиб, Ҳумоюнға Чандварда қўшулсун. Маҳдий Хожа, Муҳаммад Султон мирзо бошлиқ Итаъва устиға таъйин бўлғон чериkларга ҳам фармон бўлдиким, Ҳумоюнға қўшулғайлар.

Панжшанба куни, зулқаъда ойининг ўн учида Ҳумоюн сафар қилиб, Жалесар деган кентгинагаким, Аградин уч куруҳ бўлғай, тушти. Бир кун анда таваққуф қилиб, андин кўчуб, кўч-баркўч мутаважжиҳ бўлди.

Панжшанба куни, ушбу ойнинг йигирмасида Хожа Калонға Кобулға борурға рухсат бўлди.

Доим хотирға етар эдиким, Ҳиндустоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқтур. Ҳар ерда ўлтурушлуқ бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлиқ ва сиёқ ерлар ясаса бўлур. Аграга келгандин бир неча кундин сўнг ушбу маслаҳатқа Жуун сувидин ўтуб, боғ ерларини мулоҳаза қилдук. Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлуқ била андин убур эттук. Бу ернинг *(300 а)* макруҳлиғи ва нохушлиғидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқти. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Аграда чун йўқ эди, неча кундин сўнг зарур бўлуб, бу ерга-ўқ илик қуюлди. Ул улуғ чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна

бу парча ерким, анбилий дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сӯнг улуғ ҳавз ва саҳне бӯлди, Андин сӯнг тош иморат олидағи ҳавз ва толор бӯлди. Андин сӯнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бӯлди. Андин сӯнг ҳаммом бӯлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ Ҳиндта тавр тарроҳликлар ва сиёқлиқ боғчалар пайдо бӯлди. Ҳар гӯшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаранлар мураттаб ва мукаммал бӯлди.

Ҳиндустоннинг яна уч ишидин мутазаррир эрдук: бир иссиғидин, яна бир гардидин, яна бир тунд елидин. Ҳаммом ҳар учаласининг дофии эрмиш. Гард ва ел худ ҳаммомда не қилар. Иссиқ ҳаволарда андоқ совуқ бӯладурким, ёвуқдурким, киши совуққа тӯнгғай. Ҳаммомнинг бир ҳужрасиниким, қуллатайн ҳавз андадур, тамом тошдин тугатибтурлар. Изораси оқ тошдин, ӯзга тамом фарш ва сақфи қизил тошдинким, Байана тошидур.

Яна Халифа ва Шайх Зайн ва Юнус Али ва ҳар кимгаким дарё ёқасида ер тегиб эди, *(300 б)* сиёқлиқ ва яхши тарҳлиқ боғчалар ва ҳавзлар ясадилар. Лаҳӯр ва Дипалпур дастури била чарх[1004] рост қилиб, сувлар жорий қилдилар.

Ҳинд эли бу тарҳ ва бу андом била ерлар кӯрмаган жиҳатдин, Жууннинг иморатлари қилғон тарафи ерларга Кобул от қӯюбтурлар. Яна қӯрғон ичида Иброҳимнинг иморати била фасилнинг орасида бир холи ер эди, анда ҳам бир улуқ вайн буюрдум даҳи-дардаҳ. Ҳиндустон истилоҳи била зиналиқ улуқ чоҳни «вайн» дерлар. Бу вайнни бу чорбоғдин бурун бунёд қилилиб эди. Айни пашакаалда қазмоққа машғул эдилар, неча навбат йиқилди, муздурларни бости. Раана Сангаанинг ғазвидин сӯнг тамом бӯлди. Нечукким, тарих тошида битибтурлар, итмоми ғазвдин сӯнгра эркониға ишора этибтурлар. Тавр вайне воқиъ бӯлубтур. Боридин қуйиғи табақаси уч айвондур, йӯли чоққа тушадур, зинадин-ӯқтур. Ҳар уч айвонға бир йӯл-ӯқ борур. Ҳар айвон бирбиридин учар зина баландтур. Боридин қуйиғи айвондин сув тортилғон чоғда сув бир зина қуйи тушар. Боридин юққориғи айвонға пашакаал вақти сув улғайғонда гоҳи сув чиқар. Ӯртанчи табақасида бир қазноқлиқ айвондур. Бу айвоннинг қариноси бир гунбаздурким, сув чархини уюрур, ӯй бу гумбазта уйурулур. *(301 а)* Юққориғи табақаси бир айвондур, ташқари боқишлиқ чоҳ устидаги саҳндин беш-олти зина қуйироқ, икки тарафдин зинадин бу айвонға йӯл борур. Рост тарафиға борур, йӯлнинг ӯтрусида тарих тошидур. Бу чоҳнинг ёнида яна бир чоҳ қӯпорилибтурким ул чоҳнинг туби бурунғи чоҳнинг ӯртасидин бир нима юққорроқ бӯлғай. Мазкур бӯлғон гунбазта чархнинг ӯйи эврулуб, ул чоҳдин сув бу чоққа келур. Бу чоққа яна бир чарх ясалибтурким, ул чарх била сув фасилнинг устига чиқар. Фасил усти била юққориғи боғчаға сув борур. * Чоҳнинг зинаси чиқар ерда ҳам бир тошдин иморат бӯлубтур. Бу[1005] чоҳнинг муҳавватасидин ташқари бир тош масжид қилилибтур, вале яхши қилмайдурлар. Ҳиндустон тариқи била қилибтурлар.

Ҳумоюн отланғон фурсатта, Насирхон Нуҳоний ва Маъруф Фармулий бошлиғ боғий умаро Жажмавда жамият қилиб ӯлтуруб эдилар, Ҳумоюн ӯн-ӯн беш куруҳ йӯлдин Мӯмин аткани хабарға йиборур, молға чопқунға бӯлур, яхшиғина ҳам хабар келтура олмас. Мӯмин атканинг борғонидин хабардор бӯлуб, бу ёғийлар туруш бермай, қочиб кетарлар, Мӯмин аткадин сӯнгра Қисмтой била Бобочӯҳра ва Бӯчкани хабар учун йиборурлар. Бу борғонларнинг ёғийнинг[1006] бузулуб, қочқанининг хабарини келтурур. Ҳумоюн юруб, Жажмавни олиб ӯтуб, Далмав[1007] *(301 б)* навоҳисида келганда Фатҳхон Сарвоний келиб кӯрар. Фатҳхон Серванийни Маҳдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзоға қӯшуб, бизға йиборди.

Ушбу йил Убайдхон Бухородин черик тортиб, Марв устига келди. Марвнинг аркида ӯн-ӯн беш раият экандур, олиб кириб Марвнинг бандини қирқ-эллик кунда боғлаб, Сарахс устига борди. Сарахсда ӯттуз-қирқ қизилбош экандур, дарвозани тортиб, қӯрғонни бермаслар. Раиятлар олақишиб дарвозани очарлар. Ӯзбаклар кириб, бу қизилбошларни ҳам қирарлар. Сарахсни олиб, Тус ва Машҳад устига борурлар. Машҳад эли бечора бӯлуб, кирарлар. Тусни секкиз ой қабаб, сулҳ била олиб, аҳдға турмай, тамом эр атоғлиғини қириб, хотунларини асир қилурлар.

[1004] ЛН: ҳарҳ.

[1005] Л: Бу сӯзлар тушиб қолган.

[1006] Н: боғининг.

[1007] Н. Далмуд; Л: Дамлуд.

Ҳам ушбу йил Султон Музаффар Гужаратийнинг Баҳодурхон отлиқ ўғликим, ҳоло отасининг ўрнига Гужаратта подшоҳ бўлубтур, отасидин ёмонлаб, Султон Иброҳим қошиға келди. Бу беиззатона кўрди. Панипат навоҳисида эканда манга арзадоштлари келди. Мен ҳам иноятомиз мушфиқона фармонлар йибориб, тиладим. Келур хаёлда эди. Яна раъйи мунқалиб бўлуб, Иброҳим черикидин айрилиб, Гужарат сари мутаважжиҳ бўлди.

Ушбу фурсатларда отаси Султон Музаффар фавт бўлуб, отаси *(302 а)* Искандаршоҳким, Султон Музаффарнинг улуқ ўғли бўлғай, отаси ўрнига Гужаратта подшоҳ бўлди. Маошининг ёмонлиғидин Имодулмулк отлиқ қули жамъе била ҳамжиҳат бўлуб, Искандаршоҳни бўғуб ўлтуруб, Баҳодурхонниким, ҳануз йўлда эди, тилаб келтуруб, отасининг ўрнига ўлтурғузди. Баҳодуршоҳқа мулаққаб бўлди. Бу ҳам хўб борди. Имодулмулкдинким, мундоқ намакҳаромлиқ бош уруб эди, ўлтуруб, жазосиға еткурди. Мундин бошқа ҳам отасидин қолғон бекларни хейли ўлтурди. Хейли саффок ва бебок йигит нишон берадурлар.

## Вақоиъи санайи салоса ва салосина ва тисъа миа*

Муҳаррам ойида Форуқнинг таваллудининг хабарини Бек Вайс келтурди. Агарчи мундин бурун бу хабарни бир пиёда келтуруб эди, вале севинчиға Бек Вайс бу ойда келди. Одина кечаси, шаввол ойининг йигирма учида мутаваллид бўлғондур, Форуққа мавсум бўлди.

Байана ва баъзи кирмаган қўрғонлар маслаҳатиға бир улуқ қазон устод Алиқулиға буюрулуб эрдиким, қуйғай. Кўра ва жамъи масолиҳини тайёр қилиб, манга киши йиборди. Душанба куни, муҳаррам ойининг ўн бешида устод Алиқулининг қазон қуярининг тафарружиға бордук. Қозон қуяр ернинг гирдида секкиз кўра қилиб, олотни эритибтур. Ҳар кўранинг *(302 б)* тубидин бир ариғе бу қазоннинг қолибиға рост қилибтур. Биз борғоч, кўраларнинг тешукларини очти, ҳар ариқдин эриган олот сувдек шарилдоб қолибға кирар эди. Бир замондин сўнг қолиб тўлмай, бу кўралардин келатурган эриган олотнинг келмоғи бирар-бирар мунқатиъ бўлди. Кўрада ё олотта қусуре бор экандур. Устод Алиқулиға ғариб ёмон ҳолате бўлди. Дарин эдиким, ўзини қолиб ичидаги эриган мисқа ташлағай. Устод Алиқулиға дилжуйлуқ қилиб, хилъат кийдуруб, бу инфиъолдин чиқардук. Бир-икки кун қолиб совуғондин сўнг очтилар. Устод Алиқули кўп башошат била киши йиборибтурким, қазоннинг тош уйи беқусурдур. Доруҳонасини қуймоқ осондур. Қозоннинг тош уйини чиқариб, жамъени анинг ислоҳиға таъйин қилиб, ўзи қазоннинг доруҳонасини қуймоққа машғул бўлди.

Маҳдий Хожа Фатҳхон Серванийни Ҳумоюннинг қошидин олиб келди. Ҳумоюндин Давдин айрилибтурлар. Фатҳхонни яхши кўруб, отаси Аъзам Ҳумоюннинг парганаларини бериб, яна ортуқси вилоятлар ҳам иноят бўлди. Бир карўру олтмиш лаклик паргана берилди.

Ҳиндустонда улуқ риоят қилғон умароға муқаррарий хитоблар берурлар: ул жумладин бири Аъзам Ҳумоюндур, яна бир — Хонижаҳон *(303 а)* ва яна бир — Хонихонон. Мунинг отасининг хитоби Аъзам Ҳумоюн эди. Бовужуди Ҳумоюн бу хитоб била бировни мухотаб қилмоқлиқ бесураттур, бу хитобни бартараф қилдим, Фатҳхон Серванийға Хонижаҳон хитоб берилди.

Чаҳоршанба куни, сафар ойининг секкизида дарахтларининг юққориғи ёнидағи улуқ ҳавзнинг ёқасида шомиёналар тикиб, мажлис тартиб қилиб, Фатҳхон Серванийни чоғир мажлисига чорлаб, чоғир бериб, кийган дастор ва бош-оёғимни иноят қилиб, бу иноят ва илтифот била сарафроз қилиб, вилоятиға рухсат берилди. Андоқ муқаррар бўлдиким, ўғли Маҳмудхон доим мулозаматта бўлғай.

Чаҳоршанба куни, муҳаррам ойининг йигирма тўртида Муҳаммад Али Ҳайдар рикобдорни Ҳумоюнға қадаға била йиборилдиким, Шукр[1008] Пураб[1009] ёғийлари қочмиш. Бу борғон киши етгач, Жўнпурға бир неча муносиб бекларни таъйин қилиб, ўзинг черикни олиб, бизга бот етиша келгайсан, Раана Сангаа кофир ёвуқ қопуда келибтур, анинг фикрини бар асл қилалинг.

Чериклар Пураб сари борғондин сўнг Турдибек Қўчбекни ва иниси Шерафганни ва Муҳам-

---

* Тўққиз юз ўттиз учинчи (1526—1527) йил воқеалари.

1008 К: Сукр.

1009 Л: Буруб.

мад Халил ахтабегини ва оға-иниси ва ахтачилари била ва Рустам туркманни оға-иниси била ва яна Ҳиндустон элидин Равуй[1010] Серванийни таъйин қилилдиким, бориб Байана навоҳийсини чопиб, талағайлар. Агар қўрғондағиларни *(303 б)* ваъда ва истимолат била бизга боқтура олсалар, боқтурғайлар. Йўқ эрса, чопиб, талаб, ғанимни ожиз қилғайлар.

Бу Байанадағи Низомхоннинг бир оғаси, Оламхон отлиқ, Таҳангар қўрғонида эди, анинг кишилари мукаррар келиб, қуллуқ ва давлатхоҳлиғини арзга тегурдилар. Бу Оламхон ўзига олдиким, подшоҳдин фавж таъйин бўлса, жамиъ Байана ва бу кентларнинг таркашбандиларини ваъда ва истимолат била келтурмак ва Байана қўрғонини иликламак манга тегди.

Бу мукаррар бўлғон Турдибек бошлиқ илғор йигитларига фармон бўлдуким, Оламхон чун ерлик кишидур, бу навъ қуллуқ ва хизматкорликни ўзига оладур. Байана маслаҳатида анинг салоҳ ва савобдийди била амал қилинг.

Ҳиндустон эли, агарчи баъзиси қилич чопқай, вале аксар сипоҳийлиқ роҳ ва равишидин ва сардорлиқ юруш-турушидин орий ва бебаҳрадурлар. Бу Оламхонғаким, бизнинг илғор қўшулур, ҳеч кишининг сўзига боқмай, ишнинг яхшиси ва ёмонини мулоҳаза қилмай, Байанаға бу илғорни ёвуқ олиб борур. Бизнинг борғон илғор туркдин икки юз эллик-уч юзга ёвушур эди. Ҳиндустонийдин ва атрофий черикдин икки мингдин бир нима кўпрак бўлғай эди. Низомхон ва Байанадағи афғон ва сипоҳий — тўрт мингдин кўпрак отлиқ черик бор эди. Яёғи худ ўн мингдин ҳам кўпрак эди. Буларни кўруб, *(304 а)* билиб, ушбу мазкур бўлғон отлиқ-яёқ черики била тез-ўқ буларнинг устига чиқар; илдам етиб, қалин киши от солғон била бу илғор кишисини қочурур. Оламхон Таҳангарийниким, оғоси эди, тушурурлар. Яна беш-олти киши ҳам олурлар. Бир пора партол олдурурлар. Бовужуди бу ҳаракат ваъда ва истимолат бериб, бурунғи ва сўнгғи жаримасини афв қилиб, фармонлар йиборилди.

Раана Сангаа кофирнинг хабари тезрак бўлғач, чора қила олмади. Саййид Рафиъни тилаб, Саййид Рафиънинг тавассути била қўрғонни бизнинг кишига топшуруб, Саййид Рафиъ била келиб, мулозамат давлатиға мушарраф бўлди. Йигирма лаклик паргана Миёни дуобни иноят қилдим.

Дўст эшик оғани Байанаға ориятий йиборилди. Неча кундин сўнг Байанани Маҳдий Хожаға иноят қилиб, важҳи истиқоматини етмиш лак қилиб, Байанаға рухсат берилди.

Татар хон Сарангхонийким, Гвалийарда эдиким, кишиси келиб, изҳори қуллуқ ва давлатхоҳлиқ қилур эди. Кофир Кундарни олиб Байанаға ёвуқроқ келганда, Гвалийар раажаларидин Дарманкат яна Хонижаҳон отлиқ кофир Гвалийар навоҳисиға келиб, қалъа тамаиға шўр ва фитна ангиз қила бошладилар. Татархон батанг келиб, Гвалийарни топшурмоқ бўлди. Беклар ва ичкилар ва аксар ўбдон йигитлар тамом черикта ва ҳар тараф илғорда эдилар. Раҳимдодқа *(304 б)* бир неча Бҳиралик ва Лаҳўрлуқни, Ҳастичи тунқаторни оға-иниси била қўшуб, ушбу мазкур бўлғонларға Гвалийарда-ўқ парганалар таъйин қилиб йиборилди. Мулло Опоқ ва Шайх Гуранни дағи йиборилдиким, Раҳимдодни Гвалийарда ўлтурғузуб, келгайлар. Буларким Гвалийарнинг ёвуғиға борурлар, Татархоннинг раъйи мунқалиб бўлуб, буларни қалъаға тиламас.

Ўшул аснода Шайх Муҳаммад[1011] Ғавским, дарвеш кишидур, хейли машғуллуғи ҳам бор, мурид ва асҳоби ҳам бисёрдур, Гвалийарнинг қўрғонининг ичидан Раҳимдодқа киши йиборурким, ҳар навъ қилиб, қўрғонға ўзунгизни солингким, бу кишининг раъйи мунқалиб бўлур, фосид хаёлдадур.

Бу хабар Раҳимдодқа келгач, айтиб йиборурким, ташқарилар кофирлар жиҳатидин мухотарадур. Мен бир неча киши била қўрғонға кирай, ўзгалар ташқари турсун. Муболағалар била мунга рози бўлур. Озроқ киши била киргач дерким, бу дарвозада бизнинг киши турсун. Ҳаатий Пўлда ўзининг кишисини қўяр. Ушбу кеча-ўқ ушбу Ҳаатийп Пўлдин бўлғон кишисини киюрур. Тонгласиға Татархон бечора бўлур, қўрғонни хоҳинохоҳи топшуруб чиқар. Келиб, Аграда мулозамат қилди. Анинг важҳи истиқомати Байана парганасидин йигирма лаклик таъйин бўлди.

Муҳаммад Зайтун ҳам чора қила олмай, *(305 а)* Дўлпурни топшуруб, келиб мулозамат қилди. Анга бир неча лаклик паргана иноят бўлди.

---

[1010] Н: Рову: Л: Варау.

[1011] Қ: Маҳмуд.

Дўлпурни холиса қилиб, шиқдорлиғини Абулфатҳ туркманға иноят қилиб, Дўлпурға йиборилди.

Ҳисори Феруза навоҳисида Ҳамидхон Сарангхоний ва бир пора паний афғонларидин ва яна атрофий афғонлардин уч-тўрт минг жамъият қилиб шўр фитна мақомида эдилар.

Чаҳоршанба куни, сафар ойининг ўн бешида Чин Темур Султонға, Аҳмадий парвоначи ва Абулфатҳ туркман ва Маликдод Кароний ва Мужоҳидхон Мўлтоний бошлиқларни қўшуб, бу афғонларнинг устиға таъйин қилдуқ. Бориб, йироқтин илғоб, бу афғонларни яхши босиб, қалин кишисини қириб, ғалаба бошлар йиборди.

Сафар ойининг охирларида Хожагий Асадким, Ироққа Шаҳзода Таҳмоспқа элчиликка бориб эди, Сулаймон деган туркман била келиб, савғотлар келтурди. Ул жумладин икки чаркас қиз эди.

Одина куни, рабиулаввал ойиннинг ўн олтисида ғариб воқиъа даст берди: нечукким, Кобулға битиган китобатда машруҳ битилиб эди. Ул китобатни-ўқ безиёда ва бенуқсон мунда келтурулди. Ул китобат будур:

Воқеайи узмоким, жумъа куни, рабиулаввал ойининг ўн олтисида, тарих тўққуз юз ўттуз учта рўй берди, тафсили будурким, Иброҳимнинг онаси Буъа бадбахт эшитуркким, мен *(305 б)* Ҳиндустон элининг илигидин нима ейдурман. Бу қисса мундоқ эдиким, уч-тўрт ой бу тарихдин бурунроқ Ҳиндустон ошларини чун кўрмайдур эдим. Дедимким, Иброҳимнинг бовурчиларини келтурдилар. Эллик-олтмишча бовурчидин тўртини сахладим. Бу кайфиятни Буъа эшитиб, Аҳмад чошнигиргаким, Ҳиндустон эли бакавулни чошнигир дейдурлар Итаъваға киши йибориб келтуртуб, бир додак илгига чорсўта қилғон коғазда бир тўвла заҳр берур, тўвла икки мисқолдин бир нима кўпрак бўлур, нечукким, бурунроқ мазкур бўлдиким, Аҳмад чошнигирга бергай. Аҳмад бизнинг бовурчихонадаги ҳиндустоний бовурчиға бериб, тўрт паргана ваъда қилурким, ҳар тавр қилиб, менинг ошимға заҳрни солғай. Ул додакдинким, заҳрни Аҳмад чошнигирга йиборур, яна бир додакни анинг сўнгича йиборурким, кўргай, ул заҳрни берадурму ё йўқму? Яхшиким, қазонға солмай, табаққа солур. Бу жиҳаттин қазонға солмаским, бакавулларга таъкидлар қилиб эдимким, ҳиндустонийлардин ҳозир бўлғайлар, қазонда ош пишурур маҳалда тоттурурлар эрмиш. Ош тортарда бизнинг бедавлат бакавуллар ғофил бўлурлар. Чини устига юпқа нонни солур ва нон устиға ул коғаздаги заҳрнинг озроқ ярмини сепар, заҳрнинг устига ёғлиқ қалияни солур. *(306 а)* Агар қалия устиға сепса эди, ё қазонға солса эди, ёмон эди. Даст-поча бўлуб, заҳрнинг улуғ ярмини ўчоққа ташлар.

Одина куни, кеч намози дигар ош торттилар. Товушқон ошидин хейли едим. Қалия зардак ҳам майл қилдим.[1012] Бу ҳиндустоний заҳрлиқ ошнинг устидин бир-икки тикка майл қилдим, қалия олиб едим, ҳеч нохуш маза маълум бўлмади. Қоқ гўшттин бир-икки тикка олдим. Кўнглум барҳам урди, ўтган кун қоқ гўштни еганимда бир нохуш маза анда бор эди, кўнглумнинг барҳам урғонин андин хаёл қилдим. Яна бир кўнглум қўзғолиб келди. Дастурхон устида икки-уч марта кўнглум барҳам уруб, қусаёздим. Охир кўрдумким, бўлмас, қўптум. Обхонаға борғунча йўлда яна бир навбат қусаёздим. Обхонаға бориб, қалин қустим. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим. Кўнглумға шубҳа кечти. Бовурчини сахлатиб буюрдимким, ул қайни итга бериб, итни сахлағайлар. Тонгласиға бир паҳарга ёвуқ ит беҳолроқ бўлуб, қорни дам қилғондек бўлди. Ҳар неча тош била урдилар, эврушдилар, қўпмади. Кун тушгача бу ҳоли бор эди, андин сўнгра қўпти, ўлмади. Бир-икки чуҳра ҳам бу ошдин егандур. Тонгласиға алар ҳам қалин қустилар, *(306 б)* бирисининг худ ҳоли хароб эди, охир бори халос бўлдилар. Мисраъ:

*Расида буд балое, вале бахайр гузашт.*[1013]

Тенгри манга бошдин жон берди. Ул дунёдин келадурмен, онадин эмди туғдум. Мен хаста ўлуб эрдим, тирилдим. Жон қадрини, биллоҳ, эмди билдим.

Султон Муҳаммад бахшиға буюрдумким, бовурчини эҳтиёт қилғай. Қийинғаким тутар, мазкур бўлғондек, бирин-бирин шарҳи била айтур.

Душанба куни девон куни буюрдумким, акобир ва ашроф ва умаро ва вузаро девонда ҳозир бўлғайлар. Ул икки эр кишини ва икки хотун

---

[1012] ЕК: хейли едим.

[1013] «Бир бало етишган эди, бироқ яхшилик била кечди».

кишини келтуруб сўрғайлар ва баёни воқиъни шарҳи ва басти била айттилар. Ул чошнигирни пора-пора қилдурдум. Бовурчини тириклай терисини сўйдурдум. Ул хотунлардин бирисини фил остиға солдурдум.[1014] Бирини эҳтиёт қилдурдум.[1015] Ул ҳам ўз амалиға гирифтор бўлуб, жазосиға етгусидур.

Шанба куни бир аёқ сут ичтим. Якшанба куни ҳам бир аёқ сут ичтим, «гили махтум»ни ҳам арақҳа ҳал қилиб ичдим. Душанба куни сутга «гили махтум»ни ва «тарёқи форуқ»ни эзиб ичтим, сут ичимни хейли сурди. Сешанба[1016] куни, аввалғи куни сафройи сўхтадек қора-қора нималар дафъ бўлди. Шукр, ҳоло ҳеч қисса йўқтур. Жон мундоқ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким:

*«Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини».*

Ҳар қачон бу воқиъайи ҳоила хотиримға келса, бехост ҳолим мутағаййир *(307 а)* бўлур. Тенгри таолонинг инояти бор экандур, манга янги бошдин жон бағишлади. Мунунг шукрини не тил била қилғаймен. Хотирларға тараддуд кечмағай деб, ҳар не воқиъ бўлғонни шарҳи ва басти била битидим. Агарчи тилга, оғизға сиққусиз қўрққудек воқиъа эди, шукр Тенгриға, яна кун кўрарим[1017] бор экандур. Хайр ва хўблуқ била ўтти. Ҳеч дағдаға ва тараддуд хотирларингизға кечурманг деб, сешанба куни, рабиулаввал ойининг йигирмасида чаҳорбоғда эрурда битилди».

Булардин фориғ бўлуб, бу битилган хатни Кобулға йиборилди. Чун мундоқ улуғ гуноҳ бу бадбахттин сарбар урди, Юнус Али била Хожагий Асадға буюрулдиким,[1018] нақд ва жинс ва қул ва додакини олғондин сўнг, Абдурраҳим шиғовулға топшурулдиким, эҳтиёт била сахлағай. Бу анинг набираси, Иброҳимнинг ўғлиниким, хейли таъзим ва эҳтиром била нигоҳдошт қилилур эди, чун мундоқ қасде бу табақадин содир бўлди. Иброҳимнинг ўғлини мунда сахламоқнинг салоҳини кўрмай, панжшанба куни, рабиулаввал ойининг йигирма тўққузида Мулло Сарсонғаким, Комрон қошидин баъзи иш-куч учун келиб эди, қўшуб Комронға йиборилди.

Ҳумоюнким, Пураб тоғи ёғийлар устига бориб эди, Жўнпурни *(307 б)* фатҳ қилиб Ғозипурға Насирхоннинг устиға илдам борди. Хабар топиб, Ганг дарёсини кечган экандур. Ғозипурдин Харийд устиға борди. Андағи афғонлар ҳам хабар топиб, Сару сувини кечган экандур. Харийдни черик эли торож қилиб, андин[1019] ёнди. Мен муқаррар қилғон йўсунлуқ Шоҳ Мир Ҳусайн била Султон Жунайдни бир пора ўбдон йигитлар била Жўнпурда қўюб, Қози Жийани ҳам булар била таъйин қилди. Авадқа Шайх Боязидни муқаррар қилди. Бу муҳиммотни забт ва саранжом қилиб, Курара Маникпур навоҳисидин Ганг дарёсини ўтуб, Калпий йўли била мутаважжиҳ бўлур вақтта, Оламхон ва Жалолхон Жағҳатким Калпийда эди, арзадошти келур эди, ўзи келмайдур эди, Ҳумоюн Калпий[1020] тўғриси етганда киши йибориб, дағдағани анинг кўнглидин чиқариб, ўзи била олиб келди.

Якшанба куни, рабиулохир ойининг учида «Ҳашт биҳишт» боғида Ҳумоюн келиб, мулозамат қилди. Ушбу кун Хожа Дўст Ҳованд ҳам Кобулдин келди.

Бу кунларда Маҳдий Хожанинг кишиси пайдарпай кела бошладиким, Раана Сангаанинг келури таҳқиқ бўлди. Ҳасанхон Меватий ҳам Раанаға қўшулмоқчи[1021] эмиш. Буларнинг фикрини бар асл қилмоқ керак. Чериктин илгаррак бир пора кўмак киши ҳам Байанаға келса, давлатға *(308 а)* муносибдур деб, черик отланмоққа азмжазм қилиб, ўзумиздин илгаррак Муҳаммад Султон мирзо, Юнус Али, Шоҳ Мансур барлос, Каттабек, Қисмтой Бўжака бошлиқларни Байанаға илғор йиборилди.

Ҳасанхон Меватийнинг Ноҳирхон отлиқ ўғли Иброҳимнинг урушида иликка тушуб эди, гаравга сахлаб эдук. Бу жиҳаттин отаси Ҳасанхон зоҳирда омаду рафте қилур эди. Ўғлини доим тилар эди. Баъзининг хотириға еттиким, Ҳасанхоннинг истимоласи жиҳатидин ўғлини йиборилса кўпрак мустамол бўлуб, хизматкорлиқни яхшироқ бажой келтурғай. Ҳасанхоннинг ўғли Ноҳирхонға хилъат кийдуруб, отасиға ваъдалар қилиб рухсат берилди. Бу мунофиқ мардак худ ўғлининг

---

[1014] Е: Бирисини тўфанг била оттурдим.
[1015] Л: тушиб қолган.
[1016] Л: шанба.
[1017] Н: кўрар бабиқим.
[1018] Қ: туттурулдиким; Е: тубтурулдиким.
[1019] ЛН: ёндин.
[1020] Қ: Кобул.
[1021] Л: каваллиқчи.

рухсатиға маътал экандур. Ўғлининг рухсатини хабар топқоч, ўғли етмасдин бурун-ўқ, Алвардин чиқиб келиб, Раана Сангаага Тўъдада келиб қўшулди. Анинг ўғлини мундоқ[1022] маҳалда рухсат бермоқ беҳисоб экандур.

Бу фурсатларда ёмғур хейли ёғар эди, доим суҳбатлар тутулур эди. Ҳумоюн ҳам суҳбатларда бўлур эди. Агарчи мутанаффир эди, ул бир неча кун иртикоб қилди.

Бу авонда ўтган ғаройиб воқиоттин бири будурким, Ҳумоюн Қалъайи Зафардин Ҳиндустон черикига келурда *(308 б)* йўлдин Мулло Бобо Пашағарий ва иниси Бобо Шайх кочиб, Кетин Қаро Султонға бордилар. Балхдағилар ожиз бўлдилар. Балх Кетин Қаро Султоннинг илигига тушти. Бу ковок мардак иниси била бу тарафнинг иш-кучини бўйинларига олиб, Айбак ва Хуррам ва Сорбоғ навоҳисиға келурлар. Шоҳ Искандар Балхнинг кирганидин бепой бўлуб, Ғўрий қалъасини ўзбакка берур. Мулло Бобо била Бобо Шайх бир неча ўзбак кишиси била Ғўрий қўрғониға келиб кирарлар. Мирҳаманинг қўрғони чун яқин эди, чора қила олмас, ўзбакка кирар. Бир неча кундин сўнг Мирҳамани жамоати била кўчуруб, Балх сори элтар маслаҳатидин Бобошайх бир неча ўзбак кишиси била Мирҳаманинг қўрғониға келурлар. Мирҳама Бобо Шайхни қўрғонида тушурур. Ўзгаларни ҳар ердаҳар ерда ўтоқ берур. Мирҳама Бобо Шайхни чобқулаб, бир неча кишиси била банд қилиб, Тенгрибердига Қундузға киши чоптурур. Тенгриберди Ёрали ва Абдуллатифни бир неча ўбдон йигити[1023] била йиборур. Булар еткунча Мулло Бобо ўзбак кишиси била Мирҳаманинг қўрғониға келиб, уруш-муруш солур хаёли қилур, ҳеч иш қила олмас. Тенгрибердининг кишисига қўшулуб, Қундуз келдилар.

Бобо Шайхнинг бир иниси ёмон экандур, ул жиҳаттин бошини кесиб, ушбу фурсатларда Мирҳама келтурди. *(309 а)* Иноятлар ва шафқатлар била сарафроз қилиб, ақрон ва амсолидин мумтоз айладим. Боқи шиғовул борғонда бу икки кўҳна бедавлатнинг бошиға бирар сер олтун ваъда қилиб эдим. Бу иноятлардин бошқа, бир сер олтун ўшал ваъда йўсуни била Мирҳамаға берилди.

Бу фурсатта Қисмтойким, Байанаға илғор бориб эди, бир неча бош кесиб келтурди. Қисмтой била Бўжака бир неча қазоқ йигитлар била тил тута борғонда икки бўлак кофирнинг чопқунчисини босиб, етмиш-сексон киши олурлар. Ҳасанхон Меватийнинг таҳқиқ келиб қўшулғон хабарини Қисмтой айта келди.

Якшанба куни, ойнинг секкизида Устод[1024] Алиқули ўшул улуқ қазони билаким, қуярда тош уйи бенуқсон эди, дорухонасини ҳам сўнгра қуйуб, тайёр қилиб эди, тош отарида тафарружиға бордим. Намози дигар бор эди, тош отти. Минг олти юз қадам борди. Устодға камар ханжар ва хильат ва тупчоқ от инъом бўлди.

Душанба куни, жумодиулаввал ойининг туққузида ғазо нийяати била сафар қилиб, маҳаллоттин чиқиб, тузда тушулди. Уч-тўрт кун мунда черик йиғилмоққа ва черикнинг жабдуғи қилмоққа кутуб турдуқ. Чун Ҳиндустон элиға хейли эътимод йўқ эди, ҳар тарафға-ҳар тарафға бу Ҳиндустон умаросидин илғор битилди: Оламхонни *(309 б)* Гвалийарға илғор йиборилдиким, бориб Раҳимдодға кўмак бўлғай. Маканни ва Қосимбек Санбалийни ва Ҳомид ва оға-иниси била ва Муҳаммад Зайтунни Санбалға илғор битилди.

Ушбу юртта хабар келдиким, Раана Сангаа бўлғон черики била Байананинг яқиниғача чопар. Қаровулликка борғонлар хабар еткура олмаслар, балки қўрғонға ҳам кира олмаслар. Қўрғон эли қўрғондин йироқроқ ва бесурфароқ чиқарлар. Ёғий зўррок келиб, буларни дурбатур. Сангархон жанжуҳа анда шаҳид бўлди.

Бу ғавғода Каттабек жибасиз-ўқ чопиб чиқар. Бир кофирни яёқлатиб олур маҳалда Каттабекнинг бир навкарининг қиличини олиб, Каттабекнинг китфиға-ўқ чопар. Ғалаба ташвишлар тортти. Раана Сангаанинг ғазосида кела олмади. Неча маҳалдин сўнг яхшироқ бўлди. Вале маъюброқ бўлубтур.

Қисмтой ва Шоҳ Мансур барлос ва ҳар кимки, Байанадин келди, билмон қўрққонлариму эди, ё элни қўрқутқонлариму[1025] эди: Кофирнинг черикини жалд ва жаррорлиқ била асру кўпситойиш ва таъриф қилдилар.

Сафар қилғон юрттин Қосим мирохўрни бел-

---

[1022] Н: бу.
[1023] Л: Киши.

[1024] ЕЛН: усти.
[1025] Н: Қўрқутмоқлари.

дорлар била йиборилдиким, Мадҳакур паргана-сидаким, ўрду тушар ердур, қалин чоҳ қоздурғай.

Шанба куни, жумодиул аввал ойининг ўн тўртида Агра навоҳисидин кўчуб, чоҳлар қозилғон юртқа келиб тушулди. Эртасиға *(310 а)* андин кўчтук. Хотирға кечтиким, бу навоҳида улуқ ўрдуға суйи вафо қилур ер Секрийдур. Эҳтимол борким кофир, сувни олиб тушгай. Бу жиҳаттин буронғор, жавонғор, ғул ясол ясаб-ўқ мутаважжиҳ бўлдук. Дарвеш Муҳаммад сорбон била Қисмтойким, Байанаға бориб-келиб, ер[1026] -сувни кўруб-билиб эди, илгари Секрий кўлининг ёқасида юрт кўра йиборилди. Келиб, юртта тушуб, Маҳдий Хожаға, Байанадағиларға киши чоптурулдиким, бетаваққуф келиб, қўшулғайлар.

Ҳумоюннинг навкари Бек Мирак мўғулни бир неча йигит била кофирдин хабар олғали йиборилди. Кечасига бориб, хабар олиб, тонгласи хабар келтурдиларким, ғаним кишиси Бусовардин бир куруҳ илгаррак келиб тушган эрмиш. Ҳам ушбу кун Маҳдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзо ва Байанадағи илғор келиб қўшулдилар. Беклар навбат била қаравуллукқа таъйин бўлдилар.



Абдулазиз қаравуллуқ навбатида илгари-кейинни мулоҳаза қилмай, рост Канваҳаға бориб-турким, Секрийдин беш куруҳ йўлдур, кофир илгаррак кўчган экандур буларнинг мундоқ жиловсиз илгари борғонларини билиб, тўрт-беш минг киши тез-ўқ етиб келурлар.[1027] Абдулазиз ва Мулло Опоқ минг беш юзча киши бўлғай *(310 б)* эди, ғаним кишисини чоғламай, булар ҳам илик қўшарлар. Қалин киши олғон била-ўқ тебрар. Бу хабар бизга келгач, Муҳиб Али халифани навкарлари била йибордук. Мулло Ҳусайнни ва яна баъзиларни убруқ-субруқ буларнинг кўмакига йибордук. Сўнгра Муҳаммад Али жанг-жангни ҳам йиборилди.

Илгари таъйин бўлғонлар, Муҳиб Али алар етгунча Абдулазиз аларни тебратиб, туғини олиб, Мулло Неъмат ва Мулло Довуд ва Мулло Опоқнинг иниси ва яна бир нечани олиб, шаҳид қилғон экандурлар.[1028] Булар етгач, Тоҳир Табарий, Муҳиб Алининг тағойиси чопар, кўмак етмас, Тоҳирни ўшанда-ўқ олурлар. Муҳиб Али ҳам уруш асносида йиқилур. Болту кўндалондин кириб, Муҳиб Алини чиқарур. Бир куруҳғача буларнинг кейнича келурлар. Муҳаммад Али жанг-жангнинг қораси пайдо бўлғач, турарлар.

Бизга паёпай хабар келдиким, ғаним кишиси ёвуқ келди. Жиба кийиб, отларга кежим солиб, яроғланиб, чопа отландук. Буюрдумким, аробаларни тортиб келтурғайлар. Бир куруҳ келдук. Ғаним кишиси ёнғон экандур. Ёнимизда улуқ кўл эди, сув маслаҳатиға ушбу ерда тушулди. Аробаларни илгари мазбут қилиб, занжирлар била аробаларни марбут айладук. Ҳар икки ароба фосиласи етти-секкиз қари бўлғай эрдиким, занжир тортилур эди. Мустафо Румий Рум *(311 а)* дастури била ароба қилиб эди, хейли чуст ва часпон яхши аробалар эди. Чун Устод Алиқули зиддона маош қилур эди, бу жиҳаттин Мустафони буронғорда Ҳумоюннинг олида таъйин қилилди. Ароба етмаган[1029] ерга хуросоний ва ҳиндустоний белдорлар ва каландийларни солиб, хандақ қоздурулди.

Бу кофирнинг мундоқ илдам келишидин ва Байанада бўлғон уруш ишидин ва Шоҳ Мансур ва Қисмтой ва Байанадин келганларнинг таъриф ва ситойишидин черик элида бедиллиғ зоҳир бўладур эди. Абдулазизнинг бостурғони худ бир сари бўлди. Элнинг итмийнони хотири ва чериканинг истиҳкоми зоҳири учун ароба етмаган ериға йиғочдин сепоядек нима ясаб, ҳар икки сепоянинг орасиниким, етти-саккиз қари бўлғай, ўйнинг хомидин арғамчилар қилиб, мазбут ва марбут қилилди. Бу асбоб ва олот муҳайё ва мукаммал бўлғунча йигирма-йигирма беш кунга тортти.

Ушбу фурсатта Кобулдин Султон Ҳусайн мирзонинг қиз набираси, Қосим Ҳусайн Султон ва Аҳмад Юсуф, Саййид Юсуф ва Қивом Ўрдушоҳ яна баъзи якка-яримдин беш юзча киши келдилар. Муҳаммад Шариф Мунажжим шумнафас ҳам булар била келди. Бобо Дўст сувчиким, чоғир учун Кобулға бориб эди, Ғазнининг муважжаҳ чоғирларидин уч қатор *(311 б)* тевада юклаб, ул ҳам булар била келди.

Мундоқ маҳалдаким, ўтган вақойиъ ва ҳолот паришон сўз ва калимоттин, нечукким мазкур бўлди, черик элининг тараддуди ва таваҳҳуми бисёр эди. Муҳаммад Шариф Мунажжим шумнафас,

---

1026 Е: ҳар.

1027 Л: тушиб қолган.

1028 Л: дурлар.

1029 ЛН: етмонга.

агарчи манга айтур ёроси йўқ эди, ҳар кимга йўлукса муболағалар била айтур эдиким «Бу айёмда Миррих ғарб саридур, ҳар ким бу тарафдин урушса мағлуб бўлур». Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди. Анинг бу паришон сўзларига гўш қилмай, қилур ишларимизни тикилмай, уруш ишида бажид ва масоф қилмоққа мустаид бўлдук.

Якшанба куни, ойнинг йигирма иккисида Шайх Жамолни йибордидиким, Миёни дуоб таркашбандларидин ва Деҳлидин йиға олғонча черик йиғиб, Меватийнинг кентларини чопиб, талаб, илигидин келганини тақсир қилмағай. То буларға ул тарафдин ҳадуге бўлғай. Мулло Турк Аликим, Кобулдин келадур эди, фармон бўлдуким, Шайх Жамолий била қўшулуб, Меватни чопмоқта ва бузмоқта тақсир қилмағайлар. Мағфур девонга ҳам бу йўсунлуқ фармон бўлди. Бориб, Меватнинг бир неча ёқа бучқоқдағи кентларини чопиб, талаб, асир қилибтурлар. Ул мамардин буларға чандон ҳадук бўлмади.

Душанба куни, жумодиул аввал ойининг йигирма *(312 а)* учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримға еттиким, ҳамиша тавба дағдағаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртикобидин аладдавом кўнглумда ғубор эди, дедимким, эй нафс:

*Чанд боши зи маосӣ мазакаш,*
*Тавба ҳам бемаза нест бичаш.*[1030]
*Неча исён била олудалиғинг,*
*Неча ҳирмон аро осудалиғинг,*
*Неча нафсингға бўлурсен тобеъ,*
*Неча умрунгни қилурсен зоеъ.*
*Нияти ғазв илаким юрубсен,*
*Ўлмакингни ўзунга кўрубсен,*
*Кимки ўлмак ўзига жазм этар,*
*Ушбу ҳолатта билурсенки нетар,*
*Дур этар жумла манохидин ўзин,*
*Аритур барча гуноҳидин ўзин,*
*Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,*
*Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.*
*Олтуну нуқра суроҳию аёқ,*
*Мажлис олоти тамомин ул чоқ,*
*Ҳозир айлаб борини синдурдум,*
*Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум.*

Бу синдурулғон олтун-кумуш суроҳий ва олотни мустаҳиқларға ва дарвешларға улашилди. Ул кишиким, тавбада мувофақат қилиб эди, Асас эди. Сокол кирмоқта ва қўймоқта мувофақат қилиб эди, ул кечаси ва тонгласи беклардин ва ичкилардин ва сипоҳийлардин ва ғайри сипоҳийдин уч юзга *(312 б)* яқин киши тавба қилдилар. Ҳозир чоғирларни тўктуруб, Бобо Дўст келтурган чоғирларни буюрдукким, туз солиб, сирка қилғайлар. Чоғирларни тўккан ерда бир «вайн» қоздурулди. Ният қилдимким, бу вайнни тош била кўпортиб, бу вайннинг ёнида буқъайи хайре қилғайлар.

Муҳаррам ойи, тўққуз юз ўттуз бешдаким,[1031] бориб Гвалийарни сайр қилдим, ёнғонда Дўлпурдин Секрий келдим. Бу вайн тамом бўлуб эди.

Бурунроқ ният қилиб эрдимким, Раана Сангаа кофирға зафар топсам, тамғани мусулмонларға бағишлай. Тавба асносида Дарвеш Муҳаммад сорбон била Шайхи Зайн тамға бахшишини ёд бердилар. Дедимким, яхши ёд бердингиз, илигимиздаги вилоятларда мусулмонларнинг тамғаси бахшиш бўлди. Муншийларни тилаб, буюрдумким, бу икки азимуш-шаън умурким, воқиъ бўлди, бунинг ихборига фармонлар битигайлар.

Шайх Зайннинг иншоси била фармонлар битилиб, жамиъ қаламравға йиборилди. Ул иншо будур.[1032]

## Фармони Заҳириддин Муҳаммад Бобур[1033]

Наҳмаду таввобан юҳиббут таввобина ва юҳиббул-мутатаххирина ва нашкуру ваххобан яхдил музнибина ва яғфирул-мустағфирина ва нусалли ало хайри халқиҳи Муҳаммадин ва олиҳит-тайййибина ва саҳбиҳит-тоҳирин.

Мароейи оройи арбоби албобки, маҳосини мажлиси мажолии сувари асбоб ва махозини лолии нукуши сидқ ва савобаст нақшпазири жавоҳири

[1030] «Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан; тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр».

[1031] Милодий ҳисоб билан 1528 йил.

[1032] Бу форсча ёзилган «фармон» таржимаси китобнинг охирига илова қилинди.

[1033] Л: тушиб қолган.

завоҳири *(313 а)* ин маъни хоҳад будки, табиати инсонӣ ба муқтазои фитрат моили лаззоти нафисонист ва тарки муштаҳиёт мутаваккиф бар тавфиқи яздонӣ ва таъйиди осмоний, нафси башар аз майл ба шарр дур нест. «Вамо убарриу нафсий иннаннафса ла амморатун бис-суъ» ва ижтиноб аз он жуз ба раъфати малики ғафур не, «ва золика фазлуллоҳи юътиҳи ман яшоъ, валлоҳу зул фазлил азим».

Ғараз аз тасвири ин мақола ва такрири ин мақула онки ба муқтазои башарият ба ҳасби маросими подшоҳон ва лавозими подшоҳӣ ва бинобар одати соҳиб жаҳон аз шоҳ ва сипоҳӣ дар унвони айёми шабоб баъзе аз маноҳи ва бархе аз малоҳӣ иртикоб намуда мешуд ва баъдаз чанд рӯзе надомат ва ҳасрат тамом ҳосил омада як-як азон маноҳии муртакибаро тарк менамуд ва батавбаи насуҳ боби ружуъ бадон масдуд мегашт.

Аммо тавбаи шаробки, аҳамми матолиби он мақсад ва аъзами мaорифи он мақсудаст дар ҳижоби «ал-умуру марҳунатун биавқотиҳо» муҳтажиб монда, руй наменамуд. То онки дар ин авқоти фархунда соат ки, ба жаҳди тамом иҳроми жиҳод баста бо асокири исломи мосир дар муқобалаи куффор ба муқотала нишаста будем, аз мулҳими ғайби ва ҳотифи лорайби мазмуни маймуни «Алам яъни лиллазина оману ан тахшаа қулубаҳум бизикриллоҳи» шунуда, жиҳати қалъи асбоби маъсият ба жидди тамоми қаръи абвоби инобат намудем. Ва ҳодии тавфиқ ҳасабил-мазмуни «ман қараа бобан *(313 б)* валажжа валажа» дар иқбол кашуда, ва ифтитоҳи ин жиҳод ба жиҳоди акбар, ки муҳолифати нафсаст, амр фармуд. Алқисса: «Раббано, заламно анфусано» бар забони ихлос баён оварда, «тубту илайка ва ана аввалул-муслимин»ро бар лавҳи дил мунаққаш гардонидем. Ва доияи тавбаи шаробро ки, макнуни хазинаи сина буд, ба имзо расонидем. Ва ҳуддоми зафар иҳтошом ба мужиби ҳукми фархундафаржом суроҳӣ ва жом ва соир адавот ва олоти тилло ва нуқра ки, ба касрат ва зинат чун кавокиби сипеҳри рафиъ музаййини мажлиси бадиъ буд иззати шариатро бар замини хорӣ ва мазаллат зада, монанди асном, ки иншоаллоҳ таоло, анқариб ба касрашон муваффақ шавем, пора-пора сохтанд ва ҳар пораро назди мискине бечорае андохтанд. Ва ба юмни ин инобати қарибул-ижобат бисъёрӣ аз муқаррабони даргоҳ ва муқтазои «Ан-носу ало дини мулукиҳим» дар ҳамон мажлис ба шарафи тавба мушарраф гаштанд ва билкуллия аз сари шурби хамр даргузаштанд, ва ҳануз фавж-фавж аз мутиони авомир ва навоҳӣ соатан фа-соатан бадин саодат мустасъид мегарданд. Умед ки, ба муқтазои «аддоллу алалхайри ка-фоилиҳи» савоби ин аъмол ба рӯзгори бо иқболи наввоби ҳужаста моли подшоҳӣ оид гардад ва ба маймanати ин саодат фатҳ ва нусрат явман фа-явман мутазоид ояд.

Ва баъд аз итмоми ин ният ва такмили ин амният фармони олам мутиъ шараф нафоз ёфт, ки дар мамолики маҳруса (ҳарасаҳаллоҳу анил-офот *(314 а)* вал-мухофот) мутлақан ҳеч офарида муртакиби шурби хамр нашавад ва дар таҳсили он накӯшад ва хамр насозад ва нафрӯшад ва нахарад ва надорад ва набарад ва наёрад: «фажтанибуҳу лааллакум туфлиҳун».

Ва шукран ало ҳозиҳил-футуҳ ва тасаддуқан ли қабули тилкаттавбатан-насуҳ баҳри бахшоиши подшоҳӣ дар жӯш омада, амвожи карам ки, сабаби ободонии олам ва обрӯи бани одам аст, зоҳир сохт ва тамғои жамиъи мамоликро аз мусулмонон ки, ҳосили он аз ҳаду ҳаср афзунаст, бовужуди истимрори азминаи салотини собиқ ба гирифтани он чун аз завобити шариати саййидул-мурсалин берун буд, барандохта фармон содир шудки, дар ҳеч шаҳр ва балад ва роҳ ва гузар ва мамарр ва бандар тамғо нагиранд ва наситонанд ва тағйир ва табдил ба қавоиди ин ҳукм роҳ надиҳанд: «Ва ман баддалаҳу баъда мо самиаҳу фаиннамо исмуҳу алаллазина юбаддилунаҳ».

Сабили мустаъминони зилоли отифати подшоҳӣ аз турк ва тожик ва араб ва ажам ва ҳиндӣ ва форсӣ ва раият ва сипоҳӣ ва коффаи умам ва оммаи тавоифи бани одам он ки, бадин орифаи муайяада мустазҳир ва умедвор буда ба дуои давлати абад иттисол иштиғол намоянд ва аз лавозими[1034] ин аҳкоми майманат анжом дар нагузаранд ва инҳироф наварзанд.

Мебояд ки бар ҳасаби фармон амал намуда ба тақдим расонанд ва чун ба тавқиъи вақии ашрафи аъло расад эътимод намоянд.

Кутиба биамрил-олий аълаллоҳул-мутаолий ва халлада нафозаҳу; фи 24 шаҳри жумодиул аввал, *(314 б)* сана 933».[1035]

---

[1034] Л: тушиб қолган.
[1035] Н: 932.

Ушбу айёмда ўтган вақойиъдин нечукким мазкур бўлди, улуқ-кичикта дағдаға ва тараддуд кўп эди. Ҳеч кимдин мардона сўз ва далирона раъй эшитилмас эди. Ҳикоят дегучи вузаронинг ва вилоят тегучи умаронинг на сўзлари мардона эди, на тадбирлари, на ўзлари соҳиб ҳимматона эди, на тақрирлари.

Бу юруштa Халифа яхшилар борди, забт ва истиҳком[1036] бобида жид ва эҳтимомни тақсир қилмади.

Охир элнинг мундоқ бедилликларини сўруб ва бу навъ сустлуқларини кўруб, бир тадбир хотиримға етти. Жамиъ бекларни ва йигитларни чорлаб дедимким:

«Беклар ва йигитлар!

*Ҳарки омад ба жаҳон аҳли фано хоҳад буд,*
*Онки поянда ву боқист, Худо хоҳад буд.*[1036]

Ҳар кимки ҳаёт мажлисиға кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилиға келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ.

*Ба номи неку гар бимирам равост,*
*Маро ном боядки, тан маргрост.*[1037]

Тенгри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қариб айлабтур. Ўлган — шаҳид, ўлтурган — ғози. Барча Тенгрининг каломи *(315 а)* оти-ла онт ичмак керакким, ҳеч ким бу қитолдин юз ёндурур хаёл қилмағай, то бадандин жони айрилмағунча, бу муҳораба ва муқоталадин айрилмағай».

Бек ва навкар улуқ-кичик борча рағбат била Мусҳафни иликка олиб, ушбу мазмун била аҳд ва шарт қилдилар. Тавр тадбире эди, ёвуқтин, йироқтин дўст, душман кўргали, эшитгали яхши бўлди.

Ушбу айёмда туш-тушдин шўр ва фитна қойим бўлди. Ҳусайнхон Нуҳоний Раприйни келиб олди. Қутбхоннинг кишиси Чандварни олди. Рустамхон деган бир мардак Миёни дуобдағи таркашбандларни йиғуштуруб, келиб Кўйилни олиб, Кичик Алини банд қилди. Санбални Зоҳид ташлаб чиқти. Қаннўжни Султон Муҳаммад дўлдой қўюб келди. Гвалийарни гвалийарлиқ кофирлар келиб, муҳосара қилди. Оламхонниким, Гвалийарға кўмак йиборилиб эди, Гвалийарға бормай, ўз вилоятиға борди. Ҳар кун ҳар тарафтин бир нохуш хабар келур эди. Черикдин баъзи ҳиндустонийлар қоча кириштилар: Ҳайбатхон Қаркандоз қочиб, Санбалға борди. Ҳасанхон Баривал қочиб, кофирға кирди. Буларға парво қилмай, олимизға-ўқ мутаважжиҳ бўлдук.

Аробалар ва ғалтаклик сепоялар, бу асбоб ва олоткм тайёр бўлди, сешанба куни, *(315 б)* жумодиулохир ойининг тўққузида, наврўз куни кўчтук. Буронғор, жавонғор, ғул ясол ясаб, олимизда аробаларни ва ғалтаклик сепояларни юрутуб, буларнинг кейинида Устод Алиқулини жамиъ туфангандозлари била таъйин қилилдиким, яёқ аробанинг кейиндин[1038] айрилмай, ясол била юругайлар. Ясоллар ерлик-ерига келгандин сўнг, жамиъ ясолларға илдам қатраб етиб, буронғор, жавонғор, ғулдағи беклар ва йигитлар ва сипоҳийларға кўнгуллар бериб, ҳар қайси бўлакнинг қайси ерда турушини, не йўсунлуқ юрушини муқаррар ва муайян қилиб ушбу тартиб ва насақ била бир қурўхча йўл келиб туштук.

Кофир кишиси ҳам хабардор бўлуб, ўтрудин бўлак-бўлак ясаб келдилар. Ароба ва хандақ била ўрду тушгандин сўнг, ўрдуни ва ўрду ўтрусини мазбут ва мустаҳкам қилилди. Чун бу кун уруш хаёли йўқ эди, оз-оғлоқ йигит-яланг илгари чиқиб, ғаним кишиси била илик олишиб, шугунлаштилар. Бир неча кофирни олиб, бошини кесиб келтурдилар. Малик Қосим ҳам бир неча бош кесиб келтурди. Малик Қосим яхши борди. Ушмунча била черик элининг кўнгли хейли кўпти, қувонди. Элга ўзгача таҳният пайдо бўлди.

Тонгласи беклар кўчуб, урушур хаёлимиз бор эдиким, Халифа ва баъзи давлатхоҳлар арзға еткурдиларким, чун *(316 а)* муқаррар бўлғон юрт ёвуқтур, ани хандақлаб, мазбут қилиб-ўқ кўчулса, давлатқа муносибтур. Хандақ маслаҳати учун Халифа отланиб, хандақ ерларини белдорларға таъйин қилиб, муҳассиллар муқаррар қилиб келди.

Шанба куни, жумодиул-охар ойининг ўн учида аробаларни олимизға торттуруб, буронғор, жавонғор, ғул ясол била бир қурўхка ёвуқ йўл келиб,

---

[1036] Мазмуни: ҳар кимса бу жаҳонға келаркан, охирда йўқликка кетади, абадий қолувчи ёлғиз Худодир.

[1037] Яхши ном билан ўлсам, шу етади, менга яхши ном керак, тана эса ўлум учундир.

[1038] Л: тушиб қолган.

муқаррар бўлғон юртқа тушулди. Баъзи чодирлар тикилиб, баъзи тикилмоқда эрдиким, хабар келтурдиларким, ёғийнинг ясоли пайдо бўлди. Филҳол *отланиб, фармон* бўлдуким, буронғор буронғорға, жавонғор жавонғорға, ерлик ериға бориб аробалар била ясолларни мазбут ва мураттаб қилғайлар.

Чун бу «Фатҳнома»дин ислом черикининг кайфияти ва куффор хайлининг камийяти, суфуф ва ясолнинг турушлари ва аҳли ислом ва аҳли куфрнинг урушлари мушаххас ва маълум бўлур, ул жиҳаттин безиёда ва нуқсон ўшул «Фатҳнома»ким, Шайх Зайн иншо қилиб эди сабт бўлди.

## Фармони Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ғози*

Алҳамду лиллоҳил-лази саддақа ваъдаҳу ва насара абдаҳу ва аъизза жандаҳу ва ҳазамал-аҳзоба ваҳдаҳу ва лошайъа, баъдаҳу ё ман рафаа даоимал-исломи бинасри авлиёиҳир-рошидина ва вазаа қавоимал-асноми бикаҳри аъдоиҳил-мори-дина *(316 б)* фақутиа добирул-қавмил-лазина заламу вал-ҳамду лиллоҳи раббил-оламина ва саллаллоҳу ало хайри халқиҳи Муҳаммадин Саййидил-ғуззоти вал-мужоҳидина ва ало олиҳи ва асҳобиҳил-ҳудоти ило явмиддин.

Тавотури нуамои субҳонӣ боиси ва такосури шукр ва санои яздонӣ муриси тавотури нуамио субҳонӣ. Бар ҳар неъмат шукре мураттабаст ва ҳар шукреро неъмате аз уқби; адойи лавозими шукр аз қудрати башар мутажовизаст ва аҳли иқтидор аз истифои маросими он ожиз. Алалхусус шукре ки дар муқобили неъмате лозим ояд ки, на дар дунё давлате аз он азимтар бошад ва на дар уқбо саодате аз он жасимтар намояд. Ва ин маъни жуз нусрат бар ақвиёи куффор ва истило бар ағниёи фужжор ки: «увлока ҳумулкафаратул-фажара» дар баёни амсоли эшон нозиласт, нахоҳад буд ва дар назари басирати арбоби албоб аҳсан аз он саодате нахоҳад намуд.

Алминнату лиллоҳ, ки он саодати узмо ва мавҳибати кубрoки, минал-маҳди ило ҳозал-аҳд матлуби аслӣ ва мақсуди ҳақиқӣ замири хайр андеш ва раъйи савобкеш буд, дар ин айёми хужаста фаржом аз макмани авотифи ҳазрати малики аллом рўй намуд. Фаттоҳи беминнат ва файёзи беиллат мужаддидан ба мифтоҳи фатҳи абвоби файз бар чеҳраи омоли наввоби нусрат маоли мо кушуд. Асомии номӣ афвожи боибтиҳожи мо дар дафтари ғуззоти кироми сабт гардид ва ливои ислом бо имдоди *(317 а)* лашкариёни зафаранжоми мо ба авжи рифъат ва иртиқо расид.

Кайфияти судури ин соадат ва зуҳури ин давлат онки чун ашиъайи суюфи сипоҳири исломпаноҳи мо мамолики Ҳиндро ба ламаоти анвори фатҳ ва зафар мунаввар сохт. Чунончи дар фатҳномаҳои собиқ самти таҳрир ёфта буд, аёдии тавфиқ роёти зафароёти моро дар мамолики Деҳли ва Агра ва Жўнпур ва Харид ва Биҳар ва ғайри золика бар афрохт. Аксар тавоифи ақвом аз асҳоби куфр ва арбоби ислом итоат ва инқиёди наввобии фархундафаржоми моро ихтиёр намуда тариқи убудиятро ба қадами сидқ ва ихлос паймуданд.

Аммо Раана Сангаа кофирки дар савобиқи айём дами итоати наввобии хужастаанжоми мо мезад. Акнун ба мазмуни: «або ва истакбара ва кона минал-кофирин» амал намуда шайтон сифат саркашида қоиди лашкари дарвон ва сархайли сипоҳи маҳжурон гашта, боиси ижтимои тавоиф гардид ки, баъзе тавқи лаънати зуннор дар гардан доштанд ва бархе хори меҳнати иртидод дар доман ва истилоли он кофири лаин «хазалаҳу фи явмиддин» дар вилояти Ҳинд ба мартаба будки, пеш аз тулуи офтоби давлати подшоҳӣ ва қабл аз сутуи наййири хилофати шаҳаншоҳӣ боонки раажаҳо ва роёни бузургниҳодки, дар ин муқотала итоати фармонаш намуданд ва ҳокимон ва *(317 б)* пешвоёни муттасиф ба иртидод ки дар ин муҳораба дар инонаш буданд, бузургии худро манзур дошта дар ҳеч қитоле мутобаат, бал мувоффақати вай накардаанд, ва дар ҳеч мусофарат тариқи мусоҳабат ва мурофақати ў насупурдаанд. Тамоми салотини рафии ин хиттаи васеъ, чун султони Деҳли ва султони Гужарат ва султони Манду ва ғайриҳим аз муқовамати он бадсияр

---

* Бу фармоннинг қисқартирилган таржимаси китобнинг охирига илова қилинди.

бемувофақати куффори дигар ожиз будаанд, ба латоифул-ҳиял ба ӯ мудоро ва мувосо менамуданд. Ливои куфр дар қариб дувист шаҳр аз билоди ислом афрохта буд ва тахриби масожид ва маобид намуда, аёл ва атфоли мӯминони он булдон ва амсорро асир сохта ва қуввати вай аз қарори воқеъ ба жое расидаки, назар ба қоидаи мустамирраи ҳиндки, як лак вилоятро сад сувор ва курериро даҳ ҳазор сувор эътибор мекунанд, билоди мусаххараи он сархайли кафара ба даҳ кӯрӯр расида ки жои як лак сувор бошад. Дар ин айём басе аз куффори номӣки ҳаргиз дар ҳеч маърақаи яке аз ислом имдодаш нанамудаанд, бинобар адовати асокири исломӣ бар лашкари шақоватасари вай афзуданд.

Чунончи даҳ ҳокими баистиқлол ки, ҳар як чун дуд даъвии саркаши менамуданд ва дар қутри аз ақтор қоиди жамъи аз куфор буданд, монанди ағлол ва салосил, бадон кофири фожир муттасил гаштанд ва он *(318 а)* ашараи кафара ки, бар нақизи ашараи мубашшара, ливои шақоват фазои «фабашширҳум би азобин алим» меафроштанд, тавобиъ ва асокири бисъёр ва парганоти васиул-ақтор доштанд.

Чунончи: Салоҳиддин си ҳазор сувор ва Мединий Рав дувоздаҳ сувор вилоят дошт ва Равал Удай Синг Багарий дувоздаҳ ҳазор сувор, ва Ҳасанхони Меватий дувоздаҳ ҳазор сувор, Бармал Идрий чаҳор ҳазор ва Нрипат Ҳара ҳафт ҳазор ва Сатравий Кейчий шаш ҳазор ва Дхарам Дэв чаҳор ҳазор, Бирсинг Дэв чаҳор ҳазор ва Маҳмудхон валади Султон Секандар агарчи вилоят ва паргана надошт, аммо даҳ ҳазор сувор тахминан баумедвории сардорӣ жамъ карда будки, мажмуи жамъияти он маҳжурони водии саломат ва амният назар ба қоидаи мустамирра паргана ва вилояти Ҳинд ду лаку як ҳазор бошад.

Алқисса, он кофири мағрури ботин кӯр, зоҳири дилҳои боқасовати куффори сиёҳ рузгорро «Казулмотин баъзуҳо фавқа баъз» бо якдигар мувофиқ сохта, дар мақоми мухолафат ва муҳорабаи аҳли ислом ва ҳадми асоси шариати саййидул-аном алайҳис-салоту вассалом даромад ва мужоҳидони асокири подшоҳ монанди қазои илоҳӣ бар сари он дажжол аъвар омада қазияи «Изо жоал-қазоу амиялбасар»ро манзури назари басирати асҳоби сират гардониданд, ва каримаи «Ман жоҳада *(318 б)* фа иннамо южоҳиду линафсиҳ»-ро малҳуз дошта ҳукми вожибул-изъони «жоҳидул-куффора вал-мунофиқин»ро ба имзо расониданд.

Рӯзи шанба, сездаҳуми шаҳри жумодиуссонӣ сана 933 к, «боракаллоҳу фи сабтикум» нишони муборaки он рӯзаст, дар навоҳии мавзии Канваҳа[1039] аз музофоти Байана ҳаволи кӯҳеки ду курӯҳи аъдои дин буд мазриби хиёми нусратанжоми лашкари ислом гардид, чун кавкаба ва дабдабаи мавкиби исломӣ бағуши аъдои дин ва кофирини лаин расид, мухолифони миллати Муҳаммадӣки, монанди «асҳоби фил» дар паи инҳидоми каъбаи аҳли ислом буданд, филони кӯҳпайкари ифрит манзарро иътизоди худ сохтанд ва ҳама муттафиқ ва якдил гашта[1040] лашкари шақоват асари худро фавжҳо мепардохтанд:

*Ба он филҳо ҳиндувони залил,*
*Шуда ғарра монанди «асҳоби фил»,*
*Чу шоми ажал жумла макруҳу шум,*
*Сияҳтар зи шаб, бештар аз нужум.*
*Ҳама ҳамчу оташ, валекин чу дуд,*
*Кашида сар аз кин ба чархи кабуд.*
*Чу мӯр омаданд аз ямину ясор,*
*Сувору пиёда ҳазорон-ҳазор.*

Ва ба азми муқотала ва корзор мутаважжиҳи ӯрдуи нусратшиор шуданд, ғуззоти асокири исломӣ ки, ашжори риёзи шужоатанд, санавбар сифат сафҳо кашиданд ва *(319 а)* нӯги ҳӯди санавбарӣ ҳайоти офтоб шиоъро чун қулуби «мужоҳидини филлоҳ» ба авжи иртифоъ расониданд, сафе чун садди Искандари оҳапфом ва биноҳе монанди тариқи шариати пайғамбарӣ баистиқомат ва истиҳком; матини қуввати матонаташ «каанна-ҳум бунёнун марсус» ва фалоҳ ва фирузе ба муқтазои «улоика ало ҳудан мин раббиҳим ва улоика ҳумул-муфлиҳун» бо аҳолии он сифати махсус.

**Қитъа:**

*Дар он рахна не аз тибоу ваҳим,*
*Чу раъи шаҳаншоҳу дини қавим*
*Аламҳои ӯ фарши фаршо ҳама,*
*Алифҳои «инно фатаҳно» ҳама.*

Ва риояти ҳазмро манзур дошта батариқи ғуззоти Рум жиҳати паноҳи туфакчиён ва раъ-

---

[1039] Қ: Кону.
[1040] Н: Гаштанд.

дандозонки, дар пеши сипоҳ буданд, сафе аз ароба тартиб намуда бо якдигар ба занжир иттисол дода шуд.

Алқисса, жуюши ислом чунон интизом ва истиҳкоме падид овард ки, ақли пир ва чархи асир мудаббир ва мураттибашро офарин кард.

Дар ин тартиб ва истиҳком ва ташйид ва интизом муқаррабул-ҳазрати султонӣ иътимодуд-давлатул-ҳоқонӣ Низомуддин Али Халифадод саъй ва[1041] ижтиҳод ва ҳама тадбироташ мувофиқи тақдир ва жумла сардориҳо ва коргузориҳои ӯ писандидаи раъи мунир афтод.

Мақарри иззати подшоҳи дар ғул муқаррар гашт ва *(319 б)* бар дасти рости ғул бародари аззи аршади аржуманди саодат ёр алмухтассу биавотифил-маликил-мустаон Чин Темур Султон ва фарзанди аззи аршади манзури-анзори ҳазрати илоҳ Сулаймоншоҳ ва жаноби ҳидоят маоби вилоятинтисоб Хожа Камолиддин Дӯст Ҳованд ва муътамаддус-салтанатул-алия муътаманул-атаба-туссания муқарраби хос ва зубдаи асҳоби ихтисос Камолиддин Юнус Али ва умдатул-хавос комилул-ихлос Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос ва умдатул-хавос зубдаи асҳоби ихтисос Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сорбон ва умдатул-хавос содиқул-ихлос Шиҳобиддин Абдулло китобдор ва Низомиддин Дӯст эшикоқо дар маҳалли худ қарор гирифтанд.

Ва бар дасти чапи ғул салтанатмаоб, хилофатинтисоб, алмухтассу биавотифил-маликил-мустаон Султон Аловуддин Оламхон бинни Султон Баҳлул Лӯдий ва муқаррабил-ҳазратис-султоний алмушору илайҳ ва дастур аъзамис-судур байнал-аном[1042] малозил-жумҳур ва муаййидил-ислом Шайх Зайни Хавофи ва умдатул-хавос комилул-ихлос Камолиддин Муҳиб Али валади муқарраби ҳазрати султоний мушорун илайҳ ва умдатул-хавос Низомиддин Турдибек бародари Қӯч Аҳмади марҳум *(320 а)* ва умдатул-аозим аъёни хони аъзам Оройишхон валади Қӯчбеки марҳуми мазкур ва Шерафган ва дастури аъозими вузаро байнал-умам Хожа Камолиддин Ҳусайн ва жамойи девониёни изом ҳар як дар мавзие муқаррар истоданд.

Ва дар баронғор фарзанди аззи аршади аржуманди саодат ёри комгор манзури анзори иноёти ҳазрати офаридгор ахтари буржи салтанат ва комгори меҳри сипеҳри хилофат ва шаҳриёри алмамдуҳ билисонилабд вал-ҳур муиззис-салтанат вал-хилофат Муҳаммад Ҳумоюн Баҳодур мутамаккин гашта; бар ямини саодатқарин алъазиз фарзанди жаноби салтанатмаоб алмухтассу биавотифил-маликид-дайён Қосим Ҳусайн Султон ва умдатул-хавос Низомиддин Аҳмад Юсуф ӯғлоқчи ва муътамаддул-мулк комилул-ихлос Жалолиддин Ҳиндубек қавчин ва муътамадул-мулк содиқул-ихлос Жалолиддин Хисрав кӯкалдош ва муътамадул-мулк Қивомбек Ӯрдушоҳ ва умдатул-хавос комилул-ақида вал ихлос Вали хозин Қоракӯзи ва умдатул-хавос Низомиддин Пирқули Сийстони ва умдатул-вузаро байналумам Хожа Камолиддин Паҳлавон Бадахший ва муътамадул-хавос Низомиддин Абдушшукур ва умдатул-аъён Сулаймон оқо элчийи Ироқ ва Ҳусайн оқо элчийи Ироқ ва Ҳусайн оқо элчийи *(320 б)* Сийстон муқаррар гашта; бар ясори зафардисори фарзанди комгори мушорун илайҳ олижаноб саёдатмаоб муртазавий интисоб Мирҳама ва умдатул-хавос комилул-ихтисос Шамсиддин Муҳаммадий кӯкалдош ва Низомиддин Хожаги Асад хондор тайъин ёфтанд.

Ва дар баронғор, аз умарои Ҳинд умдатулмулк хонихонон Диловархон ва умдатул-аъён Маликдод Караний ва умдатул-аъён шайхул машойих Шайх Гуран — ҳар як дар мақоме ки, фармон шуда буд истоданд.

Ва дар жавонғори асокири исломшиор олижоҳ нақобатпаноҳ рифъатдастгоҳ ифтихори оли тоҳо ва ёсин, қудвайи авлоди Саййидул-мурсалин Саййид Маҳдий Хожа ва бародари аззи аршади комгор манзури анзори иноёти ҳазрати офаридгор Муҳаммад Султон мирзо ва салтанат маоб хилофат интисоб алмухтассу биавотифил маликил-мустаон Одил Султон бинни Маҳдий Султон ва муътамадул-мулк комилул-ихлос Муиззидин Абдулазиз мироҳӯр ва муътамадул-мулк Шамсиддин Муҳаммад Али жанг-жанг ва умдатул-хавос комилул-ихлос Жалолиддин Қутлуққадам қаравул ва умдатул-хавос комилул-ихлос Жалолиддин Шоҳ Ҳусайн Ёракийи мӯғули ғончи ва Низомиддин Жон Муҳаммадбек атка саф кашиданд

Ва дар ин жониб аз умарои Ҳинд натижатуссалотин Камолхон ва *(321 а)* Жалолхон, авлоди

[1041] Л: тушиб қолган.
[1042] ЛН: инъом.

Султон Аловуддини мазкур ва умдатул-аъён Алихони Шайхзодаи Фармулий ва умдатул-аъён Низомхони Байана таъйин шуда буданд.

Ва жиҳоти тўлғама муътамадул-хавос комилул-ихлос Турдика ва Малик Қосим биродари Бобо Қашқа бо жамъи аз фирқаи муғул — дар жониби буронғор; муътамадул-хавос содиқул-ихлос Мўмин атка ва муътамадул-хавос Рустам туркман бошлиғ божамоати аз тобинони хосса — дар тарафи жавонғор номзад шуданд ва умдатул-хавос комилул-ихлос зубдайи асҳоби ихтисос Низомиддин Султон Муҳаммад бахши аъён ва аркони ғуззоти исломро дар мавзуъ ва маҳол муқаррари эшон дошта, худ ба истимои аҳкоми мо мустаид буд ва тавочиён ва ясовулонро ба атроф ва жавониб ирсол мегардонид ва аҳкоми мутоаи моро дар забт ва рабти сипоҳ ва сипоҳй ба салотини изом ва умарои киром ва соири ғуззоти завил-иҳтиром мерасонид[1043] ва чун аркони лашкар қоим гашта, ҳар кас ба жои худ шитофт, фармони вожибул-изъони лозимул-имтисол шараф исдор ёфтки, ҳеч кас беҳукм аз маҳоли худ ҳаракат нанамояд ва берухсат даст ба муҳораба накушояд ва аз рўзи мазкур посе гузашта буд ки, фариқайни мутақобилайн мутақориби якдигар гашта, бунъёди муқотала ва корзор шуд. Қалбайни аскарайн *(321 б)* монанди нур ва зулмат дар баробари якдигар истода дар буронғор ва жавонғор чунон азим қитоле воқеъ шудки, залзала дар замин ва валвала дар сипеҳри барин афтод. Жавонғори куффори шақоватосор ба жониби буронғори майманатдисори асокири исломшиор мутаважжиҳ гашта бар сари Хисрав кўкалдош ва Малик Қосим бародари Бобо Қашқа ҳамла овар-данд. Бародари ааззи аршад Чин Темур Султон ҳасбул — фармуда ба кўмаки эшон рафта мардона қитоле оғоз ниҳод ва куффорро аз жо бардошта қариб ба ақби қалби эшон расонид ва жулду ба номи он азиз биродар шуд ва нодирул — асрй Мустафо Румй аз ғули фарзанди ааззи комгор манзури назари анзори иноёти ҳазрати офаридгор алмухтассу биавотифил-маликил-лази янҳо ва яъмур Муҳаммад Ҳумоюн Баҳодур аробаҳоро пеш оварда суфуфи сипоҳи куффорро ба туфак ва зарбзан монанди қулубашон мункасир гардонид ва дар айни муҳораба биродари ааззи аршад Қосим Ҳусайн Султон ва умдатул-хавос Низомиддин Аҳмад Юсуф, Қивомбек фармон ёфта ба имдоди эшон шитофтанд ва чун замон-замон афвожи куффор мутаоқиб ва мутавотир ба имдоди мардуми худ меомаданд.

Мо низ муътамадул-мулк Жалолиддин Ҳиндубекро ва аз ақиби ў умдатул-хавос Муҳаммадий кўкалдош ва Хожаги Асади Жондор ва баъдазон *(322 а)* муътамадус-салтанатул-алия муътамадул-атабатус-сания муқарраби хос Камолиддин Юнус Али ва умдатул-хавос комилул-ихлос Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос ва умдатул-хавос Шиҳобиддин Абдулло китобдор ва аз паи эшон умдатул-хавос Дўст эшик оқо ва Шамсуддин Муҳаммад Халил ахтабегиро ба кўмак фиристодем.

Ва баронғори кафара ба каррот ва маррот ҳамлаҳо бар жониби жавонғори лашкари ислом овард ва худро ба ғуззоти зуннажот расониданд ва ҳар навбат ғозиёни изом баъзеро ба захми сиҳоми зафарфаржом ба дорулбавори ясла-внаҳо фабиъсал-қарор фиристода, бархеро бар гардониданд, ва муътамадул-хавос Мўмин атка ва Рустам туркман бажониби ақби сипоҳий зулматдастгоҳи куффори шақоват паноҳ таважжуҳ намуданд ва муътамадул-хавос содиқул-ихлос Хожа Маҳмуд Али атка бошлиғи навкарон, муқаррабул-ҳазратус султоний эътимодуд-давлатул-ҳоқоний Низомуддин Али Халифаро ба кўмаки мушорун илайҳ фиристодем ва биродари ааззи аршад Муҳаммад Султон мирзо ва салтанатмаоб Одил Султон ва муътамаддул-мулк Муиззидин Абдулализ мирохўр ва Жалолиддин Қутлуққадам қаравул ва Шамсиддин Муҳаммад Али жанг-жанг ва умдатул-хавос Шоҳ Ҳусайни Ёроқий муғули ғончи даст ба муҳораба кушода пой маҳкам карданд ва дастури аозимул-вузаро байналумам Хожа Камолиддин Ҳусайнро ба жамоаи девониён *(322 б)* ба кўмаки эшон фиристодем. Ҳамаи аҳли жиҳод дар риояти жид ва ижтиҳод роғиби муқотала омада каримаи «қул ҳал тарабба-суна бино илло иҳдал-ҳуснайн» ро манзури назар доштанд ва азимати жонфишони карда ливои жонситонй афроштанд.

Ва чун муҳораба ва муқотала дер кашид ва ба татвил анжомид, фармони вожибул-изъон ба нофиз расид ки, аз тобинони хоссаи подшоҳи жувонони жанги ва ҳизаброни бешаи якранги



[1043] ҚН: мерасонанд.

дар паси ароба монанди шер дар занжир буданд, аз рост ва чапи ғул берун оянд ва жои туфакчиёнро дар миён гузоранд ва аз ҳар ду жониб корзор намоянд. Аз паси ароба монанди тулуи талиаи субҳи содиқ аз тутуки[1044] уфуқ берун тохтанд ва хуни шафақгуни куффори номаймунро дар маъракаи майдони ки, назири сипеҳри гардон буд, рехта бисъёри аз сарҳои саркашонро ситора сифат аз фалаки вужуд маҳв сохтанд на нодирул-аср устод Алиқули ки, бо тавобии худ дар пеши ғул истода буд, мардонагиҳо карда ва сангҳои азимул-қадр ки, чун дар паллаи мизони аъмолаш ниҳанд соҳибаш «Фааммо ман сақулат мавозинуҳу фаҳува фи ишатир-розия» ном барорад ва агар бар кӯҳи росих ва жабали шомих андозанд «калиҳнилманфуш» аз по дар орад, ба жониби ҳисори оҳандисори сафи куффорро андохт ва баандохтани санг ва зарбзан ва туфак бисёри аз абнияи ажсоми куффорро мунҳадим сохт. Туфакандозони (323 а) ғули подшоҳи ҳасабул фармон аз ароба ба миёни маърака омада ҳар яки аз эшон бисъёри аз куффорро заҳри мамот чашониданд ва пиёда дар маҳалли мухотараи азим даромада, номи худро дар миёни шерони беша ва далерони маъракаи жувонмарди зоҳир гардониданд.

Ва муқорини ин ҳолат фармони ҳазрати хоқони ба пеш рондани аробаҳои ғул ва нафоз расид ва нафси нафиси подшоҳи фатҳ ва давлат аз ямин, иқбол ва нусрат аз ясор, ба жониби сипоҳий куффор мутаҳаррик гардид ва аз атроф ва жавониб асокири зафар маноқиб ин маъниро мушоҳада намуда тамоми баҳри заххори лашкари нусрат шиор тамаввужи азим баровард ва шужоати ҳамаи наҳангони он баҳрро аз қувват ба феъл даровард ва зиломи ғубори ғимом кирдор чун саҳоби музлим дар тамомии маърака мутароким гашт ва барики ламаоти суюф дар он ал ламаони барқ даргузашт, таҳайюжи гард рӯи хуршидро чун пушти оина аз нур ори кард, зориб бамазруб, ғолиб бамағлуб омехта самти имтиёз аз назар мутавори шуд. Соҳири замона чунон шабе дар назар овардки, сайёра дарон ғайри тир набуд ва кавокиби савобиташ жуз мавокиби собитул ақдом наменамуд:

*Фурӯ рафту бар рафт рӯзи набард,*
*Нами хун ба моҳию бар моҳ гард,*
*(323 б) Зи сумми сутурон дар он паҳн дашт,*
*Замин шаш шуду осмон гашт ҳашт.*

Мужоҳидони ғозики дар айни сарандози ва жонбози буданд, аз ҳотифи ғайби навиди: «ва ло таҳину ва ло таҳзану ва антум аълавна» мешуниданд ва аз мунҳии лорайбӣ муждаи «Насрун минаалоҳи ва фатҳун қариб ва башширил — муминин» истимоъ менамуданд. Чунон ба шавқ муҳораба мекарданд ки аз қудсиёни Малайи аъло нидои таҳсин бадшон мерасид ва малоики муқарраб парвона сифат бар гирди сари эшон мегардид. Ва мобайнас-салотайн ноираи қитол чунон иштиол ёфт ки, машоили он алам бар афлок меафрошт ва маймана ва майсараи лашкари ислом майсара ва майманаи куффори нофаржомро бо қалбашон дар як маҳал мужтамиъ гардонид.

Чун осори ғолибияти мужоҳидони номи ва иртифои ливои исломӣ зоҳир шудан гирифт, соате он куффори лаин ва он ашрори бедин дар ҳоли худ мутаҳаййир монданд ва охир дилҳо аз жон барканда бар жониби рост ва чапи ғул ҳамла оварданд ва дар жониби чап бештар ҳужум карда худро наздик расониданд, аммо ғуззоти шужоат дар замини санаи ҳар як нишонданд ва ҳамаро чун бахти сиёҳи эшон баргардониданд. Қарини ин ҳол насоими нусрат ва иқбол бар чамани давлати наввобии хужаста маолии мо варзид *(324 а)* ва муждаи «Инно фатаҳно лака фатҳан мубийнан» расониданд, шоҳиди фатҳ, ки жамоли оламорояш ба турраи «яссуракаллоҳу насран азизан» музайян гашта саодати иқболки, дар ситри ихфо буд, ёри намуда қарини ҳол гардид.

Ҳиндувони ботил ҳоли худро мушкил донista «кал иҳнил-манфуш» мутафарриқ шуданд ва: «кал-фарошил-мабсус» муталоши гаштанд, бисъёре кушта гашта дар маърака афтоданд ва касире аз сари худ даргузашта сар дар биёбони овораги ниҳоданд ва туъмаи зоғу заған гардиданд ва аз кушта пуштаҳо афрохта шуд ва аз сарҳо манораҳо пардохта гардид. Ҳасанхони Меватӣ ба зарби туфак дар силки амвот даромада ва ҳамчунин бештари аз он саркашони залолат нишонроки, саромадони қавм буданд, тир ва туфак расида рӯзи ҳаёт саромад.

Аз жумла Равал Удай Синг Багарий[1045] ки,

[1044] Қ: Нутки.

[1045] Қ: ногари.

волии вилояти Удайпур[1046] буда ва дувоздаҳ ҳазор сувор дошта ва Раай Чандарбан Чавҳан ки, чаҳор ҳазор сувор дошта ва Бупат Рав валади Салоҳиддини мазкур ки, ҳокими хиттаи Чандерӣ буда, шаш ҳазор сувор дошта ва Маникчанд Чавҳан ва Дилпат раайки соҳиби чаҳор ҳазор сувор буда ва Гангу[1047] ва Карамсинг ва Дангурсӣйки, си ҳазор сувор дошта ва чамъи дигар ки ҳар яке аз эшон *(324 б)* бузург гурўҳи ва сардори қотибаи зи шавкат ва шукуҳи буданд, роҳи дўзах паймуданд ва аз ин дори ваҳал бадарки асфал интиқол намуданд, роҳи дорулҳарб аз захмиёни дар роҳ мурда монанди жаҳаннам пур шуд ва даркул-асфал аз мунофиқон жон ба молики дўзах супурда мамлу гардид.

Аз асокири исломӣ ҳар кас ба ҳар жонибки шитофи дар ҳар гоми худ гомеро кушта ёфти ва ўрдуи номӣ аз ақби мунҳазимон ҳар чанд кўч намуди хеч қадаме аз фарсудаи мухташам холи наёфти.

*Ҳама ҳиндувон гашта зору залил,*  
*Ба санги туфак ҳамчу асҳобу фил,*  
*Зи танҳо басе кўҳҳо шуд аён,*  
*Ба ҳар кўҳ аз он чашмаи хун равон,*  
*Зи сахми сиҳоми сафи пуршукуҳ,*  
*Гузорон гурезон ба ҳар дашту кўҳ.*

Ва-лав ало адбориҳим нуфуран ва кона амруллоҳи қадаран мақдуран. Фа наҳмадуллоҳассамиул-алим. Ва ман-насру илло ман индаллоҳил-азизил-ҳаким.

Таҳриран фи бисту панжуми шаҳри жумодиулохар сана 933.

Бу фатҳдин сўнгра «туғро»да «ғози» битилди. Фатҳномада туғронинг остида бу рубоийни битидим;

*Ислом учун овораи ёзи бўлдум,*  
*Куффору ҳунуд ҳарбсози бўлдум,*  
*Жазм айлаб эрдим ўзни шаҳид ўлмоққа,*  
*(325 а) Ал-миннату лиллаҳки, ғози бўлдум.*

Шайх Зайн бу фатҳқа «Фатҳи подшоҳи ислом»[1048] лафзини тарих топиб эди. Кобулдин келур кишилардин Мир Гису ҳам ушбу лафзни тарих топиб, рубоий айтиб йибориб эди, — таворуд[1049] воқиъ бўлубтур. Ҳам Шайх Зайн ва ҳам Мир Гисунинг рубоийларидин топқонлари яхшироқ учун ўшул алфозни-ўқ келтурулди. Яна бир қатла Дипалпурнинг фатҳида Шайх Зайн «васъати шаҳри рабиул аввал»ни[1050] таърих топиб эди. Мир Гису ҳам ушбу лафзни топиб эди.

Ёғийни босиб тушура-тушура тебрадук. Кофирнинг доираси бизнинг ўрдудин икки курўҳ бўлғай эди, ўрдусиға етиб, Муҳаммадий ва Абдулазиз ва Алихон ва баъзиларни кофир кейниға қувғунчи йиборилди. Бир нима коҳиллик бўлди. Киши умидига қўймай, ўзум-ўқ бормоқ керак эдим. Бир курўҳча куффор доирасидин ўтуб эрдим. Кун кеч бўлғон жиҳатидин ёниб, намози хуфтанда ўрдуға келилди.

Муҳаммад Шариф мунажжимким, не навъ шумнафаслар суруб эди, филҳол муборакбодға келди. Ғалаба сўкуб, ичимни холи қилдим. Агарчи кофирваш ва шумнафас ва ўзига асру мағрур ва бисёр сард киши эди, чун қадим[1051] хизмати бор эди, бир лак инъом қилиб, рухсат бердимким, *(325 б)* менинг қаламравимда турмағай.

Тонгласи ўшул юртта турулди. Муҳаммад Али жанг-жангни ва Шайх Ҳуранни ва Абдулмалик қўрчини қалин фавж била Илёсхоннинг устига йиборилдиким, Миёни дуобда хуруж қилиб, Қўйилни олиб, Кичик Алини банд қилиб эди. Булар етган била уруша олмас, бузулуб ҳар тараф паришон бўлурлар. Мен Агра келгандин бир неча кундин сўнг тутуб келтурдилар, тириклай терисини сўйдурдум. Кўҳбаччаким, ўрдунинг олида эдиким, уруш ушбу Кўҳбаччанинг олида воқиъ бўлди, куффорнинг бошидин ушбу Кўҳбаччанинг устида калла манора фармон бўлдиким, қўпорғайлар.

Бу юрттин икки кўчуб, Байана борилди. Байанағача, балки Алвар ва Меватқача аҳли куффор ва аҳли иртидоднинг жийфаси бениҳоят ётиб эди. Мен бориб, Байанани сайр қилдим. Ўрдуға келиб, турк ва ҳинд умаросини чарлаб, бу кофирнинг вилоятининг устига юрурни машварат қилилди. Йўлда суйининг ози ва иссиғининг кўпи жиҳатидин ул юруш мавқуф бўлди.

---

1046 НЛ: Дунгарпур.

1047 Р: Гурозон.

1048 Бу жумладаги «Фатҳи подшоҳи ислом» араб ҳарфларини «абжад» ҳисоби билан ҳисоблаб чиқилса, 933 ҳижрий йил чиқади, милодий йил ҳисобида 1527.

1049 Таворуд — икки шоир шеърида бирор байт ёки мисраънинг мазмунан ёки шаклан бир хилда чиқиб келиши.

1050 Бу жумладаги «Васъати шаҳри рабиул аввал» арабий ҳарфлар «абжад» ҳисобида 930 чиқади, милодий 1524.

1051 Н: қадимат.

Мева̄т вилояте воқиъ бўлубтур, Деҳлининг ёвўғида, тақрибан уч-тўрт карўрча жамъи бор. Ҳасанхон Меватий ота-отасидан бери юз-икки юз йилға яқин Меваттa истиқлол била ҳукумат қила келибтурлар. Деҳли салотиниға (326 а) нимкора итоате қилурлар экондур. Ҳинд салотини вилоятлари кенглигидин ё фурсатларининг торлиғидин, ё Мевaт вилояти куҳистон жиҳатидин эврушмай, ва вилоятнинг забтининг пайиға тушмай, ушмунча итоат била аларға-ўқ мусаллам тутубтурлар. Биз ҳам Ҳинд фатҳидин сўнг салотини собиқ дастури била Ҳасанхонға риоятни марьий туттук. Бу ҳақношунос кофирваш, мулҳид бизнинг лутф ва иноятимизни кўзга илмай, тарбият ва риоятимизни шукрин қилмай, барча фитналарға ул муҳрик ва жамъи ёмонлиқларға ул боис эди, нечукким, мазкур бўлди.

Чун ул юруш мавқуф бўлди, Мевaт тасхириға мутаважжиҳ бўлдук. Ора тўрт қўнуб, Алвар қўрғонииким, Меватнинг ҳокимнишини бу эди, олти курўҳида Маанас суйининг ёқасиға тушулди. Ҳасанхондин бурун, ота-отаси Тижарада ўлтурурлар экондур. Мен Ҳиндустонға эврушуб, Паҳархонни босиб, Лаҳўр Дипалпурни олғон йили менинг тараддудимдин дурандешлик қилиб, бу қўрғоннинг иморатиға машғул бўлғондур.

Ҳасанхоннинг Карамчанд отлиқ муътабар кишиси ўғли Аграда эканда ҳам келиб эди, ўғлининг қошидин Алвардин (326 б) келиб, амон тилади. Абдурраҳим шиғовулни анга қўшуб, истимолат фармонлари била йиборилди. Бориб, Ҳасанхоннинг ўғли Ноҳирхонни олиб келди. Яна иноят мақомида бўлуб, бир неча лаклик паргана важҳиға берилди.

Урушта Хисравни яхши иш қилибтур хаёл қилиб, важҳи ва истиқоматини эллик лак қилиб, Алварни айтилди. Бедавлатлиғидин ноз қилиб олмади. Сўнгра худ маълум бўлдиким, ишни Чин Темур Султон қилғон экандур. Жулду Султон отиға бўлуб, Тижара шаҳриниким, Меватнинг пойтахтидур, иноят қилиб, истиқоматини эллик лак қилилди.

Турдикағаким, Сангаа урушида ўнг қўл тулғамасида эди, ўзгаларга боқа яхши эди, важҳини ўн беш лак қилиб, Алвар қўрғонини иноят қилилди. Алвар қўрғонининг хазойинини ичидагилари била Ҳумоюнға иноят бўлди.

Ул юрттин чаҳоршанба куни, ражаб ойининг ғуррасида кўчуб, Алварнинг икки курўҳисида келдук. Мен бориб, Алвар қўрғонини сайр қилдим. Ул кеча анда-ўқ бўлдум. Тонгласи ўрдуға келдим.

Кофир ғазотидин бурунроқ, нечукким мазкур бўлди, улуғ-кичикка онт берурда, бу ҳам мазкур бўлуб эди (327 а) ким, бу фатҳдин сўнгра таклифе йўқтур. Ҳар ким агар борур бўлса, рухсат берилгай. Ҳумоюннинг навкарлари аксар бадахшоний ва ул юзлук эллар эди. Ҳаргиз бир ойчилиқ, икки ойчилиқ черик тортқон эмас эдилар. Урушдин бурун бетоқатлиқлари бор эди. Андоқ ваъда ҳам воқиъ бўлдиким, Кобул ҳам холи эди. Бу жиҳаттин раъйлар мунга қарор топтиким, Ҳумоюнға Кобулға рухсат берилгай. Сўзни мунга қўюб, тўрт-беш курўҳ келиб, Маанас суйининг ёқасиға тушулди. Маҳдий Хожанинг ҳам хейли ташвиши бор эди, Кобулға рухсат берилди. Байананинг шиқдорлиғин Дўст эшик оқаға берилди. Бурун чун Итаъвани Маҳдий Хожаға аталиб эди. Қутбхонким, Итаъвани ташлаб, қочиб чиқти, Маҳдий Хожанинг ўрниға ўғли Жаъфар Хожани Итаъваға йиборилди. Ҳумоюнға рухсат берур жиҳатдин икки-уч кун бу юртта турулди. Ушбу юрттин Мўмин Али тавачини фатҳнома била Кобулға йиборилди.

Пирўзпурнинг чашмасининг ва Котланинг улуғ кўлининг таърифини эшитиб эдим, ҳам Ҳумоюнни узата ва ҳам бу ерларни сайр қила якшанба куни ўрдуни ўшул ерда қўюб, (327 б) ўрдудин отландим. Ул куни Пирўзпурни ва чашмасини сайр қилиб, маъжун ейилди. Чашма суйи келур дарада тамом канейр гуллари очилибтур, холи аз сафо эмас, агарчи таъриф қилғонча эмас. Ушбу дарaнинг ичида ҳар ердаким, сув кенграк бўлуб эди, буюрдумким, тошларни тарош қилиб, даҳи-дардаҳ қилғайлар.

Ул кеча ўшул дарада бўлуб, тонгласи отланиб бориб, Котла кўлини сайр қилдим, ҳар ёни тоғнинг доманаси воқиъ бўлубтур. Маанас суйи бу кўлға кирар эмиш, хейли улуғ кўл, бу ёқасидин ул ёқасини яхши кўрунмайдур. Кўлнинг атрофида кичик кемагиналар хейли бор. Атрофидағи кентлик эл шўру ғавғода бу кемаларга кириб ўзларини қутқорурлар эмиш. Биз етганда ҳам бир пора киши кемага кириб, кўлнинг ичига бордилар.

Кўлни сайр қилиб, келиб Ҳумоюннинг ўрдусиға тушулди. Анда истироҳат қилиб, таом еб,

мирзоға ва бекларига хилъатлар кийдуруб, намози хуфтанда Ҳумоюнни видоъ қилиб отланиб, йўлда бир ерда уюхлаб, андин отланиб, тонг отқонда Куҳрий парганасидин ўтуб, яна андаке уюхлаб, ўрдуғаким, Тўъдада тушуб эди, келилди.

Тўъдадин кўчуб, Сункарага[1052] тушганда, Ҳасанхон *(328 а)* Меватийнинг ўғли Наҳирхонким, Абдурраҳимға топшурулуб эди, қочти. Мундин ора кўнуб, Бусаъвар била Чавсанинг[1053] оралиғидаги тоғнинг тумшуғида воқиъ бўлғон чашмаға тушуб, шомиёналар тиктуруб, маъжун иртикоб қилдук. Черик мундин ўтарда Турдибек Хоксор бу чашмани таъриф қилиб эди, келиб сари асбаки сайр қилиб ўтулуб эди, тавр чашма воқиъ бўлубтур. Ҳиндустондаким, оқар сув ҳаргиз бўлмас, чашма худ не тилар. Аҳёнан чашма ҳамким бор, ердин зах суйидек сизиб чиқар. Ул ерларнинг чашмаларидек қайнаб[1054] чиқмас. Бу чашманинг суйи ярим тегирмон суйига ёвушур. Тоғнинг доманасидин қайнаб чиқадур, атрофи тамом ўланг, хейли хуш келди. Буюрдумким, бу чашманинг устида санги тарошида била мусамман ҳавз қилғайлар. Чашма ёқасида маъжуннокликда Турдибек ҳар замон мубоҳот била такрор қиладур эдиким, «Чун жое хуш кардаам номе мебояд монд».[1055] Абдулло дедиким, «Чашмаи подшоҳии Турдибек хуш карда» демоқ керак. Бу сўзи хейли боиси зиҳк ва башошат бўлди.

Дўст эшик оқа Байанадин бу чашма бошида келиб, мулозамат қилди. Бу ердин *(328 б)* яна бориб, Байанани сайр қилиб, Секрий келиб, буюрулған боғнинг ёнида тушуб, икки кун туруб, боғни эҳтимом қилиб, панжшанба саҳари, ражаб ойининг йигирма учида Аграга келдим. Чандвар ва Раприйни нечукким мазкур бўлди, мухолифлар бу ғавғода мутасарриф бўлуб эдилар, Муҳаммад Али жанг-жангни, Турдибек Қўчбекни, Абдулмалик қўрчини ва Ҳусайнхонни Дарёхонийлари била Чандвар ва Раприй устига йиборилди. Чандварға ёвуғ етгач, ичидаги Қутбхоннинг кишиси хабар топиб, кочиб чиқар, Чандварни иликлаб, Раприйға ўтарлар. Ҳусайнхон Нуҳонийнинг кишилари кўча бандта оз-оғлоқ уруш хаёли била келурлар. Булар зўрлаб етгач, тўхтай олмаслар, кочарлар. Ҳусайнхон фил миниб,[1056] бир неча кишиси била дарёға кирар. Чун ғарқ бўлур. Бу хабарни эшитиб, Қутбхон ҳам Итаъвани ташлаб, оз кишиси била қочиб кетти.

Итаъвани чун аввал Маҳдий Хожаға аталиб эди, ўғли Жаъфар Хожани Маҳдий Хожа ўрниға Итаъваға йиборилди. Сангаайи кофирнинг хуружида, нечукким мазкур бўлди, аксари ҳиндустоний ва афғон эвруладилар, тамоми паргана ва вилоятға мутасарриф бўлдилар.

Султон Муҳаммад дўлдойким, Қаннўжни ташлаб келиб эди, *(329 а)* қўркунчдин ё номусдин Қаннўжға бормоқни қабул қилмай, Қаннўжнинг ўттуз лакини Саҳриндниng ўн беш лаки била муоваза қилди. Қаннўжни Муҳаммад Султон мирзоға иноят қилиб, важҳни ўттуз лак қилилди. Бадавунни Қосим Ҳусайн Султонға бериб, Муҳаммад Султон мирзоға қўшуб, яна турк умаросидин Малик Қосим Бобо Қашқани, оға-ини ва муғуллари била ва Абулмуҳаммад найзабозни ва Муайядни отасининг навкарлари била ва Ҳусайнхонни Дарёхонийлари била ва Султон Муҳаммад дўлдойнинг навкарлари била, яна ҳинд умаросидин Алихон Фармулий ва Маликдод Караний ва Шайх Муҳаммад, Шайх Бакарий ва Татархон Хонижаҳонни Муҳаммад Султон мирзоға қўшуб, Бибаннинг устигаким, Сангаайи кофирнинг ғавғосида келиб Лакнурни[1057] қабаб, олиб эди, йиборилди. Бу фавж Ганг дарёсидин ўтар фурсатта Бибан хабар топиб, партолин ташлаб қочибтур. Бу фавж сўнгича Хайрободқа бориб, неча кун туруб, андин ёндилар.

Хизонани улашилиб эрди. Вилоят ва парганотни улашгунча кофир муҳимми орага тушти. Кофир ғазвидин фориғ бўлғоч, вилоят ва парганотни қисмат *(329 б)* қилилди. Чун пашакаал ёвуғлашиб эди, муқаррар андоқ бўлдиким, ҳар ким парганасиға бориб, яроғин қилиб, пашакаал ўта ҳозир бўлғайлар.

Бу аснода хабар келдиким, Ҳумоюн Деҳлиға бориб, Деҳлидаги хизоналардин бир неча уйни очиб, беҳукм[1058] мутасарриф бўлубтур. Мен андин ҳаргиз мундоқ кўз тутмас эдим. Кўнглумга бисёр душвор келди. Дурушт-дурушт насиҳатлар битиб, йибордим.

---

[1052] Қ: Сунгарга.
[1053] Хушанинг.
[1054] КН: қониб.
[1055] «Бу жойни ёқтирган эканман, ном қўйиш керак».

[1056] Н: Маст.
[1057] Н: Лакнурни; Р: Лакнурни.
[1058] Қ: хеч ким.

Панжшанба куни, шаъбон ойининг ўн бешида Хожаги Асадниким, Ироққа элчиликка бориб, Сулаймон туркман била келиб эди, яна Сулаймонға қўшуб, шаҳзода Таҳмоспқа муносиб савғотлар била элчиликка йиборилди.

Турдибек Хоксорким, дарвешликдин чиқариб, сипоҳий қилиб эдим, неча йил мулозаматта эди, яна дарвешлиқ дағдағаси ғолиб бўлуб, рухсат тилади. Рухсат бериб, Комронға элчи йўсунлуқ йиборилди. Уч лак хизона ҳам Комронға йиборилди. Ўтган йил борғонларнинг ҳасби ҳолиға биргина қитъа айтилиб эди. Мулло Алихонни мухотаб қилиб, ул қитъани Турдибекдин Мулло Алихонға йиборилди. Ул қитъа будур:

*Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин*
*Бордингиз англаб ўзга ранжу алам,*
*(330 а) Кобулу хуш ҳавосини соғиниб,.*
*Ҳинддин гарм бордингиз ул дам,*
*Кўрдингиз топтингиз экин анда,*
*Ишрату айш бирла нозу ниам.*
*Биз даги ўлмадук, биҳамдиллоҳ,*
*Гарчи кўп ранж эдию беҳад ғам.*
*Ҳаззи нафсию машаққати бадани,*
*Сиздин ўтти ва ўтти[1059] биздин ҳам.*



Бу рамазонни «Ҳашт биҳишт» боғида ўтказилди. Ҳар таровиҳни ғусл била ўталди. Ўн бир ёшимдин бери икки рамазон ийдини паёпай бир ерда қилғон эмас эдим. Ўтган рамазон ийди Аграда бўлуб эди. Бу қоида халал топмасун, деб якшанба салх оқшоми ийд қила Секрийға борилди. Секрийда солғон «Боғи фатҳ»нинг ғарбишимол тарафидаги тош суфа тайёр бўлуб эди. Ул суфа устида оқ уй тикиб, анда ийд қилилди. Аградин отланғон охшоми Мир Али қўрчини Шоҳ Ҳасанға Таттаға йиборилди. Канжафаға[1060] хейли майли бор эди, тилаб эди, Канжафа йиборилди.

Якшанба куни, зилқаъда бешида соҳиб узр бўлдум, ўн етти кунга тортти.

Одина, мазкур ойининг йигирма тўртида Дўлпур сайриға борилди. Кечаси ярим йўлда бир ерда уюхлаб, *(330 б)* сабоҳи Султон Искандарнинг бандиға келиб туштум. Бандтин қуйироқ тоғнинг туганишида қизил иморат тошидин якпора тоше тушубтур. Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарошни келтуруб, буюрдумким, агар якпора уй тарош қилиб бўлур, худ якпора қилсунлар. Агар паст бўлса, иморат учун ҳамвор қилғон тошда якпора ҳавз қозкайлар.

Дўлпурдин Барий сайриға борилди. Тонгласи Барийдин отланиб, Барий била Чанбал орасидаги тоғдин ўтуб, Чанбал дарёсини сайр қилиб ёнилди. Ушбу оралиғдаги тоғда обнус йиғочини кўрдук. Мевасини тинду дейдурлар. Обнус йиғочининг оқи ҳам бўлур эмиш. Бу тоғда аксар оқ обнус эди. Барийдин бориб, Секрийни сайр қилиб, чаҳоршанба куни, ушбу ойининг йигирма тўққузида Аграга келдук.

Ушбу кунларда Шайх Боязиддин паришон хабарлар айтадурлар эди. Султон Али туркни йигирма кунлик мийод била Шайх Боязидқа йиборилди.

Одина куни, зулҳижжа ойининг иккисида қирқ бир қатла ўқур вирдни бунёд қилдим. Ушбу айёмда бу байтимни:

*Кўзу қошу сўзу тилиниму дей,*
*Қаду хаду сочу белиниму дей. —*

беш юз тўрт вазнда тақтиъ қилдим. Бу жиҳатдин рисола тартиб берилди. Бу кун яна *(331 а)* соҳиб узр бўлдум, тўққуз кунга тортти.

Панжшанба куни, зулҳижжа ойининг йигирма тўққузида Кўйил ва Санбал[1061] сайриға отланилди.

## Вақоиъи санайи арбаа ва салосина ва тисъа миа*

Шанба куни, муҳаррам ойининг ғуррасида Кўйилга туштук. Дарвеш Али Юсуфни Ҳумоюн Санбалда қўюб эди. Қутб Серванийни ва бир пора раажаларни дарёдин ўтуб урушуб, яхши босибтурлар. Қалин киши ўлтуруб, бир пора бош ва бир фил йиборибтур. Кўйилда эканда келтурдилар. Икки кун Кўйилни сайр қилиб, Шайх Гуран истидъо қилғон учун, анинг уйиға туштук. Зиёфат қилиб, пешкашлар тортти. Андин отланиб, Ўтруйи тушулди.

[1059] Р: этти.

[1060] Қ: Катжафа.

[1061] Қ: Санбални.

* Тўққуз юз ўттиз тўртинчи (1528) йил воқеалари.

Чаҳоршанба Ганг дарёсидин ўтуб, Санбал кентларида қўнулди.

Панжшанба куни Санбалға туштук. Икки кун Санбални сайр қилиб, шанба саҳари Санбалдин мурожаат қилилди.

Якшанба куни Секандарада Равуй Серванийнинг уйига туштук. Ошлар тортиб, хизматторлик қилди. Андин субҳдин бурун отланилди. Йўлда бир баҳона била элдин айрилиб, чиқа солиб, Агранинг бир куруҳиғача ёлғуз келдим. Эл андин сўнг кейиндин келиб қўшулди. Намози пешин Аграга тушулди.

Якшанба куни, муҳаррам ойининг ўн олтисида иситтим, титрадим, навбат-навбат бўлди. Йигирма беш-йигирма олти кунга тортти. Доруйи кор ичтим. Охир басит яраштти, уйқусизлиғ ва ташналиғдин бисёр ташвиш торттим. Бу мараз айёмида уч-тўрт *(331 б)* рубоий айтилди. Ул жумладин бири будур:

*Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,*
*Кўздин ўчадур уйқу чу охшам бўладур.*
*Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,*
*Борғон сайи бу ортадур, ул кам бўладур.*

Шанба куни, сафар ойининг йигирма секкизида Фахрижаҳонбегим ва Хадича Султонбегим — амма бегимлар келдилар. Кема била бориб, Секандарободдин юққоррок мулозамат қилдим.

Якшанба куни Устод Алиқули улуғ қазон била тош отти. Агарчи тоши йироқ борди, вале қазон пора-пора бўлди. Бир пораси жамъени бости. Бу жумладин секкиз киши ўлди.

Душанба куни, рабиул аввал ойининг еттисида Секрийни сайр қила отландим. Кўйилнинг ичида буюрғон мусамман суфа тайёр бўлуб эди. Кема била бориб, шомиёна тиктуруб, маъжун ихтиёр қилдук. Секрий сайридин ёниб келиб, душанба охшоми, рабиул аввал ойининг ўн тўртида ғазо нияти била Чандерий азиматиға сафар қилиб, уч куруҳча йўл келиб, Жалесарға тушулди. Икки кун эл ярок ва истиъдод қилур учун туруб, панжшанба куни кўчуб, Унварға тушулди. Унвардин кемага кириб Чандвардин чиқтук. Андин кўч бар кўч юруб, душанба куни, ойининг йигирма секкизида Кунар гузарида тушулди.

Панжшанба куни, рабиул охир ойининг иккисида мен дарёдин ўттум. Тўрт-беш кун ул юздабул юзда *(332 а)* черик эли ўтгунча макс бўлди. Бу неча кунда паёпай кемада ўлтуруб, маъжун ейилди. Чанбал дарёсининг қотилиши Кунар гузаридин бир-икки куруҳ юққорроктур, одина куни Чанбал дарёсида кемада ўлтуруб, қотилишидин ўтуб, ўрду келилди.

Агарчи Шайх Боязиддин сариҳ мухолафат воқиъ бўлмайдур эди, вале ҳаракот ва афъолидин яқин бўлуб эдиким, мухолафат доияси бор. Бу маслаҳатқа Муҳаммад Али жанг-жангни черикдин айириб йиборилдиким, Қаннўждин Муҳаммад Султон мирзо ва ул навоҳидаги салотин ва умаро мисли, Қосим Ҳусайн Султон, Беҳуб[1062] Султон, Малик Қосим Кўкий,[1063] Абулмуҳаммад найзабоз, Минучеҳрхон оға-иниси Дарёхонийлари била жамъият қилиб, Сарваардаги мухолиф афғонлар устига юругайлар. Шайх Боязидни тилагайлар, агар эътиқод била келиб қўшулса, била юругайлар. Агар келмаса, аввал анинг дафъини қилғайлар. Муҳаммад Али бир неча фил тилади, унча фил берилди. Муҳаммад Алиға рухсат бергандин сўнг Бобо чуҳраға ҳам фармон бўлдиким, бориб, буларға қўшулғай. Кунардин бир кўч кема била келилди.

Чаҳоршанба куни, рабиул охир ойининг секкизида Калпийнинг бир куруҳида тушулди. Бобо Султон Саъидхоннинг туққон иниси Султон Халил Султоннинг ўғли бу юртта келиб, мулозамат қилди. Ўтган йил оғасидин қочиб *(332 б)* келиб, Андароб ҳаддидин яна пушаймон бўлуб, ёниб, Кошғарнинг ёвуғиға етганда хон Ҳайдар мирзони ўтрусиға йибориб, ёндурубтур.

Тонгласи Калпийда Оламхоннинг уйига тушулди. Ҳиндустон тариқи била ош ва таом тортиб, пешкаш қилди.

Душанба куни, ойининг ўн учида Калпийдин кўчулди.

Одина куни Ирижға туштук.

Шанба куни Боязидга[1064] тушулди.

Якшанба куни, ойининг ўн тўққузида олтиетти минг кишини Чин Темур Султонға бошлатиб, Чандерий устига ўзумиздин илгаррок йиборилди. Борғон илғор беклари: Боқи мингбеги, Турдибек Қўчбек, Ошиқ баковул, Мулло Опоқ, Мухсин дўлдой, Ҳиндустон бекларидин: Шайх Гуран.

---

[1062] Қ: Темур Биҳиб.
[1063] Қ: Кукий.
[1064] Р: Бондир.

Одина куни, ойнинг йигирма тўртида Качванинг яқиниға тушулди. Качва элига истимолат бериб, Качвани Бадруддиннинг ўғлиға берилди.

Качва тавриғина ердур. Атрофида кичикрак-кичикрак тоғқиналар тушубтур. Качванинг шарқ жанубидаги тоғининг орасида банд солибтурлар, улуғ кўл бўлубтур, гирдо-гирди беш-олти куруҳ бўлғай. Бу кўл Качванинг уч тарафини иҳота қилибтур. Ғарби-шимол тарафида андак ер қўруқтурким, дарвозаси ўшул тарафдур. Бу кўлнинг ичида кичиккина кемалар бор, уч-тўрт киши сиққунча. Ҳар қачон қочарлари бўлса, кемаларга кириб, *(333 а)* сувнинг ичига кирарлар. Качваға етгунча яна икки ерда ушмундоқ тоғ орасида банд солиб, кўллар қилибтурлар, Качва кўлидин кичикрак.

Качвада бир кун туруб, жалд муҳассиллар ва қалин белдорларни таъйин қилилдиким, йўлнинг чақир-чуқурини рост қилиб, жангалларни кесгайларким, аробалар ва қазон беташвиш ўтгай. Качва била Чандерий ораси жангаллик ер воқиъ бўлубтур.

Качвадин ора кўнуб, Чандерийнинг уч куруҳида Бурҳонпур суйини ўтуб туштук. Чандерийнинг арки тоғ устида тушубтур. Тош қўрғони ва шаҳри тоғ орасида воқиъ бўлубтур. Ҳамвор йўликим, ароба юрур, қўрғонининг тубидин ўтар. Бурҳонпурдин кўчуб, ароба маслаҳатиға бир куруҳ Чандерийдин қуйироқдин юрулди.

Орада кўнуб, сешанба куни, ойнинг йигирма секкизида Баҳжатхоннинг ҳавзининг ёқасида банд устида туштум. Тонгласиға отланиб, булжор-булжор қўрғоннинг гирдо-гирдининг ғул ва баронғор ва жавонғорға қисмат қилилди. Устод Алиқули тош отар учун бир боғда ясси ерни ихтиёр қилди. Муҳассиллар ва белдорлар таъйин бўлдиким, қазон қурари учун булжор қўпарғайлар. Жамиъ черик элига фармон бўлдиким, тўра ва шоту ва навкари тўраниким, қалъагирлик асбобидур, тайёр қилғайлар.

Чандерий бурун *(333 б)* Мандав подшоҳлариға тааллуқ экандур, Султон Носириддин ўлганидин сўнг, бир ўғли, Султон Маҳмудким, ҳоло Мандавдадур, Мандавға ва ул навоҳиға мутасарриф бўлур. Яна бир ўғли Муҳаммадшоҳ отлиқ Чандерийни иликлаб, Султон Искандарға илтижо келтурур. Султон Искандар ҳам қалин чериклар йибориб, анинг ҳомийси бўлур. Султон Искандардин сўнг Султон Иброҳимнинг замонида Муҳаммадшоҳ ўлар, Аҳмадшоҳ отлиқ кичиккина ўғли қолур. Султон Иброҳим Аҳмадшоҳни[1065] чиқариб, ўз кишисини қўяр. Раана Сангаа Иброҳимнинг устига черик тортиб, Дўлпур келганда беклари мухолафат қилурлар. Ўшул фурсатта Чандерий Сангаанинг илигига тушар. Мединий Рав отлиқ улуғ муътабар кофирға берур. Бу фурсатта тўрт-беш минг кофир била Мединий Рав Чандерий қўрғонида эди. Оройишхоннинг ошнолиғи бор экандур. Оройишхон била Шайх Гуранни йибориб, иноят ва шафқат сўзлари айтилди. Чандерийнинг мубодаласиға Шамсободни ваъда қилилди. Бир-икки эътиборлиқ кишиси чиқти. Билмон, эътимод қилмадиму, ё қўрғониға ишондиму, ислоҳ иши сомон топмади.

Чандерий қўрғониға зўрламоқ азимати била сешанба сабоҳи, жумодиул аввал ойининг олтисида Баҳжатхоннинг ҳавзидин кўчуб, қўрғоннинг яқинидаги *(334 а)* ўрта ҳавзнинг ёқосида тушулди. Ушбу сабоҳ келадурганда Халифа бир-икки хат олиб келди. Мазмуни буким, Пурабға[1066] таъйин бўлғон черик беҳисоб бориб, урушуб, шикаст топибтурлар, Лакнавни ташлаб, Қаннужға келибтурлар, Кўрдумким, бу жиҳаттин Халифа бисёр мутараддуд ва пурдағдаға.

Мен дедимким: «Тараддуд ва дағдаға беважҳаст, ҳарчи тақдири Худост, ғайри он намешавад. Чун ин кор дар пешаст, азин мақула дам намебояд зад, ва фардо ба қалъа зўр оварем. Баъд аз он ҳарчи рўй диҳад, бубинем».[1067]

Булар ҳуд аркни беркитган экандурлар. Тош қўрғонда барои маслаҳат бирин-иккин киши юрур экандур. Бу охшом ҳар тарафдин черик эли тош қўрғонға чиқтилар. Оз-оғлоқ кишиси бор эди, чандон уруш ҳам бўлмади. Қочиб аркка чиқтилар.

Чаҳоршанба сабоҳи, жумодиул аввал ойининг еттисида черик элига фармон бўлдиким, яроғланиб, булжорлик булжориға бориб, уруш ангизи қилғайлар. Мен нақора ва алам била отланғоч, тўшлуқ-тўшидин зўр келтургайлар. Уруш қизиғунча нақора ва аламни мавқуф қилиб, ўзум Ус-

---

[1065] Л: Муҳаммадшоҳ.

[1066] Л: Пуран.

[1067] Ташвишланиш, ҳовлиқиш важсиздур. Худонинг тақдири нима бўлса, шундан бошқаси бўлмайди. Бу иш олдинда бўлгани учун, бу тўғрида ҳеч нарса демаслик керак. Индинга қалъага зўр уриб кўрамиз. Шундан кейин нима юз берса, кўрармиз.

тод Алиқулининг тош отарини тафарруж кўра бордим. Уч-тўрт тош отти. Чун ери боғдайсиз ва фасили *(334 б)* асру мустаҳкам ва тамом тошдин эди, коргар келмади.

Мазкур бўлуб эдиким, Чандерийнинг арки тоғ устида воқиъ бўлубтур, бир тарафида сув жиҳатидин дутаҳи қилибтурлар. Бу дутаҳининг фасили тоғдин қуйидур, бир зўр келтирур ер-бу ердур. Ғулнинг ўнг қўли ва сўл қўли ва хосса тобинға бу ер булжор тегиб эди. Ҳар тарафдин уруш солдилар. Бу ердин кўпрак зўр келтурдилар. Юққоридин куффор ҳар неча тош оттилар, ўт ёндуруб солдилар, бу йигитлар ёнмадилар. Охир тош қўрғоннинг фасили бу дутаҳининг фаслига етган ердин Шоҳим Нурбек чиқти, яна икки-уч ердин ҳам йигитлар тормошиб чиқтилар. Дутаҳидаги кофирлар қоча бердилар, дутаҳи олилди.

Юққоридаги қўрғонда мунча ҳам урушмадилар, бот қочтилар. Ғалаба киши тормошиб, юққориги қўрғонға чиқтилар. Андак фурсаттин сўнгра кофирлар тамом яланғоч бўлуб келиб, урушa кириштилар. Ғалаба элни кочуруб, фасилдин учурдилар. Бир неча кишини чопқулаб, зойиъ қилдилар. Фасилнинг устидин бот борғонларининг жиҳати бу экиндурким, олдурурларини жазм қилиб, хотунларини[1068] тамом чопқулаб, ўлтуруб, ўзларига ўлумни кўруб, яланғоч бўлуб, урушқа келмишлар. Охир тўш-тўшдин зўр қилиб, *(335 а)* фасил устидин қочурдилар. Икки юз-уч юз кофир Мединий Равнинг ҳаволисиға кирди. Ушбу ҳаволида аксар ўзлари бир-бирларини ўлтурубтур. Андоқким, бириси бир қилични олиб турубтур,[1069] ўзгалари бирар-бирар рағбат била бўюнларини узотиб турубтур. Аксар бу дастур била дўзахқа борди.

Тенгри иноят била мундоқ номдор қўрғон алам ва нақорани келтурмай, бажид уруш солмай-ўқ икки-уч гарийда фатҳ бўлди. Чандерийнинг ғарби-шимол тарафидаги тоғнинг устида куффорнинг бошидин калла манора қўпорилди. Бу фатҳнинг таърихига «фатҳи дорулҳарб» лафзини тарих топиб эдилар. Мен мундоқ боғладим:

*Буд чанде[1070] мақоми Чандерй,*
*Пур зи куффору дорулҳарбию зарб.*
*Фатҳ кардам ба ҳарб қалъаи ў,*
*Гашт таърих: «Фатҳи дорулҳарб».[1071]*

Чандерий тавре вилоят воқиъ бўлубтур. Атроф ва навоҳийсида оқар сув хейли бор. Арки тоғнинг устида тушубтур, ичида тошдин улуғ ҳавз қозибтурлар. Яна бир улуғ ҳавз ушбу дутаҳида эдиким, ўшул ердин зўрлаб олилди. Вазиъ ва шарифнинг имората тамом тошдин, улуғларининг иморатларини такаллуф била тарошида тошдин қилибтурлар. Резапой элининг иморати ҳам тошдин, ғояташ тарошида эмас, пўшиши сафол ўрнига *(335 б)* тахта санглар била қилибтурлар. Қўрғонининг олида уч улуғ ҳавздур. Атроф ва жавонибида бурунги ҳукком бандлар солиб, ҳавзлар қилибтурлар. Ери баланд воқиъ бўлубтур. Бетвий деб бир дарёчаси бор, Чандерийдин уч куруҳ бўлғай. Ҳиндустонда Бетвий суйи хўблуқ ва хуштаъмлиқ била машҳурдур, тавр дарёгина воқиъ бўлубтур. Ўртасида парча-парча қиёлар тушубтур, иморат қилмоққа муносиб. Аградин Чандерий жанубға боқа тўқсон куруҳ йўлдур. Чандерийда жадийнинг иртифойи йигирма беш даражадур.

Тонгласи, панжшанба куни қўрғон гирдидин кўчуб, Маллухоннинг ҳавзининг ёқасиға тушулди. Бу ният била келилиб эдиким, Чандерий фатҳидин сўнг Раай Синг ва Бҳилсан ва Сарангпур устигаким, куффор вилоятидур, Салоҳиддин кофирға тааллуқ эди, юрулгай. Буларни олиб, Сангаанинг устига Читўрға юрулгай. Чун мундоқ паришон хабар келди, бекларни чорлаб, машварат қилиб, бу муфаттин ва ёғийларнинг шўр ва фитнасининг дафъиға мутаважжиҳ бўлмоқ ансаб ва авло кўринди.

Чандерийни Аҳмадшоҳ мазкурғаким, Султон Носириддиннинг набираси бўлғай, берилди. Чандерийдин эллик лак холиса қилиб, шиқдорлиғини Мулло Опоқға ухда қилиб, икки-уч минг турк ва ҳиндустоний била Аҳмадшоҳқа кўмак қўюлди.

Бу ишларга сомон бериб, *(336 а)* якшанба куни, жумодиул аввал ойининг ўн бирида мурожаат азимати била Маллухоннинг ҳавзидин кўчуб, Бурҳонпур суйининг ёқасиға туштук.

---

[1068] Л: хотунлари яна.
[1069] Л: Турубтур аксари.
[1070] Н: Чандерий.

[1071] Мазмуни: «Чандерий кўпдан буён кофирлар билан тўлган «дорулҳарб» эди. Унинг қалъасини урушиб қўлга киритдим, «фатҳи дорулҳарб» бунга тарих бўлди. (Бу тарих «абжад» ҳисобида 934 ҳ.й. бўлади, милодий билан 1527 йил).

Яна якшанбехиға Бандийрдин Яккахожа била Жаъфархожани йиборилдиким, Калпий кемаларини Кунар гузариға келтургайлар.

Якшанба куни, ойнинг йигирма тўртида Кунар гузариға тушуб, фармон бўлдиким, черик эли ўта киришгайлар. Бу кунларда хабар келдиким, илғор борғонлар Қаннўжни ҳам ташлаб, Раприйға келибтурлар, Шамсобод қўрғонини Абулмуҳаммад найзабоз беркитган экандур. Қалин киши келиб, Шамсобод қўрғонини зўрлаб олибтурлар. Уч-тўрт кун черик дарёдин кечгунча ул юзда-бу юзда макс бўлди. Дарёдин ўтуб, кўчбар-кўч Қаннўж сори юруб, қазоқ йигитларни мухолифлардин хабар олғали илгари айирдук. Қаннўжға икки-уч кўч қола хабар келтурдиларким, бу тил тута борғонларнинг қорасини кўруб, Қаннўждин Маъруфнинг ўғли қочиб чиқибтур. Бибан ва Боязид ва Маъруф бизнинг хабаримизни топиб, Гангдин ўтуб, Қаннўж тўғриси Гангнинг шарқий тарафиға гузарбандлик хаёли била ўлтурубтурлар.

Панжшанба кун, жумодиул охир ойининг олтисида Қаннўждин ўтуб, Ганг ёқасида ғарбий тарафида тушулди. Бизнинг йигитлар бориб, мухолифлар *(336 б)* нинг бир неча кемасини зўрлаб олдилар. Юққоридин-қуйидин улуғ-кичик ўттузқирқ кема келтурдилар. Мир Муҳаммад жолабонни йиборилдиким, кўпрук солмоққа муносиб ер кўруб, кўпрук асбобини мавжуд қилғай. Ўрду тушгандин бир курўҳча қуйироқ ер хушлаб келди. Жалд муҳассиллар таъйин қилилди. Кўпрук солур ернинг ёвуғида устод Алиқули қозон қуруб, тош отмоғ учун ер хушлаб тош отмоққа иштиғол кўрсатти. Кўпрук боғлар ердин қуйироқ Мустафо Румий зарбзанлиқ аробаларини бир аролға кечуруб, аролдин зарбзан ота киришти. Кўпрукдин юққори мўлжар қўпорилиб эди. Тўфакандозлар мўлжар устидин яхши туфанглар оттилар. Бир-икки навбат Малик Қосим муғул ва баъзи йигитлар кема била кечиб оз-оз киши яхшилар уруштилар.

Бобо Султон ва Дарвеш ўн-ўн беш киши била ушбу далирлиқ била беҳисоб бир намози шом кема била ўтуб, уруш йўқ, нима йўқ, яна ёниб келдилар. Бу ўтушларини хейли маломат қилилди. Охир далир бўлуб, оз киши била Малик Қосим ёғийни доирасиға уруб отқулаб, сиғиндурди. Мухолифлар қалин киши бир фил била келиб, зўрладилар. Буларни тебраттилар. Кемага кириб, кемани юрутгунча *(337 а)* фил етиб, кемани ғарқ қилди. Малик Қосим ул урушта ўлди. Бу неча кун кўпрук боғлағунча устод Алиқули яхшилар тош отти. Аввалғи кун секкиз тош отти, иккинчи кун ўн олти тош отти. Уч-тўрт кун ушмундоқ тош отти. Бу тошларни «ғози қазони» била отти. Бу қазон ул қазон эдиким, Сангаайи кофирнинг урушида тош отиб эди. Ул жиҳаттин ғозиға мавсум бўлуб эди. Яна бир улуғроқ қазон қуйиб эди, бир-ўқ тош отти, қазон синди. Туфакандозлар ҳам қалин туфак оттилар. Ғалаба кишини ва отни туфак била юмалаттилар. Нуфур қуллардин ҳам коргар[1072] била раҳрав[1073] киши ва от оттилар.[1074]

Кўпрук иши ёвуғ етгач, чаҳоршанба куни, жумодиулохир ойининг ўн тўққузида кўчуб, кўпрук устига келдук. Афғонлар кўпрук боғламоқни истибдод қилиб, тамасхур қилурлар экандур. Панжшанба куни кўпрук тайёр бўлди. Оз-оғлоқ яёқ ва лаҳурий ўтуб, озроқча уруш бўлди.

Одина куни ғулдин хосса тобин ва ўнг қўл ва сўл қўл йигитлари ва туфакандозлар яёқ ўттилар. Афғонлар тамом ярокланиб, отланиб, филлари била келиб, зўр келтурдилар. Бир даст сўл қўл кишисини тебраттилар. Ғул кишиси ва ўнг қўл кишиси тухтаб уруб, *(337 б)* ғанимларни ёндурдилар. Икки кишиси қалинидин тезроқ айрилиб чоптилар. Бирисини ўшанда-ўқ тушуруб олиб қолдилар. Яна бирининг отини ва ўзини қалин урдилар. Оти тўйлаб ёниб, ўз элининг орасида йиқилди. Ўшул куни етти-секкиз бош келтурдилар. Қалин кишисига ўқ яраси ва туфак яраси бўлди. Кеч намози дигаргача уруш эди.

Кеча тамом ўтганларни ёндурулди. Агар ушбу шанба охшоми киши ўткарилса эди, эҳтимоли бор эдиким, аксари иликка тушгай эди, вале хотирға бу еттиким, ўтган йил сешанба куни, наврўз куни Секрийдин Сангаа уруши азимати била кўчуб, шанба куни ёғийни бостук. Бу йил чаҳоршанба куни, наврўз куни бу ёғийларнинг уруши азимати била кўчтук. Якшанба куни ғанимға зафар топсоқ ғаройиб воқиотдиндур. Бу жиҳатдин киши ўткарилмади.

Шанба куни урушға келмадилар, йироқдин

---

[1072] Қ: шанба.

[1073] Л: ғализликлар бор.

[1074] РН: карка.

ясоб турдилар. Ушбу кун аробаларни ўткарилди. Ушбу саҳар фармон бўлдиким, эл ўтгай. Нақора вақтида қаравулдин хабар келдиким, ғаним кишиси қочиб кетибтур.

Чин Темур Султонға ҳукм бўлдиким, черикни бошлаб[1075], ғанимни қавлағай. Муҳаммад Али жанг-жанг, Ҳисомиддин Али халифа, Муҳиб Али халифа, Кўкий Бобо Қашқа, *(338 а)* Дўст Муҳаммад Бобо Қашқа, Боқи Тошкандий, Вали Қизил бошлиқларни қовғунчи таъин қилилдиким, Султон била бўлуб, Султоннинг сўзидин чиқмағайлар. Суннат вақти мен ҳам ўттум. Тевани ҳукм бўлди, қуйирoқ кўрулган гузар била ўтгай.

Ул кун якшанба куни Бангармавунинг бир куруҳида Қора сув ёқасиға тушулди. Қовғунчиға таъйин бўлғонлар яхши юрумайдурлар, Бангармавуда тушган экандурлар. Ушбу намози пешин Бангармавудин тебрабтурлар. Тонгласи Бангармавунинг олидағи кўлнинг ёқасиға тушулди.

Ушбу кун Тўхта Буға Султон, кичик хон додамнинг ўғли келиб, манга мулозамат қилди.

Шанба куни, жумодиул охир ойининг йигирма тўққузида Лакнавни сайр қилиб келиб, Гўйи суйидин ўтуб тушулди. Ушбу кун Гўйи суйида ғусл қилдим. Билмон, қулоғимға сув кирдиму, ё ҳаво таъсиридин бўлдиму, ўнг қулоғим тутти, вале бир неча кун хейли оғриғи йўқ эди.

Авадға бир-икки кўч қола Чин Темур Султондин киши келдиким, ғаним Сару дарёсининг ул юзида ўлтурубтур, кўмак йиборсунлар. Қазоқ[1076] бошлиқ мингқа чоғлиқ йигитни ғул кишисидин кўмак айирдук.

Шанба куни, ражаб ойининг еттисида *(338 б)* Авадтин икки-уч куруҳ юққоррок Гагар била Сарунинг қотилишида тушулди.

Ушбу кунгача Авад тўғрисида, Сарунинг нари юзида Шайх Боязид бор экандур. Хат йибориб, Султон била сўзлашадур экандур. Анинг ҳиялини Султон маълум қилиб, намози пешин Қарочаға киши йибориб, дарё кечмак бўлурлар. Қарочa Султонға қўшулғоч, бетаваккуф сувдин ўтарлар. Элликча отлиғи уч-тўрт фил била бор экандур, туруш беролмай,[1077], қочарлар. Бир неча киши тушуруб, бош кесиб йибордилар. Беҳуб Султон ва Турдибек ва Бобо чуҳра, Қўчбек, Боқи шиғовул султондин сўнгра кечарлар. Булардин бурунроқ кечганлар Шайх Боязидни намози шомғача қовларлар. Шайх Боязид ўзини жангалға солиб қутулур. Чин Темур Султон кеча Қора сув ёқасиға тушуб, ярим кеча отланиб, ёғий кейинича сурарлар. Қирқ куруҳча йўл бориб, кўч ва сабиҳиси[1078] бўлғон ерга етарлар. Алар қочқон экандурлар. Бу ердин чопқунчи ҳар тарафға айрилур. Боқи шиғовул бир неча йигит била ёғийнинг кейинича суруб, кўч ва сабиҳисиға етиб афғонларнинг ясирини келтурдилар.

Бир неча кун Авиднинг ва бу навоҳининг забт ва рабти учун бу юртта тавaққуф бўлди. Авадтин етти-секкиз куруҳ юққори Сару дарёсининг ёқасини овлоқ ер деб таъриф қилдилар. Мир Муҳаммад жолабонни йиборилди. Гагар суйининг ва Сару суйининг *(339 а)* гузарини кўруб келди. Панжшаба куни, ойининг ўн иккисида овламоқ хаёли била отландим.

## Вақоиъи санайи хамса ва салосина ва тисъа миа*

Одина куни, муҳаррам ойининг учида Аскарийниким, Чандерий юрушидин бурунроқ Мўлтон маслаҳатиға тилаб эдим, келиб, хилватхонада мулозамат қилди. Тонгласи Хондамир муаррих ва Мавлоно Шиҳоб муаммойи ва Мир Иброҳим қонуний Юнус Алининг қаробатиким, муддати мадид эдиким, мулозамат доияси била Ҳиридин чиқиб эдилар, келиб мулозамат қилдилар.

Якшанба (куни), намози дигар, ойининг бешида Гвалийар[1079] сайр доияси билаким, китобларда «Галийур» битирлар, Жуундин кечиб, Агра қалъасиға кириб Фахрижаҳонбегим била Хадича Султонбегим билаким, ўшул икки-уч кунда Кобулға азимат қилмоқчи эдилар, хайрбод қилиб, отландим. Муҳаммад Замон мирзо рухсат тилаб, Аграда қолди. Ўшул кеча уч-тўрт куруҳ йўл юруб, улуғ бир кўл ёқасида тушуб, ўй қувладук. Намозни эртарак ўтаб, отландук. Гамбийр суйининг

---

[1075] РН: даво; Қ: раво.
[1076] Р: қароқ.
[1077] Н: беролмас.
[1078] Л: басҳи.
* Тўққуз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари.
[1079] Қ: Калпур.

ёқасида тушланиб, намози пешин андин отланиб, йўлда Мулло Рафиъ ясаған сафуфни кайфият учун толқон била чолиб ичтук. Бисёр бадхўр ва бемаза келди.

Кеч намози дигар Дўлпурнинг бир куруҳида ғарби сори боғ ва иморатиға *(339 б)* ким, буюрулуб эди, келиб туштум. Бу боғ ва иморат буюрғон бир тоғнинг тумшуғининг туганиши воқиъ бўлубтур. Бу тоғ туганиш тумшуғи якпора қизил иморат тошидиндур. Муни буюруб эдимким, бу тоғни қозиб, ерга еткургайлар. Агар якпора тошдин онча баланд қолсаким, якпора тошдин иморат тарошласа бўлғай, худ иморат тарош қилғайлар. Агар онча баланд қолмаса, бу якпора тошдин ҳамвор бўлғон саҳнда ҳавз қозилғай. Онча баланд тоғ қолмайдурким, якпора тошдин иморат бўлғай. Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарошқа буюрулдиким, бир кайладор мусамман ҳавз бу якпора саҳн бўлғон тошнинг устида тарҳ қилди. Ҳукм бўлди: сангтарошлар бажид машғул бўлғайлар.

Бу якпора тошдин ҳавз буюрғон ернинг шимоли қалин дарахтлардур: анба ва жаъмун ва ҳар навъ дарахттин. Бу дарахтларнинг орасида бир даҳи-дардаҳ чоҳе буюруб эрдим, ул чоҳ итмомиға ета ёвушубтур. Бу чоҳнинг суйи ул ҳавзға борур. Бу ҳавзнинг ғарби-шимолида Султон Искандар банде солибтур. Банднинг устида иморатлар қилибтур. Бандтин юққори пашакаал сувлари йиғилиб, улуқ кўл бўлур. Бу кўлнинг шарқ атрофи боғдур. Кўлнинг шарқ *(340 а)* тарафида ҳам буюрдумким, якпора тошдин суфанамолар тарош қилғайлар. Ғарб тарафида масжид буюрулди. Сешанба ва чаҳоршанба бу маслаҳатлар учун Дўлпурда турулди.

Панжшанба куни отланиб, Чанбал дарёсидин ўтуб, намози пешинни дарё ёқасида қилиб, икки намоз орасида Чанбал ёқасидин тебраб, намози шом била намози хуфтан орасида Каварий суйидин ўтуб туштук. Ёғин жиҳатидин сув улуғ бўлуб, отни уздурур эди, кема била ўттук.

Тонгласи, одина куниким, ошур эди, андин отланиб йўлда бир кентта тушланиб, намози хуфтан Гвалийардин бир куруҳ шимол сари бир чорбоғдаким, мен ўтган йил буюруб эрдим, келиб туштум.

Тонгласи намози пешиндин сўнг отланиб, Гвалийарнинг шимолий пушталарини ва Намозгоҳини сайр қилиб келиб, Гвалийарнинг Ҳаатий Пўл отлиқ дарвозасидинким, Раажа Ман Сингнинг имората бу дарвозаға пайвасттур, кириб Раажа Бикрамажитнинг иморатлариғаким, Раҳимдод анда ўлтуруб эди, кеч намози дигар келиб туштум.

Ушбу кеча қулоғимнинг ташвиши жиҳатидин ва моҳтоб ҳам боис эди, афюн ихтиёр қилдим. Тонгласи афюн хумори бисёр ташвиш берди. Хейли қай қилдим.[1080] Бовужуди хумор Ман Сингнинг ва Бикрамажитнинг иморатларини тамом юруб, сайр қилдим, *(340 б)* ғариб иморатлардур. Агарчи бўлук-бўлук ва бесиёқдур, бу иморатлар тамом санги тарошидадиндур. Борча раажалар иморатларидин Ман Сингнинг иморатлари яхшироқ ва олийроқтур. Ман Синг иморатининг томининг бир зилъи шарқ соридур. Бу зилъни ўзга зилъларға боқа кўпрак такаллуф қилибтур, баландлиғи тахминан қирқ-эллик қари бўлғай, тамом санги тарошидадиндур, юзини гач била оқортибтурлар. Баъзи ерда тўрт табақа иморраттур, икки қуйиғи табақаси хейли қоронғудур, андак ёруғлуғи муддате ўлтурғондин сўнгра зоҳир бўладур, буларни шамъ била юруб сайр қилдук. Бу иморатнинг ҳар[1081] зилъида беш гунбазтур. Бу гунбазларни ораларида кичик-кичик Ҳиндустон дастури била чорсу-чорсу гунбазчалардур. Бу беш улуқ гунбазларнинг устига зарандуд қилғон мис тангаларини қадабтурлар. Бу томларнинг ташқарисини яшил коший била кошикорлиқ қилибтурлар. Яшил коший била гирдо-гирдини тамом кейла дарахтларини кўрсатибтурлар. Шарқ сойиғи зилъининг буржида Ҳаатий Пўлдур. Пилни «ҳаатий» дерлар, дарвозани «пўл». Бу дарвозанинг чиқишида бир филнинг суратини мужассам қилибтурлар, устида икки филбон ҳам қилибтурлар; биайниҳи фил, хейли мушобиҳ қилибтурлар. Бу жиҳаттин «Ҳаатий Пўл» дерлар. *(341 а)* Тўрт табақа иморатким бор, боридин қуйиғи табақасининг бу мужассам фил сори равзани бор, андин фил ёвуқ кўрунадур. Юққориғи мартабаси худ мазкур бўлғон гунбазлардур. Иккинчи табақасида ўлтурур уйларидур. Бу уйлар ҳам чуқур ерларда воқиъ бўлубтур. Агарчи ҳиндустоний такаллуфлар қилибтурлар, вале беҳаворок ерлардур.

---

1080 Н: кардам.
1081 Е: бир.
1082 Қ: утарда.

Ман Сингнинг ўғли Бикрамажитнинг иморатлари қўрғоннинг шимоли сори ўртада[1082] воқиъ бўлубтур. Ўғлининг иморатлари отасининг иморатича эмас, бир улуқ гунбаз қилибтур, хейли қоронғу, муддате турғондин сўнгра равшанлиқ зоҳир бўладур. Бу улуқ гунбазнинг остидаги бир кичикрак имораттур, анга худ ҳеч тарафдин ёруғлуқ кирмас.

Ушбу улуқ гунбазнинг устида Раҳимдод бир кичикрак толорғина қилибтур. Раҳимдод ушбу Бикрамажитнинг иморатларида ўлтурубтур. Ушбу Бикрамажитнинг иморатларидан бир йўле қилибтурларким, отасининг иморатлариға борур. Тошқоридин асло маълум эмас, ичкаридин ҳам ҳеч ер кўрунмас, баъзи ердин ёруғлуқ кирар, тавр йўледур.

Бу иморатларни сайр қилиб, отланиб Раҳимдод солғон мадрасани кезиб, қўрғоннинг жанубий тарафида бир улуқ ҳавзнинг ёқасида Раҳимдод солғон боғчани тафарруж қилиб, кеч *(341 б)* ўрду тушган чорбоғқа келдук.

Бу боғчада хейли гуллар тикибтур. Хушранг қизил канейр боғчада хейли бор. Бу ерларнинг канейри гули шафтолудек бўлур. Гвалийарнинг канейри қип-қизил хушранг канейрлардур. Бир пора қизил канейри Гвалийардин Агра боғлариға келтуруб эктурдум.

Бу боғ жанубида бир улуқ кўлдур. Пашакаал сувлари бу кўлда йиғилур. Бу кўлнинг ғарбида бир баланд бутхонадур. Султон Шамсиддин Элтамиш[1083] бу бутхонанинг ёнида бир масжиди жомиъ солибтур. Бу бутхона хейли баланд бутхонадур. Қўрғонда мундин баландроқ иморат йўқтур ва Дўлпурнинг тоғидин Гвалийар қўрғони ва бутхона мушаххас кўрунур.[1084] Дерларким, бу бутхонанинг тошларини тамом ушбу улуқ кўлдин қозиб олибтурлар. Бу боғчада бир йиғоч толор қилибтур, пастроқ, беандомроқ. Боғчанинг эшигида ҳиндустоний вазълиқ бемаза айвонлар қилибтур.

Тонгласи намози пешин Гвалийарнинг кўрмаган ерларининг сайри доияси била отланиб, Ман Сингнинг қўрғонидин тошқориғи Баъдалгар отлиқ иморатини кўруб, Хаатий Пўл дарвозасидин кириб Удва[1085] деган ерга бордук. Бу Удва деган ер қўрғоннинг ғарбий тарафида бир кўл воқиъ бўлубтур. Агарчи бу кўл бир фасилдинким, тоғ устида қилибтурлар, тошқоридур, вале бу кўлнинг даҳанасида яна икки мартаба баланд фасиллар қилибтурлар. Бу фасилларнинг баландлиги ўттуз-кирк қари ёвушур. Ичкариги фасил узунроқтур ва баландроқтур. *(342 а)* Бу фасил кўлнинг бу юзидаги ва ул юзидаги қўрғон фасилиға пайваст бўлубтур. Бу фасилнинг ўртасида бу фасилдин пастроқ яна бир фасил игрибтурлар. Бу фасил сар-тосар эмас, обрўд маслаҳатиға бу фасилни игиргандурлар. Бу фасилнинг ичида сув олмоқ учун «вайн» қилибтурлар, ўн-ўн беш зина била сувға етар. Бу улуқ фасилнинг вайнлиқ фасилиға чиқар эшигининг устида Султон Шамсиддин Илтамишнинг отини тошда қазиб, битибтурлар, тарихи: «санайи салосина ва ситта миадур[1086]».

Бу тошқариғи фасилнинг тубида қўрғондин тошқори улуқ кўл тушубтур, ғолибоким, кам бўлур кўл эмас, обрўдга бу кўл суйи борур. Бу Удванинг[1087] ичида яна икки улуқ кўлдур. Қўрғон эли бу кўлларнинг суйини ўзга сувларга тарджиҳ қилурлар. Бу Удванинг уч тарафи якпора тоғ воқиъ бўлубтур. Тошининг ранги Байана тошларидек қизил эмастур, бир нима берангроқтур.

Бу Удванинг атрофидаги якпора қиёларни қозиб, улуқ-кичик мужассам бутлар тарош қилибтурлар. Жануб тарафи бир улуқ буттур, баландлиғи тахминан йигирма қари бўлғай. Бу бутларни тамом яланғоч, бесатри аврат кўрсатибтурлар.

Удванинг ичидаги *(342 б)* икки улуқ кўлнинг атрофида йигирма-йигирма беш чоҳ қозибтурлар. Бу чоҳлардин сув тортиб, сабзакорликлар қилиб ва гуллар ва дарахтлар экибтурлар. Удва ёмон ер эмас, тавр ередур. Айби атрофидаги бутлардур. Бутларни ҳам буюрдумким бузғайлар. Удвадин яна қўрғонға чиқиб, Султоний Пўлнинг ўзиниким, кофирлар замонидин бери бу дарвоза масдуд экондур, тафарруж қилиб, намози шом Раҳимдод солғон боғчаға келиб туштум, ул охшом ўшул боғчада-ўқ бўлдум.

Сешанба куни, ойнинг ўн тўртида Раана Сангаанинг Бикрамажит отлиқ иккинчи ўғлидинким, онаси Падмаватий била Рантанбўр[1088] қалъасида

---

[1083] Таржималарда — Элтутмиш.

[1084] Қ: кўринадур.

[1085] Е: Удо.

[1086] Олти юз ўттузинчи ҳижрий 1232/33 милодий йил.

[1087] Таржималарда — Урво.

[1088] Бу сўз ҳар иккала нусхада турлича, яъни Лондон босмаси матнида «Рантабур», кўрсаткичида «Рантанбаҳур», Қозон босмасида эса «Рантапур» шаклида ёзилган.

эдилар, кишилари келди. Гвалийар сайриға отланғондин бурун ҳам Бикрамажитнинг улуқ эътиборлиқ Асўк отлиқ ҳиндусидин кишилар келиб, қуллуқ ва хизматкорлиқ изҳорини қилиб, ўзига етмиш лаклик важҳи истиқомат истидъо қилиб эди. Андоқ муқаррар қилиб эдиким, Рантанбўрни топшурғай. Муддаосидек, парганалар иноят қилиб, кишиларига рухсат бердук. Гвалийар сайриға бориладур эди, ул кишиларга Гвалийарда мийод қилдук. Мийоддин бир неча кун кейинроқ қолдилар. Бу Асўк ҳинду Бикрамажитнинг онаси Падмаватийға яқин урук *(343 а)* бўлур эмиш. Бу кайфиятни оналиқ-уғуллукқа ҳам изҳор қилибтур. Улар ҳам бу Арк била муттафиқ бўлуб, давлатхоҳлиқ ва хизматкорлиқ қабул қилибтурлар.

Тож ва кулоҳ ва зар камарким, Сангаа Султон Маҳмудни босиб, Султон Маҳмуд кофирнинг қайдиға тушганда бу таърифий тож ва кулоҳ ва зар камарни олиб, Султон Маҳмудни қуюб эди, ўшул тож ва кулоҳ ва зар камар Бикрамажитта экандур, оғаси Ратансинким, ҳоло отаси ўрниға раана бўлуб, Читурға қобиздур, тож ва кулоҳ била зар камарни инисидин тилабтур. Бу бермайдур. Бу келган кишилардин тож ва кулоҳ ва зар камарни манга сўзланибтур.[1089] Рантанбўрнинг мубодаласиға Байанани тилабтур. Байана сўзидин аларни ўткариб, Шамсободни Рантанбўр мубодаласиға ваъда қилдук. Ўшул куни-ўқ бу келган кишиларига хилъатлар кийдуруб, тўққуз кунда Байанаға келмоқ мийоди била рухсат берилди.

Бу боғчадин отланиб, Гвалийарнинг бутхоналарини сайр қилдук. Баъзи бутхоналар ду ошёна, се ошёна, ошёналари пастроқ, қадимий вазълиқ, изорасида тамом мужассам суратлар тошдин қозибтурлар. Баъзи бутхона мадраса вазълиқ, пешгоҳида улуқ ва баланд гунбаз, мадраса ҳужраларидек ҳужралариким бор, ҳар ҳужранинг устида танг-танг гунбазлар тарошида тошдин қилибтурлар. Қуйидаги *(343 б)* ҳужраларида мужассам тошдин бутлар тарош қилибтурлар. Бу иморатларни тафарруж қилиб, Гвалийарнинг ғарбий дарвозасидин чиқиб, Гвалийар қўрғонининг жануб тарафидин эврулуб, сайр қилиб, Раҳимдод солғон чаҳорбоғқаким, Ҳаатий Пўлнинг олидадур, келиб туштум. Раҳимдод тўй ишини бу чорбоғда тайёр қилиб эди, яхши ошлар тортиб, қалин пешкашлар қилди, жинс ва нақддин тўрт лак пешкаши эди. Бу чорбоғдин отланиб, кеч ўз чорбоғимға келдим.

Чаҳоршанба куни, ойнинг ўн бешида Гвалийарнинг шарқи-жануби сори обшорниким, Гвалийардин олти куруҳ йўлдур, сайр қила бордим, мундин кечрак отланилғон экондур. Обшорғаким, кеч намози пешин етиштук. Бир арғамчи баланд қиёдин бир тегирмон суйи шорилдоб тушадур. Бу сув тушар ердин қуйироқ улуғ кўл бўлубтур. Бу обшордин юққори бу сув якпора қиёнинг устидин оқиб келадур. Бу сувнинг туби якпора тошдур. Ҳар ерда-ҳар ерда тушуб кўл бўлубтур. Бу сувнинг ёқаларида якпора парча-парча тошлар тушубтур, ўлтурғудек, вале бу сув доимий эмас эмиш. Обшорнинг устида ўлтуруб, маъжун едук. Сув юққори бориб, сувнинг бидоятиғача сайр қилиб, ёниб, бир баланди устига чиқиб, муддате ўлтурдук. Созандалар соз чолдилар ва гўянда *(344 а)* лар нима айттилар. Обнус йиғочиниким, ҳинд эли «тинду» дерлар, кўрмаганларга кўрсатилди.

Андин ёниб, тоғдин тушуб, намози шом била намози хуфтаннинг орасида андин отландук. Икки посға ёвуқ бир ерда келиб уйқуладук. Куннинг бир паҳари бўла чорбоққа келиб тушулди.

Одина куни, ойнинг ўн еттисида Сухжана деган Салоҳиддиннинг зодбуд кентини ва кентидин юққори тоғ орасидағи ва кўл ичидаги лиму ва садафил[1090] боғини сайр қилиб, бир паҳарда келиб, чорбоққа туштум.

Якшанба куни, ойнинг ўн тўққузида тонгдин бурунроқ чорбоғдин отланиб, Каварий суйидин ўтуб, тушландук. Намози пешинда андин отланиб, офтоб ўлтурур маҳал Чанбал суйидин ўтуб, намози шом намози хуфтан орасида Дўлпур қўрғонига кириб, чароғ била Абулфатҳ солғон ҳаммомни сайр қилиб, андин отланиб, янги чорбоғ солғон ерга банд бошиға келиб тушулди.

Тонгласиға буюрулғон ерларни юруб сайр қилдим. Якпора тошда буюрулғон кайладор ҳавзнинг юзини бир мартаба тамом кўтармайдурлар эди, буюрулдиким, сангтарошлар кўпрак келиб, бир мартаба, ҳавзнинг тубини дуруст олсунларким, сув қуйиб, атрофини тарозу қилса бўлғай. Кеч намози дигар ҳавзнинг бир мартаба юзини тамом

[1089] ЕК: Сўзлатибтур.

[1090] К: Савоқол.

олдилар. Буюрдимким, сув тўлдурдилар. *(344 б)* Атрофини сув била тарозу қилиб, ҳамвор қилмоққа машғул бўлдилар. Бу навбат яна бир обхона буюрдимким, ерини якпора тошдин тарош қилғайлар, ичидаги кичик ҳавзни ҳам якпора тошдин қозғойлар. Душанба куни маъжун суҳбати бўлди. Сешанба куни ҳам анда-ўқ эдим.

Чаҳоршанба кечаси оғиз очиб, нима еб, Секрийга бормоқ азимати била отланилди. Икки паҳарға ёвуқ бир ерда тушуб, уйқуладук. Қулоғимға, билмон, совуқнинг таъсири бўлди ўхшар, бу охшом асру кўп оғриди, уйқулай олмадим. Тонг бошида бу ердин тебраб, бир паҳарда Секрийда солғои боққа етиб тушулди. Боғнинг томи ва чоҳнинг иморатлари хотирхоҳ бўлмағон жиҳатидин иш устидагиларни таҳдид ва сиёсат қилилди. Секрийдин намози дигар била намози шом орасида отланиб, Мадҳакурдин ўтуб, бир ерда тушуб уйқуладук. Андин отланиб, бир паҳар бўла Аграга келиб, қалъада Хадича Султонбегим*никим, Фахрижаҳонбегим бориб, булар баъзи иш-куч учун[1091] қолибтурлар, кўруб, Жуундин ўтуб, «Ҳашт биҳишт» боғиға келдим.

Шанба куни, сафар ойининг учида улуқ амма бегимлардин уч бегим: Гавҳаршодбегим,[1092] Бадиулжамолбегим, Оқбегим; кичик бегимлардин: Хонзодабегим, Султон Масъуд мирзонинг қизи, яна Султон Бахтбегимнинг қизи, яна янга чечамнингким, Зайнаб Султонбегим бўлғай, набираси келиб, Туътадин ўтуб, маҳаллот ёқасида дарё кирғоғида *(345 а)* тушуб эдилар, бориб, намози дигар била намози шомнинг орасида кўрдум. Андин кема била-ўқ келдим.

Душанба, сафар ойининг бешида Бикрамажитнинг бурунғи элчиси ва сўнғи элчисига байри Бҳиралик ҳиндулардин Дэванинг ўғли Хамусийни қўшуб йиборилдиким, Рантанбўрни топшурмоқ учун, хизматкорликни қабул қилмоқ учун ўз роҳ ва расми била аҳд ва шарт қилғай. Бизнинг бу борғон киши кўруб, билиб, иноиб келгай. Ул бу айтғонларининг устига турса, мен ҳам ваъда қилдимким, Тенгри рост келтурса, отасининг ўрниға раана қилиб, Читурда ўлтурғузай.

Ушбу фурсатларда Деҳлидағи ва Аградаги Искандар била Иброҳимнинг хизоналари тамом бўлди. Черик яроғиға ва тўп ва туфакчининг дору ва жидоғиға панжшанба куни, сафар ойининг секкизида жамиъ важҳдорнинг важҳидин саду си фармон бўлдиким, девонға тушуруб, бу асбоб ва олотқа сарф ва харж қилғайлар.

Шанба куни, ойининг ўнида Султон Муҳаммад бахшининг Шоҳ Қосим отлиқ пиёдасиниким, бир қатла Хуросон аҳлиға истимолат фармонлари элитиб эди, яна Ҳирига йиборилди. Бу мазмун била фармонлар элиттиким, Ҳиндустоннинг шарқ ва ғарб *(345 б)* ёғийларидин ва кофирларидин Тенгри иноятн била хотирлар жамъ бўлди. Ушбу ёз Тенгри рост келтурса, албатта, ўзумизни ҳар навъ қилиб еткургумиздур. Аҳмад Афшорға ҳам фармон йиборилди. Фармоннинг ҳошиясида ўз хатим била битиб, Фаридун Қўбузийни тиладим. Ушбу кун пешин симоб емакни бунёд қилдим.

Чаҳоршанба куни, ойининг йигирма бирида бир ҳиндустоний почи Комроннинг ва Хожа Дўст Хованднинг арзадоштларини келтурди. Хожа Дўст Хованд зилҳижжа ойининг ўнида Кобулға бориб, Ҳумоюн қошиға тебраб экандур. Хубёнда Комроннинг кишиси Хожаға борурким, Хожа келсунлар, ҳар неким фармон бўлубтур, еткурсунлар, сўз-унни сўзлашиб борсунлар. Комрон зилҳижжа ойининг ўн еттисида Кобулға келгандур. Хожа била сўзлашиб, Хожа ушбу зилҳижжа ойининг йигирма секкизида Қалъайи Зафарға узотур.

Бу келган арзадоштларда яхши хабарлар эди: Шаҳзода Таҳмосп ўзбакнинг дафъиға азимат қилиб, Рениш ўзбакни Домғонда олиб ўлтуруб, элини қатли ом қилур. Убайдхон қизилбош хабарини таҳқиқ топқоч, Ҳири гирдидин кўпуб, Марвға бориб, Самарқанд ва ул навоҳидаги султонларни Марвға тилар. Мовароуннаҳрдаги султонлар тамом Марвға кўмакка *(346 а)* борурлар.

Бу хабарни ҳам ушбу почи келтурдиким, Ҳумоюннинг ўғли бўлмиш. Ёдгор тағойининг қизидин. Комрон ҳам Кобулда кадхудо бўладур эмиш, тағойиси Султон Али мирзонинг қизини оладур эмиш. Ушбу кун Саййид Дакний Шерозий жибагарға хилъат кийдуруб, инъом қилиб, фавворалик чоҳни буюрдукким, билурича итмомға тегургай.

Одина куни, ойининг йигирма учида ҳарорате баданимда зоҳир бўлди. Андоқким, жумъа намозини масжидта ташвиш била ўтадим, намози

[1091] Л: тушиб қолган.

[1092] Л: «Гуҳаршодбегим» сўзи йўқ.

пешин эҳтиётини қилиб, китобхонада бир замондин сўнг машаққат била ўтадим. Индини,[1093] якшанба куни иситиб, озроқ титрадим.

Сешанба кечаси, сафар ойининг йигирма еттисида ҳазрат Хожа Убайдуллонинг «Волидия» рисоласини назм қилмоқ хотиримға кечти. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул ҳазратнинг мақбули бўлур, худ нечукким, соҳиби «Қасидаи Бурда»нинг қасидаси мақбул тушуб, ўзи афлаж марazидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин қутулуб, назмимнинг қабулиға далиле бўлғусидур. Ушбу ният била «рамали мусаддаси махбун, арзуз ва зарбгоҳи махбуни маҳзуф» *(346 б)* вазнидаким, Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг «Субҳа»си ҳам бу ваздадур, рисола назмиға шуруъ қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди. Илтизом йўсунлуқ, кунда ўн байттин камрак айтилмас эди, ғолибо бир кун тарк бўлди. Ўтган йил ва балки ҳар маҳал мундоқ оризаким бўлди, ақалли бир ой-қирқ кунга тортти. Тенгри иноятти била, ҳазратнинг ҳимматидин, панжшанба куни, ойнинг йигирма тўққузида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин халос бўлдум. Шанба куни, рабиул аввал ойининг секкизида рисола сўзларини назм қилмоғ[1094] ихтитомига етти. Бир кун эллик икки байт айтилди.

Чаҳоршанба куни, ойнинг йигирма секкизида атроф ва жавонибқа черикларга фармонлар йиборилдиким, яқин фурсатта, Тенгри еткурса, черик отланғумиздур. Черик яроғи била бот етиша келсунлар.

Якшанба куни, рабиул аввал ойининг тўққузида Бек Муҳаммад таъликчи келди. Ўтган йил муҳаррам ойининг охирида Ҳумоюнға хилъат ва от элтиб эди.

Душанба куни, ойнинг ўнида Беккина Вайс Лоғарий била Баёншайх отлиқ Ҳумоюнинг бир навкари Ҳумоюннинг қошидин келдилар. Беккина Ҳумоюннинг ўғлининг севинчисига келибтур. Отини Аламон қўюбтур, Шайх Абулважд валодатиға тарих: *(347 а)* «Шаҳи саодатманд»[1095] топибтур. Баёншайх Беккинадин хейли сўнгра чиқибтур. Одина куни, сафар ойининг тўққузида Кишимнинг оёғида Душанба деган ердин Ҳумоюндин айрилибтур. Душанба куни, рабиул аввал ойининг ўнида Аграга келди, жалд келди. Яна бир қатла ҳам ушбу Баёншайх Қалъайи Зафардин Қандаҳорға ўн бир кунда бориб эди. Шаҳзоданинг келганининг ва ўзбакнинг шикаст топқонининг хабарини бу Баёншайх келтурди.

Тафсили будурким, шаҳзода Таҳмосп Ироқдин қирқ минг киши била Рум дастури туфак ва ароба тартиб қилиб, тез-ўқ юруб келиб, Бистом ва Домғонда Рениш ўзбакни олиб, эли била кириб тез-ўқ ўтар. Кепакбийнинг ўғли Қамбар Алини ҳам қизилбош одами босар. Оз-оғлоқ киши била Убайдхон қошиға келур.[1096] Убайдхон Ҳири навоҳийсида туруш яроғини топмай, жамиъ Балх ва Ҳисор ва Самарқанд ва Тошканддаги хон ва султонларға қадаға била кишилар чоптуруб, ўзи Марвға келур, бот-ўқ йиғилурлар. Тошкандтин Суюнчакхоннинг улуғидин кичикроқ ўғли Барок[1097] Султон, Самарқанд ва Миёнколдин Кўчумхон ва Абусаъид Султон ва Пўлод Султон *(347 б)* ва Жонибек Султон ўғлонлари била ва Ҳисордин Ҳамза Султон била Маҳдий Султон*нинг ўғлонлари ва Балхдин Кетин Қаро Султон[1098] ва жамиъ султонлар бот-ўқ бориб, Марвда Убайдхон била мулҳақ бўлурлар. Юз беш минг киши бўлурлар. Буларнинг тилчиси мундоқ хабар келтурурким, шаҳзода Убайдхонни Ҳирининг навоҳисида оз-оғлоқ черик била ўлтурубтур деб, қирқ минг киши била илдам келибтур. Ҳоло бу жамъиятнинг хабарини топиб, Родагон[1099] улангида хандақлаб ўлтурубтурлар. Ўзбаклар бу хабарни топиб, ғанимни кўзга илмай, кенгашни мунга қўярларким, барча хон ва султонлар Машҳадта ўлтурурбиз, бир неча султонни йигирма минг киши била таъйин қилурбизким, қизилбошнинг ўрдусининг навоҳисийда юруб, бошини чиқорғали қўймас. Ақраб бўлғоч, ядачилара буюрурбизким, яда қилғайлар. Ушбу рангда ожизландуруб олурбиз, деб Марвдин кўчарлар. Шаҳзода ҳам Машҳаддин чиқиб, Жом ва Харгирд навоҳисида муқобала бўлурлар. Шикаст ўзбак сори воқиъ бўлур. Қалин султон гирифтор бўлуб, қатлға борур.

Бир хатта худ андоқ битиб эдиларким, Кўчум-

---

[1093] Н: энди.
[1094] Қ: қилмоғи.
[1095] Бу икки сўздаги ҳарфларни «абжад» ҳисоби билан сонга айлантирилса, 934 ҳижрий йил чиқади, милодий йил ҳисобида 1527.

[1096] Н: қошида келтур.
[1097] Л: Борон.
[1098] Қ: тушиб қолган.
[1099] Қ: Зодгон.

хондин ўзга *(348 а)* ҳеч султоннинг таҳқиқ чиққани мушаххас эмас. Черик била бўлғон кишилардин ҳануз киши келмайдур. Ҳисордағи султонлар Ҳисорни ташлаб чиқарлар. Чалмаким, асли оти Исмоилдур, Иброҳим жонийнинг[1100] ўғли, Ҳисор қўрғонида экандур. Ушул Баёншайхдин-ўқ Ҳумоюнға, Комронға хатлар битиб, тез-ўқ ёндурулди.

Одина куни, ойнинг ўн тўртида хат ва китобатлар тайёр бўлуб, Баёншайхқа топшуруб, рухсат берилди. Шанба куни, ойнинг ўн бешида Аградин узади.

Ҳумоюнға битилган хатнинг саводи:

«Ҳумоюнға муштоқлиқлар била соғиниб салом дегач, сўз улким, душанба куни, рабиул аввал ойининг ўнида Беккина била Баёншайх келдилар. Хатлардин ва арзадоштлардин ул юздаги, бу юздаги кайфият ва ҳолот мушаххас ва маълум бўлди.

*Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,*
*Санга фарзанду, манга дилбанде.*

Тенгри таоло мундоқ севинчларни манга ва санга ҳамиша рўзи қилғай, омин ё раббал-оламин. Отини Алъамон қўймишсен. Тенгри муборак қилғай. Вале, бовужудким, ўзунг битибсен, мундин ғофил бўлубсенким, касрати истиъмол била авом Аламо *(348 б)* дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алиф-лом отта кам бўлур. Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилғай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Алъамонни давлат ва саодат била тута бергай.

Тенгри таоло ўз фазл ва карами била бизнинг ишимизни ясайдур. Мундоқ қопу қарнларда топилмас. Яна[1101] сешанба куни, ойнинг ўн бирида арожиф хабар келдиким, Балх эли Қурбонни тилаб Балхқа киюрмишлар.

Яна Комронға, Кобулдағи бекларга фармон бўлдиким, бориб, санга қўшулуб, Ҳисор ё Самарқанд ё ҳар сориғаким салоҳи давлат бўлса, юругайсиз. Тенгрининг иноятни била ёғийларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод ва душманларни нигунсор қилғайсиз, иншооллоҳу таоло. Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздир. Қопуда келган ишни тақсир қилмангиз.

[1100] Н: хонийнинг; Р: жонийнинг.
[1101] Р: басе.

Гаронжонлиқ била коҳиллиқ подшоҳлиқ била рост келмас.

*Жаҳонгире таваққуф бар наёбад,*[1102]
*Жаҳон онро бувад кў беҳ шитобад,*
*Ҳама чизи зи рўи кадхудои-*
*Сукун меёбад илло подшоҳий.*[1103]

Агар Тенгри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агар Тенгри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандта сен ўлтурғил, Ҳисор вилоятини, *(349 а)* иншооллоҳ, холиса[1104] қилғумдур. Агар Комрон Балхни озирғанса, арзадошт қилинг, иншооллоҳ, анинг қусурини ўшал вилоятлардин-ўқ рост қилғумиздур. Яна сен ўзинг билур эдингким, доим бу қоида маръий эди: олти ҳисса санга бўлса, беш ҳисса Комронға бўлур эди. Ҳамиша бу қоидани маръий тутуб, мундин тажовуз қилманг. Яна ининг[1105] била яхши маош қилғайсан. Улуқлар кўтаримлик керак, умидим борки, сен ҳам яхши ихтилот қилғайсан. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит қупубтур, ул ҳам мулозамат ва якжиҳатлиқта тақсир қилмағай.

Яна сендин озроқ гилам бор, бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йили сўнгра келди. Мундоқ бўлурму?

Яна хатларингда ёлғузлуқ, ёлғузлуқким, дебсен, подшоҳлиқта айбдур, нечукким дебтурлар:

*Агар пой банди ризо пеш гир,*
*Ва гар яксувори сари хеш гир.*[1106]

Ҳеч қайде подшоҳлиқ қайдича йўқтур. Подшоҳлиқ била ёлғузлуқ рост келмас. Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл *(349 б)* қилсанг эди, ўқуйолмас эдинг. Ўқуйолмагандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била

[1102] РН: бар натобот.
[1103] «Жаҳонгирлик тўхтаб турмайди, ким яхши тиришса, жаҳон ўшаники бўлади, ҳаётда ҳар бир нарсанинг тўхташи мумкин, аммо подшоҳлик тўхтамайди».
[1104] Қ: хосса.
[1105] Қ: анинг.
[1106] Агар оёғинг банд бўлса, ризони олдингга қўй, агар танда сувора бўлсанг, ўз бошингга бор, яъни жаҳонга боғланган бўлсанг, бошингга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган киши бўлсанг, йўлингдан қолма кета бер.

ўқуса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас, илтифотни «то» била битибсен. Қулунжни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда коҳиллигинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға.

Яна улуқ иш устига борасен, иш кўрган, раъй ва тадбирлиқ беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилғайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинликни ва эл била кам ихтилотлиқни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрлариға қўймай, қошингға чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз-унга қарор бергайсен.

Яна Хожа Калон, менинг била густохона ихтилот қила ўрганиб эди, сен *(350 а)* доғи, нечукким мен Хожа Калон била ихтилот қилур эдим, ўшундоқ ихтилот қилғайсен. Агар Тенгри иноятти била ул сорилар иш озроқ бўлса, Комронға эҳтиёж бўлмаса, Комрон Балхта мазбут кишиларни қўюб, ўзи менинг қошимға келсун.

Яна мунча фатҳ ва зафарлар Кобулда эканда бўлди, Кобулни шугун тутубтурмен, ани холиса қилдим. Ҳеч қайсингиз тамаъ қилмағайсиз.

Яна яхши борибсен, Султон Вайснинг кўнглини олибсен, ани қошингға келтуруб, анинг раъйи била амал қилғайсенким, иш билур кишидур. Черикни яхши йиғиб юргайсен. Оғиз сўзларидин Баёншайх соҳиб вуқуфдур, маълум бўлғусидур, деб муштоқлиқлар била салом. Панжшанба куни, рабиул аввал ойининг ўн учида битилди».

Комронға ва Хожа Калонға доғи ушбу мазмун била ўз илгим била хатлар битиб йибордим.

Чаҳоршанба куни, ойининг ўн тўққузида мирзолар ва султонлар, турк ва ҳинд умаросини чарлаб, машварат қилиб, сўзни мунга қуюлдиким, бу йил худ, албатта, бир сори черик юрумак керак. Ўзумиздин бурунроқ Аскарий Пурабқа[1107] мутаважжиҳ бўлғай. Ганг дарёсидин нариғи салотин ва умаро черiклари била Аскарийға келиб қўшулуб, ҳар сориғаким, салоҳи давлат бўлса, азимат қилғайлар.

Бу кайфиятларни битиб, шанба куни, ойининг *(350 б)* йигирма иккисида ўн олти кунлик булжор била Ғиёсиддин қўрчини Султон Жунайд барлос бошлиқ Пураб умаросиға чоптурулди. Оғиз сўзлари бу бўлдиким, зарбзан ва ароба ва туфак уруш асбоб ва олотидур, булар тайёр бўлғунча, ўзумиздин илгаррак Аскарийни йиборилди. Гангнинг нари[1108] юзидаги жамиъ салотин ва умароға фармон бўлдиким, Аскарий қошиға йиғилиб, ҳар сориға салоҳи давлат бўлса, Тенгри иноятти била мутаважжиҳ бўлғай. Андағи давлатхоҳлар била машварат қилинг. Агар манга эҳтиёжлиқ иш бўлса, ушбу мийод била борғон киши келгачўқ бетаваққуф, иншооллоҳу таоло, отланғумдур. Агар Бангалий якжиҳатлиқ ва ихлос мақомида бўлса ва ул орада манга эҳтиёж бўлғудек иши бўлмаса, ани ҳам шарҳ била арзадошт қилинг. Боқиб турубёт бўлмас, ўзга сори азимат қилғумдур. Сизлар давлатхоҳларнинг машварати била, Аскарийни олиб юруб, андағи ишларга Тенгри таоло иноятти била файсал бергайсиз.»

Шанба куни, рабиул аввал ойининг йигирма тўққузида Аскарийға мурассаъ камар ханжар била, подшоҳона хилъат кийдуруб, алам ва туғ ва нақора ва тавила тупчоқ ва ўн фил ва қатор тева ва қатор хачир, *(351 а)* подшоҳона асбоб ва олот инъом бўлди, ҳукм бўлдиким, девон бошида ўлтурғай. Муллосиға ва икки аткасига тугмалик чакманлар ва яна ўзга навкарлариға уч тўққуз тўн инъом бўлди.

Якшанба куни, ойининг салхида Султон Муҳаммад бахшининг уйига бордим, пойандоз солиб, сочиқ киюрди. Нақд ва жинсдин икки лакдин кўпрак нима пешкаш қилди. Ош ва пешкаш тортилғондин сўнг яна бир ҳужрасиға бориб, ўлтуруб, маъжун едук. Андин уч паҳарда чиқиб, сувдин ўтуб, «Хилватхона» келилди.

Панжшанба куни, рабиул охир ойининг тўртида мундоқ муқаррар бўлдики, Аградин Кобулғача Чақмоқбек Шоҳий тамғочининг нависандалиғи била таноб урғай. Ҳар тўққуз куруҳ манор кўпорғайларким, манорнинг баландлиғи ўн икки қари бўлғай. Устида бир чордара кўпорғайлар. Ҳар ўн секкиз куруҳда олти ём оти боғлағайлар. Ёмчи

[1107] Қ: Пурубқача.

[1108] Л: нори.

ва сайисга улуфа ва отларға алиқ таъйин бўлғай. Андоқ фармон бўлдиким, бу ём оти боғлатур ер агар бир холисаға ёвуқ бўлса, бу мазкур бўлғонларни андин саранжом қилсунлар, йўқ эрса, ҳар бекнинг парганасига воқиъ бўлса, анинг уҳдасида қилсунлар. Ушбу кун Чақмоқ била Шоҳий Ағрадин чиқтилар. Бу куруҳларни мил била мувофиқ таъйин қилилди. Нечукким, «Мубаййин»-да[1109] мазкурдур:[1110]

*(351 б) Тўрт мингдур қадам била бир мил,*
*Бир куруҳ они Ҳинд эли дер бил.*
*Дедилар бир ярим қари бир қадам,*
*Ҳар қари билки, бордур олти тутам.*
*Ҳар тутам тўрт элик, яна ҳар элик*
*Олти жав арзи бўлди, бил, бу билик.*

Паймойиш танобини бу мазкур бўлғон бир ярим қари билаким, тўққуз тутам бўлғай, қирқ қари таъйин қилилдиким, юз таноби бир куруҳ бўлғай.

Шанба куни, ойнинг олтисида туй бўлди. Қизилбош ва ўзбак ва ҳиндуларнинг элчилари бу туйда бор эдилар. Қизилбош элчиларни ўнг қўлда, етмиш-сексон қари йироқроқ шомиёна барпой қилиб, ўлтурғузулди. Фармон бўлдиким, беклардин Юнус Али қизилбошлар била ўлтурғай. Сўл қўлда ҳам ушбу дастур билан ўзбак элчилари ўлтуруб, беклардин Абдуллоҳға фармон бўлдиким, булар била ўлтурғай. Мен янги солғон мусамман хаспўш толорнинг шимолий зилъида ўлтурдум, ўнг қўлумда беш-олти қари — Тўхта Буға Султон ва Аскарий ва Ҳазрати Хожанинг авлоди Хожа Абдушшаҳид ва Хожа Калон ва Хожа Ҳусайний[1111] ва Халифа ва яна Самарқандтин келган хожаларнинг тавобии ҳофиз ва муллолар ўлтурдилар. Сўл қўлумда беш-олти *(352 а)* қари — Муҳаммад Замон мирзо ва Тонготмиш Султон ва Саййид Рафиъ ва Саййид Румий ва Шайх Абулфатҳ ва Шайх Жамолий ва Шайх Шиҳобиддин араб ва Саййид Дакний ўлтурдилар. Жамиъ салотин ва хавонин ва акобир ва умаро ошдин бурун қизилдин, оқтин, қорадин, рахттин, жинстин сочиқлар киюрдилар. Буюрдимким, олимда зайлуча солдилар. Қизил ва оқни бу зайлуча устига тўктилар. Рахт ва оқ парча ва бадраларни ҳам қизил ва оқнинг ёнида тўда қилдилар.

Ошдин бурунроқ сочиқ киюрур[1112] асносида маст теваларни ва филларни ўтрудаги оролда урушқа солдилар. Бир неча қўчқор ҳам уруштурдилар. Булардин сўнг куштигирлар кушти туштилар.

Улуғ ош тортилғондин кейин, Хожа Абдушшаҳид била Хожа Калонға ўрмак[1113] абралик киш жуббалар муносиб хилъатлар била кийдурулди. Мулло Фаррух ва Ҳофиз бошлиқ била келганларига чакманлар кийдурулди. Кўчумхоннинг элчисига ва Ҳасан Чалабийнинг инисига ҳам қумош бошлик тугмалик киш жуббалар фарохўрий хилъатлар иноят бўлди. Абусаъид Султоннинг ва Меҳрибон хонимнинг ва ўғлининг, Пўлод Султоннинг элчиларига ва Шоҳ Ҳасаннинг элчисига тугмалик чакманлар, қумош тўнлар *(352 б)* инъом бўлди. Икки хожаға ва икки улуғ элчигаким, Кўчумхоннинг навкари ва Ҳасан Чалабийнинг иниси бўлғай, кумуш тоши била олтун ва олтун тоши била кумуш тортилиб, инъом бўлди. Олтун тоши беш юз мисқолдурким, Кобул тоши била бир сер бўлғай, кумуш тоши икки юз эллик мисқолдурким, Кобулнинг ярим сери бўлғай. Хожа Мир Султонға ва ўғлонлариға ва Ҳофиз Тошкандий ва Мулло Фаррух бошлиқ Хожанинг мулозимлариға ва ўзга элчиларға ҳам олтундин, кумушдин таркаш била инъомлар бўлди. Ёдгор Носирға камар ханжар инъом бўлди. Яна Мир Муҳаммад жолабонға Ганг дарёсиға яхши кўпрук боғлағони учун муставжиби иноят бўлуб эди, бу Мир Муҳаммадға ва яна туфакандозлардин паҳлавон Ҳожи Муҳаммад ва паҳлавон Баҳлул ва Вали Порсийға якка ханжар иноят бўлди. Устод Алиқулининг икки ўғлига ҳам ханжар инъом бўлди. Яна Саййид Довуд Гармсерийға қизилдин, оқдин инъом бўлди. Яна қизим Маъсуманинг ва ўғлум Ҳиндолнинг навкарларига тугмалик чакманлар ва қумош хилъатлар инъом бўлди. Яна Андижондин ва бевилоят ва беватан юрган ерларимиз ва Сўх ва Ҳушёрдин келганларга чакманлар ва қумош хилъатлар ва олтундин ва кумушдин, рахтдин, жинсдин инъомлар бўлди. Қурбон

[1109] Бобурнинг ислом дини асосларини баён қилиб ёзган асари.
[1110] Н: дурур.
[1111] Л: Хожа Чоший.
[1112] Қ: кетирур.
[1113] Қ: ўзбак.

била Шайхнинг навкарларига ва Кохмард *(353 а)* раоёсиға ҳам ушбу дастур била иноятлар бўлди.

Ош тортилғондин сўнг фармон бўлдиким, Ҳиндустонни бозигарлари келиб, ўюнларини кўрсатгайлар. Лўлилар келиб, ишларини кўрсаттилар. Ҳиндустон лўлилари баъзи ишларе кўрсатурларким, ул вилоятларнинг лўлиларидин кўрулмайдур эди. Ул жумладин бири будуркимки, етти ҳалқани пешонасиға ва икки тизига таъбия қилиб, яна тўрт ҳалқани иккини икки илик бармоғи била ва иккини икки оёғи бармоғи била тез ва бедаранг эвурадур. Яна бири букимки, рафтори товус йўсунлуқ бир илигини ерга қўюб, бир илиги ва икки оёғи била уч ҳалқани тез ва бедаранг эвурадур. Яна бири букимки, ул вилоят лўлилари икки йиғочни оёғлариға боғлаб «пойи чўбин» қилиб, йўл юрурлар. Ҳиндустон лўлилари бир йиғоч била «пойи чўбин» қилиб, йўл юруйдурлар, оёғлариға ҳам боғламайдурлар. Яна бири букимки, икки лўли бир-бирини тутушуб, ул вилоятларда икки турлук муаллақ борурлар, Ҳиндустон лўлилари бир-бирларини тутушуб, уч, тўрт турлук муаллақ борадурлар. Яна бири букимки, олти-етти қари йиғочнинг тубини бир лўли белига қўюб, йиғочни тик тутуб турадур, яна бир лўли бу йиғочқа чиқиб, *(353 б)* йиғоч устида ўюнлар ўйнайдур. Яна бири букимки, бир кичик лўли яна бир улуғ лўлининг бошиға чиқиб, тик турадур, қуйиғи лўли ул сари, бул сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул лўлининг бошининг устида тип-тик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур. Қалин потрлар[1114] ҳам келиб, раққослиқ қилдилар.

Намози шомға яқин қизилдин, оқдин, қорадин ғалаба сочилди. Ғариб ғавғо ва издиҳоме бўлди. Намози шом била намози хуфтан орасида беш-олти махсусларни қошимға ўлтурғуздум. Бир паҳардин кўпроқ ўлтурулди. Тонгласи икки паҳарда кемага ўлтуруб, «Ҳашт биҳишт»ға келилди.

Душанба куни, Аскарийким, сафар қилиб чиқиб эди, келиб ҳаммомда рухсат олиб, Шарққа кўчди. Сешанба куни Дўлпурда буюрғон ҳавз ва чоҳ иморатларини кўра бордим. Бир паҳар ва бир гарийда боғдин отландим. Кечанинг аввалғи посидин беш гарий бўлуб эдиким, Дўлпур боғиға борилди.

Панжшанба куни, ойнинг ўн бирида сангин чоҳ ва йигирма олти тош тарнов ва тош сутун ва якпора қиёдин қазилғон ариғлар тайёр бўлиб, ушбу куннинг уч паҳаридин чоҳдин сув тортмоқ бунёд бўлди. Дўлпурда иш *(354 а)* қиладурғон сангтарош ва дурудгар ва жамиъ муздурларға Аградағи устодкорлар, муздурлар дастури била инъомлар бўлди. Чоҳ суйи иди учун эҳтиётқа буюрулдиким, ўн беш кеча-кундуз тинмай чархин эвуруб, сув тортқайлар.

Одина куни, аввалғи паҳарға бир гарий қолиб эдиким, Дўлпурдин отланилди. Офтоб ҳануз ўлтурмайдур эдиким, дарёдин кечилди.

Сешанба куни, ойнинг ўн олтисида қизилбош била ўзбакнинг урушида бор киши Дэв Султоннинг навкари келди. Андоқ тақрир қилдиким, Жом ва Харгирд навоҳисида ошур куни туркман била ўзбакнинг масофи воқиъ бўлур. Фарз вақтидин намози пешингача урушурлар. Ўзбак кишисини уч юз минг бор эди, деди. Туркман қирқ-эллик минг киши экандур. Қорасини юз минг киши ченади. Вале ўзбак ўзининг кишисини юз беш минг киши дерлар эди. Қизилбош одами Рум дастури била ароба ва зарбзан ва туфакандоз тартиб қилиб, ўзини беркитиб урушур. Икки минг ароба, олти минг туфакандоз бор экандур. Шаҳзода ва Жуҳа[1115] Султон йигирма минг ўбдон йигит била аробанинг ичида турар, ўзга бекларни аробадин ташқари буронғор ва жавонғор *(354 б)* ясар, ўзбаклар етган била ташқариғи кишини босиб, тушура-тушура олиб-ўқ тебрарлар. Орқага эврулуб, тева ва партол ўлжа қилурлар. Охир, аробанинг ичидагилар занжирни очиб чиқарлар. Мунда ҳам зарб уруш бўлур. Ўзбак уч қатла ёндура солур. Тенгри таоло иноятн бўлуб, ўзбакни босарлар. Кўчумхон, Убайдхон, Абусаъид Султон бошлиқ тўққуз султон гирифтор бўлур. Бир Абусаъид Султон тирик эмиш, ўзга секкиз султон мақтул бўлур. Убайдхоннинг бошини топмаслар, танасини топарлар, ўзбактин эллик минг киши ва туркмандин йигирма минг киши қатлға борур.

Ҳам ушбу кун Ғиёсиддин қўрчиким, ўн олти кунлуқ булжор била Жунпурға бориб эди, келди. Султон Жунайд алар Харидқа черик борғондурлар. Бу Харидқа борғон жиҳатдин булжорға ети-

---

[1114] Қ: потурлар.

[1115] Қ: Шаҳзода ва Хожа.

ша олмас. Султон Жунайд оғиз сўзи муни дебтурким, шукр-шукр Тенгри иноятидин бу тарафлар подшоҳ мутаважжиҳ бўлғунча иш кўрунмайдур. Мирзо келсалар, бу навоҳидаги салотин ва хавонин ва умароға фармон бўлсаким, мирзо қадамида мутаважжиҳ бўлсалар. Умид борким, бори ишлар осонлиқ била муяссар бўлғай.

*(355 а)* Агарчи Султон Жунайдтин мундоқ жавоб келди. Вале Мулло Муҳаммад музаҳҳибниким, Сангаайи кофирнинг ғазвидин сўнг Бангалаға элчиликка йиборилиб эди, букун тонгла келур дейдурлар[1116] эди, анинг хабариға ҳам боқилди.

Одина куни, ойнинг ўн тўққузида маъжун еб, бир неча махсуслар била «Хилватхона»да ўлтуруб эдим, Мулло Муҳаммад музаҳҳиб охшомиғаким, шанба кечаси бўлғай, келиб мулозамат қилди. У тарафдаги кайфиятни бир-бир сўруб, маълум қилдукким, Бангалий итоат ва якжиҳатлиқ мақоминда эмиш.

Якшанба куни турк ва ҳинд умаросини «Хилватхона»да чарлаб кенгаштук. Бу сўзлар ораға тушмтиким, Бангалий элчи йибориб, итоат ва якжиҳатлиқ мақомида эмиш. Бангалаға бормоқ худ бесураттур. Агар Бангала борилмаса, ул навоҳийда[1117] бир хизоналиқ ер йўқтурким, черик элига мададе бўлғай. Ғарб тарафида баъзи ерлар бор, ҳам ёвуқдур ва хизонаси бордур.

*Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ,*
*Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ.*

Охир сўз мунга қарор топтиким, ғарб тарафи борур йўлимиз чун ёвуқтур, бир неча кун таваққуф қилиб, шарқ тарафидин хотирни жамъ қилиб *(355 б)* борилса ҳам бўлур. Яна Ғиёсиддин қўрчини йигирма кунлук мийод била Пураб[1118] умаросиға фармонлар битиб чоптурулдиким, бори салотин ва хавонин ва умароким, Ганг суйининг нари юзидатурлар, Аскарийнинг қошиға йиғилиб, бу ёғийларнинг устига юругайлар. Бу фармонларни еткуруб, ҳар не онда бўлғон хабарни топиб олиб, мийодқа ета келгай.

Ушбу айёмда Муҳаммадий кўкалдоштин арзадошт келдиким, Балўч яна келиб, баъзи ерларни чопти.

[1116] Қ: дейлар эди.
[1117] Қ: навоҳисида.
[1118] Н: юруб.

Бу маслаҳат учун Чин Темур Султонни таъйин қилилдиким, Саҳринд ва Саманадин нариғи беклар, мисли: Одил Султон, Султон Муҳаммад дўлдой, Хисрав кўкалдош, Муҳаммад Али жанг-жанг, Абдулазиз мироҳўр, Сайййд Али, Вали Қизил, Қароча, Ҳалоҳил, Ошиқ бакавул, Шайх Али, Катта, Гужурхон, Ҳасан Али Савадий бошлиқлар султон қошиға йиғилиб, олти ойлиқ яроқ била Балўч устига юругайлар. Султоннинг жор ва ясоғига ҳозир бўлуб, йўллуқ, тўралиқ сўзидин чиқмағайлар. Бу фармонни еткургали Абдулғаффор тавочи таъйин бўлди. Андоқ муқаррар бўлдиким, аввал Чин Темур Султонға бу фармонларни тегургай. Андин ўтуб, мазкур бўлғон бекларга фармонни *(356 а)* кўрсатиб, не ердаким, Чин Темур Султон булжор қилғон бўлса, борчани чериги била анда ҳозир қилғай, Абдулғаффор ҳам ўзи бу черикда бўлғай. Ҳар кимдин сустлуқ ва беиҳтимомлиқ зоҳир бўлса, арзадошт қилғай. Ўшал тақсир қилғонни муча чаргасидин узатиб, вилоят ва парганасидин йираткайбиз. Бу фармонларни топшуруб, оғиз сўзларини туйтуруб, Абдулғаффорға рухсат берилди.

Якшанба кечаси, ойнинг йигирма секкизида уч паҳар ва олти гарийда Жуундин ўтуб, Дўлпурда Нилуфар боғиға мутаважжиҳ бўлдуқ. Якшанба кунидин уч паҳар ёвушуб эдиким, боғқа келдук. Боғнинг атроф ва жавонибида бекларга ва ичкиларга ерлар, юртлар таъйин бўлдиким, ўзлари учун иморатлар ва боғлар солғайлар.

Панжшанба куни, жумодиул аввал ойининг учида боғнинг шарқи-жанубий тарафида ҳаммомға ер таъйин қилиб, ҳаммом ерини тузаттилар. Буюрдумким, бу тузалган ерда ҳаммомнинг курсисини қўпорғондин сўнг, ҳаммом тарҳини солғайлар. Бу ҳаммомнинг бир уйида даҳи-дардаҳ ҳавз буюрдум.

Ушбу куни Қози Жийанинг ва Бирсинг Дэвнинг арзадоштларини Аградин *(356 б)* Халифа йиборибтур. Биҳарни Секандарнинг ўғли Маҳмуд олғон эмиш. Бу хабар келгач, черик отланмоқини жазм қилиб, тонгласи одина куни олти гарийда Нилуфар боғидин отланиб, Намози шом Аграга келилди. Муҳаммад Замон мирзо Дўлпурға борадур экандур, йўлда учради. Чин Темур Султон ҳам ушбу кун Аграга келиб экандур.

Тонгласи, шанба куни кенгаш бекларини тилаб, панжшанба куни, ойнинг ўнида Пураб сари отланмоққа сўзни қарор берилди.

Ҳам ушбу шанба куни Кобулдин хат ва хабар келдиким, Ҳумоюн ул юзларнинг черикини йиғиб, Султон Вайсни ўзига қўшуб, қирқ-эллик мингча киши била Самарқанд устига азимат қилибтур. Ҳисорға Султон Вайснинг иниси Шоҳқули бориб кирибтур. Турсун Муҳаммад Султон Тирмизтин юруб, Қабодиённи олиб, кўмак тилабтур. Ҳумоюн Тулак кўкалдошни ва Мир Хурдни қалин киши била ва бўлғон муғуллар била Турсун Султонға кўмак йибориб, ўзи ҳам аларнинг сўнгича мутаважжиҳ бўлубтур.

Панжшанба куни, жумодиул аввал ойининг ўнида уч гарийдин сўнг Пураб азимати била сафар қилиб, Жалесар кентидин юққорироқ *(357 а)* кема била Жуундин кечиб, «Зарафшон» боғиға келдим. Андоқ фармон бўлдуки, туғ ва нақора ва тавила ва жамиъ черик эли боғнинг ўтрусида сувнинг ул юзига тушғай. Кўринишга келур киши кема била кечиб келгайлар.

Шанба куни, Исмоил Митааким,[1119] Бангала элчиси эди, Бангалийнинг пешкашларин келтуруб, Ҳиндустон дастури била мулозамат қилди. Бир газ отими ер келиб, таъзим қилиб ёнди. Муътодий хилъатким, сермўйна дерлар, кийдуруб, келтурдилар. Бизнинг дастур била уч юкунуб келиб, Нусратшоҳнинг арзадоштини берди. Келтурган пешкашларни ўткариб, мурожаат қилди.

Душанба куни Хожа Абдулҳақ келдилар. Кема била сувдин кечиб, Хожанинг чодирлариға бориб, мулозамат қилдим.

Сешанба куни Ҳасан Чалабий келиб, мулозамат қилди. Черик жабдуғининг маслаҳатиға неча кун Чорбоғда таваққуф қилилди.

Панжшанба куни, ойнинг ўн еттисида уч гарийдин кейин андин кўчулди. Мен кемага кириб бордим. Унвар[1120] кентигаким, Аградин етти куруҳдур, тушулди.

Якшанба ўзбак элчиларига рухсат берилди. Кўчумхоннинг элчиси Амин *(357 б)* мирзоға камар ханжар ва зарбофт ялак ва етмиш минг танга инъом бўлди. Абусаъид Султоннинг навкари Мулло Тағойиға ва Меҳрихоним[1121] била ўғли Пўлод Султоннинг навкарлариға тугмалик чакманлар била қумош хилъатлар кийдурулди. Буларнинг ҳам фарохўр ҳоллари нақддин инъом бўлди.

Тонгласиға, Хожа Абдулҳаққа Аграда турмоққа ва Хожа Калон Хожа Яҳёнинг набирасигаким, ўзбак хон ва султонларидин рисолат тариқи била келиб эдилар, Самарқанд бормоққа рухсат бўлди.

Ҳумоюннинг ўғли бўлғонининг таҳниятиға ва Комроннинг кадхудолиғининг таҳниятиға Мирзойи Табризийни ва Мирзобек тағойини ўн минг шоҳрухий сочиқ била йиборилди. Ўзум кийган тўн ва боғлағон камар ҳар икки мирзоға йиборилди. Мулло Биҳиштийдин Ҳиндолға мурассаъ камар ва ханжар ва мурассаъ давот ва садафкорлиқ сандали ва кийган нимча ва тагбанд ва «Бобурий хати»нинг муфрадотини йиборилди. Яна «Бобурий хати» била битилган китъалар йиборилди. Ҳумоюнға, таржиманиким, Ҳиндустонға келгали айтқон ашъорни йиборилди.[1122] Ҳиндолға ва Хожа Калонға ҳам таржима ва ашъор йиборилди. Мирзобек тағойидин ҳам Комронға таржима ва Ҳиндка келгали айтқон ашъор ва «Бобурий хати» била битилган сархатлар йиборилди.

Сешанба куни Кобулға борур кишиларга хатлар битиб, рухсат бериб, Мулло Қосим ва устод Шоҳ Муҳаммад сангтарош ва Мирак Мирғиёс *(358 а)* ва Мир сангтарош ва Шоҳ Бобойи белдорға Аграда ва Дўлпурда қилур иморатларни хотирнишон қилиб, буларнинг ўҳдасиға қилиб, рухсат берилди.

Бир паҳар ёвушуб эдиким, Унвардин отланилди. Охир намози пешин Чандварнинг бир курўҳида Абапур отлиқ кентга тушулди. Панжшанба охшоми Абдулмулук қўрчини Ҳасан Чалабийға қўшуб, шоҳға ва Чопуқни ўзбак элчилари била хонлар ва султонларға йиборилди.

Кечадин тўрт гарий қолиб эди,[1123] Абапурдин кўчуб, мен тонг бошида Чандвар қошидин келиб, кемага кирдим. Намози хуфтанда Раприйнинг олдидин кемадин чиқиб, ўрдуға келдим. Ўрду Фатҳпурда тушуб эди, Фатҳпурда бир кун туруб, шанба саҳари вузу қилиб, отланиб, Раприйнинг ёвуғида намози бомдодни жамоат била ўтадук. Мавлоно Маҳмуд Форобий имом эдилар. Офтоб

[1119] Р: Митоким.
[1120] Н: Алвар.
[1121] Н: Меҳри; Қ: Меҳрибоний; Р: Меҳрибон.

[1122] Л: тушиб қолган.
[1123] Р: эдики.

тулуида Ҏаприйнинг улуғ тукайининг куйисидин кемага кирилди. «Таркиб хати» била таржима битар учун букун ўн бир сатрлиқ мистар боғладим. Ушбу кун аҳлуллоҳнинг сўзларидин кўнглумға танбиҳе бўлди.

Ҏаприй парганаларидин Жакийн отлиқ паргана тўғрисида кемаларни ёқаға тортиб, ул охшом кемада-ўқ бўлдук. Андин субҳдин бурунроқ *(358 б)* кемаларни юрутуб, орада намози бомдодни ўтадук. Кемада эдимки, Султон Муҳаммад бахши Хожа Калоннинг навкари Шамсиддин Муҳаммадни олиб келди. Хатларидин ва тақриридин Кобулдағи кайфият ва ҳолот мушаххас ва маълум бўлди. Маҳдий Хожа ҳам кемада экандa келдилар. Эрта, намози пешин Итаъванинг олидағи сувнинг нари юзидағи боғқа чиқиб, Жўнда ғусл қилиб, зуҳр адо қилдим. Намоз ўтаган ердин Итаъва сарироқ келиб, ушбу боғнинг дарахтларининг соясида бир баланди устидаким, сувға мушриф эди, ўлтуруб, йигитларни шуҳлуққа солдук. Маҳди Хожа буюрғон таом мунда тортилди. Намози шомда сувдин ўтуб, намози хуфтан ўрдуға келдим. Черикнинг йиғилури учун ва Шамсиддин Муҳаммаддин Кобулдағиларға хатлар битилур учун икки-уч кун ул юртта тавaққуф бўлди.

Чаҳоршанба куни, жумодиул аввал ойининг салхида Итаъвадин кўчуб, секкиз куруҳ келиб, Мурий ва Адусаға тушуб, Кобулға борур баъзи қолғон хатларни бу юртта битилди. Ҳумоюнға бу мазмунни битилдиким: «Агар ҳолоғача муътаддун биҳ ише бўлмайдур, худ ўғри била қароқни манъ қилғил, ораға тушган сулҳ ишини барҳам урмасун. Яна бу эди *(359 а)* ким, Кобул вилоятини холиса қилдим, ўғлонлардин ҳеч ким тамаъ қилмағайсиз. Яна Ҳиндолни тилаб эдим. Яна Комронға Шаҳзода била яхши омаду рафт риоят қилмоғлиғи ва Мўлтон вилоятини ўзига иноят қилмоғлиғи ва Кобул вилоятининг холиса бўлури, кўч ва уруқнинг келурини битилиб эди. Яна баъзи кайфият Хожа Калонға битилган хаттин маълум бўлур учун ўшал хатнинг саводини бетафовут битилди:

Хожа Калонға салом дегач, сўз улкум, Шамсиддин Муҳаммад Итаъваға келди. Кайфиятлар маълум бўлди. Бизнинг эҳтимомимиз ул сарилар бормоққа беҳад ва беғояттур. Ҳиндустон ишлари ҳам бир навъ сомон топиб келадур. Тенгри таолодин умид андоқдурким, бу оранинг иши Тенгри таоло инояти била бот саранжом топғай. Бу иш забтидин сўнг бетаваққуф, Тенгри еткурса, мутаважжиҳ бўлғумдур. Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай. Алалхусус мундоқ тойиб ва торик бўлғонда қовун ва узумдек машруъ ҳазни киши не тавр хотирдин чиқарғай. Бу фурсатта бир қовун келтуруб эдилар, кесиб егач, ғариб таъсир қилди. Тамом йиғлаб эдим, Кобулнинг номарбутлуғини *(359 б)* битилиб эди, ул бобта андиша қилиб, охир хотир мунга қарор топтиким, етти-секкиз ҳоким бир вилоятта бўлса, не тавр марбут ва мазбут бўлғусидур. Бу важҳдин[1124] эгачимни ва ҳaрамларни Ҳиндустонға тиладим. Жамиъ Кобул вилоят ва қуроётини холиса қилдим. Ҳумоюнға ва Комронға ҳам бу мазмунни машруҳ битидим. Бир ўбдон киши ул хатларни мирзоларға элтсун. Мундин бурун ҳам ушбу мазмунни мирзоларға битиб йиборib эдим, шояд, маълум бўлди эркин. Эмди ул вилоятнинг забтида ва иморатида ҳеч узр ва сўз қолмади.

Мундин сўнг агар қурғон номазбут ё раият номаъмур бўлса, ё захира бўлмаса, ё хазина тўлмаса, ул умдатул-мулкнинг бемуҳасиллиғиға ҳамл бўлғусидур. Баъзи заруриёткім, мастур бўлғусидур, баъзисиға фармон ҳам борибтур. Булардин ортқон хазина бўлсун. Заруриёт булардур: аввал қурғоннинг марамматиға, яна захира, яна келур-борур элчи буйланинг улуфа ва қўналғаси, яна масжиди жумъанинг иморати ёрмоғини молдин олиб, шаръий қилиб сарф қилсунлар. Яна корвонсаро ва ҳаммомларнинг мараммати, яна аркта Устод Ҳасан Али қилғон пишиқ хишт била нимкора иморатнинг итмоми, бу иморатни *(360 а)* Устод Султон Муҳаммад била машварат қилиб, муносиб тарҳ била буюрулсун. Агар устод Ҳасан Али тортқон бурунғи тарҳ бордур, худ ўшандоқ-ўқ тамом қилсун, йўқ эрса, иттифоқ била бир ширин тарҳлиқ иморат солсун. Андоқким, саҳни девонхона саҳни била баробар бўлғай. Яна Хурд Кобулнинг бандиким, тангининг Хурд Кобул сари чиқарида Бутҳоқ суйиға боғлағулуқтур. Яна Ғазнининг бандининг мараммати, яна Боғи Хиёбон ва хиёбон. Яна бу боғнинг суйи оздур, мунга бир тегирмон суйи сотқун[1125] олиб, келтурмак керак. Яна Хожа Бастанинг ғарби-жануб тарафида Ту-

---

[1124] Н: бу жох; Қ: таважжух; Ҏ: Жиҳат.
[1125] Қ: Сотқун.

тум дара сувини бир пушта устига келтуруб ҳавз қилиб, ниҳоллар тиктуруб эдим. Гузаргоҳнинг муқобаласида тушган учун ва яхши мадди назари бор учун, «Назаргоҳ»ға мавсум бўлиб эди, мунда ҳам яхши ниҳоллар тикмак керак. Тарҳ била чаманлар қилиб, чаманлар атрофида хушранг ва хушбўй гул ва раёҳин тикмак керак.

Яна Саййид Қосим ҳам кўмак таъйин бўлди. Яна туфакандозлар била устод Муҳаммад Амин жибачининг аҳволидин ғофил бўлманг. Яна бу хат етгач-ўқ эгачимни ва ҳарамларни бот чиқариб, Нилобқача *(360 б)* бадрақа бўлуб келинг. Керакким, ушбу хат етгач, ўшул ҳафтада ҳар неча кеч қолсалар, албатта, чиқсунлар. Не учунким, Ҳиндустондин борғон черик тор ерда танқислиқ ҳам тортарлар, вилоят ҳам хароб бўлур.

Яна Абдуллоға битилган китобатта мастур эдиким, тавба водийсида мувофақат дағдағаси кўп бўлуб эди, бу рубоий андаке мониъ бўлди:

*Май таркини қилғали паришондурмен,*
*Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.*
*Эл борча пушаймон бўлуру тавба қилур,*
*Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*



Биноийнинг зарофат қилғони хотирға келди: бир кун Алишербек қошида Биноий зарофате қилур. Алишербек тугмалик чакман кийган экандур. Деркимː «Нағз зарофате карди, чакманро медодам, вале тугмаҳо намемонд ва монеъ аст». Биноийи деркимː «Тугмаҳо чи монеъ аст, бодигиҳо монеъ аст». (Вал-уҳдату аларрови). Маъзур тутунг. Мунча зарофатким бўлди, Тенгри учун хотирингизга кечурманг.

Яна ул рубоий ўтган йил айтилиб эди. Филвоқиъ бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзу ва иштиёқи беҳад ва ғоят эди, андоқким, чоғир иштиёқидин борлар йиғламоқ сарҳадиға етар эдим. Бу йил, алҳамдулиллоҳ, ул дағдаға тамом хотирдин рафъ бўлди. Ғолибо, таржимани назм қилмоғининг *(361 а)* юмн ва баракатидин эди экин. Сиз ҳам тавба қилинг. Суҳбат ва чоғир ҳамсуҳбат ва ҳамкоса била хуштурким, била суҳбат тутқайсизким, била чоғир ичгайсиз. Агар ҳамсуҳбат, ҳамкоса Шераҳмад ва Ҳайдарқулидур, худ бу тавбанинг хейли ашколи йўқтур, деб орзумандлиқ била салом.

Панжшанба куни, жумодиул охир ойининг ғуррасида битилди».

Бу насиҳатомиз сўзлар битир маҳалда манга бисёр таъсир қилди. Бу хатларни Шамсиддин Муҳаммадқа топшуруб, оғиз сўзларин туйдуруб, одина кечаси рухсат берилди.

Одина куни секкиз куруҳ келиб, Жумандунаға тушулди. Кетин Қаро Султоннинг навкариким, элчиликка келган Камолиддин Қиёқ отлиқ навкарига йиборіб эди, сарҳад бекларининг маош ва ихтилотидин ва қароқ ва ўғрининг шиква ва шикоятидин Қиёққа нималар битиб эди, қиёқлар ул келган кишини мунда йиборіб эди, Қиёққа рухсат бериб, сарҳад бекларига фармон бўлдиким, қароқ ва ўғрини манъ қилиб, яхши маош ва ихтилот қилғайлар. Бу фармонларни Кетин Қаро Султондин келган кишига топшуруб, ушбу юрттин ижозат берилди.

Шоҳқули деган Ҳасан Чалабийдин келиб, уруш кайфиятларини арз қилиб эди, *(361 б)* бу Шоҳқулидин Шоҳга хат битиб, Ҳасан Чалабийнинг кеч қолғонининг узрини бутуб, одина куни, ойнинг иккисида рухсат берилди[1126].

Шанба куни секкиз куруҳ келиб, Калпий парганаларидин Какура ва Чачавалийда[1127] тушулди.

Якшанба куни, ойнинг тўртида тўққуз куруҳ келиб, Калпий парганаларидин Дийдапур отлиқ парганада бошимни қирқтим. Икки ой эдиким, бошимни қиркмайдур эдим. Сенгар суйида ғусл қилдим.

Душанба куни, ойнинг ўнида ўн тўрт куруҳ келиб, Калпий парганаларидин Чапаркадада тушулди.

Тонгласи, сешанба куни, ойнинг олтисида Қарочанинг ҳиндустоний чокари, Моҳимнинг Қарочаға битилган фармонини олиб келди-келадур эмиш, менинг бурна[1128] ўз илигим била битиган парвона йўсуни била Лаҳўр ва Бҳира ва ул навоҳийдағиларни бадрақа тилабтур. Жумодиул аввал ойининг еттисида Кобулдин бу фармоне битигандур.

Чаҳоршанба куни етти куруҳ келиб, Одампур парганасига тушулди. Ушбу кун тонгдин бурун отланиб, ёлғуз тушлаб, келиб, Жуун дарёсида еттим. Жуунни ёқалаб, қуйиға юрудум. Одампур тўғрисиға етганда бир оролда ўрдунинг ёвуғида шомиёналар тиктуруб, маъжун ейилди. Ушбу кун

[1126] Л: тушиб қолган.
[1127] Қ: Ҳамовалийда.
[1128] Қ: юртта.

*(362 а)* Содиқ била Кулолни куштига солдук. Кулол даъво била келиб эди, Аграда кушти тутмоққа йўл кўфтини узр айтиб, йигирма кун муҳлат тилади. Қирқ-эллик кун муҳлатидин ўтти. Букун зарур бўлди — кушти тутти. Содиқ яхши кушти тутти, хейли осон йиқти. Содиққа ўн минг танга ва эгарлик от ва бош-оёқ ва тугмалик чакман инъом бўлди. Бовужудким, Кулол йиқилиб эди, маъюс қилмай, анга ҳам сару пой ва уч минг танга инъом бўлди. Фармон бўлдиким, аробаларни ва қазонларни кемалардин чиқарғайлар. Йўл ясаб, ер тузатиб, аробаларни ва қазонларни чиқарғунча бу юртта уч-тўрт кун макс бўлди.

Душанба куни, ойнинг ўн иккисида ўн икки куруҳ келиб, Курарага[1129] тушулди. Букун тахтиравон била келдим. Курарадин ўн икки куруҳ келиб, Курара парганаларидин Курийағa туштук. Курийадин секкиз куруҳ юруб, Фатҳпур Асвағa туштук, Фатҳпурдин секкиз куруҳ юруб,[1130] Сарой Мундаға тушулди. Ушмунда тушганда намози хуфтан Султон Жалолиддин келиб, мулозамат қилди. Икки кичиккина ўғлини ҳам ўзи била олиб келди.

Тонгласи шанба куни, ойнинг ўн еттисида секкиз куруҳ келиб, Курара парганаларидин Дугдугийға Ганг ёқасиға тушулди. Якшанба куни Муҳаммад Султон *(362 б)* мирзо ва Қосим Ҳусайн Султон ва Беҳуб Султон ва Турдика ушбу юртта келдилар. Душанба куни Аскарий ҳам ушбу юртта келиб, мулозамат қилди. Бу келганлар бори Гангнинг шарқий тарафидин келиб эдилар. Андоқ фармон бўлдиким, Аскарий била чериклар тамом Гангнинг ул юзи била-ўқ юругайлар. Ҳар ерда бу ўрду тушса, алар дағи рўбарўда ул юзда тушгайлар.

Ушбу навоҳида эканда илгаридин мутаоқиб хабарлар келадур эдиким, Султон Маҳмудға бир лак афғон йиғилибдур. Шайх[1131] Боязид била Бибанни қалин черик била Сарваар тарафи йибориб, ўзи ва Фатҳхон Серваний Ганг ёқалаб, Чунар устиға келадур. Шерхон суркким, ўтган йил риоят қилиб, қалин паргана бериб, бу навоҳида қўюлуб эди, бу афғонларға кирибтур. Шерхон ва яна бир неча умарони сувдин ўткарибтурлар. Султон Жалолиддиннинг кишиси Банорасни сахлай олмай, қочиб чиқибтур. Сўзлари бу эмишким, Банорас қўрғонида басҳийларини қўюб, Ганг ёқасида келиб урушқайлар. Дугдугийдан кўчуб, олти куруҳ келиб, Курaранинг уч-тўрт куруҳида Кусарда тушулди. Мен кема била келдим. Икки-уч кун бу юртта Султон *(363 а)* Жалолиддиннинг зиёфати жиҳатидин турулди.

Одина куни Кўрара қалъасининг ичида Султон Жалолиддиннинг уйларига тушулди. Меҳмондорлиқ қилиб, бир пора ош ва таом тортти. Таомдин сўнг ўзига ва ўғлонлариға яктойи жома, нимча кийдурулди. Ўзининг истидъосидек улуғ ўғли — Султон Маҳмуд хитоби била мухотаб бўлди. Курарадин отланиб, бир куруҳча йўл келиб, Ганг ёқасиға тушулди. Шаҳрак бекким, Моҳим қошидин Гангга аввал келган юртта келиб эди, ушбу кун хат битиб, ушбу юрттин рухсат берилди. Хожа Калон Хожа Яҳёнинг набираси мендин битийтурган[1132] «Вақойиъ»ни тилайдур эди, истиктоб қилдуруб эдим, Шаҳракдин йиборилди.

Тонгласи, шанба кўчуб, тўрт куруҳ келиб, Куҳ туштук. Мен кема била-ўқ келдим. Тушар юрт ёвуқ эккандур, эрта-ўқ келилди. Муддаттин сўнг кема ичида-ўқ ўлтуруб маъжун едук. Хожа Абдушшаҳид Нурбекнинг уйида экандур, аларни тиладук. Мулло Маҳмудни Мулло Алихоннинг уйидин тилаб келтурдук. Бир замон ўлтуруб, кема била ул юзга ўтуб, куштигирларни куштига солдук. Дўст Ясин хайрға буюрулдиким, паҳлавон *(363 б)* Содиқ била тутмай, ўзгалар била миёнгирлиқ қилғай. Хилофи қоида буюрулдиким, аввал зўрроқларни миёнгирлиқ қилғай. Секкиз кишини яхши миёнгирлиқ қилди.

Намози дигарда Султон Муҳаммад бахши кема била ул тарафдин келди. Султон Искандарнинг ўғли Маҳмудхоннингким, бу ёғийлар[1101] Султон Маҳмуд дерлар эди, бузулғонининг хабарини келтурди. Намози пешин мундин борғон жосус бу ёғийларнинг[1133] бузулғонининг хабарини келтурур. Икки намоз орасида Тожихон Сарангхонийнинг арзадошти ҳам жосус хабариға мувофиқ келур. Бу кайфиятларни Султон Муҳаммад[1134] келиб арзға еткурди. Чунарни келиб муҳосара қилғон эккандур. Озроқча уруш ҳам солғондур.

[1129] Қ: Кура; Р: Курра.
[1130] Л: тушиб қолган.
[1131] Қ: Шайх Кавзан.

[1132] Н: биттурган.
[1133] Қ: боғийлар.
[1134] Қ: Султон Маҳмуд.

Бизнинг келганимизнинг таҳқиқи хабарини топқоч, бузулғон йўсунлуқ андин қўпар. Банорасқа ўтган афғонлар ҳам изтироб билан ёниб, сув кечарда икки кема ғарқ бўлуб, бир пора киши сувға борур.

Тонгласи олти куруҳ келиб, Пайаг парганаларидин Сиравлийға келилди. Мен кема била-ўқ келдим. Эсан Темур Султон била Тўхта Буға Султон ярим йўлда кўрунишга тушуб, туруб эдилар, султонларни ҳам кемага тиладим. Тўхта Буға Султон яда қилғон экантур. Тун ел қўпуб, ёмғур ёға киришти. Тавр ҳавое бўлди. Бу ҳаво маъжун емакка боис бўлди. Бовужудким, ўтган кун маъжун ейилиб эди, букун ҳам маъжун едук. Юртқа келиб, тонгласи юртта таваққуф қилилди.

Сешанба кун кўчулди. Ўрду тўғриси сабзалиқ улуғ орол бор экандур, кема била ўтуб, ул оролни сайр қилиб, бир паҳарда келиб, кемага кирдим. Отлиқ сайр қилурда дарё ёқасида ғофил борилғон жарнинг усти била ўттум. От дарз қилғон жарнинг устиға чиққач, жар учти, мен филҳол секраб, ўзумни ёқаға солдим, от ҳам учмади. Агар мен отнинг устида бўлсам эди, ғолибо бу эдиким, от била-ўқ учқай эдим. Ушбу кун Ганг дарёсини қўл солиб ўттим. Бир қўлни санадим, ўттуз уч қўл била ўттум, яна тинмай ўзуб бу юзга ҳам ўттум. Бори дарёларни ўзуб, кечиб эдим. Ганг дарёси қолиб эди, Намози шом Ганг суйи Жуун суйининг қотилишиға етиб, Пайаг тарафи била кемани торттуруб, бир паҳар тўрт гарийда ўрдуға келдим.

Чаҳоршанба куни икки паҳардин черик Жуун дарёсидин ўта киришти. Тўрт юз йигирма кема эди.

Одина куни, ражаб ойининг ғуррасида мен сувдин ўттум.

Душанба куни, ойнинг тўртида Жуун ёқасидин Биҳар азимати била кўчулди. Беш куруҳ юруб, Лавайинға туштук. Мен кема била-ўқ келдим. Ушбу кунгача черик эли сувдин кечадур эди, зарбзанлиқ аробаларниким, Одампурдин кемалардин чиқарилиб эди, фармон бўлдиким, Пайагтин яна кемага солиб, кема била келтургайлар.

Тушган юртта куштигирларни куштига солдук. Паҳлавон Лаҳурий киштибон била Дўст Ясин хайр кушти тутти. Қалин талашти, ташвиш била Дўст йиқитти. Иккаласига сарупо инъом бўлди.

Илгари ботқоқлик, болчиқлик ёмон сув бор эмиш, Тўс суйи дер эмишлар, гузар[1135] кўрарга ва йўл ясарға икки кун бу юртта таваққуф бўлди. От ва тевага гузар юққорроқ топилди. Юклук ароба ул гузарнинг ноҳамвор тошлари бор жиҳатидин чиқа олмас эмиш, юклук аробаларни фармон бўлди *(364 а)* ким, андин-ўқ ўткаргайлар.

Панжшанба куни андин кўчуб, мен Тўс суйининг қотилишиғача кема била келдим. Қотилишидин кемадин чиқиб, отланиб, Тўс суйи юққори юруб, намози дигар, ўрдуғаким, сувдин ўтуб тушуб эдилар, келилди. Букун олти куруҳ келилди. Тонгласи ул юртта мақом бўлди.

Шанба кўчуб, ўн икки куруҳ юруб, Нилобға яна Ганг ёқосиға келилди. Андин кўчуб, олти куруҳ юруб,[1136] кентнинг юққори ёниға туштук. Андин етти куруҳ келиб, Нанупурға туштук.[1137] Ушбу юртта Чунардин Тожихон ўғлонлари била келиб, мулозамат қилди. Бу айёмда Муҳаммад бахшининг арзадошти келдиким, Кобулдин кўч ва уруғ таҳқиқ келадур эмиш.

Чаҳоршанба куни ул юрттин кўчуб, Чунар қўрғонини сайр қилиб, Чунардин бир куруҳча ўтуб тушулди. Пайагдин кўчган айёмда вужудумда обила жароҳати пайдо бўлуб эди. Бу юртта бир румий Румда эмди пайдо бўлғон муолажани қилди. Мурчни сафол қазонда қайнатти, жароҳатни анинг иссиқ бухориға туттум. Бухори камроқ бўла иссиқ суви била юдум, икки соати нужумийғача даранг бўлди. Ушбу юртта бир киши айттиким, ўрдунинг ёнидағи оролда шер ва карк кўрубтурлар. Сабоҳи *(364 б)* ул оролни чаргаладук. Филларни ҳам келтуруб эди. Шер ва карк чиқмади. Чарга учидин бир саҳройи говмиш чиқибтур. Букун тунд ел қўпти. Гард ва ғубор кўп ташвиш берди. Кемага етиб, кемага кириб, ўрдуға келдим. Ўрду Банорастин икки куруҳ юққорроқ тушуб эди. Чунарнинг навоҳисидағи жангалларда фил қалин бўлур эмиш. Бу юрттин бориб, фил овлар хаёлим бор эди. Тожихон хабар келтурдиким, Маҳмудхон Сўн сувининг қошидадур. Бекларни чарлаб, ғаним устиға илғамоқни машварат қилилди. Охир мунга қарор топтиким, узун-узоғ кўчуб, бедаранг-ўқ юрулгай. Андин кўчуб, тўққуз куруҳ юруб, Билва гузариға тушулди.

---

[1135] Қ: Бу катта матн тушиб қолган.

[1136] Л: Бу сўзлар тушиб қолган.

[1137] Л: Бу сўзлар тушиб қолган.

Ушбу юрттин, душанба охшоми, ойнинг ўн секкизида Тоҳирни Аграга йиборилди. Кобулдин келадурганларга кўнолға йўсунлуқ инъом ёрмоқларнинг баротини олиб борди.

Ушбу кун кема била келдим, тонгдин бурунроқ кемага кирилиб эдиким, Гўйи сувининг қотилишиғаким, Жўнпур суйидур, етиб кема била озроқча Гўйи суйи юққори бориб, яна ёндим. Агарчи торғина сув эди, *(365 а)* вале гузари йўқ эди. Ул юздаги черик эли кема била ва сол била ва от уздуруб ўтадур эдилар. Жўнпур суйининг қотилишидин бир куруҳ қуйироқ келиб, билтурғи юртниким, андин Жўнпурға борилиб эди, сайр қилдим. Мувофиқ ел сув юққоридин пайдо бўлди. Бангалий кеманинг елканини торттуруб, улуғ кемани ул кемага боғладилар, хейли илдам келди. Ўрду Банорастин бир куруҳ юққорроқ тушуб эди, юртқа кундин икки гарий қолиб эдиким, етилди. Турмай кейинимизча келган кемалардин ботроқ келгани намози хуфтанда келди.

Чунардин фармон бўлуб эдиким, Муғулбек ҳар кўчта паймойиш танобi била тўғри йўлни таноб урғай. Ҳар қачонким, мен кемага кирсам, Лутфибек дарё ёқасини таноб урғай. Тўғри йўл ўн бир куруҳ экандур. Сув ёқаси ўн секкиз куруҳ. Тонгласи ул юртта таваққуф бўлди.

Чаҳоршанба куни ҳамма кема била келиб, Ғозипурдин бир куруҳ қуйироқ тушулди. Панжшанба куни ўшул юртта Маҳмудхон Нуҳоний келиб, мулозамат қилди. Ушбу кун Жалолхон Биҳархон Биҳарийнинг, Фаридхон Насирхоннинг, Шерхон Сур, яна Аловуддинхон Сур ва яна бир неча афғон умароларининг арзадоштлари келди.

*(365 б)* Ушбу кун Абдулазиз мирохўрнинг арзадошти келди. Лаҳўрдин жумодиул охир ойининг йигирмасида битилгандур. Ушбу арзадошт битилган куни Калпий навоҳисидин йиборган Қарочанинг ҳиндустоний чокари етар. Абдулазизнинг арзадоштида мазкур эдиким, Абдулазиз ва муқаррар бўлғонлар жумодиул охир ойининг тўққузида Нилобта кўчга ўтру борурлар. Абдулазиз Чанобқача била келиб Чанобтин айрилиб, Лаҳўрға илгаррак келиб, бу арзадоштни йиборгандур.

Одина куни кўчулди. Мен кема била-ўқ билтурғи Чавса тўғрисидағи офтоб тутулғон ва рўза тутулғон юртни чиқиб сайр қилдим, келиб кемага кирдим. Муҳаммад Замон мирзо ҳам кема била кейиндин келди. Мирзонинг ангизи била маъжун ейилди. Ўрду Кармунас суйининг ёқасида тушуб эди, бу Кармунас суйидин ҳиндулар кўп парҳез қилурлар эрмиш. Парҳезкор ҳиндулар бу сувдин ўтмай, кемага кириб, Ганг била бу сувнинг тўғрисидин ўттилар. Муътақадлари андоқдурким, бу сув кишига тегса, ибодатини зойиъ қилур. Важҳи тасмиясини ҳам ушмунга муносиб айттилар. Кема била келиб, озроқча Кармунас суйи юққори бориб, яна ёниб Гангнинг *(366 а)* шимолий тарафи кечиб, сув ёқасида кемаларни турғуздук.

Йигитлар бир пора шўхлуқ қилдилар, бир пора куштигирлик қилдилар. Соқи Муҳсин даъво қилдиким, тўрт-беш кишини миёнгирлик қилурмен. Бир киши била тушти, йиқилаёзди. Иккинчиси Шодмон[1138] эди, Муҳсинни йиқти. Хижил ва мунфаил бўлди. Куштигирлар ҳам келиб, кушти туттилар.

Тонгласи, шанба куни Кармунас суйининг гузарини кўра киши йиборган жиҳатидин бир паҳарға ёвуқ кўчулди. Мен отланиб гузар сори бир куруҳча Кармунас суйи юққори бордим. Гузар йироқ жиҳатидин яна ёниб, кема била-ўқ юртқа келдим. Ўрду Чавсадин бир куруҳ илгаррак тушуб эди.

Ушбу кун яна мурч дорусини қилдим. Бир нима иссиқроқ экандур, вужудим қабарди. Хейли ташвиш торттим.

Илгари ботқоқлик кичикроққина сув бор экандур, йўлни ясамоқ учун, тонгласи ул юртта турулди. Душанба охшоми Абдулазиз йиборган ҳиндустоний яёкнинг келтурган хатиқа жавоб битиб йиборилди.

Душанба сабоҳи кема била келдим. Ел жиҳатидин кемаларни тортиб келтурдилар. Ўтган йил қалин ўлтурғон Баксара тўғрисидағи юртнинг рўбарўйига етиб, *(366 б)* сувдин ўтуб, ул юртни сайр қилилди. Дарё ёқасиға инарга зиналар қилилиб эди, ғолибо, қирқдин кўпрак, элликдин озроқ эди. Икки юққориғи зина қолибтур, ўзга барча зинани сув бузубтур. Кемага кириб, маъжун ейилди. Ўрдудин юққорироқ бир оролда кемани турғузуб, паҳлавонларни куштига солдук. Намози хуфтан ўрдуға келилди.

Бултур ушбу ўрду тушган юртни Ганг суйи-

---

[1138] Н: Шодиён.

дин мен дастак била ўтуб баъзи от, баъзи тева миниб келиб, сайр қилилиб эди. Ул кун афъюн еб эдим.

Тонгласи, сешанба куни Каримберди ва Муҳаммад Али Ҳайдар Рикобдор ва Бобо Шайх бошлиқларни икки юзча ўбдон йигитлар била бу мухолифлардин хабар олғали йиборилди. Ушбу юрттин Бангала элчига фармон бўлди, бу уч фасл сўзни арзадошт қилсун.

Чаҳоршанба куни Юнус Алини Муҳаммад Замон мирзоға йиборилдиким, Биҳар тарафидин истимзоже ҳосил қилғай. Сустроқ жавоб келтурди. Биҳар шайхзодаларининг кишиси арзадошт била Биҳарни ташлаб чиққанларнинг хабарини келтуруб эди.

Панжшанба куни Турди Муҳаммад ва Муҳаммад Али жанг-жангға турк ва ҳинд умароси ва таркашбандийдин икки мингча чоғлиқ киши қўшуб, Биҳар элига *(367 а)* истимолат фармонлари битиб, рухсат берилди.

Хожа Муршид Ироқийни Биҳар саркориға девон қилиб, Турди Муҳаммадға қўшуб йиборилди.

Тонгласи Муҳаммад Замон мирзо Биҳар бормоқни қабул қилиб, Шайх Зайн ва Юнус Алидин баъзи нима арзадошт қилиб, бир пора кишини кўмак йўсунлуқ тилабтур. Баъзи йигитларни Муҳаммад Замон мирзоға кўмак битиб, яна баъзиларни навкар этиб, шанба куни шаъбон ойининг ғуррасида бу уч-тўрт кун ўлтурулғон юрттин кўчулди. Мен букун отланиб, Бўжпур ва Биҳияни сайр қилиб келиб, ўрдуға тушдим.

Муҳаммад Али бошлиқларниким, хабарға йиборилиб эди, йўлда бир пора кофирни босиб, Султон Маҳмуд ўлтурғон ерга етарлар. Султон Маҳмуд икки мингча киши экандур, бу қаравулнинг хабарини топиб, бузулуб, икки пилини ўлтуруб кўчар. Бир бекини[1139] қаравул йўсунлуқ қўйғон экандур, бу йигитлардин йигирма чоғлиқ киши етар, туруш бермай қочар. Неча кишисини тушуруб, бирини бош кесиб, бир-икки ўбдонни тирик келтурдилар.

Тонгласи кўчуб, кема била келдим. Бу юртта Муҳаммад Замон мирзо дарёдин ўтди. Мирзонинг ўтари ва кетари учун икки-уч кун *(367 б)* бу юртта ўлтурулди.

Сешанба куни, ойнинг тўртида Муҳаммад Замон мирзоға хосса бош-оёқ ва камар шамшир ва тупчоқ ва чатр иноят қилиб, Биҳар вилоятиға юкундурулди. Биҳар саркоридин бир куруҳ йигирма беш лак холиса қилиб, девонлиғи Муршид Ироқийға уҳда бўлди.

Панжшанба куни ул юрттин кема била келдим. Бори кемаларни турғузуб, мен етгач, буюрдумким, кемаларни юрутуб, чарга била бир-бирига боғлағайлар. Дарёнинг арзидин ҳам кўп ортти. Бовужудким, тамом кема йиғилмайдур эди, баъзи ер паст, баъзи ер чуқур учун ва баъзи ер равон ва баъзи ер норавон учун ушбу йўсунлуқ ғалаба юрутуб бўлмади. Кемаларнинг чаргасига бир гарийал кўринур. Бир балиқ гарийалнинг қўрқунчидин андоқ баланд сачраркім, бир кеманинг ичига келиб тушар. Тутуб келтурдилар.

Юртқа етганда, кемаларга от қўюлди. Бурунғи байри[1140] улуғ кемагаким, Аграда Сангаа ғазвидин бурунроқ тамом бўлуб эди, «Осойиш» от қўюлди. Ушбу йил черик отланурдин бурунроқ *(368 а)* Оройишхон бир кема ясатиб пешкаш қилди. Ушбу келурда анга ҳам толор боғлаттим. Бу кемага «Оройиш» от қўюлди. Султон Жалолиддин тортқон кемага улуғроқ толор қилдуруб, бу толорнинг устида яна бир толор буюрулди, мунга «Гунжойиш» от қўюлди. Яна бир кичик жавкандилиқ завраққаким, ҳар иш-куч учун ани йиборулур эди, бу завраққа «Фармойиш» от қўюлди.

Тонгласи, одина куни кўчулмади. Муҳаммад Замон мирзонинг бори иш-кучи саранжом бўлуб, Биҳар азимати била бир-икки куруҳ ўрдудин айрилиб тушуб эди, ушбу кун келиб, мендин рухсат олди.

Икки жосус Бангала черикидин келиб дедиким, бангалийлар Махдуми Олам бошлиқ Гандак суйининг ёқасини йигирма тўрт ерда қисмат қилиб, фасил қўпорадурлар. Султон Маҳмуд бошлиқ афғонларким, кўч ва уруқларини ўткарадурлар экандур, ўткали қўймай, ўзларига қўшубтурлар. Бу хабар келгач, чун уруш эҳтимоли бўлди. Муҳаммад Замон мирзони манъ қилдук. Шоҳ Искандарни уч-тўрт юз киши била Биҳарға йиборилди.

Шанба куни Дудунинг ва ўғли *(368 б)* Жалолхон Биҳархоннинг кишиси келди. Бангалий буларни кўз қабоғи йўсунлуқ сахлар экандур. Мени

[1139] Н: пилини.

[1140] Қ: Бобурий.

деб, Бангалийдин, зарброст урушуб, айрилиб, сувдин ўтуб, Биҳар навоҳисиға етиб, мулозаматқа мутаважжиҳ эмиш. Ушбу кун Бангала элчиси Исмоил Митааға фармон бўлдуким, бурун битиб йиборган уч фаслнинг жавоби кеч битиладур: хат битиб йиборсунким, агар ихлос ва якжиҳатлиқ мақомидадурлар, худ ботроқ жавоб келса керак.

Якшанба оқшоми Турди Муҳаммад ва Жангжангнинг кишиси келди.

Чаҳоршанба сабоҳи, шаъбон ойининг бешида бу тарафдин буларнинг қаравули етар, нариғи дарвозадин Биҳар шиқдори қочиб кетар.

Якшанба куни ул юрттин кўчуб, Арий парганасиға тушулди. Бу юртта хабар келдиким, лашкари Харийд юз-юз эллик кема била Сару била Гангнинг қотилишида Сару сувининг нари юзида ўлтурғон эмиш. Чун Бангалий била сулҳгуна бор эди, ҳамиша мундоқ ишларда таяммун жиҳатидин сулҳ ишини илгари тутулубтур. Агарчи беадаблиқ қилиб, келиб йўлимиз устида ўлтурубтур, вале доимғи қоидани маръий тутуб, Бангала элчиси Исмоил Митааға яна Мулло Муҳаммад музаҳҳибни қўшуб, ўшул *(369 а)* бурунғи уч сўзни айтиб, муқаррар бўлдиким, рухсат берилгай.

Душанба куни Бангала элчиси мулозаматқа келиб эди, рухсатни анга айттурулди. Бу ҳам мазкур бўлдуким, ғаним дафъиға ул сари-бу сари мутаважжиҳ бўлғумиздур. Сизларга тааллуқ ер ва сувға зарар ва осибе етмагусидур. Нечукким, ул уч фасл сўзнинг бири бу эди: лашкари Харийдқа айтким, йўл устини қўюб, Харийдқа келсун. Туркдин бир неча киши анга қўшалинг, Харийд элига истимолат бериб, ерига келтурсунлар. Агар гузар бошидин кетмаса ва бу нодир муқобала сўзларин тарк этмаса, ҳар ёмонлиқ бошиға етса, ўзидин ва ҳар ношойист қошиға келса, сўзидин кўрсун.

Чаҳоршанба куни Бангала элчиси Исмоил Митааға муътодий хилъат кийдуруб, инъом қилиб, рухсат берилди.

Панжшанба куни Шайх Жамолни Дуду била ўғли Жалолхонға истимолат фармонлар ва иноят сўзлари била йиборилди. Ушбу кун Моҳимнинг навкари келди. Боғи Сафодин нари Волийдин айрилғон экандур. Хатлар келтурди.

Шанба куни Ироқ элчиси Мурод қўрчи қажарни кўрулди.

Якшанба куни Мулло Муҳаммад музаҳҳибқа муътодий ёдгорийларни топшуруб, рухсат берилди.

Душанба куни Халифани *(369 б)* ва баъзи бекларни йиборилдиким, дарёнинг не еридин ўтарни мулоҳаза қилғайлар. Чаҳоршанба куни яна Халифани икки сувнинг оралиғи кўра йиборилди.

Жануб тарафи Арий парганасининг ёвуғидағи нилуфарзор сайр қила отландим. Нилуфарзорни сайр қилурда Шайх Гуран нилуфарнинг янги тухум боғлағонини келтурди. Бу пистаға фил-жумла шабоҳати бор. Яхшиғина нима гуликим, нилуфар бўлғай, ҳиндустоний «кавал какрий» дер, тухмини — «дуда». Андин Сўнни ёвуқтур дедилар. Бориб Сўнни тафарруж қилдук. Сўн суйи қуйи қалин дарахтлар кўрунди, дедиларким, Манердур. Шайх Шарафуддин Манерийнинг отаси Шайх Яҳёнинг қабри андадур. Чун мунча ёвуқ етилиб эди, Сўндин ўтуб, Сўн қуйи икки-уч куруҳ келиб, Манерни сайр қилиб, боғоти била ўтуб, мазорни тавоф қилиб, Сўн ёқасиға келиб, ғусл қилиб, намози пешинни эрта адо қилиб, ўрду сори мутаважжиҳ бўлдум.

Отлар семиз учун бир неча от қолди. Яна бир неча отлар олдараб эди, бир неча кишини қўюб, фармон бўлдиким, отлари толиққонларни йиғиб, отларини суғориб, тиндуруб, изтироб қилмай келгайлар. Агар мундоқ бўлмаса эди, хейли от зоеъ бўлур эди.

Буюруб эдимким, Манердин ёнғонда бир киши Сўннинг ёқасидин отининг ҳар қадамини ўрдуғача санасун. Йигирма уч мингу *(370 а)* бир юз санабтурким, қирқ олти минг икки юз қадам бўлғайким, ўн бир ярим куруҳдур. Манердин Сўнғача ярим куруҳ ёвушур. Ёниш ўн икки куруҳ. Борурда ул ён-бул ён сайр қилиб борилди. Ўн беш-ўн олти куруҳ ва ўттуз куруҳга ёвуқ букун сайр қилилди. Кечанинг аввалғи паҳаридин олти гарий бўлуб эдиким, ўрдуға келилди.

Тонгласи, панжшанба куни Жўнпурдин Султон Жунайд барлос ва Жўнпурдаги йигитлар келдилар. Кеч қолғонлари жиҳатидин итоб ва хитоб қилиб, кўрушмадим. Қози Жийани чарлаб кўруштум. Ушбу кун турк ва ҳинд умаросини машваратқа чарлаб, сув ўтар бобида кенгаш қилилди. Сўз мунға қарор топтиким, Ганг била Сару сувининг оралиғи баланд кўрарда Устод Алиқули қазон ва фаранги зарбзанни қуруб, қалин туфа-

кандозлар била бу ердин уруш ангизи қилғай. Икки сув қотилишидин жузвий қуйироқ жазирадаким, Бангалийнинг бир фил ва қалин кемаси турубтур, рўбарўйида Ганг сувининг Биҳар тарафидин Мустафо олот ва адавотини мукаммал ва муҳайё қилиб, урушға машғул бўлғай. Қалин туфакандозлар дағи мунинг била бўлғай. Муҳаммад Замон мирзо ва бу битилганлар[1141] Мустафонинг орқасиға тушуб, кўмак бўлғайлар. Устод Алиқули била Мустафоға зарбзан отмоққа *(370 б)* ва қазон қурмоққа, мўлжор қўпориб, ер ясамоқ учун қалин белдор ва қаҳаарға муҳассиллар таъйин қилилди. Асбоб ва масолиҳ топмоққа ва йиғмоққа машғул бўлдилар. Салотин ва умаро ва хавонин илдам бориб, Халдий гузаридин Саруни ўтуб, мўлжор қилғон вақт ул юздин мукаммал ва мустаид бўлиб, ғаним устига келгайлар.

Бу аснода Султон Жунайд ва Қози Жийа арз қилдиларким, секкиз куруҳ юққорроқ гузар бор эди. Рўбарў таъйин бўлдиким, жолабонлардин бир-иккисини Султон Жунайд ва Маҳмудхон ва Қози Жийанинг кишиларидин олиб бориб, гузарни кўргайлар. Агар гузар бўлса, анинг била-ўқ кечилгай.

Эл орасида бу сўз бор эдиким, Бангалий Халдий гузариға ҳам киши таъйин қилур хаёли бор эрмиш. Маҳмудхоннинг Секандарпурдаги шиқдорининг арзадошти келдиким, Халдий гузарида элликча кема йиғиб, киштибонларға музд бериб-мен, вале киштибонлар Бангалийнинг келур овозасидин бисёр мутаваҳҳимдурлар.

Чун Сару сувидин гузар топилмоғи вақти эди, гузар кўра борғон кишига таваққуф қилмай, шанба куни бекларни машваратқа чарлаб дедимким, Секандарпур Чатурмукдин Авад ва Баҳрайижғача Сару дарёсининг гузарлари тамом ерда эди. Мундоқ этиб ўлтурғунча, қалин фавжни таъйин қилурбизким, *(371 а)* Халдий гузаридин кемалар била ўтуб, буларнинг устига келгайлар. Алар келгунча Устод Алиқули ва Мустафо тўп ва туфак ва зарбзан ва фарангий била урушқа машғул бўлуб, чиқғайлар.[1142] Биз доғи Ганг дарёсидин ўтуб, Устод Алиқулиға кўмак таъйин қилиб, мустаид ва мукаммал бўлуб туралинг. Гузардин ўтган фавж яқин етса, биз ҳам мундин уруш солиб, зўрлаб ўталинг. Муҳаммад Замон мирзо ва ул юзда таъйин бўлғонлар Ганг дарёсининг Биҳар тарафидин Мустафо қошида, урушқа машғул бўлғайлар.

Сўзни мунга қўюб, Гангнинг шимолидағи черикни тўрт фавж қилиб, Аскарийға бошлатиб Халдий гузариға йиборилди. Бир фавж Аскарий ўз навкари била яна бир фавж Султон Жалолиддин Шарқий, яна бир фавж ўзбак султонлари Қосим Ҳусайн Султон ва Беҳуб Султон ва Тонготмиш Султон ва Маҳмудхон Нуҳоний Ғозийпурий ва Кўкий, Бобо Қашқа ва Тўламиш ўзбак ва Қурбон Чархий ва Ҳусайнхон бошлиқ Дарёхонийлар, бир фавж Мусо Султон ва Султон Жунайдким ва неким Жўнпур черики тахминан йигирма минг киши муҳассиллар таъйин қилилдиким, ушбу кеча-ўққим, якшанба кечаси бўлғай, *(371 б)* ул черикни отлантурғайлар.

Якшанба сабоҳи черик Гангдин ўта кирişти. Мен бир поста кемага кириб ўттум. Уч паҳар бўлуб эдиким, рўйзардларким, гузар кўра бориб эдилар, келдилар. Гузар худ топмайдурлар. Кемаларнинг ва таъйин бўлғон фавжнинг йўлда учрағонининг хабарини келтурдилар.

Сешанба куни сув кечган ердин кўчуб, уруш ери қотилишиға бир куруҳ ёвуқ келиб тушулди. Ўзум бориб, Устод Алиқулининг фарангий ва зарбзан отмоғини тафарруж қилдим. Ушбу кун Устод Алиқули фарангий тоши била икки кемани уруб синдуруб, ғарқ қилди. Мустафо ҳам ул юздин фарангий тоши била икки кема уруб синдуруб, ғарқ қилди. Улуқ қазонни жанг жойиға элтиб, ерини ясамоққа Мулло Ғуломни муҳассил қўюб, бир пора ясавуллардин ва жалд йигитлардин анга кўмак таъйин қилиб, ёниб келиб, ўрду тўғриси бир оролда маъжун едук. Бу охшом маъжуннок кемани хиргоҳқа яқин келтуруб, кемада-ўқ такя қилдум. Бу охшом ғариб воқиъа даст берди. Кечанинг уч посиға ёвуқ кемада сурон ва ғавғо чиқти. Чуҳралар — ҳар ким кеманинг бир йиғочини олиб, ур-ур деб қичқиришадурлар. «Фармойиш» кемаси мен такя қилғон «Осойиш» кемасининг ёнида эди. *(372 а)* Бир тунқатор анда эди, уйқудин кўз очиб кўрарким, бир киши «Осойиш» кемасиға илик қўюб чиқар хаёлидадур. Устига ташлар; сувга чўмуб, чиқарида тунқаторнинг бошиға чопар; озрокча захм қилиб эди, сув сари-ўқ қочар. Ғавғо бу жиҳаттин

[1141] Қ: етганлар.
[1142] Н: чиқа еткайлар.

экандур. Манердин келган кечаси ҳам кеманинг яқинида бир-икки тунқатор бир неча ҳиндустонийни қавлаб, икки[1143] қилич ва бир ханжарларини келтуруб эди. Тенгри таоло сахлади.

*Агар тиғи олам бижунбад зи жой,*
*Набуррад рағе то нахоҳад Худой.*[1144]

Тонгласи, чаҳоршанба куни «Гунжойиш» кемасига кириб, тош отар ерга яқинроқ келиб, ҳар кимни бир[1145] ишга таъйин қилдим. Ўғонберди[1146] муғул бошлиқ минг чоғлиқ йигитни йиборилиб эдиким, бир-икки-уч қуруҳ юққороқтин ҳар тавр қилиб сув кечгайлар. Булар борурда Аскарийнинг ўрдуси туғрисидин йигирма-ўттузча кема била бангалийлар ўтуб, қалин яёқ чиқиб, дастбурди кўрсатур хаёлида экандурларким, булар от солиб қочуруб, бир нечасини олиб, бошини кесиб, қалин кишини ўқлаб, етти-секкиз кема олурлар. Ҳам ушбу кун Муҳаммад Замон мирзо тарафидин ҳам бир неча кема била бангалийлар ёриб чиқиб, *(372 б)* уруш ангизи қилурлар. Ул тарафтин зўрлаб, бангалийларни қочуруб, уч кема кишиси сувға ғарқ бўлур. Бир кемани иликлаб, менинг қошимға келтурдилар. Мунда Бобо чуҳра яхши юруб зўрлар. Фармон бўлдиким, Ўғонберди алар олған етти-секкиз кема била Муҳаммад Султон, Якка Хожа, Юнус Али, Ўғонберди ва ул жамоатким, бурун ўтмакка муқаррар бўлуб эдилар, кемаларни кеч қоронғуда юққори тортиб ўтгайлар.

Ушбу кун Аскарийдин киши келиб эдиким, сувдин бебоқий ўттилар. Тонгла сабоҳиким, панжшанба куни бўлғай, ёғий устиға келурлар. Фармон бўлдиким, бу ўтганлар Аскарийға қўшулуб, ғаним устиға юругайлар. Намози пешин Устод[1147] қошидин киши келдиким, тош тайёр бўлубтур, не фармон бўлур? Фармон бўлдиким, бу тошни отсун, яна мен борғунча яна бир тошни тайёр қилсун.

Намози дигарда кичкина Бангалий завраққа кириб мўлжор қўпорғон ерга бордим. Устод бир навбат улуғ тош отти, яна бир неча фарангий отти. Бангалийларнинг оташбозлиқ била шуҳрати бор эди, бу навбат яхши синадуқ, бир ерни чоғ қилиб отмайдурлар, ҳар тавр била отадурлар.

Ушбу намози дигар буюрдуққим, Сару дарёси била аларнинг олидин бир неча кемани тортиб ўткардилар. Кема тортар кишилар бетаҳоший *(373 а)* ва бепаноҳ бир неча кемани тортиб ўткардилар. Фармон бўлдиким, Эсан Темур Султон, Тўхта Буға Султон, Бобо Султон, Оройишхон, Шайх Гуран бу кемалар ўтган ерда туруб, кемани муҳофазат қилғайлар.

Андин ёниб, бир поста ўрдуға келдим. Ярим кечага ёвуқ юққори тортадурғон кемалардин хабар келдиким, таъйин бўлғон фавж илгаррак борди. Биз кемаларни тортиб борадур эдуккім, бангалий кемаларни биз тортар[1148] ерни туюб, уруштилар. Бир кемачини оёғиға тош тегиб, оёғи синди, ўта олмадуқ.

Панжшанба сабоҳи мўлжордагилардин хабар келдиким, юққориғи кемалар тамом келдилар. Отлиқлари тамом отланиб, бизнинг келадурган фавжнинг рўбарўйиға мутаважжиҳ бўлдилар. Мен дағи илдам отланиб, охшом ўткарган кемаларнинг устига келдим. Киши чоптурулдиким, Муҳаммад Султон мирзо бошлиқ ўтмакка муқаррар бўлғонлар бетавaққуф ўтуб, Аскарийға қўшулсунлар. Эсан Темур Султон била Тўхта Буға Султонким, бу кемалар устида эдилар, буюрдумким, ўтмакка машғул бўлсунлар. Бобо Султон муқаррар бўлғон ерда келмайдур эди, филҳол Эсан Темур Султон бир кема била ўттуз-қирқча навкари била отларини *(373 б)* кеманинг ёнида ёлдаб ўттилар. Буларнинг кейинича яна бир кема ҳам равон бўлди.

Буларнинг ўтганини кўруб, бангалийлар қалин яёқ буларға мутаважжиҳ бўлдилар. Эсан Темур Султоннинг етти-секкиз навкари отланиб, бу яёқларнинг ўтрусиға бориб, султон отланғунча тортқулашиб, отқулашиб яёқларни султон сариға торттилар. Мунгача Эсан Темур Султон ҳам отланди. Иккинчи кема ҳам кечти. Ўттуз-ўттуз беш отлиқ била қалин яёққа чопиб, яхши қочурди. Хейли намоён иш қилди. Ул часп-часпон, бетаҳоший борчадин бурунроқ кечти. Иккинчи улким, қалин яёқнинг устига оз киши била яхши юруб қочурди. Тўхта Буға Султон ҳам кечти.

---

[1143] Л: бу сўзлар йўқ.

[1144] «Агар олам тиғи ўз тиғидин қўзғалса, Худо хоҳламаса, бирор томирни ҳам қирқмайди».

[1145] Қ: ҳар.

[1146] Н: Турди.

[1147] Н: Усто.

[1148] Қ: тортари бизни.

Кемалар пайдарпай кечмакка кириштилар. Лаҳурий ва ҳиндустоний йусунлуқ тушидин дастак била ва даста қамиш била ўта кириштилар.

Бу ҳолатни кўруб мўлжор тўғрисидағи қалин бангалий кемалари сув қуйи кочмоққа юз қуйдилар.

Дарвеш Муҳаммад сорбон ва Дўст эшикоға ва яна баъзи йигитлар мўлжор тўғрисидин ўттилар. Султонларға киши чоптурдумким, ўтганларни яхши йиғиб, ул ўтрудағи фавжға ёвуқ ета ёнидин юруб, ғанимға илик *(374 а)* қўшунг, ўтганларни султонлар ўзларига қўшуб уч-тўрт тўп бўлуб, ғаним сари мутаважжиҳ бўлдилар.

Булар ёвуқ ета ғаним кишиси яёғини олиға солиб, ясолини бузмай юруй берур.

Аскарий била муқаррар бўлғон фавждин Кўкий жамоати била етар. Ул тарафдин Кўкий, бу тарафдин султонлар етиб, илик қўшарлар. Ғанимни тушура-тушура олиб, отлиқ тебрарлар. Басант Рав отлиқ муътабар кофирни Кўкий, алар тушуруб, бошини кесарлар. Ўн-ўн беш кишиси анинг устига тушар, ўшанда-ўқ чопқуларлар. Тўхта Буға Султон ғанимнинг олидин бориб, чопиб, яхши қилич тегурур. Мўғул Абдулваҳҳоб ва иниси ҳам қилич тегурурлар. Мўғул бовужудким, сув билмас, жиба била дарёдин от ёлдаб ўтар.

Менинг кемаларим кейин эди, кемаларга киши йибордим. «Фармойиш» кемаси илгаррак келди. «Фармойиш» кемасига кириб ўтуб, бангалийларнинг юртларини сайр қилиб, «Гунжойиш» кемасига кириб, юққори ер боридин сўрдум.

Мир Муҳаммад жолабон арз қилдиким, Сару дарёси юққороқдин ўткали яхшироқтур. Фармон бўлдиким, ул деган ердин черик эли ўтмакка машғул бўлғайлар.

Муҳаммад Султон мирзо бошлиқларғаким, ўтмакка *(374 б)* фармон бўлуб эди, сув ўтарда Якка Хожанинг кемаси ғарқ бўлуб, Якка Хожа Тенгри раҳматиға борди. Навкар ва вилоятини иниси Қосим Хожаға иноят қилдим.

Намози пешинда ғусл асносида султонлар келдилар. Таъриф ва ситойиш қилиб, иноят ва шафқатдин умидвор қилдим. Аскарий ҳам ушул аснода келди. Аскарийнинг аввал иш кўргани эди, шугуни яхши бўлди: ул оқшом чун ҳануз ўрдудин кўчмайдур эди, бир оролда «Гунжойиш» кемасида такя қилдим.

Одина куни Сару дарёсининг шимолида Ҳарид тавобии Нирҳан парганасининг Кундаба[1149] отлиқ кентида тушулди.

Якшанба куни Кўкийнинг жамоати била Ҳожипурға хабар олғали йиборилди. Шоҳмуҳаммад Маъруфким, билтур келганида анга улуғ риоят қилиб, Саран вилоятини берилиб эди, неча қатла яхшилар борди. Отаси Маъруфни икки қатла урушуб босиб, тутуб эди. Султон Маҳмуд ғадр била Биҳарни олғонда, Бибан била Шайх Боязиднинг устиға борғонда, чора қила олмай, аларға қотилиб эди, бу фурсатта ҳам неча навбат арзадошти келиб эди. Эл орасида андин паришон сўзлар дерлар эди. Аскарий Ҳалдий гузаридин ўтгач-ўқ жамияти била Аскарийни келиб кўруб, *(375 а)* Аскарий била бангалийлар устига келди, ушбу юртта эканда келиб, мулозамат қилди.

Бу айёмда Шайх Боязид ва Бибандин мутаvотир хабарлар келадур эди — Сару дарёсини ўтар хаёлида эмишлар.

Ушбу фурсатта Санбалдин ажаб хабар келди: Али Юсуфким, Санбалда туруб, тавре забт ва рабт қилиб эди, ўзи ва бир мусоҳиб йусунлуқ табиби бир кунда-ўқ Тенгри раҳматиға борурлар. Санбалнинг забт ва рабти учун муқаррар бўлдиким, Абдулло Санбал забт ва рабтиға борғай. Одина куни, рамазон ойининг бешида Абдуллоға Санбалға рухсат берилди. Чин Темур Султоннинг ушбу айёмда арзадошти келиб эдиким, муқаррар бўлғон бекларидин Кобулдин кўч келадурган жиҳатидин султонға қўшула олмайдурлар. Муҳаммадий ва яна баъзилар султон била юз куруҳча ер илғаб бориб Балўчни яхши босибтурлар. Абдуллодин Чин Темур Султонға ва Султон Муҳаммад дўлдой ва Муҳаммадий ва баъзи андағи бекларга ва йигитларга фармон бўлдиким, Чин Темур Султон била Аграда йиғилиб, тайёр бўлуб турғайлар. Мухолифлар ҳар сари юзлансалар, ул сари мутаважжиҳ бўлғайлар.

Душанба куни, ойнинг секкизида Жалолхон Дарёхон*(375 б)*нинг набирасигаким, Шайх Жамолий бориб эди, бўлғон муътабар умароси била келиб, мулозамат қилди. Ҳам ушбу кун Яҳё Нуҳонийким, бурунроқ инисини йибориб, қуллуқ изҳори қилиб эди, сиёсат фармони бориб эди, келиб мулозамат қилди. Чун етти-секкиз минг нуҳоний ва афғон умидворлиқ била келиб эдилар, аларни

---

[1149] Қ: кундана.

навмид қилмай, Биҳардин бир карӯр холиса қилиб, эллик лак Маҳмудхон Нуҳонийға иноят қилиб, қолғонини ушбу Жалолхонға мусаллам тутулди. Бир карӯр хизматона ҳам қабул қилди. Бу ёрмоқнинг таҳсилиға Мулло Ғулом ясавулни йиборилди. Муҳаммад Замон мирзоға Жунпур вилоятини берилди.

Панжанба куни охшоми Халифанинг Ғулом Али отлиқ навкариким, Исмоил Митаадин бурунроқ Шоҳзода Мунгернинг Абулфатҳ отлиқ навкари била ул уч фасл сӯзни элтиб эди, ушбу Абулфатҳ отлиқ била ҳамроҳ Шоҳзода Мунгернинг ва Ҳасанхон Лангар вазирнинг, Халифанинг битилган хатларини келтурди. Ул уч шартни қабул қилиб, Нусратшоҳ тарафини ӯзига олиб, ислоҳ сӯзини орага солибтур.

Чун бу юруш боғий афғонларнинг дафъи учун эди, бу ёғийлардин баъзини бошини олиб элттилар, баъзиси келиб, чокарлик ва қуллукни *(376 а)* қабул эттилар: оз-оғлоқким қолиб эди, Бангалийнинг дастгири эди. Ани Бангалий ӯзига олди. Пашакаал ҳам ёвуқлашиб эди. Биз дағи анинг муқобаласида мазкур бӯлғон шароит била ислоҳ сӯзини битиб йибордук.

Шанба куни Исмоил Жилваний, Аловулхон Нуҳоний, Авлиёхон Ишроқий, беш-олти умаро била келиб, мулозамат қилдилар. Ҳам ушбу кун Эсан Темур Султон била Тӯхта Буға Султонға жулду камар шамшир ва камар ханжар, жибалар ва хилъатлар ва тупчоқ отлар ва Эсан Темур Султонға Нарнӯл парганасидин ӯттуз олти лак ва Тӯхта Буға Султонға[1150] Шамсобод парганасидин ӯттуз лак иноят қилиб, юкундурулди.

Душанба куни, ойнинг ӯн бешида Биҳар ва Бангала тарафидин хотирни жамъ қилиб, Сару дарёси ёқасидағи ва Кундаба[1151] навоҳидағи юрттин Бибан ва Шайх Боязид ҳаромхӯрнинг дафъи шарриға азм-жазм қилиб кӯчтук. Ора икки кӯнуб, чаҳоршанба Чатурмук, Секандарпурнинг Чӯпара отлиқ гузари устига тушулди. Ушбу кундин эл ӯтмакка машғул бӯлдилар. Бу ҳаромхӯрлардин мутавотир хабар кела бошладиким, Сару била Гагардин ӯтуб, Лакнав сари мутаважжиҳдурлар. Буларнинг гузар бандлиғиға турк ва хинд умаросидин Султон Жалолиддин Шарқий, Алихон Фармулий, Турдика, Низомхон Байаний, Тӯламиш ӯзбак, Қурбон Чархий, Ҳасанхон *(376 б)* Дарёхоний бошлиқларни таъйин қилиб панжшанба охшоми рухсат берилди.

Ушбу охшом таровиҳдин сӯнгра бир пос ва беш гарий бӯлуб эдиким, пашакаал булутлари қайнаб, бир замоннинг ичида андоқ тӯфон бӯлуб, қаттиқ ел қӯптиким, йиқилмағон чодир кам қолди. Мен хиргоҳ ичида китобат қиладур эдим, қоғаз ва ажзони йиғиштурғунча фурсат бӯлмади, хиргоҳни пешхона била-ӯқ менинг бошимға йиқти. Хиргоҳ тунглуги реза-реза бӯлди. Тенгри сахлади, осебе етмади. Китоб ва ажзо ғарқ ӯл бӯлди. Ташвиш била йиғиштурулди. Сақарлот кат зайлучасиға чирмаб, кат остиға қӯюб, устига гилемларни ёптук. Икки гарийдин сӯнг таскин топти. Тӯшакхона чодирин тиктуруб, шамъ ёктурди. Машаққат била ӯт ёндуруб, тонг отғунча уюхламай, авроқ ва ажзонинг қурутмоғиға машғул эдук.

Панжшанба куни мен сувдин кечтим. Одина куни отланиб, Харийд ва Секандарпурни сайр қилилди. Ушбу кун Абдулло била Боқи Лакнавнинг[1152] олилғонини битиб эдилар. Шанба куни Кӯкийни жамоати била илгаррак йиборилдиким, Боқиға бориб қӯшулғай. Якшанба куни Султон Жунайд барлосни ва Ҳасан Халифани *(377 а)* ва Мулло Опоқнинг жамоатини ва Мӯмин атканинг оға-инисини рухсат берилдиким, бориб Боқиға қӯшулуб, мен етгунча иликдин келурларини тақсир қилмағайлар.

Ушбу намози дигар Шоҳ Муҳаммад Маъруфқа хосса хилъат ва тупчоқ иноят қилиб, рухсат берилди. Билтурғи дастур била Саранни важҳиға ва Кундлани таркаш банд сахламоғиға иноят қилилди. Ҳам ушбу кун Исмоил Жилванийға Сарваардин етмиш икки лак важҳ иноят қилиб, рухсат берилди. Аловулхон Нуҳон бошлиқ анинг била келганларга ҳам Сарваардин важҳ таъйин қилиб, рухсат берилди. Муқаррар андоқ бӯлдиким, ҳар қайсининг бирорини ӯғли Аграда ҳамиша мулозаматта бӯлғай. «Гунжойиш» ва «Оройиш» кемасини яна икки бангалий кемаси билаким, бу навбат тушган кема бангала кемаларидин интихоб қилилиб эди, бангалийларға ухда қилилдиким, Тирмуҳаний била Ғозипурға элтгайлар. «Осойиш» била «Фармойиш» кемасига фармон бӯлдиким, Сару юққори ӯрду била ҳамроҳ элтгайлар.

[1150] Л: Бу сӯзлар тушиб қолган.
[1151] Қ: кундана.

[1152] Н: Лакнур.

Биҳар ва Сарудин хотирни жамъ қилиб, душанба куни Чатурмукнинг Чупара гузаридин Авад тарафи Сару ёқалай кӯчилди. Ӯн куруҳча йӯл келиб, Фатҳпурнинг тавобиидин Калийра[1153] деган *(377 б)* кентнинг ёнида Сару ёқасида тушулди. Эрта кӯчганлар озиқиб, Фатҳпурнинг улуғ кӯлига борибтурлар. Бир неча кишини чоптурулдиким, яқиндаги элни ёндурғайлар. Кичик Хожани йиборилдиким, кӯл ёқасида қӯнуб, анда тушган черикни тонгласи келтуруб, ӯрдуға қӯшғай. Эрта андин кӯчуб, ярим йӯлда «Осойиш» кемасига кирдим. Юққори юртғача торттуруб келдим. Йӯлда Шоҳ Муҳаммад девонанинг ӯғликим, Боқи қошидин келиб эди, Халифа келтурди — Лакнав хабари таҳқиқ бӯлди.

Шанба куни, рамазон ойининг ӯн учида уруш солурлар. Уруш била ҳеч иш қила олмаслар. Уруш асносида йиғиштурғон хас ва капа ва жариға якбора ӯт туташур, андоққим, қӯрғон ичи танурдек тафсон бӯлур, фасил устида юра олмаслар. Қӯрғонни олурлар. Икки-уч кундин сӯнг бизнинг қайтғон хабаримизни топиб, Далмуд сари кӯчарлар. Бу кун ҳам ӯн куруҳча йӯл келиб, Секрий парганасининг Жалесар отлиқ кентининг ёнида Сару ёқасиға тушулди.

Чаҳоршанба, отнинг осойиши учун, ул юртта мақом бӯлди. Шайх Боязид ва Бибанни баъзилар дедилар эдиким, Гангдин ӯтуб, *(378 а)* Чунар ва Жуун навоҳиси била ӯзларини сипоҳийлариға тортар хаёллари бор эмиш. Бекларни чорлаб, машварат қилиб, андоқ сӯз бӯлдиким, Муҳаммад Замон мирзо ва Султон Жунайд барлоским, Жӯнпур эвазиға Чунарни ва яна баъзи парганотни топиб эдилар, Маҳмудхон Нуҳоний, Қози Жийа, Тожихон Сарангхоний бориб, Чунарда мухолифларнинг йӯлини тусқайлар.

Тонгласи панжшанба куни эрта кӯчуб, Сару дарёсидин айрилиб ӯн бир куруҳ йӯл келиб, Парсарудин ӯтуб, Парсарунинг ёқасида тушулди. Бекларни чарлаб, машварат қилиб, Эсан Темур Султон, Муҳаммад Султон мирзо, Тӯхта Буға Султон, Қосим Ҳусайн Султон, Беҳуб Султон, Музаффар Ҳусайн Султон, Қосим Хожа, Жаъфар Хожа, Зоҳидхожа, Жонибек, Аскарий навкарлари била, Кичик Хожа, Ҳинд умаросидин Оламхон Калпий, Маликдод Кароний, Равуй Серваний бошлиқларни таъйин қилилдиким, Боязид ва Бибаннинг кейинча Далмут тарафи черикдин айрилиб, илдам борғайлар.

Ушбу Парсаруда кеча таҳорат қиладур эдим, шамъ ёруғиға қалин балиқлар йиғилиб, сув юзига чиқтилар. Мен ва яна ёвуғумдағилар илик била қалин балиқ туттук.

Одина куни Парсарунинг бир шох обининг бошиға тушулди. Хейли иничка сув эди. Черик элининг убур ва мururидин тағайюр топмағай, деб юққорисини *(378 б)* бӯгдуруб, бир даҳидардаҳ бӯлғон ерини таҳорат учун ясаттим. Бисту ҳафтум[1154] кечаси ушбу юртта бӯлди.

Тонгласи бу сувдин айрилиб, Тӯс[1155] сувини ӯтуб тушулди. Якшанба куни ҳам ушбу сув ёқасиға туштук.

Душанба куни, ойнинг йигирма тӯққузида ушбу Тӯс сувининг ёқасида манзил эди. Бу охшом, бовужудким, ҳаво яхши соф эмас эди, бир неча киши ой кӯрдилар. Қози қошида гувоҳлик бердилар, ой боши собит бӯлди.

Сешанба сабоҳи ийд намозини ӯтаб отланилди. Ӯн куруҳ йӯл келиб, Тайикнинг[1156] бир куруҳида Гӯйи сувининг ёқасида туштук. Намози пешинга ёвуқ маъжун иртикоб қилилди. Шайх Зайн ва Мулло Шиҳоб ва Хондамирға буғина байтни йибориб тиладук:

*Шайху Мулло Шиҳобу Хондамир,*
*Келинг уч-уч, икки-икки, бир-бир.*

Дарвеш Муҳаммад ва Юнус Али ва Абдулло ҳам бор эдилар. Намози дигар куштигирлар кушти туттилар. Чаҳоршанба куни ул юртта мақом эди. Чоштқа ёвуқ маъжун ейилди. Малик Шарққим, Тожихонни Чунардин чиқорғали бориб эди, букун келди. Букун куштигирлар кушти туттилар. Паҳлавон Авадийким, бурун келиб эди, бу фурсатта келган *(379 а)* ҳиндустоний куштигир била курашиб йиқти. Яҳё Нуҳонийға ӯн беш лаклик ер Сарваардин важҳиға бериб, сарупо кийдуруб, рухсат берилди.

Тонгласи ӯн бир куруҳ йӯл келиб, Гӯйи сувидин ӯтиб, ушбу сув ёқасида тушулди. Илғор борғон султонлар ва беклардин андоқ хабар топилдиким, Далмудға бориб, ҳануз Ганг дарёсидин

[1153] Қ: Калпухра. еттинчи (рамазон ойининг бу кечаси «Лайлатул қадр» ҳисобланади, шунинг учун бу кеча алоҳида қайд этилмоқда).

[1154] йигирма еттинчи.

[1155] Қ: тавсан.

[1156] Р: Мояк.

ўтмайдур эмишлар. Аччиғланиб фармонлар йиборилди: Ганг дарёсидан тез ўтуб, ёғийнинг сўнгига юруб, Жуундин ҳам ўтуб, Оламхонни ўзингизга қўшуб жаҳд[1158] қилиб, ёғийға илик қўша кўрунг.

Ушбу сувдин ора икки қўнуб, Далмуд келилди. Ганг дарёсидин гузар била аксар черик эли ушбу кун-ўқ ўттилар. Ўрдуни ўткариб, гузардин қуйи оролда маъжун ейилди. Черик эли Жоnолигон[1159] жиҳатидин сувдин ўтиб тушган юртта бир кун мақом бўлди. Боқи Тошкандий Авад черики била ушул кун келиб, мулозамат қилди.

Ганг сувидин ора қўнуб, Курараниng ёнида Аринд суйининг ёқасиға тушулди. Далмуддин Курара йигирма икки куруҳ чиқти.

Панжшанба куни ул юрттин эрта кўчуб, Одампур парганасининг олиға тушулди. Мухолифларнинг сўнгича ўтмоқ *(379 б)* учун бурунроқдин жолабонлардин бир-иккини Калпий йиборилиб эдиким, бўлғон кемаларни келтургайлар. Ўшунда тушган охшом бир пора кема келди. Дарёдин гузар ҳам топилди. Юртнинг пургардлиғидин оролда-ўқ ўлтурдум. Неча кунким анда эдим, кеча-кундуз оролда-ўқ бўлур эдим. Мухолифлардин таҳқиқ хабар келмаган учун Боқи шиғовулни Аваддағи йигитлар била сув кечуруб, ёғийдин хабар олғали йиборилди.

Тонгласи жумъа намози дигар Боқибекнинг навкари келди. Шайх Боязид ва Бибаннинг қаравулини босиб, Муборакхон Жилваний отлиқ ўбдон кишисини ва яна бир неча кишисини ўлтуруб, бир неча бош ва бир тирик йиборибтур. Сабоҳи, Шоҳ Ҳусайн бахшиким, Боқи била бориб эди, келди. Қоровулни босганини ва андағи хабарларни машруҳ арз қилди. Ушбу охшомким, якшанба кечаси ва ойнинг ўн учи бўлғай, Жуун дарёси кирди, андоқким, сабоҳи бу оролни дуруст сув бости. Бир ўқ отими қуюроқ яна бир оролға бориб, чодир тикиб ўлтурдум.

Душанба куни илғор борғон султонлар ва беклар қошидин Жалол Тошкандий келди, илғор хабарини топиб, Шайх Боязид ва Бибан Маҳўба парганасидин қочибтурлар.

*(380 а)* Чун пашакаал етишиб эди ва беш-олти ой черик чериклаб, черик элининг от ва улоғи хароб бўлуб эди, борғон илғор султонларға ва бекларга фармон бўлдиким, Агра ва ул навоҳидин тоза зўр илғор келгунча, етган ерда таваққуф қилғайлар.

Ушбу намози дигар Боқи шиғовул била Авад черикига рухсат берилди. Мусо Маъруф Фармулийким, черикдин ёниб, Сару дарёсидин ўтганда келиб, мулозамат қилиб эди, ўттуз лаклик пargана Амруҳардин важҳиға таъйин қилиб, хосса бош-оёқ ва эгарлик от иноят қилиб, Амруҳарға рухсат берилди.

Бу тарафлардин хотиржам қилиб, сешанба кечаси уч пос ва бир гарийдин сўнг илғор тариқи била Аграга мутаважжиҳ бўлдук. Тонгласи ўн олти куруҳ йўл келиб, тушга ёвуқ Калпий тавобиидин Билавар[1160] деган парганада тушланиб, отға арпа бериб, намози шом андин отланилди. Бу кеча ўн уч куруҳ йўл юруб, уч поста Калпий парганаларидин Суғандпурға Баҳодурхон Сервонийнинг гўрхонасиға тушуб уюхлаб, намози бомдодни ўтаб, андин тебрадук. Ўн олти куруҳ келиб, кун тушта Итаъваға еттук. Маҳдий Хожа ўтру келди. Кечанинг бир посида андин отланиб, йўлда озроқча уюхлаб, ўн олти куруҳ йўл келиб, *(380 б)* Раприйнинг Фатҳпуриға туш тушулди. Эрта намози пешин Фатҳпурдин отланиб, ўн етти куруҳ йўл юруб, кечанинг икки посида Аграниng «Ҳашт беҳишт» боғиға тушулди.

Тонгласи одина куни Муҳаммад бахши ва баъзилар келиб, мулозамат қилдилар. Намози пешинга ёвуқ Жуундин ўтуб, Хожа Абдулҳаққа мулозамат қилиб, қалъа бориб, амма бегимларни кўрдум.

Балхий полизкорни ковун эккали қуюлуб эди. Бир неча ковун сахлағон экандур, келтурди. Хейли яхшиғина ковунлар эди. Бир-икки бута ток «Ҳашт беҳишт» боғида эктуруб эдим, анинг ҳам яхшиғина узумлари бўлуб эди. Шайх Гуран ҳам бир сабад узум йибориб эди, ёмон эмас эди. Ҳиндустонда ковун, узумнинг мунча бўлуридин филжумла хурсандлиғе бўлди.

Якшанба кечаси икки пос бор эдиким, Моҳим келди. Биз черикка жумодиулаввал ойининг унида отланиб эдук, ғариб умури иттифоқий воқиъ бўлубтурким, булар ҳам Кобулдин ушбу кунда чиққан экандурлар. Панжшанба куни зилқаъда ойининг ғуррасида улуғ девонхонада девон ўлтурғонда Ҳумоюннинг ва Моҳимнинг пешкашларин торттилар. Ушбу кун Мағфур девоннинг

1157 Р: Бадламуға.

1158 Қ: Алихонни.

1159 Қ: Жонокиган.

1060 Қ: биладур; Н: Биловур.

бир навкарин юз эллик каҳаарға[1161] музд бериб қовун ва узум *(381 а)* ва мева учун Кобулға йиборилди.

Шанба куни ойнинг учида Ҳиндубекким, Кобулдин бадрақа бўлуб келиб эди, Али Юсуф йўллаган учун, Санбалға йиборган экандурлар, келиб, мулозамат қилди. Ҳисомиддин Али Халифа ҳам Алвардин ушбу кун келиб, мулозамат қилди.

Тонгласи якшанба куни Абдуллоким, Тирмуҳанийдин Али Юсуф ўлган жиҳатидин Санбалға йиборилиб эди, келди.

Кобулдин келгучилардин андоқ масмуъ бўлур эдиким, Шайх Шариф Қорабоғий Абдулазизнинг иғвосидин ё ҳаводорлиғидин қилмағон зулм ва ўтмаган бидъатларни бизга иснод қилиб, маҳзарлар битиб, Лаҳўр аиммасининг отларини таклиф била битиб, маҳзарнинг саводини шаҳрларга йибориб, баҳс қилур хаёли бор. Абдулазиз дағи неча ҳукмни эшитмай, анвойи ношойиста аҳвол ва нобойиста афъол андин содир бўлубтур. Бу жиҳатлардин якшанба куни, ойнинг ўн бирида Қанбар Али арғунни йиборилдиким, Шайх Шарифни ва Лаҳўр аиммасини ва савдарийларини[1162] ва Абдулазизни даргоҳиға олиб келтургай.

Панжшанба куни, ойнинг ўн бешида Тижарадин Чин Темур Султон келиб, мулозамат қилди. Ушбу кун паҳлавон Содиқ била Улуғ Авадий куштигир *(381 б)* кушти туттилар. Содиқ нимкора йиқти. Хейли ташвиш тортти.

Душанба куни, ойнинг ўн тўққузида қизилбош элчиси Мурод қўрчиға мурассаъ камар ханжар ва муносиб хилъат кийдуруб, икки лак танга иноят қилиб, рухсат берилди.

Бу кунларда Саййид Машҳадий Гвалийардин келиб, Раҳимдоднинг ёғийлик ангизини арз қилди. Халифанинг навкари Шоҳмуҳаммад муҳрдорни йиборилди. Ғалаба насиҳатомиз сўзлар битиб йиборилди. Бориб, бир неча кундин сўнгра ўғлини олиб келди. Агарчи ўғли келди, вале ўзининг келур хаёли йўқ эди. Анинг рафъи таваҳҳуми учун Нурбекни сешанба куни, зулҳижжа ойининг бешида Гвалийарға йиборилди. Неча кундин сўнг Нурбек келиб, Раҳимдоднинг қилғон истидъоларини арз қилиб, муддаосидек фармонлар буткариб йиборур ҳолатта бир навкари келиб арз қилдиким, мени ўғлини қочурғали йиборибтур, келур хаёли йўқтур. Бу хабар келгач, филҳол Гвалийар устига отланмоқ бўлдук. Халифа арзға еткурдиким, яна бир навбат мен насиҳатомиз хат битиб йиборай, шоядкимислоҳқа келгай. Бу маслаҳат учун Шиҳобуддин Хисравни йиборилди.

Панжшанба куни, мазкур ойнинг еттисида *(382 а)* Итаъвадин Маҳдий Хожа келди. Ийд куни Ҳиндубекка хосса бош-оёқ, мурассаъ камар шамшир ва тупчоқ иноят бўлди, Ҳасан Алиғаким, туркман орасида Чиғатойға машҳурдур, бош-оёқ ва мурассаъ камар ханжар ва етти лаклик паргана иноят бўлди.

## Вақоиъи санайи ситта ва салосина ва тисъа миа*

Сешанба куни, муҳаррам ойининг ўн учида Гвалийардин Шиҳобуддин Хисрав била Шайх Муҳаммад Ғавс Раҳимдоднинг шафоати учун келди. Чун дарвеш ва азиз киши эди, Раҳимдоднинг гуноҳини аларға бағишлаб, Шайх Гуран била Нурбекни Гвалийарға йиборилдиким, Гвалийарни буларға топшуруб...**

Буларнинг кўмакига йибордук. Сўнгра Муҳаммад Али жанг-жангни йиборилди. Илгари таъйин бўлғон Мулло Муҳиб Алилар етгунча, Абдулазиз аларни тебратиб, туғини олиб, Мулло Неъмат ва Мулло Довуд ва Мулло Опоқнинг иниси ва яна бир нечани олиб, шаҳид қилган экандурлар. Булар етгач, Зоҳир Табарий Муҳиб Алининг тағойиси чопар, кўмак етмас, Зоҳирни ўшанда-ўқ олурлар, Муҳиб Али ҳам уруш асносида йиқилур. *(382 б)* Болту кўндалондин кириб, Муҳим Алини чиқарур. Бир куруҳгача буларнинг кейинича келурлар. Муҳаммад Али жанг-жангни қароси пайдо бўлғач, турарлар. Бизга паёпай хабар келдиким, ғаним кишиси ёвуқ келди. Жиба кийиб, отларға кежим солиб, ярогланиб чопа отландуқ. Буюрдумким, аробаларни тортиб кетиргайлар. Бир куруҳ келдук. Ғаним кишиси ёнған экандур.

---

[1161] Қ: Корбор.
[1162] Қ: вужуд рабларина; Н: жавдариларини.

* Тўққуз юз ўттиз олтинчи (1529) йил воқеалари.
** Ҳар икки босмада ҳам асар мана шу «топшуруб» сўзига келиб узилиб қолади. Бундан кейинги парчанинг ҳам бош томони тушиб қолган. Бу парчалар «Танқидий матнда» ҳам йўқ.

Дарё(йи) Хўрд улуғ кўл эди, сув маслаҳатиға ушбу ерда тушулди. Аробаларни илгари мазбут қилиб, занжирлар била аробаларни гирдини беркуттук. Ва Раана Сангаа бениҳоятлиқ кўл ва қўшуни била оёқ илгари қўйдиким, Ҳиндустон қоидаси била юз мингни бир лак ва юз лакни бир карўр дерлар, анинг кўл ва қўшуни икки минг лакка етиб эди. Нечукким, вилояти ун карўрга етиб эдиким, бир лак отлиғнинг жойи ва авкотгузари бўлғай. Ва кўпинча бош ва бошлиғким, ҳаргиз ҳеч маъракада анга имдод қилиб, итоат ва байъатлиғлари йўқ эди, анга қўшулуб, фармонбардор бўлуб эдилар.

Анинг *(383 а)* черикининг тафсили будуркким, Салоҳиддинким, Раай Синг ва Сарангпурни ҳукуматлиғи анда эди, ўттуз минг отлиққа ер ва суйи бор эди. Ва Равал Удай Синг Багарий ўн икки минг отлиқ ва Ҳасанхон Мbelieveватийким, Меватни ҳокимлиғи анда эди, ўн икки минг ва Баҳодур Ҳамлойдарий тўрт минг ва Сатравий Кейчий олти минг ва Жармал Парам Дэв ва Мерват ҳокими тўрт минг ва Бир Синг Дэв Чавҳан тўрт минг ва Султон Искандарни ўғли Маҳмудхон, агарчи вилояти йўқ эди, сардорлиғ ҳавасиға ўн икки минг отлиғ ўзи била сахлар эди. Ҳосил будуркким, мухолиф минг икки лак кишига тортар эди.

Ва мухолифларнинг келури бизни масомимизга етишти, ўз фикримизни қилиб, ўшул равиш била ясов ясадукким, ғулга мавкиби хоссамиз мутамаккин бўлуб, ўнгга Чин Темур Султон ва Мирзо Сулаймон ва Хожа Дўстхонд ва Юнус Али ва Шоҳ Мансур барлос ва Дарвеш Муҳаммад сорбон ва Абдулло китобдор ва Дўст эшик оға ўзга умаролар била муқаррар қилдук. Ва сўлга султон Баҳо *(383 б)* вуддин Баҳлул Лўдийни ўғли Аловуддин ва Шайх Зайн Хавофий ва Амир Муҳиб Аликим, Низомиддин Али халифанинг ўғли эди ва Турдибекким, Қўчбекни иниси эди ва Шерафганким, Қўчбекни ўғли эди ва Оройишхон ва Хожа Ҳусайн ва ўзга халқимиз била тузадук. Ва баронғорга ўзумиз бўлуб, Ҳиндустон умароларидин Хонихонон ва Дилоовархон ва Маликдод Караний ва Шайх Гурандек кишилари хизматимизга сахладук. Ўнгга Қосим Ҳусайн Султон ва Аҳмад Юсуф ўғлоқчи ва Ҳиндубек қавчин ва Хисрав кўкалдош ва Қивомбек ва Ўрдушоҳ ва Вали хозин ва Қарокўзи ва Марқули Сийстоний ва Хожа Паҳлавон Бахший ва Абдушукурни ва Малик Қосим Бобо Қашқани, инисини ўзга муғул баҳодурлари билан таъйин бўлдилар ва сўнгга Мирҳама ва Муҳаммадий кўкалдош ва Хожаги Асад бир неча йигитлар билан номзад бўлдилар. Ва жавонғори майманат осорға Маҳдий Хожани ва Муҳаммад Султон мирзо ва Маҳдий Султонни ўғли Одил Султон ва Абдулазиз мирохўр ва Муҳаммад жангжанг ва Қутлуққадам қаравул ва Шоҳ Ҳусайн Ёракий ва Жонибек атка ва Ҳиндустон умароларидин Жалолхон ва Камолхонким, Султон Аловуддинни ўғлонларидин эдилар ва Алихон, *(384 а)* Шайхзода Фармулий ва Низомхон Байана ва Мўмин атка ва Рустам туркман ичкилар билан ва ўзга баҳодурлар ва ғозийлар ихлос ниҳод билан урушга бел боғладилар.

Ва Низомиддин Али халифани ғазоти Рум дастуридек, буюрулдиким, милтиқчилар ва раъдандозларким, черикимизни олдида эдилар, аларнинг паноҳи учун аробаларни келтуруб, занжир билан боғладилар. Ва Султон Муҳаммад бахшини буюрулдиким, рўбарўда туруб, ҳар не хотирга келса, фармон қилғаймиз ва ул ясавуллар ва тавочиларга буюрғайким, бошлиғларга еткузгайлар ва чун черикни юрушда тартиб берилди, бош ва бошлиғлар улуси билан бориб, ўрунлариға турдилар. Андин сўнгра фармон бўлдиким, ҳеч киши ўрнидин тербанмасун ва берухсат майдонга бориб, муҳораба қилмасун, то биздин фармон бўлмаса.

Ва кундин бир поси ўтуб эрдиким, жавонғор ва буронғор андоқ уруш бўлдуким, зилзила заминда ва валвала замонда тушти. Ва ёв бизни буронғор тарафидин тербаниб, Хисров кўкалдош ва Малик Қосим Бобо Қашқаға ҳамла қилдилар. *(384 б)* Ва Чин Темур Султонни буюрдукким, аларнинг кўмакига етсун. Ва ул мардона ишлар қилиб, ёвни қувлаб, ясовулни бузуб, ғулини яқинига еткузди. Ва бу фатҳининг жулдуси анинг отиға муқаррар қилдук ва Мустафо Румийни буюрдуким, ғулдин аробаларни илгари элтиб, милтиқ ва зарбзан билан андоқ мухолифни лашкарини дарҳам урдиким, баҳодурларнинг кўнгулларидин қоронғу кўтарилди. Ва кўп ёвнинг танаси мазаллат тупроғиға тушуб, фано бодиға йиборилди.

Ва лекин воқиъа андоқ эдиким, Раана Сангаанинг черики кейинидин саф-саф келур эдилар. Мен ҳам кишиларимни яхшиларини териб-териб бир-бирини кейинидин кўмакка йиборур эдим. Аввал Қосим Ҳусайн Султон ва Аҳмад Юнус

ва Қивомбекни буюрдум. Андин сўнг Ҳиндубек қавчинни фармон бердим ва андин сўнгра Муҳаммад кўкалдош ва Хожаги Асадни ҳукм қилдим, андин сўнг Юнус Али ва Шоҳ Мансур барлос ва Абдулло китобдор ва аларнинг кейинидин Дўст эшикоғани ва Муҳаммад Халил ахтабегини кўмакка йиборилди *(385 а)* ва ғанимни баронғори неча қатла бизни жавонғорға ҳамла келтурди ва ҳар қатлада ихлосниҳод ғозийларимиз бир порасини ўқ ёғини билан ерга тикар эдилар. Ва яна бир порасини қилич ва ханжар барқи билан куллайн жаҳаннамға йиборур эдилар. Ва Мўмин атка ва Рустам туркман ва Мулло Маҳмуд ва Али атка ва Муҳаммад Султон мирзо ва Одил Султон ва Абдулазиз мироҳўр ва Қутлуққадам қаравул ва Муҳаммад Али жанг-жанг ва Шоҳ Ҳусайн Боракий муғул ғончи қўл урушга қўюб, собит қадам бўлдилар. Ва Хожа Ҳасан девон девонийлар билан кўмакка кеттилар. Ва бори баҳодурлар жон бериб, жон олиб, интиқом барқларини душмандин узаттилар. Нечунким, ғанимни кўплигидин уруш узоққа тортилди. Хос хизматгорларким, аробаларни кейинида шердайин занжирда эдилар, буюрдумким, ғулни ўнг ва сўлидин милтиқчиларни ўртада қўюб, икки тарафдин корзор қилсунлар. Ушбу йигитлар шердек занжирни ғажиб, узуб чиққандек ўзларини ўз бошига кўрган билан бу хайли куффорға тушуб, ҳарне қўлларидин келди — қилдилар. *(385 б)* Ва нодирул-аср Али Қули ўз улуси билан ғулнинг олдида эди ва милтиқ ва зарбзан ва тош отмоқда ишлар қилур эдилар.

Кўрдукким, ғаним фаноси кечроққа тортилди. Буюрулдиким, ғул аробаларини илгаррак юрусунлар, ўзумиз ҳам юруй-ўқ бердук. Ясов халқи ўнг ва сўлдин буронғор ва жавонғордин кўруб, тербониб, ғанимға ҳамла келтурдилар. Андоқ уруш бўлдуким, бизни ўнг ва сўлимиз ғанимни ўнг ва сўлини элтиб, бир ерда солдилар. Ва ғаним илик кўнглидин юб ва умр памуғуни куйдуруб, бизни баронғорға ва жавонғорға чопиб, ўзларини яқин ҳам тегуздилар. Чун оёғ маҳкам қилиб эрдук, мухолифни турар мажоли қолмай, беихтиёр қоча бердилар. Ва кўпроғи ўшул майдонда жон бериб, жаҳаннамға кетдилар. Ва озроғи саросима бўлуб, қумлайин бу саҳроға еттилар. Ва Ҳасанхон Меватийга милтиқ тегиб, гарди фаноға кетти. Ва Равал Удай Синг ва Маникчанд Чавҳан ва Раай Чандарбан ва Дилпат Раай ва Кангар ва Карамсингдек бошлиқлар ғанимдин адам йўлини ғубори бўлдилар. Ва неча минг поралиқ бизни черикни *(386 а)* отларининг оёғи остида поймол бўлдилар. Ва Муҳаммад кўкалдош ва Абдулазиз мироҳўр ва Оламхон ва яна бир неча умаролар билан буюрилдиким, Раана Сангаани кейиндин таоқуб қилсунлар. Ва мен ўзум ҳам бир неча қурўҳча қавладимким, Раана Сангааға қоронғу кун тушди.

То инки кеча бўлди, ғанимдин кўнгул жамъ қилиб, комёб қайттук. Ва неча соаттин сўнг манзилга етиштук. Нечунким, тақдир бўлмагандурким, ул кофир қўлга тушгай. Кейиндин кетган халойиқ эҳтимом қилмабтурлар ва пушаймон бўлдукким, халқни умидига бўлмай, ўзумиз таоқуб қилмоқ керак эди. Ва Шайх Зайниддинким, фузалоларимиздин эди, бу фатҳға тарих «подшоҳи ислом» топти ва Миргису ҳам Кобулдин ўшул тарихни битиб йиборди. Яна ўшандоқ илгариги фатҳларимиздинким, Дипалпурни фатҳ қилдик, икки киши «васъати рабиул аввал» топти.

Ва чун фатҳ мундоқ бўлди. Раана Сангаанинг кейнидин вилоятиға таоқуб қилмоқни сабаби йўқ эрди, мавқуф қилиб, Меват тасхириға ҳиммат боғладук. Ва *(386 б)* Муҳаммад Али жанг-жанг ва Шайх Гуран ва Абдулмалик қўрчинни қалин киши билан Илёсхоннинг бошиға йибордукким, Икки сувни орасиға бош кўтариб, Куйил қасабасини урушуб олиб эди. Ва Кичик Аликим, Куйил қасабасини ҳокими эди, тутуб бандға солғон экандур. Ўшал йиборган черикким, биз йибориб эдик, яқин етганда тоб келтура олмай қочибтур. Неча кундин сўнгким, Аграга еттук, дохил бўлғон куни ул тийра бахтни боғлаб, чирмаб келтурдилар. Сазосиға етти.

Андин сўнгра кўнгулга еттиким, Меват тарафиға бормоқ керак. Чаҳоршанба куни, ражаб ойини олтисиға Алварким, Меват ҳокимнишинидур, борилди. Анинг хизонасини осонлиғ билан қўлға олдук. Ва чун бу вилоят ҳам дохили мамолики маҳруса бўлди, азимати мустақарри хилофат қилдук. Муҳаммад Ҳумоюнни Кобул ва Бадахшонға рухсат бериб, ўзумиз мустақарри хилофатка борғоимиз.

Тўққиз юз ўттиз тўртта Хон Мирзо оламдин сафар қилди. Бадахшонни ҳукуматиға нурул-айний Муҳаммад Ҳумоюнға бериб эдик, ўшул йилнинг ражаб ойининг тўққузида Муҳаммад Ҳумоюнни ул мамоликка рухсат берилди. *(387 а)* Ўшул

аснода Бибан Афғонким, бош кўтариб эди, Қосим Ҳусайн Султон ва Муҳаммад Қосим Бобо Қашқа ва Абдулламуҳаммад найзадор ва Ҳусайнхон ва Ҳиндустон умароларидин Алихон Фармулий ва Маликдод Кароний ва Татархон ва Хонижаҳонни Муҳаммад Султон мирзоға йўлдош қилиб йиборилди. Ул бахти қайтғон эшиттиким, черик таъйин бўлубтур, бошини қулиға олиб, дунёдин чиқар.

Ўзумиз ўшул йилниг авохирида Фатҳпур ва Барийни сайр қилиб, Аграга келдук. Тўққиз юз ўттуз тўртта Куйил сайриға бориб, андин Санбал шикориға борилди. Кўҳистонни сайр қилиб, Дорулхилофаға келинди. Ва сафар ойининг йигирма секкизида Фахрижаҳонбегим ва Хадича Султонбегим ўғлон-ушоғи билан Кобулдин келдилар. Ва биз кемаға кириб, аларни истиқболиға бориб, яхши соатта дохил қилдик.

Андин сўнг бир-бирини кейинидин хабар келур эрдиким, Мединий Рав Чандерий ҳокими ва Раана черик йиғиштурмоққа машғул бўлубтурлар. Ўшул хабарларким, бизға етти, олти-етти минг йигитни Чин Темур Султонға йўлдош қилиб, Калпий ҳудудидин Чандерийға йиборилди.

*(387 б)* Чаҳоршанба куни, жумодиул аввал ойининг еттисида Чандерий фатҳ бўлди ва «фатҳи дорулҳарб» анинг тарихини топиб эдилар. Ва Чандерий қўлға келгандин сўнг Аҳмадшоҳғаким, Султон Носириддинни набираси эди, иноят қилдук.

Ва якшанба куни, жумодиул аввал ойини ўн бирида қайтиб дорулхилофаға дохил бўлдук. Андин илгарроққим, Чандерийға борғаймиз, Раана черики билан тербониб Ирижғаким, бизни хизматторлардин анда эди, келиб қабал қилғон бўлғай. Бир кеча уйқусида бузургворлардин бириси анинг тушиға кириб, қўрқутурларким, ўшул уйқудин титраниб, сесканиб уйғона тушар, иситма тутар. Ўшул иситмада черикни ҳукм қилурким, қайтсунлар. Андоқ зоҳир бўлдиким, йўлда ажал йўлдош бўлиб, жонини олиб, жаҳаннамға йиборур.

Ва бизни черикимиз Бурҳонпур суйидин ўтар эдиларким, хабар келди: Маъруф ва Бибан ва Боязид Қаннуждин кўчиб, Ирижға келиб, Шамсобод қалъасини Абулмуҳаммад найзабоздин зўр билан олибтурлар. Аниг учун инон ўшал ёнға майл қилиб, бир неча йигитларни илгарироқ йиборилди. *(388 а)* Бу хабарни эшитгандин сўнг Маъруфни ўғли Қаннуждин кўчар. Ва Бибан ва Боязид ва Маъруф ҳам Гангдин ўтуб, Қаннуж барobarида Гангни офтоб чиқарида бориб, гузарбандлиғ хаёлиға ўлтурарлар.

Ва тўққуз юз ўттуз бешда жуъма куни, муҳаррам ойининг учидаким, Мирзо Аскарийни Кобулдин Мўлтон маслаҳатиға тилатиб эрдук, Гвалийарга келиб мулозамат қилди. Ўшул куни Раажа Бикрамажит ва Ман Сингнинг иморатларини сайр қилиб, дорулхилофаға мутаважжиҳ бўлдук. Пайшанба куни, ушул ойнинг йигирма бешида дохил бўлдук.

Душанба куни, рабиулаввал ойининг ўнида Муҳаммад Ҳумоюндин қосидлар келиб, мулозамат қилдилар ва ариза ҳам келтурдиларким, анда битиб эрдиким, Тенгри таоло бизга бир ўғул кароmat қилди, анинг отини Алъамон қўйдук. Ушбу от бизга хуш ёқмади. Андин сўнг турк ва ҳинд умароларини чарлатиб, чашн бердук. Ушбу жашнда маслаҳат ва кенгаш андоқ бўлдиким, шарқ вилоятлариға тахт келтурмак керак. *(388 б)* Илгарироқ Мирзо Аскарий оғир черик билан мутаважжиҳ бўлсун. Ва умароларким, Ганг суйини нари ёнидадурлар, йўлдош бўлуб, бу маслаҳатға жаҳд қилсунлар. Ва душанба куни, рабиулохир ойини еттисида Мирзо Аскарий(га) рухсат бўлуб, мутаважжиҳ бўлди.

Ва ўзумиз шикор учун Даҳпур тарафиға отландук. Ва жумодиул аввал ойини учида хабар келдиким, Маҳмуд Искандарни ўғли Биҳарни олиб, шўриш хаёли бошиға бор. Шикордин қайтиб, дорулхилофаға нузул қилдук.

Ўшул аснода Бадахшондин Муҳаммад Ҳумоюн қосидлар йиборибтурким, қирқ-эллик минг черик йиғиштуруб, Султон Вайсни йўлдош қилиб Самарқанд хаёли бошқа тушубтур ва сулҳ сўзи ҳам орада бор. Анинг арзадошти жавобда битилдиким, Тенгри таолодин умидвормизким, ўшул яқинда Ҳиндустон вилояти қўлға киргай. Ҳавоҳоҳ ва яхши фарох ҳавсалаларимиздин Ҳиндустон вилоятиға қўюб, ўзумуз маврусий вилоятимизга борғаймиз. Ва керакким, бори халқимиз бу юрушда, Ҳумоюнға йўлдош бўлуб, ихлос кўрсатгайлар.

Ва панжшанба куни, ўшул ойнинг ўн еттисида Жуун суйидин ўтуб, шарқ рўя тарафиға мутаважжиҳ бўлдук. *(389 а)* Ушбу кунда Нусратшоҳдинким, Бангала волиси эди, элчилар келиб, пешкашийлар келтуруб, изҳори бандалик қилдилар.

Душанба куни, жумодиул охир ойининг ўн тўққузида Мирзо Аскарий келиб, бизни кўрди. Фармон қилдукким, сиз черикингиз билан Ганг суйини нари ёнида тушунг. Ва Агра яқинида Искандар Султонни ўғлини Маҳмудхонни бузулғондин хабар етти. Ғозипур ҳудудиғача бориб, Бўжпур ва Баҳатға тушулди. Ва анда Биҳар вилоятини Мирзо Муҳаммад Замонға берилди.

Панжшанба куни, рамазон ойининг еттисида Бангала ва Биҳардин хотиржамъ бўлуб, Сарваар тарафиға Бибан ва Боязид дафъи учун юруй бердук. Ва ул мухолифлар билан уруш солиб, шикаст бердук. Андин сўнг Харийд ва Секандарпурни сайр қилиб, бу вилоятлардин хотиржамъ бўлуб, илғор билан дорулхилофаға мутаважжиҳ бўлуб, андак фурсатта дохил бўлдук.

Ва Муҳаммад Ҳумоюн, бир йили эдиким, Бадахшонда дийдорлардин айру тушуб эди, сўнгра бизни соғиниб, Бадахшонни Мирзо Сулаймонким, анинг куёви эди, топшуруб, бир кунда Кобулға келур. Ва Мирзо Комрон *(389 б)* Қандаҳордин Кобулға келган экандур. Ийдгоҳта мулоқот қилиб, ҳайрон бўлуб, таважжуҳ сабабини сўрабтур. Ва Муҳаммад Ҳумоюн бизни иштиёқимизни айтиб Мирзо Ҳиндолни Кобулдан Бадахшонға йиборуб, бизнинг тарафға юра берур. Бир неча кунда дорулхилофа, Аграга етиб, ўшул соаткимь, биз анинг онаси билан отини тутуб, сўзлашиб ўлтуруб эдукким, ета-ўқ келди. Кўнгуллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чироғдек ёруди. Муқаррар ҳар куни чашн эди, лекин анинг ўзиға тўй бериб, хушҳоллиғлар қилдук. Ва неча муддатгача бир ерда бўлуб, мусоҳибона бир-бир билан сулук қилур эрдик. Ва алҳақ суҳбатта бебадал эди ва инсони комилким дерлар, ўшал эди.

Ўшал авқоттаким, Муҳаммад Ҳумоюн Бадахшондин келди, Султон Саъидхонким, Кошғар хонларидин эди ва хешлиғи ҳам бизга бор эди, Рашидхонни Ёркандга қўюб, хаёли хом қилиб, Бадахшон тарафиға мутаважжиҳ бўлубтур ва андин илгарироғким, ул Бадахшонға етгай, Мирзо Ҳиндол бориб, Қалъайи Зафарға кириб экандур. Султон Саъидхон уч ой қабал қилиб, илгидин иш келмай қайтибтур.

*(390 а)* Ва бизга андоқ еттиким, Кошғарийлар келиб, Бадахшонни олдилар. Биз Хожа Халифани фармон бердукким, Бадахшонға бориб, нечукким, салоҳдид бўлса, қилсун. Ул нофаҳмлиғдин қабул қилмади. Ва Муҳаммад Ҳумоюнға айтукким, сени борғонинг нечук бўлғай? Ул жавоб бердиким, фармонға чора йўқтур, лекин аҳд қилғонменким, ўз ихтиёрим билан дийдордин айрилмағаймен. Анинг учун Мирзо Сулаймонни Бадахшонға рухсат берилди. Ва Султон Саъидға битидукким, бовужудким, биздин неча ҳуқуқ сиздадур, ажаб келдиким, сиз мундоқ қилдингиз. Алҳол Мирзо Ҳиндолни чарлаб, Мирзо Сулаймонни йибордук. Агар ҳуқуқни манзур қилиб, Бадахшонни Сулаймон мирзоғаким, бизни фарзандимиздур, берсангиз яхши бўлғай. Ва илло биз гуноҳни ўзумиздин соқит қилиб, меросни меросхўрға топшурдук, билсунлар. Ва Мирзо Сулаймон андин илгариким, Кобулға етгай, Бадахшонни душман илгидин қўюб, амонлиғ бўлғон экандур. Ва Мирзо Сулаймон Бадахшонға борғондин сўнг, Мирзо Ҳиндол Бадахшонни Мирзо Сулаймонға топшуруб, Ҳиндустонға мутаважжиҳ бўлди.

*(390 б)* Ва Муҳаммад Ҳумоюн, Санбалғаким, анинг жойгири эди, рухсат берилди. Олти ойгача анда эди; зоҳиран ани ер ва суйи хуш ёкмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар. То онки биз эшиттук, фармон берилдиким, Деҳлиға келтуруб, Деҳлидин кемаға солиб келтурсунларким, ҳакими ҳозиқлар кўруб, дардиға даво қилсунлар. Бир неча кунда дарё йўли билан келтурдилар ва табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абдулқосимким, улуғ киши эди, арзға еткурдиким, ушмундоқ дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. То инки Тенгри таоло сиҳҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюн(нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арзға тегурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Ғараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эди, Муҳаммад Ҳумоюнға иноят қилиб эдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. *(391 а)* Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазиға нечук бўлғай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкил бўлибтур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлиғини тоқат келтургаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб

кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чарлаб, байъат қуллорини Ҳумоюнни қўлиға бериб, жойнишинлиғиға ва валиаҳдлиғиға насб қилдим. Ва тахтни анга топшурдум. Ва Хожа Халифа ва Қамбар Алибек ва Турдибек ва Ҳиндубек ва ўзга халойиқ ҳам бу насойиҳда бор эрдилар, бориси қабул қилиб, банд бўлдилар.

Мусаввиди аврок[1163] айтадурким, тўққуз юз ўттуз еттида жумодиулаввал ойини олтисида Чаҳорбоғидаким, ўшул подшоҳ ўз қўли билан обод қилиб эрди, ҳоли мутағаййир бўлуб, бу олами бевафони падруд қилди.

Ва фузалойи аҳдким, тарих ва маросий ва қасойид ва тарокиб айттилар, азон жумла Мавлоно Шиҳоб Муаммойи бу мисраъни тарих топти: «Ҳумоюн буд ворисн мулки вай».[1164]

*(391 б)* Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилиғларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужаммал буким, секкиз сифати асил анинг зотиға муттассил эди: бириси буким нажҳати баланд эди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эди; учимчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти Тенгри таоло бандалариға; еттимчиси, черикни кўнгли[ни] қўлға олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмоқ.

Ва фазилат бобида камлиғи йўқ эрдиким, назм ва наср ва туркий ва форсийни бебадал айтур эди. Алалхусус туркий девони бордуркнм, анда тоза мазмунлар топиб, айтибтур ва маснавий китоби ҳам борким, оти «Мубаййин»дур. Тил билур доно халқ орасида анингдек латойиф йўқтур. Ва Хожа Аҳрор айтган рисолаким, анинг оти «Волидия»дур, ўшал подшоҳ назм қилибтур. Ушбу китобким, «Бобурия»дур, Байрамхонни ўғли Мирзохонға буюрдиларким, туркийдин форсийға келтургилким, туркий билмоғон халойиққа осон бўлғай. Ул подшоҳ мусиқа илмидин ҳам хабари бор эди ва бу рубоийни форсий айтиб эдилар:

*(392 а) Дарвешонро агар на аз хешонем,*
*Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.*
*Дур аст мағўй шоҳӣ аз дарвешӣ,*
*Шоҳем, вале бандаи дарвешонем.*[1165]

Ва форсийда бу матлаъни ҳам айтубтурлар:

*Ҳалок мекунадам фурқати ту донистам,*
*Вагарна рафтан аз ин шаҳр метавонистам.*[1166]

Ва бу матлаъ ҳам аларнингдур:

*То ба зулфи сияҳаш дил бастам,*
*Аз паришонии олам растам.*[1167]

Ва ул подшоҳ аруз ва қофияға ҳам рисолалари бор ва ул жумладин, «Муфассал» деганким, ушбу фан шарҳи бўлғай, кўпдин-кўп яхши тасниф қилибтурлар.

Ва ул подшоҳға тўрт ўғул ва уч қиз Тенгри таоло каромат қилиб эрдиким, ўғлонлар: Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ ва Комрон мирзо ва Мирзо Аскарий ва Мирзо Ҳиндол эдилар. Ва қизлар: Гулрангбегим ва Гулчеҳрабегим ва Гулбаданбегим эдилар. Ушбу уч қиз бир онадин эдилар.

Ва бир неча аҳли табъким, ушбу подшоҳ доимул авкот суҳбатдин айру қўймас эди, булардур: Абулбақоким, *(392 б)* илми ҳикмат бобида бебадал эди. Ва Шайх Зайн садрким, Зайниддин Хавофийни набираси эрди: ҳиддати табъи бор эди, назм ва иншодин салиқалиғ ва Ҳумоюн подшоҳ замонида умаролиғ ҳам топиб эди. Ва Шайх Абулвоҳид Фориғийким, Шайх Зайн Хавофийни абаси бўлур эди, хуштабъ ва шеър ҳам айтур эди. Ва Султон Муҳаммад кўсаким, Мир Алишернинг мусоҳибларидин эрдиким, подшоҳ суҳбатида иззат топиб, сарафроз бўлуб эрди. Ва Мавлоно Шиҳоб Муаммойиким, «Фақирий» тахаллус қилиб эди, фазойил ва шеърдин насибаси бор эди. Ва Мавлоно Юсуфи табибким, ани Хуросондин тилатиб эдилар, набз кўрмоғдин ва ташхис қилмоғ анинг иши эди. Ва Сурх Вадоийким, туркий ва форсийда назм айтур эди. Ва Мулло Бақойини салиқаси кўп эрди ва «Махзанул асрор» вазнида подшоҳ отиға маснавий айтиб эди. Ва Хожа Низомиддин Али Халифа хизмат ва маҳрамият ва вазоратқа ақл ва тадбири бор эди ва подшоҳ олида ҳурмат ва иззати онча бор эрдиким, кўп сўзи мақбули табъ бўлур эди ва тибдин ҳам салиқаси бор эди. Ва *(393 а)* Мир Дарвеш Муҳаммад сорбонким, Хожа Аҳрорни яхши муридларидин эди, хушсуҳбат киши эрдиким, фазилатдин ул боргоҳда қурб ва эътибор топиб эди. Ва Хондамир муаррихким, турфа киши эди. Тасонифлари борким, халқ орасида машҳурдур: «Ҳабиб-ус-сияр» ва «Хулосат-ул-ахбор» ва

---

[1163] «Варақларни қораловчи» — кўчирувчи, котиб (кимлиги номаълум).
[1164] «Ҳумоюн — унинг мулкининг меросхўри».
[1165] «Дарвеш»лар агарчи бизларга яқин бўлмасалар ҳам, лекин биз уларга жону дил билан мухлисмиз. Шоҳликни дарвешликдан узоқ дема, биз шоҳ бўлсак ҳам, дарвешларнинг бандасимиз».

«Дастурул анвор» ва ӯзга таснифлари ҳам бор. Ва Хожа Калонбек умаролардин эди ва подшоҳ хизматида ӯлтурур эди, фазойил ва сахийлиғ бобида мумтоз. Ва анинг иниси Кичик Хожа муҳрдор ва хос аҳлидин эрди ва подшоҳ хизматида бу ҳам ӯлтурур эди. Ва Султон Муҳаммад дӯлдой улуғ умаролари эди. Хушхулқ киши эди.

«Валлоҳу би-кулли шайин алим».

# Таржималар

## Ҳиндистондан ғолиб подшонинг кӯл остига кирган жойлар даромадининг тахминий ҳисоби*

Сатлаж сувининг нариги томони, Бҳира, Лаҳӯр, Сийалкот, Дипалпур ва бошқалар саркори: уч карӯр ӯттуз уч лак ӯн беш минг тӯққуз юз саксон тӯққиз [33 315 989] танга.

Саҳринд саркори: бир карӯр йигирма тӯққиз лак ӯттиз бир минг тӯққиз юз саксон беш [12 931 985] танга.

Ҳисори Феруза саркори: бир карӯр ӯттуз лак етмиш беш минг бир юз етмиш тӯрт тӯққиз лак эллик минг икки юз эллик тӯрт [13 075 174] танга.

Деҳли пойтахти ва Миёни дуоб саркори: уч карӯр олтмиш тӯққиз лак эллик минг икки юз эллик тӯрт [36950254] танга.

Меват саркори [бу — Искандар замонида қӯшилмаган]: бир карӯр олтмиш тӯққиз лак саксон бир минг ӯттиз юз ӯн тӯққиз [16 981 000] танга.

Биёна саркори: бир карӯр қирқ тӯрт лак ӯн тӯрт минг тӯқиз юз ӯттиз [1441493] танга

Агра саркори: йигирма тӯққуз лак етмиш олти минг тӯққиз юз ӯн тӯққиз [2 976 919] танга.

Миёна вилоят саркори: икки карӯр тӯқсон бир лак ӯн тӯққиз [29 100 019] танга.

Гвалийар саркори: икки карӯр йигирма уч лак эллик етти минг тӯрт юз эллик [22 357 450] танга.

Калпий, Сиҳунда ва бошқалар саркори: тӯрт карӯр йигирма саккиз лак эллик беш минг тӯққиз юз эллик [42 855 950] танга.

Қаннуж саркори: бир карӯр ӯттиз олти лак олтмиш уч минг уч юз эллик саккиз [13 663 538] танга.

Санбал саркори: бир карур ӯттиз саккиз лак қирқ тӯрт минг [13 844 000] танга.

Лакнур ва Баксара саркори: бир карӯр [касри билан] ӯттиз тӯққиз лак саксон икки минг тӯрт юз ӯттиз уч [13 982 433] танга.

Хайробод саркори: ӯн икки лак олтмиш беш минг [1 265 000] танга.

Авад ва Баҳрайиж саркори: бир карӯр ӯн етти лак бир минг уч юз олтмиш тӯққиз [11 701 369] танга.

Жӯнпур саркори, тӯрт карӯр саксон саккиз минг уч юз ӯттиз уч [40 088 333] танга.

Карра ва Маникпур саркори: бир карӯр олтмиш уч лак йигирма етти минг икки юз саксон икки [16 327 282]танга.

Биҳар саркори: тӯрт карӯр беш лак олтмиш минг [40 560 000] танга.

Сарваар саркори: бир карӯр эллик беш лак ӯн етти минг беш юз олти ярим [15 517 5061/2] танга.

Саран саркори: бир карӯр ӯн лак ӯн саккиз минг уч юз етмиш уч [11 018 373] танга.

Чапаран саркори: бир карӯр тӯқсон саксон лак саксон олти минг олтмиш [19 086 060] танга.

Кандла саркори: қирқ уч лак ӯттиз минг уч юз [4 330 300] танга.

Раажа Руп Нарайан чегараси ӯрталигидаги Тирҳут саркори: икки лак эллик беш минг [255 000] кумуш танга, йигирма етти лак эллик минг [2 750 000] қора танга.

Чатсу, Маланадаги Рантанбӯр Бӯлий саркори: йигирма лак [2 000 000]

Нагур саркори.

Раажа Бикрамажит [Рантанбӯрдан] саркори.

Каланжарий саркори.

Раажа Синг Дэв саркори.

Раажа Бикам Дэв саркори.

Раажа Бикам Чанд саркори.

---

[1166] «Сендин айрилиш мени ҳалок қилишини билдим; бӯлмаса бу шаҳардин кета олардим».

[1167] «Унинг қора сочига дил боғлаганимдан бери, оламнинг бесаранжомлигидан қутулдим».

* Қулёманинг 208—209-саҳифалардаги форсча матн таржимаси.

# Заҳириддин Муҳаммад Бобур фармони*

Сабаблар сурати инъикосининг тўпланиш жойи ва садоқат, тўғрилик инжулари нақшининг хазинаси бўлган ақл эгаларининг фикр ойинаси бу маъни чечаклари жавҳарининг нақшини ўзига олурки, инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш Худонинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас. «Нафсимни поклай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этгувчидур». Ундан қайтиш бағишловчи Маликнинг лутф-марҳаматидан бошқа мумкин эмас. Бу Оллоҳнинг эҳсонидир, кимга хоҳласа, бахш этади, Оллоҳ катта эҳсон эгасидир».

Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русуми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдин тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шариат манъ қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгиларга ружу қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк қилинар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди.

Аммо, мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюги бўлган ичкиликдан қайтиш тавбаси «ҳар иш вақтига боғлиқ» деган парда остига бекиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр ғайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли ислом аскарлари ёрдамида кофирларга қарши жангга киришганимизда ғайб илҳомчиси ва ҳақиқат жарчисидан «Имон келтирганларга вақт келмадимики, қалбларини Оллоҳнинг зикри билан юмшатсалар?» мазмуни эшитилиб гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан кўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик, тавфиқ йўлловчиси «Кимки астойдил эшик қоқса, киради» мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди.

Алқисса, «Эй раббим, нафсларимизга ғул қилдик»ни ихлос тилига келтириб, «Сенинг олдингда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман» деган гапни дил лавҳасига нақш қилдик. Кўнгил хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага чиқардик.

Зафар нишонли ходимлар муборак ҳукм юзасидан кўплик ва зийнатда юксак юлдузидек бўлган, гўзал мажлисни безаб турган олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва қадаҳлар ва бошқа асбобларни ерга уриб, Худо хоҳласа, яқинда синдиришга муваффақ бўладиганимиз бутлар каби, порапора қилиб, ҳар бирини мискин ва бечорага бердилар. Қабул қилинишга яқин бўлган бу тавба баракатидан даргоҳ муқаррабларидан кўплари «кишилар подшоҳлари изидан борадилар» тақозосича, бу мажлиснинг ўзидаёқ тавба шарафига эришдилар ва май ичишдан бутунлай қайтдилар. Худонинг буйруқ ва қайтаришларига бўйсуниб, чекинувчилар ҳолига қадар тўда-тўда бўлиб, соат сайин шу саодат билан бахтиёр бўлмоқдалар. Умид шуки, «Яхшиликка ундовчи киши — яхшилик қилган кишидай» деганлари каби бу ишларнинг савоби хушбахт подшоҳнинг ҳаётига оид бўлғай ва бу саодат баракатидан олға босиш ва ғалаба кундан-кунга орта борғай.

Бу орзу ва бу осойишталик тўла-тўкис охирига етгандан кейин, олам бўйсуниши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сахланган мамлакатда (Худо офат ва хавфлардан омон қилсин) мутлако ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сахламасин, элтмасин ва келтирмасин: «Ичкиликдан қочинглар, шоядки, нажот топсангизлар».

Бу ғалабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмоғининг садақаси учун, подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилик обрўйи бўлган карам тўлқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган т а м ғ а н и, ўзи ҳам шариат қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч шаҳр, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамға олмасинлар ва ундирмасинлар, ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартиш киргизмасинлар: «Кимки буни эшитгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади».

Подшоҳнинг меҳрибончилигига сиғинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ — бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифала-

* Китобнинг 221—222 саҳифаларидаги форсча матннинг таржимаси.

ри бу мангу бахшишга суяниб, умид тутиб, абадийликка бириккан давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар. Бу ҳукм улуғ подшоҳ имзоси билан етишса, эътимод қилсинлар.

Амри олий билан 932 (ҳижрий) йили жумодиул аввал ойининг 24-нчи кунида ёзилди.

## Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғозий фармони*

Тангри неъматларининг кетма-кет келиб туриши унга шукр ва сано айтишнинг кўпайишига боисдир. Тангрига шукр ва сано айтишнинг кўпайиши Тангри неъматларининг кетма-кет келиб туришининг сабабидир. Ҳар неъматга бирор шукр лозим ва ҳар шукрга унинг кетидан бирор неъмат. Шукр лавозимларини адо қилиш инсон қудратидан юқори ва иқтидор эгалари унинг маросимини жойига қўйишдан ожиздир. Айниқса, шукр шундай бир неъмат муқобилида бўлсаки, дунёда ҳеч бир бойлик ундан буюкроқ ва охиратда бирор яхшилик ундан гўзалроқ бўлмаса. Бу эса, кучли кофирларга ғалаба қозониш ва мағрур фожирларга устун келишдан бошқача бўлмайдики, буларга ўхшашлар тўғрисида «Улар кофирлар ва фожирлар» деган оят ингандир ва ақл эгаларининг ўткир кўзларига бу ғалабадан кўра яхшироқ саодат кўринмайди.

Худога шукрки, туғилгандан то шу дамгача хайрихоҳ хотир ва тўғрилик истар кўнгилнинг асл матлаби ва туб мақсади бўлиб келган у буюк саодат ва у улуғ бахшиш бу муборак кунларда буюк Тангрининг лутф-карам боргоҳидан юз кўрсатиб қолди. Беминнат ва беиллат мушкулларни очувчи ва файз сочувчи янгидан зафар калиди билан файз эшикларини ғалаба қозонган шоҳимизнинг умид чеҳраларига очди, севинчга тўлган қўшинларимизнинг атоқли номлари иззатли ғозийлар дафтарига ёзилди ва ислом туғи зафарёб лашкарларимизнинг мадади билан кўтарилиш ва юксалиш авжига етди.

Бу саодат ва давлатнинг содир ва зоҳир бўлиши шундай юзага келди: ислом таянчи бўлган аскарларимиз қиличларининг шуъласи фатҳ ва зафар нурлари билан ҳинд мамлакатларини мунаввар қилгандан кейин, илгариги «Фатҳнома»ларда баён қилинганидек, муваффақият қўллари ғалаба нишонли байроқларимизни Деҳли, Агра, Жўнпур, Харийд, Биҳар ва бошқа ўлкаларда кўтарди. Халқларнинг кўпчилик мусулмон ва кофир тоифалари бизнинг қутлуғ подшоҳлигимизга бўйсуниб, қуллик йўлига садоқат ва ихлос қадамини қўйдилар.

Аммо Раана Сангаа кофир ўтган вақтларда қутлуғ подшоҳлигимизга бўйсунганлигини иқрор қилиб келган бўлса ҳам, ҳозирда «у тортинди ва кибрланди ва кофирлар жумласидан бўлди» мазмунига мувофиқ шайтон сифат бош тортиб, биздан ажралганларга бошлиқ бўлди ва шу билан бир қанча тоифаларнинг бирикишига сабабчи бўлдики, баъзиларининг гарданида зуннор тавқи ва айримлари муртадлик тикани меҳнатига гирифтор эди. У малъун кофирнинг истилоси Ҳинд вилоятида шу мартабада эдики, подшоҳлик давлатининг қуёши порлашдан бурун ва шаҳаншоҳлик хилофати нурининг барқ уришидан илгари, шу билан бирга, катта раажалар ва раайлар бу қирғинда унинг фармонига бўйсунганлари ҳолда бу урушда унинг жиловида бўлган ва муртадлик билан тавсифланган ҳокимлар ва йўлбошчилар ўз улуғликларини назарда тутиб, ҳеч бир қирғинда унга бўйсунмаганлар, балки у билан биргалашмаганлар. Ва ҳеч бир сафарда суҳбатдошлик ва рафиқлик йўлини тутмаганлар. Бу кенг ўлканинг барча улуғ султонлари, чунончи, Деҳли султони, Гужарат султони, Манду султони ва бошқалари бошқа кофирлар билан биргалашмай, у бузуқи билан қаршилик кўрсатишдан ожиз бўлиб, ҳийла йўсунидаги мулойимлик йўлини тутиб, у билан келишувчилик қилиб келганлар. Кофирлик туғини ислом мамлакатларининг икки юзга яқин шаҳрида тиккан эди. Масжид ва ибодатхоналарни хароб қилиб, у жойлардаги мўминларнинг хотин, бола-чақаларини асир қилди. Унинг қуввати воқиий ҳолатдан ўтиб, шу даражага бордики, Ҳиндда қарор топган қоидага кўра, бир лаклик вилоятни юз сувор ва бир карўрли вилоятни ўн минг сувор эътибор қиладилар, у кофирлар сардорининг қўлга киритган мамлакатлари ўн карўр

* Қулёзманинг 223—228-саҳифаларидаги форсча матн таржимаси.

етишди. Бу (даромад) бир лак сувор ўрнида бўлади.

Бу кунларда машҳур кофирларнинг кўпгинаси ҳеч қачон ҳеч бир маъракада унга мадад бермаганлари ҳолда, ислом аскарларига душманликлари жиҳатидан унинг бузуқ табиат лашкарлари сафини орттирдилар. Чунончи, худди тутундай саркашлик даъвосида бўлган ва турли жойлар кофирларининг бошловчиси ҳисобланган ўнта мустақил ҳоким у ярамас кофирга кишан ва занжирдай ёпишиб олди. У ўнта башоратланганлар қаршисига чиқиб, ёмонлик туғини ейган ўнта кофирнинг қарамлари ва қўшинлари ҳамда ғоят кенг вилоятлари бор эди. Чунончи, Салоҳиддин ўттиз минг суворали, Равал Удай Синг Багарий ўн икки минг суворали, ва Мединий Рав ўн икки минг суворали, Ҳасанхон Меватий ўн икки минг суворали, Бармал Идрий тўрт минг суворали, Нрипат Ҳара етти минг суворали, Сатравий Кейчий олти минг суворали, Дҳарам Дэв тўрт минг суворали, Бирсинг Дэв тўрт минг суворали вилоятга эга эди.

Маҳмудхон Искандархон ўғлининг вилоят ва қишлоғи бўлмаса ҳам, сардорлик умидида тахминан ўн минг суворий жамъ қилган эди. Соғломлик ва омонлик водийсидан узоқлашганларнинг ҳамма тўплами, Ҳинд қишлоқ ва вилоятида давом этиб келган қоида бўйича, ҳаммаси бўлиб, икки лак бир минг бўлган эди.

Алқисса, у мағрур ичи қора кофир бағри қаттиқ кофирларнинг кўнгилларини юзаки бириктириб, мусулмонларга қаршилик кўрсатиш ва улар билан уришиш ҳамда пайғамбар алайҳиссалом шариатининг асосларини емириш ҳолатига ўтди. Подшоҳнинг жангчи аскарлари Худонинг балосидай у кўзсиз дажжоллар бошига ёпирилиб, «қазо етишса, кўз кўр бўлади» деган ҳукмни хулқ ва номус эгаларининг ўткир назарларига манзур қилдилар ва «кимики дин учун уруш қилса, албатта у ўз нафси учун уруш қилган бўлади» оятини мулоҳаза қилиб, «кофирларга ва мунофиқларга қарши урушинг» деган бажарилиши лозим бўлган ҳукмни амалга оширдилар.

933 (ҳижрий) йил жумодиус соний ойининг 13-нчи шанба куни Байана музофотининг Канва мавзеидаги тоғ атрофида душмандан икки куруҳ масофада ғалаба нишонли ислом лашкарининг чодирлари тикилди. Ислом суворийларининг ҳашамат ва дабдабалари дин душманлари ва кофир лаъинларнинг қулоқларига етиши билан муҳаммадий миллат мухолифлари, аҳли ислом каъбасини бузишга бел боғлаган «асҳоби фил»дек, тоғ жусса ва дев ҳайбат филларни ўзларига мададгор ва таянч қилиб, ҳаммалари бир жон бир тан бўлиб, ўз бузуқи лашкарларини тартибга солдилар.

(Н а з м)

Залил ҳиндилар, «асҳоби фил» каби, ўз филларига мағрур бўлдилар.

Ҳаммалари ажал тунидай хунук ва шум, тундан қора ва юлдузлардан кўпроқ эдилар.

Ҳаммалари худди оловдай, лекин тутун каби кеккайиб, кўм-кўк осмонга бош тортган эдилар.

Отлиқ ва яёв, худди чумолидай минг-минглаб ўнг ва сўлдан келдилар.

Уруш қасдида енгилмас ўрду томон йўналдилар. Шижоат бўстонининг дарахтларига ўхшаган ғазотчи ислом аскарлари санавбардай саф тортиб, санавбар шаклли пўлат қалпоқларининг куёшдай порловчи учларини, Худо йўлида жанг қилувчиларнинг қалбларидек, юксаклик авжига етказдилар. Сафлар Искандар деворидай темирга айланган ва тузилиш пайғамбар шариатининг йўллари каби тўғри ва мустаҳкам эди. Қувватининг матонати «Гўёки тубдан бир-бирига чирмашиб кетган»; нажот ва бахтиёрлик «улар Худодан бўлган тўғри йўлдадирлар ва улар нажот топгандирлар» деган сўзга мувофиқ, уларнинг хос сифати эди.

(Қ и т ъ а)

Шаҳаншоҳнинг раъйи каби ва барқарор, диндай кишиларда қўрқув йўқликдан сафлар рахнасиз. Унинг байроқлари ҳамма ёкка ёйилган, ҳаммаси «Инна фатаҳна» (биз фатҳ қилдик) алифларидай.

Ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни кўзда тутиб, қўшиннинг олд томонига қўйилган туфакчилар ва раъдандозларни Рум жангчилари тариқасида паналаш учун, аробалардан бир саф тартиб бериб, улар бир-бирларига занжир билан туташтирилди.

Алқисса, ислом аскарлари шундай интизом ва истеҳком пайдо қилдиларки, буюк ақл ва юксак фалак унинг тадбирчиси ва тартиб берувчисига офарин ўқиди.

Бу тартиб ва интизомни, қувват ва истеҳкомни вужудга чиқаришда ҳазрат султоннинг яқини, хоқоний давлатининг суянчиғи Низомиддин Али Халифадоднинг ҳамма саъй-ҳаракат ва тадбирлари тақдирга мувофиқ ва барча сардорлик ва иш юритишлари подшоҳнинг порлоқ раъйига мақбул тушди.

Подшоҳнинг ғулда туришига қарор берилди.

Ғулнинг ўнг томонида: Мададга Худонинг лутфига хос бўлган саодатли қутлуғ азиз катта биродар Чин Темур Султон ва Худо назарига манзур бўлган катта азиз фарзанд Сулаймоншоҳ, тўғри йўл эгаси валий нисбатли жаноби Хожа Камолиддин Дўст Ҳованд, олий салтанат таянчи, энг яқин ва ихтисос эгаларининг зубдаси Камолиддин Юнус Али, хослар таянчи, комил ихлосли Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос, хослар таянчи, ихтисос эгаларининг зубдаси Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сорбон, хослар таянчи, чин ихлосли Шиҳобиддин Абдулло китобдор ва Низомиддин Дўст эшикоға ўз ўринларида қарор топдилар.

Ғулнинг чап томонида: салтанат эгаси, халифаликка нисбатли Султон Аловуддин Оламхон бинни Султон Баҳлул Лўдий, ҳазрати султоннинг яқини, кенгаш ва маслаҳатчи садрларнинг буюги, исломнинг қуввати Шайх Зайни Хавофий, хослар таянчи, комил ихлосли Камолиддин Муҳиб Али, ҳазрати султон яқини, хослар таянчи Низомиддин Турдибек (марҳум Қўч Аҳмадбекнинг биродари), асилзода ва аъёнлар буюги, улуғ хон Оройишхон, мазкур Қўчбек марҳумнинг ўғли, Шерафган, халқ ўртасида вазирларнинг буюк вазири Хожа Камолиддин Ҳусайн ва буюк девон кишилари гуруҳидан ҳар бирлари муқаррар қилинган ўринда турдилар.

Баронғорда азиз ва улуғ фарзанд, саодатли ва бахтиёр, салтанат ва хилофатнинг эъзозлиси Муҳаммад Ҳумоюн Баҳодир ўрнашиб ўнг томонига фарзанди азиз салтанат эгаси Қосим Ҳусайн Султон ва хослар таянчи Низомиддин Аҳмад Юсуф ўғлоқчи ва мамлакат ишончи комил ихлосли Жалолиддин Ҳиндубек қавчин, мамлакат ишончи, чин ихлосли Жалолиддин Хисрав кўкалдош, мамлакат ишончи Қивомбек Ўрдушоҳ, хослар таянчи, комил эътиқод ва ихлосли Вали Хозин Қароқўзи, хослар таянчи Низомиддин Пирқули Сийстоний, эл ўртасида вазирлар таянчи Хожа Камолиддин Паҳлавон Бадахший, хослар ишончлиси Низомиддин Абдушшукур ва аъёнлар ишончлиси Ироқ элчиси Сулаймон оқо ва Сийстон элчиси Ҳусайн оға қарор топди. Айтиб ўтилган давлатли фарзандимизнинг зўр ғалабали чап томонида олижаноб Муртазога нисбатли саййид авлоди Мирҳама, хослар таянчи Шамсиддин Муҳаммадий кўкалдош ва Низомиддин Хожаги Асад хондор таъйинлашдилар.

Баронғорда ҳинд амирларидан мамлакат таянчи хонлархони Диловархон, аъёнлар таянчи Маликдод Караний ва аъёнлар таянчи шайхлар шайхи Шайх Гуран — ҳар бирлари буюрилган ерларда турдилар.

Ислом шиорли қўшиннинг жавонғорида олий даражали пайғамбарнинг энг зубда авлоди Саййид Маҳдий Хожа, энг азиз ва улуғ биродар Муҳаммад Султон мирзо, салтанат эгаси ва хилофат нисбатли Одил Султон Маҳмуд Султон ўғли, мамлакат ишончи, комил ихлосли Муиззиддин Абдулазиз мирохўр, мамлакат ишончи Шамсиддин Муҳаммад Али жанг-жанг, хослар таянчи, комил ихтисосли Жалолиддин Қутлуққадам каравул, хослар таянчи, комил ихлосли Жалолиддин Шоҳ Ҳусайн Боракий муғул ғончи ва Низомиддин Жонибек Муҳаммадбек атка саф тортдилар.

Бу тарафда ҳинд амирларидан султонлар хулосаси Камолхон ва Жалолхон мазкур Султон Аловуддин ўғиллари, аъёнлар ишончлиси Алихон Шайхзода Фармулий ва аъёнлар ишончлиси Низомхон Байана таъйин бўлган эдилар.

Тўлғама учун хослар ишончи комил ихлосли Турдика ва Малик Қосим Бобо Қашқанинг биродари барча муғул тўдалари билан — буронғор томонида; хослар таянчи, тўғри ихлосли Мўмин атка, хослар таянчи Рустам туркман бошлиғ хос аскарлардан бир тўдаси билан жавонғор томонда номзод бўлдилар. Хослар таянчи комил ихлосли, ихтисослиларнинг сараси Низомиддин Султон Муҳаммад бахши ислом ғозийлари аъён ва арконларини тайинланган жойларида сахлаб, ўзи бизнинг ҳукмларимизни эшитишга тайёр турарди. Тавочи ва ясовулларни теварак-атрофга юбориб, аскар ва сипоҳийларни забт қилиш бобидаги ҳукмларимизни буюк султонларга, иззатли амирларга ва ҳурматли ғозийларга етказиб турарди.

Қўшин керак-яроғи барпо ва муҳайё бўлиб, ҳар киши ўз жойига бориб турганда, сўзсиз бажарилиши лозим бўлган шарафли фармон содир

бўлдики, ҳеч ким буйруқсиз турган ўрнидан қимирламасин ва рухсатсиз урушга киришмасин.

Мазкур кундан бир қисми ўтган эди, икки муқобил томон бир-бирига яқин келиб, уруш бошланиб кетди. Икки томон ғули, гўё нур ва зулмат каби, бир-бирларига қарши туриб, буронғор ва жавонғорда шундай зўр уруш бўлдики, ер юзига зилзила ва юксак осмонга ғулғула тушди. Кофирларнинг бузуқи жавонғори исломнинг муборак аскари буронғори томон йўналиб, Хисрав кўкалдош, Бобо Қашқанинг биродари Малик Қосим устига ҳужум қилдилар. Энг азиз ва улуғ биродар Чин Темур Султон буйруқ бўйича уларнинг ёрдамига бориб, мардона уруш бошладики, кофирларни жойидан улоқтириб, қалблари кетигача деярлик силжитиб юборди. Жулду (ғалаба инъоми) у азиз биродарнинг номига бўлди. Замона нодири Мустафо Румий улуғ яратувчининг иноят назарига манзур бўлган, қайтарувчи ва буюрувчи маликнинг лутф-карамлари билан ихтисос топган бахтиёр ва энг азиз фарзандимиз Муҳаммад Ҳумоюн Баҳодирнинг ғулидан аробаларни олдинга келтириб, кофирларнинг қўшинлари сафларини туфак ва зарбзан билан ўз қалбларидек чилчил қилди. Худди уруш пайтида азиз ва улуғ биродар Қосим Ҳусайн Султон, хослар таянчи Низомиддин Аҳмад Юсуф ва Қивомбек фармон олиб, уларнинг ёрдамига бордилар. Кофирларнинг гуруҳлари ўқтин-ўқтин ўз кишилари ёрдамига етиб турардилар.

Биз ҳам мамлакат ишончи Жалолиддин Ҳиндубекни, унинг кетидан хослар таянчи Муҳаммадий кўкалдош ва Хожаги Асад жондорни ва ундан кейин олий салтанат таянчи ва хос яқин Жамолиддин Юнус Али, хослар таянчи комил ихлосли Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос ва хослар таянчи Шиҳобиддин Абдулло китобдорни ва улар орқасидан хослар таянчи Дўст эшикоға ва Шамсиддин Муҳаммад Халил ахтабегини кўмакка юбордик.

Кофирларнинг буронғори неча мартабадан ислом қўшини жавонғори томон ҳужум қилиб, ўзларини нажот эгалари ғозийларга етказдилар. Ҳар гал азамат ғозийлар баъзиларини зафарли ўқлар захми билан тамуғга юбориб, бир қисмини қайтардилар. Хослар таянчи Мўмин атка ва Рустам туркман бадкирдор кофирларнинг зулматшиор қўшинларининг орқасидан йўналдилар. Навкарлар бошлиғи хослар таянчи, тўғри ихлосли Хожа Маҳмуд Али атка ва ҳазрати султоннинг яқини, хоқоний давлатининг ишончи Низомиддин Али Халифани ўшалар кўмагига юбордик. Азиз ва улуғ биродар Муҳаммад Султон мирзо, салтанат эгаси Одил Султон, мамлакат ишончи Муиззиддин Абдулазиз мирохўр, Жалолиддин Қутлуққадам қаравул ва Шамсиддин Муҳаммад Али жанг-жанг ва хослар таянчи Шоҳ Ҳусайн Боракий муғул ғончи маҳкам туриб, уруш қилдилар. Эл аро буюк вазирлар вазири Хожа Камолиддин Ҳусайнни девон кишилари гуруҳи билан уларнинг кўмакига юбордим. Барча жангчилар тўлиқ саъй ва ғайрат билан урушга рағбат кўрсатиб, «Айт, икки эзгуликдан бошқа бирор нарсани биздан кутадиларми?» деган оятни назари эътиборга олдилар ва жон бериш юришини қилиб, жон олиш байроғини кўтардилар.

Уруш-ўлдириш узоққа чўзилиб, охири кўринмас бўлгандан кейин, ижроси мажбурий фармон етишдики, занжирланган шердай ароба кетида турган подшоҳга хос аскарлардан жанговар йигитлар, якдиллик ўрмонида ётган арслонлар ғулнинг ўнг ва сўлидан чиқиб, туфакчиларнинг жойини ўртада қолдириб, икки томондан жанг қилсинлар. Улар уфқ пардасида кўринган тонг ёруғидек, ароба кетидан чиқиб ҳужум қилдилар. Манхус кофирларнинг шафақ тусли қонларини фалак гумбазига ўхшаган маърака майдонида тўкиб, кўпчилик саркашларнинг бошларини тан фалагидан юлдуздай маҳв қилдилар.

Замона нодири Устод Алиқули ўз кишилари билан ғулнинг олдида туриб, мардоналик кўрсатиб, темир қўрғондек кофирлар сафига шундай катта жуссали тошларни отардики, агар у тошни амаллар тарозисининг палласига солсалар, эгаси «Кимнинг тоши оғир келса, у яхши турмушда яшайди» деган ном олади ва агар қаттиқ тоққа ва баланд тепага отсалар «таралган юнгдай» титпит қилиб юборади. Мана шундай тош, туфак ва зарбзан отиш билан кўпчилик кофирлар жисмининг биноларини қулатди.

Подшоҳ ғулининг туфакандозлари, буйруқ бўйича, аробадан майдон ўртасига келиб, ҳар бирлари кофирлардан кўпига ўлим заҳарларини ичирдилар. Пиёдалар зўр хатарли ўринга кириб ўз номларини ўрмон шерлари ва мардлик майдонининг ботирлари ўртасида машҳур қилдилар.

Бу аҳвол муносабати билан ҳазрати Хоқондан, ғулнинг аробаларини илгари суришга фармон

бўлди. Шахсан подшоҳнинг ўзи, ўнг томондан фатҳ ва давлат ва сўл томондан иқбол ва нусрат бўлгани ҳолда, кофирлар қўшини томон кўзғалди. Теварак-атрофдан зафар нишонли қўшин бу ҳолни мушоҳада қилиб, зўр қўшин денгизида даҳшатли тўлқин кўтарилди ва бу денгизнинг барча наҳанг балиқлари шижоатини юзага чиқарди. Ғубор зулмати бутун майдонни қора булут каби қоплаб, қиличларнинг яроқлаши чақмоқ чақишдаги ялтирашдан ҳам ўтиб кетди. Гарднинг кўтарилиши кун юзини ойнанинг орқа томонидай бенур қилиб қўйди, калтак урувчи билан калтак егувчи, ғолиб билан мағлуб аралашиб кетиб, бирини биридан ажратиш қийин бўлди. Замона сеҳргари шундай бир кечани назарга келтирдики, унда Тийрдан бошқа сайёра, йўлида маҳкам турган суворийлардан ташқари турғун юлдузлар кўринмас эди.

(Н а з м:)

Уруш куни қоннинг нами (ер остидаги) балиққа, гард эса, (осмондаги) ойга етди.

Бу кенг даштда отларнинг туёқлари зарбидан ер олтига, осмон саккизга айланди.



Ғозий жангчилар, айни жон олиб, жон бериб турган пайтда ғайб нидочисидан: «Қайғирманг, умидсизланманг, ғамга тушманг — ғалаба сизларда» деган хушхабар эшитар, аниқ хабарлар етказувчидан: «Оллоҳдан ёрдам ва фатҳ яқиндир, мўминларга башорат қил» деган хушхабарни тинглардилар, шундай шавқ билан уруш қилардиларки, юқори олам фариштаридан уларга таҳсин нидоси етарди. Муқарраб фаришталар парвона каби уларнинг бошларидан айланардилар. Икки намоз орасида уруш олови шундай гурулладики, у машъаллардан фалакларга байроқ кўтариларди. Ислом лашкарларининг буронғор ва жавонғорлари кофирларнинг буронғор ва жавонғорларини ғул билан бирликда бир ерга тўплади.

Номдор жангчиларимиз ғалабаси асарлари ва ислом байроғининг юқори кўтарилиши зоҳир бўла берган сари, у малъун кофирлар ва ярамас динсизлар бир муддат ўз ҳолларига ҳайрон бўлиб турдилар. Охирда жонларидан кўнгил узиб, ғулнинг ўнг ва сўлида ҳужумга ўтдилар. Сўл томонда кўпроқ ҳужум қилиб, ўзларини яқин етказдилар. Аммо шижоатли ғозийлар савобни кўзда тутиб, ўқ кўчатини ҳар бирларининг кўкраклари заминига ўтказдилар ва ҳаммаларини ўзларининг қора бахтлари каби орқага қайтардилар. Бу ҳолат нусрат ва иқбол шабадаларини қутлуқ наввоблиқ давлатимиз чаманига эстирди. Ва «Ҳақиқатан, биз санга ёрқин ғалаба эшигини очдик» муждасини етказди. Фатҳ гўзалининг оламга оро берувчи жамоли «Оллоҳ сенга улуғ нусрат билан кўмак беради» кокили билан безалиб, парда остида яшириниб турган иқбол саодати ёрдам бериб, бу ҳолнинг гувоҳи бўлди.

Бузуқ ҳиндлар ўз ҳолларини мушкул билиб, «титилган юнгдек» сочилиб ва тўзиган палосдек нобуд бўлдилар. Кўплари ўлиб, маърака майдонида қолдилар, бирмунчалари бошларидан кечиб чўлларда сарсонликка тушдилар ва қарға-қузғунларга емиш бўлдилар. Ўлганлардан тепалар ва бошлардан миноралар юзага келди. Ҳасанхон Меватий туфак зарби билан ўлганлар қаторига тизилди. Шунингдек, халойиқ сардори бўлиб келган, йўлдан озган саркашларнинг кўплари ўқ ва туфак тегиб ҳаётларини тугатдилар.

Жумладан, Удайпур вилоятининг ҳокими ўн икки минг суворийли Равал Удай Синг Багарий; тўрт минг суворийли Раай Чандарбан Чавҳан; олти минг суворийли Чандерий ўлкасининг ҳокими Бупат Рав мазкур Салоҳиддин ўғли; тўрт минг суворийли Маникчанд Чавҳан ва Дилпат Рав; ўттиз минг суворийли Гангу ва Карамсинг ва Дангурсий ва яна ҳар бири бир гуруҳ бошлиғи ва шавкат ҳам шукуҳ эгаси бўлган бошқалари тамуғга йўллландилар ва бу ботқоқлик ўтидан энг чуқурликка кетдилар. Кофирларнинг мамлакати мажруҳ ва ўлганлардан жаҳаннамдек тўлди ва жаҳаннамнинг энг туби дўзах посбонига жон топширган мунофиқлардан лиммо-лим бўлди.

Ислом аскарларидан ҳар ким бир томонга борса, ҳар қадамда бир саркашнинг ўлигини топар эди. Ўрду кочувчилар кетидан югурса, ҳар бир қадамини янчилган бир ҳашаматли гавдадан холи топмас эди.

Ҳама ҳиндулар ўлдирилган хор-зор,
Туфак тоши билан «асҳоби фил»дай.
Танлардан тоғлар бўлди аён,
Ҳар бир тоғда у чашмадан оқарди қон.
Зўр шукуҳли саф ўқининг қўрқинчидан
Қочишарди ҳар бир дашту тоғ томон.

933 (ҳижрий) йил шаъбон ойининг 25-нчисида битилди.

# КЎРСАТКИЧЛАР

# Шартли қисқартмалар:

***Қ*** — Қозон босмаси (Н.Илминский. Бобурнома. Қозон, 1857)
***Н*** — А.С.Беверж. Бобурнома. Лондон, 1905
***Е*** — Эденбург қўлёзма нусхаси. Шотландия миллий кутубхонаси (MS. Adv. 18.3.18)
***Л*** — Британия кутубхонаси (Лондон). MS. Add. 267324
***Р*** — Британия кутубхонаси (Лондон). MS. Or. 3717

Мазкур қўлёзма нусхалар ва нашрлар асосида япон олими Эйжи Мано 1995 йилда «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаган. Ушбу нашрда ана шу уч жилддан иборат китоблардан фойдаланилди.



## Киши номлари кўрсаткичи

### «А»

Аббос — 50 а
Абдулазиз мирзо (Улуғбекнинг ўғли) — 9 б, 10б
Абдулазиз мирохўр — 239 б, 259 а, 262 а, 265 б, 266 аб, 298 б, 310 аб, 311 а, 320 б, 322 а, 325 а, 355 б, 365 б, 366 а, 381 а, 382 а, 383 б, 385 аб
Абдулали тархон — 21 б, 22 аб, 69 а
Абдулбоқий мирзо — 175 б, 176 а, 210 б
Абдулваҳҳоб муғул — 77 а, 206 а, 374 а
Абдулваҳҳоб шиғовул — 13 а, 31 б
Абдулкарим ашрит (эшикоға) — 23 а, 38 б
Абдуллатиф бахши — 33 а, 308 б
Абдуллатиф мирзо (Улуғбекнинг ўғли) — 50 аб
Абдуллатиф Султон (Ҳамза Султоннинг ўғли) — 9 а
Абдулло — 206 а, 235 б, 247 а, 263 б, 267 б, 238 а, 351 б, 360 б, 375 а, 376 б, 379 а, 381 а
Абдулло асас — 248 а
Абдулло Вали — 299 а
Абдулло китобдор — қ. Шиҳобуддин Абдулло китобдор
Абдулло маснавийгўй (Ҳотифий) — 180 б
Абдулло мирзо — 10 а, 50 б
Абдулло Султон (Бўрон Султоннинг ўғли) — 168 б
Абдулманнон — 98 а
Абдулмалик қўрчи — 325 б, 328 б, 386 а
Абдулмалик Хостий — қ. Мулло Абдулмалик Хостий
Абдулмулук қўрчи — 251 б, 358 а.
Абдулхоликбек — қ. Абдулхолиқ Ферузшоҳ
Абдулхолиқ Ферузшоҳ — 172 а
Абдулқуддус — 19 б
Абдулқуддусбек — 24 а.
Абдулқуддус кўхбур — қ. Абдулқуддус Сайди Қаро
Абдулқуддус Сайди Қаро — 67 а, 114 аб
Абдулғаффор тавочи — 355 б, 356 а
Абдурраззоқ мирзо — 125 а, 149 а, 186 б, 207 б, 209 б, 211 б, 213 б, 215 а, 216 а
Абдурраҳим шиғовул — 224 а, 307 а, 326 б, 328 а
Абдурраҳмоний афғон — 238 а
Абдушшукур — 123 а, 383 б
Абобакр дуғлат Кошғарий (Абобакр Кошғарий) — 11 а, 17 б, 27 а
Абобакр мирзо — 11 б, 29 б, 165 а
Абулбақо — 392 а
Абдулмуҳаммад найзабоз — 266 а, 329 а, 332 а, 387 аб
Абулвалид — 191 а
Абулмуҳсин мирзо (Султон Ҳусайн мирзонинг ўғли) — 33 б, 41 б, 86 а, 165 б, 166 б, 169 б, 185 а, 186 б, 188 а, 206 б, 207 аб
Абулфатҳ навкар — 352 а, 373 б
Абулфатҳ туркман (Умарбек ўғли) — 175 б, 305 а, 344 а
Абулқосим (хонанда) — 228 б
Абулқосим жалойир — 278 а

Абулқосим кўҳбур (Ҳайдар Қосимбек ўғли) — 40 а, 81 б, 82 б, 84 а, 89 а, 90 б
Абулҳасан — 209 б
Абулҳасан қўрбеги — 198 а
Абулҳасан қўрчи — 210 а, 239 а
Абулҳошим Султонали — 244 а
Абу Муслим кўкалдош — 237 а, 238 а
Абусаъид мирзо — 26 а
Абусаъид Султон (Кўчумхоннинг ўғли) — 347 а, 352 а, 354 б, 357 б
Абуттуроб мирзо (Султон Ҳусайн мирзо ўғли) — 166 б, 169 б
Абу Юсуф арғун — 80 а
Абу Ҳанифа — 45 а, 277 б
Авлиёхон Ишроқий — 376 а
Адик Султон — 12 а
Аъзам Ҳумоюн Серваний — 268 б, 302 б, 303 а
Айюб — қ. Айюб Бекчик
Айюббек — қ. Айюб Бекчик
Айюб Бекчик — 29 а, 56 а, 88 а, 100 б, 103 б, 105 а, 109 а, 121 а, 154 а, 162 а, 209 б
Айюб Яъқуб — 100 б
Алъамон (Аламо, Ҳумоюннинг ўғли) — 346 б, 348 аб, 388 а
Али — қ. Қамбар Али
Али — қ. Кичик Али
Али Асғар мирзо — 225 а
Али атка — 385 а
Али Дарвеш — 15 а
Али Дарвешбек (Хуросоний) — 15 аб, 17 а, 55 а, 65 б, 73 б
Али Дўст — қ. Али Дўст Муҳаммад тағойи
Али Дўстбек — қ. Али Дўст Муҳаммад тағойи
Али Дўст Муҳаммад тағойи — 14 б, 15 а, 18 а, 24 аб, 42 а, 52 б, 53 б, 55 а, 60 аб, 61 а, 65 б, 69 б, 70 а, 74 аб, 77 б, 78 а, 79 а
Али жалойир — 174 б
Али ибн Бурундуқ — 170 а
Али Мазидбек — қ. Али Мазид қавчин
Али Мазид қавчин — 13 б, 55 а
Али Саййид муғул — 209 б
Али Саййид Шакма — 216 а
Али Сейистоний — 232 б
Алихон — қ. Алихон (Давлатхон ўғли)
Алихон (Амир Умар ўғли) — 206 а
Алихон Бояндур — 175 б
Алихон (Давлатхон ўғли) — 224 б, 225 б, 258 аб, 259 аб, 383 б
Алихон Фармулий — қ. Алихон Шайхзода Фармулий
Алихон Шайхзода Фармулий — 296 аб, 321 а, 329 а, 376 а, 387 а
Алишербек — қ. Мир Алишер Навоий
Али Шукрбек — 28 а
Али Юсуф — 331 а, 375 а, 381 а
Алиқули — қ. Устод Али Қули
Аловуддин Оламхон (Султон Баҳлул Лудийнинг ўғли) — 255 б, 256 аб, 257 аб, 260 б, 261 а, 262 б, 294 а, 309 б, 315 а, 319 б, 332 б, 379 а, 383 а
Аловулхон Нуҳоний — 376 а, 377 а
Аловуддин Жаҳонсўз Ғурий — 138 б
Амин мирзо (элчи) — 357 б
Амин Муҳаммад тархон арғун — 230 б, 246 а
Амир Муҳиб Али — 382 а, 383 а
Амир (Мир) Муғул — 31 б, 77 а, 78 а
Амир Темур — қ. Темурбек
Амир Умарбек — 175 б, 206 а
Амир Ҳамза — 176 а
Амочи (Домочи) Минди (Мединий Рав) — 210 а, 272 а, 333 б, 335 а, 387 а
Андижоний — қ. Юсуф Хожа
Арғун — қ. Абдул Али Тархон
Асад — 223 б
Асадбек (туркман) — 175 б
Асас — қ. Хожа Муҳаммад Али тағойи
Асириддин Ахсикатий — 4 б
Аскарий (Бобурнинг ўғли) — 293 б, 339 а, 350 аб, 351 аб, 353 б, 354 б, 355 б, 362 б, 371 а, 372 аб, 373 аб, 374 аб, 378 а
Асўк Мал ҳинду — 342 б
Атика бахши — 108 б
Ахий — 195 а
Аҳлий — 181 б
Аҳмад — 305 б
Аҳмад Али тархон — 211 б
Аҳмад Афшор — 345 б
Аҳмадбек — 237 а
Аҳмадий парвоначи — 221 б, 227 а, 228 б, 229 а, 258 а, 259 а, 263 б, 266 аб, 295 а, 305 а
Аҳмад Муштоқ — 26 б
Аҳмад Таваккул барлос — 171 б
Аҳмад тархон — 84 а, 87 б
Аҳмадхон — 163 б
Аҳмад Чошнигир — 305 б
Аҳмадшоҳ (Муҳаммадшоҳнинг ўғли) — 333 б, 335 б, 387 б
Аҳмад элчи Буға — 209 б
Аҳмад Юнус — 384 б
Аҳмад Юсуф (ўғлоқчи) — 22 а, 43 а, 59 б, 125 б, 126 а, 161 а, 175 а, 197 а, 198 а, 199 а, 217 б, 237 а, 311 а, 320 а, 321 б, 383 б
Аҳмад Юсуфбек — 161 а
Аҳмад ясовул — 197 б
Аҳмад Қосим — 120 б, 122 б, 126 аб, 155 а, 156 б, 234 б, 299 б
Аҳмад Қосим кўҳбур — 84 а, 98 б, 101 а, 110 а, 124 б, 197 а, 199 б, 201 б, 234 б
Аҳмад қушчи — 117 а
Аҳмад Ҳожибек дулдой (Вафоий) — 13 а, 20 б, 21 аб, 30 а, 36 б, 37 аб, 170 б

## «Б»


Бадакабегим — 163 б, 164 а
Бадахший (Мулло Муҳаммад Бадахший) — 180 б
Бадиъуззамон мирзо (Султон Ҳусайн мирзонинг ўғли)— 33 а, 34 б, 35 аб, 36 а, 41 аб, 42 аб, 57 б, 58 а, 82 а, 88 а, 121 б, 122 а, 129 а, 155 а, 165 б, 166 а, 168 б, 172 аб, 175 б, 182 аб, 183 аб, 183 а, 185 аб, 186 аб, 187 а, 188 аб, 189 аб, 190 б, 191 а, 192 аб, 187 а, 204 б, 205 аб.
Бадиъулжамолбегим — 344 б
Бадруддин — 174 б, 332 б
Баёний — қ. Хожа Абдулло Марварид
Баёншайх — 346 б, 347 а, 348 а, 350 а
Баёншайх Беккина — 346 б
Баёнқули — 51 а, 101 а, 114 а
Байрам Султон — 168 а
Байрамхон — 391 б
Балхий фолизкор — 380 б
Бангалий — 355 а
Банда Али Ҳайдар кўкалдош — қ. Банда Алибек
Банда Алибек — 62 а, 89 а, 113 б, 115 а, 116 б, 117 аб
Барлос Жики — 241 б
Бароқ Султон (Суюнчакхон ўғли) — 347 а
Бароқхон (Чингизий) — 9 б
Басант Рав — 374 а
Батлимус — 46 б
Баҳжатхон — 333 аб
Баҳлул — 154 а
Баҳлул Айюб — 35 б, 121 б, 125 б, 154 а, 162 а
Баҳлул мирзо — 162 а
Баҳманий — 271 а
Баҳодурхон (Гужаратий) — 301 б, 302 а
Баҳодурхон Сервоний — 380 а
Баҳодуршоҳ -- қ. Баҳодурхон (Гужаратий)
Баҳодур Ҳамлойдарий — 282 б, 383 а
Баҳовуддин Баҳлул Лўдий — 383 а
Бегим Султон — 168 аб
Беги Султон оғоча — 169 б
Бека Султонбегим — 168 б
Бек Вайс — 302 а
Беккина Вайс Лоғарий — 346 б, 348 а
Бек Мирак муғул — 262 б, 310 а
Бек Муҳаммад муғул — 230 а
Бек Муҳаммад таъликчи — 346 б
Бек Телба эшикоға (Танбалнинг акаси) — 55 а, 71 б, 72 а, 110 б
Бешка мирзойи итарчи — 246 аб
Беҳбудбек — 173 б, 174 а
Беҳзод — қ. Устод Беҳзод
Беҳзод мусаввир — қ. Устод Беҳзод
Беҳуб Султон — 332 а, 338 б, 362 б, 371 а, 378 а
Бибан — 257 а, 261 б, 262 б, 263 б, 296 а, 297 б, 329 а, 336 а, 362 б, 374 б, 376 а, 377 б, 378 а, 386 б, 387 б, 388 а, 389 а
Бикабегим (Бобур мирзонинг синглиси) — 168 а
Бикабегим (Султон Маҳмуд мирзонинг қизи) — 27 б
Бикабегим (Султон Ҳусайн мирзонинг қизи) — 168 а
Бика Султонбегим (Санжар мирзойи Марвийнинг қизи) — 168 б
Бикрамажит ҳинду раажа (Ман Сингнинг ўғли) — 46 б, 47 а, 268 аб, 293 а, 340 аб, 342 б, 388 а
Биноий — қ. Мулла Биноий
Бириим Дэв Малиҳас — 260 б
Бирсинг Дэв — 318 а, 356 а
Бирсинг Дэв Чавҳан — 383 а
Бичка халифа — 95 а
Биҳар мирзо — 208 а
Биҳархон (Дарёхон ўғли) — 294 аб, 326 а
Бобо Али эшик оға — 174 б
Бобо Дўст сувчи — 231 а, 311 а, 312 б
Бобожон ахтачи — 242 а
Бобожон (Кўнбузий) — 227 б, 228 б, 229 а
Бобойи Кобулий (Мир Алибекнинг ўғли) — 6 б, 224 б
Бобойи Парғарий — 119 аб
Бобо оғача — 167 б
Бобо Сайрамий — 115 а, 116 б, 117 а, 118 а
Бобо Султон (Султон Халил султоннинг ўғли) — 201 а, 332 а, 336 б, 373 а
Бобо Таваккул лангари — 108 а
Бобохон (Султон Маҳмудхоннинг ўғли) — 19 б
Бобохон Султон — 102 б
Бобо чуҳра — 215 б, 267 б, 301 а, 332 а, 338 б
Бобо Шайх (Бобо Пашағорийнинг акаси) — 210 а, 235 а, 308 б, 366 б
Бобо Шерзод — 104 б, 112 б, 198 б, 210 а
Бобо Ясовул — 217 б, 232 б
Бобо ўғли Аллоқули Беран туркман — 149 а, 209 б
Бобо Қашқа муғул — 239 б, 240 а, 266 а, 321 а, 383 б
Бобоқули — 43 а
Бобоқулибек (Бобо Алибекнинг ўғли) — 14 б, 43 а, 55 а, 298 а
Бобоқули Бобо Алибек — 14 б
Бобо Ҳусайн — 50 б
Бобур — қ. Заҳириддин Муҳаммад Бобур
Бобурий — 75 б
Бобур мирзо — 13 б, 168 а, 170 а, 171 б, 174 б, 188 б, 189 а
Бобур подшоҳ — 119 а
Бобухон Бисут — 228 аб
Бойсунғур мирзо (Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли, Одилий) — 21 б, 27 а, 29 аб, 30 аб, 32 б, 33 б, 36 аб, 37 аб, 39 аб, 43 б, 44 аб, 50 б, 56 аб, 57 а, 58 аб, 68 аб, 69 аб, 82 а, 165 б
Бойқаро (Бойқаро мирзо Умаршайх ўғли) — 163 б
Бойқаро мирзо (Мансур мирзонинг ўғли) — 163 б, 167 б, 168 а
Бармал Идрий — 318 а
Боязид — 378 а, 387 а, 387 б, 388 а, 389 а

Боқи — 76 б, 120 б, 159 а, 376 б, 379 б
Боқибек — 120 а, 121 б, 123 а, 126 б, 146 б, 152 б, 158 б, 379 б
Боқи мингбеги — 332 б
Боқи тархон (Абдулали тархоннинг ўғли) — 21 б, 22 б, 23 а, 76 б, 78 а, 82 а, 86 а, 88 б
Боқи Тошкандий — 338 б, 376 б, 377 аб
Боқибек Чағониёний (Хисравшоҳнинг укаси) — 27 б, 33 аб, 42 а, 58 а, 120 б, 121 аб, 122 б, 123 а, 125 а, 126 аб, 146 аб, 149 а, 152 б, 157 аб, 158 аб, 159 аб, 160 а, 225 а
Боқи шиғовул (мингбеги) — 261 а, 309 а, 322 б, 338 б, 379 б, 380 а
Боқи ҳез — 112 б, 234 б
Бупат Рав — 324 а
Бурундуқ Муҳаммад барлос — қ. Муҳаммад Бурундуқ барлос.
Бухон (Дилазак) — 242 аб
Бўрка — 116 б
Бўрон — 214 б
Бўрон Султон — 168 б
Бўчка (Бўжака) — 257 б, 267 б, 301 а, 308 а, 309 а

## «В»

Вайс атка — 128 а
Вайсбек — 60 б
Вайс Лоғарийбек (туғчи) — 15 а, 17 аб, 39 а, 55 а, 59 а, 60 б, 61 б, 62 а, 65 б, 69 б, 72 б, 95 а, 302 а, 346 б, 350 а
Вайсхон — 9 б
Вайс Шайх — 55 а, 95 а
Вали — қ. Вали (Хисравшоҳ)
Вали (Хисравшоҳнинг навкари) — 154 б, 299 а
Вали (Бадиъуззамон мирзонинг укаси) — 35 а, 42 б
Вали (Хисравшоҳнинг укаси) — 29 б, 33 а, 38 а, 57 а, 81 б, 124 а, 125 б, 155 а
Валибек (Сайфуддинбек авлодидан) — 171 б
Вали Порсий — 352 б
Вали хизоначи — 118 а, 210 а, 230 б
Вали хозин — 183 б, 217 аб, 258 а, 262 а, 265 б, 266 а, 267 б, 295 а, 320 а, 383 б
Вали Қизил — 254 б, 266 а, 268 а, 338 а
Вафоий (Аҳмад Ҳожибек) — 13 а, 20 б, 21 аб, 30 аб, 36 б, 37 аб, 170 б

## «Г»

Гавҳаршодбегим — 191 а, 344 б
Гадоий — 227 а, 228 б
Гадойи Билол — 207 б
Гадойи Муҳаммад — 245 б
Гадойи тағойи — 219 б, 227 аб, 228 б, 236 б, 238 б, 244 а, 245 б
Гангу — 324 а
Гужурхон — 355 б
Гулбаданбегим — 392 а
Гулрангбегим — 392 а
Гулчеҳрабегим — 392 а

## «Д»

Давлат Султонхоним — 12 а, 96 б, 102 а, 242 а
Давлатхон — қ. Давлатхон Татархон Юсуф хайл
Давлатхон Татархон Юсуф хайл — 225 аб, 226 б, 227 а, 228 б. 254 а, 255 а, 256 а, 258 аб, 259 аб, 260 а
Давлатқадам турк — 296 аб
Давлатқадам қаравул — 183 б, 250 б
Дарбан Раай — 385 б
Дангурсий — 324 а
Дарвеш — 331 а, 336 а
Дарвеш Али пиёда — 227 а
Дарвеш Алибек — 173 а
Дарвеш Али китобдор — 174 б
Дарвеш Али Саййид — 210 а
Дарвеш Али Юсуф — 331 а
Дарвешбек тархон — 22 аб
Дарвеш Гов — 16 б
Дарвеш Муҳаммад — қ. Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сорбон
Дарвеш Муҳаммад тархон — 17 а, 18 а, 21 б, 22 б, 36 аб, 37 аб, 47 б, 48 б
Дарвеш Муҳаммад сорбон — қ. Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сорбон
Дарвеш Муҳаммад Фазлий — 240 а
Дарёхон Нуҳоний — 257 а, 294 а, 375 а
Дарёхон (Шайх Мир Алибек ўғли) — 145 а, 146 б, 159 б, 224 б, 328 б
Дарманкат (раажа) — 304 а
Дэв Чавҳан — 383 а
Дэва — 345 а
Девонайи Жомабоф — 43 а
Дев Султон — 354 а
Дэва ҳинду (Сактунинг ўғли) — 224 б, 236 а
Дилдор оғача — 220 а
Диловархон — 256 а, 257 а, 259 б, 260 а, 262 а, 320 б, 383 б
Дилпат Раай — 324 а, 385 б
Довудхон (Лудий) — 263 б
Дуду — 368 а, 369 а
Дўвахон — 9 б
Дўст — 268 а, 363 б
Дўст Ангу шайх — 192 а
Дўстбек — 63 а, 106 а, 114 б, 217 аб, 218 а, 228 б, 229 а, 230 аб, 233 аб, 234 аб
Дўсткелди чалма — 210 а
Дўст Муҳаммад Бобо Қашқа — 338 а
Дўст Муҳаммад Боқир — 246 а
Дўст муҳрдор — қ. Дўстбек
Дўст Носир — 63 а, 83 а, 104 аб, 106 а, 107 аб, 112 б,

114 аб, 198 б, 210 а, 217 аб, 218 а, 226 б, 228 б, 229 а, 230 аб, 233 аб, 234 аб
Дӯст Носирбек — 211 б
Дӯст пиёда — 203 б
Дӯст Сарипулий — 198 б, 203 б
Дӯст Хованд (Хожа Камолиддин) — 215 а, 227 а, 229 а, 307 б, 319 б, 345 б
Дӯст эшик оға — қ. Низомиддин Дӯст эшик оға
Дӯст Ясин хайр — 363 аб
Дҳарам Дэв — 318 а

## «Ё»

Ёдгор мирзо — 168 а
Ёдгор Муҳаммад мирзо — 165 а, 168 а, 174 б, 175 б
Ёдгор Муҳаммад Носир мирзо (Ёдгор Муҳаммад мирзо) — 85 аб, 352 б
Ёдгор Носир — 352 б
Ёдгор Султонбегим (Умар Шайхнинг қизи) — 9 а
Ёдгор тағойи — 346 а
Ёракбек — қ. Ёрак тағойи
Ёрак тағойи — 55 а, 72 б, 161 б, 196 б, 209 б, 211 б
Ёрали — 308 б
Ёрали Билол (туркман) — 55 б, 67 а, 121 а, 308 б
Ёр Ҳусайн (Дарёхоннинг ӯғли) — 145 а, 146 б, 159 б

## «Ж»

Жалолиддин Маҳмуд нойи — 190 а
Жалолиддин Хисрав кӯкалдош — 83 а, 107 б, 207 б, 209 б, 221 б, 238 б, 240 а, 255 а, 265 б, 266 а, 320 а, 321 б, 326 б, 355 б, 383 б
Жалолиддин Қутлуққадам қаравул — 150 б, 210 а, 238 б, 250 б, 258 а, 259 а, 263 б, 265 б, 266 а, 267 б, 299 а, 320 б, 322 а, 383 б, 385 а.
Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос — 262 а, 266 а, 267 б, 299 а, 308 а, 309 б, 311 а, 322 а, 383 а, 384 б
Жалолиддин Шоҳ Ҳусайн Ёракий мўғул ғончи — 266 а, 299 а, 320 б, 322 а, 383 б, 385 а
Жалолиддин Ҳиндубек қавчин — 76 б, 219 б, 228 а, 229 аб, 232 а, 235 б, 238 б, 244 а, 262 аб, 263 аб, 264 аб, 265 аб, 266 а, 297 аб, 320 а, 321 а, 381 б, 381 а, 382 а, 383 б, 384 б, 391 а
Жалол Тошкандий — 379 б
Жалолхон (Дарёхоннинг набираси) — 375 аб, 383 б
Жалолхон (Оламхоннинг ӯғли) — 257 а, 368 а
Жалолхон Биҳархон Биҳарий — 365 а, 368 б, 369 а
Жалолхон Жакҳат — 256 б, 268 а
Жамшид — 50 а
Жанг-жанг — қ. Шамсуддин Муҳаммад Али жанг-жанг
Жармал Парам Дэв — 383 а
Жаъфархожа Чиғатоий — 327 а, 328 б, 336 а, 378 а
Жаҳонгир барлос — 170 а, 171 б, 172 а
Жаҳонгир мирзо (Темурбек ӯғли) — 46 а, 49 б, 50 а
Жаҳонгир мирзо (Умаршайх ӯғли) — 6 б, 8 б, 7 аб, 24 б, 51 б, 52 б, 61 б, 63 аб, 64 а, 66 а, 69 б, 70 аб, 74 аб, 77 а, 88 а, 94 б, 97 б, 111 а, 113 а, 115 б, 121 аб, 123 аб, 126 б, 127 аб, 145 а, 148 а, 149 а, 150 а, 151 а, 152 аб, 153 б, 157 б, 158 б, 161 б, 162 а, 163 а, 183 б, 184 б, 186 б, 188 б, 189 а, 190 а, 192 а, 208 а, 215 б
Жаҳоншоҳ мирзо Бороний Қорақӯйлуқ — 10 а, 28 а
Жаҳоншоҳ ибн Чоку барлос — 170 а
Жаҳонгир туркман — 155 а, 213 а
Жомий — қ. Мавлоно Абдурраҳмон Жомий
Жонак — 190 а
Жонали — 80 аб
Жонибек дӯлдой — 20 б, 21 а, 257 б, 261 б, 265 б, 266 а, 378 а
Жонибек атка — 383 б
Жонбобохон — 9 б
Жонвафо — 84 б
Жонвафо мирзо (доруға) — 82 б
Жонибек Султон — 9 а, 19 б, 89 б, 347 б
Жоника кӯкалдош — 91 а
Жон Носир — 241 б
Жон Ҳасан борин — 56 а, 103 б, 109 а
Жӯги мирзо — 12 б
Жӯжи (Чингизхоннинг тўнғич ӯғли) — 12 а
Жуҳа Султон — 354 а

## «З»

Зайнаб Султонбегим — 27 б, 344 б
Зайниддин Хавофий — 252 б, 268 а, 300 а, 312 б, 316 а, 319 а, 325 а, 367 а, 378 б
Зардуҳушт — 50 а
Заҳириддин Муҳаммад Бобур — 8 б, 13 б, 88 аб, 119 б, 185 аб, 189 аб, 192 а, 196 аб, 198 а, 199 б, 200 а, 201 аб, 203 аб, 204 а, 207 б, 208 аб, 209 а, 210 а, 212 а, 213 а, 214 а, 215 аб, 216 аб, 218 а, 219 аб, 220 аб, 223 а, 225 а, 226 а 227 аб, 228 аб, 229 а, 230 б, 231 аб, 232 аб, 236 аб, 237 а, 238 а, 242 б, 245 а, 246 аб, 247 аб, 248 аб, 298 аб, 299 а, 302 б, 305 б, 306 аб, 307 а, 308 а, 310 аб, 311 б, 312 б, 314 б, 315 б, 316 а, 323 а, 325 аб, 326 а, 327 б, 329 б, 330 аб, 331 аб, 332 а, 333 а, 334 а, 337 б, 338 аб, 339 а, 340 а, 343 б, 344 аб, 346 б, 349 а, 350 а, 351 аб, 353 аб, 355 а, 356 а, 357 б, 358 б, 362 а.
Зоҳидхожа — 315 а, 378 а
Зоҳир Табарий — 382 а
Зубайда оғача — 168 б
Зубайр мирзо — қ. Зубайр Рофий
Бу галги Кобул сафари чоғида Бобур Хўстда тўхтайди, шу ерда қизи Гулранг таваллуд топади. Йилнинг охирида қишда не азоб-уқубатлар билан Кобулга келади. Бу ерда Носир мирзо уни беҳад самимият билан қарши олади ва Кобулни унга топшириб, ўзи Ғазнига кетишга ижозат сўрайди. Унинг бу муомаласидан Бобур ниҳоятда тўлқинланиб кетади.

Ғазнига қайтиб келганидан кейин орадан бир неча кун ўтгач, ҳижрий 921 йилда Носир мирзо вафот этади ва унинг ўрнини олиш учун ўша ерлик беклар ўртасида бошланган талаш нимадир бўлиб Бобурга қарши исёнга айланиб кетади. Бундан хабар топган Қосимбекнинг ўғли Қанбар Али Қундуздан шошилинч равишда етиб келади. У Ғазнини қутқаришда Бобурга ёрдам беради. Кўплаб исёнкорлар қатл этилади, яна кўплари Кошғарга қочиб қолади. Қочоқлар орасида Ширим тағоий ҳам бор эди. Саъидхон уни кимсан ҳам демайди, шунда у мажбур бўлиб яна Бобурнинг олдига келади. Бобур унга ниҳоятда зўр мурувват кўрсатади, эски хизматларини инобатга олиб бутун гуноҳларини кечиб юборади. Орадан кўп ўтмай Тағоий вафот этади.

Уруш-жанжалларнинг сабабкори бўлган муғуллар кетганидан кейин ҳижрий 922 йил Кобулда осойишталик билан ўтади. Бобур ўша йили Гулрух Бекчикдан Муҳаммад исмли ўғил кўради. Ҳарбий юнокда туғилгани сабабли уни Аскарий деб атайдилар.

Бадиъуззамон Бойқаронинг ўғли Муҳаммад Замон обдон дунё кезганидан сўнг шоҳ Исмоилнинг хизматига ўтиб, Балхда яшайди, лекин бу хизматда ҳам узоқ ишлолмайди. Уни Бобур Кобулга чақиради. У ҳижрий 923 йилда Кобулга қараб йўлга ҳам чиқади, бироқ Маҳдий Хожа уни бир амаллаб Кобулга бориш фикридан айнатишга муваффақ бўлади. У йилнинг ўзидаёқ Гуржистонга бурилиб кетади. Хондамир ҳам ўша ерда Паштда эди. Иккови Балхга боради. Улар шаҳарни қуршаб олади. Бобурнинг одамлари Иброҳим пучукни тутиб олади ва у билан учрашгани келган элчи Ўрду Шоҳни фириб билан ўлдириб юборади. Бобур Кобулда бу гапларни эшитиб, қаттиқ ғазабланади ва уларни жазолаш учун йўлга чиқади. Бобур у ерга етиб келганида Балх бир ойдан бери қамалда эди. Мирзо унинг келганини эшитиб, чекинади ва Дарғазга қочади. Бобур уни таъқиб қилади, бироқ Ҳерируд дарасидаги Чоччарон ва Гуржистон чегараси ўртасидаги Оқгумбаздан қайтиб кетади, чунки туркистонликлар Мирзонинг тарафида эди. Шундан кейин Бобурнинг ўзи Ферузкуҳ, Яккаулов ва Ғўр орқали Кобулга жўнаб кетади, лекин бошқалар Мирзони таъқиб қилади ва уни тутиб, Кобулга олиб келади. Бобур унга раҳм қилади. Бир неча ойдан кейин қизи Маъсумани унга никоҳлаб беради-да, Балхга жўнатади.

Бобур ўша йили Қандаҳорга юриш қилади, аммо у ерга етиб борган замони бетоб бўлиб қoладию, уруш қилиш ўрнига сулҳ тузиш йўлини қилиб, қайтиб келади.

Бундан буёғи нуқул умидсизликлардан иборат бўлади. Кобулда шуҳратпарастликнинг чеки-чегараси кўринмасди. Шунинг учун Бобур «илоҳий ишора»га амал қилиб, Ҳиндистонни қўлга киритишга диққат-эътиборини қаратади.

## 1520—1525 йил воқеалари

Шу ерга келганда изоҳсиз яна бир узилиш бор, у милодий 1520 йилнинг 24 январидан то 1525 йилнинг ноябригача бўлган пайтни ўз ичига олади. Бобур шу даврда ниҳоятда банд бўлган. Шунинг учун («Бобурнома»ни — *тарж.*) ҳар куни ёзиш имконияти бўлмаган бўлса керак. Балх ва Бадахшонга қилган бир мартадан, Қандаҳор ва Ҳиндистонга қилган учтадан юришлари худди шу даврга тўғри келади. Ҳиндистон юришлари ичида иккинчи юришнинг охиридан то сўнгги, яъни бешинчи юришигача бўлган даврга оид ҳеч қандай маълумот йўқ. Камида икки маротаба патан* қабилаларини жазолаш учун боришга тўғри келади. Шунча жойга қўшин тортиш учун тайёргарлик кўриш ҳам керак бўлгандир, албатта. Шу даврда анча-мунча давлатлардан элчилар келиб-кетади. Ҳиндистон ва Ҳиротдан бир неча элчи келади. Бобур шу қадар бандлигига қарамай шеърлар ва тарихга оид бир қанча муҳим бадиий асарлар ҳам ижод қилади. Шу борада Бобурнинг эътибори ортади, унинг ҳомийлари орасида ҳақиқий якдиллик қарор топади. Исёнкорлар бостирилади ёки ўзи тарқаб кетади. Шафқатсиз жазо ҳам ўз ишини қилади. Бир қанча патанлар ўлим жазосига ҳукм қилинади. Бундан патан халқи енгил нафас олади. Бунинг сабаби шунда эдики, исёнкор патанлар ўз халқига ҳам ҳаддан зиёд зулм ўтказарди. Энди Бобурнинг атрофидагилар унинг Ҳиндис-

* *Патанлар (ёки патҳанлар)* — пушту тилида сўзловчи афғон қабилаларининг номи; пуштунлар *(тарж.)*.

тонни забт этишдан иборат мақсадига чин кўнгилдан хайрихоҳлик билдира бошлайдилар. Кобулнинг жанубидаги вилоят Бобурнинг қўлига ўтгач, Ҳиндистонга тўғри йўл очилади. Орқадан арғунларга бўлган хавф-хатарнинг ҳам олди олинади. Панжобда ҳам Бобурнинг мавқеи анча мустаҳкамланади. Иброҳим Лўдийга қарши Читўрнинг Раанаси Бобур билан иттифоқ тузишни таклиф қилади. Патанларнинг ўзаро уруш-низоларига аралишишни илтимос қилиб у ёки бу томон Бобурга мурожаат қила бошлайди. Мана шу нарсаларнинг ҳаммаси Бобур куч-қудратининг асосини ташкил этади.

Ҳиндистонда Иброҳим Лўдий ички урушлар гирдобида эди, Деҳли салтанати ҳали бир неча йилдан кейин Бобурнинг набираси Акбар ҳукмронлик қилган даврдагидек улкан ва мустаҳкам эмас эди. Ўша пайтда Деҳли ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирарди. Иброҳим Лўдий ўз амирлари олдида бутқул ишончини йўқотган, шафқатсизлик ва жабр-зулмлари туфайли бутун халқ ундан нафрат қила бошлаган эди. Бир қатор патан сардорлари Ганг дарёсининг нариги бетига кетган эдилар. Бадаюндан Биҳаргача бўлган оралиқдаги талайгина вилоятлар исёнчилар қўлида эди. Бангал ҳали ҳар жиҳатдан мустақил эди. Малва ва Гужаратда ҳам аҳвол деярли шундай эди. Ражпут раажалари ўзлари бир иттифоқ бўлиб бирлашиб олган эди ва уларнинг раҳбари Раана Сангаа Бобур билан ҳамкорлик қилишга тайёр эди. Панжоб Давлатхон (унинг номини Бобур нуқул «Юсуфхайл» деб, бошқа муаллифлар эса («Лўдий» деб ёзадилар) ва унинг ўғиллари Диловархон ҳамда Оноқ Ғозихон тасаррруфида эди. Бир қанча патан сардорларининг бошига тушган кулфатларни кўриб, улар саросимага тушиб қолишади. Улар нима қилиб бўлса ҳам Деҳлининг қўлидан чиқишни хоҳлардилар. Шунинг учун улар Бобурнинг тасарруфига ўтиш учун қайта-қайта мурожаат қиладилар ва «келиб бизни озод қилинг» деб ўтиниб сўрайдилар. У ёқда ёши етмишга кириб, кексайиб қолганига қарамай Иброҳим Лўдийнинг амакиси Султон Аловиддин Оламхон Лўдий ҳам Деҳли тахтига кўз тикиб турган эди. Шунинг учун ҳам Бобур паноҳига ўтишга тайёр эди. Бобурнинг орзуумидларини рўёбга чиқариш учун бундан ортиқ яна қандай қулай шароит бўлиши мумкин?

Худди мана шу шарт-шароит Бобурнинг бундан кейинги беш йилу ўн ой мобайнидаги ҳарбий-сиёсий юмушларининг дебочаси бўлади. Ҳижрий 908—909 ва 914—925 йил воқеаларини ёзишда биз фойдаланган манбалар ва хусусан, «Ҳабиб ус-сийар» асаридан шу даврга оид бир қанча воқеаларни жамласа бўлади. Ўша вақт оралиғида юз берган Бобур билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни йилма-йил тизиб чиқилса, қуйидаги манзара намоён бўлади:

Ҳижрий 926 йил (милодий 1519 йилнинг 23 декабридан 1520 йилнинг 12 декабригача):

Бобур Ламғондан қайтгач, лашкар тўплаб, тайёргарлик кўргандан сўнг Ҳиндистонга қўшин тортади. Йўлда Бажўрдаги қўзғолонни бостиради. Яна аввал ўтган дарадан ўтиб, Синдни кесиб ўтади-да, Сийалкотга ҳужум қилади. У ердагилар таслим бўлади ва шу тариқа ўз жони ва мол-ҳолини сақлаб қолади. У ердан Бобур илгари қараб юради ва Сайийдпурга келади. У ердагилар қаршилик кўрсатади. Шунинг учун улар қиличдан ўтказилади.

Бобур Қандаҳорга қараб юради, лекин бу шаҳарни қўлга киритиш осон эмас эди. Шаҳар учта тепаликка жойлашган бўлиб, ҳар бирига минора қурилган ва улар мустаҳкам иҳота қилинган эди. Энг чеккада энг баланд тепалик бўлиб, ундаги минорага деярли йўлаб бўлмасди. Ундан пастроқда, ўртадаги тепаликда бир арка бор эди. Арканинг тагидаги пасттекисликда шаҳар кафтдек ястаниб ётарди. Шаҳар уч қатор девор билан қуршалган эди. Энг баланд йўлаб бўлмас тепаликда ҳар бири уч минг квадрат газ келадиган иккита сув ҳавзаси бор эди. Шу ҳавзалар шаҳарни сув билан таъминлаб турган бўлса керак.

Бобурнинг қўшини шаҳарни икки йил қамал қилиб туради. Суранг ва тош отиш кенг қўлланилади. Диаметри бир тирсак-бир тирсак тошлар «манжаниқ» деган қуролга қўйиб отиларди. Бу каби қуроллардан ташқари очарчилик ҳам Бобурга бир оз қўл келади, лекин барибир ғалабага эриша олмайди. Тир (июнь) ойида қамал тўхтатилади. Қамални тўхтатишга очарчилик туфайли тарқалган вабо сабаб бўлади. Шаҳарни қамал қилиб турган Бобурнинг лашкари ҳам вабодан талофот кўради. Қандаҳорликларнинг айтишича, вабо ҳамиша бу шаҳарга кўмакдош бўлган.

Шоҳбек қамал тўхтатилганидан кейин яна Синдга қараб қўшин суради. Унинг собиқ қули, эндиликда эса лашкарбошиси Меҳтар Самбал Қандаҳорни озиқовқат билан таъминлашни қайтадан йўлга қўйиб юборади.

Шоҳбек қамал пайтида Бобурга қаршилик кўрсатиш учун қалъадан чиқмасди, ичкарида қалъа мудофаасини мустаҳкамлаб ётарди. Бобур эса устма-уст зарба берарди. У чавкар отида қалъа деворига яқин борарди-да, ўқ уздирарди. Жанг қалъа дарвозаси ёнидагина бўларди. Қандаҳорликлар камон-қилич ва найзадан ташқари тош отишда ҳам моҳир эди, бироқ ҳар гал тўқнашув бўлганда, Бобурнинг қўли баланд келар, Шоҳбекнинг одамлари эса қалъага қочиб кириб кетар эди.

Ҳижрий 927 (милодий 1520 йилнинг 13 декабридан 1521 йилнинг 30 ноябригача): Шу орада Бадахшонда Хон мирзо вафот этади. Бу хабардан Бобур қаттиқ қайғуга ботади. Хон мирзонинг ўғли Сулаймон ҳали ёш бола эди. У онаси Султон Нигорхоним билан бирга Кобулга келади. Бобур Ҳумоюнни Бадахшонга ҳоким этиб тайинлайди-да, ўзи «гармсер» юртларга (қиладиган юриш учун — тарж.) ҳарбий ва бошқа жиҳатлардан тайёргарлик кўришга киришиб кетади. Қандаҳорни қамал қилиб турганида ҳам бир неча кичикроқ-кичикроқ юришларга бошчилик қилиб туради.

Ўша пайтда Ҳирот «ҳокими» Таҳмасп олти-етти яшар бола эди. Амир Хоннинг ёрдамчиси Амир Ғиёсиддин «Бобурнинг тарафдори» деб гумон қилиниб, қатл қилинади. (Кичик) жияни Ғиёсуддин Қандаҳорда эди. Орадан бир йил ўтгач, у Бобурга Қандаҳорнинг калидини топширади ва бир неча йилдан сўнг эса Ҳиндистонга бориб унинг хизматига ўтади. Ҳиротдан Бобурнинг ҳузурига элчилар келади. Уларнинг муддаоси «энди Шоҳбекка кўп азият бермасангиз» дейишдан иборат бўларди. Бу элчилар Шоҳбекнинг шахсий илтимосига кўра юбориларди. Бироқ уларнинг Хуросондаги мавқеи омонатлиги ва уларнинг форс подшоҳлари Рум султонларига қаршилик кўрсатишга ожизлик қилаётганидан Ҳирот ташвишда эди. Лекин Бобурнинг Хуросон билан ҳеч қанақа иши йўқ эди. Унинг бирдан-бир мақсади Ҳиндистонни забт этиш эди. Қандаҳорни қўлда ушлаб туриш ҳам ана шу мақсад учун керак эди. Эҳтимол, Бобур ҳузуридаги қувғинди мирзолар кўнглидан ҳали Хуросонга қайтиш орзуси кетмаган ва шу сабабли Амирхон ташвишга тушган бўлса керак. Бобурийлар Қандаҳорни қўлга киритганидан сўнг улар учун Хуросонга йўл очилади. Худди шу сабабли у ташвишга тушган эди. Аслини олганда, Ҳирот, Кобул ва Ҳиндистон учови учун Қандаҳорнинг қудрати зарур эди. Шунинг учун бир йилдан бери элчи устига элчи келарди. Элчилар айтадиган гапнинг мазмуни қуйидагича бўларди: «Шоҳбек аслида жазога лойиқ шахс, бироқ у қилмишидан пушаймон, у вафодор бўлиш ва бир йиллик бож тўлашга рози. Шунинг учун Бобур қамални тўхтатсин-да, Кобулга кетсин».

Бунга Бобур қуйидагича жавоб беради: «Шоҳбекнинг ваъдаларига ким ишонади? Иншооллоҳ, мен Қандаҳорни оламан-да, Шоҳбекни Ҳиротга жўнатаман. Ана ундан кейин Қандаҳорни ва «гармсер» юртни сиз кимга десангиз, ўшанга топширишга тайёрман». Бу «Қандаҳор масаласида қарорим қатъий», деган гапнинг ўзгинаси эди. Амир Хон бу жавобдан қониқмайди. Лекин ўша вақтда уларнинг олдида бошқа бир ташвишли масала кўндаланг бўлади. (1521 йилнинг март-апрель ойларида Убайдуллохон Ҳиротга юриш қилган, деган тахмин бор.) Шу ташвишдан қутулганидан сўнг у яна Бобур билан музокара олиб борган бўлса керак, чунки «Ҳабиб ус-сийар»да ёзилишича, Бобур худди шу музокарадан сўнг «қамал»ни тўхтатган.

Ҳижрий 926 йил (милодий 1521 йилнинг 1 декабридан 1522 йилнинг 20 ноябригача): Бобур шу йилнинг боши ёки ўтган йилнинг охирида Моҳим билан бирга бир неча кунга Ҳумоюннинг олдида — Бадахшонга боради. Ўша пайтда Ҳумоюннинг ўзи Файзиободда бўлган бўлса керак.

Қамал тўхтатилгандан кейин Шоҳбек Қандаҳорни Абдулбоқийга топшириб, ўзи Сивийга қараб жўнаб кетади. Абдулбоқий Бобурни чақиртиради. Ҳиротдан келаётган элчиларнинг ҳали ҳам кети узилмай турган эди. Охирги элчи ҳали Ҳиротга етиб улгурмаган ҳам эдики, Бобурнинг бир одами совға-салом билан келиб, «Қандаҳор олинди» деган хушхабарни етказади. Қандаҳор ҳижрий 928 йил 13-шаъбонда (милодий 1522 йилнинг 6 сентябри) олинади (бу ҳақда «Чиҳилзина»да ўйиб ёзилган).

Шу йил Бобур адабий фаолият билан ҳам ниҳоятда банд бўлади. У Комронга таълим бериш мақсадида икки минг мисрадан иборат бир туркий шеърий китоб ёзади. Ўша китобнинг номини Абулфазл ва Бадаюн «Мубаййин» («Тушунтириш») деб атаган. Шунинг учун бу китоб шу ном билан маълум ва машҳурдир. Китоб асл нусхасининг қўлёзмасида қуйидаги байт бор:

*Чу баён қилдим онда шаръиййот,*
*Не ажаб, гар «Мубаййин» дедим от.*

Бу ерда «шариат» ва «мубаййин» сўзларининг асл маънолари (мос равишда «аниқ ва соф йўл» ҳамда «аниқ») ёрдамида ҳайратомуз бир маъно касб этилган. Бироқ «Нафойис ул-маосир»да айтилишича, китобнинг номи «Дар фиқҳи Мубаййин» («Шариат баёни»)дир. Бу асар «Фиқҳи Бобурий» («Бобурнинг диний йўл-йўриқлари» ёки «Бобур хотиралари») деб ҳам аталади. Шайх Зайн*нинг «Мубаййин» номи билан шу асарга ёзган шарҳи ҳам мавжуд. 1529 йилда Бобур Хожа Яҳёнинг набираси Хожа Калон-

---

* *Шайх Зайнуддин Хавофий* — Бобурнинг мусоҳиби, бир қатор ҳолларда котиби. Унинг бир қанча зафарларининг тарихнависи, Деҳли устидан қозонган ғалабасига аталган «Фатҳнома» муаллифи. Форсийда «Табақоти Бобурий» номли ниҳоятда нафис асар битган бўлиб, унда «Бобурнома»нинг мавжуд ёки мавжуд бўлмаган қисмлари таржима қилиб келтирилган.

га «Бобурнома»дан нусха юборганида, эҳтимол, унга қўшиб «Мубаййин»дан ҳам юборган бўлса керак (ҳижрий 935 йил воқеалари баёнига қаралсин).

Шу йили «Бобурнома»нинг ҳижрий 925—926 йил воқеалари кунма-кун битилган. «Бобурнома»нинг мавжуд қисмларидан энг биринчи бўлиб худди шу қисм ёзилгандир. Бу қисмда кейинги воқеаларга шарҳлар ҳам бор. Бобур ушбу бобни силлиқлаб таҳрир қилиб, китобга киритмоқчи бўлгани бир қатор сабабларга кўра аёндир. Шу бобда тилга олинган даврдан олдинги — ҳижрий 899—914 йил воқеалари баён қилинган қисм эса бундан ўн йил кейин битилган.

Бобурнинг бир девони ҳижрий 925 йилдан аввал ёзиб тугатилган эди. Ўшани Пўлат Султонга юборилган эди. «Абушқа»* номли бир туркий луғатда сўзларнинг ишлатилишини кўрсатиш учун шу биринчи девонга мурожаат қилади.

Ҳижрий 929 йил (1522 йилнинг 21 ноябридан 1523 йилнинг 10 ноябригача): Ҳиндистон ихтилофлар гирдобида эди. Давлатхон Юсуфхайл (ёки Лўдий) ва Аловуддин Оламхон Лўдий Султон Иброҳим Лўдийга Қарши Бобурдан ёрдам сўрайди. Пушту шоири Хушҳолхон Хаттак «Бобурни Деҳлига патанлар султон қилди», деб бежиз айтмаган.

Аҳмад Ёдгорнинг «Тарихи Афғона» асарида ёзилишича, Давлатхон бир қанча сабабларга кўра Иброҳим Лўдийдан қаттиқ чўчирди. У ўғли Диловархонни Кобулга қуйидаги мазмундаги нома билан жўнатади: «Иброҳим Лўдий аблаҳ, пасткаш ва золимдир, қўшин ва лашкарбошилари ундан хафа ҳамда норозидирлар».

Диловархон Кобулга Комроннинг тўйи бўлаётган бир пайтда етиб келади. Бобур ундан сўрайди: «Сен шунча пайт тузини ичган хонадонни нечук тарк этмоқдасан?» Диловархон бундай деб жавоб беради: «Биз қирқ йил Лўдийлар салтанатининг устуни бўлиб келдик. Лекин энди Иброҳим Султон Искандарнинг амирлари билан қўпол муомалада бўлмоқда. Йигирма биттасини-ку ўлдириб юборди — бирини осди, бирини тириклайин кўмди. Шунинг учун ҳозир барча амирлар юрагини ҳовучлаб қолган. Бир қанчалари гапни бир ерга қўйиб, мени шу ерга юборишди. Улар сизнинг йўлингизга кўз тикиб ўтиришибди ва сизнинг ҳар қандай ҳукмингизни бажо келтиришга ҳозиру нозир».

Бобур эртаси куни намоз устида Ҳиндистон ғалабаси учун дуо қилади. У бундай дейди: «Манго ва пан Ҳиндистонга хос неъматлардур. Агар манго ёки панни битта-яримта менга тортиқ қилсайди, мен уни яхшилик нишонаси сифатида қабул қилган бўлурдим». Давлатхон Ҳинддин хом манго юборган эди. Ўша манголарни Бобурнинг олдига келтирилади. Бобур бундан бениҳоя хурсанд бўлади. У буни яхшилик белгиси деб қабул қилади-да, Ҳиндистонни забт этишга ҳозирлик кўра бошлайди.

Кунини аниқ айтиш қийин-ку, бироқ етмиш яшар Аловуддин Оламхон ҳам ўша йили Кобулга келган бўлса керак. Оламхонни ҳам Иброҳим Лўдийга қарши ёрдам берилади, деб ишонтирилади.

Шу йили ёки кейинги йили Дилдорнинг учинчи қизи Гулбадан туғилади. Кейинчалик Гулбадан «Акбарнома»га маълумот йиғиш нуқтаи назаридан жияни Акбарнинг кўрсатмасига биноан «Ҳумоюннома»ни ёзади.

Ҳижрий 930 йили (1523 йилнинг 21 ноябридан 1524 йилнинг 28 октябригача): Бобурнинг Ҳиндистонга тўртинчи бор қўшин тортишининг икки муҳим жиҳати бор эди. Биринчиси шуки, Иброҳим Лўдийдан норози патанлар Бобур тарафига ўтган эди. Иккинчиси эса, Оламхоннинг ёрдами билан тўғридан-тўғри подшоҳ Лўдийга ҳужум қилиш бу юришнинг мақсади, деб эълон қилиниши эди.

Бобур Синдни кечиб ўтганидан кейин Канар қирликлари орқали Жеҳлам ва Чиноб дарёларини кечиб ўтади-да, тўппа-тўғри Лаҳўрга қараб юради. У ёқдан эса Деҳли подшоҳи тарафидан Давлатхонга жазо бериш учун Биҳархон Лўдий Лаҳўр томон қўшин тортиб келмоқда эди. Ундан қўрққанидан Давлатхон Лаҳўрни ташлаб Мўлтон балуж*ларининг орасига кириб кетади. Лаҳўрга беш кўча қолганда Бобур Биҳархон билан тўқнашади. Биҳархон енгилади, қанчадан-қанча одами ўлади, қолганларини Бобур Лаҳўргача қувлаб боради.

Лаҳўрда тўрт кун туриб, жанубга қараб қўшин суради-да, Дипалпурга ҳужум қилади. Дипалпурликлар унга қаршилик кўрсатади. Бундан ғазабланган Бобур шаҳарни талайди ва шаҳар аҳолисини қиличдан ўтказади. Шайх Зайн ва Мир Гису Дипалпурнинг устидан қозонилган ғалаба санасини ҳижрий 930 йил деб кўрсатганлар.

Бобур Дипалпурдан Саҳринд (Сарҳинд)га қараб юради. У ерга етиб келишидан олдинроқ шундай хабар оладики, Лаҳўрга қайтишга мажбур бўлиб қолади.

---

* *Абушқа* — изоҳли луғат. Мир Алишер Навоий асарларидан фойдаланувчилар учун XVI асрда Туркияда тузилган. Навоий замондошларининг асарларидан мисоллар келтирилган *(тарж.)*.

* *Балужлар (балучлар ёки балочлар)* — ҳозирги Афғонистон, Покистон, Эронда яшовчи халқ номи. Покистонда Балужистон деган вилоят бор.

Дипалпурда Давлатхон ўғиллари билан бирга Бобурга келиб қўшилади. Бобур унга Лаҳўр тахтини қайтариб бермайди. Унга ўзи озод қилган Жаландҳар ва Султонпурни беради. Бундан у ич-ичидан куйиб кетади. Унга жазо беришга келган қўшин тор-мор этилиб бўлган эди. Шунда у (яъни Давлатхон — *тарж.*) «Бобурдан қутулмасам бўлмас экан», деган фикрга келиб қолади. Шу хаёл билан Бобурга найранг ишлатмоқчи бўлади. У қуйидаги ёлғон хабарни юборади: «Нарироқда сиз билан тўқнашишга тузуккина қўшин пистирмада ётибди. Лашкарбошингизни юбориб, уларни тўзғитиб ташласангиз, мақсадга мувофиқ бўларди». Бобур бу маслаҳатдан кейин тегишли тайёргарликни кўраётган ҳам эдики, у ёқда Давлатхоннинг ўғли Диловар Хон «Булар сизни алдаяпти, буларнинг гапига кира кўрманг. Булар сизнинг лашкарингиз тарқаб, кучи қисқаришини истайдилар» деган махфий хабар юбориб қолади. Бобур шартта Давлатхон ва унинг ўғли Опоқ (Ғози) Хонни қўлга олиб, қамаб қўяди. Бироқ, улар қамоқда кўп бўлмайди. Сал кунда озод қилиб, уларга Султонпур топширилади. Улар озод бўлиши биланоқ Султонпурга бориш ўрнига тоққа қараб қочади ва Панжобга ҳужум қилиш учун қулай имконият келишини пойлаб ётади. Уларнинг вилояти Диловархонга берилади. Шундай бўлишига қарамай, ҳали ҳам кескинлик сақланиб турарди. Бобур шундай бир вазиятда олға қараб юришни маъқул кўрмайди ва Сатлуж дарёсини кесиб ўтгандан кейин Лаҳўрга қайтиб келади. Панжобни эски дўстларига топширади-да, ўзи Кобулга қайтиб кетади. Ўзбекларнинг Кобул устига юриш қилиб келаётгани ҳақидаги хабар айни ўша пайтда етиб келган бўлса керак ва шу нарса Бобурнинг Кобулга қайтиб кетиш сабабларидан бири бўлган бўлса, эҳтимол.

Абдулазиз мироҳўр Лаҳўрга, Хисрав кўкалдош Сийалкотта, Муҳаммад Али тожик Калануrга ва Одамхон Лўдий ва Бобо Қашқа муғул Дипалпурга Бобур номидан тайин этилган эдилар.

Рум султонидан енгилгани аламидан Эрон шоҳи Шоҳ Исмоил Сафавий, шу йил 23 май куни кўкаси Фозилнинг ўлими ғамида Шоҳ Шужо арғун дунёдан кўз юмади. Синдда Шоҳбекнинг валиаҳд ўғли Ҳасан Бобур номига хутба ўқитади ҳамда шу йили ёки келаси йили Халифанинг қизи Гулбаргга уйланиб, Бобур билан алоқасини яна ҳам мустаҳкамлайди. Бу ёқда Халифанинг ўғли Муҳиб Али ҳам Қосим кўкалдош ва Моҳчучук арғуннинг қизи Ноҳидга уйланади.

Шу йили Бобур Ҳиндистондан банан олиб келтиради ва Одинапурдаги Боғи Вафога эктиради. Боғи Вафо ҳақидаги қисмга қаранг.*

Ҳижрий 931 йил (1524 йилнинг 29 октябридан 1925 йилнинг 17 октябригача): Бобур Кобулга қайтган заҳоти Давлатхон тоғдаги пистирмасидан чиқади. У ўғли Диловарни тутиб қамаб қўяди, Султонпурни қўлга олади. Кейин каттагина қўшин тўплайди-да, Дипалпурга юриш қилиб, Оламхон Лўдийни ҳам тор-мор этади. Лекин Бобур Синднинг бу томонида замин ҳозирлаб кетгани зое кетмайди. Лаҳўрдаги Бобур тарафдорлари Давлатхонга ҳужум қилиб, уни мағлубиятга учратадилар.

Иброҳим Лўдий ҳам Панжобни қайта забт этиш учун қўшин юборади, бироқ у қўшин ичидаги низо ва норозиликлардан Давлатхон ўз манфаати йўлида фойдаланади. Панжобнинг бир қисмини ўзи босиб олади, қолган қисмларининг эса обдон тинкасини қуритади.

Дипалпурда енгилган Оламхон Лўдий тўппа-тўғри Кобулга қараб қочади. Бобур «агар сан Деҳлига подшоҳ бўлсанг, унда Лаҳўр ва Лаҳўрдан бу ёқдаги жамики ерлар менинг тасарруфимда бўлади», деган шарт билан унга ёрдам беришга ваъда беради. Унга қўшин берилади ва кўмак бериш учун Лаҳўр беклари номига фармон битилади. Бобур бундай дейди: «Сен боравер, мен ҳам кетингдан бораман». Бобурнинг Оламхон билан бўлган муносабатлари шундан кейинги ҳижрий 932 йил воқеаларида баён қилинади. (Чунки бутун тафсилотлардан Бобур ўшанда хабар топади).

Ўзбек султонлари ва хонлари Балхни қуршаб тургани сабабли Бобур сўз берган бўлишига қарамай бу ёққа келолмайди. Балхни қамалдан озод қилиб қайтганидан кейингина 1525 йилнинг 17 ноябрида Бобурнинг Ҳиндистонга қилган бешинчи ва сўнгги зафарли юриши бошланади.

Аловуддин Оламхон Лудийнинг Кобулдан муваффақиятли музокара билан қайтганини эшитган Давлатхон у билан битим тузади. Бобур Оламхоннинг бу ишини ваъдани бузиш ва хиёнат деб тушунади ва Оламхон Лўдий Давлатхон билан битим тузиб биз билан тузган шартномасини ўзи йўққа чиқарди, деган хулосага келади.

Айтишларича, Деҳлига етиб келгунча Оламхоннинг қўшинидаги отлиқлар сони қирқ мингга етиб қолган эди.

* Паҳорхонни босиб Лаҳўр ва Диболпурни фатҳ қилган йил кила келтуруб, эктуруб эдим, сабз бўлуб эди. («Бобирнома», 1960 й., 190-б).

## 1528 йил воқеалари

Шу ерда беш ярим ойдан иборат (1528 йилнинг 2 апрелидан то 18 сентябригача) яна бир узилиш бор. Шу давр воқеалари баён қилинган ёзувларнинг йўқолиб кетишига иккита нарса сабаб бўлган, деган тахмин мавжуд — биринчиси, 1529 йилнинг 24 май куни бўрон аралаш ёққан сел, иккинчиси, Ҳумоюннинг кочовда юрган пайтларида унинг кутубхонасида бўлган ёнғин. (Ҳижрий 936—937 йиллар воқеалари баён этилган ёзувлар ҳам шу офат туфайли йўқ бўлган, деган тахмин бор.)

Шу даврнинг узилган воқеаларини бошқа бирон-бир манба асосида тиклашнинг иложи йўқ. «Бобурнома»нинг ўзидаги кейинги бобларда шунга тааллуқли қуйидаги воқеалар баён қилинган: 1) шарқий патанларнинг «бошини эзиб қўйиш» учун қилган юришида Бобурнинг Жўнпур, Чавса, Жаксар ҳамда Ғозипур оралиғида бўлиши; 2) Саранннинг «юрти»ни Маъруф Фармулийнинг ўғли Шоҳ Муҳаммадга бериши; 3) Раана Сангаанинг ўғли Бикрамажит билан сулҳ тузиш учун музокара олиб бориши; 4) Гвалийарда чорбоғ барпо қилиш ҳақида фармон бериши ва 5) қирқ кун касал бўлиши. Бундан ташқари «Бобурнома»да яна қуйидаги воқеалар ҳам тилга олиб ўтилган: 1) Дўлпур сайри; 2) Аскарийнинг музокарадан четлашиши; 3) Хожа Дўст Хованд (?)ни баъзи бир оилавий юмушлар билан Кобулга жўнатиши ва 4) Кобулдан келаётган хабарлардан ниҳоятда ташвишланиши.

Шу даврга оид бир манба бор. У Аҳмад Ёдгорнинг «Тарихи салотини Афғона» асаридир. Бироқ ундаги иккита гапдан биттаси «Бобурнома» деган сўз билан узилиб қолади, иккинчиси эса тасдиқланмайди. Ёдгорнинг ёзишича, Бобур Чандерийдан кейин Лаҳўрга боради ва у ердан Аграга қайтиб келаётганида Панжобда ражпутлар исёнини бостиради. Лекин «Бобурнома»даги ҳижрий 934 йилнинг биринчи ярми воқеалари баён қилинган сақланиб қолган саҳифаларига «Чандерийдан кейин» деган ибора ҳеч ҳам мос келмайди. «Бобурнома»нинг кейинги саҳифаларида ҳам на Бобурнинг Лаҳўрга қилган сафари ҳақида бирон-бир гап бор ва на ражпутлар исёнини бостиргани ҳақида.

Йўқолган воқеалар баёнидан иккита нарсани билиб олса бўларди: биринчидан, қизиқ бир оилавий можаро сабабини, яъни Бобур нега Мўлтонда битта ўғли Аскарийни четлаштириб, ўрнига иккинчи ўғли Комронни тайинлаганини билиб олса бўларди. Иккинчидан, хасталик кунлари баёнидан «Рампур» девонидаги жуда кўп шеърларнинг қандай вазиятда ёзилгани маълум бўларди. Хусусан, «Рисолаи волидийя»дан кейинги шеърлари бетоблик даврида кўнгил туғёнлари таъсирида яратилганга ўхшайди. Бир қатор махсус шеърлардан бу тўпламнинг биронта дўстига, эҳтимол, Хожа Калонга юборилгани аён бўлади. Бобур ўша кунлар воқеалари баёнида ҳам жуда кўп нарсалар ҳақида хабар берган бўлса керак.

***Ансориддин Иброҳимов таржимаси.***

***2-илова***

## Муборак мактублар
## Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг махфий васияти

Кейинги йилларда дунёнинг турли мамлакатларида Бобурнинг ҳаёти ва ижодига тааллуқли янги илмий маълумотлар топилмоқда. Бу материаллар орасида катта илмий қимматга эга бўлганларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тўнғич ўғли Насириддин Муҳаммад Ҳумоюнга атаб ёзган махфий васиятномасидир.

Маълум бўлишича, Бобур Ҳумоюнни давлатни бошқариш ишларига тайёрлаш учун оғзаки йўлйўриқлар бериш, мактублар ёзиш, унга атаб рисолалар яратишдан ташқари, «Махфий васиятнома»лар ҳам битган экан.

Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция аъзолари томонидан қўлга киритилган «Васиятнома» ана шулардан биридир. Бу ҳужжат 1529 йил 11 январда (ҳижрий 935 йил жумодиулаввал ойининг биринчи куни), Агра шаҳри ёнидаги «Нилуфар» боғида дам олаётган пайтида Бобур томонидан ёзилиб, Ҳумоюнга юборилган. Мазкур «Махфий васиятнома» «Бобурнома»га кирмаган. Унинг асл нусхаси узоқ вақт Ҳиндистондаги Бҳупал давлат кутубхонасида сақланган. 1921 йил 11 декабрда тарихчи олим Нат жаноблари ундан нусха кўчириб олишга эришади. Кейинчалик эронлик профессор Шервоний ҳам бу ҳужжат билан қизиқиб, нусхани ўқишга муваффақ бўлишади. Профессор Нат жаноблари «Ҳиндистон Бобур нигоҳида» рисоласида мазкур «Васиятнома»га алоҳида ўрин беради.

Қуйида унинг матни таржимасини эътиборингизга ҳавола этамиз:

# Подшоҳ Баҳодир Ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур, 933 ҳижрий

Алҳамдулиллоҳ!

Мамлакат (салтанат)нинг пойдеворига ёзилган.

Эй фарзанд! Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан иборат. Субҳонолло таоло ҳаққи сенга буюрилдики, ҳар бир мазҳабга пок қалб билан қарагин, ҳар бир мазҳаб ва тариқатга адолатли бўл. Хусусан, сигирни қурбон қилишдан сақлангинки, бу Ҳиндистон халқининг қалб ардоғи ва бу вилоят аҳли подшоҳга яхши назар билан боғланади. Подшоҳ фармонига бўйсунган халқни хароб қилмагин. Адолатни ихтиёр қилгин. Шунда шоҳ раиятдан, раият шоҳдан хотиржам бўлади. Исломнинг тараққиёти эҳсон тиғи билан яхшироқдир, зулм тиғи билан эмас. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан кўзингни юм. Чунки исломга қаршилар бор. Турли эътиқоддаги халқларни тенг тутгинки, шунда салтанат турли ташвишлардан холи бўлади.

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади.

Биз етказиб қўямиз, холос.

Жумодиулаввал ойининг биринчиси, 935 ҳижрий сана.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўғлига васият қилар экан, ҳар бир масалада бобокалони ҳазрат Амир Темурнинг ҳукмдорлик услубидан ўрганиш лозимлигига унинг эътиборини қаратади.

Ушбу «Махфий васиятнома» улкан давлат арбоби Бобурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, давлатни бошқариш усуллари, диний мазҳаб ва эътиқодларга бўлган муносабатлари ўша давр учун катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Бу «Васиятнома»да илгари сурилган илғор сиёсий қарашлар Бобур ва унинг ворислари томонидан изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиб келинган. Хусусан, бу тамойиллар Бобурнинг набираси Акбар ҳукмронлик қилган замонда кенг қўлланган. Натижада бутун Ҳиндистон бирлашиб, жаҳонга ягона мамлакат сифатида танилган, Акбар эса мусулмонларнигина эмас, ҳиндларнинг ҳам севимли ҳукмдорига айланган.

# Комрон Мирзога хат

«Бобурнома»нинг йўқолган саҳифалари ҳақида гапирганда, Бобурнинг ўз ўғиллари ва ўзига яқин бўлган кишиларга турли йилларда битган мактублари орасида ажойиб-ғаройиб бир насиҳатнома борким, бу унинг иккинчи ўғли Комрон Мирзога йўллаган мактубидир.

«Насиҳатномайи Бобур ба фарзанди худ» (Бобурнинг ўз фарзандига насиҳатномаси) номи билан машҳур бўлган бу хат 1527 йил 4 январда ҳукмдор (44 ёшга кирганда) Мулла Сарсон деган киши орқали Комрон Мирзога юборилган. Хатнинг топилиш тарихи қуйидагича:

Аввало, бу аслият, яъни, Бобур ўз қўли билан битган хатнинг ўзи эмас, балки ундан кўчирилган нусхадир.

«1972 или Қозон дорилфунуни кутубхонасида сақланаётган ўзбек адабиёти намуналарини кўздан кечирар эканмиз, дафъатан Бобурнинг ўғли Комронга ёзган хатига дуч келиб қолдик, — деб хабар беради филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов. — Мазмунига кўра бу ўша Мулла Сарсондан юборилган мактуб эди... Мактуб «1272-Т» рақами остида «Нодир қўлёзмалар бўлими»да сақланмоқда экан. Қозон дорилфунуни доценти, таниқли татар адабиётшуноси Хатиб Минигулов, илтимосимизга кўра, мазкур мактубнинг фотонусхасини олиб юборди...»

Бу муҳим топилма ким томонидан, қаерда ва қачон кўчирилгани маълум эмас.

Қуйида Бобурнинг Комрон Мирзога мактуби ва унинг бугунги тилимиздаги табдилини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



# Насиҳатномаи Бобуршоҳ ба фарзанди худ ҳазрати Бобуршоҳ Ғозий тобасароҳ аз Ҳиндустон ба Қандаҳор фиристонид ба фарзанди худ ба мирзойи комгор

Фарзанди аршаду аржуманди саодатнишон Муҳаммад Комрон баҳодирга саломи муҳаббатанжомидин сўнг улким, кўкалтошу эмикдош ва ичкиларинг билан сабақ ўқурға ружуъ келтуруб эмишсен. Бу жиҳаттин кўнгулга сурур ва хотирга ҳузур етиб, на бисёр хушҳоллиқ юз берди. Тенгри таоло даргоҳидин умидим борким, жамъи қобилият ва салоҳият бобинда комил ва мукаммил бўлиб, камолға етгайсен. Ҳамиша ушбу тариқни марьий тутуб, зинҳор тақсир қилмағайсен. Нечукким, ҳазрати Хожа Ҳофиздин манқулдур:

*Пирон сухан зи тажриба гўянду, гуфтамат,*
*Ба он, писар, ки пир шави, панд гўш кун!*

Эшиттимким, Чиғатой эликим, ҳазрати мағфур ва марҳум Султон Ҳусайн мирзодин қолиптурларким, ул эл кўпрак Хуросон эли билан ўлтуруб, қўпуб, бисёр

кобилият ва хайсият пайдо қилиб, латофатдин холи эрмаслар. Агарчи, Хуросон эли хуштабъ элдурлар, хайсиятларида сўз йўқтур, локин мазхаб ва миллатларида танг бор... Турк улусидин отоси қўл бошлаған, аноси тўй бошлаған(?), тўра кўрган эл борким, оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон тортиб, иссиғсовуғда, сафар ва хазарда бирга бўлуб, лахза балки ламха айрилмаян. Хизмати шоиста қилиб ва пандинда баржой келтурубтурлар. Ул элдин имтихон қилиб, (сен) эшикинга йўл беруб, вакили мутлақ этиб, ғофил бўлмағайсен. Кичик ёшлиқ эрса, алардин кенгаш сўруб, маслахат тилаб, аларнинг сўзи билан амал қилиб, асло ва мутлако хеч мухимға иштиғол қилмағайсен. Андишалиқ беклар илан (ва) олийрой қарочу давлатхохларким, хамиша мухим ва маслахат ичинда бўла келиб туралар, аларнинг савол жавоб ва кенгашларидин чиқмағайсен. Хушомадгўй сўзиға фирифтаи бўлуб, давлатхохларким, давлатга муносиб сўзни эшитиб, кўрубилиб, келиб юзунга қотиқ айтурлар, аларга ачиғ(лан)мағайсен. Агарчи юзунга филхол қотиқ кўринур, охир неча кўб кулдирур.

Масалдурким, дўст йиғлатур, душман кулдира айтур. Дўсту душманни тониб, бу мазмун ила амал қилғайсен.

Мисраъ:

*Жое гул — гул бош ва жое хор — хор.*

Тақи Қандахор черики эхтишомдур. Хар қайси кичик-киримнинг сўзи билан ул сори отланғувчи бўлмағайсен. Агар зарурат бўлуб қобу тобиб, отланур бўлсанг, иш бошлаган мажолис кўргон, тўра-туға кўргон, тузук қилғон давлатхохларинга кўнгул бериб, яхши айтиб йибор. Элдин яхши сўзунг(н)и айтиб, мукаммил бўлуб, истеъдоди тамом била мутаважжих бўлғайсен. Ирок-ёкиндин эшитурга ва кўрурга муносиб бўлғусудир.

Таки ножинс, камзот, хар неча хуштабъ ва қобилиятлиқ бўлсалар, тарбият қилуб, амири мамлакатга дахл бермагайсенким, хазрати Шайх Саъдийдин манқулдуркым:

*Нокас бо тарбият нашавад, эй хаким, кас,*
*Дар боғ лола рўяд ва дар шўра хору хас.*

Хазрати Мавлоно Жомийдин бу қитъа машхурдур:

*Харки нокас бувад дар аслу сиришт,*
*Мунқалиб натавон кардан, эй жигар.*
*Сагмагасро агар куни мақлуб,*
*Қалби ў ғайри сагмагас нашавад.*

Таки Мовароуннахр эли бисёр содалавх элдурлар. Хар нечаи бекобилият бўлсалар, аларга эътимод қилса бўлур. Тахсис ул курси шабистонининг шамъи анваридур, аё гулистонининг андалиби суханвари хазрат Хожа Убайдуллохким, имдод қилибтурлар, то ғоят бу ишларни(нг) давлати ул азизларнинг химматидиндур.

Ул силсиланинг мурид ва асхоби подшохзода деб сенга келсалар, зинхор икром ва эъзозларини марьий тутуб, аларнинг борасида тақсир қилмағайсен. Аларким, ишқ бобинда бўлурлар, северларнинг итини хам северлар.

Таки Хиндустон кайфиятин фатхномадин маълум қилғумдур. Иброхимким, Хиндустон подшохи бўлғай, анинг ўғли қулға тушубтур. Ани сен фарзанди дилбандга йиборилди. Нечукким, анинг ахволиндан хабардор бўлуб, ўзунг муқайяд бўлғайсен. Мундин сўнгким, хар вокеаи юз берса, ирсол қилғумдур. Вассалом. Хуснунг назорасида пайвастамиз. Рахгузир йўқ.

Сўз ушбудирки:

*Жоно, Холиқдин ўзга сўз йўқ.*

## Хазрати Бобуршох Ғозийнинг Хиндистондан Қандахорга саодатманд мирзо фарзандига йўллаган хайрли холномаси

Доно, қадрли ва саодатли фарзанд Мухаммад Комрон баходирга мухаббатли саломдин сўнгра булким, қондош, жондош ва сирдош амалдорларинг билан бирга сабоқ ўқишга саъй-харакат бошлабсен. Бу важдин кўнглим кўтарилиб, дилим яйради, бисёр қувондим. Тенгри таоло даргохидин умидворменким, жами қобилият ва салохият бобинда баркамолу сероб бўлиб, камол топгайсен. Хамиша шу тариқа иш кўриб, асло хатога йўл қўймагайсен. Зеро, хазрати Хожа Хофиздин нақл бўлмиш:

*Пирон сухан зи тажриба гўянду, гуфтамат,*
*Ба он писар, ки пир шави, панд гўш кун.*

Мазмуни: Улуғ одамлар ўз тажрибаларига суяниб гапирадилар. Сенинг сўзларинг пир бўладиган ўша фарзандга, иасихатга қулоқ сол.

Воқиф бўлдимким, хазрати рахматлик ва мархум Султон Хусайн мирзо вафотидан кейин қолган чиғатой эли бу тариқа яшайдурким, улар аксарият Хуросон эли билан бирга юриб, бирга туриб бисёр қобилият ва лаёқат пайдо қилмишлар, латофатдин холи эрмас эмишлар. Гарчи Хуросон эли табъи ёкимли элдур, лаёқатларига тараф йўқ, бовужуд мазхаб ва миллатларида зиқналик бор... Уларнинг сўзига махлиё бўлиб, хушёрликни қўлдан бермагайсен. Турк улусидин отаси қўл очган, онаси тўй бошлаган тартиб-интизомли

кишилар борким, уларнинг оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон нисор айлаб, иссиқ-совуқ, сафар ва ўтроқда бирга бўлиб бир лаҳза ҳам бизни ташлаб кетишмаган. Уларнинг хизмати шойиста, панд-насиҳатлари жўялик. Улар орасидан сўраб-суриштириб, даргоҳингга йўл бериб, ўзингга яқин олиб юр, ғофил бўлмагайсен. Ёшлари кичик бўлса улар билан ҳам кенгашиб, маслаҳатлашиб, уларнинг сўзига амал қилиб, асло ва мутлақо номатлуб ишларда иштирок этмагайсен. Мулоҳазакор беклар билан сенга хайрихоҳ бўлган одамшаванда оддий кишиларким бор, қайсики ёнингга ҳамиша муҳим ишлар юзасидан маслаҳатга келиб турарлар, уларнинг савол-жавобларидан ўзингни тортмагайсен ва кенгашларидан чиқмагайсен. Хушомадгўйлар сўзига алданиб, хайрихоҳлар борким давлатга муносиб сўзларни эшитиб, кўриб-билиб, ёнингга келиб бетингга (бор гапни қандай бўлса шундоқлигича) қаттиқ айтурлар, уларга жаҳлинг чиқмасин. (Гарчи уларнинг гапи эшитар қулоққа) филҳол малол келсада, охири хайрли бўлур.

Масал борким, дўст йиғлатур, душман кулдирур. Дўст билан душманни таниб, шундай бир мақомда амал қилғайсенким...

Мисраъ:

*Жое гул — гул бош ва жойе хор — хор.*

Мазмуни:

Ўрнига қараб, гулга — гул, тиканга — тикан бўл.

Тағин, Қандаҳор лашкари долзарб келади. Ҳар нечук ушоғ одамларнинг гапи билан улар устига отланувчи бўлмағайсен. Мабодо зарурат туғилиб, лозим бўлса, ишбилармон, мажлис кўрган, қонун-қоидадан хабардор, тартиб-интизомли хайрихоҳларингга кўнгил ёзиб, яхши гапларни тайинлаб юбор. Элга яхши сўз айтиб, дилхоҳ бўлиб, истеъдоди мукаммал инсонлар билан ҳамдам бўлгайсен. Узоқ-яқиндин эшитар қулоққа ва кўрар кўзга яхши. Тағин: ножинс, зоти паст кимсаларга ҳар қанча ёқимтой ва қобилиятли бўлсалар, ҳам тарбият қилиб, мамлакатни идора қилишга имдод бермагайсенким, ҳазрати Шайх Саъдийдин қолган гап бор:

*Нокас бо тарбият нашавад, эй ҳаким, кас,*
*Дар боғ лола рўяд ва дар шўра хору хас.*

Мазмуни:

Нокас борки, тарбият билан инсон қилиб бўлмас,
Эй ҳаким, бас, боғда гул унади, шўрхокда хору хас.

Ҳазрати Мавлоно Жомийдин бу қитъа шоён бўлубтур.

*Ҳарки нокас бувад дар аслу сиришт,*
*Мунқалиб натавон кардан, эй жигар.*
*Сагмагасро агар куни мақлуб,*
*Қалбе у ғайре сагмагас нашавад.*

Мазмуни:

Ҳар кимки асли нокас бўлиб яралмиш,
Уни тузатиб бўлмади, жигарим.
«Сагмагас» (итпашша)ни ҳарчанд ўзгартирганда ҳам,
Унинг қалби «Сагмагас» бўлиб қолаверади.

Тағин Мовароуннаҳр эли кўп содда бўлади. Ҳар қанча қобилиятсиз бўлсалар ҳам, уларга ишонса бўлур. Алалхусус, ул фалак доираси зулматининг ёруғ чароғи, ҳаёт бўстонининг суханвор булбули ҳазрат Хожа Убайдуллоҳким имдод қилмиш эрканлар, тоабад бу ишларнинг саромади ул азизларнинг ҳимматидиндур. (Вақтики) ул сулоланинг мурид ва ҳамроҳлари, подшоҳзода тортиб сенга келсалар, ҳамиша иззат-ҳурматларини жойига қўйиб, уларнинг ҳузурида бирон қусурга йўл қўймағайсен. (Хотирларини ранжида қилмағайсен). Уларким, ишқ бобинда бўлурлар, севарларнинг итини ҳам севарлар.

Тағин: Ҳиндистон кайфиятини фатҳномада маълум қилурмен. Ҳиндистон подшоҳи Иброҳимким, ўғли қўлға тушибтур, уни сен жонажон фарзандимга юборилди. Инчунин, унинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, ўзинг назорат остида тутгайсен. Бундан нари бирон воқеа содир бўлса, воқиф қилғумдур. Вассалом. Ҳусну жамолинг тароватига пайвастамиз. Бошқа гап йўқ. Энди Холиқдин ўзга қолар сўз йўқ.

# МУНДАРИЖА

Буюк қомусий асар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 5

## ФАРҒОНА

Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 34
Тўққиз юзинчи (1494—1495) йил воқеалари . . . 47
Тўққиз юз биринчи (1495—1496) йил воқеалари 52
Тўққиз юз иккинчи (1496—1497) йил воқеалари 55
Тўққиз юз учинчи (1497—1498) йил воқеалари 58
Тўққиз юз тўртинчи (1498—1499) йил воқеалари 66
Тўққиз юз бешинчи (1499—1500) йил воқеалари 70
Тўққиз юз олтинчи (1500—1501) йил воқеалари 77
Тўққиз юз еттинчи (1501—1502) йил воқеалари 85
Тўққиз юз саккизинчи (1502—1503) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 89

## КОБУЛ

Тўққиз юз тўққизинчи (1503—1504) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 102
Тўққиз юз ўн биринчи (1505—1506) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 124
Тўққиз юз ўн иккинчи (1506—1507) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 141
Тўққиз юз ўн учинчи (1507—1508) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 152
Тўққиз юз ўн тўртинчи (1508—1509) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 161
Тўққиз юз йигирма бешинчи (1518—1519) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 161
Тўққиз юз йигирма олтинчи (1519—1520) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 181

## ҲИНДУСТОН

Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525—1526) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 184
Тўққиз юз ўттиз учинчи (1526—1527) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 215
Тўққиз юз ўттиз тўртинчи (1527—1528) йил воқеалари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 232
Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқеалари 237
Тўққиз юз ўттиз олтинчи (1529) йил воқеалари 262

## КЎРСАТКИЧЛАР

Киши номлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 276
Жой номлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 296
Кавм-қабила ва насл-насаб номлари . . . . . . . 311
Ҳайвонлар ва ўсимликлар номлари . . . . . . . . 314
Масал ва ҳикматли сўзлар . . . . . . . . . . . . . 319
Китоб ва рисолалар номлари . . . . . . . . . . . 319
Шеърлар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 320

## ИЛОВАЛАР

«Бобурнома»даги узилишлар . . . . . . . . . . . 322
Муборак мактублар . . . . . . . . . . . . . . . . . 330

**Ноширлар ва матбаачилар гуруҳи:**

*Тўхтасин Бобожонов, Одил Раҳимов, Адҳам Зоҳидов, Ибодулла Шоймардонов, Отабек Ғуломов, Евгений Горшенин, Светлана Цхай, Анна Дятлова, Саидазим Акромов, Баҳодир Тўламетов, Александр Дроздов, Алла Шендерева, Абдуғаффор Азизов, Убайдулла Турсунов, Зайниддин Зиёмов, Фаррух Исмоилхўжаев, Бибигул Исроилова, Элла Храпатова, Ольга Блохина.*

**Рассом-дизайнер:**

*Петр Анненков ®*

**Компьютерда безовчилар:**

*Денис Макаренко, Артур Нуруллаев*

**«АРТ Пресс» дизайн фирмасида безакланди.**

Тел/факс: (998 71) 133-41-71

www.artpressltd.com

E-mail:pressart@globalnet.uz

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР**

# БОБУРНОМА

Тошкент
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
2002

Муҳаррир: *Барнобек Эшпўлатов*
Бадиий муҳаррир: *Пётр Анненков*
Техник муҳаррирлар: *Диана Габдрахманова, Лина Хижова*
Мусаҳҳиҳлар: *Абдулла Зокиров, Нозима Мухаммедиева, Юлдуз Бизаатова*
Саҳифаловчилар: *Мастура Атхамова, Татьяна Огай, Любовь Бацева*

Теришга берилди: 15.06.2002. Чоп этишга рухсат берилди: 14.08.2002. Бичими 60х90 1/8. «Академия» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 42,0+4,0 зарв. Нашриёт-ҳисоб табоғи 39,2+3,8 зарв. Буюртма № 3378. Адади 5.000 нусха. Баҳоси шартномада келишилган.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**